

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ
19 ЎНДЛАНМАГА АСОСLANДИ


ЖИНОЯТ БУКРОИЯ
КОДЕКСИГА

ШАРХЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

ЖИНОЯТ ИЖРОИЯ КОДЕКСИГА ШАРҲЛАР

Тошкент – 2007



Жиноят ижроия кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. –574 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

- Тақризчилар:** 1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари **А.А.Шодиёв**
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди “Жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъати” раиси ю.ф.н. **Д.Ж.Суюнова**
3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ходими **Б.Наимов**

Муаллифлар:

М.Ҳ.Рустамбоев, (4-боб), **Б.Ж.Ахраров**, (2, 21-боблар), **Ғ.Абдумажидов**, 1, 28, 29, 30, 31-боблар), **Р.А.Зуфаров**, (9-боб), **Қ.Р.Абдурасулова**, (3-боб), **О.Ғ.Зокирова**, (13-14-боблар), **М.Усмоналиев**, (7-боб), **П.Б.Бакунов**, (16-боб), **Қ.П.Пайзуллаев**, (26, 32-боблар), **У.Ш.Холикулов**, (33-34-боблар), **С.С.Ниёзова**, 17-20-боблар), **Ғ.О.Эрматов**, (23, 25-боблар) **Ш.Ё.Абдуқодиров**, (5-6-боблар), **Д.Ф.Фозилов**, 12, 24-боблар), **У.М.Мирзаев**, (8,22-боблар), **Э.О.Турғунбоев**, (10-11-боблар), **М.К.Ўрозалиев**, (27-боб), **Ў.Ч.Ўтаев**, (15-боб).

Жиноят-ижроия кодексининг ушбу шарҳи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларга, мазкур масала юзасидан илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга, амалиёт ходимларига, шунингдек шу соҳада изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун мўлжалланган.

© Муаллифлар жамоаси.

© Тош ент давлат юридик институти, 2007 йил.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ривожланган мамлакатлар ичида ўзининг Конституцияси ва амалга ошираётган ислохотлари билан ўзига хос нуфузга эга. Жумладан, мустақилликнинг ўтган қисқа даври мобайнида суд-ҳуқуқ ислохоти соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами бир неча ўн йилликларга тенгки, уни алоҳида ўрганиб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. «Жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқлари, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, - дейди Президентимиз И.А.Каримов, - уни ҳаётининг эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислохот, янгиликларни ҳақидаги барча сўзларимиз, сазой-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади»¹.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг қонунларини халқаро андозаларга мослаштириш халқаро талабларга жавоб бера оладиган қонунларни қабул қилиш вазифаларини баҳамжиҳатлик билан ҳал этмоқда. Гарчанд давлат жинойатчилиқдан бутунлай холи бўлиш имкониятига эга бўла олмасда, лекин унинг олдини олиш, унга қарши курашни, жинойатчиликни тергаш ва жазолаш масалалари ҳам адолатли қонун нормалари билан тартибга солинади. Гарчанд давлатнинг равнақига, унинг ривожланишига жинойатчилик жиддий тўсик бўлишига қарамай давлат бундай иллатга фақат адолатли қонун билангина курашади. Жинойатчилик ҳам ижтимоий тарихий ҳодиса, у ҳар бир даврнинг ўзига хос кўринишларига эга, жумладан ўтиш даври жинойатчилигидан ҳам ўзига хос хусусиятларини касб этади.

«Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски коррупция ва жинойатчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жинойатчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсик, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради» деб айтган эди И.А.Каримов².

Жинойат-ижроия кодексига ёзилган ушбу шарҳда ўқувчи ҳозирги пайтда республикамиздаги жазони ижро этиш колониялардаги маҳбусларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, турли хилдаги жиноий жазоларни ижро этиш, жиноий жазоларни ижро этиш қонун-қоидалари,

¹ Каримов И.А. Адолат-фаолиятимиз асоси бўлсин. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 59-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср буссағасида. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 85-б.

уларни қай тарзда тайинланиши ва озод қилиш қондалари билан ба-
тафсил танишиб чиқиш имкониятига эга бўлади. Шу баробарида, бир
қатор моддалар шарҳида айрим ривожланган хорижий мамлакатлар-
нинг жазоларни ижро этиш билан боғлиқ сўнги маълумотлар ҳам ўз
аксини топган.

Жиноят ижроия ҳуқуқининг ушбу шарҳи Ўзбекистон Республи-
касида ҳуқуқнинг ушбу соҳасида ёритилган ўзбек тилидаги биринчи
шарҳ бўлиб ҳисобланади. Унинг яратилиши нафақат ҳуқуқшунослар
ёки талабаларнинг бу масалалар билан танишиш ва билимларини
ошириш борасида, балки жазони ижро этиш идора ва органларининг
ишларини ташкил этишда ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш бораси-
да ҳам ҳуқуқий манбаларни таҳлил қилиб бўлади.

Ушбу шарҳ муаллифлари илгариги Ахлоқ тузатиш кодекси
билан (1970 йил 24 июндаги) таққослаш ва унинг фарқларини тушун-
тиришга ҳам тўхталиб ўтдилар ва натижада Жиноят-ижроия кодекси-
нинг афзалликлари, замонавий талабларга мувофиқлиги масалалари-
ни ёритиб бера олдилар.

Жиноят-ижроия кодексига ёзилган ушбу шарҳда нафақат жазо-
ларни ижро этиш бўйича олий ёки махсус ўқув юртлари талабларига,
балки жазони ижро этиш соҳаси ходимлари, илмий мутахассислар ва
бошқа қизиқувчиларнинг ҳам билимларини оширишда катта имко-
ниятлар яратиб бера олади деган умиддамиз.

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланади ҳамда ушбу Кодексдан, шунингдек унга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларидан ташкил топади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари:

жиноий жазони, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш иринциплари, тартиби ва шартларини;

маҳкумларнинг ҳуқуқий мақомини;

маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш тартибини;

маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини;

жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартибини;

маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштирокини белгилайди.

1. Ҳуқуқ билан тартибга солинадиган барча ижтимоий аҳамиятга молик муносабатларда, жиноят учун суд томонидан тайинладиган жазони ва бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Жиноят учун жазо ва турли таъсир чораларини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва уларга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларига асосланган бўлиши лозим. Ушбу белгиланган тартибдан четга чиқиш, унда назарда тутилмаган бирор усул ва воситаларни жорий қилиш ёки улардан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ, суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар барча давлат органлари, муассаса, корхона ва ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир. Уларни жиноят ишлари бўйича қандайдир ҳолатларни рўқач қилиб бажармаслик тегивлича маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

3. Жиноят учун белгиланган жазо ва бошқа таъсир чораларини ижро этишга оид қонун ҳужжатларини жиноят-ижроия қонунлари

деб номланади. Илгари бу соҳа қонунлари ахлоқ тузатиш - меҳнат қонунлари деб аталар эди. Ушбу ном жинойи жазоларнинг асл мазмуни ва моҳиятини тўлалигича қамраб ололмади. Чунончи, жинойи жазоларнинг барча турлари ҳам маҳкумни меҳнатга жалб қилиш – ахлоқини тузатиш, ўқув-тарбия усулларидан фойдаланиш орқали ижро этилмади. Жазони ижро этувчи муассасалардан белгиланган жазони ўтаб ёхуд муддатидан илгари озод этилган шахсларнинг ҳаммаси ҳам ахлоқан тузалган, ҳалол ҳаёт кечириш йўлига кирган, пок виждонли, бенуқсон бўлиши кийин. Бундай даражага эришиш учун фақат жазони тўғри ижро этиш етарли эмас. Бу борада қонун ҳужжатлари, шу жумладан мазкур Кодекс жиноят учун тайинланган жазони ва бошқа таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартларини, маҳкумларни турли тоифаларининг ҳуқуқий мақомини; маҳкумни ахлоқан тузатиш воситалари ва уларни қўллаш тартибини; маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш тартибини; жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолият юритиш тартибини, шунингдек, бу фаолиятда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхона, муассаса, ташкилотларнинг, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг фаол иштирок этишини таъминлайдиган қоидаларни белгилайди.

2-модда. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

1. Жазони ижро этиш қонун ҳужжатларининг вазифаси жиноят ва жазо тўғрисида қонунларнинг вазифалари билан ҳамоҳанг. Бирок Жиноят кодексига нисбатан Жиноят-ижроия кодексига унинг вазифалари биров мухтасар баён этилиб, давлат ва жамият манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, ижтимоий хавфсизлигини жинойи тажовузлардан кўриқлаш қабилар алоҳида таъкидланмаган. Шундай бўлса-да, жазони ижро этиш орқали бу хил тажовузларга қарши курашиш ҳам амалга оширилади.

2. Жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифаси бевосита жазо самарали ижро этилишини таъминлаш, маҳкумларнинг ахлоқини тузатиб, қонунга итоаткор бўлишларига эришиш, шунингдек, улар ҳамда бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олишдан иборат. Айни вақтда ушбу моддада алоҳида таъкидланганидек, Кодекс маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутади. Бинобарин, жазони ижро этишга қаратилган фаолият ижтимоий адолатни тиклашга қаратилган. Жиноят учун муқобил жазо белгилаш билан бирга, жазони қонунга муносиб ижро этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг оқибатларидан фойдалана олмаслиги, аксинча, бошқаларга етказган зиённинг қопланишига эришиш лозим, токи ҳеч ким жиноят туфайли жисмоний, моддий ёки маънавий зарар кўрмасин. Жазонинг ижро этилиши жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳам таъминлайди.

3. Маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш – жазони ижро этишнинг олдига қўйилган туб вазифасидар. Маҳкумларга нисбатан қўлланадиган барча чоралар биринчи навбатда уларни келгусида қонунга итоаткор бўлишларига қаратилмоғи зарур. Маҳкум самарали, турлитуман таъсир чоралари қўлланиши орқали ҳуқуқий жиҳатдан тузилиши соғлом бўлишига эришиш жазони ижро этиш органлари ва муассасаларнинг асосий вазифасидир.

4. Жазони ижро этиш тўғрисидаги қонун меъёрлари барча маҳкумлар учун ягонадир. Лекин жазони ўтаётган маҳкумларнинг жазога ва уни ўташга нисбатан муносабатлари бу жараёнга ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Қилмишдан чин қалбдан пушаймон бўлган, жазо чораларини ўташга виждонан муносабатда бўлган ҳамда буни ўз бурчи сифатида тан оладиган маҳкумлар билан жазони ўташдан бош тортишга мойил, тартиб-қоидаларга риоя қилишдан қасддан бўйин товлаган, бошқа маҳкумларга тазйиқ кўрсатаётганларга бир хилда талаб ва шарт-шароитлар белгилаш мақсадга мувофиқ бўлмас эди. Маҳкумларга жазони ўташни ҳам индивидуаллаштирилиши ва дифференциаллаштирилиши лозим. Жазони ўташ чоғида интизомий таъсир кўрсатиш ва рағбатлантириш чоралари ўз маромида қўлланмоғи шарт. Шундагина жазони ижро қилиш вазифалари самарали бажарилиши мумкин.

5. Жиноят содир этиш ҳолларининг олдини олиш чоралари бир неча йўналишда амалга оширилади. Даставвал, жазони ўташ муассасаларида маҳкумларнинг жиноий фаолиятини давом эттирмаслигини

таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Иккинчидан, ҳар бир маҳкум жазони ўтаб бўлгач ёки уни ўташдан озод этилганидан сўнг яна жиноят йўлига кирмаслигига қаратилган чора-тадбирлар кўришни унутмаслик лозим. Улар ўз истиқомат жойларида ёхуд меҳнат, ўқув юрти жамоасида эътибордан четда қолмаслигига қаратилган чора-тадбирларни кўриш даркор. Улар ўз истиқомат жойларида ёхуд меҳнат, ўқув юрти жамоасида эътибордан четда қолмаслигига қаратилган “ҳомийлик”ни ташкил этиш зарур, токи бундай шахслар ҳалол турмуш қоидаларига старлича мослашсинлар. Учинчидан, жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, жазо ўташ жараёнларининг одилона ва оқилона ташкил этилганлиги бошқалар учун сабоқли бўлиши, ҳеч ким жиноят содир этишга мойил бўлмаслигини таъминлаш йўлида хизмат қилиши зарур. Собиқ маҳкумларнинг ижтимоий соғломлаштириш ҳамда жамиятга қайтариш бошқа фуқароларни ҳам ҳар қандай иқтисодий ёхуд маънавий таназул шароитида жиноятга мурожаат қилмаслиги, ҳар бир инсон жиноятчиликка қарши курашда зарур ҳамкорлик ва назорат руҳида фаол ҳаракат қилишига эришиши зарур.

6. Модда матнидаги сўнгги жумла мамлакатимизда инсон энг олий қадрият эканлиги тўғрисидаги олий конституциявий қондага асосланган. Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан чекланмаган манфаатлари ҳар қандай ҳолат ва шароитларда эъзозланиши Ўзбекистон халқининг азалий ҳислатларидан биридир. Маҳкумларнинг тегишли ҳаёт шароитлари таъминланиши, уларнинг сиҳат-саломатлиги, меҳнат ва маърифатга иштиёқлари, нодир иқтидорларини намоён эта олишлари учун зарур имконият ва шарт-шароит яратиб берилмоғи лозим. Юқорида келтирилган вазифалар жазони ижро этиш муассасалари ва барча ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммаларига юклатилган.

3-модда. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг амал қилиши

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади.

Жазони ижро этиш ва маҳкумларни ахлоқан тузатиш восталари амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

1. Жиноят учун белгиланган жазо ва бошқа таъсир чораларини ижро этиш тўғрисида қонун ҳужжатлари ушбу Кодекс ва унга мувофиқ қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатлари билан чекланади. Уларда ташқари Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида бу соҳага

алоқадор айрим қонун-ҳужжатлар ва ҳукумат қарорлари ҳамда турли вазирлик ва идораларнинг норматив тусдаги низомлари, буйруқлари ҳам қўлланиши мумкин, лекин бундай ҳужжатлар қонунга зид бўлмаслиги шарт.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг расмий қабул қилинган норматив ҳужжатлари ушбу Кодексда назарда тутилган масалаларга оид муайян тартиб-қоидаларни кўзда тутлади. Жумладан, маҳкумларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоячи билан учрашиш тартиби, маҳкумларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарлиги, шунингдек, давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа шахсларнинг жазони ижро этувчи муассасалар ва органларга кириш тартиби каби масалалар Ушбу Кодекснинг 9-, 10-, 13- ва 18-моддаларига биноан қонун ҳужжатларида ва қонуности норматив ҳужжатларида тартибга солинади. Норматив ҳужжат бир идоранинг ўз ваколати доирасида, кўпинча бир неча вазирлик ва идоралар томонидан Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда қабул қилинади. Энг жиддий масалалар бўйича Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этишга доир низомлари ва дастурлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Молия, таълим вазирликлари билан ҳамкорликда тайёрланиб, амалга киритилади. Масалан, жиноий жавобгарликка тортилган ҳарбий хизматчилар томонидан жазони ўташга оид айрим қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Бош прокуратуранинг қўшма буйруғига риоя этган ҳолда ҳал этилади.

Бу ҳақда батафсил мазкур Кодекснинг 25-бобига берилган шарҳларга қаранг. Норматив ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослиги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан текширилиши мумкин.

3. Жиноят учун тайинланган жазо ва бошқа таъсир чоралари уларни ижро этиш чоғида амалда бўлган қонун ва норматив-ҳужжатлари қўлланади. Бу соҳада ҳеч қандай қонун орқага қайтиш кучига эга эмас. Жазони ижро қилиш вақтида амалда бўлган қонун илгари, хусусан жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган қонунга қараганда жиддийроқ тарбиявий чора кўришни, маҳкумга озроқ имтиёзлар беришни кўзда тутса-да ва жазони ўташ шароитларини кескинлаштирса-да, қўлланиши мажбурийдир.

4-модда. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқнинг жазони ижро этиш ва маҳкумлар билан муомалада бўлишга тааллуқли принциплари ва нормаларини инобатга олади.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари маҳкумларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний ёки камситувчи муомала турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларга зид бўлиши мумкин эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

1. Мазкур Кодекс жиноят учун тайинланадиган жазо ва таъсир чораларини ижро этишга оид асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. У жиноят кодексига тўла мос ва баъзи масалалар бўйича анчайин муайянлаштирувчи меъёрларни кўзда тутди. Айниқса вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатиш, ақли норасоларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўриш, шартли ҳукм этилганлар ҳамда жазони ижро этиш муҳлати кечиктирилганларнинг ахлоқи устидан назорат юритиш масалалари етарли даражада аниқлаштирилган.

2. Жазо ва тарбиявий чораларни ижро этиш борасида ушбу Кодекс, бир томондан, маҳкумларга, иккинчи томондан, жазони ижро этувчи муассаса ва органларига нисбатан қатъий талаблар қўяди. Маҳкумларни жазолашда ва мажбурлашда уларга нисбатан муносабат фақат қонунда назарда тутилган меъёр доирасида бўлиши мумкин. Ўзбекистон қонунчилигида давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар жазони ижро этиш вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Жазони ижро этишда демократизм, ошкоралик, инсонпарварлик каби тамойилларга суяниш самарали натижалар бериши назарда тутилган. Ушбу кодекс маҳкумларни ўз вақтида жинойи жазодан озод этиш, уларга ёрдам бериш, ижтимоий ҳимоя идораларига зарур маълумотларни йўллаб, айниқса озодликка чиққанларга дастлабки кун ва ҳафтаalarda турмуш чорраҳаларида адашмасликлари учун ғамхўрлик кўрсатишга чорлайди.

3. Мазкур Кодекс моддалари умумбашарий мезонларга ва андозаларга тўла мос келади. Ундаги барча қондалар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ва Ўзбекистон Республикаси номидан имзоланган ёхуд ратификация қилинган шартнома ва битимларга ҳамоҳанг. Агар мазкур Кодекс ва жазони ижро этиш тўғрисида бошқа қонун ҳужжатларидаги қондалар халқаро шартномаларнинг бирор нормасига зид эканлиги аниқланса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро қондалар амалда бўлади. Бажариш мажбуриятларини Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро меъёрлар миллий қонунларимиздан устун ҳисобланади. Жазони ижро қилувчи муассасалар ва органлар ана шу устуворликни инobatга олиб, ўз фаолиятларида тузиладиган расмий ҳужжатларида миллий қонунларимиздан устувор ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасалар ва органлар ушбу устуворликни инobatга олиб, ўз фаолиятларида тузиладиган расмий ҳужжатлари билан бир қаторда тегишли халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам ҳавола қилишлари мумкин.

4. Кенг тан олинган ҳуқуқий ҳужжатлардан айниқса Бирлашган Миллатлар ташкилоти қабул қилган қуйида санаб ўтилганлари алоҳида аҳамият касб этади: 1) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил); 2) Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт (1966 йил); 3) Қийноқ ҳамда муомала ёки жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз ёки инсонийликка зид ёхуд кадр-қимматни камситувчи турларига қарши декларация ва шу ҳақда Конвенция (1987 йил); 4) Ҳуқуқий тартибни таъминловчи мансабдор шахсларнинг хулқ атвори тўғрисида кодекс (1975 йил).

Шунингдек, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг зўрлик ёки мажбурий меҳнат тўғрисида Конвенцияси (1930 йил), Умумжаҳон тиббиёт ассоциациясининг Камоққа олинган ёхуд мажбурий ушлаб турилган шахсларни қийнаш, қаттиқ шафқатсиз ёки инсонийликка зид кадр-қимматини камситишнинг олдини олишга оид тиббий ахлоқ-одоб тамойиллари тўғрисида Декларация (1975 йил) каби халқаро ҳужжатлардаги талаблар ҳам жазони ижро этиш жараёни учун мажбурийдир.

Мазкур соҳа бўйича қабул қилинган махсус халқаро ҳужжатлар ҳам мавжуд. Улар сирасига Қамоқдагилар билан муомала қилиш қондаларининг минимал андозалари (1955 йил), Қандай бўлмасин ушланган ёхуд сақланаётганларни ҳимоялаш тамойилларининг мажмуаси (1988 йил) каби халқаро ҳужжатларни киритишимиз мумкин. Уларга риоя қилинишини турли халқаро ташкилот вакиллари ва экспертлари кузатиб борадилар.

Худди шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга доир андозавий минимал қоидалар (1985 йил), Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларни ҳимоялаш бўйича қоидалар (1990 йил) ҳам Ўзбекистон Республикасининг минтақага хос ижтимоий, иқтисодий, маданий ривожланиш шароитларини эътиборга олиб қўлланади.

5-модда. Жазони ижро этиш асоси

Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори, шунингдек амнистия ёки афв акти асос бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига биноан суд чиқарган ҳужжатлар (ҳукм, ажрим, қарор) барча давлат органлари, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, жамоят бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Уларнинг мазмунини тегишли суднинг рухсатисиз ўзгартириш, ижросини тақиқлаш, тўла ёки қисман тўхтатиш, кечиктириш қонун бўйича жавобгарликка сабаб бўлади.

2. Суд ҳужжатлари ижро этилиши учун тегишли мансабдор шахсларга юборилади. Мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёки уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши жиноят сифатида таъкиб қилинади (ЖК 232-моддаси).

3. Ушбу моддага мувофиқ жазони ижро қилиш учун асос фақат жиноят ишлари бўйича одил судловни амалга оширишга ягона ваколатли давлат ҳокимияти – тегишли суднинг чиқарган ва қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими, қарори ҳисобланади. Суднинг ҳукми, ажрими, қарори устидан шикоят ёки протест берилган ҳолда жиноят ишини юқори поғона суди томонидан апелляция, кассация ёки назорат тартибида кўриш натижалари баён этилган ажрим ёки қарор жазони ижро этиш учун асос бўлади.

4. Суд ҳужжатларини ижро этишда Олий Мажлис Сенатининг амнистия акти ва индивидуал афв қилиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳам инобатга олинади, чунки, қоидага кўра, уларда маҳкумни жазодан тамомила ёхуд қисман озод қилиш назарда тутилади.

6-модда. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принциплари

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари қонунийлик, адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбурлов воситаларини оқилона қўллаш ва маҳкумларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини рағбатлантириш принципларига асосланади.

1. Ушбу моддада бевосита кўрсатилган жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг принципларидан қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва демократизм жиноят қонунчилигида ҳам назарда тутилган ва мазмунан ифодаланган (ЖК 4-, 6-8-моддалари).

Унда қонунийлик принципига мувофиқ қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат қонун билан белгиланиши, ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмағи туриб жазоланиши мумкин эмаслиги, маҳкум қонунда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиши ва фақат унда кўрсатилган мажбуриятларни бажариши таъкидланган.

Одиллик принципига кўра шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари одилона меъёردа бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига ва айбдорнинг ижтимоий хавфлилики даражасига мувофиқ бўлмоғи шарт.

Инсонпарварлик принципи жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр қимматини камситиш мақсадини кўзламай, маҳкумни ахлоқан тузатиш ва яна жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлишини таъминлашга йўналтирилган.

Демократизм принципи жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки турли жамоалар маҳкумларнинг ахлоқини тузатиш, тарбиявий ишларда жалб қилинишларини талаб қилади.

Бундан ташқари жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштириш принципи содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражаси ва уни содир этишнинг хусусиятларини эътиборга олишни тақозо қилади. Шу принципнинг муҳим кўриниши тарзида маҳкумларга нисбатан мажбурлов чораларини оқилона мезонларда қўллаш, аynи вақтда унинг намунавий хулқ-атворини эътиборга олиб рағбатлантириш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ушбу Ко-

декснинг муайян моддаларида назарда тутилган. Уларни амалга ошириш ҳар бир жазони ўтаётган маҳкумнинг қундалик хулқ-атвори ҳамда турли вазиятларда қонунга итбаткорлигини кузатишга боғлиқ.

7-модда. Маҳкумни ахлоқан тузатиш. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари

Маҳкумни ахлоқан тузатиш – унда қонунга итбаткор хулқ-атвори, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қондалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатини шакллантиришдан иборат.

Маҳкумни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларига жазони ижро этиш ва ўташнинг белгиланган тартиби (режими), ижтимоий-фойдали меҳнат, тарбиявий иш, умумий ва ҳунар таълими, касб тайёргарлиги ва жамоат таъсири киради.

Ахлоқан тузатиш воситалари жазо турини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий ҳавфлилик даражасини, шунингдек маҳкумнинг шахси ва хулқ-атворини инбатга олган ҳолда қўлланилади

1. Маҳкумни ахлоқан тузатиш уни қонун талабларига итбат қиладиган ахлоқ-одоб қондаларига мос, бошқаларнинг манфаатларини эъозлайдиган, адолатли, пок инсонга хос юксак хулқ эгаси бўлишига эришишдан иборат. Ахлоқни тузатиш узок муддат ва сабр-қаноат талаб қилади. Маҳкумга айтилган ҳар бир насиҳат сўзи ва унинг зиммасига юклатиладиган ҳар қандай вазифа тушунарли ва реал бўлмоғи лозим. Маҳкумга ҳалол турмуш қондаларини тушинтира билиш, уни намунавий, оқил ва одил бўлишига муттасил кўмаклашиш зарур. Айни вақтда ҳар бир маҳкумни салбий хулқ-атворидаги бошқа маҳкумларнинг таъсирдан асраш ҳам ўта муҳим вазифадир.

2. Ахлоқан тузатишнинг асосий воситалари Кодексда равшан баён қилинган. Уларнинг тури ва жиддийлик даражасини қонун асосида ва турли вазиятларни ҳисобга олиб танланиши талаб қилинади. Ахлоқни тузатишга қаратилган катта-кичик воситалар ўз ўрнида ва вақтида қўлланиши шарт. Бирданига жиддий интизомий таъсир чорасини қўллаш ҳам, энг юқори рағбатлантириш ҳам амалиётда ўзини оқламайди.

3. Ҳар бир маҳкумга у жазони ўтаётган муассасадаги интизомий тартиб-қондалари батафсил тушинтирилиши, сўнгра бу қондаларга

қатъий риюя қилишга оид талаблар қўйилиши шарт. Чунончи, жазони ўташ тартиби, меҳнат қилиш, умумий ва махсус ҳунар таълими олиш, касб ўрганиш, тарбиявий ишларда иштирок этишга оид қоидаларни батафсил тушинтириш, уларни маҳқумнинг онгига сингдириш дастлабки вазифадир.

4. Маҳқумга нисбатан интизомий жавобгарлик ва жазо фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ва меъёрларда қўлланиши мумкин. Унга нисбатан рағбатлантириш ва имтиёзли имкониятлар барпо этиш эса, аксинча, қонунда кўрсатилган ҳоллар ва даражадан афзалроқ бўлишига йўл қўйилади. Рағбатлантириш ва мажбурлаш чоралари маҳқумнинг жазони ўташ жараёнидаги ўрнатилган тартиб-қоидаларга нақадар риюя қилишига боғлиқ. Улардан ўз вақтида ва меъёрида фойдаланиш зарур. Уларни зарур ҳолларда қўлламаслик ёки ҳаддан ташқари кам ёхуд беҳуда қўллашлик маҳқумлар орасида норозилик туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

5. Маҳқумлар билан тушинтириш ва ахлоқ тузатишнинг барча воситалари шундай асосли ва одилона олиб борилиши лозимки, ҳар бир маҳқум ўрнатилган тартиб-қоидаларни онгли равишда, виждонан ҳурмат қилиши, айни вақтда бошқа маҳқумлар ҳам шундай муносабатда бўлишни талаб қилиши одат тусига кириши зарур.

6. Жазони ижро этиш муассасасида юз берган ҳар бир ижобий ёхуд салбий воқеалик ва маҳқумларнинг ўзаро муносабатлари имкон борича барча маҳқумлар даврасида муҳокама қилиниши ва уларнинг жамоа фикрига таъсир этишига эришиш одатда, ижобий натижалар беради.

7. Жазони ижро этиш принциплари ва маҳқумлар даврасида соғлом муҳит қарор топиши учун уларни бир-бирларига ҳурмат, ўзаро қўмақдошлик, тенглик, адоватсизлик ва ошкоралик руҳида тарбиялаш айниқса зарур. Баъзи маҳқумларга уларнинг ёши, ҳаёт тажрибаси, илмий ва ижтимоий мавқеига, касби, сиҳат-саломатлиги ва бошқа хусусиятларини инобатга олиб мулоқатда бўлиш ижобий натижа беришини унутмаслик шарт.

8. Ахлоқни тузатиш воситаларининг самарали услуби маҳқумнинг хулқ-атвори устидан қатъий назорат олиб боришдан иборат. Бундай назорат жазони ижро этиш муассасалари ва органларининг масъул ходимлари, вақти-вақти билан амалга ошириладиган прокурор текширувлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ходимлари, вояга етмаганлар бўйича комиссияларнинг кузатувлари шаклида амалга оширилади. Ахлоқни тузатиш

Йўлида маҳкумларнинг ота-оналари, яқин қариндошлари иштирокида олиб борадиган кенгашлар ҳам кўмакдош бўлишини ташкил этиш лозим.

9. Ниҳоят, жазони ижро этиш муассасаларида маданият, таълим-тарбия, санъат ходимлари, атоқли олимлар ва фахрийлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш тарзидаги тадбирлар ўтказиб туриш ҳам одат тусига кирмоғи мақсадга мувофиқ. Ахлоқ-одоб, одиллик ва анъанавий урф-одатларни тарғиб қилишда турли дин мазҳабларининг вакилларидан фойдаланиш ҳам ижобий натижалар бериши мумкин.

2-БОБ. МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

8-модда. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асослари

Маҳкумлар, ушбу Кодекс ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

1. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини умумий тарзда берган аввалги Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексидан фарқ қилиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига бу муҳим масалаларга алоҳида олтита моддадан иборат боб ажратилган бўлиб, унда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатининг умумий масалалари тартибга солинган. Бундан ташқари жазонинг тури ва қандай эканлигига нисбатан ЖИКнинг Махсус қисмида ҳам бу масала янада аниқлаштирилган. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши муносабати билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг эътироф этилиши ва уларни ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ости норматив ҳужжатларда эмас, балки қонун даражасида мустақамланган. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг қонун даражасида белгилаб олиниши алоҳида аҳамиятга эга масалан, биринчидан, маҳкумлиқ ҳолатини қонун даражасида белгиланишини таъминласа, иккинчидан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисобланади, учинчидан эса, қонун устуворлигини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати – бу жазони ижро этишда вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг ҳулқи билан боғлиқ бўлган асосий фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборатдир.

Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг белгиланиши сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, жумладан, сиёсий жиҳатдан жамият ва давлатнинг маҳкумга бўлган муносабатини англатади. Чунончи маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати жамиятнинг ижтимоий иқтисодий тузумига боғлиқ бўлган жазонинг мақсади билан белгиланади. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг қонун даражасида белгиланишининг амалий аҳамияти жазонинг мақсадини амалга оширишнинг усул ва воситаларини англатади. Шунинг учун ҳам маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатларининг сиёсий ва амалий аҳамияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Жазони ўтаётган маҳкумлар уларнинг жазоси қандай бўлмасин ўз мажбуриятларини бажарадилар, қонунда белгиланган доирада суд ҳукмида белгиланган тартиб билан боғлиқ бўлган ҳолатларда белгиланадиган ҳуқуқлардан фойдалана оладилар. Бунинг мазмуни шундаки, жазонинг тури ва мазмунидан келиб чиққан ҳолда маҳкум асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ҳамда жамият аъзолигидан маҳрум этилмайди. Уларда ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг субъекти бўлиб қолиш ҳуқуқи сақланиб қолинади. Аммо маҳкумлар ҳуқуқий ҳолати бошқа фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатидан фарқ қилади. Бу фарқ маҳкумга жазо кўллаш, руҳий ва моддий изтироб келтириш билан белгиланади. Бунда маҳкумга етказиладиган изтироб маълум ҳуқуқий чеклашлар, яъни бошқа фуқароларга нисбатан ёмонроқ бўлган шароитдаги ҳуқуқий ҳолатда белгиланишидир.

Шарҳланаётган модданинг 1-қисмидан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Жиноят ёки Жиноят ижроия кодексларида назарда тутилган асосларда ва фақат суднинг ҳукми билангина чекланиши мумкин. Бундай чеклаш аниқ жазо турининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқади. Маҳкумнинг қолган ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари сингари қонун билан ҳимоя қилинади. Давлат маҳкумни жазолаш орқали уни муайян жазо чораси моҳиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилса-да, бошқа барча ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятини сақлаб қолади. Бошқа ҳуқуқ ва манфаатлар деганда, жамият аъзолиги, фуқаролик ва оилавий муносабатлар, мулкӣ ва бошқа ҳуқуқлар ва ҳоказолар назарда тутилади. Маҳкумлар жазо ўташ жараёнида ҳам фуқароликдан келиб чиқадиган мажбуриятлардан озод этилишлари мумкин эмас. Лекин айрим қонун ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно (масалан, озодликдан

махрум қилинган маҳкум ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши мумкин эмас, сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқидан маҳрум, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқлари сақлансада, лекин фойдаланиш ҳуқуқи берилмайди ва ҳоказолар). Маҳкумлар ҳам эркин фуқаролар қатори ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини шахсан ёки қонуний вакиллари орқали суд йўли билан ҳимоя қилишга ҳақлидирлар.

2. Ҳукм қилинган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишлари мумкин ва шу билан бир қаторда улардан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбуриятларга тўлатуқис риюя этишлари талаб этилади. Бундай шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ҳолатидан келиб чиқади. Агар чет эл фуқароси мансуб бўлган давлат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида жиноий жазоларни ижро этиш бўйича ўзаро битимлар тузилган ҳамда битим қоидалари юзага келган вазиятга тааллуқли бўлган тақдирда мазкур битим ёки шартномада кўзда тугилган қоидалар қўлланади.

3. Шарҳланаётган моддада (2-қисм) маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати уларга тайинланадиган муайян жазо тури, уни ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиқиши тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Маҳкум ҳуқуқий ҳолатининг дастлабки чекланиши маҳкумга белгиланган жазонинг турига боғлиқ бўлади. Жазо маҳкумни озодликдан маҳрум этишга қаратилган бўлса, у озодликдан маҳрум қилиниб, жамиятдан ажратилади, эркин ҳаракатланиш, ўз хоҳиши бўйича иш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқидан тўла маҳрум этилади. Кейинчалик жазони ўташ жойининг турига ҳамда жазони ижро этиш муассасаси режимига қараб яна бошқа ҳуқуқлари ҳам чекланади. Жазони ўташ жойларида озод шахслардан фарқли равишда умумжамоат қоидаларини бажариш мажбуриятлари келиб чиқади. Жумладан, ўзининг ётиш ва юриш жойларини озода сақлаш, шахсий озодаликка риюя қилиш каби мажбуриятлар юклатилади.

9-модда. Маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари

Маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида

ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;

Ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилadi. Жавобни қамок жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;

тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш;

Ўқув, бадий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

ижтимоий таъминот, шу жумладан қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнабий фуқаролар шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини рўйбга чиқариш тартиби ушбу Кодекс, бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Ушбу моддада маҳкумлар ҳуқуқларининг аниқ рўйхати келтирилган бўлиб, мазкур ҳуқуқлар умумий хусусиятга эга. Яъни бу рўйхатда маҳкумларнинг асосий ҳуқуқлари берилган бўлиб, маҳкумларга тайинланadиган муайян жазо тури, уни ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиқиб, бошқа ҳуқуқлар ҳам мавжуд. Шарҳланаётган моддада (1-қисм) маҳкумларнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида, шунингдек, жазони ўташ режими шартлари ҳамда муассасанинг ички тартиб қоидалари тўғрисида маълумот олиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бу ўз навбатида жазони ижро этувчи муассасага бундай маълумотларни тақдим қилиш мажбуриятини юклайди.

2. Шарҳланаётган моддада (2-қисм) маҳкумларнинг ўз она тилида ёки бошқа тилда ўз номидан муассаса маъмурияти, бошқа орган ва жамоат бирлашмаларига таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Маълумки, ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир, таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаати бўлса, шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир. Ёзма шикоятлар ва аризаларни маҳкумлар фақат муассаса маъмурияти орқали берадилар. Мазкур модданинг 3-қисми ушбу ҳуқуқларнинг мантқиқий давоми бўлиб, маҳкумларнинг ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Агарда маҳкумнинг мурожаатига жавоб мурожаат этилган тилда берилмаса, уни таржима қилиш муассаса маъмурияти томонидан таъминланади. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 8 майдаги 118-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари”да батафсил ёритиб берилган бўлиб, унга кўра ёзма таклифлар, аризалар ва шикоятлар кўрсатилган манзилга жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти орқали юборилади. Прокурор номига йўлланган таклифлар, ариза ва шикоятлар цензура қилинмайди ҳамда кўрсатилган манзилга кечи билан бир суткалик муддат ичида юборилади. Таклиф, ариза ва шикоятларни муассаса маъмуриятини четлаб ўтиб, қонунга хилоф йўллар билан жўнатиш муассаса режимини бузиш ҳисобланади.

Маҳкум таклиф, ариза ва шикоятни фақат ўз номидан ҳамда фақат ўз шахсига тааллуқли масалалар юзасидан беради. Шахслар гуруҳи номидан ёки бошқа маҳкумлар учун, шунингдек бошқа шахсларга тааллуқли ҳолатлар юзасидан таклиф, ариза ва шикоятлар беришга рухсат этилмайди. Йўқловлар, посилкалар олиш, учрашувлар, телефон орқали сўзлашувларга рухсат олиш, тиббий ёрдам кўрсатилиши, ашёвий мол-мулк билан таъминлаш масалалари ҳамда амалда жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан

ҳал этилиши мумкин бўлган бошқа масалалар юзасидан юқори идораларга юборилган таклиф, ариза ва шикоятлар бу идоралар ёки тегишли мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилиши натижаларини кутиб ўтирмасданок муассасанинг ўзида ҳал этилиши мумкин.

Давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятларга жазони ижро этиш муассасаларининг маъмурияти мажбурий тартибда ўз тушунтиришларини ҳам қўшиб жўнатади, бу тушунтиришларда тилга олинаётган масалаларнинг моҳияти юзасидан маъмурият фикр-мулоҳазалари баён этилган бўлади. Амнистия, инсонпарварлик далолатномаларини қўлланиш, жазо чораларини енгиллатиш, шунингдек бошқа муассасага ўтказиш масалаларига доир бирламчи аризалар ва шикоятларга бу ариза ва шикоятларни бераётган шахслар хусусидаги маълумотнома-тавсифномалар ҳам қўшиб жўнатилади.

Давлат органлари, газеталар ва журналларнинг таҳририятлари, жамоат бирлашмалари ва уларнинг мансабдор шахсларига йўлланган, бу органлар, ташкилотлар ва бирлашмалар ўз низомига кўра ёки уларнинг мансабдор шахслари ваколат доирасига кўра ҳал этишга ваколатли бўлмаган масалалар қамраб олинган таклифлар, аризалар ва шикоятлар кўрсатилган манзилга юборилмайди. Шикоят берган маҳкумга бу хусусда тушунтириш берилиб, ундан тилхат олинади ҳамда таклиф, ариза ёки шикоятни тегишли ваколатли органга, ташкилотга ёки мансабдор шахсга йўллаш тавсия этилади. Агар аризачи маъмуриятнинг ҳаракатларини нотўғри деб ҳисобласа, жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли, бундай шикоятга маъмурият кўрсатилган манзилга жўнатмаган ариза ҳам илова қилинади.

Уятли сўзлардан иборат таклиф, ариза ва шикоятлар кўрсатилган манзилга юборилмайди, уларни ёзган шахсларга эса интизомий жазо чораси қўлланилади.

Ёзма шаклда берилган таклиф, ариза ва шикоятлар жазони ижро этиш муассасаларининг канцеляриясида рўйхатдан ўтказилади ҳамда узоғи билан уч кунлик муддат ичида кўрсатилган манзилга юборилади ҳамда аризачи бу хусусда хабардор этилади, оғзаки таклиф, ариза ва шикоятлар эса маҳкумларни шахсий масалалар бўйича қабул қилиш дафтаридида қайд этилади. Таклиф, ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқилганлиги натижаларига оид жавоблар муассасага келиб тушганидан кейин узоғи билан уч кунлик муддат ичида маҳкумларга маъ-

лум қилиниб, бу ҳақда тилхат олинади ҳамда бу нарса маҳкумнинг шахсий йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

Таклиф, ариза ва шикоятларни юбориш билан боғлиқ харажатлар тўлови маҳкумларнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бундай маблағлар бўлмаган тақдирда харажатлар жазони ижро этиш муассасаларининг таъминоти харажатлари сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

10-модда. Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш

Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашув маҳкумларга аризасига кўра берилади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган учрашувлар сони ҳисобига кирмайди, бундай учрашувлар миқдори ва муддати чекланмайди.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашуви тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Шарҳланаётган моддада маҳкумларнинг муҳим ҳуқуқларидан бири – юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Маҳкумларга юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашув маҳкумларнинг ёзма аризасига кўра ёки унинг яқин қариндошлари берган аризаларга кўра амалга оширилади. Маҳкумнинг ёки адвокатнинг истагига кўра уларнинг учрашуви холи тарзда ўтказилади.

2. Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига белгилаб қўйилган учрашувлар сони ҳисобига киритилмайди, бундай учрашувлар миқдори ва муддати чекланмайди, лекин бу учрашувлар, қоида тариқасида, маҳкумнинг ишдан бўш вақтида, эрталаб ўриндан тургандан кечки ётишга қадар бўлган соатларда ўтказилади.

3. Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашуви тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги “Адвокатура тўғрисида”ги, 1998 йил 25 декабрдаги “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунлари, Ички ишлар вазирлигининг йўриқномалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

11-модда. Маҳкумларнинг шахсий хавфсизлик ҳукуки

Маҳкум шахсий хавфсизлик ҳукукига эга.

Қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага келган тақдирда у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органнинг ҳар қандай мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли. Маҳкум мурожаат этган мансабдор шахс дарҳол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришга мажбур.

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган бошлиғи маҳкумнинг шахсий хавфсизлигига бўлган таҳдидни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўради.

1. Қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага келган тақдирда, у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органнинг ҳар қандай мансабдор шахсига, маъмуриятнинг истаган вакилига мурожаат этиш ҳукукига эга. Маҳкум муассаса маъмуриятига унинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид юзага келганлиги ҳақида мурожаат этган, шунингдек, бундай таҳдидни тасдиқловчи асослар мавжуд бўлган ҳолларда, маҳкум муассаса бошлиғининг қарорига асосан унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида интизомий бўлинмага киритиб қўйилиш мумкин. Мазкур ҳолларда маҳкум интизомий бўлинмага киритиб қўйилгач, муассаса маъмурияти унинг ҳаёти ва соғлиғига бўлаётган таҳдидни бартараф этиш чора-тадбирларни кўради. Олиб борилган чора-тадбирлар ижобий натижа бермай, муваффақиятсиз бўлса, маҳкумни бошқа жазони ижро этиш муассасасига кўчирилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида асослантирилган хулоса чиқарилади.

2. Хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳкумнинг интизомий бўлинмага киритиб қўйилиш интизомий жазо ҳисобланмайди ҳамда унинг муддати бир ойдан ошиши мумкин эмас.

12-модда. Маҳкумларнинг виждон эркинлигини таъминлаш

Маҳкумларга виждон эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳақли.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахслар ҳузурига, уларнинг илтимосига кўра, белги-ланган тартибда рўйхатдан ўтган диний бирлашмаларнинг руҳ-нийлари таклиф этилади. Маҳкумларга диний расм-русумларни адо этишга, ибодат учун керакли нарсалардан ва диний адабиёт-лардан фойдаланишга руҳсат этилади.

Диний расм-русумларни адо этиш ихтиёрий бўлиб, бу нарса жазони ижро этувчи муассасанинг ички тартиб қоидаларини буз-маслиги, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситмаслиги лозим.

1. Шарҳланаётган моддадаги барча қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний таш-килотлар тўғрисида”ги қонунига асосланади. Мазкур қонунга кўра, виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда маҳкум-нинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Маҳкумлар-нинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душ-манлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки даҳрийлик эъти-қоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эъти-қоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Диний ибодатлар, қонда тариқасида, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхона-ларда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонлар-да, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига биноан уларнинг уйла-рида ўтказилади.

Ибодатлар ва диний расм-русумлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунининг 14-моддаси ва шарҳланаётган модда (2-қисм)га асосан қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахсларнинг илтимосларига биноан дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ўтказилиши мумкин. Қамоқ, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган маҳкумлар ҳузурига диний ташкилотларнинг руҳонийларини таклиф этилишини белгилаб, қонун маҳкумларнинг ушбу ҳуқуқларининг кафолати тариқасида бир қатор шартларни ҳам қўяди: 1) ариза, маҳкумнинг илтимоси; 2) диний ташкилотнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлиги. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти зиммасига у ёки бу ибодатлар ва диний расм-русумларни амалга ошириш учун зарур бино билан таъминлаш мажбуриятини юклайди (масжид, ибодатхона ва бошқалар). Ибодатлар ва диний расм-русумлар (никоҳ, чўқинтириш ва бошқалар)ни амалга ошириш харажатлари маҳкумларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар ҳисобидан қопланади. Маҳкумларга белгиланган миқдорда диний китоблар, журнал ва газеталар, шунингдек эътиқод қиладиган динига мансуб белгилар (тасбех, хоч ва бошқа шу кабилар)ни (ўтқиркесувчи жисм кўринишида ясалган, қимматбаҳо металл ёки қимматбаҳо тошлардан ясалган ёхуд маданий-тарихий қимматга эга бўлган буюмлардан ташқари) посилка сифатида қабул қилиш, эгалик қилиш, ёнида олиб юриш ва фойдаланишга рухсат этилади.

3. Маҳкумларнинг виждон эркинлиги ҳуқуқи жазони ижро этиш муассасаси режим тури хусусиятини ҳисобга олган ҳолда мутлақ ихтиёрий асосда амалга оширилади. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти учун ибодатлар ва диний расм-русумларни амалга ошириш учун ҳафтанинг якшанба кунидан бошқа кун (мусулмонлар учун – жума, адвентистлар учун – шанба)ни ажратиб бериш анчагина мушкул ташкилий ишлардан бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолларда муассаса маъмурияти томонидан бу кунларда эътиқод қилувчи маҳкумларни бошқа кун ишлаб бериш шarti билан ўша кунларда меҳнат фаолиятидан озод қилиш мақсадга мувофиқ.

Динга эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслик эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

13-модда. Маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари

Маҳкумлар:

жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишга;

жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга мажбурдирлар.

Маҳкумларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати деганда, энг аввало уларнинг мажбуриятларининг белгиланиши назарда тутилади. Бу суднинг ҳукмида белгиланган жазо учун белгиланган мажбуриятлардан келиб чиқади. Маҳкум жазонинг туридан келиб чиққан ҳолда унинг барча қийинчилик ва чекловларига амал қилган ҳолда белгиланган мажбуриятларни бажариши шарт.

Шарҳланаётган моддада маҳкумларнинг жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этиш; жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга мажбурилиги белгиланган бўлиб, ушбу мажбуриятлар маҳкумларнинг асосий мажбуриятлари ҳисобланади. Бу мажбуриятлар жиноий жазо тури ва жазони ижро этиш муассасаси режими туридан қатъи назар, барча маҳкумлар учун мажбурийдир. Ушбу моддада берилган мажбуриятлардан ташқари ҳар бир жазо тури ва жазони ижро этиш муассасаси режими турига қараб, ушбу мажбуриятларнинг рўйхати камайиши ёки кўпайиши мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 8 майдаги 118-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари”да озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг мажбуриятлари алоҳида бирма-бир кўрсатиб ўтилган.

Унга асосан озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар:

- жазони ўташ тартиби, шартларига, муассасада белгиланган хулқ-атвор қоидалари ва кун тартибига риоя этишлари;

- ички тартиб қоидалари талабларини ҳамда муассаса маъмурияти вакилларининг қонунга асосланган талаблари ва курсатмаларини сўзсиз бажаришлари;

- давлат мол-мулкани асраб-авайлашлари;

- меҳнатга виждонан ва ҳалол муносабатда бўлишлари;

- яшаш ва иш жойларини озода сақлашлари, ётиш жойи, ўрин-кўрпаларни бир хил қилиб орасалаш, белгиланган намунадаги кийим кийиш, шахсий гигиена қоидаларига, озиқ-овқат маҳсулотлари ва якка тартибда фойдаланиладиган нарсаларни махсус жиҳозланган жойларда сақлаш қоидаларига риоя этишлари;

- муассаса объектлари ва ҳудудни ободонлаштириш ҳамда тозалаш, шунингдек, сақлашнинг маданий маиший шароитларини яхшилаш ишларини белгиланган тартибда бажаришлари;

- муассаса ҳудуди бўйлаб фақат сафга тизилиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришлари;

- тасдиқланган намуналарга мувофиқ кўкракка ва енгига тақиб қўйиладиган фарқлаш белгиларини тақиб юришлари;

- турмаларда, колонияларнинг қабул ва интизомий бўлинмаларида сайрга чиқаришлари, камера бўйича навбати билан навбатчилик қилишлари;

- муассаса ходимлари ҳамда муассасага келган бошқа мансабдор шахслар билан учрашганда, улар билан ўрнидан туриб саломлашлари;

- ўзаро муомала ва мулоқотда ҳамда маъмурият вакиллари билан ўзаро муносабатларда хушмуомала бўлишлари шарт.

Маҳкумларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслиги интизомий ёки бошқа хилдаги жавобгарликка тортилиши учун сабаб бўлади.

3-БОБ. ЖАЗОЛАРНИ ВА БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАР ВА ОРГАНЛАР

14-модда. Жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар

Жарима тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатида ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, камок, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бе-кор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан:

хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо – ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) қўмондонлиги томонидан;

камок тариқасидаги жазо – гарнизон гауитвахталари томонидан;

интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо – махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг).

1. Ҳар бир шахнинг қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланганда жиноий жавобгарликка тортилиши шартдир. Ушбу тамойилдан келиб чиққан ҳолда уларга нисбатан жиноий жазолар ҳам тайинланади. Тайинланган жазоларни ижро этиш ЎЗР ЖИК 14-моддасида белгилаб қўйилган. 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Жиноят-ижроия кодексининг 14-моддасига 2003 йил 30 августда ўзгартириш киритилди.

2. Бундан буён эса жарима жазосини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бўлимлари ҳамда туман ва шаҳарлардаги бўлимларининг суд ижрочилари томонидан ижро этилади.

Бугунги кунда айни шу соҳани янада ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш мақсадида давлатимиз томонидан бир қанча ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, суд ижрочиларининг иш юритувларидаги иш ҳажмининг ҳаддан зиёд кўплиги учун уларга қўшимча штатлар ташкил қилинмоқда. Суд ижрочиларининг иш фаолиятларига дахлдор бўлган қонунларнинг ижросини аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва вилоят прокуратураларида янги бўлимлар ташкил қилинди.

3. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамок, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш Ички ишлар вазирлиги томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари билан шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилиши таъминланади. Масалан:

а) Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо – ҳарбий хизматчи хизматини ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) кўмондонлиги томонидан;

б) Қамок тариқасидаги жазо – гарнизон гауптвахталари томонидан;

с) Интизомий қисмга жўнатиш тўғрисидаги жазо – махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

4. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади.

Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

Махсус унвонларга қатор соҳаларда белгиланган унвонлар киради. Масалан, Солиқ қўмитаси, Божхона Қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги ва бошқа шундай унвонларни берадиган органларнинг унвонлари кирса, юқори офицерлар таркибига кирувчи шахсларга нисбатан бериладиган унвонларга генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, Ўзбекистон Республикаси маршали каби унвонлар киради. Олий махсус унвонларга худди шундай унвонларни берувчи органлар томонидан бериладиган унвонлар киради. Бундан ташқари давлат мукофотлари ҳам мавжуд бўлиб, улар шахсга фан, санъат, хўжалик соҳасининг муайян тармоғида олиб борилган фаолияти учун берилади (халқ артисти, халқ шоири, хизмат кўрсатган юрист).

Қонунда белгиланган унвонлар ва давлат мукофотларидан маҳрум қилиш асосий жазога қўшимча жазо сифатида қўлланилади. Жиноят қонунда ушбу жазо чорасини қўллашнинг қуйидаги шартлари белгиланган: *биринчидан*, бу жазо шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганда қўлланилади; *иккинчидан*, олий ҳарбий ёки махсус унвон ёхуд давлат мукофотига эга бўлган шахс суд ҳукми асосида киритилган тақдимномага асосан ваколатли орган томонидан маҳрум этилади.

Маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми нусхаси шу унвонни берган органга юборилади. Заҳирадаги ҳарбий хизматчига ҳукм нусхаси унинг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўлимига юборилади. Унвонни берган органнинг мансабдор шахси маҳкумни унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ёзувни белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга киритади, бу унвон билан боғлиқ ҳуқуқ ва имтиёзларни тугатиш чораларини кўради ҳамда ҳукм чиқарган судга ҳукмнинг нусхаси олинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида унинг ижро этилганлиги ҳақида хабар беради.

5. Жазоларни ижро этувчи орган ва муассасалар ўзларининг ваколатларидан келиб чиққан ҳолда турли вазифаларни бажарадилар.

Хусусан, Ички ишлар вазирлиги зиммасига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилинганлар ҳамда шартли ҳукм қилинганларнинг устидан назорат олиб бориш юклатилган. Бу орган асосий жазоларни ижро этиш органи бўлиб ҳисобланади. Чунки бу вазирликка жазо тизимидаги жазоларнинг кўпчилик қисмини ижро этиш ваколоти берилган. Хорижий мамлакатларда эса ички ишлар органлари зиммасига қўшимча ваколатлар ҳам юклатилган. Масалан, Россия Федерациясида Ички ишлар

вазирлигининг махсус инспекцияларига шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилиш вазифаси қўшимча равишда юклатилган. Бизнинг мамлакатимизда эса шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб бориш бевосита Ички ишлар вазирлигининг тегишли органлари томонидан амалга оширилади.

2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига киритилган ўзгартириш натижасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти зиммасига фақатгина жарима тариқасидаги жазони ижро этиш юклатилган.

Ҳарбий жазолардан – хизмат бўйича чеклаш жазосини ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан, ҳарбий хизматчига қўлланилган қамоқ жазосини Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил қилинадиган гарнизон гаупт-вахталари томонидан, интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ташкил этилади. Янги киритилган ўзгартиришга (30.08.2003й.) асосан ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади.

15-модда. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назорат ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса – улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) қўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари:

ижтимоий хавfli қилмиш содир этган руҳий касалларга нисбатан - соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан;

алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан - соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, улар озодликдан маҳрум этиш ёки қамоққа ҳукм қилинган тақдирда эса – ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади.

Вояга етмаганларга нисбатан мажбурият чоралари:

жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш – суд томонидан;

махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш – халқ таълими органлари томонидан ижро этилади.

1. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари деганимизда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазо турларидан ташқари яъни, Жиноят кодексига жазо ҳисобланмаган жиноят қонунининг нормалари қўлланилиб таъсир этиладиган чоралар тизимини тушунсак бўлади.

2. Суд томонидан асосий жазо сифатида озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлангандан сўнг суд ушбу маҳрум очикда юриб ҳам ижро этса бўлади деган қабтӣ ишончга келса, унга нисбатан ЎЗР ЖКнинг 72-моддаси тартибда шартли ҳукм қилади. Маҳрумга нисбатан тайинланган ушбу шартли ҳукмнинг ижросини Ички ишлар вазирлигининг махсус инспекциялари томонидан таъминланади. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан эса – улар хизматни ўтаётган жойдаги Мудофаа вазирлигининг тегишли ҳарбий қисмлари томонидан ижроси назорат қилинади.

3. Жазони ижро этиш муассасалари озодликдан маҳрум этилган ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка йўлиққан маҳкумларнинг жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 15-моддасида бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассаса ва органлар кўрсатиб ўтилган. Бундай жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралар икки турга бўлинади:

1) Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари;

2) Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қуйидагилар киради ва уларни қуйидаги рўйхатда тегишли тартибда кўрсатиб ўтилган муассасалар томонидан ижроси таъминланади:

а) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалларга – Соғлиқни сақлаш органлари тиббий муассасалари томонидан;

б) алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандаликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан – Соғлиқни сақлаш органлари тиббий муассасалари томонидан.

5. Озодликдан маҳрум этишга ёки қамоққа ҳукм қилинган тақдирда – Ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади;

6. Суднинг қарорига кўра таносил ёки ОИТС касаллигига, шунингдек, очик шаклдаги сил касаллигига чалинган маҳкумларга мажбурий даъволаниш шартдир.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг VII бўлим, XVII боб, 91-96 моддалари айнан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига бағишланган.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар кирази:

а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахасссида даволаниш;

б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғликни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;

д) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш (ЎЗР ЖК 93-модда).

8. Вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 88-моддасида кўрсатиб ўтилган. Бунга кўра, вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларининг учта тури кўрсатилган. Улар:

а) Жабрланувчидан узр сўраш. Вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишда, кўпчиликнинг олдида ёки якка тартибда узр сўрайди. Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди. Тарбиявий мақсадларда суд вояга етмаганлар ишлаётган ёки ўқиётган жойда узр сўрашни белгилаши мумкин. Узр сўраш мажбуриятини юклаш тарикасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

Агар узр сўраш кўпчиликнинг олдида ўтказилаётган бўлса, маҳалла кўмитасининг вакили ва участка нозирининг иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Якка тартибда узр сўралганда эса жабрланувчи судга бўлиб ўтган кечирим ҳақида хабар бериши шарт. Бундай хабар оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Вояга етмаганлар томонидан узр сўраш амалиёти ҳали етарлича ривожланмаган. Шунинг учун суд вояга етмаганлар комиссияси ёрдамида бу йўналишда ижодий ёндашиши мумкин.

б) Етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш. Вояга етмаган шахснинг етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаши ёхуд бартараф этиши суд томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаш ёхуд бартараф этиш мажбуриятини юклаш тарикасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

Агар зарар бир неча вояга етмаганлар томонидан етказилган бўлса, улар етказилган зарар учун биргаликда жавобгар бўладилар. Вояга етмаган шахснинг ота-оналари, васий ва ҳомийлари жиноят ишида фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари сифатида жалб этилишлари мумкин. Бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича етказилган зарарни бартараф этиш мажбурияти айбланувчига юклатилган бўлса-да, ота-оналар ёки қонуний вакиллар суд ёки прокурорнинг ташаббуси билан ишга жалб қилинмаган бўлса ҳам, мустақил даъво бўйича уларни ишга жалб қилиши мумкин.

В) Маҳкумларни ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш. Вояга етмаган шахслар халқ таълими органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Махсус ўқув-тарбия муассасаларида жойлаштирилган ва рўйхатда турган вояга етмаганларнинг аксариятини 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил қилади. Бу ёшдаги ўсмирлар ҳамма нарсага таъсирчан ва қизиқувчан бўладилар. Бу ёшдагиларда оилада тарбия бўш бўлса, катталар таъсирга тез тушиб қолади ва албатта, ўз навбатида оддий шўхлик уни қониқтирмасдан ўсмир жиддийроқ ишларга, масалан жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда юқорида кўрсатилган муассасаларга юбориш учун ҳужжатларни расмийлаштириш вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекцияга юклатилган.

Махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилган вояга етмаганларга аксарият ҳолларда илгари уларга тарбиявий ва бошқа турдаги чоралар қўлланилган бўлади. Шунинг учун вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция вояга етмаганлар билан чуқурроқ ва каттироқ йўналишда тарбиявий чоралар қўллаши лозим.

4-БОБ. ЖАЗОЛАРНИ ВА БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИ МУАССАСАЛАР ВА ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

16-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан текшириш

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда текширадилар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ мамлакатдаги давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг бўлиниши принципига асосан қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига ажратилган. Конституциянинг 89-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат бошлиғи бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида жазони ижро этувчи муассаса ва органлар бошқарувини амалга оширувчи давлат органларидан ташкил топган ижро этиш ҳокимияти органларининг фаолиятини назорат қилади. Президентнинг топшириғига биноан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг тегишли органлари, шунингдек мансабдор шахслари зикр этилган муассаса ва органлар фаолиятини текширишлари мумкин. Шунингдек, Президент давлатнинг ички сиёсатини, шу қаторда жиноят-ижроия сиёсатини белгилаб беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ Президент амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Бошқа функцияларни бажариш билан бир қаторда Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади. Шу мақсадларда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига асосан, доимий ёки вақтинча ишлаш асосида депутатлик, ревизион ёхуд бошқа комиссиялар тузилиши мумкин.

Олий Мажлис депутатлари, қонун чиқарувчи орган ходими сифатида, ижро этувчи органларга нисбатан, демак, унинг таркибий қисми ҳисобланадиган жазони ижро этиш муассаса ва органларга нисбатан муайян назорат қилиш функцияларига эга. Хусусан, Олий Мажлис депутати Ҳукуматнинг ҳар қандай аъзосига расмий талаб билан мурожаат қилиши мумкин, бундан ташқари у давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотларнинг раҳбарлари ва Қуролли кучлар бошлиқларининг бошқа мансабдор шахслари билан зудлик билан қабул қилиниши, улардан зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга. Юқорида номи тилга олинган раҳбарлар ва мансабдор шахслар депутатнинг мурожаатига жавоб беришлари шарт. Депутатларнинг мазкур ваколатлари жазони ижро этувчи муассаса ва органларга ҳам тўла ҳажмда тааллуқли.

3. Ўзбекистонда ижроия ҳокимиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси ИИВ фаолияти ва шу ўринда жазони ижро этиш тизимининг ишлаши устидан назорат қилади, шунингдек, маҳкумларни иш билан бандлигини таъминлайди.

Ҳокимлар томонидан бошқариладиган жойлардаги давлат ҳокимияти органлари уларнинг ҳудудида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларининг фаолияти устидан назорат қиладилар. Мазкур органлар жазони ижро этиш муассаса ва органлар фаолияти устидан ўз ваколати доирасида назоратни амалга оширадилар. Ушбу талаб Конституциянинг 100-моддасидан келиб чиққан.

4. Жиноят-ижроия кодексига алоҳида кўрсатилмаганлигига қарамадан жазони ижро этиш муассаса ва органлар фаолияти устидан суд назорати ҳам амалга оширилади. Суд назорати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-, 11-моддалари ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

5. Жазоларни ижро этиш устидан суд назорати жазони ижро этиш босқичида жазони ўташ шароитини ўзгартириш; жазонинг бир турини бошқаси билан алмаштириш; жазодан муддатидан илгари озод қилиш; маҳкумлар, шунингдек бошқа шахсларнинг жазони ижро этиш муассаса ва органлар маъмуриятининг ноқонуний ҳаракатлари устидан шикоятларини кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Жазони ижро этиш шартларини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда суд назорати ўз ичига жаримани тўлашни

кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш масалаларини ҳал қилишни қамраб олади. Ахлоқ тузатиш ишларини ўташ тартиби бўзилган ҳолларда суд, мазкур жазонинг ўталмай қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириши мумкин. Шунингдек, шартли ҳукм қилинган шахсларга суд, илгари ўрнатилган мажбуриятларини қисман ёки тўла бекор қилиши, янгилари билан тўлдириши, синов муддатини узайтириши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда суд жазони ижро этиш колонияси турини ўзгартириши мумкин. Судга, жазони ижро этиш чоғида маҳдумга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, узайтириш ёки қўлланилган чорани бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

6. Давлат ҳокимияти органларининг жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти устидан назорат қилиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) фаолияти катта аҳамиятга эга.

Вакил шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга: аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; аниқланиши лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахсларни таклиф этиш. Текширишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят берилган ташкилотга ёхуд мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас; ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига монеликсиз кириш; ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ҳамда олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан ташкилотлар ва мутахассисларга хулосалар тайёрлашни топшириш; инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш; ушлаб турилган ёки қамокда сақланаётган шахс билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиш; ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан кириш. Вакилнинг кўрсатилган ҳуқуқлари жазони ижро этиш муассасалари ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан тўла ҳажмда тегишлидир.

Жазоларни ва бошқа жиноят-хукукий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра Ўзбекистон республикаси ҳудудида бир хилда ижро этилишини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратураси тўғрисида”ги қонунига кўра қидагилар прокурор назорати предмети ҳисобланади: жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи муассасаларда шахслар сақланишининг қонунийлиги; жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш тартиби ва шароитлари ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши; маҳкумларнинг, шунингдек жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг қонунда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларига риоя этилиши; жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини қўллаётган орган ва муассасалар, мансабдор шахслар фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя этилиши. азоратни амалга оширишда маҳкумларнинг ҳукукий қолатини, моддий-техник таъминоти ва тиббий хизматини белгиловчи ва мажбуриятларини белгиловчи жиноят-ижроия қонунчилигида белгиланган қоидаларига алоҳида эътибор берилади.

Прокурор жазони ижро этиш муассасаларида қонунийликни таъминлаш мақсадида келиб туриши, муассаса маъмурияти фаолияти билан бевосита танишиши, жазони ижро этиш муассасасида ноқонуний сақланаётганларни зудлик билан озод қилиши лозим. Прокурор қонун ким томонидан бузилганлигидан қатъи назар буни олдини олиш ва бартараф этиш учун зудлик билан чора кўриши лозим. Прокурор органларига нисбатан қонунни ижро этилиши назорат қилиш вазифасининг юклатилиши, жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятидан қонунни ижро этиш мажбуриятини озод қилмайди.

3. Прокурор ушлаб турилганларни жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида

қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб ўз ваколатлари доирасида:

қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақтда ҳамма хоналар билан танишиш шарти билан киришга;

шахсларга нисбатан жиноий жазо ёки жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга;

қамоққа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларда, вояга етмаганларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида ноқонуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга;

қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатишга, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунга номувофиқ бўлса, бу чораларни бекор қилишга ва ўз қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга;

маҳкумлардан ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахслардан ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакиллари иштирокида ҳам, улардан холи ҳолда ҳам сўраб-суриштиришга;

жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятларининг буйруқлари, фармойишлари ва қарорларининг қонунга мувофиқлигини текширишга;

маҳкумларнинг ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган шароитлар яратилишини ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятидан талаб қилишга;

жазони ижро этувчи муассаса бошлигининг маҳкумларга алоҳида ҳолатларда муассаса ташқарисига чиқишга руҳсат бериш тўғрисидаги, ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясида қолдириш

тўғрисидаги, маҳкума аёлларнинг жазони ижро этиш муассасаси ташқарисида яшаши тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашга ҳақли.

4. Прокурор озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортилган шахсларнинг жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмуриятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиши, зарур чора-тадбирлар кўриши ҳамда ўз қарори тўғрисида аризачига маълум қилиши шарт.

18-модда. Жазони ўташ жойларига кириш

Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар қонунда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида ўз мансаб ваколатини амалга оширишда жазони ижро этиш муассасаси ёки органига махсус рухсатномасиз кириши мумкин бўлган шахслар рўйхати берилган.

2. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларига биринчи навбатда Ўзбекистон Республикаси Президентини киритиш лозим. (ЎзР Конституцияси 86-модда). Президент ўзига берилган ваколатлар доирасида бевосита ёки ваколатли давлат ҳокимияти ёки бошқарувчи органлари орқали тегишли муассаса ва давлат органлари фаолиятини назорат қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимиятини амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси вазирлик ва идоралар фаолиятини, шу жумладан, ИИБ таркибига кирувчи жазони ижро этиш муассасалари ва органлари фаолиятини назорат қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенти томонидан ҳам жазони ижро этиш муассасаларида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилади.

5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Конституциянинг 100-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат

ҳокимияти органлари тўғрисида”ги қонунига асосан ўз ҳудудида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида хавфсизлик ва ҳуқуқий тартиботни, қонунийликни таъминлайди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ЖИКнинг 23, 89-моддаларига кўра жазони ижро этиш муассасаси ва органлари фаолиятига оид муҳим масалаларни ҳал қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жазони ижро этиш муассасасида қонунга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади (ЖИКнинг 17-моддасига ёзилган шарҳга қаранг).

7. Тизимига жазони ижро этиш муассасаси кирувчи вазирликлар ва идораларнинг тузилмавий бўлинмаларининг ваколатли мансабдор шахслари, хусусан ЎЗР ИИВгининг жазони ижро этиш Бош бошқармаси, вилоят бошқармалари мансабдор шахслари ҳам жазони ижро этиш муассасаси ва органига рухсатномасиз кириши мумкин.

8. Судялар жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ҳудудда ЖИК ва ЖПКга асосан судлов фаолиятини амалга оширадилар.

9. Бошқа шахслар ва оммавий ахборот воситлари вакиллари жазони ижро этиш муассасаси ёки юқори турувчи органнинг рухсати билан муассасага кириши мумкин.

Бошқа шахслар деганда: маҳкумлар томонидан таклиф қилиниши мумкин бўлган руҳонийлар (ЖИК 12-модда), маҳкумларнинг қариндошлари, яқинлари ва танишлари, адвокатлар ва юридик ёрдам бериши мумкин бўлган шахслар (ЖИК 10-модда), жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига ва маҳкумларни тарбиялашга кўмак берувчи турли хилдаги ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, хайрия жамғармалари, жамоат бирлашмалари вакиллари кириди.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига радио, телевидение, кундалик нашриётларнинг махсус лицензияга эга бўлган ва оммавий ахборот воситлари раҳбарларининг рухсатномасига эга бўлганлар кириди.

Мазкур нормада биринчи марта жазони ижро этиш муассасаларида кино, суратга олиш, маҳкумларни видеога олиш ва интервью олишнинг тартибини белгилувчи қоида ўз ифодасини топган. Маҳкумларнинг хавфсизлиги ва ҳимоясини таъминловчи жазони ижро этиш муассасаларини тасвирга тушуришнинг ҳуқуқий тартиби белгиланган. Маҳкумларни тасвирга тушуриш ва интервью олиш уларнинг ёзма розилиги билан чиқарилади, объектларни тасвирга тушуриш

жазони ижро этиш муасасаси раҳбарининг махсус рухсати билан амалга оширлади.

ЖИКга мазкур норманинг киритилиши 2 мақсадни кўзлаган. Биринчиси, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлайди, чунки радио, телевидения, оммавий нашрлар орқали улар ҳақида маълумот берилиши ёки кўрсатилиши маҳкумларга ёки унинг яқинларига маънавий зарар етказиши мумкин. Иккинчиси, оммавий ахборот воситларига нисбатан маҳкумлар томонидан улар ҳақида оммавий ахборот воситларида тарқатилган маълумотлар юзасидан судга даъво аризаси берилишини олдини олиш.

19-модда. Жазони ижро этиш тартиби

Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши шарт.

Агар белгиланган муддатда жаримани тўлиқ миқдорда тўлашга маҳкумнинг имкони бўлмаса, суд унинг илтимосномасига кўра ҳукмнинг ижросини Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасида белгиланган тартибда кечиктириши ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиши мумкин.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддасига кўра жарима айбдордан давлат даромадига Жиноят кодексига белгиланган миқдорда пул ундириш бўлиб, жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 82-моддасига кўра вояга етмаганларга нисбатан жарима энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Вояга етмаганларга нисбатан жарима фақат унинг мустақил ойлик иш ҳақи мавжуд бўлган тақдирдагина тайинланиши мумкин.

Жарима Жиноят кодекси томонидан белгиланган миқдорда, жазони тайинлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақиға мос миқдорда белгиланган ва ундириладиган пул маблағларидир.

Жаримани суд маҳкумнинг содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини ҳамда унинг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда тайинлайди. Маҳкум суд тайинланган жаримани тўлаш имкониятига эга бўла олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 531-моддасига кўра ҳукмнинг жарима солиш қисмини ижро этиш учун ижро варақаси ёки унинг нусхаси маҳкумнинг яшаш жойи ёки жазони ўташ жойидаги, шунингдек маҳкумнинг мулки бор жойдаги суд ижрочиларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 14-моддасида жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар белгиланган бўлиб, унда жарима тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар

фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг худудий бўлимлари томонидан ижро этилиши белгиланган.

2. Суд Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаси қондалари асосида жариманинг тўланиш тартиби ва унинг аниқ қийматини белгилайди. Хукми чиқаришда суд энг кам ойлик иш ҳақининг миқдорини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида белгиланган қийматдан келиб чиқади.

3. Жарима сифатида тўланадиган пул тўлови солиқлардан озод қилиш учун сабаб бўла олмайди. Жарима жазосини белгилаб хукми эълон қилгандан кейин суд маҳкуми жаримани тўлаш тартиб қондалари билан таништиради, тўлаш муддатларини, тўлов шакли ва усулларини, шунингдек, тўлашдан бош тортганлик оқибатларини тушунтириб беради. Жарима суднинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан тўланиши мумкин. Маҳкум жарима жазоси ижро этилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатини судга тақдим қилади.

4. Жиноят ижроия кодекси 19-моддасининг 2-қисмида жаримани қонунда белгиланган муддат мобайнида тўлаш имкони бўлмаса, суднинг қарори билан бўлиб-бўлиб тўлашга ёки яна кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасига биноан эса, жаримани тўлашни кечиктириш муддати олти ойдан ошиб кетмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 533-моддасида суд хукмининг ижросини кечиктириш асослари белгиланган бўлиб, хукмининг жарима солиш, фуқаровий даъвои қаноатлантириш ёки келтирилган зиённи қоплаш қисмининг ижро этилишини олти ойгача кечиктириш ёки тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш масаласини судья ишнинг муайян ҳолатларини ва маҳкумнинг моддий аҳволини эътиборга олиб ҳал қилади.

Жаримани тўлаш имкони бўлмаган деб ҳисоблаш учун маҳкумнинг ойлик маоши камлиги, даромадининг етишмаслиги, оилавий шароитининг оғирлиги, боқувчиларининг кўплиги ҳақидаги ҳужжатлар асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Маҳкумнинг оғир касал бўлиб қолиши ёки шундай сабаблар билан жаримани тўлай олмаслиги ҳам жарима муддатини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга асос бўла олади. Жаримани тўлашни кечиктириш, ёки бу муддатни узайтириш учун маҳкумнинг илтимосномаси ва суд ижрочисининг ҳулосаси талаб этилади. Айрим узрли сабаблар

мавжуд бўлган ҳолатлар (маҳкумнинг оғир касаллиги туфайли касалхонада эканлиги ва ҳоказо) бундан мустасно бўлиб, бундай ҳолларда суд унинг яқин қариндошлари, турмуш ўртоғи, қонуний вакили ёки адвокатининг илтимосномасини ҳам эътиборга олиши мумкин. Маҳкумнинг важдари ва суд ижросисининг хулосаси суд томонидан кўриб чиқиб баҳоланади ҳамда тегишлича қарор чиқарилади. Суд узайтирилган муддат вақтини қарорда аниқ белгилаб беради, лекин бу муддат олти ойдан ортиб кетмаслиги лозим.

Жаримани тўлашни кечиктириш деганда жариманинг бутун қийматини тўлашни аниқ бўлган кечроқ муддатга кўчириш тушунилади.

Узайтириш – жаримани қисмларга бўлиб тўлашга рухсат бериш. Бу қисмлар ўзаро тенг бўлиши шарт эмас. Суд жариманинг ҳар бир қисмини тўлаш учун аниқ муддатлар белгилайди.

Жиноят-процессуал кодексининг 533-моддасига биноан ўта хавфли рецидивистларга ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳукмнинг ижросини кечиктириш мумкин эмас.

Амалдаги жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигида жаримани тўлашнинг имкони бўлмаганда уни енгилроқ жазо тури билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Агар жаримани (ёки унинг бир қисмини) тўлаш муайян объектив ҳолатлар (масалан, табиий офат) сабабли амалга оширилмаётган бўлса ва жаримани тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳолати мавжуд бўлмаса, суд жазога тортиш муддати ўтганлиги туфайли маҳкумни жазодан озод этишга ҳақли.

5. Жаримани тўлаш ва ундиришнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни билан ҳам тартибга солинади.

20-модда. Жаримани тўлашдан бўйин товлаш оқибатлари

Маҳкумнинг жаримани тўлашдан бўйин товлаши бу жазони Жиноят кодексининг 44 ва 82-моддаларида назарда тутилган тартибда ва доирада бошқа жазо билан алмаштиришга сабаб бўлади.

1. Суд-тергов амалиётида маҳкумнинг суд томонидан тайинланган жаримани тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳоллари ҳам учраб туради.

Жаримани тўлашдан бўйин товлаш деганда маҳкумнинг қонунда белгиланган ёки суд томонидан белгиланган тартибда узайтирил-

ган вақт мобайнида жаримани сабабсиз тўламаслиги ва турли хилдаги асосиз баҳоналар келтириши тушунилади.

2. Бундай ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 44-моддаси ва 82-моддасига биноан маҳкум жаримани тўлашдан бўйин товласа мазкур жазо ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ кўринишидаги жазо чоралари билан алмаштирилиши мумкин. Шарҳланаётган модда мазмунидан, жаримани тўлашдан бўйин товлаш суд томонидан мазкур жазонинг юқоридаги жазо турларидан бири билан алмаштирилишига сабаб бўлиши мумкинлиги келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 44-моддасига кўра, агар маҳкум жазо тариқасида тайинланган жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товласа, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир оyi энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдордаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Қамоқнинг ҳар бир оyi эса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 82-моддасига кўра вояга етмаган шахс жарима тўлашдан олти ой муддат мобайнида бўйин товласа, суд тўланмаган жарима миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари жазоси билан алмаштиради. Бунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглаштириб ҳисобланади.

3. Жаримани тўлашдан бўйин товланганлик фактини белгилаш учун икки ҳолат мавжуд бўлиши лозим: мазкур Кодекс 19-моддаси 1-қисмида кўрсатилган муддатда жаримани тўламаганлик ёки маҳкум томонидан ўз даромади ва мулкани қасддан яширганлик ҳисобланади.

Даромадни яшириш деганда маҳкумнинг ўртача ойлик иш ҳақини ва бошқа даромадларини аниқлаш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг барчасини ёки уларнинг бир қисмини олиб қўйиш, йўқ қилиш ёки қалбакилаштириш тушунилади.

Мулкни яшириш мазкур ҳолатда мулкни суд ижрочисига номаълум бўлган жойга кўчириш, растрата қилиш, бошқа шахсларга ноқонуний ўтказиш, шунингдек мулкга бўлган ҳуқуқни тақиқловчи ҳужжатларни йўқ қилиш тушунилади.

Маҳкумнинг ўз даромад ва мулкларини яширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар қуйидагилар: суд ижрочисининг кўрсатмаси; маҳкум ёки ўзга шахсларнинг тушунтиришлари; ташкилотларнинг ҳужжатлари ҳисобланади.

4. Суд ижрочиси судга тўламаганлик ҳолати ҳақида хулоса, огоҳлантириш хулосалари ва маҳкумнинг тушунтириш хатини жамлаб жаримани бошқа жазо билан алмаштириш учун жарима жазосини тайинлаган судга тақдим этади. Суд барча ҳолатларни кўриб чиқиб ҳақиқатан ҳам узрсиз жаримани тўлашдан бош тортиш ҳолатлари мавжуд деб ҳисобласа, жаримани бошқа жазо билан алмаштириш ҳақида қарор чиқаради ва суд ижрочисига юборади. Суднинг қарори асосида жазони ижро этувчи орган тегишлича ижрони амалга ошириши шарт бўлиб ҳисобланади.

Жиноят процессуал кодексининг 541-моддасига кўра жаримани жазосининг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги масалаларни, шунингдек, ҳукми ижро этишда юз берадиган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни жарима тайинлаш тўғрисидаги ҳукми чиқарган суд ҳал қилади.

6-БОБ. МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

21-модда. Жазони ижро этиш тартиби

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога қўшимча равишда тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ижроси асосий жазони ижро этувчи орган томонидан амалга оширилади.

1. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 45-моддасига биноан асосий жазо сифатида ҳам, қўшимча жазо сифатида ҳам тайинланиши мумкин. Бу жазони тайинлашдан мақсад маҳкумнинг бевосита эгаллаб турган лавозими, касби ёки шуғулланадиган фаолияти билан боғлиқ ҳолатларда жиноят содир этганлиги сабабли бундай жиноятнинг давом эттирилишини ёки яна содир этилишининг олдини олиш мақсадида тайинланади. Қонунчиликда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг аниқ рўйхати берилмаган, суд жиноят айбдорнинг мансаб ёки касб фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этилганлигини аниқлаган тақдирда мазкур фаолиятни тўхтатиб қўйиш мақсадида ушбу жазо чорасини қўллаш масаласини ҳал этади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо қонунида асосий жазо сифатида бир йилдан беш йилгача, қўшимча жазо тариқасида бир йилдан уч йилгача тайинланиши белгиланган. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазо қонуни санкциясида асосий жазо тариқасида кўрсатилган бўлса, қўшимча жазо сифатида тайинланиши мумкин эмас. Суд бу жазони қўшимча жазо тариқасида қонунда кўрсатилмаган ҳолларда ҳам тайинлашга ҳақли бўла олади. Суд ўз ҳукмида маҳкум қандай ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлигини аниқ кўрсатиб ўтиши лозим.

Шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 24 ноябрда №1087-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2001 йил 17 ноябрдаги “Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тарти-

бига оид йуриқнома”ни тасдиқлаш ҳақида 298-сонли буйруғи билан тартибга солинади.

2. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижроси қонуний кучга кирган суд ҳукмига (ажримига) мувофиқ амалга оширилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва суд ҳукмида кўзда тутилган чекланишлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонунларда белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

3. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш иши, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми билан тайинланган муддатга жорий этилади ва унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтидан бошлаб ҳисобланади.

4. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазо тариқасида тайинланган ҳолларда асосий жазони ижро этаётган муассаса маъмурияти асосий жазо муддатининг тугашига 30 кун қолганда, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилганда ёки жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилганда озод этиш куни у яшаган турар жойдаги ички ишлар бўлимига хабарнома юборади. Озод этилганлиги тўғрисидаги маълумотномада ҳам қўшимча жазо мавжудлиги кўрсатилади.

5. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо тариқасида қўлланилганида, шунингдек, мазкур санкция жарима ёки ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо сифатида қўлланилганида, шу билан биргаликда шартли ҳукм тайинланганда ҳукмни ижро этиш тўғрисидаги топшириқ ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукмининг икки нусхаси суд томонидан маҳкумнинг яшаш жойи бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига юборилади.

6. Жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан юқорида кўрсатилган ҳужжатлар олинганда инспекция маҳкумни уни рўйхатга олиш ва жазони ўташ шартларини тушунтириш учун чақиртиради.

Рўйхатга олишнинг кўринишлари ва шакллари мажбурий ҳамда ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилганларга нисбатан ҳисобга олишга ўхшаш шаклда олиб борилади.

Мазкур жазони ижро этиш маҳкумни муайян лавозимни эгаллаш ва унга суд ҳукми билан тақиқланган фаолият турлари билан шуғулланишнинг ҳам юридик, ҳам фактик имкониятидан маҳрум этишдан иборат бўлади. Жазоларни ижро этиш инспекцияси маҳкум учун ўрнатилган тақиқга реал амал қилинишини назорат қилиши шарт.

7. Маҳқум рўйхатга олингандан сўнг, жазоларни ижро этиш инспекцияси маҳқумнинг иш ёки хизмат жойи бўйича маъмуриятига ҳукмнинг нусхасини ва уни ижро этиш бўйича хабарномани юборади.

Агар маҳқум, мисол учун, транспорт воситаларини бошқариш ёки ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса ҳукмнинг тасдиқланган нусхаси ёки унинг нусхаси жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан тегишли фаолият турлари билан шуғулланиш учун берилган рухсатномаларни бекор қилишга ваколатли бўлган органларга (ДАН хизмати), шунингдек баъзи фаолият турлари устидан назорат олиб борувчи жамоат бирлашмаларининг (овчилар ва балиқчилар жамиятлари) маъмуриятига юборади. Бу тузилмалар маҳқумдан тегишли ҳужжатларни олиб кўядилар (агар улар аввал олинмаган бўлса) ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлик тўғрисидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритадилар.

8. Шарҳланаётган ҳуқуқлардан маҳрум қилиш орқали қонун шахсни ҳуқуқлардан “ҳужжат” сифатида маҳрум қилишни эмас, балки муайян фаолият билан шуғулланишнинг юридик ва фактик имкониятини йўқотишни кўзлайди. Шу боис, масалан, ҳукм қилинган ҳайдовчининг транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўташ даврида тегишли ўқув курсларини тугатиб янги ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши ҳуқуқга хилоф ҳаракат ҳисобланади. Маҳқумни унга тақиқланган ишларни бажаришга жалб қилиш ҳар қандай ҳолда ҳам қатъиян ман этилади.

9. Ҳукмнинг ижро этилиши устидан назорат жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилиши зарур. Назоратнинг шаклларига маъмуриятнинг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлардан нусхалар талаб қилиб олиш, маҳқумларнинг иш жойларига ташриф буюриш, ҳужжатлар билан танишиш киради. Назоратга кўрсатилган инспекциянинг амалиётдаги ходимлари ва фуқароларнинг жамоат тузилмалари аъзолари ҳам жалб этилиши мумкин.

10. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ижро этиш муддатини ҳисоблаш жазоларни ижро этиш инспекциясининг зиммасига юклатилган. Ҳисобга олиш ҳужжатларида мазкур муддатнинг бошланиши ва якунланиши акс этиши лозим.

11. Агар ички ишлар органларининг бошқа хизматлари муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахснинг ҳукм асосида ўрнатилган тақиқни бузаётганини аниқласа, бу ҳақда жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор қиладилар.

12. Маҳқум унга тақиқланган лавозимни эгаллаган ёки фаолият тури билан шуғулланган вақт, бундай фаолиятни юридик расмийлаштирилишидан қатъи назар, жазони ижро этиш вақтига киритилмайди. Муайян вақтнинг жазони ижро этиш муддатига киритилмаслиги тўғрисидаги қарор, тақиқ бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, жазоларни ижро этиш инспекциясининг бошлиғи томонидан чиқарилади.

Маҳқум қарор чиқарилганлиги ва жазони ўташ вақти тугалланиши ҳақида хабардор қилинади. Айтиш мумкинки, жазоларни ижро этиш инспекцияси бошлиғининг муайян вақтни жазони ўташ муддатига киритмаслик тўғрисидаги қарори устидан маҳқум суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

13. Агар озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмда сақлаш тариқасидаги жазо тайинланган маҳқумга нисбатан муддатидан аввал шартли озод этиш қўлланилса, суд ушбу шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазодан қисман ёки тўла озод қилиши мумкин. Муддатидан аввал шартли озод қилишда ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини енгилроқ жазо билан алмаштиришда суд маҳқумни қўшимча жазодан озод қилмаса, бу жазонинг муддати маҳқум озод қилинган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

14. Агар маҳқум янги жиноят содир этганликда айбланиши натижасида эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган бўлса, қамоқда сақланганлик муддати муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг муддатига қўшиб ҳисобланади. Мазкур жазо турини қамок, озодликдан маҳрум қилиш ёки интизомий қисмда сақлаш тариқасидаги жазо турларига қисман ёки тўла қўшишда ушбу жазо алоҳида ижро этилади.

22-модда. Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари

Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси:

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳқумларни рўйхатга олади;

маҳқум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ва (ёки) муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларини ижро этиш тўғрисида хабарнома юборади;

маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этишини текширади;

маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, шунингдек муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ҳукм талаблари қандай бажарилаётганлигини текширади.

Маҳкум ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ёхуд кирган тақдирда инспекция ҳукмнинг нусхасини мудофаа ишлари бўлимига ёки маҳкум хизматни ўтаётган жойга юборади.

1. “Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқнома”га кўра муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд ҳукми ижросини назорат қилишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҲООББ (Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бош бошқармаси) озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижросини назорат қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ҲООБ озодлиқдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижросини назорат қилиш бўлим ва бўлинмалари зиммаларига юклатилади.

Жойларда (шаҳар ва туманларда) суд ҳукмларининг ижросини маҳкумларнинг турар жойлари бўйича ИИБ ҲООБ жазони ижро этиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

Маҳкумларга нисбатан тезкор қидирув ишлари Ўзбекистон Республикаси ИИБ меъёрий ҳужжатларига асосан олиб борилади.

2. Жазони ижро этиш инспекцияси:

а) маҳкумларни рўйхатга олади;

б) суд ҳукмининг бажарилишини таъминлаш юзасидан 5 кун ичида маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга ҳукм талабларини ижро этиш тўғрисида белгиланган тартибда хабарнома юборади;

в) маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган тақиқларга риоя этишини доимо текшириб боради;

г) ҳукм ижросининг бажарилишини назорат қилиш даврида камида ҳар чоракда бир маротаба маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти, шунингдек, муайян фаолият тури билан

шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар ҳамда маҳкум томонидан ҳукм талаблари қандай бажарилаётганлигини текшириб туради ва бу ҳақда маълумотнома тузиб, бошқа ҳужжатлар билан бирга шахсий йиғма жилдга қўшиб боради;

д) маҳкум ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган ёхуд кирган тақдирда инспекция ҳукмининг нусхасини мудоффа ишлари бўлимига ёки маҳкум хизматни ўтаётган жойга юборади;

е) ҳукм талабларининг бажарилмаётганлиги аниқланган ҳолларда айбдорларга нисбатан амалдаги қонунчиликка асосан тегишли чоралар кўради.

23-модда. Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари

Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида қуйидагиларни амалга оширишга мажбур:

маҳкум эгаллаш ва шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолияти туридан уни озод қилиш;

жазоларни ижро этиш инспекциясига ҳукм талаблари ижро этилганлиги тўғрисида, тегишли ҳужжатларни ялова этган ҳолда, хабар йўллаш;

маҳкум бошқа ишга ўтказилган ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, бу ҳақда жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиш.

1. Қонунда жазони ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари билан биргаликда маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари ҳам баён қилинган. Маҳкумни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукмининг талаблари, ташкилот маҳкумнинг асосий иш жойи ёки вақтинча иш жойи бўлишидан қатъи назар, маҳкум ишлаётган ёки хизмат қилаётган жойнинг маъмурияти учун мажбурийдир. Шунингдек, мазкур ташкилотнинг ташкилий ҳуқуқий шакли ҳам аҳамиятга эга эмас. Маъмурият ўз навбатида маҳкумни ҳукмда кўрсатилган жазога кўра уч кун ичида эгаллаш ёки шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолиятидан озод қилади; жазоларни ижро этиш инспекциясига ҳукм талаблари ижро этилганлиги

ҳақида тегишли ҳужжатлар билан бирга хабар йўллайди; агар маҳкум бошқа ишга ўтган ёки у билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда бу ҳақда жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилади.

2. Агар ҳукмнинг нухаси ва жазоларни ижро этиш инспекциясининг хабари олинган вақтда маҳкум томонидан эгаллаб турилган лавозим ҳукмда кўрсатилган тақиққа тўғри келса, маъмурият касаба уюшмасининг розилигисиз буйруқ чиқариш орқали маҳкум билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилади.

3. Маҳкумнинг розилиги билан маъмурият унга ҳукм талабларига зид бўлмаган бошқа лавозим ёки иш таклиф қилиши мумкин. Бундай ҳолатда тегишли кўчириш расмийлаштирилади, унда ушбу кўчиришнинг асоси ва фаолияти муддати (ҳукмда кўрсатилган муддатдан кам бўлмаган) кўрсатилади.

4. Мазкур жазони озодликдан маҳрум қилиш, қамок, интизомий қисмда сақлаш жазоларига қўшимча жазо сифатида ўташ вақтида жазони ижро этаётган муассаса ёки органнинг маъмурияти маҳкумни унга тақиқланган ишларга жалб қилиши мумкин эмас. Жазони ижро этиш муассаса ва органлари томонидан ҳукмнинг ижро этилиши устидан назорат прокуратура органлари томонидан амалга оширади.

5. Маҳкумнинг иш жойи бўйича маъмуриятнинг ҳукми ижро этилганлиги тўғрисидаги хабар жазоларни ижро этиш инспекциясида маҳкумнинг шахсий йиғма жилдига тикиб қўйилади ва бошқа ҳисоб ҳужжатларида ўз аксини топади.

6. Мазкур ҳолатда жазони ижро этилганлигини кўрсатувчи ҳужжатлар сифатида маҳкум билан меҳнат шартномасини ўзгартириш ёки тугатиш билан боғлиқ ҳукм, буйруқларнинг нухалари, шунингдек, маъмурият вакилларининг маҳкумни унга тақиқланган ишларга ноқонуний жалб қилиш фактлари бўйича тушунтиришлари намоён бўлади. Жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига маҳкумлар билан тарбиявий ишларни ўтказишни ташкил этиш юклатилганлиги сабабли, инспекция ташкилотдан маҳбуснинг тафсиғномасини, унга нисбатан қўлланилган рағбатлантирувчи ёки санкцияловчи чоралар ҳақидаги хабарларни талаб қилиб олиши мумкин.

7. Кодекс маҳкумнинг меҳнат дафтарчасига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлик ҳақидаги маълумотларни киритишни талаб этмайди. Бу ёзув фақатгина маҳкум жазони ўтамасдан ишдан бўшатиладиганда, ишдан бўшатиш асосларидан қатъи назар, киритилади. Асосий жазо сифатидаги қамок, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий

қисмда сақлашдан озод этилганда озод этилганлиги ҳақидаги маълумотномада муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазонинг мавжудлиги ва унинг муддатлари тўғрисидаги ёзувлар киритилади.

8. Агар маҳкумнинг меҳнат дафтарчасига унинг муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинганлиги ҳақидаги ёзув киритилган бўлса, жазо ўтаб бўлингандан сўнг ёки муддатидан олдин озод этилганида бу фуқарога, унинг илтимосига асосан, меҳнат дафтарчасининг жазо ҳақидаги ёзувлар киритилмаган дубликати берилади. Меҳнат дафтарчасининг дубликатини фуқаронинг асосий иш жойи бўйича маъмурият беради.

9. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган корхона маъмурияти маҳкумнинг жазосини ўташ бўйича ҳам назорат олиб бориши керак. Жумладан, маҳкум ҳукм талабларини бузиши мумкин бўлган ҳолатларни олдини олиши, маҳкумни оғохлантириши ва унга тушунтириш ишлари олиб бориши керак. Бундан ташқари маҳкум бу корхонадан бўшаган ва бошқа жойга ишга кетадиган бўлса, маҳкумнинг меҳнат дафтарчасига ҳукмдаги жазони ва унинг муддатини киритиб қўйиши керак. Кейинчалик ҳукм муддати тугаганидан кейин бу ҳақда ҳам меҳнат дафтарчасида белгиланиши лозим. Агар ҳукм қилинган шахс жазо муддати тугаганидан кейин меҳнат дафтарчасида бундай маълумот бўлишини истамаса, маъмурият бу маълумотларни чиқарган ҳолда меҳнат дафтарчасининг нусхасини янгилаб бериши мумкин.

10. “Ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид йўриқнома”нинг 80-81-бандларида корхоналар ва ваколатли органларнинг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари белгиланган бўлиб, маҳкум ишлайдиган корхона маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида қўйидагиларни амалга оширишга мажбур:

а) маҳкум эгаллаш ва шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолияти туридан уни озод қилиш;

б) жазоларни ижро этиш инспекциясига ҳукм талабларини ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатларни илова этган ҳолда хабар йўллаш;

в) маҳкум бошқа ишга ўтказилган ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, бу ҳақда жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиш.

Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли орган жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида маҳкум шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатни олиб қўйишга ва бу ҳақда инспекцияга хабар йўллаши лозим.

24-модда. Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органнинг мажбуриятлари

Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли орган жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида маҳкум шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатни олиб қўйишга ва бу ҳақда инспекцияга хабар йўллашга мажбур.

1. Муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли орган жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан бошлаб уч кун ичида маҳкум шуғулланиши тақиқланган фаолият тури учун берилган рухсатномани бекор қилиб, тегишли ҳужжатни олиб қўйишга ва бу ҳақда инспекцияга хабар йўллашга мажбур.

2. Муайян фаолият турлари билан шуғулланиш учун берилган рухсатномаларни бекор қилишга ваколатли органлар деганда бундай рухсатномалар бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар тушунилади. Бу органлар сифатида муайян фаолият турларини лицензиялашни амалга оширувчи органлар, бир қатор жамоат бирлашмаларининг бошқарув органлари ва Йўл ҳаракати хавфлизилик хизмати органлари тан олинади.

3. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш бир вақтнинг ўзида овчилар ва балиқчилар жамиятлари аъзолигидан чиқишни, ўқ отар ва совуқ ов қуролиларини олиб юриш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатноманинг бекор қилинишига олиб келади. Агар маҳкум ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг ҳам бундай қуролиларни ноқонуний тарзда сақлашни давом эттирса, бу қурол ички ишлар органлари томонидан олиб қўйилади.

4. Шахсий детективлик ёки соқчилик фаолиятини амалга ошириш учун харбий ўқотар ва газ куроллари учун берилган лицензия бекор қилинганда ҳам худди шундай тартиб қўлланилади.

5. Маҳкум маълум муассаса рухсати ёки лицензияси билан фаолият юргизаётган ишларда ишлайдиган бўлса (масалан, хусусий ишлаб чиқариш фаолияти, хусусий аптека раҳбари, адвокатлик фаолияти, хусусий савдо ишлари ва ҳоказо) бундай ҳолларда суд ҳукми нусхаси ўз йўналиши бўйича тегишли ташкилотга юборилади ва бу ташкилот шу фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани уч кун ичида бекор қилиб, бу рухсатномани олиб қўйиши ва бу ҳақда жазони ижро этиш инспекциясига хабар юбориши лозим.

25-модда. Маҳкумнинг мажбуриятлари

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарихидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга, чақирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур. Маҳкум ҳозир бўлмаган тақдирда у белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

1. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган маҳкум ҳукм талабларини ҳукмда кўрсатилган муддат мобайнида бажариши шарт. У жазони ижро этиш инспекцияси талабларини бажариши, чақириғига кўра дарҳол бориши, иш жойидаги ўзгаришлари ҳақида хабардор қилиши лозим. Маҳкум ҳукм талабларини бузиб, маҳрум қилинган фаолият билан шуғулланишни давом эттирадиган бўлса, у ҳолда бу жазони ўташ муддатига қўшилмайди. Лекин бу фаолиятни тўхтатиш ҳақидаги инспекция баённомаси тақдимидан кейин ҳам давом эттирадиган бўлса, ҳукм талабини бажаришдан бўйин товлаган деб ҳисоблашга асос бўла олади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг муддати тутати билан жазони ижро этиш инспекцияси бу ҳақда баённома тузади ва бу баённомани маҳкумга тақдим этади. Маҳкум бу баённомани ўз иш жойига топшириши мумкин. Бундан ташқари маҳкум муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан аввал озод қилиниши ҳам

мумкин. Бундай озод қилиш жазонинг камида ярми ўтганидан кейин инспекциянинг тақдимномасига биноан суд томонидан ҳал қилинади.

Мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатлар деганда маҳкумнинг иш жойи бўйича маъмуриятининг тушунтиришлари, маълумотномалари, тавсифномалари, буйруқлари ва кўрсатмалари нусхалари тушунилиши лозим.

2. Маҳкум ўзининг иш жойи, унинг ўзгарганлиги ёки у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида жазони ижро этиш инспекциясига (бу иш маҳкумнинг асосий иш жойи эканлиги ёки бундай эмаслигидан қатъи назар) хабар беришга мажбур.

3. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган шахс унга суд ҳукми билан шуғулланиш тақиқланган ишга кирса, жазоларни ижро этиш инспекцияси тегишли ташкилот маъмуриятига маҳкум билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида алоқа хати юборади.

4. Агар маҳкум унга тақиқланган фаолият билан шуғулланишни бошласа, жазоларни ижро этиш инспекцияси тегишли фаолият билан шуғулланишни назорат қилувчи органга, маҳкумнинг бу фаолиятини тугатиш учун хабар беради. Мазкур ҳолатда маҳкум унга суд ҳукми билан тақиқланган фаолият билан шуғулланишни тўхтатиш зарурияти ва бундай фаолият билан шуғулланганлик вақти жазони ўташ муддатига киритилмаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилади.

7-БОБ. АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

26-модда. Жазони ижро этиш

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо ижроси маҳкумнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаган тақдирда ҳукмнинг ижроси ҳукм чиқарилган жойдаги жазоларни ижро этиш инспекцияси зиммасига юкланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўталади.

Жазони ўз иш жойида ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар судлангунга қадар ўзлари ишлаган корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат фаолиятини давом эттираверадилар.

Жазони бошқа жойларда ўташ шарти билан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилаб берадиган корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади. Вояга етмаган маҳкумлар яшаш жойидаги корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилади.

1. Ахлоқ тузатиш ишлари жиноий жазо сифатида кўп йиллардан бери жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан қўлла-ниб келаётган давлатнинг мажбурлов чораларидан бири ҳисобланади.

Жиноий жазолари тизимида ахлоқ тузатиш ишлари ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсларга нисбатан самарали таъсир қила оладиган жиноий жазо тури сифатида ўз исботини топган.

Ахлоқ тузатиш ишлари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексининг 26-моддасига биноан фақат асосий жазо сифатида тайинланади.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ижроси маҳкум яшайдиган жойдаги ички ишлар органларининг жазоларини ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Жазонинг ижросини таъминлаш эса маҳкум ишлайдиган корхона жойлашган тумандаги жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 26-моддасига кўра ахлоқ тузатиш ишларининг иккита тури бўлиб:

а) суднинг ҳукмига мувофиқ маҳкумнинг ўзи яшайдиган жойдаги маҳкумнинг ўзи ишлаб турган жойда ишлаб жазони ўташ тури;

б) суднинг ҳукмига мувофиқ мазкур жазони ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда жазони ўташ тури.

Жазони ўз иши жойида ўташ тури тайинланган маҳкумлар, суднинг ҳукмигача қаерда ишлаган бўлсалар, ўша жойда ишлашни давом эттирадilar. Суднинг ҳукмига мувофиқ жазони бошқа жойларда ўташ тури тайинланган маҳкумлар, яшаш жойларидан бошқа жойлардаги корхоналарга ишга юборилдилар.

3. Вояга етмаганларга нисбатан ҳам ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар иккала тури тайинланиши мумкин. Лекин жазонинг ижросини назорат қилувчи орган белгилаб берадиган жойларда ўташ тури белгиланган тақдирда ҳам вояга етмагanning яшаш жойидаги корхонага юборилади.

4. Маҳкум доимий яшаш жойига эга бўлмаса ёки содир қилган жинояти ўзи ишлаётган корхонанинг иши билан, шахснинг эгаллаб турган мансаби билан боғлиқ бўлса, жазони ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда жазони ўташ таъминланади.

5. Ахлоқ тузатиш ишлари суднинг ҳукми билан жиний жазо сифатида тайинланган бўлиши;

– ЖК 57-моддаси қоидалари асосида қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш орқали;

– ЖК 74-моддаси қоидалари асосидан суднинг ажрими билан жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиби асосида;

– ЖКнинг 76-моддаси тартибида амнистия акти ёки афв этиш асосида жазони қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш орқали тайинланиши мумкин.

6. Ахлоқ тузатиш ишлари пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга тайинланиши мумкин эмас. Чунки мазкур жазо маҳкумни мажбуран меҳнатга жалб қилиш ва Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида назарда тутилган маҳкумларга нисбатан ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларини (жазони ўташнинг белгиланган тартиби, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, тарбиявий ишлар олиб бориш, умумий ва ҳунар таълимига жалб қилиш) қонунларда белгиланган тартибда татбиқ қилинади.

7. Ахлоқ тузатиш ишлари суд ҳукми билан тайинланган тақдирда ҳам, бир неча жиноятлар юзасидан ёки бир неча ҳукмлар юзасидан тайинланган тақдирда ҳам, енгилроқ жазо тури билан алмаштирилган тақдирда ҳам унинг муддати олти ойдан уч йилгача муддат доирасида тайинланади.

Жиноят содир қилиш пайтида вояга етмаган меҳнатга лаёқатли шахсларга нисбатан бир ойдан бир йилгача муддатга тайинланади.

8. Ахлоқ тузатиш ишлари мулк шаклидан қатъи назар ҳар қандай корхоналарга ўталиши мумкин. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган чет эл корхоналари, диний ташкилотларга мазкур жазони ўташ учун юборилмайди. Аммо Ўзбекистон ҳиссаси 51 фоиздан ортиқ бўлган қўшма корхоналарда ишлашлари мумкин.

9. Озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми ЖК 74-моддаси асосида ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда, озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми билан алмаштирилган ахлоқ тузатишнинг муддати озодликдан маҳрум қилишнинг қолган қисми муддатига тайинланади.

10. Ахлоқ тузатиш ишларини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб мазкур жазони ижро этишнинг қонунда белгиланган ҳуқуқий тартиби ва жазони ўташ шартлари ва тартиби белгиланган. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 17.11.2001 йилдаги 298-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ахлоқ тузатиш ишлар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш ва шартли ҳукм қилинганларни назорат қилиш тартибига оид” йўриқномада батафсил берилган. Ана шу жазони ўташ шартлари ва тартиби доирасида маҳкумларга тарбиявий таъсир чоралари қўлланади. Қонунда назарда тутилган таъсир чоралари орқали маҳкумга нисбатан ҳуқуқий чеклашлар жорий қилиниб, маҳкумда ушбу жазони ўташга бўлган муносабатни шакллантириш, содир қилган жиноятининг оқибати эканлигини англатиш ва ўзининг жиноий қилмишга нисбатан муносабатини шакллантиришдан иборат. Маҳкумга нисбатан қонун асосида татбиқ этилган чеклашлар, содир қилган жиноий қилмишнинг оқибати эканлигини англатишдан иборат.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан жорий қилинадиган чеклаш эркин равишда татбиқ қилинмай қонунда белгиланган тартибда қўлланиши мазкур жазонинг мазмунининг белгилайди ва жазони ўташ муддатини жазони ўташ жараёни эканлигини

ифодалайди. Маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини қонунда белгиланиши мазкур жазонинг моҳиятини белгилайди.

11. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташнинг шартларини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

а) таққловчи шартлар;

б) мажбурият юқловчи шартлар.

Ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан татбиқ қилинадиган чеклашлар кўпроқ меҳнат ҳуқуқига оид чеклашлардир. Бу чеклашлар жуда ҳам қисқартирилган бўлса-да, бошқа фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқидан фарқ қилади.

Аввал маҳкумнинг иш ҳақини суд ҳукмидан белгиланган қисми давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинади (ЖК 46-моддасига кўра ҳар ойда ойлик иш ҳақини ўн фоиздан ўтиз фоизгача). Маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш тартиби Жиноят-ижроия кодексининг 31-моддасида берилган.

Маҳкумнинг мажбуриятлари Жиноят-ижроия кодексининг 29-моддасида берилган.

27-модда. Жазоларни ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари

Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси:

ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади;

маҳкумга жазони ўташнинг тартиби ва шартларини тушунтиради;

бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатади;

маҳкумлар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текширади;

маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини текширади;

маҳкумни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказиши, зарур материалларни тайёрлайди ва тегишли хизматга оширади;

ахлоқ тузатиш ишларини бошқа жойларда ўтаётган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун рухсатнома бериш масаласини кўриб чиқади.

1. Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси жиноий жазоларни ижро этиш муассаси ҳисобланмасида ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазосининг ижросини таъминлайди. Мазкур инспекция туман ички ишлар бўлимларида ташкил қилинган бўлиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини таъминлаш юзасидан унинг мажбуриятлари Жиноят-ижроия кодексининг 27-моддасида белгиланган.

2. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсга нисбатан суднинг ҳукми жазоларни ижро этиш инспекциясига келиб тушиши билан бу жазога ҳукм қилинган шахсни рўйхатга олади ва шахсий иш очади. Маҳкумнинг инспекцияга чақириб улар билан суҳбат ўтказди, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Шунинг билан бирга маҳкумга жазони ўташ тартиби ва шартлари, мазкур талабларни бажармаса, шартларга риоя қилмаса ва жазони ўташдан бўйин товласа, қандай оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги тушунтирилади.

3. Агар суднинг ҳукмида маҳкумнинг олдин ишлаб турган иш жойдан бошқа жойларда жазони ўташ белгиланган бўлса, ва маҳкум ҳам ишдан бўшамаган бўлса, ишдан бўшаш тўғрисида топшириқ беради ва яшаш жойидан бошқа жойларда жазони ўташ учун жўнатади.

Агар ҳукмда маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўз иш жойида ўташ тайинланган, аммо маҳкум ишдан бўшаб қўйган бўлса, 15 кун муддат ичида олдинги иш жойига тикланиб олиш тўғрисида топшириқ беради. Зарурат туғилиб қолса корхона маъмурияти билан гаплашиб иш жойига тикланишга ёрдам беради.

4. Маҳкумнинг ахлоқ тузатиш жазосини ўташи мобайнида инспекцияга таклиф қилиб, улар билан суҳбат қилиши, иш ва оилавий ишларидаги муаммолар ҳақида сўраши, зарурат бўлса, тегишли маслаҳатлар бериши мумкин. Шунинг билан бирга, маҳкум ишлаётган корхонага бориб жазони ўташ шартларига риоя қилинаётганлигини, корхона маъмурияти томонидан жазони ижро этиш ва ҳукм талаблари тўғри бажарилаётганлигини текшириш, суд ҳукмида белгиланган маҳкумнинг иш ҳақининг муайян фоизи тўғри ушлаб қолиниб, ўз вақтида давлат ҳисобига ўтказилаётганлиги текшириши мумкин.

5. Жазоларни ижро этиш инспекцияси агар бунга зарурат туғилиб қолган бўлса, шахсни ишдан бўшаб бошқа жойга ишга киришига руҳсат бериши мумкин. Жазоларни ижро этиш инспекциясининг розилигисиз корхона маъмурияти маҳкумни камроқ ҳақ тўланадиган ишга ўтказиб қўйиши мумкин эмас.

6. Ахлоқ тузатиш ишларини маҳқум яшаш жойидан бошқа жойларда ишлаб ўтаётган бўлса, меҳнат шартномасини бекор қилиш учун рухсат беради. Чунки бундай тартибда жазони ўтаётган шахсларнинг ўз ташаббуслари ёки корхона маъмуриятининг ташаббуси билан инспекциянинг розилигисиз меҳнат шартномасини бекор қилиш тақиқланади.

7. Агар маҳқум жазони ўташдан бўйин товласа, қочиб кетса, уларни қидириб топиш юзасидан дастлабки тадбир ўтказилади, зарур материалларни тайёрлаб, тегишли хизмат қисмига юборади.

8. Маҳқумни муддатидан илгари шартли равишда озод этишга тақдим этиш, амнистия акти туфайли жазодан озод қилиш ёки афв этиш орқали жазодан озод қилиш масаласи қўйилганда тегишли ҳужжатлар ва тавсияномалар беради.

9. Ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётган шахс ногирон бўлиб қолса, ёки жазони ўтаётган шахс ҳомиладор бўлиб қолса, уларни жазодан озод қилиш учун судга тегишли ҳужжатларни тақдим қилади.

28-модда. Корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ҳукми ижро этиш борасидаги мажбуриятлари

Маҳқум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти қуйидагиларга мажбур:

маҳқумнинг иш ҳақидан тўғри ва ўз вақтида чегириб қолинишини ҳамда чегириб қолинган сумма давлат фойдасига ўтказилишини таъминлаш;

маҳқумга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳақида, унинг жазони ўташдан бўйин товлаётгани, бошқа ишга ўтказилганлиги ёки у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор этиш.

1. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг мазкур жазони ижро этиш юзасидан корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг мажбуриятларини қонунда белгиланганлиги мазкур жазони ижросини муайян тартибда Жиноят-ижроия кодекси асосида амалга ошириш имконини беради.

2. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этишнинг бошқа жазо турларидан фарқи ва афзаллиги шундаги, давлат деярли ҳеч қандай маблағ сарфламасдан, жазони ижро этиш муассасалари ташкил қил-

масдан, маҳкумларни жазони ўташ вақтида махсус назорат органларини ташкил қилмасдан корхона маъмурияти ва жамоатчилик кучида фойдаланган ҳолда маҳкумнинг жазосини ижро этиш ва уларни тарбиялаш ишларини амалга оширади. Бундан ташқари ўзи жиноят содир қилган шахс била туриб, ҳалол меҳнат қилаётган ишлар билан биргаги ва улар билан бирга ишлаётганлиги маҳкум томонидан тезда ўз қилмиши юзасидан хулоса чиқариш имкониятини яратади.

3. Ҳар қандай жиноий жазони ижро этиш, шу жумладан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиш муайян жазо турини ўтишдан келиб чиқадиган талабларни бажариш билан боғлиқдир. Жазони ижро этиш юзасидан қўйилган талабларни бажариш мазкур жазони ижро этиш билан боғлиқ бўлган субъектлар фаолиятининг қанчалик яхши ташкил этилганлиги билан боғлиқдир.

Қонунда ана шу жазони ижро этиш субъектларининг мажбуриятларини белгиланганлиги корхона маъмуриятига муайян масъулиятни юклайди.

Корхона маъмуриятининг муҳим вазифаларидан бири, маҳкум иш ҳақининг суд ҳукмида белгиланган фоизини ушлаб қолиб давлат даромади фойдасига ўтказишдан иборат. Маҳкумнинг иш ҳақи суд томонидан тайинланган жазо муддати тугагунча ҳар ойда унинг иш ҳақидан ушлаб қолиб давлат даромадига ўтказилади ва бундай тартиб ҳар бир шундай жазони ўтаётган шахсга индивидуал татбиқ этилган.

Ахлоқ тузатиш ишларининг жазолаш элементи ҳам айнан маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолишда ифодаланadi.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг самарадорлигининг юқорилиги, жазони ижро этиш инспекциясининг маҳкум ишлаётган корхона маъмурияти билан яхши алоқалар ўрнатилганлиги билан ҳам боғлиқдир.

Жазони ижро этиш инспекцияси суднинг ҳукмидан ташқари жазони ижро этиш юзасидан белгиланган йўриқномалар ва бошқа ҳужжатларни корхона маъмуриятига жўнатади ва шахсан ўзлари корхонага бориб маъмурият томонидан жазонинг ижроси қандай бораётганлигини текшириб кўради. Маъмурият вакиллари билан жазони ижро этиш юзасидан суҳбатлар ўтказadi.

Корхона маъмурияти маҳкумнинг меҳнат фаолияти, иш жойидаги хулқи устидан доимий назорат олиб боради. Корхона маъмурияти ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган шахснинг ишлаб чиқаришдаги яхши кўрсаткичлари учун рағбатлантириш чоралари қўллаши ёки меҳнат интизосини бузганлиги учун интизомий чора қўллаш

1. Шарҳланаётган моддада ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларнинг мажбуриятлари белгиланган бўлиб, маҳкумнинг содир қилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси содир этилган жиноятнинг хусусияти, жиноятчининг шахсини ҳисобга олган ҳолда жазони ижро этиш инспекцияси томонидан ва қонунда белгиланган талабларни бажаришга мажбур.

2. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахснинг хулқига қараб инспекция маҳкумга нисбатан қўлланадиган чекловларни кўпайтириши ёки камайитириши мумкин.

Жазони ижро этиш инспекцияси маҳкумнинг хулқига қараб унга айрим чеклашларни жорий қилиши мумкин. Бу чеклашлар сутканинг муайян соатларида уйдан чиқиб кетишни тақиқлаш, маҳкумнинг дам олиш кунлари ёки отпусका вақтида фақат уйда бўлиш; маҳкумнинг туманнинг айрим жойларида бўлишини тақиқлаш; ҳар ойда икки мартагача жазони ижро этиш инспекциясига келиб рўйхатдан ўтиб туриш. Ушбу чеклашлар олти ойгача ўрнатилади. Маҳкумнинг хулқидаги ўзгаришларга қараб чеклашлар камайитирилиши мумкин. Мазкур чеклашларни белгилашда содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, жиноятнинг хусусиятлари, маҳкумнинг шахсини ҳисобга олинади. Бу чеклашлар энг аввало маҳкумнинг хулқини кузатиб туриш, янги ҳуқуқбузарликлар содир қилишини олдини олиш ва у билан тарбиявий ишлар олиб бориш учун зарурдир. Маҳкум ишга жойлаштирилган ёки ишламаётганлигига қарамай жорий қилинади. Олти ой ўтганидан кейин чеклашларни яна давом эттириш ёки давом эттирмаслик масаласини инспекция кўриб чиқади ва жазони ўташ муддати тугагунча давом этиши мумкин.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс ва унга нисбатан белгиланган чеклашлар ҳақида милициянинг профилактика инспекторига ҳамда маҳкумнинг оила аъзоларига маълум қилинади.

Инспекция томонидан маҳкумга нисбатан белгиланган чеклашларни маҳкум бузган тақдирда маҳкумга нисбатан маъмурий таъсир чораси қўлланилиши мумкин.

3. Ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётган шахснинг яшаш жойи ёки ишлаш жойи ўзгариб қолганда бу ҳақда жазони ижро этиш инспекциясига хабар беришга мажбур.

Маҳкум ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қила олмайди. Агар меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса, бу ҳақда дарҳол жазони ижро этиш инспекциясига маълум қилиши шарт. Маҳкумнинг жазосини ўташ билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни инспек-

мумкин. Маҳкумга нисбатан қўлланган рағбатлантириш ёки интизомий чоралар тўғрисида корхона маъмурияти жазони ижро этиш инспекциясини доимий равишда хабардор қилиб туради. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахслар махсус ҳуқуқий ҳолатда бўлиб, жазони ўташ билан боғлиқ бўлган ҳар қандай нормани бузиши қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

4. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ёки ишдан бўшатишда маъмурият мазкур жазони ижро этишдан келиб чиқадиган барча талабларга риоя қилиши керак. Жазони ижро этиш юзасидан содир бўлган ҳар қандай ўзгариш ҳақида дарҳол жазони ижро этиш инспекциясига хабар қилиши шарт.

Маъмурият жазони ижро этиш инспекциясининг ёзма равишдаги розилигини олмасдан ўз ташаббуси билан мазкур жазони ўтаётган шахсни ишдан бўшата олмайди. Ҳатто маҳкум ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилган тақдирда ҳам ишдан бўшатмай, аввал бундай ҳуқуқбузарлик ҳақида инспекцияга ахборот беради. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилган шахснинг ўз ташаббуси билан ҳам уни ишдан бўшата олмайди. Аввал бу ҳақда инспекцияга маълум қилади. Инспекциянинг ёзма равишдаги розилигини олганидан кейингина маҳкумни ишдан бўшатиши мумкин.

29-модда. Маҳкумнинг мажбуриятлари

Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм талабларини бажаришга, жазоларни ижро этиш инспекциясига мазкур жазони ўташ билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишга, яшаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида инспекцияни хабардор қилишга, чакирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлишга мажбур. Маҳкум ҳозир бўлмаган тақдирда у белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

Жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида инспекциянинг ёзма рухсатсиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланади. Инспекция рухсатнома беришни рад этган тақдирда юқори мансабдор шахсга ёки судга шикоят қилиш мумкин.

циянинг талаби билан тақдим қилиши шарт. Маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда ўташ тайинланган бўлса, маъмуриятнинг ёки маҳкумнинг ўз таъаббуси билан уни ишдан бўшатиш тақиқланади. Бундай маҳкумлар фақат инспекциянинг ёзма рухсати билангина ишдан бўшатилиши мумкин. Агарда инспекция ишдан бўшаш ёки бўшатишга розилик бермаса, маъмурият ёки маҳкум юқори турувчи мансабдор шахсга ёки судга шикоят аризаси билан муружаат қилиши мумкин.

4. Сутканинг муайян соатларида фақат яшаш уйида бўлиш мажбурияти унинг алоҳида ҳуқуқбузарликлар содир қилишининг олдини олиш, шунингдек, маҳкумнинг тинчлиги, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўлланади.

Дам олиш ёки отпускаи вақтида яшаш жойида бўлиш мажбурияти ҳам худди шундай мақсадларда қўлланади ва бу вақт ишдан ташқари вақт бўлганлиги туфайли иш жойи маъмурияти назоратидан ташқарида бўлганлиги учун уни оила аъзолари томонидан, шунингдек, жазони ижро этиш инспекцияси томонидан назорат қилиб туриш ва ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари содир қилишининг олдини олиш ҳамда ёмон ҳуқуқ таниш-билишлари билан учрашувлардан сақлаш мақсадида қўлланадиган чоралар ҳисобланади.

5. Жазони ижро этиш инспекцияси томонидан белгиланган вақти-вақти билан инспекцияга келиб туриш мажбурияти эса энг аввало маҳкум билан суҳбатлар ўтказиб туриш, иш ва турмушида унинг иши ёки турмуши юзасидан қандай муаммолар келиб чиқаётганлигини билиб туриш ва маҳкумга ушбу муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш, шунингдек, унга тарбиявий ва ижобий руҳий таъсир ўтказиш мақсадини кўзлайди.

30-модда. Жазо муддатларини ҳисоблаш

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишланмаган кунларни жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун ушбу Кодексда белгилаб қўйилган асослар бўлмаса, ахлоқ туза-

тиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган иш кунлари миқдорини тўлиқ ишлаб бергунига қадар давом этади.

Иш вақти жамлаб ҳисобга олиннадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган маҳкумларнинг жазони ўташ муддати иш соатларининг нормал миқдорига амал қилинган ҳолда, ҳисобга олиннадиган даврдаги иш вақти муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти жазоларни ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан, бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар учун эса – улар жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошланади.

Маҳкум ишламаган, аммо қонунга мувофиқ унинг иш ҳақи сақланиб турган вақт, шунингдек маҳкум ишсиз деб топилган вақт ахлоқ тузатиш ишларини ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Жазони ўташ муддатига қуйидагилар қўшиб ҳисобланмайди: қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланмайдиган касаллик вақти;

қамоқ тартиқасидаги маъмурий жазони ўташ вақти, бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан қамоқда сақланган вақт.

1. Ахлоқ тузатиш ишлари суд ҳукмида белгиланган муддат мобайнида жараён сифатида ўталадиган жазо тури ҳисобланади. Мазкур жазо турининг ўташ муддатларини ҳисоблаш тартиби жараён сифатида ўталадиган бошқа турдаги жазоларнинг муддатларини ҳисоблашдан биров фарқ қилади. Бу фарқ йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисоблансада, маҳкумга иш ҳақи тўланган ёки ишламаган кунлар учун ҳам ҳақ тўланган кунларни жазо муддатига ҳисобланиши билан белгиланади.

2. Ахлоқ тузатиш ишлари жазо муддатини тўғри ҳисоблаш учун энг аввало бу жазонинг бошланиш ва тамом бўлиш вақтларини аниқлаб олиниши керак. Маълумки, ахлоқ тузатиш ишлар ҳукмда кўрсатилишига биноан ўзининг олдин ишлаб турган иш жойида ёки жазони ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган яшаш жойидан бошқа жойда ишлаб жазони ўташдан иборатдир. Агар ҳукмда жазони маҳкумнинг ўз иш жойида ўташ белгиланган бўлса, маҳ-

кум ишлаётган корхона маъмуриятига жазони ижро этиш ҳақидаги хужжат келиб тушган кундан бошлаб жазо муддатини ўташ бошланади. Лекин айрим сабабларга кўра корхонага мазкур хужжат келиб тушган кунда турли сабабларга кўра, (жазони ижро этиш учун масъул бўлган мансабдор шахснинг касаллиги, таътилдалиги, хизмат сафаридалиги ва ҳоказо сабаблар туфайли) жазо ижро этилмай қолган бўлса, жазони ўташни қайси кундан бошланган деб ҳисоблаш лозим деган савол туғилиши табиий. Бундай ҳолда маъмурият бу ҳақда жазони ижро этиш инспекциясига маълум қилган ҳолда, маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган кундан бошлаб жазо муддати бошланган ҳисобланади.

3. Агарда жазони ўташ маҳкумнинг янаш жойидан бошқа жойда белгиланган бўлса, жазони ижро этиш инспекцияси томонидан теборишган жойга маҳкум келиб иш бошлаган кундан жазо муддатини ўташ бошланган ҳисобланади.

4. Маҳкумга нисбатан суд томонидан тайинланган жазо муддати календарда белгиланган йиллар, ойлар ва кунлар билан белгиланади. Аммо маҳкумнинг ишлаб берган кунлари ана шу муддат ичидаги иш кунлари билан ҳисобланади. Яъни маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, маҳкумнинг ишлаган кунлари у ишлаётган корхонадаги бир ойдаги бошқа ишчи хизматчиларининг иш кунлари билан тенг бўлиши керак.

Корхоналарнинг иш кунлари тартиби ҳар хил бўлганлиги сабабли маҳкумнинг бир ойлик иш кунларини календарда белгиланган иш кунлари билан ҳисоблашнинг иложи бўлмайди.

Агарда маҳкум мазкур корхонада бир ойлик муддат мобайнида белгиланган иш кунларини тўла ишлаб бермаган бўлса, шу ойдаги жазо муддатини тўла ўтамаган ҳисобланади.

5. Маълумки, жазони ўташ муддати узлуксиз ҳисобланади. Шунга кўра, маҳкум ишламаган, лекин ҳақ тўланган, масалан, таътилдалиги, касаллиги туфайли даволанган муддати, ўқув юртларида ўқиётган вақтидаги сессия даври, давлат имтиҳонлари топшириш вақтида ҳам, шунингдек, ишлмаган ва ҳақ тўланмаган вақтда ҳам, масалан, сабабсиз ишга чиқмаган кунлар, ҳақ тўланмаган ўз ҳисобидан қисқа муддатли отпускаи вақти, касаллиги туфайли даволанган ҳақ тўланмаган вақтда ҳам ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиби

(режими) тўла амал қилади. Бундай вақтларда ҳам ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ талабларига тўла риоя қилиши шарт.

6. Маҳкумнинг меҳнати меҳнат қонуни билан тартибга солинганлиги туфайли унга йиллик меҳнат отпускази берилади. Аммо у жазони ўтаётган шахс бўлганлиги туфайли фақат меҳнат қонунда белгиланган асосий меҳнат таътили вақти (18 кун) берилади ва бошқа имтиёзли ёки қўшимча меҳнат таътили вақти берилмайди. Меҳнат таътили вақти ҳақ тўланадиган ишламайдиган кунлар бўлганлиги учун унинг вақти ҳам жазо муддатига киради. Бундан ташқари ишламаган лекин ҳақ тўланган барча кунлар (масалан, ҳақ тўланган даволанган кунлар, меҳнат таътили вақти, ўқув юртларида ўқиётган бўлса, сессия даври ва давлат имтиҳонларини топшириш даври ва ҳоказолар) ҳам жазони ўташ муддатига киради. Чунки бу ишламаган кунлари маҳкумга ҳақ тўланади ва ана шу тўланган маблағнинг суд ҳукмида белгиланган қисми ушлаб қолиб, давлат даромадига ўтказилади.

7. Ишламаган, ҳақ тўланмаган кунлар жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди. Бундай кунларга масалан, маъмурий тартибда қамоқда сақланган кунлар, шунингдек жиноят содир этганлиги муносабати билан қамоқда сақланган вақт ўз ҳисобидан қисқа муддатли меҳнат таътили олган кунлар, гиёҳванд воситалар, спиртли ичимликлар ёки бошқача кайф қилдирадиган воситаларни истеъмол қилиб, касал бўлганлиги туфайли шифохонада даволанган кунлар, сабабсиз ишга чиқмаган кунлар (ишсиз деб топилган кунлар бундан мустасно) жазо муддатига кирмайди. Шунинг учун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини маҳкум ўтаётган корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти маҳкумнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган кундан бошлаб суд ҳукмида йиллар, ойлар ва кунлар билан белгиланган муддат тамом бўлган куни, жазони ўташ муддати мобайнида ишламаган ва ҳақ тўланмаган кунларни қўшиб ҳисоблаб чиқади ва маҳкумнинг жазо муддатининг ана шу ишламаган кунларни ишлаб бергунча жазо муддатини ўташ давом этиши тўғрисида огоҳлантирилади.

8. Корхона, муассасаларда ишлаётган ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётган шахсларнинг жазо муддатларини ҳисоблашда қийинчилик бўлмайди. Аммо қишда дала ишлари тўхтаган вақтда далада ишлайдиган маҳкумнинг ишламаган кунлари жазо муддатига кирадими ёки йўқми деган савол туғилиши табиий. Маълумки, ҳар бир дала меҳнатчиси фермер хўжалиги ёки деҳқон хўжалиги билан ёхуд жамоа хўжалиги билан шартнома асосида ишлайди. Ҳар бир фермер, деҳқон ёки жамоа хўжалигининг низоми мавжуд бўлиб, шартнома ана шу

низомига мувофиқ тузилади. Фермер, деҳқон ёки жамоа хўжалигида ишлаб ахлоқ тузатиш ишларини ўтаётган шахсларнинг жазо муддатларини ҳисоблашда фермер, деҳқон ёки жамоа хўжалигининг низомида белгиланган ва шартномада белгиланган меҳнат минимумини маҳкум тўла бажарган бўлса, қишда дала ишлари тўхтаган вақтдаги ишламаган кунлар ҳам жазо муддатига киради. Аммо дала ишлари давом этаётганда ишламаган ва ҳақ тўланмаган кунлар жазо муддатига кирмайди. Агарда далада ишлаш мавсуми тугаган, аммо маҳкумнинг ишламаган ҳақ тўланмаган кунлари ҳали анчагина бўлса, далада ишлаш мавсуми бошланиши билан қолган кунларни ишлаб бериши керак. Бу масалалар фермер хўжалиги ёки деҳқон хўжалиги ёки жамоа хўжалигининг маъмурияти ва жазони ижросини назорат қилувчи органлар келишган ҳолда ҳал қиладилар.

31-модда. Маҳкумнинг иш ҳақидан чегириб қолиш тартиби

Ҳукмда назарда тутилган чегирма маҳкумнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг барча туридан, ҳар бир ишланган ой учун маош тўлаш чоғида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 31-моддасида ҳукмда назарда тутилган чегирма маҳкумнинг асосий иш жойидаги иш ҳақининг барча туридан ушлаб қолиниши назарда тутилади. Маҳкумнинг асосий иш жойи деганда нимани тушуниш зарур? Маҳкумнинг шартнома асосида ёки буйруқ асосида ёхуд сайлов йўли билан ишлаётган иш жойи, шунингдек қонун асосида ўриндошлик билан бошқа корхоналарда ҳам ишлаётган иш жойлари тушунилади. Демак, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсларнинг ўриндошлик билан ишлашига руҳсат берилади.

Агарда маҳкум ўриндошлик билан ишлаётган бўлса, ҳар бир корхонадан оладиган маоши қўшиб ҳисобланади ва юз фоиз деб ҳисобланади. Уларнинг умумий миқдоридан (барча тўловлар ҳам қўшиб ҳисобланади) келиб чиққан ҳолда суд ҳукмида белгиланган фоиз суммаси ушлаб қолинади. Бундай ҳолда қўшиб ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорининг қанчаси қайси иш жойига тўғри келса, ушлаб қолинадиган фоиз миқдори ҳам шунга мувофиқ равишда ҳар бир иш жойида маъмурият вакиллари белгиланган фоиз суммасини ушлаб қолиб, давлат даромади ҳисобига ўтказилади.

2. Қонунда белгиланишига кўра, маҳкумнинг ҳар ойдаги иш ҳақининг суд ҳукмида кўрсатилган фоизи ойнинг охирида оладиган иш ҳақидан ушлаб қолинади. Ойнинг биринчи ярмида аванс тариқасида тўланадиган иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун корхона маъмурияти ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахсга аванс тариқасида маош тўлаётган вақтда, аванс миқдорини ушлаб қолинадиган маблағ миқдоридан келиб чиққан ҳолда берилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 164-моддасида белгиланишига кўра, иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Аммо ахлоқ тузтиш ишлари жазосини ўтаётган шахснинг иш ҳақининг ушлаб қолинадиган фоиз миқдори 70 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

4. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган фоиз фақат пул шаклида бўлиб, бошқа бирор нарса билан алмаштирилиши мумкин эмас. Аммо қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шугулланадиган (масалан, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги ёки жамоа хўжалигида) корхоналар иш ҳақи пул шаклида ва натура шаклида бўлиши мумкин. Маҳкумнинг иш ҳақини ҳисоблашда пул шаклидаги ва натура шаклидаги иш ҳақлари ҳисобга олинади. Пул шаклидаги иш ҳақининг тегишли фоизи ушлаб қолиниб давлат даромади ҳисобига ўтказилади. Натура шаклидаги иш ҳақининг тегишли қисми фермер ёки деҳқон хўжалигида ёхуд жамоа хўжалигида қолдирилиб, унинг бозор нархидаги суммаси давлат даромадига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасида белгиланганига кўра, иш ҳақидан ушлаб қолиш фақат маҳкумнинг ҳар ойда оладиган иш ҳақини суд ҳукмидан белгиланган тегишли қисми ҳажмида амалга оширилади. Маҳкумнинг иш ҳақи ҳисобланмайдиган бошқа кўшимча даромадларидан (масалан, ҳовлисида етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни, ҳовлисидаги дарахт меваларини бозорда сотишдан олган ва ҳоказо даромадларидан, шунингдек, маҳкумнинг оила аъзоларининг иш ҳақи ёки даромадидан ушлаб қолиш мумкин эмас.

Агарда маҳкум ишсиз деб расмий жиҳатдан тан олинган бўлса, ишсизлиги туфайли оладиган ёрдам пулининг тегишли қисми ушлаб қолинади. Шунинг учун ҳам расмий жиҳатдан тан олинган давр ҳам жазо муддатига киради.

Ушлаб қолинадиган фоиз маъдорини келажакдаги ойлари учун олдиндан ушлаб қолиш ёки олдиндан тўлаб қўйишга йўл қўйилмайди.

32-модда. Ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаш оқибатлари

Маҳкум ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси ўталмаган муддатни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш ҳақида Жиноят кодексининг 46 ва 83-моддаларида назарда тутилган тартибда судга тақдимнома киритади.

1. Ахлоқ тузатиш ишларини қонунда белгиланган талаб даражасида ўташни таъминлаш ва огоҳлантирувчи таъсир чораси сифатида маъмур жазони ўташ талабларини бузган маҳкумларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир чораси қўлланилиши, ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган тақдирда эса суд бошқа турдаги жазо билан алмаштиради.

2. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўташ талабларини бажармаслик:

а) жазони ижросини назорат қилувчи инспекция маҳкумни рўйхатга олган кундан бошлаб 15 кун ичида ишга кирмаслик;

б) жазони ижросини назорат қилувчи инспекциясига сабабсиз келмаслик ва рўйхатдан ўтмаслик;

в) маҳкумга нисбатан Жиноят-ижроия кодекси асосида юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

г) ишга келмаслик, яъни сабабсиз ишга чиқмаслик;

д) ишга спиртли ичимлик ичиб маст ҳолда ёки гиёҳванд восита ёхуд бошқача заҳарвандлик моддаларини истеъмол қилган ҳолда келиш;

е) яшаш ёки иш жойи ўзгариб қолганда жазони ижросини назорат қилувчи органга ўз вақтида хабар бермаслик;

ж) жазони ижросини назорат қилувчи инспекция томонидан ўрнатилган чеклашларни бажармаслик.

3. Агарда маҳкум ана шулардан бирортасини содир қилса, инспекция томонидан маъмурий жазога тортилади. Маъмурий жазо ёзма равишда огоҳлантиришдан ёки бошқа чорадан иборат бўлиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддаси 3 қисмида белгиланишига кўра, агар шахс суд томонидан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари муддатининг жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроғини ўташдан бўйин товласа, суд ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт жазонинг ўталган муддатига кўшиб ҳисобланмайди.

5. Жазони ўташдан бўйин товлаган вақт бир бутун узлуксиз бўлганлиги ёки сабабсиз бўйин товлаган вақтларни кўшиб ҳисоблаганда жами бўлиб ўндан бир қисмидан кўпроқни ташкил қилганликнинг ўзи, қолган қисмини озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштиришга асос бўлади.

6. Агар ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаган вақт суд томонидан тайинланган муддатнинг жами бўлиб ўндан бир қисмидан камроқ бўлса, жазони ижросини назорат қилувчи инспекция томонидан маъмурий жазога тортилади ва ёзма равишда бу жазони озодликдан маҳрум қилиниши мумкинлиги билан огоҳлантиради:

III БЎЛИМ. ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

8-БОБ. ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

33-модда. Жазони ижро этиш муассасалари

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида ўтайдилар.

Маҳкумлар жазонинг бутун муддатини, одатда, битта қамоқ уйида ўтайдилар.

Маҳкумни бир қамоқ уйдан иккинчисига ўтказишга ушбу Кодекснинг 57-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

1. Қамоқ жазосини қонунчиликка киритиш фикри жиноят ҳуқуқи назариясида янгилик эмас. Бундай жазо илгаридан, бевосита содир қиллинган ижтимоий хавфли қилмишларнинг жазосини белгилаш мақсадида маъмурий қамоқ тарзида жазолаш фикри мавжуд эди. Бундан мақсад эса қисқа муддатли озодликни чеклаш эди, лекин янги жиноят қонунчилиги қабул қилинганда енгил жиноий қилмиш тушунчаси назарга олинмади, бироқ қамоқ жазоси жиноят қонунчилигидан ўрин олди. Жазонинг ижтимоий-ҳуқуқий хусусияти ҳам шундаки, маҳкум ўзининг ижтимоий хавфли қилмишини қисқа муддат ичида тушуниб етади ва англайди. Шу муддат мобайнида маҳкум оғир шароитда сақланади.

2. Қамоқ жазосини ўташ шароитларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорида қамоқ уйлари ҳақида фикр юритилганди. Жумладан, қамоқ жазосининг таъминланиши учун бундай уйлар ташкил қилинганга қадар тергов хибсхоналари ва турма қамоғида алоҳида қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар учун қамоқ жазосининг ҳуқуқий ҳолатлари таъминланиши таъкидланди. Бундан хулоса шуки, қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар қамоқ уйларида сақланиши учун махсус жойлар ташкил қилинади. Бундай жойлар вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ташкил

этилиши лозим бўлади. Бу, албатта, катта маблағ билан амалга оширилдиган иш бўлиб, муддати белгиланмаган.

3. Қамок жазосининг қонунга киритилиши маҳкумларни озодликдан маҳрум қилмай, енгилроқ жазолар билан жазолаш имконини янада кенгайтиради. Жиноят ҳуқуқи назариясида маҳкумларни ахлоқ тузатиш муаммоларини енгилроқ жазолар билан ҳам амалга ошириш мумкин, деган хулосалар келтирилади. Бу масалани ҳал қилишда, айниқса, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари каби жазоларнинг аҳамияти катта. Бу борада гарчанд қамок жазосида ахлоқ тузатиш чоралари қўлланилмаса ҳам, қисқа муддатга маҳкумни жамиятдан ажратиб қўйиш маҳкумни ахлоқан тузалишига катта ёрдам беради. Қамок жазоси жиноят қонунчилигида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда кенг қўлланишлиги назарда тутилган. Жумладан, аксарият ҳолларда, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан биргаликда, альтернатив жазо тариқасида учраб туради. Шунингдек, асосан, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноятлар учун назарда тутилганлигини қўриш мумкин.

Жиноят Кодексининг 48-моддасига кўра, қамок – шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади, вояга етмаганларга, лекин ўн олти ёшга тулганларга нисбатан бир ойдан 3 ойгача белгиланиши мумкин.

4. Жиноят қонунчилигида фақат жарима жазосини қамок жазоси билан алмаштирилиши назарда тутилган. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини эса тўғридан-тўғри озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилиши қонунлаштирилган. Бирок, ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан оғирроқ жазо бўлган қамок жазоси билан алмаштирилиши белгиланмаган. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси камида олти ойга берилиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларининг олти ойдан кам бўлмаган муддатини қамок жазоси билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай тажрибадан МДХ давлатлари кенг фойдаланишади. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 50-моддаси 3-қисмига мувофиқ, суд ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш, қамок ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштириш мумкинлигини белгилайди, лекин бу нарса қонунда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг икки куни қамокнинг бир кунига, уч куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига нисбатан қилиб белгиланган. РФ Жиноят кодексининг 73, 74-моддаларида таъкидланишича, қамок жазоси унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахс-

ларга нисбатан тайинланиб, унинг моҳияти шундаки, бу жазога ҳукм қилинганларга жазодан шартли равишда озод қилиш ёки бошқа енгиллаштирувчи ҳолатлар қўлланилмайди.

5. ЖИКнинг 33-моддаси 2-қисмига биноан маҳкум қамоқ жазосини бутун муддатини одатда битта қамоқ уйида ўтайди. Маҳкумларни бир қамоқ уйдан бошқасига ўтказишга одатда рухсат этилмайди. Лекин айрим ҳолларда, масалан маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, оғир касалликка учраганида ёки жазони ўташни давом эттириш учун имконият бермайдиган бошқа фавқулодда ҳолатларда маҳкумни бошқа қамоқ уйларига ўтказилиши мумкин. Касаллиги туфайли бошқа қамоқ уйига ўтказиш учун бу қамоқ уйида маҳкумнинг касаллигини даволаш имконияти ёки шароити мавжуд бўлмаганидагина рухсат этилади. Одатда ҳар бир қамоқ уйларида махсус шифокорлари бўлишлиги талаб қилинади.

6. Маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа қамоқ уйига кўчирилиши учун маҳкумнинг ҳам розилиги олиниши лозим бўлади. Шунингдек, маҳкумга унинг ҳаётини хавф остида қолганлиги ҳақида мурожаатномасига кўра ҳам маъмурият маҳкумни бошқа қамоқ уйига кўчириши учун асос бўла олади. Бундай мурожаатни маъмурият асослилигини кўриб чиқиб, ўтказиш лозим деган ҳулосага келса, вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармасига хабар қилинади, ўз навбатида вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармаси ички ишлар вазирлигига хабар қилинади. Ички ишлар вазирлигининг рухсати билан маҳкум бошқа қамоқ уйларига кўчирилади. Бундай рухсат билан вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармаси маҳкумни этап қилиш наряди орқали бошқа қамоқ уйига кўчирилади.

7. Бир ҳудуддаги қамоқ уйларига Жиноят-жроия кодексининг 57-моддаси 2-қисмига биноан, маҳкумлар сони кўпайиб кетса, янги маҳкумларни шу ҳудудга яқин бўлган бошқа қамоқ уйларига жўнатиш мумкин бўлади. Маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа қамоқ уйига кўчириш учун маҳкумнинг ҳам розилиги олиниши даркор бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, маҳкумга унинг ҳаёти хавф остида қолганлиги ҳақидаги мурожаатномаси ҳам маъмурият маҳкумни бошқа қамоқ уйига кўчириши учун асос бўлади. Ички ишлар вазирлигининг рухсати билан маҳкум бошқа қамоқ уйларига кўчирилади. Бундай рухсат билан вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармаси маҳкумни этап қилиш наряди орқали бошқа қамоқ уйларига кўчиришади.

Маҳкумларни бошқа қамоқ уйларига кўчириш бошқа фавкуллодда ҳолатлари бўлиб, қамоқ уйини сув босиши, ёнгин содир бўлиши, ер қимирлаши натижасида авария ҳолатининг келиб чиқиши, оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиши ва ҳоказо ҳолатлар бўлиши мумкин.

34-модда. Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш

Маҳкумлар жазони ўташ учун қамоқ уйларига тергов ҳибсхонаси маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида жўнатилади.

Маҳкумларни қамоқ уйларига жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Қамоқ жазосини ижро этиш тартиби бошқа демократик республикаларда бўлгани сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам Жиноят ижроия қонунчилиги билан тартибга солинади. Жиноят-ижроия кодексининг III бўлими айнан шу фикримиз далилидир. Қамоқ жазоси ўзининг моҳияти, тайинланиш муддати, маҳкумларнинг шарт-шароитлари, шунингдек, ижро этиш тартиби, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати билан бошқа турдаги жазоларни амалда қўллашидан фарқ қилади. Одатда, қамоқ жазоси маҳкумнинг яшаш жойида ташкил этилган махсус қамоқ уйларида ўталади.

2. Жиноят-ижроия кодексининг 33-моддасининг 2-қисмига кўра, қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар жазони ҳукм чиқарилган жойдаги махсус қамоқ уйларида ўтайдилар. Маҳкумлар жазонинг бутун муддатини, одатда, битта қамоқ уйида ўташлари шарт. Лекин айрим ҳолларда, маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, оғир касалликка учраганида ёки жазони ўташни давом эттириш учун имконият бермайдиган бошқа фавкуллодда ҳолатларда маҳкумни бошқа қамоқ уйларига ўтказиш мумкин. Касаллиги туфайли бошқа қамоқ уйига ўтказиш учун бу қамоқ уйида маҳкумнинг касаллигини даволаш имконияти ёки шароити мавжуд бўлмаганидагина рухсат этилади. Шу сабабли, ҳар бир қамоқ уйида махсус шифокорлар бўлишлиги талаб этилади. Маҳкумлар жазони ўташ учун қамоқ уйларига тергов ҳибсхонаси маъмурияти ҳукм қонуний кирганлиги ҳақида суд хабарномасини олган кундан бошлаб 3 кун ичида жўнатилади. Агар маҳкум чет элдан келган ёки бошқа жойларга борганда

таъминланишга муҳтож деб топилган беморларга олиш рухсат этилган посилкалар ҳамда йўқловлар миқдори ва тури тиббий хулосада белгилаб берилади.

3. Қариндош ва бошқа шахслардан бандерол ёки йўқловлар қабул қилиб олиш учун фуқаролар эркин кира оладиган махсус жойлар жиҳозланади. Уларда стуллар ёки ўриндиклари бўлган столлар, текшириб куриш учун тарози, хат, ариза ва шикоятлар учун қутичалар ўрнатилади. Посилка ва йўқловларни қабул қилиб олиш хонасининг иш тартиби, фуқаролар қабул қилинадиган вақт, учрашувлар олиш, йўқлов ва посилкаларни қабул қилиб олиш тартибини, уларнинг сони ва миқдорини белгилаб берувчи, шунингдек бу тартибни бузганлик учун фуқароларнинг жавобгарлигини белгиловчи норматив ҳужжатлардан кўчирмалар кўринарли жойга осиб қўйилади. Посилка ва йўқловларни қабул қилиб олувчи контролерлар оқ халатда бўлишлари лозим.

Йўқлов ёки бандерол олиб келган шахс белгиланган шаклдаги аризани икки нусхада ёзиб имзолайди. Йўқлов ёки бандерол аризининг ҳар иккала нусхаси билан бирга контролерга топширилади. Контролер маҳкум йўқлов олиш ҳуқуқига эга эканлиги ёки эга эмаслигини текшириб, йўқлов олиб шахс ҳозирлигида йўқловнинг тури ва оғирлигини текшириб кўради, сўнгра йўқлов қабул қилиб олиб, аризининг бир нусхасини йўқлов олиб келган шахсга йўқлов қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан қайтариб беради, иккинчи нусхасини эса маҳкум йўқловни олганлиги ҳақида унга имзо чеккавидан кейин алоҳида йиғмажилдга қўшиб қўяди. Контролер олинган йўқловлар сони ҳамда бу йўқловлар топширилган шахслар ҳақида ҳар куни учрашувлар, телефон орқали сузлашувлар, олинган йўқлов, посилка ва бандероллар ҳисобини юритиш варақчасига тегишли ёзув киритиб боради.

4. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар қариндошлари ва бошқа шахслардан пул жўнатмалари олиши мумкин. Пул жўнатмалари почта орқали ўтказилади ёки муассаса кассасига келиб тушади. Келиб тушган барча жўнатмалар маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилиб, бу хусусда уни хабардор этилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган шахслар пул жўнатмалари юборишлари мумкин. Маҳкумларнинг узлариغا яқин қариндош бўлмаган шахсларга, шунингдек турли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга пул жўнатмаларини юборишига фақат жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг рухсати билан йўл қўйилади.

Маҳкумларнинг ёмон ҳулки ички тарти қоидага бўйсунмаслиги натижасида қўлланилади. Маҳкумларга нисбатан огоҳлантириш, ҳайфсан эълон қилиш, ўн суткагача аёллар ва вояга етмаганларни эса етти суткагача қарцер хоналарига киритиш қўйиш, кунлик сайрнинг рағбатлантириш тариқасидаги кўпайтирилган муддатини бекор қилиш каби интизомий чоралар қўлланилади. Интизомий чора қўлланилган маҳкумларга уларни муддатидан аввал жазодан озод қилишга рағбатлантирувчи воситаларни қўллашга тўсқинлик қилади ва кейинги интизомий чора қўлланишида ҳам таъсири бўлади. Қарцер хоналарига киритиб қўйилган маҳкумларга овқат камайтирилган ҳолда бериллади. Интизомий чоралар ҳам вақти билан олиб ташланиши мумкин. Интизомий чора олиб ташланган маҳкумлар жазоланмаган деб ҳисобланади.

Қамоқ жазоси ўтаётган маҳкумларга турма қамоғи қоидалари жорий қилинади. Моддий таъминот ва маънавий аҳвол ҳам айнан турма қамоғи шароити асосида ташкил этилади.

IV БЎЛИМ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

I кичик бўлим УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

9-БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ

45-модда. Жазони ижро этиш муассасаларининг турлари

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини жазони ижро этиш муассасалари амалга оширади.

Жазони ижро этиш муассасаларига қуйидагилар киради:
жазони ижро этиш колониялари;
тарбия колониялари;
турмалар.

Тергов ҳибсхоналари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилниган ва ҳўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасалари вазифасини бажаради.

Жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади ҳамда вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Тарбия колониялари вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

Турмалар вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

1. Жазони ижро этиш муассасалари жиноя-ижроия тизимининг фундаментал базасининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланиб, жазони ижро этишнинг мақсад ва вазифалари, шакли, маҳкумлар билан ишлаш усуллари, маҳкумга бўлган талаб, бошқарув аппаратининг таркибий тузилмаси белгилайди. Мазкур моддада мустаҳкамланган ҳолатлар ўзида жазони ижро этиш назария ва амалиётида бўлаётган ўзгаришларни акс эттиради.

2. Жазони ижро этиш муассасаларининг аниқ турларига, яъни мазкур моддада мустақкамланган турларга ажратишнинг асосини қўйидаги тамойиллар ташкил қилади:

- 1) демографик (маҳкумнинг ёши, жинси);
- 2) жинсий-ҳуқуқий (содир этилган жиноятларнинг оғирлиги);
- 3) тиббий (маҳкум соғлигининг аҳволи);
- 4) маҳкумнинг тузалиши (маҳкумнинг жазони ўташ жараёнида ахлоқан тузалиши).

Турли жинсдаги маҳкумларни бир-бирларидан алоҳида сақланиши турли хил гигиена, ахлоқ ва бошқа ижтимоий қоидаларга риоя қилишни ҳам енгиллаштирилади. Маҳкумни ёшига нисбатан ажратилган ҳолда сақлаш вояга етмаганларни катталарнинг, жиноятчилик соҳасида тажрибали маҳкумларнинг салбий таъсиридан узоқроқ сақлаш имкониятини вужудга келтиради.

Маҳкумларни таснифлаш нафақат уларнинг жинси, балки психологик ҳолати, дунёкараши, маълумоти, шунингдек бошқа ҳолатга кўра амалга оширилади. Бундай таснифлашда маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, унинг шахси, илгари ҳам жиноят содир этганлиги; айб шакли каби ҳолатларига қараб ҳам маҳкумлар бир-биридан ажратилган ҳолда сақланади.

Булар жазони ижро этишда маҳкумнинг ўзига хос шахсий хусусиятларидан, унинг тузалиши учун таъсир воситаларидан фойдали мақсадларда қўллашни таъминлайди.

7. Шарҳланаётган модданининг 2-қисмига кўра, жазони ижро этиш муассасалари қўйидагича номланади:

- 1) жазони ижро этиш колониялари,
- 2) тарбия колониялари,
- 3) турмалар.

2001 йил 18 июндан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 298-сонли буйруғига асосан, барча жазони ижро этиш колониялари 2 хил шаклга эга бўлиб, улар:

- 1) маҳкумларни кўриқлов ва назорат остида сақланадиган ёпиқ турдаги (умумий, қатғиқ ва махсус тартибли);
- 2) маҳкумларни соқчисиз, аммо назорат остида сақланадиган ярим очик турдаги (мажбул колониялар) колониялардан иборат³.

Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони колония ва турмаларда ўтайдилар ва маҳкумларнинг таснифланишига кўра, улар-

³ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш туғрисида»ги 1039-сонли буйруғи, 08.06.2001 йил, Тошкент шаҳри.

ни турли хил колония ва турмаларда тақсимланади. Жазони ижро этиш қонунчилиги тарихида бу муассасаларнинг такомиллашганлигини кўришимиз мумкин. Колония ва турмаларнинг ривожланиши ва такомиллашиши маҳкумлар шароитининг ўзгариши ва жаҳон андозаларига яқинлашишига ҳам сабаб бўлади.

4. Жазони ижро этиш муассасалари таркибига тергов ҳибсхоналари маъмуриятлари ҳам киради. Унинг аҳамияти, биринчидан жазони ўташ муассасаларида маҳкумлар сонининг ортиб кетмаслиги ёки бошқасида камчиликларни ташкил этиб қолмаслигидан иборат бўлса, иккинчидан қонуний кучга кирган суд ҳукмида кўрсатилган мажбурлов чораларини ўз вақтида қўллашни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўла олади.

5. Жазони ижро этиш колониялари вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинади коллонияларга бўлинади.

6. Вояга етмаганларга нисбатан алоҳида турдаги жазони ижро этиш колонияларнинг ташкил этилиши, уларга нисбатан қўлланиладиган тарбиявий чораларнинг алоҳида турларини жорий этиш имкониятларини яратади. Вояга етмаган маҳкумлар тарбия колонияларда сақланади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш жараёнида бу қоидага қатъий амал қилинади ва фақат суд ҳукмига қадар шахс тергов ҳибсхонасида сақланадиган ҳоллардагина бу қоидага риоя қилинмаслиги мумкин. Бу вақтда улар озодликдан маҳрум қилинган ҳисобланмайдилар.

7. Турма қамоғи колониялардан фарқ қилиб, колонияларни эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида ташкил этилиш назарда тутилган бўлса, турма қамоғида маҳкумлар фақат алоҳида-алоҳида камераларда сақланишлиги инобатга олинган ҳолда эркаклар ҳам, аёллар ҳам битта турмада сақланиши мумкин. Бирок, ЖК 50-моддаси ва ЖИКнинг 58-моддаси талабларига биноан, маҳкумни энг аввало жинсига қараб ажратилади. Эркак жинсидаги маҳкумлар учун алоҳида жазони ижро этиш колониялари ташкил этилади. Маҳкумларни таснифлашнинг бу принципитга доим риоя этилади, ҳатто маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатлари ўзгарган тақдирда ҳам бу вазият сақланиб қолаверади. Маҳкумларни бундай тамойил асосида ажратилган ҳолда сақлаш ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади, уларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларини, уларга бериладиган имтиёз ва ҳуқуқларни тўғри амалга ошириш учун имконият яратади.

Манзил-колониялар куйидагиларга бўлинади:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун шунингдек, қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;

умумий, каттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар.

1. Манзил колониялар Республикамизда 1963 йил июль ойидан бошлаб ташкил этила бошланган. Манзил-колониялардаги сақланаётган маҳкумларнинг шароити озод шахсларнинг ҳаётига жуда яқинлаштирилган бўлиб, маҳкумларга кўплаб қулай шарт-шароитлар яратиб берилган.

Манзил-колониясининг турар жой зонаси ҳудуди назорат ўтказиш пункти мавжуд бўлган яхлит сидирға девор билан ўралиб, унинг таркибига куйидаги бинолар киради: ходимларнинг хизмат хоналари мавжуд бўлган маъмурий бино, маҳкумлар учун ётоқхоналар, навбатчи наряд учун мўлжалланган махсус хонаси бор навбатчи хизмати биноси, ошхона, магазин, амбулатория, кутубхона, оммавий-маданий ва тарбиявий тадирларни ўтказиш учун бино, кирхона ва дезинфекция камераси, маҳкумларнинг шахсий буюмларини сақланиши учун омборхона, интизомий бўлинма, маҳкумлар билан учрашувга келганлар учун вақтинча яшашга мўлжалланган уй (меҳмонхона). Бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик-омборхона объектлари манзил-колониянинг маъмурий ҳудудида жойлашади.

Манзил – колонияларининг интизомий бўлинмасида хибсхонанинг ҳар бири 4-6 ўринга мўлжалланган камералар ва навбатчи учун алоҳида хона жиҳозланади. Интизомий бўлинма биноси бошқа иморатлардан яхлит сидирға девор билан ажратилиб қўйилади.

Манзил-колонияларига мўлжалланган камералар жиҳозланмайди.

Манзил-колонияларининг чегаралари колония жойлашган манзили ҳамда маҳкумлар томонидан бажариладиган ишларнинг хусусиятини инобатга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоят ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан белгиланади.

Манзил-коллониялари чегаралари тўғрисида маҳкумга унинг шахсий жилдига тиркаб қўйиладиган тилхат орқали маълум қилинади.

2. Манзил-коллониялари қуйидагиларга бўлинади:

1) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлари учун ҳукм қилинганлар сақланадиган манзил-коллониялари;

2) суднинг ажрими асосида умумий, каттиқ тартибли коллониялардан, шунингдек тарбия коллонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-коллониялари.

3. Суд томонидан жазони манзил коллониясида ўташ тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазосининг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли коллонияга ўтказди.

47-модда. Умумий тартибли коллониялар

Умумий тартибли коллониялар қуйидагиларга бўлинади:

оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган коллониялар;

ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган коллониялар;

оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган коллониялар, ушбу Кодекснинг 48-моддасида кўрсатилган аёллар бундан мустасно.

1. Шарҳланаётган моддада умумий тартибли коллонияларнинг турлари кўрсатиб ўтилган. Унга биноан, умумий тартибли коллониялар қуйидагиларга бўлинади:

- оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган коллониялар;

- ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган коллониялар;

- оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган. Агар аёл илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тари-

қасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган бўлса, унга суд томонидан қаттиқ тартибли колонияда жазони ўташ белгиланади.

2. Умумий тартибли колонияларда жазони ўтаётган шахслар умумий турар жой ёки ётоқхоналарга жойлаштирилади. Ҳар бир маҳкумга ухлаш учун алоҳида жой берилиб, бу жойга унинг исми шарифи бош ҳарфлари ва фамилияси ёзилган тахтача ўрнатилади.

Ётоқхона ва умумий турар жой биноларида ҳар бир туркум хисобидан келиб чиққан ҳолда, туркум бошлиқлари (табиячилар) хизмат хоналари, тарбия ишларини олиб бориш, кийиниб ечиниш, маҳкумларнинг шахсий буюмларини сақлаш учун мўлжалланган хоналар жиҳозланади.

48-модда. Қаттиқ тартибли колониялар

Қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинади:

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

1. Маҳкумларни дифференциялаш мақсадида қонун чиқарувчи қаттиқ тартибли колонияларнинг ҳам икки турини белгилайди. Биринчи турдаги қаттиқ тартибли колонияларда илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланади. Иккинчи турида эса илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланади.

Маҳкумларни бу каби табақалаштириш ўзини оқлаган бўлиб, жиний тажрибага эга бўлган маҳкумларни ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатишларини олдини олади.

2. Турли категориядаги маҳкумларни алоҳида сақлаш Жиноят-ижроия кодексининг – жазони ижро этишда дифференция ва инди-

видуаллаштиришга роя этиш принципи ўзида мужассамлаштиради. Бу каби жазони ижро этиш муассасалари маҳкумнинг характери ва ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахси, хулқини ҳисобга олиб ахлоқ тузатиш воситаларини қўллайди.

Шарҳланаётган модда жазони ижро этиш муассасаси раҳбариятига суд томонидан бир турдаги режим белгиланган маҳкумларни бир-биридан алоҳида сақлаш мажбуриятини юклайди.

49-модда. Махсус тартибли колониялар

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилиб, ўта хавfli рецидивист деб топилган эркакларни ва умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганларни сақлаш учун мўлжалланган.

Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган эркаклар ҳам сақланади.

1. Жазони ижро этиш муассасалари ичида махсус тартибли жазони ижро этиш колониялари муҳим ўрин эгаллайди. Махсус тартибли колонияларда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ўта хавfli рецидивист деб топилган эркакларни сақлаш учун мўлжалланган.

Шу икки турдаги шахслардан ташқари бошқа кишилар бу хилдаги махсус тартибли колонияларга жойлаштирилиши мумкин эмас. Колония маъмурияти томонидан махсус тартибли колония махбуслари ўртасида тушунтириш ишларини олиб боради. Махсус тартибли колонияларда муассасанинг турма кўринишидаги назоратчилари режина таёқчалари билан қуролланган назорати остида камера типидagi колонияларда сақланишлиги назарда тутилади.

2. Махсус тартибли колониялар куйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жиҳозланади:

- турар жой зонаси икки қисмга: камера типидagi хоналари ҳамда оддий турар жойлари мавжуд бўлган ҳудудларга бўлинади

- оддий турар жойлари мавжуд ҳудудда бошқа турдаги колонияларда бўлган каби хизмат ва коммунал-маиший объектлар жойлашади. Бунда турар жойлар маъмурий ва хўжалик – маиший бинолардан батамом ажратилган ҳолда жойлаштирилади. Тиббиёт бўлими ҳамда стационар биноси яхлит сидирға девор билан ўралади.

- интизомий бўлинма камера типидagi хоналар мавжуд бўлган ҳудудга жойлаштирилади, унда ҳибсхона ва қарцерларнинг камера-

лари жиҳозланган бўлиб, карцер камералари маҳкумларни якка ёлғиз сақлаш учун мўлжалланган. Бу бинолар яқинида сайр қилиш майдончалари жиҳозланади.

50-модда. Тарбия колониялари

Тарбия колониялари вояга етмай туриб жиноят содир этган маҳкумларни сақлашга мўлжалланган.

1. Вояга етмаганлар билан боғлиқ жазони ижро этишда тарбия колонияларининг яратилиши қонунчиликда назарда тутилган. Бунда қонун чиқарувчининг “тарбия” термини ўзига хос бўлиб, бу ерда умумий тартибдаги колонияларга нисбатан вояга етмаган жиноятчига кўпроқ психологик-педогогик таъсир ўтказилади.

Умумий қонда бўйича тарбия колонияларида 18 ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар сақланади, аммо уларнинг бу муассасада жазони ўташ билан боғлиқ ҳолда 21 ёшгача сақлаб туриш мумкин.

2. Тарбия колонияларида маҳкумлар учун мўлжалланган касб-хунар таълими ва касб тайёргарлиги синф ҳамда ёрдамчи техник хоналари бошқа бинолардан ишончли тарзда батамом ажратиб қўйилган бўлиши лозим.

Турар жой зонаси ҳудудида спорт зали ёки бир вақтнинг ўзида барча маҳкумларни сафга тизиниш учун майдон, стадион, зарур спорт инвентарлари комплекси мавжуд майдончалар жиҳозланади.

Назорат-ўтказиш пункти мавжуд блокда қурол-аслаҳалари сақлаш ва бериш учун мўлжалланган хоналар жойлаштирилади.

Тарбия колонияси ҳудуди баландлиги уч метрдан кам бўлмаган девор билан ўралади, унинг ташқи периметри бўйлаб ниқоблаб девор билан ўралади.

Тарбия колонияларининг интизомий бўлинмасида карцерга мўлжалланган камералар жиҳозланмайди.

52-модда. Турмалар

Турмалар турма қамоғига ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек, умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан жазони ўташ тартибини ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган.

1. Турмалар жазони ижро этиш муассасалари тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди. Турмаларга жазони ўташ қондаларини ашаддий

бузувчилар, умумий ва қаттиқ тартибли коллониялардан ўтказиладилар. Озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан турма қамоғини татбиқ этишлик ҳам маҳкумларни таснифлашнинг яна бир тури деб эътироф этилади. Жумладан, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олган ҳолда суд озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муайян қисмини турма қамоғида ҳам белгилашга ҳақли ҳисобланади. Турма қамоғига озодликдан маҳрум қилиш қилиш жазосини ўташлик учун юбориш қатъий эмас. Суд жинойтчининг шахси, унинг ижтимоий хавфлилиги ва ахлоқан тузатиш қийинчилигини инобатга олган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг маълум қисмигагина турма қамоғини қўллаши мумкин бўла олади. Турма қамоғига юбориш шартлари ҳам Жиноят кодексининг 50-моддаси 7-қисмида белгилаб қўйилган. Жумладан, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни турма қамоғига юбориш озодликдан маҳрум қилиш жазосининг фақат беш йилдан кўп бўлмаган қисмигагина татбиқ этилиши мумкин. Турма қамоғига ўта хавfli рецидивистлар, оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар юборилиши мумкин. Турма қамоғига юбориш масаласини суд маҳкумга ҳукм чиқариш жараёнида ҳал қилади.

2. Турма ҳудуди режим, маъмурий ва хўжалик хоналарига бўлинади.

Режим зонаси ҳудудида маҳкумлар сақланадиган корпуслар ошхона, кир ювиш хонаси мавжуд ҳаммом, стоционари мавжуд тиббиёт бўлими, сайр қилиш майдончалари, ишлаб чиқариш бинолари жойлашади.

Сайр қилиш майдончалари, одатдагидек, корпусларнинг юқори қаватларида барпо этилади. Айрим ҳолларда, камералардан кўриб туриш имкониятига йўл қўйилмаган тақдирда, сайр қилиш майдончалари ер узра жиҳозланади.

Сайр қилиш майдончаларининг юқори синфига синч бўйлаб 12x20 см ўлчамли панжара жиҳозланади ва металл симтўри тортиб қўйилади.

Ишлаб чиқариш корпуслари бошқа бинолардан батамом ажратилган ҳолда жойлаштирилади. Турар жой корпуслари, одатда ишлаб чиқариш коммунал-маиший ва бошқа объектлари билан тоннерлар ёки ер устидаги ёпиқ ўтиш жойлари орқали туташган бўлади.

Маъмурий зона ҳудудида хизмат хоналари, соқчилик хонаси мавжуд назорат ўтказиш пункти, алоҳида ажратилган хоналардан иборат қабул бўлинмаси, навбатчилик хизмати биноси, тергов хона-

лари, маҳкумларни қариндош-уруғлари ва бошқа шахслар билан учрашувларга мўлжалланган хоналар жойлашади.

Хўжалик зонасида омборхоналар, сабзавот сақлаш омборлари, гараж, хўжалик устахоналарива бошқа ёрдамчи бинолар жойлашади.

Турма ҳудуди баландлиги 4, 5 метрдан кам бўлмаган яхлит сидирга девор билан ўралади, девор параметри бўйлаб инженер-техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозланади. Режим зонаси хўжалик зонасиан ҳудди шу хилдаги девор билан ажралиб туради.

53-модда. Маҳкумларни тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдириш

Қасддан содир этилган оғир жинояти учун биринчи марта саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда, маҳкумнинг ёзма розилиги бўлган тақдирда, муассаса бошлиғининг қарорига биноан хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонаси ёки турмада қолдирилиши мумкин. (ЎЗР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

Хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонасида ёки турмада қолдирилган маҳкумлар жазони қулф-лаб қўйилмайдиган умумий камераларда, бошқа шахслардан батамом ажратилган ҳолда, ушбу Кодекснинг 18-бобида назарда тутилган шароитларда ўтайдилар. Маҳкумларга узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имконияти бўлмаса, уларга битта узоқ муддатли учрашув ўрнига иккита қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади.

Вояга етмаган шахслар, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилмайдилар.

1. Суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига кўра умумий коида бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилган маҳкумлар жазони тегишли тартибдаги жазони ижро этиш муассасасида ўтайдилар. Шулар билан бир каторда маҳкумни суд ҳукми билан жазони ўташ колониясига юборишни белгилаган бўлишига қарамасдан тергов изоляторида ёки турмага қолдирилиши зарураги юзага келади.

Шарҳланётган моддадага кўра маҳкумни хўжалик таъминоти ишларни бажариш учун тергов изоляторида ёки турмада қолдириш мумкин.

Маҳкумни тергов изоляторида ёки турмада хўжалик таъминоти ишларни бажариш учун қолдириш шу билан боғлиқки, бу ишларни бажаришда ихтиёрий ёлланма ишчиларни топиш қийин бўлади (кам ҳақ тўланиши, обруйига тўғри келмагани учун).

Тергов изоляторида ёки турмада қолдиришга кўпи билан саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этишга муддатга ҳукм қилинганларга йўл қўйилади.

Шарҳланаётган модда маҳкумларни тергов изоляторларда ва турмага хўжалик ишларни бажариш учун қолдириш билан боғлиқ бўлган қондаларни тартибга солади. Энг аввало бунинг учун маҳкумларнинг ёзма розилиги талаб қилинади. Бу ҳолат маҳкумни тергов изоляторида ёки турмага қолдириш учун нафақат расмий аҳамиятга эга, балки унинг ҳуқуқларга риоя қилишига кафолат бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан: агар, маҳкум яна жазони ижро этиш колониясига қайта ўтказиш тўғрисида ариза берса, тергов изолятори ёки турма маъмурияти унинг талабини қондирилади.

Тергов изолятори ёки турманинг бошлиғини буйруғи маҳкумни хўжалик ишларни бажаришга қолдириш учун асосий юридик ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Бу ҳужжатнинг бир нусхаси маҳкумнинг шахсий деласига тикиб қўйилади.

2. Тергов изолятори ёки турмада қолдирилган шахсларни бошқалардан ажратилган ҳолда сақлаш лозим. Чунки тергов изоляторида одатда оғир ва ўта оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахслар сақланади. Уларнинг бирга сақланиши маҳкумнинг хулқига салбий таъсир кўрсатса, иккинчидан, эса тергов жараёни боришига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Хўжалик таъминоти ишларни бажариш учун тергов изоляторида ёки қолдирилганлар шахслар қулflanмайдиган умумий камераларда сақланадилар, шунингдек, бу каби маҳкумлар жазони колонияларда ўтаётганлар фойдаланаётган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Улар ўз қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашишлари мумкин. Уларга қисқа муддатли ёки узоқ муддатли учрашув ҳуқуқи берилади. Агар узоқ муддатли учрашувга рухсат бериш имкони бўлмаса, бир марталик узоқ муддатли учрашув ўрнига, икки марта қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади. Қисқа муддатли учрашувлар муддати тўрт соатгача белгиланиши мумкин.

3. Шунингдек, мазкур модданинг учинчи қисмида тергов ҳибс-хонасида ёки турмада қолдирилиши мумкин бўлмаган шахслар тоифаси белгиланган. Вояга етмаган шахслар, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар шулар жумласига киради. Бундан мақсад уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир.

10-БОБ. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО ИЖРОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

54-модда. Маҳкумларни жазони ўташ учун жўнатиш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар тергов ҳибсхонасининг маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги тўғрисида суд хабарномасини олган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида жазони ўташ учун жўнатилади.

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жазосини ижро этишнинг муҳим даврларидан бири бўлиб озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ижро этиш муассасаларига жўнатиш даври ҳисобланади. Ушбу жараённинг аниқ тартибга солинган бўлиши бир томондан маҳкумга суднинг ҳукми қонуний кучга кирганлигини огоҳлантирса, бошқа томондан маҳкумни ахлоқан тузалиши учун таъсир чоралари қўллашнинг бошланганлигини билдиради.

2. Қонун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкум ўн кунлик муддат ичида тегишли тергов изолятори маъмурияти суднинг қонуний кучга кирган ҳукмини олгандан сўнг маҳкумни жазони ижро этиш учун жўнатади, деган қонидани ўрнатади. Ушбу муддат ичида зарур ҳужжатлар жазони ижро этиш муассасасига етказиб бериш мақсадида расмийлаштирилади.

3. Шарҳланаётган модда маҳкумнинг 10 кунлик муддат ичида уларни жазони ижро этиш муассасасига жўнатишга тайёрлаш ишларини амалга ошириш борасидаги махсус ҳуқуқларини кўзда тутаяди. Хусусан маҳкумлар бу муддат ичида ўз қариндошлари ва бошқа шахслар билан қисқа муддатли учрашувларни ўтказишлари мумкин.

4. Маҳкумни жазони ўташ жойларига жўнатиш Ички ишлар вазирлигининг махсус йўриқномаларига биноан амалга оширилади. Жумладан, махсус конвой белгиланади ва бу конвой маҳкумни, унинг шахсий ҳужжатларини қабул қилиб олади ҳамда белгиланган колонияга олиб бориб топширади. Маҳкумни олиб бориш ҳамда топшириш махсус қоидаларга биноан амалга оширилади. Маҳкумни олиб боришда автотранспорт ёки темир йўл хизматидан фойдаланилади.

Маҳкумларни олиб боришда эркаклар, аёллар, вояга етмаганлар, рецидивистлар, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар алоҳида-алоҳида сақланади. Шунингдек, соғлом ва касал маҳкумлар ҳам алоҳида-алоҳида олиб борилиши лозим. Зарур ҳолларда касал маҳкумлар махсус тиббиёт ходими назоратида олиб борилиши лозим. Маҳкумларни алоҳида-алоҳида олиб бориш асосан уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қочиб кетиш эҳтимолининг олдини олиш мақсадларида амалга оширилади. Маҳкумларни колонияга олиб боришда уларни мавсумга мувофиқ махсус кийим-бош ва озик овқат билан таъминлайдилар. Сарфланадиган йўл харажатлари давлат ҳисобидан амалга оширилади.

55-модда. Маҳкумлар жазони ўташ учун жўнатилганлиги ва етиб келганлиги тўғрисида хабар

Тергов ҳибсхонасининг маъмурияти маҳкум жазони ўташ учун жўнаб кетганлиги тўғрисида унинг оиласига уч кунлик муддат ичида хабар юбориши шарт.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум етиб келган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ҳукм чиқарган судни хабардор қилиши, шунингдек маҳкумнинг оиласига муассаса манзилини кўрсатиб ҳамда маҳкумнинг ёзишма олиб бориш, учрашув, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқларини тушунтириб, хабарнома юбориши шарт.

1. Тергов ҳибсхонаси маъмурияти маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасасининг жойини, унинг турини аниқлагандан сўнг унинг оиласига маҳкумнинг жазони ижро этиш учун қайси жазони ижро этиш муассасасига жўнаб кетганлиги ҳақида хабар беради. Хабарда маҳкум қачон тергов изоляторидан чиқиб кетганлиги, у кетган жазони ижро этиш муассасасининг манзили ва номи кўрсатиб ўтилади. Бу хабар уч кун ичида юборилиши лозим.

2. Шарҳланаётган моддага кўра жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум етиб келган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида бу ҳақда ҳукм чиқарган судни хабардор қилиши, шунингдек маҳкумнинг оиласига муассаса манзилини кўрсатиб, маҳкумга юборилиши ман этилган нарса, буюм ва ашёларн рўйхатини илова қилган ҳолда хабарнома юборади. Хабарномада маҳкумнинг ёзишма

олиб бориш, учрашув, посилка, йўқлов, бандероллар олиш, телефон орқали сузлашув ҳуқуқлари тушунтириб ўтилади.

56-модда. Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш тартиби

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш муассаса маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширилади.

Муассасага етиб келган маҳкумлар уларнинг шахсини ўрганиш ва шароитга мослашиб олишлари учун ўн беш суткагача муддатга, одатда, қабул бўлимига жойлаштирилади, манзил-колонияга келган ҳамда хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун тергов ҳибсхоналари ва турмаларда қолдирилган шахслар бундан мустасно.

Муассасага етиб келганларидан сўнг маҳкумларга жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида керакли ахборот берилади, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

1. Маҳкумни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш жазони ижросини ташкил этишнинг махсус босқичи бўлиб ҳисобланади. Айнан маҳкумни қабул қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларини тўғри белгилаш ахлоқан тарбиялашни таъминлашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумларни қабул қилиш 2001 йил 18 июндан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 298-сонли буйруғининг “Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига қабул қилиш ва ўрганиш тартиби” деб номланган 3-бобида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Маҳкумларни қабул қилиш муассаса бошлиғи раҳбарлигидаги комиссия иштирокида амалга оширилади. Комиссия таркибига муассаса бошлиғи ўринбосарлари, махсус, тезкор, режим, интендант хизмати ва тиббий бўлим ходимлари, қоровул хизматининг ҳарбий бўлинмаси вакили киради.

Якка тартибда келган маҳкумларни қабул қилиш муассаса бошлиғи томонидан махсус хизмат ва ҳарбий бўлинма вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ишдан ташқари вақтда кўп бўлмаган маҳкумларни қабул қилиш муассаса раҳбарининг навбатчи бўлган ўринбосари ва ҳарбий бўлима вакили томонидан амалга оширилади.

3. Муассасага келган маҳкумларни қабул қилишда мансабдор шахслар улар билан суҳбатлашади, шахсий йиғма жилдини текширади, маҳкумларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиради, шундан сўнг қабул бўлимига жойлаштиради. Бу давр маҳкумнинг карантин (кўникма ҳосил қилиш) даври деб аталади. Бу қоида манзил колонияларидагиларга, тергов ҳибсхоналарининг хўжалик хизматига қолдирилганларга ва турмага юборилганларга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Маҳкумни муассасага қабул қилишда тўлиқ тинтув қилиниб, нарсалари кўздан кечирилади. Маҳкум сақлаши тақиқланган нарса ва буюмлар муассаса раҳбарининг қарорига асосан олиб кўйилади ва маҳкум озод қилингунга қадар сақлаш учун топширилади ёки йўқ қилинади ёхуд давлат ҳисобига ўтказилиб бу ҳақда тегишли ҳужжат тузилади.

Маҳкумлар сақлаши ман этилган нарса ва ашёлар йўқ қилиб ташланганлиги ҳақидаги далолатнома комиссия томонидан икки нусхада тузилади, улардан бири ман этилган нарса ва ашёлари олиб кўйилган маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига тикиб кўйилади, иккинчиси эса тартибот бўлимида сақланади.

Муассаса омбурига сақлаш топширилган нарса ва ашёларга квитанция тўлдирилиб, бир нусхаси маҳкумнинг кўлига берилади, иккинчиси эса маҳкум озод бўлганга ёки бошқа муассасага ўтказилгунга қадар муассаса омбурида сақланади.

Маҳкумлар сақлаши ман этилган нарса ва ашёларни давлат фойдасига ўтказиш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида амалга оширилади.

Маҳкумлар қабул бўлинимасида сақланган вақтда уларнинг шахсиятини ўрганиш мақсадида тиббий кўриқдан ўтказилади, тезкор-тартибот, табиявий ва ишлаб чиқариш хизматлари ходимларининг суҳбатидан ўтади, шундан кейингина комиссия томонидан тақсимланиб, ишчи гуруҳларга бириктирилади.

Манзил-колонияларида жазони ўтаётган маҳкумларга белгиланган намунадига гувоҳнома берилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс бутун жазо муддатини, одатда, битта муассасада ўтайди.

Маҳкумни бир колониядан айнаи шу турдаги бошқа колонияга жазони ўташи давом эттириш учун ўтказишга унинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг розилигини олган ҳолда, шунингдек маҳкумнинг мазкур муассасада қолишига тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолларда йўл қўйилади.

Маҳкум касал бўлиб қолган тақдирда уни колониядан ёки турмадан иxtисослашган даволаш муассасига ўтказишга тиббий ҳулоса асосида йўл қўйилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Шарҳланаётган модда озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг қоида сифатида бутун жазо муддатини битта жазони ижро этиш муассасасида ўташларини белгилайди. Аммо бу маҳкумнинг бир муассасадан бошқасига ўтказилиш имкониятини истисно қилмайди. Бундай кўчиришлар ушбу Кодекснинг 60-моддасига мувофиқ амалга оширилади ва маҳкумнинг хулқини ижобий тарафга ўтказиш мақсадини кўзлайди.

2. Маҳкумни бошқа ўхшаш турдаги жазони ижро этиш муассасасига жазони ўташи учун кўчириш маҳкумнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Бунда маҳкумнинг соғлиғига бўлган таҳдиднинг ҳақиқийлиги муҳим ҳисобланади. Маҳкумни мазкур асосга кўра бошқа жазони ижро этиш муассасасига ўтказишда, албатта, унинг ёзма розилиги олинган бўлиши лозим.

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида истисно тариқасида маҳкумларни бир турдаги жазони ижро этиш муассасасидан, даволаш муассасасига ўтказишга йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолатлар кўзда тутилган. Бу асосан маҳкум соғлиғи ёмонлашган ҳолатларда юз беради. Уни даволаш муассасасига ўтказиш тўғрисидаги ҳулоса муассаса тиббий бўлими ходимлари томонидан тайёрланади.

4. Жазони ижро этиш муассасасининг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши ҳам ундан маҳкумларни кўчириш учун асос бўлиб хиз-

мат қилади. Бошқа истисно ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин, масалан: маҳкумнинг яшаётган жойида шу турдаги жазони ижро этиш муассасаси бўлмаган бўлиб, у ерда янги шу турдаги муассасанинг очилиши ҳам маҳкумни кўчириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

58-модда. Маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлаш

Жазони ижро этиш муассасаларида эркаклар ва аёллар, вояга етмаганлар ва катта ёшлилар, озодликдан маҳрум этишга биринчи марта ҳукм қилинган шахслар ва илгари бу жазо турини ўтаган маҳкумлар алоҳида-алоҳида сақланади.

Қуйидагилар бошқа маҳкумлардан батамом ажратилиб, шунингдек алоҳида-алоҳида сақланади:

ўта хавfli рецидивистлар;

умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар;

маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар;

турли юқумли касалликларга чалинган маҳкумлар.

1. Шақланаётган модда фактик жиҳатдан ушбу Кодекснинг 45-53-моддасида кўрсатилган жазони ижро этиш муассасаларининг турларини белгиловчи ҳолатларни ривожлантиради ва аниқлаштиради.

Бунда энг аввало қонун озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш муассасалари олдидаги озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган аёллар ва эркакларни ажратиш талабини ўрнатади.

Вояга етмаган маҳкумлар ҳам катталардан ажратиб сақланадилар, чунки улар учун алоҳида тарбия колониялари тузилган бўлади.

Шунингдек, маҳкумни судланганлик ҳолатига кўра ажратиб сақлаш талаби ҳам ўрнатилади. Масалан: қонун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганларни (улар умумий тартибдаги колонияда жазони ўтайдилар) илгари бундай жазони ўтаб чиққанлардан ажратилган ҳолда (улар жазони қаттиқ тартибдаги колонияларда ўтайдилар) сақланишини талаб қилади.

3. Ушбу моддада бошқа маҳкумлардан батамом ажратган ҳолда сақланиши лозим бўлганларнинг қатъий рўйхатини ҳам белгилайди.

Унга кўра маҳкум шахсининг ижтимоий хавфлигини ўрганиб қонун ўта хавfli рецидивистларни ажратиш талабини ўзида акс этганини кўришимиз мумкин. Агар умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳкумлар махсус тартибли колонияларда бошқалардан умуман ажратилган ҳолда сақландилар.

Маҳкум чет эл фуқароси ёки фуқароли бўлмаган шахс бўлса, у ҳам бошқалардан алоҳида сақланади.

Бизга маълумки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда одил судлов ходимларининг жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай вазиятда ушбу маҳкумлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар жазони алоҳида ўтайдилар. Мазкур норма маҳкумларнинг шахсий хавфсизлик ҳуқуқини таъминлайди (ЖИК 11-модда).

Маҳкум юкумли касалликка чалинган бўлса у ҳам бошқалардан батамом ажратилган ҳолда сақланиши талаб этилади.

59-модда. Турли тоифадаги маҳкумларни бирга сақлаш ҳоллари

Ихтисослашган даволаш муассасаларида ҳар хил турдаги жазони ижро этиш муассасаларидан келган маҳкумларни бирга сақлашга рухсат этилади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда муайян бир турдаги колонияларда озодликдан маҳрум этиш тарихидаги жазони бошқа турдаги колонияда ўташи лозим бўлган маҳкумларни сақлаш учун батамом ажратиб қўйилган участка ташкил этишга йўл қўйилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда маҳкумлар жазони суд белгилаган тартиб тури шароитида ўтайдилар.

1. Жиноят-ижроия кодексида маҳкумларни алоҳида сақлаш деган умумий қоидага истисно ҳолатлар ҳам киритилган. Шарҳланаётган моддада қачон турли тоифадаги маҳкумларни бирга сақлаш мумкинлиги белгиланган бўлиб, унга кўра бу иккита ҳолатда йўл қўйилиши мумкин. Биринчи ҳолат, ихтисослашган даволаш муассасаларида ҳар хил турдаги жазони ижро этиш муассасаларидан келган маҳкумларни бирга сақлашга рухсат этилишини кўзда тутаяди. Ушбу даволаш муассасасига ИИВнинг ЖИЭБ тизимига кирувчи марказий шифохоналар кириб, у ерда сил, ОИТС, тери ва бошқа юкумли касал-

ликларга чалинган маҳкумларга малакали тиббий хизмат кўрсатилади, жарроҳлик операциялари ўтказилади, руҳий касаллари даволаш ишлари олиб борилади.

Сил касаллигига, алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинганлар маҳкумларга ИИБ тизимида жазони ижро этиш бўйича алоҳида даволаш муассасалари ташкил этилади.

2. Жазони ижро этиш бўйича даволаш муассасаларида тезкор тиббий ёрдам кўрсатилганидан сўнг, масалан жарроҳлик, маҳкум.режимнинг туридан қатъи назар жонлантириш ёки умумий палатага жойлаштирилади ва тузалганидан келган муассасасига юборилади. Ўта хавфли рецидивистлар, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумлар, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган маҳкумлар, суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар, тергов ҳибсхонасидагилар тюрма камераси кўринишидаги алоҳида палаталарга ёки муассасанинг жонлантириш хонасига (алоҳида махсус хоналар бўлмаганда) жойлаштирилади, бундай палаталарга назоратчилар таркибидан соқчи қўйилади. Агар юқорида қайд этилганлар жонлантириш палаталарида жойлаштирилган бўлса, улар жарроҳликдан сўнг тузалгач, улар тузалгунга қадар тюрма камералари кўринишида жиҳозланган алоҳида палаталарга ўтказилади.

Иккинчи ҳолатда, муайян бир турдаги колонияларда озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони бошқа турдаги колонияда ўташи лозим бўлган маҳкумларни сақлаш учун батамом ажратиб қўйилган участка ташкил этишга йўл қўйилади. Бундай зарурат амалиётда кам учрайди ва алоҳида колония қурилиши талаб қилинадиган муайян тоифадаги маҳкумларнинг кам сонлиги билан боғлиқдир. Масалан, қаттиқ тартибли режимга ҳукм қилинганларнинг сони кам бўлганлиги учун умумий ва қаттиқ режимга ҳукм қилинганлар бир ҳудудда сақланадилар. Худди шундай ҳолат вояга етмаган аёлларда ҳам мавжуд. Шу сабабли қонун чиқарувчи бу тоифадаги маҳкумларни бошқа режимдан ажратилган бир муассаса доирасида сақлаш мумкинлигини белгилайди. Бу тоифадаги жойларда режим учун ўрнатилган барча талаблар бажарилади.

60-модда. Маҳкумларни кўчириш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ижро этувчи бир муассасадан бошқасига кўчириш ушбу Кодекснинг 58-моддаси талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қамок жазосига ҳукм қилинган ва тергов қилинаётган шахслардан алоҳида кўчирилади.

Ҳомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар бошқа маҳкумлардан алоҳида кўчирилади.

Маҳкум беморлар, ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар, зарурат бўлганда, тиббий ходимлар кузатувида кўчирилади.

Маҳкумларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни бошқа ҳолларда ҳам ажратилган тарзда кўчиришга йўл қўйилади.

Кўчириш чоғида маҳкумлар зарур моддий-маиший ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминланади, уларга мавсумий кийим ва пойабзал, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари берилади.

Маҳкумларни кўчириш давлат ҳисобидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда соқчи кузатувида амалга оширилади.

1. Озодликдан маҳрум қилиш жазонинг оғир тури булиб ҳисобланиб, шахсни содир қилган жинояти учун жамиятдан алоҳида ажратиб қўйиш билан боғлиқдир.

Бу маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш жойига кўчириш алоҳида тартибни тақозо этади. У маҳкумнинг мустақил ўзини озодликдан маҳрум қилиш муассасасига кўчиришга йўл қўймаслигида ифодаланади. Маҳкумларни бир муассасадан бошқасига кўчириш ушбу Кодекснинг 58-моддаси билан белгиланган тартибда маҳкумларни ажратилган ҳолда сақлаш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

Маҳкумларни бир озодликдан маҳрум қилиш муассасасидан бошқасига кўчириш билан боғлиқ барча ҳаракатлар конвой иштирокида амалга оширилади. Маҳкумларни кўчириш давлат ҳисобидан амалга оширилади. Маҳкумларни олиб бориш темир йўл, сув, ҳаво транспорти ёки автомаишрутлар орқали амалга оширилади.

2. Шарҳланаётган моддада маҳкумларни алоҳида кўчириш ҳолатлари кўрсатиб ўтилган. Унга кўра: озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар қамоқ жзосига ҳукм қилинган ва тергов қилинаётган шахслардан, ҳомиласи йигирма тўрт ҳафталикдан ошган ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар бошқа маҳкумлардан, шунингдек, маҳкумларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларни бошқа ҳолларда ҳам ажратилган тарзда кўчиришга йўл қўйилади.

3. Маҳкумларни кўчиришда қонун уларнинг ҳаётий таъминоти учун зарур бўлган моддий-ҳаётий, тиббий гигиена шароитларини яратиш беришни кафолатлайди. Улар мавсумга қараб кийим билан, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланадилар. Маҳкумларни сақлаш давлат бюджетидан ҳисобидан амалга оширилади.

4. Кўчирилаётган маҳкумларнинг барчасига 3 нускада рўйхат тузилади, унинг биринчи нусхаси маҳкумларнинг ҳужжатлар йиғма жилдлари билан баргаликда соқчилар бошлиғига топширилади, иккинчи нусхаси – соқчилар бошлиғи томошидан берилган тилхат билан муассасанинг махсус бўлимида қолади, учинчи нусхаси пул маблағларини ўтказиш ҳақида маҳкумлар билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши учун муассаса бухгалтерия бўлимига берилади.

Маҳкумларни кўчиришда аввал махсус бўлим олдидан қўйидаги ҳужжатларни тегишли хизматлардан сўраб олиб, унинг шахсий йиғма жилдига тиржаб қўяди:

– молжавий маълумотини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат ҳамда ижро варақалари;

– тиббиёт картаси ва бошқа тиббий ҳужжатлар касаллик тарихи, қон ва ҳоказоларни текшириш натижалари ҳақидаги маълумотнома;

– ашёвий таъминот учун арматуравий дафтарча ва ведомость;

– умумий ва касб ҳунар таълими тўғрисида ҳужжат;

– маҳкумлар билан яқка тартибда олиб борилган тарбия ишлари дафтари;

– маҳкумнинг тавсифномаси;

– учрашувлар, посылка, йўқлов ва бандероллар олиш, бериш, телефон орқали сўзлашувлар ҳисобини юртиши варақчаси.

Агар муассасанинг махсус бўлимига юқорида қайд этилган ҳужжатлар тақдим этилмаса, маҳкум кўчирилмайди. Махсус бўлим бошлиғи маҳкум кўчиришдан олиб қолинганлиги сабабини муассаса бошлиғига билдирги орқали ахборот беради. Муассаса бошлиғи бундай ҳолларнинг ҳар бири юзасидан хизмат текшируви ўтказилишини

тайинлаш ҳамда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўллаши шарт.

61-модда. Маҳкумларни сақлаш шароитининг ўзгартирилиши

Жазони ўташ даврида озодликдан маҳрум этилганга ҳукм қилинган шахсларнинг сақлаш шароити бир муассаса доирасида ёки бошқа турдаги муассасага ўтказиш йўли билан энгиллаштирилиши ёхуд оғирлаштирилиши мумкин.

Маҳкумларни сақлаш шароити рағбатлантириш тарзида қуйидагича энгиллаштирилиши мумкин:

муассаса бошлиғининг қарорига биноан - ушбу Кодекснинг 102, 104-моддаларига мувофиқ;

суд томонидан - Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасига мувофиқ.

Маҳкумларни сақлаш шароити янгиловчи яазо тарзида қуйидагича оғирлаштирилиши мумкин:

муассаса бошлиғининг қарорига биноан - ушбу Кодекснинг 105, 106-моддаларига мувофиқ;

суд томонидан - Жиноят-процессуал Кодексининг 537-моддасига мувофиқ.

1. Шарҳланаётган моддада қонун чиқарувчи маҳкумларга сақлаш шароитини ўзгартириш орқали қўшимча имтиёз бериш билан бирга маҳкумнинг айрим ҳуқуқларини ҳам чеклашни ҳам назарда тутди. Сақлаш шароитни ўзгартирилишига ҳар доим маҳкумнинг ҳуқуқи, унинг ўқишга, меҳнатга муносабати, айрим ҳолларда эса жазонинг маълум бир қисмини ўтаганлиги сабаб бўлади. Ушбу кодекснинг 57-моддасида маҳкумнинг жазони бир муассасада ўташи белгиланган (батафсилроқ, 57-модда шарҳига қаранг). Лекин ушбу моддада эса маҳкумни бир муассасадан бошқа бир турдаги муассасага ўтказилиши мумкинлиги мустаҳкамланган. Бу эса жиноят-ижроия ҳуқуқидаги жазоларни ижро этишни дифференциациялаш ва индивидуаллаштириш, маҳкумларнинг қонунга итоаткор ҳуқуқ-атворини рағбатлантириш принципларини амалга оширилишини таъминлайди.

2. Маҳкумларни бир муассаса доирасида сақлаш шароитларини ўзгартирилиши муассаса бошлиғининг қарорига асосан амалга оширилади. Маҳкумнинг сақлаш шароитини ўзгартирилиши озик-

овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш учун мўлжалланган пул суммалари миқдорини оширилишига учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, йўқлов ва посилкалар миқдорини кўпайишига сабаб бўлади.

Тюрмаларда жазони ўташ шароитлари фақатгина олти ойдан кам бўлмаган жазони ўтаганларга нисбатан яхшиланиши мумкин.

3. Енгиллаштирилган сақлаш шароитларига интизомий жазоси йўқ маҳкумлар: қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида олти ойини ўтаганидан кейин; содир этилган оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида чорак қисмини ўтаганидан кейин; содир этилган ўта оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганидан кейин ўтказилади.

Маҳкумлар енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилганда, меҳнат нормаси ва меҳнат вазифаларини бажарганда, шунингдек байрам кунлари рағбатлантириш тарзида, маҳкумларга энг кам иш ҳақи белгиланган миқдорининг ўн фоизигача бўлган миқдорда қўшимча пул сарфлашга рухсат этилади

Енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш тариқасидаги рағбатлантириш маҳкумларга умумий, қаттиқ тартибли колонияларда ва тарбия колонияларида – йил мобайнида қўшимча равишда бир марта учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов олиш; махсус тартибли колонияларда – камералардан умумий турар жойларга ўтказиш ҳамда йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта бандерол олиш; турмаларда – йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, битта посилка ёки йўқлов олиш ҳуқуқини беради.

Маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказиш жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан, шунингдек маҳкумнинг ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига кўра судья томонидан амалга оширилади. Маҳкумлар турмадан жазони ижро этиш колониясига ва махсус тартибли колониядан қаттиқ тартибли колонияга суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин ўтказилади.

4. Жазони ўташ тартибини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин: огоҳлантириш; ҳайфсан;

енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш; интизомий бўлинмага киритиб қўйиш; сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш; сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониядан турмага қайтариш.

11-БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАГИ РЕЖИМ

62-модда. Режимнинг асосий талаблари

Жазони ижро этиш муассасаларида режим жазодан қўзланган мақсадга эришиш учун белгиланади.

Режим қўйидагиларни таъминлайди:

маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш, уларни қўриқлаш ва назорат қилиб туришни;

маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, шунингдек уларнинг ўз мажбуриятларини адо этишини;

муайян тоифадаги маҳкумларни алоҳида-алоҳида сақлашни;

муассаса турига қараб маҳкумларни ҳар хил шароитда сақлашни;

маҳкумларнинг ва муассаса ходимларининг хавфсизлигини.

Жазони ижро этиш муассасаларида режим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган Ички тартиб қондалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

1. Жазони ижро этиш муассасаларининг режими ушбу Кодексда (7-модда 2-қисми) маҳкумларни ахлоқан тузатишнинг воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У маҳкумларни жазолашнинг ўзига хос ифодаси сифатида юзага чиқади. Шунинг учун ҳам режимнинг асосий талаблари қонун ёки тегишли норматив-ҳуқуқий акт билан белгиланади.

2. Шарҳланаётган моддага кўра режим маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш, уларни қўриқлаш ва назорат қилиб туришни; маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, шунингдек уларнинг ўз мажбуриятларини адо этишини; муайян тоифадаги маҳкумларни алоҳида-алоҳида сақлашни; муассаса турига қараб маҳкумларни ҳар хил шароитда сақлашни; маҳкумларнинг ва муассаса ходимларининг хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Жазони ижро этиш режимига риоя қилиш маҳкумларнинг, шунингдек, жазони ижро этиш хизмати ходимларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун ўз мажбуриятларини бажаришлари чоғида ҳуқуқларини амалга ошириш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя

қилишда хавфсизликни таъминлашнинг бир қанча ўзига хос дастлаб-ки зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни назарда тутлади.

Режим маҳкумларнинг ахлоқан тузалишлари учун фойдаланиладиган бошқа воситаларни, яъни ижтимоий фойдали меҳнат, умумий ва махсус таълим, маҳкумларни ижтимоий фойдали ишларга тайёрлашнинг умумий бўлган шарт-шароитларини яратади. Жазони ижро этиш муассасаларидаги режимнинг реал аҳволи кўпинча, унинг талабларини қўллашда маҳкумларнинг унга буйсуниш даражаси билан белгиланади. Маълумки, жазони ижро этиш муассасаларида режим маҳкумларни тузатиш, уларга нисбатан таъсир чораларини қўллашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

3. Жазони ижро этиш муассасаларидаги режим Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган Ички тартиб қоидалари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Ушбу ҳужжатлар тегишли тартибда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилади. Бундай ҳужжатлар қаторига масалан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиби тўғрисида”ги буйруғини киритишимиз мумкин. Бундай ёки бошқа турдаги тегишли актлар маҳкумларнинг жазони ижро этиш жараёнида келиб чиқадиган муаммо ва тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Масалан, жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари: биринчидан, жазони ижро этиш муассасаларидаги режим билан боғлиқ бўлган, аммо Жиноят-ижроия қонунда ўз аксини топмаган муҳим ҳолатларни аниқлаштиради. Иккинчидан, улар қонунда назарда тутилган қоида ва талабларни ягона мақсадда қўллаш имконини беради.

Қоидаларда маҳкумларга жазони ижро этиш муассасасида жойлашган савдо шохобчалари орқали олиниши рухсат этилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва дастлабки зарурий маҳсулотлар; маҳкумлар сақлаши мумкин бўлган буюм ва ашёларнинг номлари ва миқдори; маҳкумлардан фойдаланиш тақиқланган меҳнат ва ишларнинг турлари каби қатор масалаларга аниқлик киритилади.

Ундан ташқари мазкур қоидаларда ички интизом турларига кирувчи: маҳкумларнинг жазони ижро этиш муассасасидаги, шунингдек ундан ташқарида юриш-туриш қоидалари, яъни бунда конвойсиз ёки махсус кузатувсиз юриш қоидалари; маҳкумларнинг жиноят-ижроия тизимидаги даволаш муассасаларида бўлиш тартиби; ички

тартиб қоидаларни бузувчиларни нисбатан интизомий бўлинмага жойлаштириш, бир кишилик камерада сақлашнинг умумий тартиби белгиланади.

63-модда. Маҳкумлар кийими

Жазони ижро этиш муассасаларида, манзил-колонияларни истисно этганда, маҳкумлар белгиланган намунада кийим киядилар. Кийимнинг кўриниши Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Ички тартиб қоидаларида назарда тутилган ҳолларда маҳкумларга фуқаролик намунасидаги кийимдан фойдаланишга рухсат этилади.

1. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларнинг барчаси жазони ижро этиш муассасаларида давлат ҳисобидан кийим-бош билан таъминланадилар.

Маҳкумларнинг кийим билан таъминланиши жазони ижро этиш муассасаларининг тури, ёши ва жинсига қараб белгиланади. Маҳкумларга юқоридаги асосларга кўра 35 хил кийим берилиши мумкин. Булар жумласига кулоқли телпак, ёзги бош кийими, этаги тиззага етмайдиган пахтали калта пальто, костюм, шим, кўйлак, тунги кўйлак, ичдан кийиладиган эркаклар кийими, майка, трусик, пайтава, пахтали кўлдоп, резина тагликли чарм пойабзал, тапочка, пайпоқ, ярим шерст сочик, учбурчак рўмол, куртка, енгил матодан тикилган кофта, халат, понталон, чулки, туфли, шарф, пахтали куртка, сирот учун оёқ кийим, ишчи кийим кабилар берилади.

2. Агар жазони ижро этиш муассасасининг ички тартиб-қоидаларида фуқаролик кийимида юриш мумкинлиги белгиланса, маҳкумлар шундай кийимдан фойдаланишига рухсат берилади. Фуқаролик намунасидаги кийимда юришга рухсат берилган ҳолларда ҳам гигиена қоидаларига қаттиқ риоя қилиниши лозим.

64-модда. Маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш ва кўриқлаш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни батамом ажратиб қўйиш ва кўриқлаш, шунингдек улар сақланадиган ва меҳнат қиладиган объектларни кўриқлаш Ўзбекистон Респуб-

ликаси Ички ишлар вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

1. Шарҳланаётган норма маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларида ажратиб қўйиш ва қўриқлаш билан боғлиқ бўлган муҳим режим талабларини бир мунча аниқлаштиради.

Маҳкумларни батамом ажратиш билан боғлиқ режим талаби маҳкумларни суднинг қонуний кучга кирган ҳукми асосида жазони ижро этиш муассасасига жойлаштириш билан таъминланади ва уларни бошқа фуқаролардан фарқли равишда ҳуқуқлари чекланган ҳолда ажратиб қўйилишида ифодаланади. Ажратиб қўйишнинг жиддийлиги жазони ижро этиш муассасаси тури ва унда белгиланган режимга боғлиқ. Маҳкумларни бошқалардан ажратиб қўйишга кўпроқ турмаларда, махсус тартибли колонияларда эришилади, манзил-колонияларида қуролланган соқчиларнинг йўқлиги туфайли маҳкумларни ажратиб қўйиш тартиби турма ва махсус тартибли коллонияларга нисбатан камроқ.

Кодекс жазони ижро этиш муассасаларини бир-биридан жиддий равишда фарқлайди, шунингдек маҳкумнинг ёши (воёга етмаганлар тарбия коллонияларида), жинси, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ҳам уларни ажратган ҳолда сақлаш даражасига таъсир қилади. Шунингдек, ажратилганлик даражасига маҳкумнинг интизомий бўлимга жойлаштирилиши ҳам таъсир қилади.

2. Маҳкумларни доимий назорат қилиш режимнинг асосий талабларидан бири сифатида, жазони ўташ режимини таъминлаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу маҳкумларни сақлаш ва меҳнати жараёнида улар томонидан янги жиноят содир этиш ёки бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишларини олдини олишга хизмат қилади. Муассаса маъмурияти ва барча ходимлари жиноятларнинг ҳамда режим талаблари бузилишининг олиндини олиш учун барча зарур чораларни қўришлари лозим.

3. Маҳкумларни назорат қилиш назорат хизмати томонидан амалга ошириладиган хизмат вазифаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Жазони ижро этиш муассасасидаги назорат хизмати ИИВ қоровул қўшинларининг таркибий қисми ҳисобланади.

4. Режимни амалга оширишда назоратчиларнинг фаолияти кўп тармоқли ва кенгдир: сутка давомида маҳкумларни яшаш зоналари ва ишлаб чиқариш объектларида ҳуқуқлари устидан назорат қилиш, кун

тартибига оид тадбирларни ўз вақтида ўтказиш, маҳкумларда шахсий тинтув ўтказиш, шунингдек япаш зоналарини кўздан кечириш ва тинтув қилиш, қариндош ва бошқа шахслар билан учрашувларни ўтказиш, маҳкумларга келган посылка, йўқловларни қабул қилиш, кўздан кечириш ва топшириш, маҳкумларни интизомий бўлимга ўтказиш тўғрисидаги қарорни бажариш ва бошқалар.

5. Назорат хизматининг шахсий таркиби маҳкумлардан белгиланган тартиб-қоидаларни бажарилишини юқори даражада талаб қилиш, режимни бузишга ва жиноят содир этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни тўхтатишга мажбурдир.

65-модда. Назорат ва текширишнинг техникавий воситалари

Озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочиш ва бошқа жиноятларнинг, жазони ўташнинг белгиланган тартибини бузишларнинг олдини олиш, маҳкумлар хулқ-атвори тўғрисида зарур ахборот олиш учун жазони ижро этиш муассасаларида назорат ва текширишнинг аудиовизуал, электрон ва бошқа техникавий воситаларидан фойдаланилади.

Муассаса маъмурияти маҳкумларни назорат ва текширишнинг техникавий воситалари қўлланилаётганлигидан хабардор этиши шарт.

Назорат ва текширишнинг техникавий воситалари рўйхати, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Шарҳланаётган моддада жазони ижро этиш муассасаларида назорат ва назоратнинг техник воситаларидан фойдаланиш асослари белгилаб берилган. Уларни қўллашнинг мақсади жазони ижро этиш муассасаларидан қочиш ва бошқа жиноятларнинг, жазони ўташнинг белгиланган тартибини бузилишини олдини олиш, маҳкумлар хулқ-атвори тўғрисида зарур ахборот олишга қаратилгандир.

Техник воситалардан фойдаланиш жазони ўташ муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг шахсий ҳавфсизликларини таъминлаш, жазони ўташнинг белгиланган қоидаларини бузган маҳкумларни зудлик билан аниқлаш, муайян мақсадга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш ва бўлиши мумкин бўлган ҳавфларни олдини олиш имконини беради. Техник воситалар персонал ва жазони ижро этиш муас-

сасасига келувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг шахсий хавфсизлик тизимининг ишончлилигини таъминлаш сифатини таъминлайди.

Кўрсатилган мақсадларга эришиш учун жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти назорат ва назоратни амалга ошириш учун техник воситаларнинг қўйидаги модификацияларидан – аудио-визуаль, электрон ва бошқа техникавий воситаларидан фойдаланиши мумкин.

2. Маҳкумлар муассаса худудида техник воситаларнинг қўлланиши, уларнинг қандай турлари қўлланаётганлиги ҳақида муассаса маъмурияти томонидан хабардор этилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан жазони ижро этиш муассасасида ишлатиладиган назорат ва текширишнинг техникавий воситалари рўйхати белгиланади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг юқорида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган техник воситаларни қўллаш мақсадига кўра қўйидаги воситаларга ажратиш мумкин:

-кузатув;

-излаш ва топиш (масалан, жазони ўташ тартибини бузган ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракат содир қилган маҳкумни, яъни бунда жазони ижро этиш муассасасида олиб юриш тақиқланган предмет ва ашёлар воситасида содир қилинса);

-хабар бериш (сигнализация);

-алоқа;

-маҳкум томонидан ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилинган фаол (пассив) ҳаракатларни аниқлаш воситалари.

Жазони ижро этиш муассасаларида назорат ва назорат учун фойдаланиладиган техник воситаларнинг қисмлари бутун бир ягона комплекс сифатида навбатчилик қисмига тегишли бўлади. Бундай мажмуа таркибига қоида тариқасида тегишли худуддаги объект доирасида бутун кун мобайнида кузатувни амалга оширувчи телевизион қурилмалар; маҳкумларнинг хулқи ҳақида оператив равишда тегишли аҳоли пунктларига ва ишлаб чиқариш муассасаларига маълумот берувчи радио алоқа аппаратлари; муайян объект худуди бўйича тегишли сигналларни юборувчи, тревога сигналларини жўнатувчи қурилмалар.

66-модда. Маҳкумнинг нарсалари ва буюмлари

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ўз ёнида сақлашга рухсат этилган нарсалар ва буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Маҳкумларнинг ёнидан топилган, фойдаланишга рухсат этилмаган нарсалар ва буюмлар

муассаса бошлиғининг қарорига биноан олиб кўйилади ҳамда маҳкум озод бўлгунга қадар сақлаш учун топширилади ёки йўқ қилиб ташланади ёхуд давлат фойдасига ўтказилади ва бу ҳақда тегишли ҳужжат тузилади.

Нарсалар ва буюмларни давлат фойдасига ўтказиш тўғрисидаги қарор прокурор томонидан тасдиқланади.

1. Ушбу моддада белгиланган талабга кўра маҳкумлар ўз ёнида нарса ва буюмларни сақлаши мумкин. Бу каби нарса ва буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг “Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиби тўғрисида”ги буйруғида белгиланган. Булар куйидагилардан иборат:

1) маҳкумлар учун белгиланган намунадаги кийим, бош кийим, оёқ кийим, ва ётар жой буюмлари;

2) ички кийимлар (иссиқ ва оддий) – икки комплектдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

3) кўлқоп, бошмалдоқли кўлқоп, пайпоқ, чулкилар – икки жуфт-дат кўп бўлмаган миқдорда, шарф, даст рўмол, камар, игна, ип, майка, турсик;

4) уй тапочкалари ва спорт оёқ кийими – бир жуфт;

5) ойна, электрон устара;

6) кружка, қошиқ, чойнак, пиёла, электрон чойнак, заводда тайёрланган маиший электрокипитильник, полиэтилен идиш-товок;

7) хожатхона жиҳозлари (атир совун, хўжалик совуни, тиш ювиш порошоғи ва пастаси, тиш шеткаси, тароқ, сочиқ);

8) кўлтиқ таёк, ёғочдан ясалган трост, протезлар (врач рухсати билан), кўзойнак учун пластмасса футляр;

9) дарслиklar, ўқув анжомлари, санъат, техник, оммавий ва диний мазмундаги асарлар;

10) ёзув қоғози, дафтар, оддий қалам, авторучка, қора, кўк, бифафша ранг запасли стержен, конверт, открытка, маркалар;

11) шашка, шахмат, домино, нарда (бир комплектдан);

12) хат ва расмлар (фотоальбомлар);

13) кийим ва оёқ кийим учун шетка, пойабзал учун крем;

14) гугурт, тамаки маҳсулотлари, нос, чекиш ва хожатхона

қоғози;

15) ички белгилар ва бошқалар, қимматбаҳо бўлмаган металллардан тайёрланган ибодат қилишнинг ўхшаш воситалари.

Бундан ташқари маҳкумларга суд ҳукми ва қарори нусхаларини сақлашига йўл қўйилади.

Маҳкумлар сақлаши мумкин бўлган нарсаларнинг умумий миқдори 50 кг.дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

2. Шунингдек, юқорида келтириб ўтилган норматив ҳужжатда маҳкумлар олиб юриши тақиқланган нарса ва буюмларнинг рўйхати ҳам келтирилган. Маҳкумлар олиб юриши тақиқланган нарса ва буюмлар жумласига қуйидагилар кўради:

1) барча турдаги ўқ отар ва совуқ қурооллар;

2) пуллар, қимматли қоғозлар ва қимматли буюмлар;

3) оптик асбоблар;

4) барча турдаги алкоголь маҳсулотлари, атир, одеколон ва таркибида спирти бўлган бошқа нарсалар;

5) барча радиоаппаратуралар, компьютер техникаси, ёзув машинаси, кўпайтирув аппаратлари;

6) уяли ва ридиотелефонлар, пейджерлар;

7) пичок, устара (электрон устарадан ташқари), ўткир кесувчи ва учли предметлар;

8) болта, болғача, чилангарлик ва бошқа асбоблар;

9) ўйин карталари;

10) фотоапарат, фотоматериаллар, химикатлар;

11) барча турдаги ҳужжатлар (суд ҳукми, ажрими ва қарори нусхалари, сақлаш учун топширилган нарса, қимматликлар ва пулнинг квитанциясидан ташқари);

12) топографик карта ва компослар;

13) нусха олувчи қоғозлар;

14) мусиқа асбоблари.

Маҳкумнинг мулки ҳисобланган мусиқа асбоблари омборга топширилади ёки қулфга сақлаш учун берилади. Уларни чолиш учун куннинг бегиланган вақтида, махсус белгиланган жойлардагина руҳсат берилади.

Маҳкумнинг ёнидан топилган, маҳкумлар олиб юриши тақикланган нарса ва буюмлар олиб қўйилади ва одатда, муассаса бошлигининг прокурор томонидан тасдиқланган асослангирилган қарорига биноан давлат фойдасига ўтказилади.

67-модда. Тинтув ва кўздан кечириш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, уларнинг буюмлари ва кийимлари, шунингдек жазони ижро этиш муассасаларининг объектлари ва хоналари тинтув қилиниши ҳамда кўздан кечирилиши мумкин. Шахсий тинтув маҳкум билан бир жинсада бўлган шахслар томонидан амалга оширилади. Турар жой биноларини уларда маҳкумлар бўлган чоғда тинтув қилишга кечиктириб бўлмайдиган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ушбу муассасага ҳамда маҳкумлар ишлаётган объектларга кираётган ва чиқаётган шахсларнинг транспорт воситаларини, буюмлари ва кийимини кўздан кечиришга ҳақли, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Тинтув қилиш ва кўздан кечириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Кўздан кечириш ва тинтувни ўтказишдан мақсад муассасаларда фойдаланиш ман этилган нарсалар ва ашёларни, шу жумладан курол-яроғ, гиёҳванд моддалар, алкоғолли ичимликлар, пул, валюта ва қимматликларини, портловчи, ёнувчи ва тез алангаланувчи моддаларни, қочишни амалга оширишга ёрдам берадиган нарсалар ва ҳоказоларни аниқлаш, фош этиш ҳамда олиб қўйишга қаратилган.

2. Шарҳланаётган моддага кўра маҳкумларни, жазони ижро этиш муассасаларининг турар-жойларини, турар жой зоналари ва ишлаб чиқариш объектлари ҳудудларини кўздан кечириш ва тинтув қилиш икки хил усулда: кўксидан ва режа асосида амалга оширилиши мумкин.

3 Маҳкумларни тинтув қилиш тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган тарзда бўлади. Тинтувни ўтказишдан олдин маҳкумга нима сабабдан уни тинтишга қилинади.

Тўлиқ бўлмаган тинтув назоратчи ёки муассаса маъмуриятининг бошқа вакили томонидан коллониянинг исталган жойида амалга оширилади ҳамда тўлиқ кийинган маҳкумни қўл билан пайпаслаб тинтиб чиқишга асосланади.

Тўлиқ тарздаги тинтув маҳкумни ечинтириб, унинг тана аъзоларини ҳам кўздан кечириб чиқишга асосланади ва ёпиқ жойда ўтказилади.

4. Ушбу моддага кўра тинтув муассаса маъмуриятининг бир жинсдаги вакиллари томонидан ўтказилади.

5. Турар жой ва ишлаб чиқариш объектларини тинув қилиш ҳамда кўздан кечиришда ўрин-кўрпа, кўтариб юриладиган буюмлар, инвентар ва бошқа нарсаларни зарурати бўлмай туриб шикастлантришга йўл қўйилмайди. Турар жой зоналари ва ишлаб чиқариш объектларини кўздан кечириш ва тинтув аниқ режалар асосида ўтказиладди. Уларнинг натижалари тегишли далолатномлар билан расмийлаштирилади.

7. Кўздан кечириш ва тинтувни ўтказиш муддати колония маъмурияти томонидан белгиланади.

8. Шунингдек, шарҳланаётган модданинг 2-қисмига кўра жазони ижро этиш муассасаларининг маъмурияти колонияларнинг (турмаларнинг), ишлаб чиқариш объектларининг ҳудудига кираётган ҳамда у ердан чиқаётган шахсларни тинтув ва кўздан кечиришдан ўтказишга ҳақлидирлар. Жазони ижро этиш муассасаларининг турар жой зоналари ва ишлаб чиқариш объектларида кириш ҳамда чиқишнинг рухсатномали режими жазони ижро этиш муассасаларининг маъмурияти томонидан жорий этилади ҳамда назоратчилар ҳарбий наряди ва соқчилар томонидан таъминланади.

Турар жой зонаси ҳамда маҳкумлар ишлаб чиқариш объектлари ҳудудига кираётган шахслар ўзлари билан бирон бир буюм, тутун, сумка ва шунга ўхшаш нарсаларни олиб кирмасликлари керак. Умумий ва ҳунар-техника жабҳаеи ўқитувчиларига машғулотлар ўташ учун коллониянинг турар жой зонасига ўқув қўлланмалари ҳамда керакли нарсаларни олиб киришга рухсат берилади.

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти коллонияларнинг (турмаларнинг), ишлаб чиқариш объектларининг ҳудудига кираётган ҳамда у ердан чиқаётган шахсларни шахсий кўздан кечиришдан ўтказишга ҳақлидирлар. Шахсий кўздан кечиришни ўтказиш туғрисидаги қарор жазони ижро этиш муассасаларининг бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари, мазкур мансабдор шахслар йўқлигида эса муассаса бошлиғининг навбатчи ёрдамчилари томонидан қабул қилинади. Олис ишлаб чиқариш объектларининг ҳудудида кўздан кечириш назоратчиларнинг ҳарбий наряди бошлиғи ёки муассаса маъмуриятининг ишлаб чиқариш объектидаги вақили қарори билан ўтказилади.

Шахсий кўздан кечириш, шунингдек буюмларни кўздан кечириш жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари кўрсатмасига биноан назоратчилар ёки маъмуриятнинг бошқа вакиллари томонидан ўтказилади. Кўздан кечиришга киришишдан олдин маҳкумга сотиб олиш ва сақлаш ман этилган нарса ва буюмлари бўлса, кўрсатиш таклиф этилади. Буюмларни кўздан кечириш унинг эгаси ҳозирлигида амалга оширилади.

Бир пайтнинг ўзида бир жойда бир йўла бир неча шахсни кўздан кечиришдан ўтказиш тақиқланиди. Олис ишлаб чиқариш объектларида кўздан кечириш иккита ҳарбий хизматчи иштирокида ўтказилиши мумкин.

Муассаса маъмуриятининг шахсий кўздан кечиришни, шунингдек, буюмларни кўздан кечиришни ўтказаяётган вакили кўздан кечириш ўтказилаётган шахсга нисбатан одоб доирасида, хушмуомала бўлиши, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга йўл қўймасликлари шарт.

68-модда. Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолияти

Жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолияти: маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш; маҳкумлар мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш; жиноятларни ҳамда белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш; жазони ижро этиш муассасаларида содир этилган жиноятларни фош этиш; озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочган маҳкумларни қидириш; бошқа жиноятларни фош этишда ёрдам бериш мақсадида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини жазони ижро этиш муассасаларининг тезкор хизматлар ходимлари, шунингдек бошқа ваколатли органлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширадilar.

1. Ушбу модда Ўзбекистон республикаси Жиноят-ижроия кодексига янги киритилган моддалардан биридир. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш де-

партаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари органлари тезкор-қидирув чораларини амалга оширишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республика Жиноят процессуал кодекси 38-моддасида белгиланишича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари – шу муассасалар ходимлари хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар худудида содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирувни амалга оширади.

Шунингдек, Жиноят процессуал кодекси 339-моддаси 2-қисмига кўра, суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топши, ушбу Кодекснинг қондаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тарзасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўйлаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади.

Шарҳланаётган модда муассасада амалга ошириладиган тезкор-қидирув фаолиятининг мақсадини тўлиқ белгилаб беради. Бу мақсадларнинг ичида энг устувори сифатида маҳкумлар, муассаса ходимлари ва бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш кўрсатилган. Тезкор-қидирув фаолиятининг бошқа бир мақсади маҳкумлар мазкур муассасага етиб келгунга қадар содир этган жиноятларни аниқлаш ва фош этишидир. Бундан фаолият одатда тегишли ҳудуддаги ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ўтказилади ва жазонинг муқарраллиги принципини амалга оширилишини таъминлайди. Содир этилган жиноятларни ҳамда белгиланган сақлаш режимини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ҳам устувор йўналишлардан бири саналади. Бу мақсадда муассасанинг тезкор-қидирув хизмати томонидан маҳкумлар орасида жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни тўхтатиш тезкор-профилактик тадбирлар доимий тарзда ўтказилади. Маҳкумлардан тақиқланган нарса ва ашёларнинг олиб қўйилиши, уларни жазони ижро этиш муассасасига етказиб берувчи каналларни йўқ қилиш бундай фаолиятнинг натижаси ҳисобланади. Бу ҳолда тезкор қидирув органлари олдида жиноятларни очиш вазифаси туради. Тезкор-қидирув органлари фаолиятида жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни қидиришга катта эътибор берилади.

Маҳкумларнинг муассасадан қочиши муассасада олиб борилаётган тарбиявий ишларга жиддий таъсир ўтказди, носоғлом бўлган муҳитни юзага келтиради, муассасадаги кун тартибини бузишига сабаб бўлади (ишлаб чиқариш узвийлигини бузади, муассасанинг бутун ҳудудида тинтув ўтказилади). Шунинг учун ҳам тезкор-қидирувнинг асосий вазифаси – қочиб кетганларни зудлик билан ушлаш ҳисобланади. Ушланганлар у қочиб кетган муассасага олиб келинади. Бу тергов олиб ориш ва профилактик чораларни қўллаш мақсадида амалга оширилади. Тезкор-қидирувнинг асосий вазифаларидан бири - бошқа жиноятларни фош этишда ёрдам беришдир.

2. Ҳар бир жазони ижро этиш муассасасида белгиланган штат бирлиги билан тасдиқланган тезкор хизмат бўлими фаолият юритади. Маҳкумлар ва муассасада ишловчи бошқа шахслар оператив ходимларни шахсан танийдилар, шунинг учун ҳам улар ўзларининг фаолиятини маҳкумларнинг кузатуви остида фавқулотда ва мураккаб шароитларда амалга оширишларига тўғри келади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида тезкор-қидирувни бошқа ваколатли органлар (милиция, хавфсизлик хизмати) ҳам қонунда белгиланган тартибда амалга ошириши мумкинлиги мустаҳкамланган. Улар бу вазифани муассасанинг тезкор-қидирув ходимлари билан бирга амалга оширадilar.

69-модда. Маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларни тўхтатиб қолиш мақсадида, шунингдек уларни ушлаш чоғида, агар бошқа усуллар билан муассаса маъмуриятининг қонуний талабларини таъминлашнинг иложи бўлмаса, маҳкумларга нисбатан жисмоний куч ишлатилиши мумкин.

Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумлар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади.

1. Маҳкумларга нисбатан улар томонидан содир этилаётган жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ҳамда бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиб қолиш, ўзига ўзи ёки атрофдагиларга зарар етказишнинг олиндини олиш мақсадида, жазавага тушиш ҳоллари намоён бўлганда, шунингдек уларни ушлаш чоғида жисмоний куч ишлатиш мумкин.

Бошқа усуллар билан муассаса маъмурияти вакилларининг қонуний талаблари маҳкумлар томонидан бажарилишини таъминлашнинг иложи бўлмагандагина жисмоний куч ишлатилади.

Жисмоний куч ишлатилганда маҳкумларга имкон қадар кам зарар келтирилиши керак.

2. Жисмоний куч ишлатиш натижасида маҳкумларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида муассаса раҳбари томонидан прокурорга хабар қилинади.

70-модда. Тинчлантириш кўйлагини қўллаш

Маҳкумларга нисбатан, агар улар жазавога тушсалар, тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади.

Тинчлантириш кўйлаги тиббий ходим иштирокида қўлланилади ҳамда уни қўллаш муддати икки соатдан ошмаслиги керак.

Тинчлантириш кўйлаги вояга етмаган маҳкумларга ва маҳкума аёлларга нисбатан қўлланилмайди.

1. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмига кўра маҳкумларга нисбатан улар жазавога тушсалар тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилади. Тинчлантириш кўйлагини қўллашга маҳкумнинг жазавога тушиши ва бебошлигини тўхтатишга қаратилган бошқа барча тадбирлар, шунингдек, унинг ўзига ва атрофдагиларга нисбатан зарар етказишини олдини олишга қаратилган тадбирлар самара бермаган тақдирдагина йўл қўйилади.

2. Тинчлантириш кўйлаги батамом ажратиб қўйилган жойда (ингизомий бўлинмада ёки назоратчининг хонасида) фақат муассаса бошлиғи ёки унинг ўринини босувчи шахс кўрсатмаси асосида, тиббиёт ходимининг рухсати ва унинг кузатуви остида қўлланади.

Жазавога тушган маҳкум тинчлантириш кўйлагига узил-кесил тинчлангунга қадар, лекин икки соатдан кўп турмаслиги керак. Тиббиёт ходимининг тиббий кўрсатмаларига кўра тинчлантириш кўйлагининг қўллаб бўлмаслиги ёки бундай кўйлакни қўллашни тўхтатиш тўғрисидаги талаби дарҳол бажарилиши керак.

Тиббий кўйлак қўлланилган ҳар бир ҳодиса ҳақида далолатнома тузилади ва далолатнома муассаса бошлиғи ёки унинг ўринини босувчи шахс томонидан тасдиқланади.

3. Ушбу модданинг 3-қисмига кўра вояга етмаганлар ва ҳомиладор аёлларга нисбатан тинчлантириш кўйлагини қўллашга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамланган

71-модда. Махсус воситаларни ишлатиш

Маҳкумларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатларини тўхтатиш, шунингдек ўзига ўзи зарар етказишининг олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин.

Махсус воситалар жумласига резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар киради.

Махсус воситалар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакиллариغا, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини даф этиш чоғида;

маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибининг гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилик кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;

гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биналарни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

маҳкумларни кўриқлаб бориш ва кўриқлаб туриш чоғида - қочқиннинг олдини олиш учун;

жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

Махсус воситалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Махсус воситалар турлари, уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, ҳуқуқбузарлик хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг шахсини инобатга олган ҳолда белгиланади. Махсус воситаларни қўллаш маҳкумларга ва бошқа шахсларга мумкин қадар кам зарар келтириши лозим.

Ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши

аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан махсус воситалар ишлатиш тақиқланади, улар томонидан қуролли қаршилиқ кўрсатилган ёки фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб ҳужум қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Махсус воситаларни қўллаш натижасида маҳкумлар ва бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида прокурорга хабар қилинади.

1. Жазони ижро этиш муассасаларида тартибни сақлаш мақсадида маҳкумларнинг ижтимоий ҳавфи бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларини тўхтатиш мақсадида ва ўзига ўзи зарар етказишини олдини олиш мақсадида уларга нисбатан махсус воситалар ишлатилиши мумкин. Махсус воситалар бошқа усуллар билан муассаса маъмурияти вакилларининг қонуний талаблари маҳкумлар томонидан бажарилишини таъминлашнинг иложи бўлмаган ҳоллардагина ишлатилади.

2. Шарҳланаётган моддага кўра махсус воситалар жумласига резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа воситалар қиради.

Махсус воситаларнинг барчаси ички сизлик шароитларидагина ишлатилади.

3. Ушбу модданинг 3-қисмида махсус воситаларни қўллаш учун асос бўлувчи ҳолатлар аниқ келтириб ўтилган. Улар сирасига куйидагилар қиради:

- маҳкумларнинг муассаса маъмурияти вакилларига, бошқа маҳкумларга ва ўзга шахсларга ҳужумини дафъ этиш чоғида;

- маҳкумлар томонидан содир этилган оммавий тартибсизликларни, жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларни тўхтатиш, муассаса маъмуриятига ашаддий бўйсунмаётган ёки қаршилиқ кўрсатаётган ҳуқуқбузарларни ушлаш чоғида;

- гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

- маҳкумларни кўриқлаб бориш ва кўриқлаб туриш чоғида - қочишнинг олдини олиш учун;

- жазони ижро этиш муассасасидан қочган маҳкумларни ушлаш чоғида.

Юқорида келтириб ўтилган ҳолатлар қатъий бўлмағи агар муассасадаги тартибни сақлаш зарурати сезилса бошқа ҳолларда ҳам маҳсус воситаларни ишлатишга йўл қўйилади. Масалан, маҳкумлар томонидан жиноят содир этилаётганда, атрофдагиларга зарар етказаятганда, шунингдек маҳкум жазовага тушганда маҳсус воситалар ишлатилиши мумкин.

4. Маҳсус воситаларнинг турлари ва уларни ишлатиш интенсивлиги юзага келган вазият, мавжуд куч ва воситалар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарларнинг шахси, уларнинг сони инobatта олинган ҳолда белгиланиши шарт. Сув билан зарба берувчи ва зирхли машиналар оммавий тартибсизликлар жараёнида ёки маҳкумлар томонидан бино ва иншоотлар эгаллаб олингандагина қўлланиши керак. Жиноят содир этаётган ёки жазони ижро этиш муассасасидан қочишга уринаётган шахсларни ушлашда резина таёқлар, қўлкишанлар хизмат итларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки хавфнинг даражасига қараб маҳсус воситаларнинг танланиши маҳкумларга ёки бошқа шахсларга имкон қадар минимал даражада зарар етказилишини таъминлашга ёрдам беради.

5. Юқорида келтириб ўтганимиз, маҳсус воситалар ҳар қандай шахсга ҳам қўлланилавермайди. Қонун чиқарувчи маҳсус воситаларни қўллаш мумкин бўлмаган шахслар доирасини қатъий белгилаб қўйган. Маҳсус воситаларни ишлатиш ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ҳамда ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга нисбатан мумкин эмас.

Ҳомиладорлиги сезилиб турган аёллар деганда, унинг ташқи кўринишидан ҳомиладор эканлиги аниқ намоён бўлиши тушунилади. Гавда тузилиши катта, қорин солган аёллар, шунингдек ҳомиланинг дастлабки ойларида аёлнинг ҳомиладор эканлигини билиш қийиндир. Лекин шахсни ҳомиладорлиги ташқи кўринишидан билинмаса ҳам, бу ҳақда хабардор бўлган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳам маҳсус воситалар ишлатиш мумкин эмас.

Ҳомиладор аёлларга нисбатан маҳсус воситалар фавқулотда ҳоллардагина, яъни улар томонидан қуролли қаршилик қилинганда,

буқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳужум қилинганда қўлланиши мумкин.

6. Махсус воситаларни ишлатиш натижасида маҳкумларнинг ва бошқа шахсларнинг соғлиғига зарар етказилган ҳар бир ҳодиса ҳақида муассаса раҳбари томонидан прокурорга маълумот берилиб, хабардор қилинади.

72-модда. Ўқотар қурол қўллаш асослари

Алоҳида ҳолларда, агар жиноятни бошқа воситалар билан тўхтатишнинг иложи бўлмаса, энг сўнгги чора сифатида ўқотар қурол қўллашга йўл қўйилади.

Ўқотар қурол қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин: муассаса маъмурияти вакиллари, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролини қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида;

гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида;

жазони ижро этиш муассасасининг қўриқланадиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга уринишларни тўхтатиш чоғида;

озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қаршилиқ кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида;

маҳкумлар қочишда фойдаланаётган транспорт воситасини тўхтатиш чоғида.

Ўқотар қурол қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин.

1. Шарҳланаётган модда хавфсизликнинг истисно сифатида қўлланувчи чораси бўлган – ўқ отар қуролни қўллашнинг асосларини белгилайди. Ўқ отар қуроллар маҳкумни жисмоний куч ишлатиш йўли билан, резина таёқлар, қўлкишанлар ёки бошқача боғлаш воситалари, хизмат итлари, кўздан ёш чиқарувчи моддалар, чалғитма таъсир кўрсатувчи нур-товуш мосламалари, тўсиқ-ғовларни бартараф этувчи воситалар, сув билан зарба берувчи ва зирҳли машиналар, иншоотларни очиш, транспортни мажбурий тўхтатиш мосламалари во-

ситалари билан тўхтатишнинг иложи бўлмагандагина қўлланиши мумкин. Шу сабабли ҳам ўқ отар қуролни энг сўнги чора сифатида қўлланади.

2. Шунингдек, ушбу моддада ўқ отар қуролини қайси пайтда қўллаш мумкинлиги белгиланган. Муассаса маъмурияти вакиллари-ни, бошқа маҳкумларни ва ўзга шахсларни уларнинг ҳаёти ва соғлиғига аниқ таҳдид этувчи ҳужумдан ҳимоя қилиш, шунингдек қуролни қўлга киритиш мақсадида қилинган ҳужумни даф этиш чоғида; гаровга олинганларни, маҳкумлар эгаллаб олган биноларни, иншоотларни, хоналарни ва транспорт воситаларини озод қилиш чоғида; жазони ижро этиш муассасасининг қўриқладиган объектларига, транспорт воситаларига гуруҳ бўлиб қилинган ёки қуролли ҳужумни даф этиш ёхуд маҳкумларни зўрлик билан озод қилишга уринишларни тўхтатиш чоғида; озодликдан маҳрум этиш жойларидан қочаётган ёки қуролли қаршилик кўрсатаётган маҳкумни ушлаш чоғида; маҳкумлар қочишда фойдаланаётган транспорт воситасини тўхтатиш чоғида ўқотар қурол қўйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин.

3. Шу билан бирга ўқотар қуролларни ҳомиладорлик белгилари сезилиб турган аёлларга, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган шахсларга ва ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаган шахсларга қўллаш тақиқланади. Фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид қилувчи гуруҳ бўлиб ёки бошқача ҳужум қилиш, уларга анча миқдорда зарар етказиш ҳоллари бундан мустасно.

73-модда. Ўқотар қурол қўллаш тартиби

Ўқотар қуролни қўллашдан олдин қурол қўлланилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш ва юқорига қараб огоҳлантирувчи ўқ отиш керак. Қўйидаги ҳолларда ўқотар қурол огоҳлантиришсиз қўлланилиши мумкин:

қўққисдан ҳужум қилинганда, қуролли ҳужумни ёки жанговар техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда қилинган ҳужумни даф этишда, гаровга олинганларни озод қилишда, озодликдан маҳрум этиш жойларидан қурол билан, транспорт воситалари ёрдамида ёки юриб кетаётган транспорт воситаларида, тунда ёки кўриш чекланган шароитда қочилганда.

Ўқотар қурол қўлланилганда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун иложи борича барча чоралар кўрилиши зарур.

Ўқотар қурол қўлланилган ҳар бир ҳодиса ҳақида рапорт тузилади ва дарҳол прокурорга хабар қилинади.

1. Ушбу Кодекснинг 72-моддасида белгиланган тартибда ўқотар қуролдан фойдаланишдан олдин қуйидаги талабларга риоя этиш лозим бўлиб, бу маҳкум ва муассаса ходимлари хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади: 1) маҳкумни ўқ отар қуронинг қўлланилиши хусусида огоҳлантириш лозим (масалан, “тўхта отаман” деган сўзлар билан); 2) шахсга ўқ отишдан олдин, юқорига огоҳлантирувчи ўқ отилиши керак. Ўқ отишдан олдин: ҳужум қилаётган шахсга имкон қадар кам зарар етказилишини таъминлаш (оёқ ёки қўлига отиш); жабрланувчига дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ёки тез тиббий ёрдамни жалб қилиш; бошлиқни ўқотар қурол қўлланган барча ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш зарур.

2. Шунингдек, шарҳланаётган моддада ўқотар қуролдан огоҳлантиришсиз фойдаланиш мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати берилган. Бу ҳолатларга қуйидагилар киради:

- қўққисдан ҳужум қилинганда, қуролли ҳужумни ёки жанговар техника, транспорт воситалари, учиш аппаратлари, денгиз ва дарё кемаларидан фойдаланган ҳолда қилинган ҳужумни даф этишда;

- гаровга олинганларни озод қилишда,

- озодликдан маҳрум этиш жойларидан қурол билан, транспорт воситалари ёрдамида ёки юриб кетаётган транспорт воситаларида, тунда ёки кўриш чекланган шароитда қочилганда.

3. Ўқотар қуролни қўллашнинг муҳим қоидаларидан бири жиноят содир этмаган фуқароларнинг хавфсизлигини таъминловчи барча чораларнинг кўрилганлигидир. Бундай чоралар таъминланмаган ёки бузилган бўлса, бунинг натижасида шахслар зарар кўрган бўлса ўларга нисбатан тезкор тиббий ёрда кўрсатилиши лозим.

4. Кодексда ўқотар қурол қўлланган ҳар бир ҳолат юзасидан рапорт тузилиб, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти зудлик билан прокурорга хабар берилиши лозим. Прокуратура томонидан муассасада ўқотар қуролнинг қонуний асосларда қўлланилганлиги текширилади.

74-модда. Жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолат жорий этиш

Табиий офат рўй берган, жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилган тақдирда, уруш даври мобайнида, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилганда муассасаларда алоҳида ҳолат жорий этилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда ўттиз суткагача бўлган муддатга жорий этилади. Алоҳида ҳолатнинг амал қилиш вақти алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолат амал қилиб турган даврда муассасаларда кўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилган тури, объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилади, кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти чекланиши мумкин. Айни вақтда маҳкумларнинг айрим ҳуқуқлари чекланишига йўл қўйилади.

1. Ушбу кодекс жазони ижро этиш жазони ижро этиш муассасасида алоҳида ҳолат жорий этишнинг тартиб ва шартларини белгиловчи норма ҳисобланади. Шарҳланаётган моддада алоҳида ҳолат жорий этилиши мумкин бўлган ҳолатлар рўйхати берилган. Бунга муассасаси жойлашган ерда фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши, уруш даври, маҳкумлар томонидан гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, шунингдек оммавий тартибсизлик содир этилган пайтлар киради. Бу ҳолатларнинг барчаси юзага келиши алоҳида ҳолат жорий этишга асос бўлади.

Фавқулодда ҳолатлар табиий характерга эга бўлиб (ер қимирлаши, сув тошқини, қурғоқчилик, тузли кўчкилар, бўронлар, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқалар), жазони ижро этиш муассасасини фавқулотда мураккаб вазиятга солиб қўяди. Республика миқёсидаги фавқулотда ёки ҳарбий вазиятлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қиланди ва ушбу ҳудудда жойлашган барча жазони ижро этиш муассасаларида алоҳида ҳолат эълон қилинади. Маҳбусларнинг оммавий бўйсунмасликлари одатда пассив хулқ шаклда намоён бўлади, бу овқатларни қабул қилмаслик, бинодан чиқ-

маслик, ишга чиқмаслик, колония худудини тарк этишни рад этишларда (масалан, ишлаб чиқариш ёки яшаш зонасини) ифодаланади.

Маҳкумларнинг оммавий тартибсизликлари жазони ижро этиш муассасасидаги хавфли ҳодисадир. Бу маҳкумлар томонидан маъмурий вакиллари ёки бошқаларга қаршилик кўрсатиш, қирғин ва ўт қуйиш, мулкларни йўқ қилиш ёки шикаст етказиш, ҳокимият вакилларига, асосан, колония маъмуриятига, қоровул қўшинларининг ҳарбий хизматчиларига, ички ишлар ходимларига қаршилик кўрсатишда, қурол ва қурол сифатида фойдаланиши мумкин бўлган ашёлардан фойдаланишда, гаровга олишларда намоён бўлади. Оммавий тартибсизликларни тугатиш жараёнида маҳкумларнинг ҳамда муассаса ходими ёки бошқа шахслар ҳаёти ва соғлиғига шикаст етиши, муассаса моддий зарар кўриши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида алоҳида тартибнинг режими белгиланган. Умумий қисм муайян вақтга ва аниқ шахс томонидан жорий этилади. Алоҳида ҳолат Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган ҳолда жорий этилади. Алоҳида ҳолат ўттиз суткагача бўлган муддатга жорий этилади ва истисно ҳолатларда кўшимча равишда яна ўттиз суткагача узайтирилиши мумкин. Бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори билан келишилган бўлиши лозим.

3. Алоҳида ҳолат жорий этишда муассасада қатор ишлар амалга оширилади. Хусусан, муассасаларда қўриқлаш ва назоратнинг кучайтирилади, бунга муассаса ходимлари ва қоровул хизматидаги ҳарбий хизматчиларнинг иш вақти узайтирилиб, дам олишлари қичқартириш ҳамда таътилларни таққиллаш орқали эришилади. Объектларга киришнинг алоҳида тартиби жорий этилиб, муассасага кириш чекланади ёки махсус рухсатнома режими жорий қилинади; муассасанинг кун тартиби маданий-оқартув, маиший, тиббий-санитар, ишлаб чиқариш ва бошқа хизматларни қисқартириш ҳисобига ўзгартирилади; ишларини камайтириш, кун тартиби ўзгартирилиши, айрим хизматларнинг фаолияти чекланиши мумкин. Шунингдек, маъмурийат томонидан маҳкумларнинг ушбу Кодексда назарда тутилган (75-83 моддалар) ҳуқуқларининг амалга оширилиши тўхтатилади. Шунинг учун ҳам алоҳида ҳолатнинг жорий этилиши ҳам маҳкумларнинг, ҳам муассаса ходимларининг ҳуқуқларини чекланишига сабаб бўлади.

75-модда. Маҳкумларнинг озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар ўз шахсий ҳисобварағидаги пул ҳисобидан озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни пул ўтказиш йўли билан сотиб олишлари мумкин.

Сарфлашга рухсат этиладиган пул миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Маҳкумлар енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилганда, меҳнат нормаси ва меҳнат вазифаларини бажарганда, шунингдек байрам кунлари рағбатлантириш тарзида, маҳкумларга энг кам иш ҳақи белгиланган миқдорининг ўн фоизигача бўлган миқдорда қўшимча пул сарфлашга рухсат этилади.

Бир ой давомида сарфлашга рухсат этилган пулнинг умумий суммаси қуйидаги миқдорлардан ошмаслиги лозим:

умумий тартибли колонияларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч бараваридан;

қаттиқ тартибли колонияларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваридан;

махсус тартибли колонияларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваридан;

турмаларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваридан;

тарбия колонияларида, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, шунингдек маҳкум биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёллар учун – белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч ярим бараваридан (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қараганг).

Ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган миқдордан ортиқча пулга маҳкумлар тиббий хулоса асосида қўшимча равишда озик-овқат маҳсулотлари, шунингдек кийим ва пойабзал сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Муассаса бошлиғи янги келган маҳкумга озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизигача, манзил-колонияларда эса – тўлиқ миқдоригача бўлган суммада аванс беришга ҳақли.

1. Жазони ижро этиш муассасасидаги ҳар бир маҳкум озиқ-овқат ва ҳаёт учун энг зарур нарсалар билан давлат ҳисобидан таъминланади. Шундай бўлсада маҳкумнинг ўз хоҳишига кўра озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишга йўл қўйилади.

Маҳкумларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиш учун колонияларда дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни фаолият юритадиган дўконлар ташкил этилади.

Маҳкум куйидаги рўйхатда келтириб ўтилган маҳсулотларнигина муассаса дўконларидан сотиб олиши мумкин бўлади:

1) маҳкумлар учун белгиланган намунадаги кийим, бош ва оёқ кийими ҳамда ётар жой буюмлари;

2) ички кийимлар (иссиқ ва оддий) – икки комплектдан ортик бўлмаган миқдорда;

3) кўлқоп, бошмалдоқли кўлқоп, пайпок, чулкилар – икки жуфтдан кўп бўлмаган миқдорда, шарф, даст рўмол, камар, игна, ип ва ички кийимлар;

4) уй тапочкалари ва спорт оёқ кийими – бир жуфт;

5) ойна, электрон устара;

6) кружка, қошиқ, чойнак, пиёла, электрон чойнак, заводда тайёрланган маиший электрокипительник, полиэтилен идиш-товоқ;

7) ҳожатхона жиҳозлари (атир совун, хўжалик совуни, тиш ювиш порошоги ва пастаси, тиш шёткаси, тароқ, сочик);

8) кўлтик таёқ, ёғочдан ясалган трост, протезлар (врач рухсати билан), кўзойнак учун пластмасса футляр;

9) дарслиklar, ўқув анжомлари, санъат, техник, оммавий ва диний мазмундаги асарлар;

10) ёзув қоғози, дафтар, оддий қалам, авторучка, қора, кўк, бинафша рангли стержен, конверт, откритка ва маркалар;

11) пашка, шахмат, домино, нарда (бир комплектдан);

12) хат ва расмлар (фотоальбомлар);

13) кийим ва оёқ кийим учун шётка, пойабзал учун крем;

14) гугурт, тамаки маҳсулотлари, нос, чекиш ва ҳожатхона қоғози;

15) ички белгилар ва бошқалар, қимматбаҳо бўлмаган металллардан тайёрланган ибодат қилишнинг ўхшаш воситалари.

16) нон ва нон маҳсулотлари;

17) иссиқ ҳолда қайта ишлашни талаб қилмайдиган тузланган ва дудланган балик;

18) қотган кондиторлик маҳсулотлари;

19) мева, сабзавот, қурук мевалар;

20) консерва (балиқ, гўшт, мевали, сабзавотли);

21) сут, қурук творог.

2. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, сақлашнинг енгиллаштирилган шароитига ўтказилган, иш нормалари ва меҳнат вазибаларини бажараётган маҳкумларга белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча пул сарфлашга рухсат этилади. Байрам кунлари рағбатлантириш тартибида ҳам қўшимча пул сарфлашга рухсат этилиши мумкин.

Қўшимча пул сарфлашга рухсат маҳкум унга пул сарфлаш имконияти берилаётган даврда интизомий жазо олмаган тақдирдагина берилади.

Туркумлар ва цехларнинг бошлиқлари қўшимча пул сарфлаш ҳуқуқи бериладиган маҳкумлар рўйхатини ҳар ойда тузадилар, бу рўйхат жазони ижро этиш муассасаларининг бошлиқлари ёки уларнинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланади. Тасдиқланган рўйхатлар маҳкумга бундай ҳуқуқ бериш учун асос бўлади.

3. Шарҳланаётган моддага кўра маҳкумларнинг бир ой давомида сарфлайдиган пул суммалари қўйидагидан ошмаслиги лозим:

—умумий тартибли колонияларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч бараваридан;

—қаттиқ тартибли колонияларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваридан;

—махсус тартибли колонияларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваридан;

—турмаларда - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваридан;

—тарбия колонияларида, ихтисослаштирилган даволаш муассасаларида, шунингдек маҳкум биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйда болалари бўлган аёллар учун - белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг уч ярим бараваридан ошмаслиги керак.

Турмаларнинг камераларидаги ҳамда умумий тартибли, қаттиқ тартибли, колонияларнинг карцерларидаги маҳкумларни озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни харид этиши учун олиб чиқиш тақиқланади. Улар учун озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари (одатда туркумларнинг бошлиқлари) томонидан сотиб олинади. Ана шу мақсадда озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ҳуқу-

қига эга бўлган ҳар бир маҳкумга, унинг илтимосига кўра бланка-ариза берилади, уни тўлдириб колония бошлигининг навбатчи ёрдамчисига топширилади.

Бланка-ариза маҳкумнинг шахсий ҳисоб варағида пули бор-йўқлигини текшириш учун ўша куннинг ўзида молия хизмати ёки бухгалтерияга берилади, шундан кейин бланка муассаса бошлигининг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосарига тақдим этилади, ўринбосарнинг бланка-аризадаги резолюцияси товарни бериш учун асос бўлади. Харидни амалга оширган ходим сотиб олинган товарни маҳкумга топшириб, уларни олганлиги ҳақида бланка аризадаги тилхатга ёздириб олади, шундан кейин баланка-аризани молия хизматига (бухгалтерия) топширади.

Муассаса маъмурияти ҳар бир маҳкум ойига камида уч марта муассаса дўконига кириш имкониятига эга бўлишини таъминлайди. Маҳкумлар кун тартибида ажратилган ва иш жадвали билан тасдиқланган вақтда дўконга кирадилар. Турмаларда, умумий тартибли, қаттиқ тартибли ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларида сақланаётган шахслар учун озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ойига бир марта амалга оширилади.

4. Мазкур моддага биноан муассаса бошлиғи янги келган маҳкумга энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик фоизигача, манзил-колонияларда эса – тўлиқ миқдоргача бўлган суммада аванс беришга ҳақли.

Аванс маҳкумнинг ёзма аризасига биноан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда унинг кейинги ойдаги иш ҳақидан ушлаб қолинади.

76-модда. Маҳкумларнинг учрашувлари

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашув ҳуқуқи берилади.

Маҳкумларга қариндошлари ёки бошқа шахслар билан муддати тўрт соатгача бўлган қисқа муддатли учрашувга руҳеат берилади.

Маҳкумларга яқин қариндошлари (эр, хотин, ота-оналар, болалар, ўғил (қиз) қилиб олган шахслар, ўғил (қиз) қилиб олинган шахслар, ака-укалар, опа-сингиллар, бувалар, бувилар, неваралар) билан узоқ муддатли учрашув муассаса ҳудудида ёки, ушбу Кодекснинг 114 ва 130-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, муассаса доирасидан ташқарида улар билан бирга яшаш ҳуқу-

қи билан берилади (ЎзР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни тахриридаги қисм).

Узоқ муддатли учрашув муддати қуйидагича белгиланади: муассаса ҳудудида – бир суткадан уч суткагача, муассаса доирасидан ташқарида эса – уч суткадан беш суткагача.

Қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашув миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Юқумли касалликларга чалинган беморларга учрашувлар шифокор рухсати асосида берилади.

Учрашув учун берилган вақт мобайнида маҳкумлар ишдан озод этиб қўйилади, ана шу кунлар учун уларга иш ҳақи ёзилмайди.

Узоқ муддатли учрашув маҳкумнинг илтимосига кўра қисқа муддатли учрашув ёки телефон орқали сўзлашув билан, қисқа муддатли учрашув эса телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиши мумкин.

Учрашувларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумни жамиятдан ажратган ҳолда сақлашни назарда тутувчи жазо тури бўлишига қарамай, инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб, маҳкумларга қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувларига қонун доирасида йўл қўйилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг учрашувлари икки турга бўлинади: қисқа муддатли ва узоқ муддатли учрашувлар.

2. Маҳкумларга қариндошлари ёки бошқа шахслар билан муддати тўрт соатгача бўлган қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади ва улар муассаса маъмуриятининг вакиллари назорати остида ўтади. Бошқа шахслар билан учрашувлар, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг фикрича, маҳкумга салбий таъсир кўрсата олмайдиган ҳоллардагина берилади.

3. Маҳкумларга муассаса ҳудудида яқин қариндошлари (эр, хотин, ота-оналар, болалар, ўғил (қиз) қилиб олган шахслар, ўғил (қиз) қилиб олинган шахслар, ака-укалар, опа-сингиллар, бувалар, бувилар, неваралар) билан узоқ муддатли учрашувларга рухсат берилади.

Шунингдек, манзил-колонияларидаги маҳкумларга сақлаш режимини бузмаган, оиласи борларга муассаса бошлиғи қарорига биноан манзил-колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилиши мумкин. Бундай шахслар ички тартиб қондаларида белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтиш учун ҳозир бўлишлари шарт. Манзил-колония маъмуриятининг вакили маҳкумлар яшаётган жойга сутканинг исталган вақтида кириши мумкин.

Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқига ҳам эга. Шунингдек уларга вояга етмаган болалари билан муддати беш суткагача бўлган, шу жумладан муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти билан, узоқ муддатли учрашув берилиши мумкин.

Маҳкумларнинг ёки уларнинг яқин қариндошларининг ёзма аризаларига мувофиқ маҳкумларга юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашиш имконияти берилади. Маҳкумнинг ёки адвокатнинг истагига кўра уларнинг учрашувлари холи тарзда ўтказилади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари одатдаги учрашувлар сонига қармайди, бу каби учрашувлар миқдори ва муддати чекланмайди, лекин бу учрашулар, қонда тарихида, маҳкумнинг ишдан бўш вақтида, эрталаб ўрнидан турганидан кечки ётишга қадар соатларда ўтказилади.

4. Маҳкумлар учрашувлар муддати жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан белгиланади. Барча ҳолларда қисқа муддатли учрашувлар муддати икки соатдан кам, узоқ муддатли учрашувларнинг муддати эса, бир суткадан кам агар учрашув берилмаётган шахснинг ўзи бундан қисқароқ муддат сўраб туриб олмаса, белгиланиши мумкин эмас. Шарҳланаётган моддага кўра узоқ муддатли учрашувлар бир суткадан уч суткагача, агар муассасадан ташқарида бўлса, уч суткадан беш суткагача белгиланади.

Муассаса ҳудуди доирасидан ташқаридаги учрашувлар қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда берилади. Шу мақсадда муассаса жойлашган ерда, унинг қўриқланадиган ҳудуди чегарасидан ташқарида махсус жойлар жиҳозланади. Бундай учрашувларни ўтказиш учун келувчиларга мўлжалланган уйлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

5. Юқумли касалликка чалинган бемор маҳкумларга яқин қариндошлари билан узоқ муддатли учрашувлар фақат шифокор рухсати асосида берилиши мумкин.

Қисқа ёки узоқ муддатли учрашувлар рад этилган тақдирда маҳкумнинг ёки у билан учрашиш истагини билдирган шахснинг ари-засига рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув кирити-лади.

6. Учрашув берилган вақт мобайнида маҳкумлар ишдан озод этиб қўйилади, ана шу кунлар уларга иш ҳақи ёзилмайди. Манзил колонияларда қисқа муддатли учрашувлар иш вақтидан бўлак пайтда берилади.

7. Узоқ муддатли учрашув маҳкумнинг илтимосига кўра қисқа муддатли учрашув ёки телефон орқали сўзлашув билан алмаштири-лиши мумкин. Учрашувларни бирлаштиришга ёки бир учрашувни те-лефон орқали бир неча сўзлашувга бўлишга йўл қўйилмайди.

Эпидемия касалликлари тарқалганда, табиий офат рўй берганда, карантин ҳамда муассасанинг нормал ҳаётининг фаолиятига тўсқинлик қилувчи бошқа фавкулотда ҳолатлар содир бўлганда учрашувлар ўт-казиш тақиқланиши мумкин. Фавкулотда ҳолатлар вақтида фойдала-нилмаган учрашувлар маҳкумларга муассасанинг нормал ҳаётининг фао-лияти тиклангандан кейин берилади.

8. Маҳкумларнинг учрашувларига рухсат бериш ва уларни ўтказиш тартиби алоҳида белгиланган.

Маҳкумларга учрашувлар муассаса бошлигининг тарбиявий иш-лар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланган ҳар ойлик жадвалга мувофиқ берилади. Муассаса бўйича учрашувлар ўтказиш жадвали ҳар бир отряд бўйича туркумлар бошлиқлари томонидан тузиладиган учрашувлар жадвали асосида ишлаб чиқилади.

Учрашувга рухсат жазони ижро этиш муассасасининг бошлиғи ёки унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан берилади. Маҳкум билан учрашувга келган шахс учрашувга рухсат олиш учун муассаса бошлиғига ариза билан мурожаат қилади. Аризанинг наму-наси учрашувга келган қариндошларга мўлжалланган кутиш хонасига осиб қўйилади. Учрашувга келган фуқароларнинг шахси, шунингдек уларнинг маҳкум билан қариндошлик алоқасини тасдиқловчи ҳуж-жатлар паспорт, шахсий гувоҳнома, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳ-нома (войга етмаганлар учун), никоҳ тўғрисидаги гувоҳномалардир.

Учрашувга келган шахслар муассаса бошлиғи ёки унинг тар-биявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан қабул қилинади. Маз-кур шахслар учрашув вақтидаги хулқ-атвор қоидалари тўғрисида, но-легал йўқловлар берганлик учун жавобгарлик ва бунинг оқибатлари хусусида, шу жумладан белгиланган қоидалар бузилган тақдирда

учрашув дарҳол тўхтатиб қўйилиши ҳақида огоҳлантирилади. За-
рурат бўлганда маҳкумнинг қариндоши билан суҳбатлашувга бўлим
бошлиқлари жалб этилади, улар маҳкумларнинг хулқ-атвори тўғриси-
да ахборот бериб ўтадилар.

Қўйилган маҳкумга иккитадан кўп бўлмаган катта ёшли шахслар билан
учрашувга рухсат этилади, маҳкумнинг вояга етмаган фарзандлари
улар билан бирга бўлиши мумкин.

Учрашувга маҳкумлар ораста кийимда келишлари лозим. Узоқ
муддатли учрашувлар вақтида уларга учрашувга келган шахслар
келтирган фуқаролик кийимида юришга рухсат берилади, учрашув
тутаганидан кейин бу кийимлар уларни олиб келган шахслар томо-
нидан қайтариб олиб кетилади.

Маҳкумлар учрашувдан олдин ва учрашувдан кейин тўлик
тинтув қилинади. Уларга узоқ муддатли учрашув ўтказиладиган
хонага ўзлари билан ювиниш-таранишда ишлатадиган ва чекиш учун
зарур нарсаларни олиб кириш имконияти берилади.

Узоқ муддатли учрашув хоналарига озиқ-овқат маҳсулотларини
(вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво бундан мустасно), учрашув кун-
ларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек маҳкумларга ёнларида сақ-
лаш ман этилмаган нарсалар, буюмлар ва ашёларни (тоза қоғоз ва
ёзув ашёлари бундан мустасно) олиб кириш мумкин. Маҳкумларга
узоқ муддатли учрашув жойларидан учрашув тутаганидан кейин
қолган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ашёларни ёнларида сақлашга рух-
сат этилган миқдорда ва турда олиб чиқишга рухсат этилади.

Учрашувлар вақтида маҳкумларга бирон-бир ҳужжат, ёзув,
чизма ва ҳоказоларни бериш ёки улардан шундай нарсаларни олишга,
шунингдек, маҳкумлар билан қисқа муддатли учрашувга келган
шахсларнинг бирон-бир озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ашёларни олиб
киришига йўл қўйилмайди.

Учрашувнинг белгиланган тартиби бузилган тақдирда учрашув
шу заҳоти тўхтатилади, назоратчи бу ҳақда учрашувга рухсат берган
шахсга, унинг йўқлигида эса колония (турма) бошлиғининг навбатчи
ёрдамчисига ахборот беради. Улар учрашувни давом эттириш ёки
тутатиш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қиладилар.

77-модда. Маҳкумларнинг телефон орқали сўзлашувлари

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга телефон орқали сўзлашувлар ҳуқуқи берилади, бундай сўзлашувлар муассаса маъмурияти назорати остида ўтказилади ва уларнинг ҳақи маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидан тўланади.

Телефон орқали сўзлашувлар миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шартларга қараб белгиланади. Маҳкумнинг илтимосига кўра, маҳкум жазони ижро этиш муассасасига етиб келгандан кейин, шунингдек алоҳида ҳолларда унга қўшимча равишда телефон орқали сўзлашувга рухсат этилиши мумкин.

Интизомий бўлиналарда сақланаётган маҳкумларга фақат алоҳида ҳолларда телефон орқали сўзлашувга рухсат этилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумларнинг телефон орқали ўзаро сўзлашувлари тақиқланади.

Маҳкумларга телефон орқали сўзлашувга рухсат этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга техникавий имкониятлар мавжуд бўлганда телефон орқали сўзлашиш ҳуқуқи берилади. Телефон орқали сўзлашувлар муассаса маъмурияти назорати остида олиб борилади ҳамда унинг ҳақи Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан белгиладиган тариф асосида маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағ ҳисобидан тўланади.

2. Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида телефон орқали сўзлашувлар миқдори жазони ижро этиш муассасасининг режим турига ҳамда маҳкумни сақлаш шартларига қараб белгиланиши кўзда тутилган.

Маҳкумнинг илтимосига кўра, унинг яқин қариндошлари вафоти, маҳкумга ёки унинг оиласига анчагина моддий зарар етказган ҳодиса муносабати билан боғлиқ шахсий маънодаги алоҳида ҳолатларда телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи берилиши мумкин. Телефон орқали бундай сўзлашув олиш учун маҳкум тегишли сабабларни кўрсатган ҳолда муассаса бошлиғи номига ариза беради.

Маҳқумлар телефон орқали сўзлашув берилиши илтимоси баён этилган аризани жадвалда белгиланган муддатга камида уч кун қолганида беради. Аризага бўлим бошлиғи, шунингдек, маҳқумнинг шахсий ҳисобварағида маблағи борлигини кўрсатган ҳолда бухгалтерия ходими ўз розилик белгисини қўяди. Тасдиқланган жадвалдан кўчирмалар ҳар бир туркумда осиб қўйилади.

Агар маҳқум телефон орқали сўзлашув берилиши илтимоси баён этилган аризани вақтида бермаган бўлса ёки унга шахсий ҳисобварағида пули йўқлиги боис сўзлашув рад этилган бўлса, унинг телефон орқали сўзлашув ўтказиш ҳуқуқи йўққа чиқади.

Маҳқум телефон орқали сўзлашувга рухсат олганда фақат бир абонент билан боғланиш ҳуқуқига эга. Телефон орқали сўзлашув муддати 10 дақиқадан ошмаслиги лозим.

Телефон орқали сўзлашув навбати жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари тасдиқлайдиган ҳар ойлик жадвалга мувофиқ, телефон орқали сўзлашув олиш ҳуқуқига эга бўлган барча маҳқумлар унда белгиланган муддатларда фойдалана оладиган қилиб белгиланади.

Маҳқум жазони ижро этувчи бир муассасадан иккинчисига ўтказилганда, навбатдаги телефон орқали сўзлашув маҳқум бу ҳуқуқдан охирги марта қачон фойдаланганига қараб берилади. Маҳқумга рағбатлантириш тариқасида ёки алоҳида ҳолларда берилган навбатдан ташқари телефон орқали сўзлашувлар навбатдаги сўзлашув муддатларига таъсир этмайди.

Маҳқумлар, агар абонент жавоб бермаган бўлса, башарти бошқа абонент билан уланиб қолинган бўлса ёки сўзлашув техникавий сабабларга кўра узилиб қолган бўлса, телефон орқали сўзлашувни такроран олиш ҳуқуқига эга.

Маҳқумларга телефон орқали сўзлашув зонадаги маъмурий бино хоналаридан бирида жойлашган, махсус жиҳозланган хонада (кабиналарда) берилади ҳамда махсус ажратилган назоратчи ёки муассаса маъмуриятининг бошқа вакили ҳозирлигида ўтказилади.

Телефон орқали сўзлашувлар, одатда, давлат тилида ва назоратчи ёхуд муассаса маъмуриятининг бошқа вакили тушунадиган тилда олиб борилиши лозим. Башарти мазкур шахслар телефон орқали сўзлашув олиб борилаётган тилни билмасалар, бу сўзлашув тўхтатиб қўйилади. Бундай ҳолларда муассаса маъмурияти таржимон таклиф

этади ёки олиб борилаётган сўзлашувни текшириб туриш учун мазкур тилни биладиган бошқа ходимни тайинлайди.

Телефон станциясида сўзлашганлик учун ҳисоб-китоб варағи олингач, сўзлашув муддати ҳамда телефон орқали сўзлашганлик ҳақи учун унинг шахсий ҳисобварағидан чиқарилган пул миқдори ҳақида маҳкумга маълум қилинади.

3. Интизомий бўлинмадаги маҳкумларга телефон орқали сўзлашувга фақат алоҳида ҳолларда рухсат этилиши мумкин.

4. Маҳкумларга қариндошлари ҳамда бошқа шахсларга телефон орқали сўзлашувга рухсат этилади. Жазони ижро этувчи турли муассасаларда сақланаётган маҳкумлар ўртасида ўзаро телефон орқали сўзлашувлар қатъиян тақиқланади.

Телефон орқали сўзлашувлар чоғида муассасанинг ички тартиб қоидаларига риоя этилиши лозим. Телефон орқали сўзлашувларни муассаса маъмуриятининг рухсатисиз ва маъмурият назоратисиз олиб бориш жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузишдир. Телефон орқали сўзлашувларга одатда ишланмайдиган вақтда рухсат берилади.

Уяли алоқа аппаратларида, кечкурунги ётиш чоғида эрталаб ўридан туришгача бўлган вақтда телефон орқали сўзлашув ҳуқуқини бериш ва шундан сўзлашувни амалга ошириш, телефон орқали иккита ёки ундан ортиқ миқдордаги маҳкумлар гуруҳининг ёки маҳкумлар гуруҳи номидан телефон орқали сўзлашув, шунингдек, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тақиқланади.

Телефон орқали сўзлашувнинг белгиланган тартиби бузилганда, шунингдек, маҳкумлар ошкор этилиши мумкин бўлмаган маълумотларни айтиб юборишига уринган ҳолларда сўзлашув назоратчи ёки муассаса маъмуриятининг бошқа вакили томонидан тўхтатиб қўйилади, муассаса бошлиғига ёки унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарига, уларнинг йўқлигида эса, муассаса бошлиғининг навбатчи ёрдамчисига узил кесил қарор қабул қилиш учун бу хусусда ахборот берилади.

78-модда. Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши ва юбориши

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига етиб келган кундан бошлаб посилка, йўқлов ва бандерол олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин. Посилка, йўқлов ва бандероллар кўздан кечирилади.

Битта посилка ёки бандеролнинг оғирлиги почта қоидаларида белгилаб қўйилган нормадан, йўқловнинг оғирлиги эса посилканинг белгиланган вазнидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Олинадиган посилка, йўқлов ва бандеролларнинг миқдори жазони ижро этиш муассасасининг тартиб турига ҳамда маҳкум сақланаётган шароитга қараб белгиланади.

Хукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёлларнинг, шунингдек врач хулосасига кўра даволаниш ва кучли таомга муҳтож деб эътироф этилган беморларнинг, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларининг тиббий хулосада белгиланадиган миқдорда ва хилларда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олишига рухсат этилади.

Маҳкумлар чекланмаган миқдорда пул жўнатмалари олишлари ва юборишлари мумкин. Пул жўнатмалари маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига келиб тушади. Маҳкумлар ўзларига яқин қариндош бўлмаган шахсларга, шунингдек корхона, муассаса ва ташкилотларга фақат жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг рухсати билан пул жўнатмалари юборишлари мумкин.

Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиши ҳамда юбориши тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Колонияларда жазони ўтаётган, шунингдек, хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун турмаларда қолдирилган маҳкумлар муассасага етиб келган кунларидан бошлаб посилка, йўқлов ва бандерол олишлари мумкин.

Маҳкумлар заруратга қараб қариндошлари ва бошқа шахсларга посилка ва йўқловлар жўнатиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Посилка ва йўқловларни жўнатиш учун улар муассаса бошлиғига ариза билан мурожаат этадилар, аризада посилка ёки йўқловни юбориш сабаблари, жўнатиладиган мол-мулк рўйхати ва юборилаётган посилка ва йўқловни олувчи кўрсатилади. Посилкалар ва йўқловларни юбориш маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Посилка юборилганлиги тўғрисидаги квитанция маҳкумнинг йиғма жилдига тикиб қўйилади.

2. Қуйидаги шахсларга посилка ва йўқловлар қабул қилинмайди:

1) турма қамоғида жазони ўтаётганлар;

2) умумий тартибли, қаттиқ тартибли ва махсус тартибли коллонияларнинг қарцерларида сақланаётганлар.

Шунингдек, тарбия коллонияларининг интизомий ҳибсхоналарида сақланаётган маҳкумларга ҳам йўқловлар қабул қилинмайди, посилкалар эса, улар жазо чораларини ўтаб бўлгандан кейин берилади. Интизомий бўлинмага киритиб қўйилган маҳкумларнинг номига келган бандероллар унга бандеролнинг олувчиси интизомий жазо чорасини ўтаб бўлгандан кейингина топширилади.

3. Шарҳланаётган модданинг 4-қисмига кўра ҳукм қилинган ҳомиладор аёлларнинг ва жазони ижро этиш муассасасидаги болалар уйида болалари бўлган аёлларнинг, шунингдек шифокор хулосасига кўра даволаниш ва кучли таомга муҳтож деб эътироф этилган беморларнинг, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларининг тиббий хулосада белгиланадиган миқдорда ва тартибда қўшимча посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олишига рухсат этилади.

4. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бемор маҳкумларнинг илтимосига биноан уларнинг қариндошари ва бошқа шахслардан даволаниш учун зарур дори воситаларини олиши мумкин. Дори воситаларини қабул қилиб олиш тиббиёт ходими томонидан ўтказилади, у дори воситаларининг тегишли шифокор муолажасига муовфиқ ёхуд номувофиқлигини текширади. Яроқлилик муддати ўтиб кетган, ишлаб чиқариш кафолат тамғаси бузилган, даволашнинг белгиланган курсига мувофиқ бўлмаган дориларни қабул қилиш қатъиян тақиқланади.

Қабул қилинган дори воситалари ва тиббий препаратлар муассаса дорихонасидаги дафтарда ҳисобга олинади ҳамда маҳкумнинг тиббиёт варақасига ёзиб қўйилади. Дори воситаларини қариндошлар ва бошқа шахслардан қабул қилиб олиш маҳкумга олиш рухсат этилган йўқловларнинг умумий сонига киритилмайди.

5. Маҳкумлар чекланмаган пул жўнатмалари юбориш ва қабул қилиб олиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

6. Қариндошлар ва бошқа шахслардан йўқловлар (посилка) қабул қилиб олиш учун фуқаролар эркин кира оладиган махсус жойлар жиҳозланади. Уларда стуллар ёки ўриндиқлари ҳам бўлган столлар, текшириб кўриш учун тарози, хат, ариза ва шикоятлар учун қутичалар ўрнатилади. Посилка ва йўқловларни қабул қилиб олиш хонасининг иш тартибини, уларнинг сони ва миқдорини белгилаб берувчи, шунингдек, бу тартибни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўчирмалар кўринарли жойга осиб

қўйилади. Посилка ва йўқловларни қабул қилиб олувчи назоратчилар оқ халатда бўлишлари лозим.

Йўқлов ёки посилка келган шахс белгиланган шаклдаги аризани яқин нусхада ёзиб имзолайди. Йўқлов ёки посилка аризанинг ҳар талаф нусхаси билан бирга назоратчига топширилади. Назоратчи маҳкум йўқлов олиш ҳуқуқига эгалиги ёки эга эмаслигини текшириб, йўқлов олиб келган шахс ҳозирлигида йўқловнинг тури ва оғирлигини текшириб кўради, сўнгра йўқловни қабул қилиб олиб, аризанинг бир нусхасини йўқлов олиб келган шахсга йўқлов қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан бирга қайтариб беради, иккинчи нусхасини эса, унга маҳкум йўқловни олганлиги тўғрисида имзо чекканидан сўнг алоҳида йиғмажилдга қўшиб қўяди. Назоратчи қабул қилиб олинган йўқловлар сони ва бу йўқловлар топширилган шахслар ҳақида ҳар куни учрашувлар, телефон орқали сўзлашувлар, олинган йўқлов, посилка ва бандероллар ҳисобини юритиш варақасига тегишли ёзув киритиб қўяди.

Агар маҳкум сақлаши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинган бўлса, уларни берган шахсга сабаби кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

Почта қондаларига биноан фақат курук қандолат маҳсулотлари юборилиши мумкин эканлиги инобатга олинган ҳолда, бундай маҳсулотлар маҳкумларга тўлиқ ассортиментда топширилиши керак, қаҳва, какао ва шоколад бундан мустасно. Бандеролларда келган маданий-маиший нарсалардан маҳкумларга сақлаш ман этилмаганларигина берилади.

Маҳкумлар жиноий мақсадда фойдаланиши мумкин бўлган нарсалар ва буюмлар, моддаларнинг йўқлов ичидан чиққанлиги ҳамда олиб қўйилганлиги ҳолати ҳақида белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, бу хусусда рапорт берилади ҳамда ушбу ҳолат юзасидан текширув ўтказилади.

Ҳазони ижро этувчи бошқа муассасага ўтказилган маҳкумлар номига келган посилкалар улар сақланаётган янги жойга муассаса ҳисобидан юборилади.

Посилка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, белгиланган тартибда турмага ўтказилган, ҳазони ўташдан озод қилинган ёхуд вафот этган маҳкумлар номига келган посилкалар “қайтариб юборилиши керак” деган белги билан қайтариб жўнатиб юборилади.

Посилка ва бандероллар кимнинг номига келган бўлса, у шахснинг ҳозирлигида назоратчилар томонидан очилади ҳамда ичидаги

нарсалар кўздан кечирилади. Посилка ва бандеролларнинг ичида келган буюмлар ва маҳсулотларни кўздан кечиришда йўқловларни қабул қилишдаги тартибга риоя қилинади. Посилкаларнинг ичидан топилган почта жўнатмаларининг ичига турли усуллар билан яширинган пуллар олиб қўйилади ва белгиланган тартибда давлат фойдасига ўтказилади.

Посилка ва бандеролларнинг ичидан чиққан нарсалар махсус дафтарга қайд этилади.

79-модда. Маҳкумларнинг ёзишмалари

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Маҳкумларнинг хатлари ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади, жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар бундан мустасно. Маҳкумларга хатларни топшириш ва уларнинг хатларини кўрсатилган манзилга жўнатиш муассаса маъмурияти томонидан хат келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан бошлаб уч кунлик муддат ичида амалга оширилади. Телеграммалар эгаларига дарҳол топширилади ва жўнатилади.

Хатлар ва бошқа жўнатмалар олиш ҳамда юбориш, шунингдек уларни цензурадан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар ўртасида хат ёзишмалари фақат ўзаро қариндошлар ўртасида ва муассаса маъмуриятининг руҳеати билан амалга оширилиши мумкин.

Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади.

1. Ҳар бир маҳкум ўзининг қариндошлари ва бошқа яқинларига хат ёзиши ёки улардан хатларни қабул қилиши мумкин. Шарҳланаётган моддага асосан маҳкумлар томонидан чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олиши ҳамда жўнатиши мумкин.

2. Маҳкумларнинг хат ва бошқа жўнатмалари цензурадан ўтказилади. Манзил колонияларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг хат ва бошқа жўнатмалари бундан мустасно.

Маҳкумларнинг хатларни юбориши фақат жазони ижро этиш муассасаларининг маъмурияти орқали амалга оширилади. Шу мақсадда колониялар ҳудудида почта қутилари қўйилган бўлади, уларни шунга ваколат берилган мансабдор шахслар ҳар куни очиб текшириб турадилар. Турмаларда ва умумий тартибли колонияларнинг камера типидagi жойларида маҳкумлар жўнатиш учун хатларни маъмурият вакилларига берадилар. Хатлар елимланмасдан почта қутиларига ташланади ёки маъмурият вакилига топширилади. Хатларни маҳкумларга топшириш ҳамда кўрсатилган манзилларга жўнатиш улар келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида маъмурият томонидан амалга оширилади. Телеграммалар кўрсатилган манзилга (эгасига) дарҳол жўнатилади (топширилади).

Маҳкумлар номига улар муассасадан жўнаб кетганларидан кейин келган хатлар улар сақланаётган янги жойга узоғи билан уч кунлик муддат ичида юборилади.

Маҳфий белгилар билан ёзилган, расмий нарсалар ифодаланган, шифр ёки бошқа шартли белгилар қўлланган, шунингдек беадаб, беҳаё тусдаги, таҳдид, ўч олиш билан пўлиса қилинган ёхуд ошкор этиш мумкин бўлмаган маълумотларни акс эттирувчи хатлар кўрсатилган манзилга юборилмайди, бу хусусда маҳкумга маълум қилиниб, хатлар йўқ қилиб ташланади.

Шунингдек озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қариндошлари ва бошқа шахслардан пул жўнатмалари олиши мумкин. Пул жўнатмалари почта орқали ўтказилади ёки муассаса кассасига келиб тушади. Келиб тушган барча жўнатмалар маҳкумнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилиб, у бу хусусда хабардор этилади.

Маҳкумлар чекланмаган миқдорда пул жўнатмалари юбориши мумкин. Маҳкумларнинг ўзларига яқин қариндош бўлмаган шахсларга, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларга пул жўнатмалари юборишига фақат жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг рухсати билан йўл қўйилади.

3. Ушбу модданинг 4-қисмига кўра, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар ўртасида ёзишма олиб бориш тақиқланади. Муассаса маъмурияти турли муассасаларда сақланаётган ўзаро қариндошлар бўлса, истисно тариқасида ёзишмага рухсат этиши мумкин.

4. Шарҳланаётган моддага кўра, маҳкумлар ўз таклиф, ариза ва шикоятларини оғзаки ёки ёзма шаклда, ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда баён этиши мумкин.

Ёзма таклиф, ариза ва шикоятлар кўрсатилган манзилга жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти орқали юборилади. Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар цензура қилинмайди ҳамда кўрсатилган манзилга кечи билан бир суткалик муддат ичида юборилади.

Ариза, таклиф ва шикоятларни муассаса маъмуриятини четлаб ўтиб ноқонуний йўллар билан жўнатиш режимни бузишга қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланади.

Маҳкум таклиф, ариза ва шикоятни фақат ўз номидан ҳамда ўз шахсига тааллуқли масалалар юзасидан беради. Шахслар гуруҳи номидан ёки бошқа маҳкумлар учун, шунингдек бошқа шазсларга тааллуқли ҳолатлар юзасидан таклиф, ариза ва шикоятлар беришга рухсат этилмайди.

Муассаса маъмурияти томонидан ҳал этилиши мумкин бўлган масалалар юзасидан юқори идораларга юборилган таклиф, ариза ва шикоятлар бу идоралар ёки тегишли мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилиши натижаларини кутиб ўтирмасданоқ жойнинг ўзида ҳал этилади.

Уятли сўзлардан иборат таклиф, ариза ва шикоятлар кўрсатилган манзилга юборилмайди, уларни ёзган шахсларга нисбатан эса интизомий жазо чораси қўлланилади.

Таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқилганлиги натижаларига оид жавоблар муассасага келиб тушганидан кейин узоғи билан уч кунлик муддат ичида маҳкумларга маълум қилиниб, бу ҳақда ундан тилхат олинади ҳамда бу нарса маҳкумларнинг шахсий йиғма жилдларига қўшиб қўйилади. Таклиф, ариза ва шикоятларни юбориш билан боғлиқ харажатлар тўлови маҳкумларнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бундай маблағлар булмаган тақдирда харажатлар жазони ижро этиш муассасаларининг таъминоти харажатлари сметаси ҳисобидан амалга оширилади.

79-1-модда. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг сайр қилиши

Жазони умумий, қаттиқ тартибли колониялар, тарбия колониялари қабул бўлинмаларининг камераларида, шунингдек маҳсус тартибли колонияларнинг камераларида ўтаётган озодликдан маҳрум этилган маҳкумлар, агар улар очиқ ҳавода ишлаётган бўлмаса, ҳар куни муддати икки соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Сайр қилишнинг муддати жазони ижро этиш колонияларининг, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг интизомий бўлинмаларида сақланаётган маҳкумлар учун ушбу Кодекснинг 109 ва 127-моддалари билан, жазони турмаларда ўтаётган маҳкумлар учун эса 123-моддаси билан белгиланади.

Маҳкумларнинг сайр қилиши махсус жиҳозланган сайр қилиш ҳовлиларида кундузги вақтда ўтказилади. Сайр қилиш, маҳкум жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирда, муддатидан илгари тугатилиши мумкин.

1. Шарҳланаётган модда очиқ ҳавода ишламайдиган маҳкумларнинг ҳар кунги сайрга бўлган ҳуқуқининг умумий асосларини белгилайди. Бу ҳуқуқ маҳкумнинг соғлиғи учун зарур ҳисобланади.

Сайр муддати маҳкумларнинг турли тоифалари учун ушбу Кодекснинг тегишли моддаларида белгиланади.

Ёпиқ биноларда сақланадиган, аммо очиқ биноларда ишлайдиган маҳбусларга сайр қилиш учун рухсат иш куни бўлмаган вақтларда берилади.

Жазони умумий, қаттиқ тартибли колониялар, тарбия колониялари қабул бўлинмаларининг камераларида, махсус тартибли колонияларнинг камераларида ўтаётган маҳкумларга ҳар куни муддати икки соатлик сайр қилишга имкон берилади.

2. Турмаларнинг интизомий бўлинмаларига киритиб қўйиш тарикасидаги жазони ўтаётган маҳкумлар ҳар куни муддати бир ярим соатлик сайрдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати эса, суткасига икки соат қилиб белгиланади. Руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволанаётган беморлар ҳам ҳар куни сайр қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Турмаларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилган маҳкумларга эса рағбатлантириш тарзида ҳар кунлик сайр муддати бир соатга узайтирилиши мумкин.

3. Маҳкумларнинг сайр қилиши ҳар куни кундузги вақтда ўтказилади. Сайр ўтказиш учун жазони ижро этиш муассасаси ҳудудининг бир қисми махсус жиҳозланади. Сайрга маҳкумлар камералардан муассаса ходимлари томонидан эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда олиб чиқилади. Маҳкумлар сайр қилиш тартиби ва сайр вақтидаги хулқ-атвор қоидалари ҳақида огоҳлантирилади.

Шу мақсадда ётоқхоналардаги турар жойлар, кутубхоналари мавжуд клублар, умум-таълим мактаблари, касб-хунар таълими тизими ва касбга тайёргарлик ўчоқлари, умумий ва қаттиқ тартибли коллониялардаги канцерларнинг камералари, махсус тартибли коллониялардаги бир кишилик камералар, турмалардаги камералар, даволаш муассасаларидаги палаталар радиолаштирилади.

Умумий тартибли ва қаттиқ тартибли жазони ижро этиш коллонияларининг, тарбия коллонияларининг турар жойларида, махсус тартибли коллонияларнинг оддий турар жойларида марказлашган тартибда ёқиб ўчириладиган телевизорлар ўрнатилиши мумкин.

Тергов ҳибсхоналари ва турмаларда телевизорлар хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумлар учун ўрнатилади.

Телевизион кўрсатувларни кўриш вақти кун тартиби билан белгилаб қўйилади. Маҳкумларнинг телекўрсатувларни кўриш дастури ҳар ҳафта учун муассаса бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Радиоэшиттиришларни трансляция қилиш узеллари жазони ижро этиш муассасалари ҳудуди доирасидан ташқарида ёки маҳкумлар бориши тақиқланган биноларда жойлаштирилиши лозим.

Жазони ижро этиш муассасасида ҳафтасига камида бир марта кўшимча равишда тарбиявий аҳамиятга молик кинофильмлар намойиш этишга рухсат этилади. Кинофильмлар марказлаштирилган бошқарув пулти орқали ҳам намойиш этилиши мумкин. Тарбиявий мақсадларда фойдаланиладиган қисқа метражли ўқув, хужжатли ва илмий-оммабоп фильмларни намойиш этишга моддий чекловлар татбиқ этилмайди.

2. Телевизион кўрсатувлар бир неча маҳкумларга бир жойда жамоа бўлиб намойиш қилинади. Шу сабабли ҳам агар маҳкум камераларда жазо ўтаётган бўлса, у ўзининг кинофильм ва телекўрсатувлар кўриш ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

82-модда. Маҳкумларнинг алоҳида ҳолларда муассаса доирасидан четга чиқиши

Маҳкумларга алоҳида ҳоллар (яқин қариндошининг вафоти ёки ҳаёти учун хавfli бўлган оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар етказган воқеа) муносабати билан бориш-келиш учун кетадиган вақтни (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда, етти суткагача бўлган муддатга жазони ижро этиш муассасаси доирасидан четга чиқишга рухсат этили-

ши мумкин. Маҳкумларга Ўзбекистон Республикаси доирасида четга чиқишга рухсат этилади.

Маҳкумнинг четга чиқишга рухсат сўраб ёзган аризасини муассаса маъмурияти бир сутка ичида кўриб чиқади. Бу ҳақда маҳкумнинг шахси, хулқ-атвори, тасдиқловчи ҳужжатлар бор-йўқлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилинади. Четга чиқишга бериладиган рухсатнома прокурор томонидан тасдиқланади.

Қуйидагиларга:

ўта хавфли рецидивистлар;

умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар;

ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар;

мажбурий даволанишдан ўтаётган ва юқумли касалликка чалинган маҳкумларга четга чиқишга рухсат берилмайди.

Четга чиқиш вақти жазони ўташ муддати ҳисобига қўшилади.

Четга чиқиш билан боғлиқ харажатлар маҳкум маблағлари ҳисобидан ёки бошқа шахслар томонидан тўланади.

Маҳкумнинг белгиланган муддатда жойига қайтиб келишини қийинлаштирувчи қутилмаган ҳоллар юз берган тақдирда у борган жойдаги ички ишлар органи бошлиғининг қарорига биноан қайтиш муддати, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятини албатта огоҳлантирган ҳолда, беш суткагача узайтирилиши мумкин.

Маҳкум белгиланган муддатда жойига қайтишдан бўйин товлаган тақдирда у ички ишлар органи томонидан ушланади ва жазони ўташ жойига жўнатилади.

Маҳкумларнинг муассаса доирасидан четга чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Жиноят-ижроия қонунчилиги маҳкумга жазони ижро этиш муассасасидан чиқишга бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Маҳкум уч ҳолатда муассаса доирасидан четга чиқиши мумкин бўлиб, муассаса доирасидан четга чиқишга фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасидагина рухсат берилиши мумкин. Биринчи ҳолатда маҳкумга муассаса доирасидан четга чиқишга фавқулотда ҳолатларда рухсат берилади. Иккинчи ҳолатда ЖИКнинг 133-моддасига кўра

мактаб ёшигача фарзанди бор аёлларга уларни қариндошлари, васийларга ёки болалар муассасаларига жойлаштиш учун рухсат берилади. Учинчи ҳолатда, ногирон фарзанди бор аёлларга улар билан учрашишга рухсат берилади. Биринчи турдаги чиқишнинг муддати Ушбу кодекс билан 7 суткагача, иккинчи тури – ўн беш суткагача, учинчи турида эса – етти суткагача қилиб белгиланган. Бу муддатга маҳкумни тегишли жойга бориб келиши учун кетадиган вақт ҳисобга олинмайди ва бу муддат тури ҳисобга олинмайди.

Айрим истисно ҳолатлардаа яқин қариндошининг вафоти ёки ҳаёти учун хавфли бўлган оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар етказган воқеа – табиий офатлар, ўт кетиши, шахсга қарши оғир жиноят содир этилиши, мулкка қасддан зарар етказилишлар муассаса томонидан маҳкумга муассасадан чиқишига рухсат бериш учун асос бўлиши мумкин.

2. Шарҳланаётган модданинг 2-қисмидан маҳкумни муассаса доирасидан четга чиқишга рухсат бериш муассаса маъмурияти учун мажбурий аҳамиятга эга эмас деган фикр англашпилади. Бунинг учун маҳкум муассаса маъмуриятига муассаса доирасидан четга чиқишни сўраб, асослантирилган ҳолда ёзган аризаси талаб қилинади. Аризани муассаса маъмурияти бир сутка ичида кўриб чиқади. Бу ҳақда маҳкумнинг шахси, хулқ-атвори, тасдиқловчи ҳужжатлар бор-йўқлигидан келиб чиқиб қарор қабул қилинади.

Муассаса раҳбарининг рухсатномаси албатта, прокурор томонидан тасдиқланиши шарт. Бундан сўнг маҳкумга давлат герби туширилган муҳр босилган белгиланган шаклдаги рухсатнома берилади. Маҳкум тартиб қоида билан таништирилади, уни жазони ўташдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва имзо билан тилхат олинади. Маҳкум жўнаб кетаётган ҳудуддаги ички ишлар органларига уларни телеграф орқали огоҳлантирилади. Маҳкумга муассаса доирасидан четга чиқиш вақтида фуқаролик кийими берилади.

Вояга етмаганларни муассаса ҳудудидан четга чиқиши муассаса ходимлари кузатуви билан амалга оширилади. Шунингдек вояга етганларга ҳам муассаса раҳбари томонидан кузатув белгиланиши мумкин.

3. Муассаса доирасидан четга чиқиш ҳуқуқидан жазони ижро этиш ва тарбия колониясидагилар, шунингдек, хўжалик ишларини бажариш учун тергов ҳибсхонасида қолдирилганлар фойдаланиши мумкин. Бу ҳуқуқдан ўта хавфли рецидивистлар, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар, ўта оғир жиноятлар

учун ҳукм қилинган шахслар, мажбурий даволанишдан ўтаётган ва юқумли касалликка чалинган маҳкумлар фойдалана олмайди.

4. Муассаса доирасидан четга чиқиш суткалар билан исобланади. Агар маҳкум белгиланган муддатда жазони ижро этиш муассасасига қайтиб келса, бу муддат жазо муддатига қўшилади.

5. Маҳкумни четга чиқиш билан боғлиқ харажатлари маҳкум томонидан олинган иш ҳақи, ёки унинг ота-онаси ёхуд бошқа шахслар томонидан уни ҳисобига ўтказилган маблағлар ҳисобидан ёки бошқа шахслар томонидан тўланади. Маҳкумлар йўл учун билетларни мустақил сотиб оладилар. Зарур ҳолларда муассаса маъмурияти бунга қўмак беради. Муассаса доирасидан четда бўлган вақтда унга иш ҳақи ёзилмайди.

6. Маҳкум тегишли жойга етиб борганда, бир суткалик муддатда ички ишлар органларида рўйхатдан ўтиши керак. Қайтаётган кунда ҳам бу ҳақда ички ишлар органларига келиб бу ҳақда белги қўйиб кетиши лозим. Маҳкумни муассасага келишини қийинлаштирувчи ҳолатлар юзага келса, у борган жойдаги ички ишлар органи бошлиғининг қарорига биноан қайтиш муддати, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятини албатта огоҳлантирган ҳолда, беш суткагача узайтирилиши мумкин.

7. Маҳкум белгиланган муддатда жойига қайтишдан бўйин товлаган тақдирда, ички ишлар органларига рўйхатдан ўтиш учун келмаса, у ички ишлар органи бошлиғи томонидан уни қаердалигини аниқлаш учун чоралар кўрилади, уни муассасага қайтмаслик, ички ишлар органига келмаслиги сабаблари, жазони ўташдан бўйин товлаганлиги аниқланади. Бу ҳолатлар аниқланганда маҳкум ушланиб, жазони ўташ жойига жўнатилади.

12-БОБ. МАҲКУМЛАРНИНГ МОДДИЙ-МАИШИЙ ТАЪМИНОТИ ВА УЛАРГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

84-модда. Маҳкумларнинг яшаш жойи

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайдилар.

Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси куйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

умумий турар жойларда - икки квадрат метр;

тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида - икки ярим квадрат метр;

аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда - уч квадрат метр;

бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда - тўрт квадрат метр;

интизомий бўлинмаларнинг камераларида ҳамда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар учун мўлжалланган хона типигаги турар жойларда - тўрт ярим квадрат метр.

Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва керакли инвентар берилади.

1. Маҳкумлар учун зарур турар-жой ва маиший шароитлар яратилади. Йилнинг совуқ мавсумида жазони ижро этиши муассасаларнинг турар жойларида ҳарорат цельсий бўйича +18-20 даражада сақлаб турилади.

2. Жиноят-ижроия кодексининг 84-моддаси озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойи ҳақида фикр юритилган. Унда айтилишича, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайдилар.

3. Бир маҳкумга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси куйидаги миқдордан кам бўлиши мумкин эмас:

Умумий турар жойларда-икки квадрат метр;

а) тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг умумий камераларида-икки ярим квадрат метр;

б) аёллар ва вояга етмаганлар сақланадиган колониялардаги умумий турар жойларда-уч квадрат метр;

в) бемор маҳкумлар сақланадиган палаталарда-тўрт квадрат метр;

г) интизомий булинмаларнинг камераларида ҳамда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар яшаши учун, шунингдек жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахслар учун мўлжалланган хона типидаги турар жойларда-тўрт ярим квадрат метр.

4. Маҳкумларга ётиш учун алоҳида жой, кўрпа-тўшак, чойшаб ва керакли инвентар берилади.

Бу хилдаги нормаларнинг белгилаб қўйилиши маҳкумларнинг яшашидаги асосий норма ҳисобланади. Ҳар бир маҳкум ўзининг содир этган жиноятининг оғир ёки енгиллигига қараб, муассаса сақлаш шароитига қараб жойлаштирилади.

Умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда жазони ўтаётган маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Қонунда озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг яшаш жойларининг минимал ва максимал ўлчами кўрсатиб қўйилган, холос. Бироқ бу белгиланган норманинг қанча бўлишини муассаса қуйидаги хусусиятларга кўра белгилаб олади:

а) тиббий мезонларга кўра;

б) маҳкумларнинг ёш даражасига кўра.

5. Жазони ижро этиш муассасаларида яшаш учун мўлжалланган қисмида яшаш уйларидан овқатланиш хонаси, дам олиш хонаси, шифохона, ўқиш ва касб-ҳунар ўргатиш хоналари, дўкон, клуб, кир ювиш ва ҳаммом, кутиш ва учрашув хоналари, кир қуритиш хонаси, кийим-бош ва пойабзалларни таъмирлаш хоналари, маҳкумларнинг штаблари, камера типидаги хоналари, назорат қилиш ва ўтказиш жойлари, ёз мавсумларида маҳкумларнинг саф тортиши, спорт билан шуғулланиши ва тарбиявий тадбирларни ўтказиш майдони, ибодат қилиш учун мўлжалланган хоналари ва бошқа иншоотлар бўлиши шарт. Маҳкумларни яшаш уйларида ювиниш, хожатхоналар, аёллар колонияларида гигиена хоналаридан иборат бўлади.

6. Қишки мавсумда маҳкумлар яшаш жойлари иситилиб, ҳарорат 18-20 даража бўлиши таъминланади. Ҳар бир маҳкум ўзи билан совун, тиш чўткаси, тиш пастаси, тарок, рўмолча, ручка, китоб ва дафтар сақлашлари мумкин.

7. Жазони ижро этиш муассасаларида назорат-ўтказиш пункти биноти ёки унинг ёнида қисқа ва узок муддатли учрашувлар ўтказиш, посылка ва йўқловлар бериш, телефон орқали сўзлашувни олиб бериш учун хоналар бир-биридан алоҳида, шунингдек, муассаса ҳудудида кириб келаётган шахсларни ҳамда уларнинг буюмларини кўздан кечириш учун мўлжалланган бино мавжуд бўлади. Бундан ташқари, маҳкумларни тинтув қилиш жойлари назорат майдончаси яқинида ҳамда турар-жой ва ёнма-ён бўлган ишлаб чиқариш зоналари ўртасидаги ички назорат ўтказиш пункти қурилиб, маъмурий бино колония ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлади.

8. Маҳкумлар турар жойларидаги шароит ҳақида тўхталадиган бўлсак, уларга алоҳида каравот, кўрпа-ёстиқ, икки кишига битта тумбочка, стол билан таъминланади. Ҳар бир каравотнинг оёқ тарафига маҳкум ҳақидаги маълумотлар ёзилган белгилар осиб қўйилади. Ҳафтада камида бир марта маҳкумлар ҳаммомга туширилиб, ўрин-кўрпа жилдлари алмаштирилади. Муассасада тозалик маҳкумларнинг бепул ёрдамларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

9. Муассаса ҳудудида маҳкумларнинг қисқа муддатли ва узок муддатли учрашувлари учун мўлжалланган жойлар ташкил этилади. Бундай жой, одатда, маҳкумларнинг яшаш зоналари жойларида ташкил этилади ва маъмурият вакили ва соқчилар билан қуриқланади. Узок муддатли учрашув жойлари меҳмонхона кўринишида бўлиб, бу жойларда яшаш пуллик амалга оширилади.

85-модда. Маҳкумларнинг овқати

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга киши организмнинг нормал ҳаётини таъминлайдиган овқат берилади.

Овқат нормаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маҳкумларнинг соғлиғи ҳолатига, уларнинг ёши, бажараётган ишининг хусусияти ва оғирлигига қараб белгиланади. Маҳкумларга уларни ишга жалб этган корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан қўшимча овқат берилиши мумкин.

Маҳкум ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар, вояга етмаганларга, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади. Тиббий хулоса асосида уларга қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари олишга рухсат этилиши мумкин.

ЎзР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонунига мувофиқ, тўртинчи қисм чиқариб ташланган.

Жазони ижро этиш муассасаларининг интизомий бўлимларига киритиб қўйиш тартибидаги жазо чораси ўн беш суткагача бўлган муддатга қўлланилган маҳкумларга овқат камайтирилган норма бўйича берилади.

1. Маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уларнинг соғлиқ ҳолати, ёши, бажараётган шининг хусусияти ва оғирлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланган овқат нормаси, шунингдек ўрнатилган тартибдаги устки кийим-бош, ички кийим-кечак, пойабзал ҳамда ўрин-кўрпа билан таъминланади. Маҳкумларнинг устки кийим-боши ва пойабзал жазони ижро этиш муассасаларининг устахоналарида бепул таъмирланади.

2. Маҳкумларнинг овқат ва уст-бош кийими билан таъминлаш Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

3. Маҳкумларнинг меҳнатидан фойдаланаётган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан уларга қўшимча овқат берилиши мумкин.

4. Манзил-колонияларида сақланаётган маҳкумлар овқат ва ашёвий мол-мулкани нақд пулга сотиб оладилар. Турар жой-коммунал ва маданий-маиший хизматлар ҳақи улар томонидан умумий асосларда тўланади.

5. Маҳкумларнинг овқати масаласи ЖИКнинг 85-моддаси билан тартибга солинади. Маҳкум овқати албатта инсон жисмини нормал ҳаёт кечирishi учун талабга жавоб бера оладиган овқат бўлиши лозим. Овқат нормасини белгилашда ҳам маҳкумларнинг тоифасига қараб эмизикли ва ҳомиладор аёлларга, вояга етмаганлар, 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари ва касалманд маҳкумларга ҳамда оғир меҳнатга жалб қилинган маҳкумларга бериладиган овқат бошқаларникидан фарқ қилиши мумкин. Уларга оширилган миқдорда овқат берилади. Бир кунда уч маҳал овқатлантирилиш тартибига амал қилинади. Маҳкумларни ишга жалб қилган корхона ёки муассасалар маблағи ҳисобига қўшимча овқат беришга йўл қўйилади.

6. Маҳкумларнинг овқатлари махсус опхоналарда ёлланма меҳнат ва маҳкумларнинг ўзларидан фойдаланган ҳолда пиширилади ва кун тартибиде белгиланган вақтлардагина маҳкумларни овқатланишларига йўл қўйилади. Маҳкумлар овқатлари тарқатилиши олдидан албатта унинг сифати бўйича маъмурият вакили ва тиббиёт ходими

томонидан текширилади. Овқат учун ҳам ашёлар махсус сақлаш жойларида сақланади.

7. Маҳкумларнинг овқатланиши тизимида колония ҳудудидаги магазин катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Маҳкумларга белгиланган норма миқдорида қўшимча озиқ овқат сотиб олишларига рухсат берилади. Бундан ташқари белгиланган миқдор бўйича посилкалар олишларига йўл қўйилганлиги ҳам уларга қўшимча озиқ-овқат олишларига имконият бўлиб ҳисобланади.

8. Қасаллик туфайли, шунингдек ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ишламаётган ва у шу давр учун иш ҳаққи олмаётган шахсларга бундай таъминот ва хизмат кўрсатиш турлари колония харажатлар сметаси ҳисобидан маҳкумлар таъминотининг белгиланган нормалар асосида амалга оширилади.

9. Колониядан ташқарида яшаётган маҳкума аёллар ҳамда уларнинг уч ёшга тўлмаган болалари жазони ижро этиш муассасаларнинг болалар уйларидаги ҳомиладор аёллар, эмизакли оналар учун белгиланган нормаларда овқат ва уст-бош билан таъминланади. Маҳкуманинг истагига кўра, ишдаги озод этилган вақтида, ўзи ва боласига овқат ҳамда уст-бош учун белгиланган миқдорда пул компенсацияси берилиши мумкин.

10. Тукқандан кейинги таътил тугаганидан сўнг колония маъмурияти колония ҳудудидан ташқарида яшаётган маҳкума аёлларни жазони ижро этиш муассасасининг корхонасига ёки уларнинг хулқатвори устидан тегишли текширув ва назорат таъминланишини ҳисобга олган ҳолда, бошқа корхоналарига жойлаштирилади.

11. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти маҳкума аёлларга болаларни маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари, жазони ижро этиш муассасалари ёки бошқа ташкилотларнинг болалар боғчаларига жойлаштиришга ёрдам беради. Зарурат туғилганда, она бўлмиш маҳкума аёллар ишда бўлган вақт мобайнида уларнинг болалари жазони ижро этиш муассасаларининг болалар уйига жойлаштирилиши мумкин.

86-модда. Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган шахслар Республика бюджети ҳисобидан белгиланган намунада кийим, мавсумга қараб, маҳкумнинг жинси ва иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда ички кийим ва пойабзал билан таъминланадилар.

Маҳқумларнинг уст-бош билан таъминлаш қонунга биноан тартибга солинади. Кийим-кечак пойабзал махсус кўринишда белгиланади ва маҳқумларнинг ёши, жинси, соғлиғи, бажараётган ишининг хусусиятига кўра ҳам фарқланиши мумкин. Маҳқумларнинг уст бош кийимлари ҳам мавсумга қараб ўзгартирилади ва сарфланадиган харажатлари давлат ҳисобига амалга оширилади.

87-модда. Маҳқумларнинг тиббий-санитария таъминоти

Озодликдан маҳрум этиш жойларида даволаш-профилактика ёрдами ва санитария иши ҳамда эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади.

Маҳқумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун стационарлари бор тиббий бўлимлар, сил қасаллигига чалинган беморларни даволаш ва сақлаб туриш учун даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колониялар, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун маҳқумларга мўлжалланган ихтисослашган касалхоналар ташкил этилади.

Маҳқумларга тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга дори-дармон воситалари бериш, санитария назоратини ташкил этиш ва олиб бориш, даволаш-профилактика муассасаларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш органларининг тиббий ходимларини жалб этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Маҳқумлар шахсий ва умумий гигиена қондаларига, санитария талабларига риоя этишлари шарт.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 87-моддаси бўйича маҳқумлар тиббий-санитария хизматидан фойдаланади.

2. Маҳқумларга кўрсатиладиган тиббий хизмат барча фуқароларга кўрсатилган бепул ва чеклашларсиз тиббий хизматдан фарқ қилмайди. Маҳқумларга кўрсатиладиган тиббий хизмат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли йўриқнома-

лари ва ўзаро Ички ишлар вазирлиги билан қабул қилинган махсус буйруқ, йўриқномалари билан тартибга солинади. Жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятига маҳкумлар тиббий хизмат кўрсатиш учун махсус вазифалар билан белгилаб берилади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун маъмурият таркибида махсус тиббий хизмат бўлимлари ташкил этилади. Маҳкумларнинг тиббий-санитария хизмат бўлимлари ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошида махсус тиббий бошқарма тuzилганки, бу бошқарма жазони ижро этиш муассасаларининг тиббий санитария хизматларини ҳам тартибга солади. Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун жазони ижро этиш муассаси қошида даволаш бўлими мавжуд. Бу бўлимлар маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш вазифасини амалга оширади. Бу ҳилдаги бўлимлар жумласига, тиббий марказлар, шифохоналар, қисқа муддатли ўпка ва суяк сил касаллиги билан оғриган ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари учун тиббий рўйхатга олиш учун махсус колониялар ташкил этилган.

3. Юқумли касалликлар, таносил ва орттирилган иммунитет хасталиги касаллиги, гиёҳванд ва алкоголь касалларни сақлаш ва даволаш учун махсус муассаса ташкил этилади. Таносил касалликлари билан оғриган маҳкумлар даволаниш жараёнида колониянинг тиббий бўлимларида бошқа маҳкумлар билан бирга сақланадилар. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми хасталиги ҳамда гиёҳванд ва алкогольларни алоҳида сақлаш учун махсус колония ёки бўлиналарда назарда тутилмаган. Бундай маҳкумлар бошқа маҳкумлар билан биргаликда сақланадилар, лекин улар тиббий рўйхатга олинадилар, зарур ҳолларда эса уларга тегишли даволаниш ёрдамлари қилинади. Жумладан, суд томонидан тайинланган мажбурий гиёҳвандлик ёки ичкиликбозлик бўйича даволаниш чоралари бундай даволанишнинг тури ҳисобланади.

4. Маҳкумларни айрим зарур ҳолларда соғлиқни сақлаш тизими тиббий хизматларидан фойдаланишларига ҳам йўл қўйилиши мумкин. Манзил колонияларида жазони ўтаётган маҳкумлар эса соғлиқни сақлаш тизими хизматларидан навбати билан фойдаланишларига йўл қўйилади.

5. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар учун тиббий-санитария хизматлари давлат ҳисобидан амалга оширилади, лекин шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бунда маҳкумларга кўрсатиладиган тиббий хизмат ўз ҳисоб варақларидан амалга оширилади.

6. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар учун тиббий-санитария хизматлари давлат ҳисобига амалга оширилади. Лекин белгиланган хизматлардан ташқари талаб этилган хизматлар, масалан, маҳкумларга сунъий тиш қўйдириш каби хизматлар маҳкумларнинг ўзлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

7. Маҳкумлар учун ташкил этилган тиббий-санитария хизматларида ҳам махсус тиббий бўлинмаларга эга бўлган малакали мутахассислар хизмат кўрсатади. Алоҳида ташкил этилган тиббий муассаса бошлиғи бир вақтнинг ўзида жазони ижро этиш муассаса бошлиғи бўлиб ҳам ҳисобланади.

8. Жазони ижро этиш муассасига етиб келган маҳкумлар тиббий кўрикдан ўтказилгач, унинг натижалари маҳкумнинг тиббий амбулатория варағига қайд этиб қўйилади.

9. Маҳкумлар 15 кундан кўп бўлмаган муддат мобайнида қабул бўлинмасида профилактик карантинда сақлаб турилади, ана шу вақт ичида улар, муассасага юқумли касалликлар кириб келишини олдини олиш мақсадида, комплекс тарздаги санитария ишловидан ҳамда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Агар ана шу муҳлат ичида карантинда сақланаётган маҳкумлар орасида юқумли касалликлар аниқланмаса, келган маҳкумлар туркумлар бўйича тақсимланади. Юқумли касалликка чалинганликда гумон қилинган шахс ёки беморлар аниқланган пайтда карантин муддати тегишинча узайтирилади, бунда касалликка чалинган беморлардан энг охиргиси батамом ажратилиб қўйилган кун янги муддатнинг бошланиши деб ҳисобланади.

10. Манзил-колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ихтисослаштирилган станционар асосда даволаш Ўзбекистон Рнспубликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи тизимининг даволаш муассасаларида амалга оширилади.

11. Жазони ижро этиш муассасаларида белгиланган санитария-гигиена ҳамда эпидемияга қаратилган қоидаларига қатъий риоя этилиши таъминланади. Жазони ижро этиш муассасасига етиб келган шахслар (эркаклар учун бош ва энгақда мавжуд соч, соқол-мўйлов, қўлтиқ ости ва ҳоказоларни кириш ишларини ўз ичига олган) комплекс санитария ишловидан ўтказилади. Бундай ишлов ҳар ойда камида бир марта такрорланади. Ҳар етти кунда камида бир маротаба маҳкумларга ички кийим, кўрпа-ёстиқ жилдлари ва чойшабни алмаштирган ҳолда, ҳаммом ташкил этилади.

13-БОБ. ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР МЕҲНАТИ

88-модда. Маҳкумларни меҳнатга жалб этиш

Маҳкумларни меҳнатга жалб этишдан асосий мақсад уларда ижтимоий-фойдали фаолият билан шуғулланиш эҳтиёжини шакллантиришдан иборат.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва иложи борича, ихтисосини инобатга олган ҳолда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, тартибга солинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар, одатда, шу муассасаларнинг корхоналарида, айрим ҳолларда эса, керакли тарзда қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этилади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Олтмиш ёшдан ошган эркаклар, эллик беш ёшдан ошган аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этиладилар.

Маҳкума аёллар ҳомиладорлик ва туғиш муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатга ишдан озод қилинадилар.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бажариш тақиқланган ишларда аёл ва вояга етмаган маҳкумлар меҳнатида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Маҳкумлардан фойдаланиш тақиқланган ишлар ва лавозимлар рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Маҳкумлар топширилган ишни ҳалол, виждонан бажаришга, меҳнат ва технология интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этишлари шарт. Уларнинг меҳнатга оид ва бошқа низоларни ҳал этиш мақсадида ишни тўхтатиб қўйиши тақиқланади.

1. Маҳкумлар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва имкон қадар мутахассислиги инобатга олинган ҳолда меҳнатга жалб этилади. 60 ёшдан ошган эркаклар ва 55 ёшдан ошган аёллар

ҳамда I-II-гурӯҳ ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этиладилар.

2. Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларининг корхоналарида ёки зарур қўриқлаш ва батамом ажратиб қўйиш тизими таъминланган бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этиладилар.

Тарбия колониялари ва турмаларда маҳкумлар муассаса корхоналарининг ўзидагина меҳнатга жалб этиладилар.

3. Маҳкумларнинг иш вақти ишлаб чиқаришнинг табиатига боғлиқ бўлиб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари билан белгиланади. Маҳкумлар, одатда, ҳафтада олти кун мобайнида меҳнатга жалб этилади, дам олиш ва байрам кунларидаги, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишлари учун уларга икки ҳисса ҳақ тўланади.

4. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

5. Маҳкумларнинг меҳнатидан:

а) жазони ижро этиш муассасаларининг бошқармалари, бўлимлари ва бўлинмаларида;

б) ҳарбий бўлинмаларнинг штабларида ҳамда шахсий таркиб жойлашган, қурол-яроғ ва ҳужжатлар сақланаётган жойларда;

в) нусха кўпайтирув аппаратлари, радиотелеграф, телефон ва компьютер техникаси билан боғлиқ ишларда;

г) сотувчи, амалиётчи бухгалтер, кассир, озиқ-овқат омборларининг, шунингдек, мураккаб ва қимматбаҳо ускуналар омборларининг мудирлари тарихида;

д) дори воситалари, шунингдек портловчи ва заҳарловчи моддаларнинг ҳисобини юритиш, уларни сақлаш ва бериш билан боғлиқ ишларда;

е) фотосуратчи, тиш протезчиси, шифокор, транспорт воситалари ҳайдовчиси тарихида;

ж) бўйсунувида эркин ёлланиб ишлайдиган ходимлар бўладиган лавозимларда;

з) маҳсулотни қабул қилиш ва унинг сифатини текшириш билан боғлиқ мансабда;

и) қўриқлаш хизмати итларини боқиш билан боғлиқ ишларда фойдаланиш тақиқланади.

6. Бундан ташқари, маҳкумларни агар улар давлат мулкани ўғирлаганлик, хизмат мавқеини сунистеъмол қилганлик, порахўрлик, босқинчилик, талончилик, ўғирлик, фирибгарлик, мансаб сохтакорлиги учун ҳукм этилган ёки содир этган жиноятлари давлат ва жа-

моат мол-мулкига тажовуз этиш билан боғлиқ бўлган тақдирда моддий жавобгарлик ва ҳисоблаш-бухгалтерия лавозимларидаги меҳнатга жалб этишга йўл қўйилмайди.

7. Соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи маҳкумларни ҳамда жазони қўриқлаш остида ўтаётган шахсларни меҳнатга биргаликда жалб этиш тақиқланади.

8. Жазони манзил-колонияларида ўтаётган маҳкумлар шу муассасаларнинг корхоналаридаги, маҳкумларнинг хулқ-атвори устидан пухта назорат таъминланадиган бўлган тақдирда, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ишлаб чиқариш объектларидаги, юридик шахс бўлмиш фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлардаги меҳнатга жалб этиладилар.

9. Манзол-колония ҳудудидан ташқаридаги меҳнатга маҳкумларни жалб этиш уларнинг ҳар куни муассаса қайтишлари таъминланган тақдирдагина амалга оширилади.

89-модда. Маҳкумларни иш билан таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

жазони ижро этиш муассасаларида ишлаб чиқариладиган муайян маҳсулот турлари учун буюртмаларни тақсимлайди;

ишлаб чиқариш корхоналарини моддий-техника билан таъминлаш чораларини кўради;

ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни, ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишни молиявий таъминлайди;

корхона, муассаса ва ташкилотларни маҳкумлар меҳнатидан фойдаланишга жалб этишга имкон яратиб беради;

корхона, муассаса ва ташкилотларда меҳнат қилаётган маҳкумларга ёзиладиган иш ҳақи миқдорини белгилаб беради.

Маҳкумларни иш билан таъминлаш жазони ижро этиш муассасаларида ёки улардан ташқарида иш ўринларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

1. Озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг ахлоқан тузалишларида меҳнат қилишнинг ижобий таъсири ҳақиқатан ҳам ўрни бекиёсдир. Шу мақсадда уларни мамлакатимиздаги бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиққан ҳолда зарурий ҳолларда иш билан таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида маҳкумларни иш билан таъминлашда умумий ваколатли давлат органи ҳисобланади. Унинг маҳкумларни иш билан таъминлашга оид ваколатларининг рўйхати шарҳланаётган моддада батафсил келтириб ўтилган.

3. Маҳкумларни иш билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда тегишли муассасалар томонидан таъминланади.

90-модда. Маҳкумларнинг иш вақти

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтининг энг кўп нормасига риоя этган ҳолда, одатда, олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

Маҳкумлар иш вақти режимини жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ишлаб чиқариш хусусиятига қараб белгилайди.

Маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга жалб этишга ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда, маҳкумлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ёки тунги ишларга жалб этилган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида вояга етмаган шахслар, шунингдек I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этиш шарт.

Маҳкума ҳомиладор аёллар, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйларида боласи бор аёллар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларида ишга ёки иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган режимда ишлашга ўзларининг розилиги билан жалб этилиши мумкин. Мазкур шахслар тунги ишларга, уларнинг розилигини олган ҳолда ва тегишли тиббий хулоса бўлган тақдирда, жалб қилиниши мумкин.

Маҳкумларнинг иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларидаги ишлари учун икки ҳисса ҳақ тўланади.

1. Маҳкумлар меҳнати Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ЖИК нормалари билан тартибга солинади. ЖИКнинг 90-моддасига биноан жазони ижро этиш муассасаларида ўтаётган маҳкум олти кунлик иш ҳафтаси белгиланган. Уларнинг иш вақти режимини ижро этиш муассасасининг маъмурияти белгилайди ва умумий иш вақтининг энг кўп нормасидан ошиб кетмаслиги керак.

2. Инсон соғлиғига зарарли ишларда ишлаганларнинг ва вояга етмаганларнинг иш вақти меҳнат қонунларида кўзда тутилган умумий асосларда белгиланади. Иш вақти давомида бир соат тушлик вақти белгиланади.

3. Маҳкумларни иш вақтидан ташқари ишларга дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этишга ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилади.

4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда маҳкумлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам кунларида ёки тунги ишларга жалб этилган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида вояга етмаган шахслар ва I ва II гуруҳ ногиронларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этилиши шарт.

5. Ишни бошлаш ва тугаллаш вақти колониянинг кун тартибига мувофиқ равишда колониянинг бошлиғи томонидан белгиланади.

6. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони ўтаётган вақтда жазо муддати узлуксиз бўлганлиги учун меҳнат таътили олишга рухсат берилмайди.

7. Маҳкумларнинг иш вақти ишлаб чиқаришнинг табиатига боғлиқ бўлиб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мажмуасининг нормалари билан белгиланади. Маҳкумлар, одатда, ҳафтада олти кун мобайнида меҳнатга жалб этилади, дам олиш ва байрам кунларидаги, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишлари учун уларга икки ҳисса ҳақ тўланади.

91-модда. Маҳкумларнинг дам олиш вақти

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, меҳнатга жалб этилган маҳкумларга ҳар ҳафтада камида бир дам олиш куни берилади. Улар байрам (ишланмайдиган) кунларида ишдан озод қилинади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳар йилги меҳнат таътили берилмайди, жазони манзил-колонияларда ўтаётганлар бундан мустасно. (ЎЗР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

Манзил-колониялардаги маҳкумлар муддати ўн беш иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. Таътил ушбу Кодекснинг 82-моддасида белгиланган тартибда манзил-колония доирасидан четга чиқиш ҳуқуқи билан берилади. Маҳкум жазони ижро этиш колониясининг интизомий бўлинмаси турар жойларида сақланган вақт ҳақ тўланадиган ҳар йилги меҳнат таътили бериш учун зарур муддатга қўшиб ҳисобланмайди. (ЎЗР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

1. Манзил-колонияси, умумий тартибли, қаттиқ тартибли колонияларда ва турма қамоғида жазони ўтаётган маҳкумлар ҳам бир ҳафтада бир иш кунни тўлиқ дам олишлари мумкин. Давлат томонидан меҳнат қонунчилигида байрам кунлари деб эълон кунларда эса меҳнатга жалб этилмасдан дам оладилар.

2. Тарбия колонияларда беш кунлик иш ҳафтаси режими белгиланган бўлиб, унда маҳкумлар тўлиқ икки кун дам оладилар.

3. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларга, манзил-колонияларидан жазони ўтаётган маҳкумлар бундан мустасно, нисбатан меҳнат қонунчилигидаги йиллик меҳнат таътили татбиқ этилмайди.

4. Манзил-колониялар анча енгиллаштирилган режими билан ажралиб туради. Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин, масалан, манзил-колониясида жазони ўтаётган маҳкумлар муддати ўн беш иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътилга чиқишлари бевосита ЖИҚнинг ушбу моддасида кўрсатиб ўтилган.

5. Озодликдан маҳрум этилган маҳкумларнинг барчаси меҳнат қонунчилигида бевосита кўрсатиб ўтилган байрам кунлар ишламасдан тўлиқ дам олишлари мумкин. Бу байрам кунларига қуйидагилар киради: 1 январь янги йил куни, 8 март халқаро хотин-қизлари куни, 21 март Наврўз миллий байрам куни, 9 май хотира ва қадрлаш куни, 1 сентябрь мустақиллик куни, 8 декабрь конституция қабул қилинган куни, муқаддас динимизнинг Рамазон ҳайити ва Курбон ҳайит диний байрамларнинг биринчи кунлари шулар жумласидандир.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўланади.

Меҳнат нормаларини ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик ҳақ белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

Барча чегирмалардан қатъи назар, маҳкумлар шахсий ҳисобварағига уларга ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтмиш ёшдан ошган эркакларнинг, эллик беш ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисобварағига эса, камида эллик фоизи ўтказиб қўйилади.

1. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнатига амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатлари ҳамда уларда белгиланган тарифлар ва баҳолаш мезонлари бўйича ишнинг миқдори ҳамда сифатига мувофиқ ҳақ тўланади. Ушбу давр мобайнида меҳнат қонунчилиги нормалари ва меҳнат вазифаларини бажарган маҳкумлар меҳнатига тўланадиган ойлик иш ҳақи қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши ва энг юқори миқдор билан чегараланиши мумкин эмас. Энг кам иш ҳақиға қўшимча тўловлар, устамалар, раҳбатлантирувчи тўловлар, нормалар иш вақтидан ташқари қилинган меҳнат учун оширилган тўлов, шунингдек, туман коэффицентлари кирмайди.

Маҳкумлар меҳнатига ишбай ва вақтбай тартибида ҳақ тўланади. Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг асосий тизими барча ишларда меъёрлаштириш ва аниқ ҳисоб-китобни таъминловчи ишбай ҳақ тўлаш тизимидир. Ишбай ҳақ тўлаш индивидуал ёки жамоавий бўлиши мумкин. Меҳнатга индивидуал ҳақ тўлашда маҳкумнинг бутун маоши у тайёрлаган яоркли маҳсулот миқдори ва ҳар маҳсулот бирлиги учун ишбай баҳолаш билан аниқланади. Жамоавий ҳақ тўлашда жамоа (бригада)нинг умумий маоши муайян вақт, (смена, ҳафта, ой) давомида бажарилган бутун иш натижаларига қараб ҳисобланади. Лекин жамоанинг ҳар бир аъзосига бу маош унга белгиланган тартибда берилган малакавий разряди ва жамоада ишлаган вақтни

ҳисобга олган ҳолда ажратилади. Вақтбай ҳақ тўлаш фақат меъёрлаштирилмаган ва аниқ ҳисобга асосланмаган ишларда қўлланилади. Маҳкумларга вақтбай ҳақ тўлашда ҳар ойлик иш куни учун кунлик таъриф ставкаси ажратилади. Ойлик ҳақ тўлашда маҳкумнинг ойлик маоши календарь бўйича бу ойдаги иш куни миқдоридан қатъи назар қатъий ойлик ставкаси шаклида, лекин ҳар бир кунда ишлаган вақтни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Маҳкумларнинг моддий манфаатдорлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва рентабеллигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ҳоказо мақсадида вақтбай-мукофотлаш ва ишбай-мукофотлаш тарзида ҳақ тўлаш тизими жорий қилинади.

Маҳкумлар ёш бўйича муофотлаш, ноқулай табиий-иқлим ва маиший шароити жойларидаги ишлаш учун устама ва имтиёзлардан ташқари, иссик, оғир, зарарли ва ўта зарарли меҳнат шароитидаги ишлардаги ишчилар учун белгиланган таъриф ставкалари бўйича ҳақ тўланадиган касблар ва ишларга жалб қилинади.

Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари туғилганда, технология ўзгарганда ишлаб чиқариш ва меҳнат ташкил қилинган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг олдинги шартларини сақлаб қолиш мумкин бўлмаса, шунингдек, маҳкумлар томонидан меҳнат интизоми ва белгиланган жазони ўташ қоидалари бузилганда, муассаса маъмурияти маҳкумнинг розилигисиз унинг учун фойдали бўлмаган томонга меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини ўзгартиришга ҳақлидир.

Маҳкумлар дам олиш ва байрам (иш кунида ташқари) кунларида ишга, шунингдек, ҳашар ишларига жалб қилинганда икки баравардан кам бўлмаган ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги ишга (22-0 дан 6-00 гача) бир ярим баравар миқдорда ҳақ тўланади. Тунги вақтдаги ишлар учун ҳақ тўлаш таъриф ставкаларига киритилмайди.

Маҳкумнинг айби билан йўл қўйилган ишдаги тўлиқ ёки ушлаб қолиш учун ҳақ тўланмайди. Маҳкумнинг айби билан йўл қўйилган қисман сифатсиз ишлар учун камайтирилган миқдорда ҳақ тўланади. Маҳсулотнинг яроқлилиқ фоиизи бундай ҳолларда муассаса маъмурияти томонидан белгиланади. Агар тўлиқ сифатсиз ёки ушланиб қолишга маҳкум айби билан йўл қўйилмаган бўлса, унинг ўртача маоши сақланади. Янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилгунга қадар сифатсиз маҳсулотлар учун тегишли разряддаги таъриф ставкаси ҳисобидан тўланади.

Маҳкумлар тайёрланаётган маҳсулонинг сифатсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқаришда хавф келтириб чиқариш мумкин бўлган барча ҳолатлар ҳақида маъмуриятга дарҳол хабар беришлари лозим. Агар маҳкум яроқсиз маҳсулот тайёрланаётганлиги ҳақида маъмуриятга хабар қилмаса ёки маъмуриятнинг ишлаб чиқаришни тўхтатиб туриш тўғрисидаги топшириғига қарамасдан ишлашда давом этган бўлса, кейинги сифатсиз иш учун сарфланган харажатларни ўз ҳисобидан тўлайди, бузилган материал учун меҳнат қонунчилигида назарда тутилган миқдорда маошдан чегириб қолинади.

Ушланиб қолиш натижасида ишдан озод қилинган маҳкумлар имкониятларига қараб бошқа ишга ўтказиладилар, бунда меҳнатга ҳақ тўлаш амалда бажарилган ишга қараб амалга оширилади.

Маҳкумлар ишлаб топган маблағлари уларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади. Манзил колонияларда иш ҳақи маҳкумларнинг қўлига берилади.

2. Маҳкумларнинг меҳнатга виждонан ёндашишларини таъминлаш мақсадида қонунда маҳкумнинг маошидан шахсий ҳисобварағига озик-овқат маҳсулотлари ва биринчи эҳтиёждаги буюмларни сотиб олишини таъминлайдиган қисмини кафолатли ўтказиш назарда тутилган. Кафолатланган энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридаги маош эса, умумий, қаттиқ, махсус режими колонияларда, камокларда сақланаётган 60 ёшда ошган эркеклар, 55 ёшдан ошган аёллар, 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар ҳамда жазони ўташ муассасалари қошидаги болалар уйларида бола аёллар учун 25% дан кам бўлмаган миқдорда, шунингдек, манзил колониялар ва тарбия муассасаларидаги маҳкумлар учун белгиланган маошнинг 50% дан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

3. Маҳкумлар томонидан бажариладиган ишларни таърифлаш ва уларга малакавий разрядлар бериш ишчиларнинг иш ва касб таъриф-малакавий қўлашмаларига мувофиқ амалга оширилади. Бунинг учун жазони ўташ муассасаларида қарорлари муассаса бошлиғи ёки корхона директори томонидан тасдиқланадиган ва уларнинг буйруқ ёки фармойиши билан расмийлаштириладиган малакавий комиссиялар ташкил этилади. Маҳкумга берилган малакавий разряд унинг шахсий жилдга киритилади.

93-модда. Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этиш

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларини ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларигагина меҳнат ҳақи тўламай жалб этилиши мумкин.

Маҳкумлар меҳнат ҳақи тўланмайдиган ишга, одатда, навбатма-навбат, ишдан ташқари вақтда, ҳафтасига кўпи билан икки соатга жалб этилади.

1. Маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш муассасаларини ва уларга туташ ҳудудларда ободонлаштириш, шунингдек, маданий-маиший шароитни яхшилаш ишларигагина иш ҳақи тўламай жалб этилиши мумкин. Бу ҳар бир маҳкумга сақлаш режими талаблари, яъни жазони ижро этиш ва ўташнинг унинг мақсадларига кўра белгиланган тартиблари тегишлилигини билдиради. Сақлаш режимининг функцияларидан бири тарбиялаш функциясидир. У еудланган шахсга интизомий таъсир кўрсатиш, ўз мажбуриятларини ихтиёрий бажаришга одотлантириш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қонунларни аниқ бажариш, умумий яшаш жойи қоидаларини ҳурмат қилишни ифодалайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда маҳкумлар қоидага кўра, кетма-кет тартибда, иш вақтидан ташқари меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этилади ва бу иш куни таркибга кирмайди. Бундан ишларнинг давомийлиги бир ҳафтада икки соатдан ошмаслиги керак. Вақтни ҳисоблаш ва маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишларга жалб этиш кетма-кетлиги ва бундай ишларни амалга ошириш отрядлар бошлиқларига юклатилади.

2. Маҳкумларни меҳнат ҳақи тўламай ишга жалб этишнинг ўрнатилган нормасидан қатъи назар, уларнинг барчаси жазони ўташ муассасаларидаги муайян шароитларга боғлиқ бўлади. Бир муассаса доирасида барча маҳкумлар бундай ишларда бир вақтда ишлашлари лозим. Касаллик бўйича ишдан озод қилинган маҳкумлар 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, эмизувчи аёллар ишга меҳнат ҳақи тўламай жалб қилинмайдилар.

94-модда. Маҳкумларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан чегирмалар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ушбу Кодексда назарда тутилган истисно ва чеклашлар билан, амалга оширилади.

1. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш манзил колонияларда, қамоқларда жазони ўтаётган шахслар, шунингдек, қамоқ ва тергов изоляторларида хўжалик хизмати бўйича ишларни бажариш қолдирилган маҳкумларга нисбатан қўлланилади. Маҳкумлар иш ҳақидан чегириб қолиш фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

2. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;
- суд қарорларини ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш;
- ойлик иш ҳақи ҳисобидан берилган ёрдам пулини тўлаш ва ҳисоб-китобдаги хатолар оқибатида ортиқча тўланган пулни қайтариш;
- зарарни қоплаш, башарти зарар миқдори маҳкумнинг ўртача иш ҳақидан ошиб кетса.

Даромад солиғи маҳкумга ўтган ойда ажратилган иш ҳақи миқдоридан чегириб қолинади.

Даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб қолинганидан кейин ижро рўйхати ва бошқа ижро ҳужжатларида бўйича чегирмалар амалга оширилади. Бундай ҳужжатларга: суд ҳукми, қарори, ажрими асосида бериладиган ижро рўйхатлари: нотариат органлари қайдлари: ўртоқлик судлари қарорлари асосида бериладиган ижро рўйхатлари киради.

Суд қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатлари бўйича чегириб қолинган пул маблағи даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар айриб ташланган иш ҳақидан аниқланади. Ундириб олиш ЖИКнинг 92-моддасида назарда тутилган маҳкумнинг шахсий ҳисобварифига энг кам ойлик иш ҳақи суммаси ўтказилганидан кейин ҳисобланади.

Маҳкумда бир нечта ижро ҳужжатлари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақидан ундириб олиш кетма-кетлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Бунда, биринчи навбатда меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган талаблар (юримдик ёрдам кўрсатганлиги учун адвокатга ҳақ тўлаш, юримдик маслаҳатлар талаблари), барча турдаги алиментларни ундириш тўғрисидаги, соғлиққа етказилган шикаст, шунингдек, боқувчисининг вафоти билан боғлиқ зарарни қоплаш бўйича талаблари қондирилади.

Биринчи навбатдаги ундиришларга ижтимоий суғурталаш бўйича ажратмалар ҳам киради.

Кетма-кетлик тартибда чегирмалар:

- давлат ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳамда бюджетга носолиқ тўловлар, шунингдек, давлат суғурта органлари талаблари маъмурий тартибда солинадиган жарималар, давлат божлари ва давлат даромадларига ундириб олиш ҳолларида ишни кўриб чиқиш ишлари билан боғлиқ харажатлари талабларини қондиришга;

- давлат кредит муассасалари талабларини қондиришга қаратилган чегирмалар;

- давлат муассасалари ва корхоналари, деҳқон хўжаликлари ва бошқа мулкчилик шаклидаги ташкилотлар, шу жумладан, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш талаблари бўйича маблағлар, бошқа талабларни қондиришга қаратилган маблағларга йўналтирилганда амалга оширилади. Суд қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатлари бўйича чегирмалар амалга оширилгач, ойлик иш ҳақи ҳисобидан берилган ёрдам пулини тўлаш ва ҳисоб-китобдаги хатолар оқибатида тўланган суммаларни қайтариш учун чегирмалар амалга оширилади.

Маҳкумлар иш ҳақидан чегирмалар охириги навбатда, башарти зарар миқдори маҳкумнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетмаса, у жазони ўташ вақтида давлатга етказилган зарарни қоплаш учун амалга оширилади.

3. Жазони ўташ вақтида давлатга етказилган зарарни қоплаш учун кетадиган иш ҳақидан чегирмалар жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи қарори асосида амалга оширилади. Агар моддий зарар жазони ўташ вақтида содир қилинган жиноят натижасида етказилган бўлса, зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси талабларига мувофиқ умумий тартибларда амалга оширилади.

Озиқ-овқат, маҳкумларнинг кийим, ич кийим ва оёқ кийими харажатлари баҳоси маҳкумлар иш ҳақидан чегириб қолинмайди.

Манзил колонияларида жазони ўтаётган маҳкумларга озиқ-овқат, буюмлар, тураржой-коммунал ва маданий-маиший хизматлар ҳақ эвазига, умумий тартибларда тақдим қилинади.

Касаллик бўйича ишламайдиган, шунингдек, ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра иш ҳақига эга бўлмаган маҳкумларни маъминлашнинг кўрсатилган турлари манзил колониялари сметаси ҳисобидан маҳкумларни сақлашнинг белгиланган нормалари бўйича амалга оширилади.

95-модда. Маҳкумларнинг моддий жавобгарлиги

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар:

меҳнат вазифаларини адо этиш чоғида етказилган зарар учун - меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда;

бошқа хатти-ҳаракатлар оқибатида етказилган зарар учун – фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда моддий жавобгар бўладилар.

Нотўғри чегирилган сумма маҳкумга қайтарилиб, унинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади.

1. Моддий зарар бу бевосита ҳақиқатда зиённи етказган озодликдан маҳрум этилганларнинг белгиланган тартиб қоидаларига риоя этмасдан тегишли тартибда моддий жавобгар бўлишларини тушуниш лозим.

Моддий жавобгарлик – бу маҳкумнинг айби билан етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятидир. У мустақил ёки жавобгарлининг бошқа турлари (интизомий ва жиноий) билан биргаликда қўлланилиши мумкин.

Маҳкумни жиноий жавобгарликка тортиш билан бир қаторда интизомий жазоси қўлланилганда унинг жазони ўташ даврида моддий зарар етказганлиги уни моддий жавобгарликдан озод қилмайди.

Моддий зарар (бевосита ҳақиқий зиён) деганда мавжуд бўлган мулкни (шу жумладан, учинчи шахслардан ижарага олинган) ҳақиқий камайтириш ёки ҳолатини ёмонлаштириш ҳамда мулк эгаси учун тўловни ўзгартиришни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқарувчи зарар тушунилади.

2. Мазкур модда маҳкумларни жазони ўташ даврида давлатга етказилган зиёни учунгина моддий жавобгарликка тортилишини кўр-

сатади. Маҳкумларнинг давлатга етказган зарари учун моддий жавобгарлигининг ҳажми Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинади. Агарда маҳкумлар зарарни меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида етказсалар, улар меҳнат қонунчилигида ўрнатилган ҳажмда моддий жавобгарликка тортиладилар. Агар зарар жиноят аломатлари бўлмаган бошқа хатти-ҳаракатлар орқали етказилса, маҳкумларнинг жинойи жавобгарлиги фуқаровий қонунчилигида назарда тутилган ҳажмларда белгиланади. Жазони ўташ даврида содир этилган янги жиноят туфайли етказилган зарар учун моддий жавобгарлик умумий асосларда белгиланади. Меҳнат мажбуриятларини бажаришда етказилган зарар учун жарималарнинг ҳажми Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 201-203-моддаларида белгиланган.

Мазкур кодекснинг 201-моддасига мувофиқ корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар учун ишчи ўзи бир ойлик маоши ҳажмида жавобгарликка тортилади.

Меҳнат кодексининг 202-моддасида ишчига тўлиқ модий жавобгарликни белгилаган ҳолатларни аниқлаб беради. Бу моддий жавобгарлик унга қуйидагилар юклатилади:

- тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги махсус ёзма битим асосида ишчига ишонилган қимматбаҳо буюмларни сақлаш таъминланмаганлигида;
- бир маротабалик ҳужжат бўйича олинган қимматбаҳо буюмларни сақлаш таъминланмаганлигида;
- қасддан зиён етказилганида;
- алкоголь, гиёҳванд ёки токсик моддалар таъсирида зиён етказилганида;
- суд ҳукмида ўрнатилган жинойи ҳаракатлар натижасида зиён етказилганида;
- тижорат сирни ошкор қилганда;
- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарор ва қонунларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

Балоғатга етмаган судланганлар қасддан зиён етказганлиги, алкоголь, гиёҳванд ёки токсик моддалар таъсирида, шунингдек, жиноят содир этиш натижасида етказган зиён учун тўлиқ моддий жавобгарликка тортиладилар.

Меҳнат кодексининг 203-моддасида пул ёки маҳсулотга бевосита хизмат кўрсатувчи ишчининг жавобгарлиги белгиланган, бунда у махсус ёзма битим асосида унга ишонилган қимматбаҳо буюмларни

сакланишини таъминламаганлиги учун тўлиқ моддий жавобгарликка тортилади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги битимлар имзоланадиган ишчиларнинг тоифа рўйхати жазони ижро этувчи муассаса маъмурияси томонидан белгиланади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги битим фақатгина судланганнинг розилиги билан тузилади ва унга қўшимча ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарликни белгилайди. Тўлиқ индивидуал моддий жавобгарликдан озод бўлиш учун битим тузилган судланувчи ўзининг мутлақо айбсиз эканлигини исботлаши лозим.

Маҳкум билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма битим имзоланмаганда ҳамда товарга хизмат кўрсатиш вазифалар доирасига кирмайдиган маҳкум ёки балоғатга етмаган маҳкум билан ёхуд тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги битимлар имзоланиши мумкин бўлган ишчилар тоифаси рўйхатида бўлмаган шахслар билан битим имзоланса ва бу ҳолатларда зиён етказилса, судланган чекланган моддий жавобгарликка тортилади. Бундай ҳолатларда тўлиқ моддий жавобгарлик судланганга фақатгина тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақидаги битимни имзоланиши билан боғлиқ бўлмаган асослар мавжудлигида юклатилиши мумкин.

Судланганлар меҳнати жазони ижро этиш бўйича муассасалар билан махсус битимлар асосида ишлатиладиган бошқа корхоналарга моддий зиён етказсалар контрагент корхона олдида жазони ижро этиш бўйича муассаса моддий жавобгарликка тортилади.

Бу ҳолат озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар ичидан ишчи кучини тақдим этиш ҳақидаги битимда кўрсатилган. Шунинг учун жазони ижро этиш муассасасига маҳкумлар бажарган иш учун тўланадиган маблағлардан унинг ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш учун маълум пул маблағи ушлаб қолинади. Мазкур ҳолатда жазони ижро этиш муассасаси моддий зарар кўради. Буни ҳисобга олган ҳолда моддий зиён етказишда айбдор бўлган маҳкумлар меҳнат қонунчилигида назарда тутилган ҳажмларда жазони ижро этиш муассасаси олдида жавобгарликка тортиладилар.

4. Маҳкумлар давлатга жазони ўташ даврида меҳнат мажбуриятларини ижро этиш жараёнида эмас, балки жиноят белгисига эга бўлмаган бошқа ҳаракатлар натижасида етказилган моддий зиён фуқаровий қонунчилигига мувофиқ тўлиқ ҳажмда қопланади.

Агарда моддий зиён озодликдан маҳрум этилган шахс томонидан жазо ўташга киришгунга қадар ёхуд фуқаро ҳамда нодавлат кор-

хона ва бошқа ижтимоий ташкилотлар мулкига жазони ўташ мобайнида жиноят белгиларига эга бўлмаган ҳаракатлар билан етказилса, зиёни қоплаш фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан умумий асосларда кўриб чиқилади.

5. Жазони ўташ даврида содир этилган янги жиноят натижасида етказилган зиёни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Жиноий-процессуал кодексида белгиланган тартибда умумий асосларда амалга оширилади.

6. 18 ёшга етмаган маҳкумларга фуқаровий қонунчилиги меъёрлари қўлланилади. Бу меъёрлар балоғатга етмаганлар қонунчиликда назарда тутилган ҳажмда зиён учун моддий жавобгар бўлган ҳолатларида зиён учун жавобгарликнинг махсус қоидаларини белгилаб беради.

7. Меҳнат қонунчилиги меъёрларига мувофиқ, агарда зиён енгиб бўлмайдиган куч, меъёрий хўжалик таваккалчилиги, охириги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида содир этилса, маҳкумнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади. Зиён етказилган муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда муассаса маъмурияти айбдор маҳкумдан етказилган зарарни тўлиқ қопламасликни ёки уни қисман рад этиш ҳуқуқига эга. Бу ҳолатда зиёни қоплаш корхона даромади ҳисобидан амалга оширилади.

8. Етказилган зиёнинг ҳажмини аниқлаш ва унинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш учун муассаса маъмурияти текширув ўтказиши лозим. Бундай текширувни ўтказиш учун тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус комиссия ташкил этилади. Маҳкумдан зиёни вужудга келиш сабабларини аниқлаш учун ёзма тушунтириш хати олинади. Судланганни тушунтириш беришдан бош тортиши етказилган зиён учун уни моддий жавобгарликка тортиш ёки тормаслик учун тўсик бўла олмайди.

Етказилган зиёнинг ҳажми бухгалтерлик ҳисоб асосида ҳақиқий йўқотишлар бўйича белгиланади.

Асосий фонд (восита)га мансуб бўлган мулкка етказилган зарарнинг ҳажми моддий қимматбаҳо буюмларни баланс нархидан келиб чиққан ҳолда белгиланган меъёрлар бўйича ҳисобланади.

Асосий воситаларга мансуб бўлган мулкни ўғирлаш, камомад чиқариш, қасддан йўқ қилиш ёки қасддан зиён етказиш, шунингдек бошқа ҳолатларда зиёнинг ҳажми мазкур жойда иш кўрилаётган кундаги амалда бўлган бозор нарҳлари ўйича ҳисоб-китоб қилинади. Зиёнинг ҳақиқий ҳажми унинг номинал ҳажмидан каттароқ бўлган

ҳолатларда қонунчилик томонидан зиёни ҳажмини белгилашнинг алоҳида тартиби ўрнатилади.

9. Зиён етказишда айбдор бўлган маҳкум уни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ қоплаши мумкин, шу жумладан ўзининг шахсий ҳисобидаги маблағлари билан ҳам қоплаши мумкин.

Бир ойлик иш ҳақидан кўп бўлмаган етказилган зиёни қоплаш учун айбдор маҳкумдан олинadиган маблағ жазони ижро этувчи муассаса бошлиғи қарори асосида амалга оширилади. Зиёни қоплаш ҳақидаги қарор етказилган зиёни аниқланган кундан бошлаб икки ҳафта ўтмасдан эълон қилинади. Агар қопланиши зарур бўлган етказилган зиёнинг йиғиндиси судланганнинг ўртача ойлик иш ҳақидан каттарoқ бўлса, у суд тартибида амалга оширилади.

10. Муассаса бошлиғини давлат мулкига маҳкум томонидан жазо ўташ даврида етказилган моддий зиёни қоплаш ҳақидаги қарори устидан юқоридаги мансабдор шахсга арз қилиниши ҳамда қонунда ўрнатилган тартибда судга арз қилиниши мумкин.

Ортиқча ушлаб қолинган пул маблағлари маҳкумга қайтариб берилиб, унинг шахсий ҳисоб варағига кўчирилади. Маҳкум давлатга дастлабки қамoққа олиш жойларида бўлганлиги даврида етказган моддий зиёни, агарда у жазони ижро этиш муассасасига маҳкумнинг келгунига қадар тўлиқ қопланмаган бўлса, жазони ижро этувчи колониянинг маъмурияти томонидан дастлабки қамoққа олиш жойининг бошлиғи қарори асосида олинади.

Жазони ўташ пайтида маҳкум қопламаган моддий зиён суд қарорига кўра, уни жазодан озод бўлганидан сўнг ҳам олиниши мумкин. Бундай ҳолатда жазони ижро этиш бўйича муаъсасанинг маъмурияти озод этилганга фуқаровий ишлар бўйича суд тартибида даъво қўзғатиши мумкин. Даъво аризаси озод этилганнинг яшаш жойи бўйича судга берилади.

96-модда. Маҳкумлар ижтимоий суғуртаси ва пенсия таъминоти

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг иш ҳақидан давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ажратилмайди.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод бўлганларидан сўнг қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлади.

Озодликдан маҳрум этилганларни ойлик маошидан давлат ижтимоий суғурталашга маблағлар ажратилмайди.

Озодликдан маҳрум этилганлар жазодан озод бўлганидан сўнг қонунчиликка мувофиқ давлат томонидан нафақа таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

1. Маҳкумларни ойлик маошидан давлат суғурталашга маблағлар ажратилмайди. Озодликдан маҳрум этилганларга Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексига назарда тутилган Давлат ижтимоий суғурталаш маблағлари ҳисобига давлат ижтимоий суғурталаш ва таъминот турлари бўйича нафақалар қўлланилмайди.

2. Нафақахўрни озодликдан маҳрум этиш ҳолатида унга белгиланган нафақанинг тўлови тўхтатилади. Нафақахўр озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлиб чиққанидан сўнг, унга белгиланган нафақа берилиши у мурожаат қилган кундан бошлаб тикланади. Озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони ўташ даврида судланганлар зиёни қоплаш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.

Жазони ўташ мобайнида меҳнатга лаёқатлилигини йўқотиб, ўрнатилган тартибда ногирон деб тан олинган шахслар нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ногиронлик бўйича нафақа тайинлашда меҳнатга лаёқатлилиқ йўқотилган ҳолатлари ҳам аҳамиятга эга. Жазони ўташ даврида судланганлар меҳнатга лаёқатлилигини йўқотганлиги “умумий касалланиш” натижасида меҳнатга лаёқатлилиқни йўқотиш, деб ҳисобланади. Нафақа миқдорини белгилашда шахснинг меҳнат стажи ҳам инobatга олинади. Жазони ўташ даври меҳнат стажига киритилмаслигини туфайли маҳкум жазодан озод этилгач, ёки уни ўтаб бўлгач, нафақага чиқишида унинг озодликдан маҳрум этилгунга қадар бўлган меҳнат стажи эътиборга олинади. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан судланган озод бўлганидан сўнг нафақани тайинлаш ҳақидаги масала ижтимоий таъминот органлари томонидан ҳал этилади.

3. Давлат нафақалари, уларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланади.

14-БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАҲСЛАРГА ТАРБИЯВИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИШ

97-модда. Маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб бориш

Тарбиявий иш озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни ахлоқан тузатишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, маҳкумларда қонун талабларига ва жамиятда қабул қилинган ҳуққ-атвор қоидаларига риоя этишга, шунингдек билим ва маданий савиясини оширишга интилишни шакллантиришга қаратилган.

Жазони ижро этиш муассасаларида маънавий, ҳуқуқий, жисмоний ва бошқа тарбия олиб борилади.

Тарбиявий иш якка тартибда, гуруҳ билан ва оммавий шаклда олиб борилади.

Тарбиявий иш дифференциация асосида, муассаса турини, жазо муддатини ва сақлаш шароитини, шунингдек маҳкум шахсининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Маҳкумлар билан тарбиявий иш олиб боришда матбуот, радио, телевидение, кинофильмлардан, кутубхона ва бошқа воситалардан фойдаланилади.

1. Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадида уларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари қўлланилади. Маҳкумларга нисбатан қўлланадиган тарбиявий таъсир чораларининг асосий вазифаси, йўналиши ва шакли ушбу Кодекснинг 97-моддасида белгилаб берилган. Маҳкумларни ахлоқан тарбиялашнинг асосий вазифаси уларни жамият ва ахлоқ-одоб талабларига риоя этиш руҳида қайта тарбиялаш, маҳкумларнинг билим ва маданий савиясини янада оширишга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, тарбиявий таъсир чоралари маҳкумларнинг жамиятга ва меҳнатга ҳалол муносабатини шакллантириш ҳамда улар руҳий дунёсини ижобий жиҳатдан бойитишга қаратилади. Маҳкумларга қўлланиладиган тарбиявий таъсир чораларини қўллаш колониянинг ички кун тартибига ва маҳкумларнинг иш вақтларига таъсир кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади.

2. Маҳкумларнинг маънавий тарбиясини диний билимларни тарғиб қилиш ёки ўргатиш руҳида ташкил этишга йўл қўйилмайди, ле-

кин унинг диний дунёқарашининг ихтиёрий шаклланишига ҳам тўсқинлик қилинмайди. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг диний урф-одатларини амалга оширишларига ҳам ички кун тартиби қоидаларига зарар етказмаган ҳолда йўл қўйилади.

3. Маҳкумларни ҳуқуқий тарбиялаш уларнинг ҳуқуқий билимларини бойитишга йўналтирилади. Ҳуқуқий билимларни ошириш бу давлатнинг қонун нормаларини тушунтириш ва шарҳлаш, жиноят қонун нормаларини ҳурмат қилиш ва маҳкумларнинг ҳуқуқий маданиятни оширишга қаратилади. Маҳкумларнинг ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил қилиш турли усулларда амалга оширилиши мумкин. Жумладан, маҳкумларнинг ҳуқуқий тарбия ишлари ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар уюштириш, махсус учрашувлар ўтказиш, савол-жавоб кечалари уюштириш, деворий ёки кўргазмали тарғиботларни ташкил қилиш, қонунчиликдаги ўзгаришлар билан таништирилиб бориш каби шаклларда ташкил этилиши мумкин. Маҳкумларнинг ҳуқуқий тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ва Жазони ижро этиш Бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида, жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи томонидан тасдиқланган режа бўйича шаклига қараб яқка, гуруҳий ва оммавий тартибда ташкил этилади.

4. Ижтимоий қонунчиликни тарғиб қилиш ва таништириб бориш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, мутахассислар ёки олимлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйишда маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганини муддатидан илгари жазодан озод қилиш ёки манзил колонияларига ўтказишни кўриб чиқиш бўйича шу жойларда ишларни кўриб чиқишлари муҳим аҳамият касб этади.

5. Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг жисмоний тарбиясига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Жумладан, ҳар бир муассасада (махсус тартибли колония ва турмадан ташқари) спорт мусобақалари ҳамда маҳкумларнинг жисмоний тарбияси учун махсус жойлар ташкил этилади. Маҳкумларнинг жисмоний тарбиясига қаратилган чоралар маҳкумлар ўртасида спорт мусобақалари уюштириш, уларни кундалик кун тартибида жисмоний тарбия учун вақтларнинг ажратилганлиги каби ҳолатлар билан амалга оширилади.

6. Маҳкумларга қўлланадиган тарбиявий таъсир чоралари яқка тартибда, гуруҳ ёки оммавий кўринишларда ташкил этилиши мумкин.

Якка тартибдаги тарбиявий таъсир чоралари ҳар бир маҳкумнинг ҳукукий, ахлоқий ва жисмоний хусусиятларини тушунтириш шаклларида ташкил этилади. Шунингдек, маҳкумнинг содир этган жиноятига нисбатан суд ҳукми муддатларини таҳлил қилиш ва бу муддатларнинг қанча қисми ўталганидан кейин маҳкумларни жазодан озод қилиш ёки енгилроқ жазога ўтказиш мумкинлигини тушунтириш асосида олиб борилади. Гуруҳ шаклида тарбиявий таъсир чоралари асосан маҳкумларнинг гуруҳлари таркибида олиб бориладиган таъсир чораларини тушуниш мумкин. Гуруҳ таркибида тарбиявий таъсир чораларини амалга ошириш маҳкумларнинг меҳнат интизомига риоя қилиш, меҳнат режаларини бажариш, гуруҳ аъзоларини рағбатлантириш ёки жазолаш кўринишларида ташкил этилади. Муассасанинг кун тартибида белгиланган тарбиявий соатлари асосан гуруҳ шаклида йиғимлар ўтказишга қаратилади.

7. Оммавий шаклдаги тарбиявий ишлар гуруҳлар таркибида олиб бориладиган чораларни назарда тутати. Озодликдан маҳрум қилинганларнинг таълим тарбияси ва уларга қўлланиладиган мажбурият чораларини амалга оширида рағбатлантириш ва интизомий жазолашнинг аҳамияти улкан ҳисобланади. Маҳкумларни рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш чоралари ҳам қонун нормалари билан тартибга солинади. Бу масалаларнинг қонундан ташқари амалга оширилиши мумкин эмас, бинобарин бу маҳкумларнинг ахлоқан қайта тарбияланишига жиддий салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди. Амалдаги ЖИҚда Собиқ иттифоқ давридаги ижроия қонунчилигидан фарқли равишда мазкур масалада жуда кўплаб демократик ўзгаришлар киритилган.

9. Маҳкумлар билан тарбия ишларини олиб бориш уларнинг ахлоқан тузатилиши (хулқ-атвори) инсонга, жамиятга, унда қарор топган қонун-қоидаларга, меҳнатга ва анъаналарига ҳурмат билан қарашга, уларнинг (маҳкумларнинг) маълумотлари ва маданият даражаларини оширишга йўналтирилган.

10. Маҳкумлар билан тарбиявий ишлар олиб боришда уларнинг шахсий таъсир ва хусусиятлари, улар содир этган жиноятларининг ижтимоий ҳаффилиги инобатга олинади.

11. Маҳкумлар ётоқхоналари, турар-жойлар, кутубхоналари мавжуд клублар, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар таълими тизими ва касбга тайёгарлик муассасалари, умумий ва қаттиқ тартибли колониялардаги қарцерларнинг камералари мажсуе тартибли колониялар-

даги бир кишилик камералар, турмалардаги камералар, даволаш муассасаларидаги палаталар ридиолаштирилади.

12. Умумий тартибли ва қаттиқ тартибли жазони ижро этиш колонияларининг турар жойларида, махсус тартибли колонияларнинг оддий турар жойларида марказлашган тартибди ёқиб ўчириладиган телевизорлар ўрнатилиши мумкин.

Тергов ҳибсхоналари ва турмаларда телевизорлар хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун қолдирилган маҳкумлар учун ўрнатилади.

13. Телевизон кўрсатувларни кўриш вақти кун тартиби билан белгилаб қўйилади. Маҳкумларнинг телекўрсатувларни кўриш дастури ҳар ҳафта уч кун муассаса бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланади.

14. Радиоэшиттиришларни трансляция қилиш тармоқлари жазони ижро этиш муассасалари ҳудуди доирасидан ташқарида ёки маҳкумлар бориш тақиқланган биноларда жойлаштирилади.

15. Жазони ижро этувчи ҳар бир муассасада кутубхоналар ташкил этилади, уларда маҳкумлар ўқув, бадний ва бошқа хил ахборот материалларидан (адабиёт, газета ва журналлардан) фойдалана оладилар.

16. Кутубхоналарнинг китоб фонди ҳар бир маҳкумни камида бешта китоб билан таъминлашни мўлжаллаб ташкил этилади. Турмаларда, умумий ва қаттиқ тартибли колонияларнинг карцерларида, махсус тартибли колонияларнинг бир кишилик камераларида китоблар кечи билан 10 кунда бир март алмаштирилади.

17. Маҳкумлар ҳар бир гуруҳи камида биттадан гезета билан таъминланади. Турмаларнинг ва махсус тартибли колонияларнинг камераларида ҳар эллик маҳкумга битта газета берилади.

18. Кутубхона фондини ҳар йили янгилаб бориш тегишли нормалар доирасида амалга оширилади.

19. Маҳкумларнинг Ўзбекистон Республикасида нашр этиладиган даврий матбуотда яққа тартибда обуна бўлиши ихтиёрийлик асосида, чекланмаган миқдорда амалга оширилади ҳамда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан маҳаллий алоқа тармоғи ёрдамида ташкил этилади.

20. Маҳкум ўз ёнида кўпи билан ўн нусха китоб, рисола ва журнал сақлаши мумкин. Мазкур миқдордан ортиқча адабиёт маҳкумнинг розилиги билан сақлаш учун оморга ёхуд фойдаланиш учун

кутубхонага топширилади ёки унинг қариндошлари ва бошқа шахсларга жўнатилади, дарсликлар бундан мустасно.

21. Маҳкумларга уруш, миллий ва диний адоват, зўрлик ва шафқатсизликни тарғиб этувчи ҳамда диний-экстремистик йўналишдаги нашрларни шунингдек, беҳаё мазмунли нашрларни олиш, сотиб олиш, сақлаш ва тарқатиш тақиқланади.

22. Тарбиявий жараёнларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун қуйидаги асосий принципларни инобатга олиш зарур;

- тарбиявий жараёнининг ҳар бир кўринишида инсон қадрининг баландлиги, улуғлигига эътибор бериш, эсдан чиқармаслик;

- тарбия жараёнининг педагогикаси ва психологияси;

- талабчанлик билан бир қаторда озодликдан маҳрум этилганларга инсонпарварлик билан муносабатда бўлиш,

- ички ҳаётда ва гуруҳ ичида маҳкумларнинг ўз-ўзларини мустақил бошқаришга фаоллик билан ўтиш.

Бу ва шу типдаги бошқа назарий методологик принциплар ва уларнинг муайян билимлар ва замонавий амалиёт ҳамда тажриба асосида ташкил этилганлиги ва жиноий жавобгарликни ўташ тизимининг ривожланиши, маҳкумларнинг интизомга чақиришдаги асосий манба бўлишга имкон беради.

15. Маънавий тарбия тарбиявий ишларни негизи бўлиши билан бир қаторда икки омилга таянади:

Биринчиси: шахснинг иродаси, ҳис-туйғуларининг тузилиши, руҳий ривожланиши ва унинг кучлилиги ҳамда уларнинг йўналтирилганлиги;

Иккинчиси: бу ва бошқа турдаги тарбияларнинг таркибий қисми сифатида маънавий тарбиянинг кўзда тутилиши. Масалан, ҳуқуқий тарбия қонунларга итоаткорлик кўникмасини ҳосил қилиши билан муҳим аҳамиятга молик. Қонунда тарбиявий ишларни олиб боришнинг асосий йўналишларни белгилаб берилган холос, қолган барча йўналишлар судланганлар билан олиб бориладиган фаолиятда ва шу соҳадаги бошқа ишларда белгиланади. Энг аввало, улар эстетик тарбиялаш ҳисобланиб, янги турдаги иқтисодий тарбия турларини ҳам ўз ичига олади. Маҳкумни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш тизимида ҳозирги кунда диний тарбиялашнинг зарурати борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

98-модда. Маҳкумларнинг тарбия жараёнидаги иштироки

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг фойдали ташаббусини кучайтириш, уларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва бўш вақтини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, интизомни ва ички тартибни сақлаб туришда муассаса маъмуриятига кўмаклашиш мақсадида маҳкумларнинг турли ташкилотлари тузилиши мумкин.

Маҳкумлар ташкилотларни тузиш ва уларнинг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Маҳкумларнинг ижтимоий фойдали ташаббускорлигини кучайтириш, уларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва бўш вақтини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, интизомини ва ички тартибда сақлаб туришда муассаса маъмуриятига кўмаклашиш мақсадида маҳкумларнинг турли ташкилотлари тузилиши мумкин.

Бу ташкилотлар муассаса маъмуриятининг раҳбарлиги ва назорати остида ишлайдилар.

2. Маҳкумларнинг турли ташкилотлари таркибига кирувчи маҳкумлар ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмайдилар.

3. Колония ва турмаларда маҳкумлар жамоалари кенгашлари тузилади. Махсус тартибли колонияларда бундай кенгашлар, одатдагидек, оддий турар жойларга ўтказилган маҳкумлар ўртасида, тергов хибсхоналари ва турмаларда эса, хўжалик ишлари учун қолдирилган маҳкумлар ўртасида тузилади.

Маҳкумлар жамоалари кенгашлари ҳамда гуруҳлар жамоалар кенгашлари қошида турли секциялар, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ички тартиб, оммавий-ишлаб чиқариш, оммавий-маданий, умумий таълим ва ҳунар-техника таълими, жисмоний тарбия ва спорт ишлари, маиший-санитария савдо ва умумий овқатланиш секциялари фаолият кўрсатади.

Муассаса маъмурияти маҳкумлар орасидан колония фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам секциялар очиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин.

4. Мусасаларда Ўзбекистон Республикаси жиноий ва жиноят-ижроия кодексларига мувофиқ, озодликдан маҳрум этилган жойларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларда жамиятда ўрнатилган тартиб

қоидаларга ҳурмат ҳиссини ривожлантириш, уларнинг фойдали ташаббусларини тақдирлаш, шунингдек маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялашда жамоа таъсиридан тўлиқ фойдаланиш мақсадида ташаббускор ташкилотлар ташкил қилинади.

Бундай ташкилотлар маҳкумларнинг дамоа тузалиши бўлиб, у муассаса маъмурияти раҳбарлиги остида фаолиятини олиб боради. Уларнинг фаолият тартиби ушбу ташкилотлар тўғрисидаги Низомда белгиланид. Мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатда ўз аксини топади.

5. Маҳкумларнинг ташаббускор гуруҳлари қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради: маҳкумларга маънавий ёрдам кўрсатиш, уларнинг жисмоний тайёргарликни амалга ошириш, фойдали ташаббускорликни ташвиқот қилиш, тартибга чақирилувчиларга ижобий таъсир кўрсатиш, бўш вақтни мазмунли ўтказишга ёрдам кўрсатиш, яқин қариндошларм билан алоқаларини тиклашда ва мустаҳкамлашда кўмаклашишва бошқа ёрдамлар кўрсатиш.

6. Ташаббускор гуруҳ азолари қўшимча имтиёзлардан фойдаланишмайди. Маҳкумларнинг ташаббускор гуруҳлари ва уларнинг аззолари жойларда (жазони ижро этиш муассасаларида) бошқарув ваколатларини эгаллай олишмайди.

7. Ташаббускор гуруҳларнинг иштирокчилари муассаса жамоаси мажлиси томонидан, ўзини ижобий томондан кўрсата олган маҳкумларни тавсия қилиш орқали белгиланади.

8. Ички тартиб қоидаларини қамокда ва судланганлар ичида камерада сақланувчи маҳбуслар ташаббускор гуруҳларни ташкил қила олмайдилар.

9. Маҳкумларнинг эркин фикри, ихтиёрий ташаббуслари бундай гуруҳлардаги асосий муҳим омил ҳисобланади ҳамда шу билан бир қаторда мавжуд қонунчиликдаги, яъни ЎЗР ЖИКдаги мезонларга жавоб берувчи нормаларда такидлаб қуйилганидек, бу гуруҳларга фаол иштирок этиш иштиёқини уйғотади, уларни қай даражада тузаланликлари ҳақидаги тавсифнома ҳам маҳкумларнинг ушбу гуруҳлардаги фаолияти асосида аниқланиши мумкин.

10. Маҳкумларга ва уларнинг оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳам давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ушбу соҳада сарфланган харажатлар тегишли баённома ва жазони ижро этиш муассасининг бошлиғи томонидан тасдиқланган ҳолда ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимлари томонидан расмийлаштирилади ҳамда махсус фонд ҳисобидан қопланади.

11. Жазо муддатини ўташ даврида ўз-ўзини бошқаришдаги муҳим омил бевосита маҳкумларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳисобланиб, улар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаш билан бир қаторда қонун чиқарувчи орган ушбу масалага ойдинлик киритган ҳолда уларни айрим масалалардаги ваколатларини чеклайди, хусусан, бу гуруҳлар жазони ижро этиш муассасасида бошқарув ваколатига эга бўла олишмайди. Айнан шу йўл билан ташаббускор гуруҳлар назорат остида фаолият олиб бориб маълум бир масалаларни ҳал этади ва маҳкумларнинг манфаатларини муҳофаза қилишни ташкил этади.

12. Ҳар бир маҳкум ёзма ариза бериб, ушбу кўнгилли ташкилотга аъзо бўлиб кириши ва унинг фаолиятида иштирок этиши мумкин. Фақат бундай аъзолик ва гуруҳ фаолиятида иштирок этиш жазони ижро этувчи муассасанинг бошлиғи томонидан тасдиқланиши зарур бўлиб, кейинчалик ҳам маҳкумлар муассаса бошлиғига мунтазам ҳисобот бериб туришлари керак. Гуруҳ раҳбари тегишли тартибда ўтказилган сайловлар асосида тайинланади.

13. Ташаббускор гуруҳларнинг таркиби жазони ижро этувчи муассаса жамоасининг маслаҳатига биноан ташкиллаштирилади ва бу гуруҳларнинг мақсади маҳкумлар кундалик ҳаётига тааллуқли турлитуман муаммоларни ечишга қаратилган бўлади. Ушбу ташаббускор гуруҳларнинг фаолиятига гуруҳ раҳбарлари бошчилик қилади ва улар ҳам ўз навбатида тегишли тартибдаги маслаҳатчиларини тайинлашлари мумкин.

99-модда. Жамоатчилик ва фуқароларнинг маҳкумларни тарбиялашдаги иштироки

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни тарбиялашда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда иштирок этадилар.

1. Маҳкумлар ахлоқини тузатишда жазони ижро этувчи муассасанинг раҳбарияти қонунда кўрсатиб ўтилган тартибда корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмаларининг вакилларини жалб этиб ижобий таъсир ўтказишлари мумкин.

2. Маҳкумлар ахлоқини тузатишда анъана тусига кириб қолган қонунда белгиланган тартибда турли диний бирлашмаларнинг вакиллари, тижорат тизими ва бошқа кўплаб инсонпарварлик фондлари

ҳамда маданият-маориф соҳасининг вакиллари жалб этилиб, маҳкумларга нисбатан ижобий руҳдаги тарбиявий таъсир чораларини олиб борилиши мумкин.

3. Алоҳида ҳолларда маҳаллий ҳокимликлар ҳам маҳкумларнинг ахлоқан тузалишларида уларга меҳнат ва маиший ишларини бажаришга ёрдам кўрсатишлари мумкин.

4. Маҳкумларнинг ахлоқан тузатишда жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти томонидан алоҳида эътиборига лойиқ бўлган шахслар таклиф этилиши ҳам мумкин. Хусусан, вилоят ёки туманларнинг энг обрўли ва таниқли шахслари, адабиёт соҳасининг етук намояндалари, спортда улкан марраларни забт этган таниқли спортчилар ва улуғ ватан уруши қатнашчилари билан учрашувлар ўтказиш уларга тарбиявий жиҳатдан, албатта, ижобий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

**15-БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА
ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР
ТАЪЛИМИ ВА КАСБ ТАЙЁРГАРЛИГИ**

100-модда. Маҳкумларнинг умумий ўрта таълими

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта таълими ташкил этилади. Муассаса маъмурияти маҳкумларга улар таълим олиши ва мустақил таълим олиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шароитлар яратади ҳамда зарур кўмак кўрсатади. (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳрирга қаранг)

Ёши ўттиздан ошган маҳкумлар, I ва II гуруҳ ногиронлари хоҳишларига кўра таълим олишга жалб этиладилар.

Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, манзил-колониялардаги маҳкумлар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртки бўлимларида таълим олишлари мумкин.

Ўқув юртларида таълим олаётган маҳкумлар имтиҳонларни топшириш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан озод қилинади.

Маҳкумларнинг умумий ўрта таълимини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

1. Жазон ижро этиш муассасаларидаги маҳкумларнинг умумий ўрта ва касб-хунар таълими ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги касб тайёргарлиги ташкил этилади. Ўқув жараёни ва касбга ўргатишни ташкил этиш таълими органларининг норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда ҳамда сақлаш режими, кун тартиби ва турли тоифадаги маҳкумларни батамом ажратиб қўйиш қондларига риоя этилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

2. Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, жазони манзил-колонияларида ўтаётган шахслар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртки бўлимларида таълим олишлари мумкин.

3. Муассасаларнинг маъмурияти мактаблар ҳамда касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув даргоҳлари ишига ҳар тарафлама ёрдам беради ҳамда ўқув жараёнини назорат қилиб боради.

4. Ўқув юртларида таълим олаётган маҳкумлар имтиҳонларни топшириш вақтида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари мажмуасида белгиланган тартибда ишдан озод этиладилар. Ана шу давр учун уларга иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мажмуасига мувофиқ ҳисолаб чиқарилади.

5. Маҳкумларнинг таянч маълумот олишлари ишдан бўш вақтларида ташкил этилади. Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишларига йўл қўйилмайди. Фақат манзил колонияларида сақланаётган маҳкумларга ўқув юртларининг сиртки бўлимларида таълим олишларига йўл қўйилиши мумкин. Маъмурият ўқув юртининг хусусиятларини инобатга олиб, нодавлат ўқув юртларида ўқишларига руҳсат бермаслиги мумкин. Маҳкумларнинг сиртдан ўқиш вақтларида уларнинг имтиҳонлари учун ажратилган вақтларида ишдан озод қилинадилар. Маҳкумларнинг сиртдан ўқишларига кетадиган харажатлар маҳкумларнинг ўз ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

6. Агар жазони ўтаётган маҳкумларнинг ёши 30 дан ошганлари, 1 ва 2-гурӯх ногиронлари бўлишсалар улар фақат ўзларининг розиликлари билангина ўрта таълимни олишга жалб қилинишлари мумкин. Уларни мажбуран ўрта таълим олишларига тўғридан-тўғри қонуннинг ўзида тақиқланмоқда.

101-модда. Маҳкумларнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими ва касб тайёргарлиги

Жазони ижро этиш муассасаларида ўрта махсус, касб-хунар таълими берилади ва (ёки) маҳкумлар ишлаб чиқаришда касбга ўргатилади. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Маҳкумларга ўрта махсус, касб-хунар таълими бериш ва уларни касбга ўргатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

1. Жазони ижро этиш муассасаларида озодликдан маҳрум этилиб жазони ўтаётган маҳкумлар учун ахлоқ тузатиш муассасасида ва ундан кейин ҳам ишлаш имконини берувчи мажбурий бошланғич касб-хунар таълими (маълум бир мутахассисликка эга бўлмаган ҳолда) ва касб-хунарга тайёрлаш ташкил қилинади.

2. 1-ва 2-гуруҳ ногирони бўлган маҳкумлар ва 60 ёшдан катта, 55 ёшдан катта бўлган аёллар (маҳкумалар) ўз хоҳишларига биноан ўзларига мос келувчи касб-хунар олишлари мумкин. Уларга нисбатан мажбурий тартибда ўрта касб-хунарга олишга йўл қўйилмайди.

3. Маҳкумларнинг касб-хунар таълими ва тайёргарлигини олишлари уларнинг ахлоқ тузатиш даражаларига оид (шунингдек ҳисобга олган ҳолда белгиланади) тарзда ташкил қилинади.

4. Маҳкумларнинг бошланғич касб-хунар таълими ва касб-хунар тайёрлови Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан келишилган тартибда белгиланади.

5. Озодликдан маҳрум қилинганларнинг касб-хунар таълимини олишлари ҳақида қонун нормалари аввалги амалда бўлган қонун нормаларидан фарқ қилмайдиган хусусиятга эгадир. Шунингдек, меҳнат-фаолиятига бўлган муносабатларини ҳам кўриб чиқади. Унда озодликдан маҳрум этилганлар ахлоқ тузатиш муассасаларида мажбурий бошланғич касб-хунар таълими (маълум бир мутахассисликка йўналтирилмаган умумий) олишлари қайд этилган ва бу тайёрлов уларга ахлоқ тузатиш муассасаларида ёки ундан кейин (озодликка чиққандан кейин) ҳам ишлаш имконини беради.

6. Бошланғич касб-хунар таълими амалдаги қонунларга мувофиқ ҳолда таълим программаларининг намуналари ишлаб чиқилган. Уни (таълим программаларини) судланганлар Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган махсус касб-хунар билим юртларида оладилар. Касб-хунар таълими умумий таълим стандартлари даражасида ва программалари асосида ташкил қилинади, фақатгина озодликдан маҳрум этилганларнинг шарт-шароитлари, тартиб қоида талаблари ва кун тартибига мос келадиган ҳолда ўқитишни ташкил қилишда баъзи мослаштиришлар (ўзгартириш) киритилиши мумкин. Ўқитиш вақти тугагач эса тегишли имтиҳонларни топширишиб, бир хил наъмунадаги (кўринишдаги) ва маълум бир касб ёки мутахассисликка тегишли бўлган ҳужжат берилади.

7. Бу ишчи кадрларни шу аснода тайёрлаш бирмунча самаралироқдир. Бу маҳкумларни озодликка чиққанларидан сўнг озодликнинг шарт-шароитларига ва бозор масалаларига тезроқ ва осонроқ мослашиш имконини беради.

8. Мутахассисликка асосланган (маълум бир касб эгаси, мутахассис бўлолмайдиган) бу ўқитиш (таълим олиш турлари) озодликдан

махрум этилганларнинг муайян бурчи ҳисобланиб, ундан бош тортиш ҳоллари кузатилса жазони ижро этиш муассасасининг ички тартиб қоидалари асосида маълум бир чора-тадбирлар кўрилади ва ҳатто кучайтирилган (қаттиқ) жазо турлари қўлланиши кўзда тутилади. Фақатгина бундай мажбуриятдан, 1-чи ва 2-чи гуруҳ ногиронлари, 55 ёшдан катта бўлган аёллар ва 60 ёшдан катта эркак маҳкумлар озод қилинади, улар маълум бир таълимни ўз хоҳишларига ва ўзларига мос келадиган шароитларга биноан олишлари мумкин. Тайёрлов формалари турли кўринишда, алоҳида (якка) ёки гуруҳ шаклида, турли хил курслар ва мактаб ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин. Судланганлар бу ерда маълум бир касб-хунарга йўналтирилган ҳолда ўз малакаларини оширишади. Бундай касб-хунар таълимининг устунлик тарафи, судланганлар ҳар кунги бажарадиган ишларида амалиёт ўтаб билимларни мустаҳкамлашади, ишлаб чиқариш унумини оширади. Кейинги йилларда амалиётни ўташ судланганларнинг хоҳишига биноан ўтказилиб, уларда у ёки бу мутахассислик ҳақида 10-15 та гувоҳномаларга эга бўлишарди, лекин касбий амалиёт ўташмас эди. Қолаверса, маҳкумларнинг тайёргарликларини (таълим олишлари) оширишга бўлган интилишлар доим яхши қабул қилинар эди. Шу боис изоҳланаётган моддада маҳкумларнинг бошланғич таълим ва касб-хунарга тайёрланишлари уларнинг интизомга чақирилиши даражалари мезони асосида йўлга қўйилган. У маҳкумларнинг хулқ-атвори ва жамиятда (озодликка чиқгач) муваффақият билан ўрнашиб кетишлари ҳам кўзда тутган.

16-БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ҲУКМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО ЧОРАЛАРИ

102-модда. Рағбатлантириш чоралари

Яхши хулқ-атвори, меҳнатга ва таълимга виждонан муносабати, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштироки учун озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

ташаккур эълон қилиш;

илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш;

ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш; қўшимча посылка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш;

қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи бериш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш;

енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш, манзил-колонияларда сақланаётган шахслар бундан мустасно.

Енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш тариқасидаги рағбатлантириш маҳкумларга ушбу Кодекс 75-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ қўшимча пул сарфлаш ҳуқуқини, шунингдек:

умумий, қаттиқ тартибли колонияларда ва тарбия колонияларида – йил мобайнида қўшимча равишда бир марта учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посылка ёки йўқлов олиш.

махсус тартибли колонияларда – камералардан умумий турар жойларга ўтказиш ҳамда йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта бандерол олиш;

турмаларда – йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, битта посылка ёки йўқлов олиш ҳуқуқини беради.

1. Рағбатлантириш чоралари жазони ижро этиш муассаса ва органлари раҳбариятининг маҳкумга жазони ижро этиш давомида ўз мажбуриятларини ва муассаса вакилининг қонуний талабларини бажарганлиги учун қонунга ҳамда бошқа номартив ҳужжатларга асосан амалга бериладиган баҳосидир. Берилган баҳо ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Бунга қараб маҳкум ё рағбатлантирилади, ё унга нисбатан талаб кучайтирилади. Маҳкумнинг жиноят-ижроия қонунига мувофиқ баҳоланиши лозим бўлган хулқи унинг меҳнатга ва ўқишга бўлган муносабати, муассаса ишларидаги ва тарбиявий ишлардаги ишгирикетига қараб белгиланади.

2. Маҳкумнинг ижобий, қонунга итоаткор хулқи деганда, у томонидан муассаса томонидан ўрнатилган мажбуриятларининг виждонан бажарилишини, иш вақтида ва дам олиш вақтида белгиланган тартибга риоя қилишини, кун тартибига риоя қилишини тушуниш лозим. Меҳнатга виждонан муносабатда бўлишда маҳкум муассаса раҳбарияти томонидан белгиланган жойда ва ишларда ўз хоҳиши билан ишлайди; техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларини бажаради; иш жойини озода сақлайди; ишлаб чиқариш топшириқларини бажаради; иш қуроли, ишчи кийимларни асраб-авайлайди; меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилади; ўз касбий маҳоратининг оширади ёки мутахассислик ўрганади, жамоат ишларини иш ҳақи тўланмаган ҳолда бажаради.

3. Маҳкумнинг шарҳланаётган модданинг 1-қисми билан рағбатлантириш учун муассаса раҳбариятининг унга берган ижобий баҳоси асос бўлади. Ўзининг маҳкумга нисбатан аҳамияти ва ҳуқуқий оқибатларига қараб рағбатлантириш чоралари 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ рағбатлантириш чораларига маҳкумнинг сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган рағбатлантиришлар киради. Ушбу рағбатлантиришларнинг ўзига хослиги шундаки, у бир муассаса доирасида қўлланади. Мазкур чораларни қўллаш учун муассаса раҳбарияти маҳкумнинг тузалиш йўлига қатъий ўтганлигига ишонч ҳосил қилган бўлиши лозим.

4. Рағбатлантириш чораларининг барчаси маҳкумнинг қонунга итоаткор руҳда бўлишини таъминлашга, жазони ижро этиш муассасасида тартибни ва хавфсизликни сақлаш мақсадларини кўзлайди. Маҳкумларни рағбатлантиришнинг асосий чораларига қуйидагилар киради:

- ташаккур эълон қилиш, муассаса раҳбариятининг маҳкумга ўзида кўшимча имтиёزلарни назарда тумайдиган маънавий қўллаб-қувватлашидир;

- илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш. Умумий қоидага кўра интизомий жазо муддати бир йилдан ортиқ бўлишими мумкин эмас. Бироқ маҳкум бу муддатдан олдин муассаса бошлиғининг ёки унинг ўрнини босувчи бошқа шахснинг асослантирилган қарорига асосан интизомий жазодан озод қилиниши мумкин.

- ёрлик, қимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш (масалан, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлиги, намунали хулқи учун). Маҳкумнинг моддий рағбатлантириш асосан муассасанинг хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромадлари ҳисобига амалга оширилади.

- қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат этиш. Мазкур рағбатлантириш чораси муассаса бошлиғияти томонидан рағбатлантирилувчининг шахсини тарбиявий жараёндаги хулқини ҳисобга олиб жазони ижро этиш муассасаси режими туридан олиб чиққан ҳолда қўлланилади.

- қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқи бериш. Рағбатлантиришнинг бу тури ҳам муассаса режимини ҳисобга олган ҳолда

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш. Муассаса бошлиғи маҳкумга рағбатлантириш тарзида маҳкумнинг ҳисоб рақамида мавжуд бўлган маблағлардан қўшимча тарзда фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

5. Маҳкумга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш чораларидан бири – уни енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилишидир. Енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш муассаса бошлиғининг қарори асосида амалга оширилади, унга қўшимча пул сарфлашга рухсат берилиши ҳам мумкин, шунингдек муассаса турига қараб, умумий, қаттиқ тартибли колонияларда ва тарбия колонияларида – йил мобайнида қўшимча равишда бир марта учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов олиш; махсус тартибли колонияларда – камералардан умумий турар жойларга ўтказиш ҳамда йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, битта бандерол олиш; турмаларда - йил мобайнида қўшимча равишда бир марта қисқа муддатли учрашув, битта посилка ёки йўқлов олиш ҳуқуқи ҳам берилади.

Булардан ташқари енгиллаштирувчи сақлаш шароитига ўтказилган маҳкумларга соқчисиз ва кузатувчисиз юриш ҳуқуқи ҳам берилади.

103-модда. Маҳкумларнинг сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби

Маҳкумга нисбатан ташаккур тариқасидаги рағбатлантириш оғзаки ёки ёзма, бошқа рағбатлантириш чоралари эса, ёзма равишда қўлланилади.

Рағбатлантириш чоралари ушбу Кодекс талабларига риоя этилган ҳолда қўлланилади.

Маҳкумга нисбатан қўлланилган рағбатлантириш чоралари ҳақида унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тегишли ёзув киритилади.

Маҳкумга рағбатлантириш тарзида йил мобайнида кўпи билан иккита посилка, йўқлов ёки бандерол олишга, икки марта учрашувга рухсат берилиши мумкин.

Рағбатлантириш тарзида маҳкумдан илгари қўлланилган битта интизомий жазо муддатидан олдин олиб ташланиши мумкин.

1. Жиноят-ижроия кодексида маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чораларининг белгиланиши жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида қонунийлик ва одиллик принципларини амалга оширилишини таъминлашга ёрдам беради. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига кўра ташаккур тариқасидаги рағбатлантириш чорасидан ташқари бошқа барча рағбатлантириш чоралари бунга ваколати бўлган мансабдор шахс томонидан фақат ёзма равишда қўлланилади. Ташаккур тарзидаги рағбатлантириш оғзаки қўлланганда, маҳкум билан яқка тартибда олиб бориладиган тарбиявий ишлар давтарида қайд этилади ҳамда маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш даражасини эътиборга олинади.

2. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ асослантирилган бўлиши, унда айнан қайси маҳкум рағбатлантирилаётганлиги аниқ кўрсатилиши лозим. Маҳкумлар индивидуал тарзда рағбатлантирилади. Лекин бир неча маҳкумга ягона буйруқ билан ҳам рағбатлантириш чораси қўлланиши мумкин. Маҳкумни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган рағбатлантириш чораси қўлланганда қоидага кўра қарор билан расмийлаштирилади. Буйруқ ёки қарордан кўчирма албатта маҳкумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Буйруқ билан муассаса раҳбарияти барчани таништириши

лозим. Рағбатлантириш чоралари амалиятда байрам кунларига бир неча маҳкумга нисбатан берилади. Бундай ҳолда қочган ҳолда, йил давомида тизимли тарзда рағбатлантириш чораларининг қўллаб борилишининг самарадорлиги бир мунча юқори бўлади. Бир марталик рағбатлантириш чораси маҳкумнинг жазони ўташ шароитини жиддий ўзгартирмайди, буйруқ ёки қарор имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради. Маҳкумга қўлланган барча рағбатлантириш чоралари унга тавсифнома ёзишда кўрсатиб ўтилади.

3. Шарҳланаётган моддага кўра муассаса маъмурияти маҳкумга рағбатлантириш тарзида йил мобайнида кўпи билан иккита посылка, йўқлов ёки бандерол олишга, икки марта учрашувга рухсат берилиши мумкин. Белгилаб қўйилган бу рағбатлантириш чоралари миқдори катъий бўлиб, белгиланганидан кўп қўллаш мумкин эмас.

4. Шунингдек шарҳланаётган модданинг 5-қисмида рағбатлантириш тарзида маҳкумдан илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташланиш тартиби ва шартлари белгиланган. Бу ўринда интизомий жазони тугаши ва олиб ташланиши фарқлашимиз зарур. Маҳкум агар интизомий жазо қўллангандан сўнг бир йил давомида бошқа бу каби чора қўлланмаса, маҳкумга интизомий чора қўлланмаган ҳисобланиб, у автоматик тарзда тугайди. Муддатидан олдин олиб ташлаш муддат тугамаган вақтда амалга оширилади. Интизомий жазони муддатидан илгари олиб ташлаш одатда, жазо қўлланилган кундан бошлаб 3 ой ўтгандан сўнг амалга оширилади. Рағбатлантириш тарзида маҳкумдан битта интизомий чора олиб ташланиши мумкин. Интизомий чорани муддатидан олдин олиб ташлаш, жазони ижро этиш муассасасининг буйруғи (қарори) билан амалга оширилади ҳамда буйруқ ёки қарордан кўчирма албатта маҳкумнинг шахсий хужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

104-модда. Маҳкумларнинг сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ рағбатлантириш чораларини қўллаш тартиби

Енгиллаштирилган сақлаш шароитларига интизомий жазони йўқ маҳкумлар:

қасддан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида олти ойини ўтаганидан кейин;

содир этилган оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида чорак қисмини ўтаганидан кейин;

содир этилган ўта оғир жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганидан кейин ўтказилади.

Маҳкумлар турмадан жазони ижро этиш колониясига ва махсус тартибли колониядан қаттиқ тартибли колонияга суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин, Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Маҳкумлар қаттиқ ва умумий тартибли колониядан манзил-колонияга ушбу Кодекс 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўтказилади.

1. Жазони ижро этишнинг муҳим принципларидан бири уни ўташ шароитларини ўзгартириш мумкинлиги, маҳкумнинг хулқи ва меҳнатга бўлган муносабатига қараб ҳуқуқий ҳолатини ўзгартиришидир. Рағбатлантирувчи ёки жазоловчи чоралар маҳкумга нисбатан битта муассаса доирасида муассаса раҳбари томонидан ёки бошқа муассасага рағбатлантирувчи ёки жазоловчи чора сифатида ўтказилиши мумкин. Шарҳланаётган модда ижобий тавсифга эга бўлган маҳкумларни шароитини ўзгартириш тартибини белгилайди. Маҳкумни сақлаш шароити яхшироқ бўлган жойга ўтказишда иккита мезонни ҳисобга олиш лозим: маҳкумнинг намунали хулқи ва жазони ижро этиш муассасаси турига қараб жазонинг маълум бир қисмини ўтаганлиги. Бу жазони ижро этишда жазони ижро этишнинг дифференциациялаш ва индивидуаллик принципларини таъминлайди.

2. Шарҳланаётган моддада белгиланишича, маҳкумларнинг муайян тоифаларига нисбатан улар бажараётган иш хусусиятидан келиб чиқиб уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш муассасаси чегарасидан ташқарида қўриқчиларсиз ҳаракатланиш (баъзан эса япаш) ҳуқуқи кўринишидаги рағбатлантириш чорасини қўллаш мумкин. Ушбу рағбатлантирувчи чорада маҳкумлар уларга бўлган юксак ишонч билдирилганлигини тушунишлари ҳамда унга лойиқ бўлиш учун ҳаракат қилишлари лозим. Маҳкумлар электр тармоғи, сув билан таъминлаш, иситиш тизими, чиқиндиларни қўй қилиш, қурилмаларни тузатиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос вазифаларни бажарадилар ҳамда шу орқали муассасанинг жазони ижро этиш вазифасининг амалга оширилишини таъминлашга кўмаклашадилар. Маҳкум-

ларнинг қўриқчисиз юриши рағбатлантирувчи чора бўлиб, ахлоқан тузалган, хулқи қонун доирасида бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

105-модда. Интизомий жазо чоралари

Жазони ўташ тартибини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тартиқсидаги жазони ўтаётган маҳкумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш;

ҳайфсан;

енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш;

интизомий бўлинмага киритиб қўйиш;

сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш;

сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониядан турмага қайтариш.

Маҳкумлар меҳнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу ишни рад этиш ёки ишдан бўйин товлашнинг оқибати бўлмаса, интизомий жавобгарликка тортилмайди.

1. Жазони ижро этиш муассасаларида тартибни сақлаш мақсадида маҳкумларга нисбатан салбий хулқли ҳуқуқбузарлар учун ва шу билан бирга бошқа маҳкумларнинг жазони ўташ тартибини бузишларини олдини олиш учун қатор чоралари қўлланади. Шарҳлаётган моддада келтирилган интизомий жазо чоралари кенгайтирилиши мумкин эмас, уларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин: аниқ ҳуқуқбузарлик ва шунингдек муассасада ўрнатилган тартибни мунтазам бузиш натижасида қўлланадиган чоралар, шунингдек маҳкумнинг хулқини баҳолаш натижасида қўлланадиган чоралар. Маҳкумни интизомий чорага тартишда муассаса раҳбарияти унинг шахсини, жазони ўташ давомидаги хулқини, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини ҳисобга олиши лозим. Ўрнатилган режимни бузиш ҳолатини баҳолашда маҳкумнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига сабаб бўлган ҳолатни аниқлаш лозим. Ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича муассаса томонидан қилмишнинг барча сабабларини, иштирокчиларни ва уларнинг айблилигини аниқлаш лозим.

2. Интизомий жазо чорасини қўллаш содир этилган қилмишнинг хусусиятига қараб мансабдор шахс томонидан якка тартибда ёки ўзини ўзи бошқариш органи вакили иштирокидаги комиссия томонидан ёхуд суд қарорига асосан амалга оширилади. Огоҳлантириш ва ҳайфсан (оғзаки ёки ёзма тартибда) кўринишидаги чоралар қўпол бўлмаган, кам аҳамиятли қоидабузарликларга ёки биринчи марта содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан қўлланилади. Мазкур икки чора маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартирмасда, бироқ такроран ҳуқуқбузарлик содир этганда ҳисобга олинади. Шарҳланаётган моддада кўрсатилган барча маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилган жазо чоралари ўз ижросида узоқ муддатга чўзилади ва қўлланилаётган маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатининг ўзгаришига ҳам жиддий таъсир қилади. Маҳкумларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораси сифатида муассаса раҳбарининг қарори билан аниқ бир муассаса доирасида уни сақлаш шароитини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган чора қўлланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётганларга нисбатан интизомий чора, интизомий бўлинмага ўтказиш каби чоралар қўлланиши мумкин. Интизомий бўлинмаларга манзил-колониялар ва тарбия колонияларининг ҳибсхоналари; умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг ҳибсхоналари ва карцерлари; тергов ҳибсхоналарининг ва турмаларнинг карцерлари киради. Маҳкумлар карцер ва ҳибсхоналарга ўн беш суткагача киритиб қўйилса, тарбия коллониялари ҳибсхоналарида эса ўн суткагача киритилади.

Умумий, қаттиқ ва махсус тартибли коллонияларнинг карцерларига жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчилар олти ойгача, аёллар жазони ўтаётган муассасаларда уч ойгача киритилиши мумкин

Маҳкумни оғирроқ турдаги муассасага ўтаказиш билан боғлиқ интизомий жазолар жазони ижро этиш муассасаси комиссиясининг тақдимига мувофиқ суд томонидан амалга оширилади.

106-модда. Интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби

Интизомий жазо ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва хусусиятига мос бўлиши керак.

Бир вақтнинг ўзида содир этилган бир нечта ҳуқуқбузарлик учун битта интизомий жазо қўлланилади. Битта ҳуқуқбузарлик учун бир нечта интизомий жазо қўллаш таъқиқланади.

Интизомий жазо ёзма равишда, ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир ой ичида берилади.

Интизомий жазони қўллаш чоғида ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат, маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахсий ҳислатлари, олиб ташланмаган ва бекор бўлмаган интизомий жазолари бор-йўклиги инобатга олинади.

Интизомий жазо дарҳол ижро этилади. Агар интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир ой ичида ижро этилмаган бўлса, у ижрога қаратилмайди.

1. Шарҳланаётган модда маҳкумларга нисбатан интижомий жазонинг қўлланиш тартибини белгилаб беради. Моддада интизомий жазони қўллашнинг умумий тартибигина эмас, балки уни қўллаш муддатлари, расмийшлаштириш тартиби, уни қўллаш мумкин бўлган шахслар доираси, шунингдек ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатлар ҳам белгиланган. Интизомий жазо қўллаш ҳуқуқига жазони ижро этиш муассасаси раҳбари ёки унинг ўринбосари эгадир. Қўлланаётган интизомий жазо оғзаки ёки ёзма равишда эълон қилинади. Огоҳлантириш ва ҳайфсан унча оғир бўлмаган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланади, у оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Агар ҳайфсан муассаса раҳбари томонидан оғзаки эълон қилинган бўлса, бу ҳақда маҳкум билан индивидуал ишлаш дафтарига ёзув киритилади. Агар ёзма равишда қўлланса бу ҳақда маҳкум таништирилади ва маҳкумнинг шахсий йиҳма жилдига тиркаб қўйилади. Қолган барча чоралар фақат ёзма равишда қўлланилади. Енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш, интизомий бўлинмага киритиб қўйиш каби чоралар муассаса раҳбарининг ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг қарори билан қўлланилади. Маҳкум қарор билан таништирилади ва ижро этиш учун жазони ижро этиш муассасаси навбатчисига беради. Интизомий чоранинг тугаши билан маҳкумнинг шахсий йиҳма жилдига тикиб қўйилади.

2. Маҳкумни колониянинг карцерларига ўтказиш бошқа чораларни қўллаш самарсиз ҳисобланганда, шунингдек режим кўпол тарзда бузилганда амалга оширилади. Маҳкумларнинг жазони ўташни жиддий ўзгартирувчи ЖИКнинг 109-моддаси 3, 5 қисмларига кўра карцерга ўтказиш муассаса комиссиясининг ҳулосасига кўра амалга оширилади. Бу ҳулосага асосан карцерда сақлаш муддатини кўрсатга ҳолда муассаса раҳбарининг қарори чиқарилади.

Сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказиш, сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қат-

тиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан махсус тартибли колонияга, колониядан турмага қайтариш маҳкумнинг аҳволини узоқ вақт ёмонлаштиради. Маҳкумни турмага ўтказиш тарзидаги интизомий чора бир йил давомида маҳкумга нисбатан бир неча интизомий жазо қўлланганда, карцерга ўтказилган ҳолда қўлланилади. БУ маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтмаганлиги ва унга нисбатан қўлланган тарлиивий чораларнинг натижа бермаганлигидан далолат беради. Интизомий чора зудлик билан қўлланилади. Агар ҳуқуқбузарлик содир этилгандан сўнг бир ой давомида қўлланмаган бўлса, ҳар қандай вазият ва сабаблардан қатъи назар қўлланмайди. Интизомий жазонинг тўғри қўлланиши жазони ижро этиш муассасасида қонунийликни таъминлашда ва тартибни сақлашда катта аҳамиятга эгадир.

107-модда. Интизомий жазо устидан шикоят бериш

Маҳкум ўзига нисбатан қўлланилган интизомий жазо устидан хоҳишига кўра юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга шикоят қилишга ҳақли. Шикоят берилиши интизомий жазо ижросини тўхтатиб қўймайди. Юқори мансабдор шахс, прокурор ёки суд интизомий жазони юмшатиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

1. Маҳкумларнинг шикоятлари қондага кўра, ёзма шаклда тақдим этилади. Маҳкумнинг юқори турувчи мансабдор шахс, прокурор ёки судга йўллаган шикояти жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти орқали юборилади. Бундай шикоятларга маъмурият одатда аризага оид қисқача маълумотлар, шунингдек, шикоятда кўрсатилган муаммо қачон ва қай тартибда ҳал этилганлиги тўғрисидаги ахборотни илова қиладилар.

2. Маҳкумнинг ўзига нисбатан интизомий жазо, масалан, интизомий бўлинмага жойлаштириш кўринишидаги жазо чораси қўлланилганлиги устидан юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга шикоят қилиши интизомий жазонинг ижросини тўхтатиб қўймайди.

3. Интизомий жазо устидан шикоят қилиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади. Бунда шикоят йўлланган ваколатли давлат органи ёки мансабдор шахс интизомий жазо чорасини ўзгартириши, енгиллаштириши ёки ўз кучида қолдириши мумкин.

**108-модда. Интизомий
жазонинг амал қилиш муддати**

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.

Агар интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил мобайнида маҳкум янги интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

1. Шарҳланаётган моддада жазони ижро этиш тартибини бузган маҳкумга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чорасини тутатиш институти кўзда тутилган бўлиб, унда белгиланишича, маҳкум интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги интизомий жазога тортилмаса, унга нисбатан мазкур кодекснинг 105-моддасида санаб ўтилган интизомий жазо чоралари қўлланилмаган, деб ҳисобланади ҳамда унинг ҳуқуқий оқибатлари ўз-ўзидан баргараф бўлади.

2. Мазкур модданинг 2-қисмига мувофиқ, маҳкум интизомий жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги интизомий ёки шунга ўхшаш жазо чорасига тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

**109-модда. Маҳкумларни интизомий бўлинмага
киритиб қўйиш тариқасидаги жазони қўллаш хусусиятлари**

Жазони ижро этиш муассасаларининг интизомий бўлинмаларига қўйидагилар кирази:

манзил-колониялар ва тарбия колонияларининг ҳибсхоналари;

умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг ҳибсхоналари ва карцерлари;

тергов ҳибсхоналарининг ва турмаларнинг карцерлари.

Маҳкумлар ҳибсхоналар ва карцерларга ўн беш суткагача, тарбия колонияларининг ҳибсхоналарига эса, ўн суткагача бўлган муддатга киритиб қўйилади.

Жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларига олти ойгача, аёллар сақланадиган колонияларда эса - уч ойгача бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

Ҳибсхоналарга киритиб қўйилган маҳкумларга учрашув, телефон орқали сўзлашув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш ҳамда жўнатиш, хатлар ва бошқа жўнатмалар юбориш тақиқланади. Уларга чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Маҳкумлар ҳар куни муддати бир ярим соатлик сайрдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

Карцерларда маҳкумларга учрашув, телефон орқали сўзлашув, посилка, йўқлов ва бандероллар олиш ҳамда жўнатиш, столда ўйналадиган ўйинлардан фойдаланиш тақиқланади.

Умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг карцерларига ўтказилган маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача пул сарфлаш;

ҳар куни муддати икки соатлик сайрдан фойдаланиш. (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

Махсус тартибли колонияларнинг, тергов ҳибсхоналари ва турмаларнинг карцерларида маҳкумларни яқка сақлаш белгиланади. Маҳкумларни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш ва ўтказиш муассаса бошлиғининг жазо муддати кўрсатилган қарори асосида ҳамда тиббий рухсатнома бўлган тақдирда амалга оширилади.

Маҳкумлар интизомий бўлинмалардан даволаш-профилактика муассасаларига ўтказилган тақдирда улар даволаш-профилактика муассасаларида бўлган вақт жазони ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Интизомий бўлинмаларга: I гуруҳ ногиронлари; ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган, шувингдек, ёнида эмизикли боласи бор аёллар киритилмайди. Интизомий бўлинмаларда сақланаётган маҳкумлар меҳнатга жалб этилмайди.

1. Шарҳланаётган мода Жиноят-ижроия кодексида янги бўлиб, унда карцер ва интизомий бўлинмалардаги маҳбусларнинг ҳуқуқлари атрофлича тартибга солинган. Кодексда белгиланган қондаларга мувофиқ, ушбу маҳкумларнинг озиқ-овқати белгиланган меъёрдан камроқ қилиб белгиланади.

2. Жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумларни интизомий бўлилма ва карцерлардан муддатдан илгари озод қилишга йўл қўйилмайди. Прокурор ёки тиббий хулоса талаб этган ҳолатлар бундан мустасно (ЎЗР ЖИК 107-моддасига мувофиқ). Интизомий бўлилма ва карцерлар кундузги вақтда қулфланадиган йиғиладиган кроват, полга мустаҳкамланган стол ва табуретка билан жиҳозланади. Маҳкум интизомий бўлилмага қабул қилинаётганда тўлиқ тинтувдан ва санитария текширувидан ўтказилади. Сил касалига чалинган маҳкумлар алоҳида камераларда сақланадилар. Санитария текшируви умумий шароитларда бироқ бошқа маҳкумлардан ажратилган ҳолда амалга оширилади. Тиббий кўрик ва амбулатория даволаш интизомий бўлилманинг хизмат хоналаридан бирида ўтказилади. Карцерга ўтказилган маҳкумларга озиқ-овқат, сочиқ, совун, тиш пастаси ва чўткаси, тамаки маҳкумлотлари ва гугурт, шунингдек, дарслик, оддий қалам, ручка, дафтар, почта маркаси ва конверт олишга рухсат берилади. Улар кутубхонадан фойдаланишлари, китоб, журнал ва газеталардан кўчирмалар олишлари мумкин. Маҳкумларнинг карцердалиқ пайтларида турли ўқув машғулотларига қатнашишларига рухсат берилмайди. Уларга мустақил шуғулланиш имконияти яратиб берилади. Тўшак фақатгина уйку вақтида берилади. Умумий ва махсус колониялардан карцерга ўтказилган маҳкумлар кун тартибига ва белгиланган юриштириш қоидаларига риоя этишлари шарт. Уларга риоя этилмаган тақдирда ҳуқуқбузар маҳкумга нисбатан ЖИК 105-моддасида белгиланган интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Қонунийлик ва инсонпарварлик принципларига асосланган Ўзбекистон Республикаси Жинойат-ижроия қонунида интизомий бўлилмаларга I гуруҳ ногиронлари; ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган, шунингдек ёнида эмизикли боласи бор аёлларнинг киритилиши тақиқланган.

110-модда. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўлловчи мансабдор шахслар

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар эга.

1. Шарҳаланаётган моддада озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсларнинг аниқ

рўйхати келтириб ўтилган. Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи ушбу кодекснинг 102-, 105-моддаларида кўзда тутилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини тўла ҳажмда қўллашга ҳақли. Умумий қондага кўра, жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг ўрнини босувчи шахслар дейилганда, ўз вазифаси ва мақоми бўйича ушбу муассаса бошлиғининг ўринбосарлари бўлган ёки унга тенглаштирилган шахслар тушунилади. Бироқ улар маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини фақатгина қуйидаги ҳолатларда қўллашлари мумкин: муассаса бошлиғи бўлмаганда, унинг вазифасини бажариш ваколат доирасига кириши керак; ИИБ ёки тегишли ИИБнинг юқори турувчи раҳбарияти билан келишган ҳолда, муассаса раҳбарининг (касаллиги туфайли ёки таътилга чиқishi муносабати билан) ўз мажбуриятларини ўринбосарига топшириш тўғрисидаги ёзма хати бўлиши лозим.

2. Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг бўлмаган тақдирда уларнинг ўринбосарлари колония бошлиғи навбатчи ёрдамчиси вазифасини бажараётиб маҳкумларни вақтинчалик интизомий бўлинмага жойлаштиришга ҳақли. Ички тартиб қоидаларга мувофиқ, колония бошлиғи навбатчи ёрдамчиси маҳкумларни вақтинчалик интизомий бўлинмага жойлаштириш ҳуқуқидан қуйидаги ҳолатларда фойдаланишга ҳақли:

- фавқулотда вазиятларда, бошқача йўл билан жиноятнинг ёки муассаса тартибини қўпол тарзда бузишнинг олдини олишнинг иложи бўлмаса;

- маҳкум шахси хавфсизлигига жиддий ва реал таҳдид юзага келганда (Ушбу кодекснинг 11-моддасига мувофиқ). Ҳар иккала ҳолатда ҳам колония бошлиғи навбатчи ёрдамчиси маҳкумларни вақтинчалик интизомий бўлинмага жойлаштириш тўғрисида асослан-тирилган қарор чиқаради. Муассаса бошлиғи келгунга қадар маҳкумни вақтингча интизомий бўлинмада ушлаб туриш муддати 24 соатдан ошмаслиги лозим. Жазони ижро этиш муассасасининг бошқа барча мансабдор шахслари маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга эмаслар.

111-модда. Жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, шунингдек ички тартиб қоидала-

рида таққиланган буюмлар ва нарсаларни сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади.

Маҳқумнинг жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурий йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши ҳам манзил-колонияда жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади. (ЎЗР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

1. Шарҳланаётган моддада биринчи маротаба жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш тушунчасига қонун даражасида тушунтириб берилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахста, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддаси). Ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, баъшарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Одатда гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, майда безорилик, жазони ижро этиш муассаса вакиллари буйруғига буйсунмаслик, уларга таҳдид қилиш ёки ҳақорат қилиш, иш ташлаш ташкил этиш, оммавий буйсунмаслик ва уларда фаол қатнашиш каби ҳаракатлар жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш ҳисобланади.

Шунингдек, маҳқумнинг муқаддам жазони ўташ тартибини икки ёки ундан ортиқ маротаба қўпол тарзда бузганлиги ва уларнинг ҳар бири учун интизомий бўлинмага жойлаштирилганлиги ҳам жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш саналади.

Гиёҳвандлик ёки бошқа психотроп моддаларни истеъмол қилиш бошқа ҳолатлар каби тиббий ходим иштирокида тегишли ҳужжат тузиш йўли билан тасдиқланиши лозим. Гиёҳванд моддалар рўйхати (шу жумладан, табиий ва синтетик гиёҳванд моддалар ва гиёҳванд дорилар) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича комиссия томонидан белгиланади.

2. Майда безорилик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида, жамоат жойла-

рида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик сифатида ўз аксини топган.

3. Таҳдид деганда, маҳкум ёки бир гуруҳ маҳкумларнинг муассаса маъмуриятига ёки мулкига жисмоний зарар етказиш тўғрисидаги таҳдид тушунилади.

4. Маҳкумлар томонидан муассаса маъмурияти вакилининг бир неча маротаба такрорланган қонуний талабига бўйсунмаслиги, уларни қасддан, жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб тушунилади.

5. Маъмурият вакилини ҳақорат қилиш деганда, ушбу шахсларнинг мавқеини ерга урувчи, шаън ва қадр-қимматини таҳқирловчи ҳар қандай ҳаракатлар тушунилади.

112-модда. Сақлаш режимини ашаддий бузувчи

Жазони ўташ тартибини камида икки марта қўпол тарзда бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тартибидеги жазога тортилган маҳкум, агар ҳар бир интизомий жазо белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган бўлса, сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб ҳисобланади.

Жазони яхши этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси билан бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан йигирма тўрт соатдан кўпроқ муҳлат мобайнида ташлаб кетган маҳкум ҳам манзил-колонияда сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилади. (ЎзР 12.12.2003 й. 568-Н-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Режимни ашаддий бузувчи енгиллаштирилган сақлаш шароитига, манзил-колонияга ўтказилмайди, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳамда жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этилмайди.

Уларга соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи берилмайди.

1. Шарҳаланаётган моддада илк маротаба сақлаш режимини ашаддий бузувчи тушунчасига қонун нуқтаи назаридан таъриф берилган.

2. Агар маҳқум шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган ҳаракатларни бевосита содир этса, ёки уларни содир этишда фаол иштирок этса, ёхуд бир йил давомида камида икки мартаба интизомий бўлинмага жойлаштирилган бўлса, сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб ҳисобланади.

3. Агар шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида кўзда тутилган қўпол ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги туфайли маҳқумга нисбатан ЖИК 105-моддаси 4-қисмида кўрсатилган интизомий жазо чоралари қўлланилган бўлса, у жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг буйруғи билан сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилиши мумкин.

Қонунийлик ва инсонпарварлик принципларига асосланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида жазони ижро этиш муассасаларида режимга риоя этилишини таъминлаш мақсадида режимни ашаддий бузувчи маҳқумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига ёки манзил-колонияга ўтказишга йўл қўйилмаслиги белгиланган, шунингдек, улар жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳамда жазони енгилроғи билан алмаштиришга ҳам тақдим этилмайди.

П-кичик бўлим
КОЛОНИЯ ВА ТУРМАЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

17-БОБ. МАНЗИЛ – КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

113-модда. Манзил – колонияларда жазони ўташ тартиби

Манзил – колонияларда мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган, шунингдек, умумий, қаттиқ тартибли ҳамда тарбия колонияларидан суднинг ажрими асосида ўтказилган вояга етган маҳкумлар жазо ўтайдилар.

Манзил – колонияларга ижобий тавсифга эга ва:

(Иккинчи қисмининг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрь Қонуни билан чиқарилган - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1- 2-сон, 18- модда);

Оғир жиноят, шунингдек, қасддан жиноят содир этганлик учун суд тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар, агар шахс муқаддам қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса;

Муқаддам жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган ёки жазо суд томонидан енгилроғи билан алмаштирилган шахс ўта оғир жиноят, шунингдек, жазо муддатининг ўталмаган қисми давомида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар ўтказилади (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август Қонун таҳририда- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9- 10-сон, 149-модда).

Манзил – колонияларга қуйидагилар ўтказилмайди:

- ўта хавфли рецидивистлар;
- узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахслар, шунингдек умурбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар;
- юқумли касалликларга чалинган беморлар;
- мажбурий даволанишни ўтаётган маҳкумлар;
- меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар.

Битта манзил – колонияда маҳкум эркаклар ва аёллар сақланиши мумкин.

1. Ўзбекистон Республикасида озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасалари бўлиб, мазкур муассасалар ўзларига хос бўлган ички тартиб қоидаларга эгадир.

2001 йил 18 июндан эътиборан кучга кирган, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 298-сонли буйруғига асосан, барча жазони ижро этиш колониялари икки хил шаклга эга бўлиб, улар:

- маҳкумлар кўриқлов ва назорат остида сақланадиган ёпиқ турдаги (умумий, қаттиқ ва махсус тартибли);

- маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланадиган ярим очик турдаги (манзил-колониялар)дан иборат⁴.

Турма қамоғи ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятларнинг оғирлиги ва оғир жазо тайинланганлигини эътиборга олиб уларни жазонинг муайян қисмини турмада ўташ учун юборилиши белгиланган. Турма қамоғи колониядан фарқ қилиб, эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида сақланади, шунингдек, турма қамоғида маҳкумлар фақат алоҳида-алоҳида камераларда сақланишини инobatта олган ҳолда эркаклар ҳам, аёллар ҳам битта турмада сақланиши мумкин. Албатта, тарбия колонияларида ҳам маҳкумларни сақлашнинг енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароитлари мавжуд. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этилганида уларни тарбия колониялари билан вояга етганларнинг колониялардаги шароитлари бир-биридан фарқ қилади. Маҳкумнинг ахлоқан тузалганлиги, колония меҳнатига ўрганганлиги ёки вояга етмаганларнинг вояга етганлиги муносабати билан бошқа колонияга ёки бошқа жазо тури билан алмаштирилишига йўл қўйилади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларини шартли равишда уч турга бўлишимиз мумкин:

1) жазони ижро этиш колониялари;

2) турмалар;

3) тарбия колониялари.

Колония ва турмаларда жазони ўташ билан боғлиқ қонун-қоидалар 60-90 йиллар бошларида Ахлоқ тузатиш қоидаларига таянган. Бу хилдаги қоидаларга маҳкумларни қандай типдаги камераларга жойлаштириш ва ўзгартириш кўрсатилган.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1039-сонли буйруғи. 08.06.2001 йил, Тошкент.

Қоидаларда шу хилдаги тартибларнинг ўрнатилиши ва жойлаштирилиши билан боғлиқ тартиблар тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, колония ва турмаларда жазони ўташ нормалари 1961 йилда қабул қилинган Ахлоқ тузатиш ҳужжати бўйича амалга оширилган. Унда колония ва турмалардаги барча шарт-шароитлар қандай бўлиши-лиги, маҳкумларни сақлаш шароитлари кўрсатилган. Ҳужжатларда барча ҳолатлар, яъни хусусиятлар тўлиқ кўрсатилмаганлиги туфайли норматив ҳужжатлар тўлдириб берилган.

Бу ҳужжатда куйидагилар кўрсатилган эди:

- 1) жазони ижро этувчи муассасасининг ҳуқуқий мақоми;
- 2) маҳкумларни кўчириш тартиби;
- 3) маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, овқатланиш аниқ нормаларини белгилаб берилган.

Собиқ СССР тузумида жазони ўташ тартибида «режим» тушунчасига қонуний тус берилмаган, у фақат бир институт мажмуасига киритилган эди, ҳолос.

Ҳозирги кунда мустақиллик шарофати билан жазони ижро этувчи муассасалардаги тартиб-интизом, уларни жиҳозланиши ва энг асосийси, маҳкумларни қайта тарбияланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда, ҳаттоки, бунга қонуний тус берилмоқда. Масалан: колония ва турмаларда сақланаётган маҳкумларнинг шароити, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун билан белгиланиб, бу тартибни ҳеч кимнинг, ҳатто колония маъмуриятининг ҳам бузишга ҳаққи йўқ.

Умумий қилиб олганда, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларини 3 қисмга бўлиш мумкин:

I. Жазони ижро этиш колониялари:

- 1) манзил-колониялари;
- 2) умумий тартибли колониялар;
- 3) қаттиқ тартибли колониялар;
- 4) махсус тартибли колониялар.

II. Турма қамоғи.

III. Тарбия колониялари.

Жазони ижро этиш муассасаларининг бу хилдаги таснифланиши бежизга эмас, албатта. Биринчи навбатда, жазони ижро этиш колонияларининг турларига қараб у ердаги шароит, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-биридан фарқ қилади. Бундай фарқни белгилашда, суд маҳкумининг шахси, ижтимоий ҳавфлилиги, жиноятнинг

огирлиги, унинг хулқи масалаларига адолатли ёндаша билиши, тўғри баҳо бериши даркор.

Шунинг боиси ўларок, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 46-моддасига мувофиқ: «манзил колониялар қўйидагиларга бўлинган:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар;

- умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек, тарбия колониялардан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар».

Манзил-колониялар Республикамызда 1963 йил июль ойида ташкил этилган бўлиб ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Манзил-колонияларнинг асосий хусусияти шундаки, маҳкумни қайта тарбиялаш нисбатан енгилроқ шароитларда амалга оширилади. Маҳкумларнинг жазони ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 113-моддасида 2003 йилги қўшимча ва ўзгартиришлар билан берилган. Унда айтилишича, «Манзил-колонияларда мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган, шунингдек, умумий, қаттиқ тартибли ҳамда тарбия колонияларидан суднинг ажрими асосида ўтказилган вояга етган маҳкумлар жазо ўтайдилар».

Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганларнинг тарбия колониялари билан вояга етганларнинг колониясидаги шароитлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Албатта, вояга етмаганлар тарбия колонияларида ҳам маҳкумлар шароитларининг енгиллаштирилганлигини кўриш мумкин.

Маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун колония турини белгилаш масаласи суд маҳкумга жазонинг барча муддатини суд белгиланган колонияда ўташи назарда тутилган. Лекин маҳкумнинг ахлоқан тузалганлиги, колония меҳнатига ўрганганлиги ёки вояга етмаганларнинг вояга етганлиги муносабати билан ҳам алмаштирилиши мумкин. Бу масала суд томонидан ҳал қилинади.

Қаттиқ тартибли колонияларда суд ҳукмига биноан юборилган маҳкумлар, турма ва махсус тартибли колониялардан рағбатлантириш тариқасида ўтказилган маҳкумлар суд тайинланган турма қамоғи муддатидан ўташдан сўнг ўтказилган маҳкумлар, суд томонидан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар сақланади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида умумий ва қаттиқ тартибли колонияларидан суднинг ажрими асосида ўтказилган вояга етган маҳкумлар жазони ўташи назарда тутилади.

2. Манзил колониялардаги сақланаётган маҳкумларнинг шароити озод шахсларнинг ҳаётига жуда яқинлаштирилган бўлиб, маҳкумларга кўплаб қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Шунингдек, бу хилдаги колонияларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва эҳтиётсизликдан содир этилган унча оғир булмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинганлар сақланади.

Республикадаги манзил-колонияларда маҳкумлар томонидан турли хилдаги қизиқиш доирасига кўра тўғарақлар мавжуд бўлиб, бу маҳкумларни маънавий тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этган аёллар озодликдан маҳрум қилинганларида манзил колонияларда сақланадилар. Қолган ҳолларда озодликдан маҳрум қилинган аёллар умумий тартибли колонияларда сақланадилар.

Ушбу модданинг иккинчи қисми шарҳлар эканмиз умумий тартибли колониялар вояга етганларга қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан тайинланишини ҳам айтиб ўтиш лозим.

3. Шарҳланиётган модданинг иккинчи қисмининг аҳамиятли жиҳати манзил-колонияларда ижобий тавсифга эга ҳамда унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида бешдан бир қисмини, оғир жиноят учун жазо муддатининг тўртдан бир қисмини, ўта оғир жинояти учун муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар, муқаддам жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган ёки жазо суд томонидан енгилроғи билан алмаштирилган шахс ўта оғир жиноят, шунингдек, жазо муддатининг ўталмаган қисми давомида қасддан янги жиноят содир этганлиги учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумлар манзил-колонияларга ўтказилади.

Жазоларни ижро этиш колонияларининг турларига қараб участка ерлардаги шароитлар ҳам бир-биридан фарқланади. Бундай фарқланиш суд томонидан маҳкумнинг шахси, ижтимоий хавфлилиги, жиноят оғирлиги каби масалаларига тўғри баҳо бериш ва уларни жазо тайинлашда инобатга олиш имкониятини беради. Жумладан, манзил колониясида сақланаётганларнинг шароити озод шахслар ҳаётига жуда яқинлаштирилган бўлса, маҳсус тартибли колонияларда

Маҳкумлар ҳарбий қисмларнинг назорат таркиби назоратчилар ва муассасининг турма кўринишидаги назоратчилари резина таёқчалари билан қуролланган соқчилар назорати остида камера типдаги колонияларда сақланишлиги назарда тутилади. Колонияларнинг бундай фарқланиши маҳкумларни ахлоқан тузалиши ва уларни тўғри йўлга ўргатиш учун яратилган тизим ҳисобланади.

4. Шархланилаётган ушбу модданинг учунчи қисмида манзил-колонияларга ўтказилмайдиган шахслар ҳақида сўз юритилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборатдир:

- ўта хавфли рецидивистлар;
- узок муддатга озодликдан маҳрум қилинган, шунингдек умурбод озодликдан маҳрум қилиш афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар;
- юкумли касалликларга чалинган беморлар;
- мажбурий даволанишдан ўтаётган маҳкумлар;
- меҳнатга қобилиятсиз маҳкумлар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 34-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, шахс фақатгина суднинг ҳукми билан ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда бошқа давлатлар судларининг ҳукмлар бўйича судланганлиги ҳам инобатга олинishi мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жиноят учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

5. Афв этиш ҳукуқи деярли барча давлатларда давлат раҳбарларининг асосий Конституциявий ваколатларидан бири ҳисобланади. Афв этиш институти шахсга нисбатан инсонпарварлик муносабатини акс эттирувчи индивидуал актдир. Афв этиш институтини қўллаш турлича (маҳкумнинг чин дилдан пушаймон бўлиши ёки инсонпарварлик юзасидан) асослантирилган бўлиши мумкин. Бизнинг Республикамизда афв этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, Президент ваколатига киради. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбе-

кистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактга мувофиқ (6-модда тўртинчи қисми), Улим жазосига (Республикамизда 2008 йил 1 январдан бошлаб умрбод озодликдан маҳрум этишга) ҳукм этилган шахс афв этиш ёки ҳукмни юмшатиш тўғрисида сўраш ҳуқуқига эга. Афв этиш тўғрисида мурожаат қилингандан сўнг жазони ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Президентидан тегишли жавоб келгунга қадар тўхтатиб турилади. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини афв этиш тартиби уни озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 140-моддасида афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу модданининг иккинчи қисмида умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс томонидан афв этиш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатан ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум тўғри йўлга қаттиқ турган бўлса, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазога эга бўлмаса, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан ёндошаётган бўлса, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса – тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин берилиши мумкин.

Ушбу модданинг 3-қисмида узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан афв этиш тўғрисида илтимоснома тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатан ўтаб бўлгандан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум тўғри йўлга қаттиқ турган бўлса, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазога эга бўлмаса, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан ёндашаётган бўлса, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса – тайинланган жазо муддатининг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Агар маҳкум Президентга илтимоснома ёзишни рад қилса, муассаса маъмурияти прокурор иштирокида ишга тегишли акт тузади. Муассаса маъмурияти бу ҳақида тезлик билан Президент аппарати-нинг афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўрувчи қисмига хабар бериши лозим.

Афв этиш ҳақидаги аризани маҳкумнинг ўзи, унинг қариндошлари ёки ҳимоячи ёзади. Бу илтимоснома дастлаб Президент ҳузур-

даги Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади. Илтимосномага кўшиб, биринчи инстанция судининг ҳукми ва апелляция (ёки кассация) инстанциясининг ажрими кўшиб жўнатилади. Агар иш назорат тартибида кўрилган бўлса, шу ишга тааллуқли барча суд қарорлари кўшиб жўнатилади. Афв этиш ҳақидаги ариза афв этиш масалалари бўйича комиссияга келиб тушгач, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Олий суди ишни қайта ўрганиб чиқади ва афв этиш мумкинлиги ёки уни рад этиш ҳақида хулоса тайёрлайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги афв этиш масалалари бўйича комиссия маҳкум тўғрисидаги тўлиқ маълумотни, унинг судланганлиги, қамокдаги хулқ-атвори кабиларни олиб, ишни тўлиқ ўрганиб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти номига тавсиянома чиқаради. Президент ҳам зарур ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қарор қабул қилади.

Бундай, яъни ўлим жазосини (2008 йил 1 январдан умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш) афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар манзил колонияларида эмас балким, махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

6. Юқумли касаллика чалинган беморлар манзил-колонияларига ўтказилмаслигига сабаб улар мазкур муассасадаги бошқа маҳкумлар соғлиғига зарар етказиши хавфи мавжуд бўлади. Чунки манзил колонияларидагилар бошқа колониядагилардан фарқли ўлароқ биргаликда умумий ётоқларда истиқомат қиладилар ва энг асосийси баъзида уларга муассаса ташқарисига чиқишга рухсат берилишидир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2000 йил 18 декабрдаги 260-сонли буйруғига кўра оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш тартиби қабул қилинган бўлиб, унга кўра:

1. Маҳкумлар, озодликдан маҳрум этиш ёки қамок тариқасидаги жазони ижро этиш жойларида жазо муддатини ўташ даврида оғир касалликка чалинсалар ва шунингдек уларда ҳукм қилинишдан олдин бор бўлган касалликлар жазо муддатини ўташ даврида кучайиб кетиб, жазони ўташдан озод қилишга тавсия этиш учун асос бўладиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Касалликлар Рўйхатида кўрсатилган касалликлар тусини олса, бундай маҳкумлар тиббий текширувдан ўтказилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий махсус комиссияси жойлардаги ИИВ, ИИБ комиссиялари таркибида камида уч киши ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари жойлардаги ИИВ, ИИБ Тиббиёт бўлимлари бошлиғи (раис) ва иккита аъзоси бўлганда маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиб, уларда Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар борлигини эътироф этади.

3. Комиссиялар таркиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ИИБ бошлиқлари томонидан тасдиқланади. Жойлардаги комиссиялар фақат кўзгатиб бўлмайдиган оғир бемор маҳкумларни Марказий комиссия аъзоларидан бири иштирокидагина тиббий текширувдан ўтказиш ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Комиссия фаолиятига аралаштириш қатъиян тақиқланади. Комиссия қарорига норозилик билдириш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Комиссия, маҳкумларда Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар борлиги тўғрисидаги қарорни, беморлар даволаш муассасаларида стационар шароитида синчиклаб текширилгандан кейингина, ўтказилган даволаш натижалари ва яқунловчи тапқисга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ УЯ 64/18 муассасаси Дастлабки тиббий комиссияси, Махсус дастлабки тиббий комиссияси ва вилоятлар ИИБ Дастлабки тиббий комиссиялари хулосаларига асосланиб қабул қилади. Руҳий касал маҳкумларни улар жазони ижро этиш муассасаларининг руҳий касалхона, бўлинмаларида стационар шароитида синчиклаб тиббий текширувдан ўтказилганларидан сўнг камида иккита врач психиатр иштирокида тузилган психиатрик экспертиза далолатномаси бор бўлгандагина тиббий текширувдан ўтказилади ва қарор қабул қилади.

5. Тиббий текширувдан ўтган бемор маҳкумларда Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар аниқланмаган ҳолларда қабул қилинган қарор, уларга Комиссия раиси томонидан даволовчи шифокор иштирокида эълон қилинади ва бу ҳақда беморнинг касаллик тарихига ёзиб қўйилади.

6. Маҳкумни тиббий текширувдан ўтказиш натижаларига асосланиб, Комиссия тиббий хулоса чиқаради (1-илова) ва тасдиқлайди. Комиссия кўригидан ўтган маҳкумлар махсус дафтарда ҳисобга олинади (2-илова).

7. Жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларда Касалликлар Рўйхатида кўрсатилган касал-

ликлар борлиги тасдиқланганда, судга Комиссиянинг хулосасидан ташқари, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари ва бошқа зарур ҳужжатларни тиббий хулоса тасдиқланган кундан кейин уч кун муддат ичида судга тақдим этадилар.

8. Маҳкумлардаги касаллик, жазо муддатини ўташ даврида ўзига-ўзи атайлаб шикаст етказганлиги сабабли ҳосил бўлганлиги хизмат текширувида аниқланганда, бундай маҳкумлар касаллиги туфайли жазо муддатини ўташдан озод қилишга тавсия этилмайдилар, маҳкумнинг ўткир руҳий ҳолатда ўзига-ўзи шикаст етказганлиги мутахассис шифокорлар томонидан тасдиқланган ҳолатлари бундан мустасно.

9. Маҳкумларни касаллиги туфайли жазо муддатини ўташдан озод қилиш масаласи судлар томонидан қонунда белгиланган муддатлардан кечиктирилмай қўриб чиқилиши, судда прокурор, тиббий хулоса чиқарган комиссиянинг аъзоси ёки жазони ижро этиш муассасаси касалхонаси (тиббиёт бўлими)нинг даволовчи шифокори қатнашиши шарт.

10. Суд ўз ваколатлари доирасида маҳкумларни касаллиги туфайли жазо муддатини ўташдан озод қилишни рад этган ҳолларда, суд шундай қарор чиқарганидан кейин қанча вақт ўтишидан қатъи назар, агар касалликларнинг кечишида ўзгаришлар тўхтамай, уларнинг саломатлиги ёмонлашиши давом этса, бундай маҳкумларнинг аввал тасдиқланган тиббий хулосалари ва бошқа ҳужжатлари, қайтадан судга тақдим этилади.

11. Комиссия ва суд мажлисларини ўтказиш учун хоналар ажратиш, комиссия аъзоларини доимий махсус рухсатномалар билан таъминлаш, тақдим этилаётган бемор маҳкумнинг шахсини тасдиқлаш ишлари муассаса бошлиғига юклатилади.

Манзил-колонияларнинг ўзига хос хусусиятияти шундаки, битта колонияда маҳкум эркаклар ва аёллар сақланиши мумкин.

114-модда. Манзил-колонияларда жазони ўташ шартлари

Манзил-колонияларда маҳкумлар:

соқчисиз, аммо назорат остида сақланадилар;

эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида колония ҳудуди доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

агар улар бажараётган иш ёки олаётган таълим тақозо этса, маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз юришлари мумкин;

фуқаролар киядиган кийимда юрадилар;

ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

чекланмаган миқдорда телефон орқали сўзлашишлари, посылка, йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин. (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

Маҳкумлар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайдилар. Сақлаш режимини бузмаган, оиласи бор маҳкумларга муассаса бошлиғи қарорига биноан манзил-колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилиши мумкин. Бундай шахслар ички тартиб қоидаларида белгилаб қўйилган тартибда рўйхатдан ўтиш учун ҳозир бўлишлари шарт. Манзил-колония маъмуриятининг вакили маҳкумлар яшаётган жойга сутканинг исталган вақтида кириши мумкин.

1. Шархланиётган модданинг биринчи қисмида манзил-колонияларда маҳкумларнинг жазони ўташ шартлари ҳақида айтиб ўтилган бўлиб, уларга қўйидагилар киради: маҳкумлар соқчисиз, аммо назорат остида сақланадилар, маҳкумларнинг эрки чекланади, холос.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 8 майдаги “Озодликдан маҳрум қилдиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиби Қоидалари”нинг 46-параграфида маҳкумларнинг соқчисиз ёки кузатувчисиз юриши ҳақида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи берилган маҳкумлар, одатда, муассасанинг хўжалик таъминоти билан ёки қўриқланаётган ҳудуд доирасидан ташқарида юк ташиш ва тушириш юмушлари билан боғлиқ ишларга жойлаштириладилар.

Соқчисиз ёки кузатувчисиз юришга рухсат маҳкумлар сони лимити ҳар бир муассаса учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси бошлигининг буйруғи биолан, муассасани тўлдириш лимити, аниқ ишлар

ҳажми ҳамда маҳкумларнинг мазкур тоифасини сақлашнинг мавжуд коммунал-маиший шароитларини инобатга олган ҳолда белгиланади.

Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида, курорт жойларда, чегара бўйи зонасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган бошқа пунктларда маҳкумларнинг соқчисиз ёки кузатувчисиз юришга йўл қўйилмайди.

Маҳкумларни соқчисиз ёки кузатувчисиз юришга олиб чиқиш ман этилган колонияларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси билан келишилган ҳола тасдиқланади.

2. Моддадани шарҳлар эканмиз, маҳкумларнинг соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқини бериш тартиби борасида ҳам сўз юритиш лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ижобий тавсифга эга бўлган маҳкумларга колония ҳудуди доирасидан ташқарида соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи муассаса бошлиғининг асослантирилган қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида белгиланган тартибда берилади. Бу тўғрисидаги қарор маҳкумларнинг шахсий йиғмажилдига тиркаб қўйилади.

Соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумлар қўриқловсиз, аммо колония маъмуриятининг назорати остида сақланадилар. Бундай маҳкумлар колония ҳудуди доирасидан ташқарида улар учун махсус мўлжалланган хона типидagi турар жойларда яшайдилар.

Соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи берилган маҳкумларга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади, гувоҳномаларда бундай юришнинг йўналиши ва вақти кўрсатилган бўлади. Гувоҳномаларнинг бланкалари матбаа усули билан тайёрланади, қатъий ҳисобдаги бланкалар сингари сақланади ва ҳисобда туради, гувоҳномани беришдан олдин маҳкумга соқчисиз юришдаги хулқ- атвор қоидалари маълум қилиниб, ундан тилхат олинади.

Соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан фойдаланаётган маҳкумларнинг маъмурий туман ҳудуди доирасидан четга чиқиши муассаса маъмурияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексида белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳал этилади.

Маҳкумлар хулқ-атвор қоидаларини бузган тақдирда муассаса бошлиғининг қарори асосида интизомий жазо тартибда соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Маҳкум, шунингдек, қўриқланаётган ҳудуд доирасидан ташқаридаги ишларнинг хусусияти ўзгарганда ҳам соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан

махрум бўлади. Соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқидан маҳрум этилган маҳкумдан гувоҳнома олиб қўйилади ҳамда далолатнома асосида йўқ қилинади, маҳкумнинг ўзи эса муассасанинг турар жой зонасидаги ҳудудда жойлашган туркумларнинг турар жойларига ўтказилади.

3. Маҳкумлар эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида колония ҳудуди доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бироқ кечки пайтдан, аниқроғи ётишдан эрталаб уйғонгунга қадар колония ҳудудида ҳаракатланиш қатъиян ман этилади.

Улар бажараётган иш ёки олаётган таълим тақозо этса, маъмуриятнинг рухсати билан колония ҳудудидан ташқарида назоратсиз юришлари мумкин;

Ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин; чекланмаган миқдорда телефон орқали сўзлашишлари, посилка, йўқлов ва бандероллар олишлари ҳамда жўнатишлари мумкин.

Манзил колониялардаги маҳкумлар чекланмаган миқдорда учрашув олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтларда берилади. Учрашув маҳкумнинг илтимосномасига биноан манзил-колония ҳудудидан ташқарида ўтказилиши мумкин.

Маҳкумлар хоналарга бўлинган ётоқхоналарда яшайдилар. Сақлаш режимини бузмаган, оиласи бор маҳкумларга муассаса бошлиғи қарорига мувофиқ манзил-колония ҳудудида ёки ундан ташқарида оиласи билан алоҳида яшашга рухсат берилиши мумкин. Бундай шахслар ички тартиб қоидаларида белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтиш учун ҳозир бўлишлари шарт. Манзил-колония маъмуриятининг вакили маҳкумлар яшаётган жойга сутканинг исталган вақтида кириши мумкин.

4. Республикамиз ҳудудидаги манзил-колонияларда маъмурият истаги билан маҳкумларнинг кийим-кечаклари, буюмлари текширилиши мумкин. Ҳар ойда бир мартадан манзил-колония ҳудудидаги хоналар назорат текширувдан ўтказилади. Бу текширувнинг асосий мақсади, маҳкумлар томонидан уюштирилиши мумкин бўлган турли хилдаги ноҳуш ҳолатлар, масалан, оммавий равишда муассасадан қочиш, колония ходимларининг ҳаётига тажовуз қилиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўлиб ҳисобланади. Манзил-колониялар аҳоли яшаш жойларидан узоқ бўлган ҳудудларда барпо этилади. Ҳар бир маҳкум белгиланган рўйхат карточкасига эга бўлиб, маъмурият-

нинг рухсатсиз колония ҳудудини тарк этиши ман этилган. Турли хил оилавий сабабларга кўра маҳкумларга маъмурият томонидан қисқа муддатли рухсат берилиши мумкин.

Маъмурият ишончига кирган, ўзининг хулқи, меҳнати билан ажралиб турувчи маҳкумларга турли хилдаги диний муассасаларга сиғинишга бориш учун рухсат берилади. Маҳкумларга маъмурият томонидан муассаса чегарасидан четда ҳаракатланиш учун тегишли ҳужжат тақдим қилинади. Маҳкумларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати – паспорти унинг жинойт иши жилдида бўлганлиги туфайли уларга шунга мос ҳужжат берилади.

Манзил-колония маъмурияти рухсати билан маҳкум ўзининг оиласи билан муассаса жойлашган ҳудуддаги хоналарда ижара асосида туриши мумкин. Бу хил ҳуқуқни тасдиқлаш фақатгина муассаса бошлигининг рухсати билан амалга оширилади. Шунингдек, муассасада ҳар бир маҳкум ўзининг қизиқишига қараб хоҳлаган машғулот тури билан шуғулланиши, муассаса ичида турли хил тўғарақлар ташкил этишга ҳам ҳақли. Маҳкум муассаса маъмурияти бошлиғи номига ариза бериш орқали турмуш қуриши ҳам мумкин.

Маҳкумга ўзи билан куйидаги буюмларни сақлашга рухсат этилмайди:

- турли хилдаги ўқотар қуроллар;
- портловчи моддалар;
- гиёҳванд моддалар;
- барча турдаги алкоголь ичимликлар;
- ҳарбий кийим-кечак.

Умуман олганда, маҳкум ўзи билан сақлаши қатъий ман этилган буюмлар рўйхати муассаса маъмуриятининг ички низомида кўрсатилади.

115-модда. Маҳкумлар меҳнати ва таълими

Манзил колонияларда маҳкумлар меҳнати ушбу Кодексда белгилаб қўйилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Маҳкумларни бошқа ишга ўтказишни корхона, муассаса ёки ташкилот манзил – колония маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга оширади.

Маҳкумларга муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан ўқишга рухсат этилади.

1. Жиноят-ижроия кодексининг 7-моддасида: “Маҳкумни ахлоқан тузатиш – унда қонунга итоаткор хулқ-атвори, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жамият турмуши қоидалари ва анъаналарига ҳурмат муносабатларини шакллантиришдан иборат”, деб ёзиб қўйилган. Маҳкумларни ахлоқан тузатишда қуйидагилар асосий рол ўйнайди:

- жазони ўташдаги тартиб-қоидаларнинг қаттиқлиги ;
- тарбиявий ишлар;
- ижтимоий фойдали меҳнат коэффиценти;
- умумий маълумот олиши;
- касбий тайёргарлиги.

Манзил-колонияларда маҳкумлар меҳнати ушбу Кодексида белгилаб қўйилган истисно ва чеклашларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Маҳкумларни бошқа ишга ўтказишни корхона, муассаса ёки ташкилот манзил-колония маъмурияти билан келишган ҳолда амалга оширади.

Маҳкумларга муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан ўқишга рухсат этилади.

Манзил-колониялардаги маҳкумлар меҳнати маъмурият томонидан белгилаб қўйилган чеклаш ва истисноларни ҳисобга олмаганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Маҳкумларни бошқа ишга ўтказишни корхона, муассаса ёки ташкилот манзил-колония маъмурияти билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Маҳкумларга муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида сиртдан ўқишга рухсат этилади. Бу барча диспозитив қоидалар Жиноят-ижроия кодексининг ушбу моддасида ўз ифодасини топган.

Республикада меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжалари барча шахслар учун бир хил ҳаракатда бўлади, бироқ манзил-колониялардаги маҳкумлар ишга қабул қилиш, ишдан бекор қилиш ва бошқа ишга ўтказиш қоидалари бундан мустасно. Муассаса маъмурияти ҳар бир маҳкумни ўз касб фаолияти, хунари ва мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиради. Энг аҳамиятли жиҳати ҳам шундаки, манзил-колонияга кўчирилувчи маҳкумлар, албатта, бирор бир касб-хунарга эга бўлиши лозим. Манзил-колония маъмурияти маҳкумни бошқа мутахассислик бўйича ишга ўқитиб, уни ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2001 йил 8 майдаги “Озодликдан маҳрум қилдириш туридаги жазони ижро

этиш муассасаларининг ички тартиби Қоидалари”нинг 53-параграфиди бу борада сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ, маҳкумлар жинси, ёши, соғлиғининг ҳолати, меҳнат қобилияти ва имкон қадар ихтисоси инобатга олинган ҳолда меҳнатга жалб этилади. 60 ёшдан ошган эркеклар ва 55 ёшдан ошган аёллар ҳамда 1 ва 2-гурӯх ногиронлари меҳнатга ўз хоҳишларига кўра жалб этиладилар.

Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларнинг корхоналарида ёки керакли тарзда кўриқлов батомом ажратиб қўйиш таъминланган тақдирда, бошқа корхоналарда меҳнатга жалб этиладилар.

Маҳкумларнинг иш вақти ишлаб чиқаришнинг табиатига боғлиқ бўлиб, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мажмуасининг нормалари билан белгиланади. Маҳкумлар одатда, ҳафтада олти кун мобайнида меҳнатга жалб этилади, дам олиш ва байрам кунларидаги, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишлар учун уларга икки ҳисса ҳақ тўланади.

Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бир қаторда маҳкумлар меҳнатидан;

а) жазони ижро этиш муассасаларининг бошқармалари, бўлимлари ва бўлинмалари;

б) ҳарбий бўлинмаларнинг штабларида ҳамда шахсий таркиб жойлашган, кўрол-яроғ ва ҳужжатлар сақланаётган жойларда;

в) нусха кўпайтирувчи аппаратлари, радиотелеграф, телефон ва компьютер техникаси билан боғлиқ ишларда;

г) сотувчи, амалиётчи бухгалтер, кассир, озиқ-овқат омборларининг, шунингдек мураккаб ва қимматбаҳо ускуналар омборларининг мудирлари тарихида;

д) дори воситалари, шунингдек портловчи ва заҳарловчи моддаларнинг ҳисобини юритиш, уларни сақлаш ва бериш билан боғлиқ ишларда;

е) фотосуратчи, тиш протезчиси, шифокор, транспорт воситалари ҳайдовчиси тарихида;

ж) бўйсунувида эркин ёлланиб ишлайдиган ходимлар бўладиган лавозимларда;

з) маҳсулотни қабул қилишда ва сифатнинг кириш текширувида;

и) кўриқчи-хизмат итларини боқиш билан боғлиқ ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Бундан ташқари маҳкумларни, агар улар давлат мулкани ўғирлаганлик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлик, порахўрлик, бос-

қинчилик, талончилик, фирибгарлик, сохтакорлик учун ҳукм этилган бўлса, қилган ана шу жиноятлари давлат ва жамоат мол-мулкига тажовуз этиш билан боғлиқ бўлган ҳолларда, моддий жавобгарлик ва ҳисоблаш-бухгалтерия лавозимлардаги меҳнатга жалб этишга йўл қўйилмайди.

3. Ижобий тавсифга эга бўлагн маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларнинг хўжалик хизматига оид ишларни бажаришга жалб этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси нормаларига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топилган маҳкумларни соқчисиз юришга олиб чиқиш тақиқланганлиги сабабли, махсус тартибли колониялар ҳудуди доирасидан ташқаридаги хўжалик хизматига оид ишларни бажариш жазони манзил-колонияларда ўтаётган маҳкумлар томонидан амалга оширилади. Бу шахслар маҳкумлар орасидан ишчи кучи бериш учун махсус тартибли колония билан манзил-колония ўртасида тузиладиган шартномалар асосида меҳнатга жалб этиладилар, зонадан ташқарида, лозим даражада маданий-майиший ва тиббий таъминланган ҳолда, хона типидagi алоҳида жойларда яшайдилар, улар жазони ўташнинг манзил колонияларидаги маҳкумлар учун Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига белгиланган тартиби ва шартлари татбиқ этилади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг хўжалик хизматига оид ишларни бажариш учун, шунингдек усталар, бригада бошлиқлари ва нарядчилар вазифасини эгаллаш учун маҳкумларни танлаш тегишли хизматларнинг раҳбарлари томонидан муассасанинг тезкор бўлими билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Хўжалик хизматига оид ишларга тайинлашда маҳкумнинг ёзма розилиги талаб этилади. Маҳкумларни юқорида санаб ўтилган ишларга тайинлаш жазони ижро этиш муассаси бошлиғининг буйруқлари билан расмийлаштирилади, буйруқлардан кўчирмалар маҳкумларнинг шахсий йиғмажилдларига қўшиб қўйилади.

Шу билан бир қаторда жазони манзил колонияларида ўтаётган маҳкумлар шу муассасаларнинг корхоналаридаги, маҳкумларнинг хулқ-атвори устидан пухта назорат таъминланадиган бўлган тақдирда, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ишлаб чиқаришдаги объектларидаги, юридик шахс бўлмиш фермер хўжалиқлари ва бошқа ташкилотлардаги меҳнатга муассаса маъмурияти билан тузилган шартнома асосида жалб этиладилар.

Манзил-колония худудидан ташқаридаги меҳнатга маҳкумларни жалб этиш уларнинг ҳар кун муассасага қайтишлари таъминланган тақдирдагини амалга оширилади.

Маҳкумлар одатда, муассаса ичидаги хўжалик ишлари билан шуғулланади, баъзи ҳолларда истисно сифатида маъмурият рухсати билан маҳкум бошқа корхоналарда ҳам ўз мутахассислиги бўйича шартнома асосида бошқа худудда, бошқа ишга ўтказилиши мумкин. Бу хил муносабатлар хўжалик органлари томонидан амалга оширилади.

4. Шарҳланаётган моддада маҳкумларнинг таълим олиши ҳақида ҳам сўз юритилиб, манзил-колониялардаги маҳкумлар, одатда, муассаса жойлашган ердаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларда сиртдан ўқийдилар.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг умумий ўрта ва касб-хунар таълими ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришдаги касб тайёргарлиги тапшил этилади. Ўқув жараёни ва касбга ўргатишни тапшил этиш таълим органларининг норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ равишда ҳамда сақлаш режими, кун тартиби ва турли тўифадаги маҳкумларни батомом ажратиб қўйиш қоидаларига риоя этилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Маҳкумларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олишига йўл қўйилмайди, жазони манзил колонияларда ўтаётган шахслар бундан мустасно бўлиб, улар ўқув юртларининг сиртки бўлимида таълим олишлари мумкин.

Муассасаларнинг маъмурияти мактаблар ҳамда касб-хунар таълими йўналишидаги ўқув даргоҳлари ишига ҳар тарафлама ёрдам беради ҳамда ўқув жараёнини назорат қилиб боради.

Ўқув юртларида таълим олаётган маҳкумлар имтиҳонларни топшириш вақтида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари мажмуасида белгиланган тартибда ишдан озод этиладилар, Ана шу давр ичида уларга иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мажмуасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Манзил-колонияларда ўзига хос қулайликлар билан бир қаторда чеклашлар ҳам мавжуд. Масалан, маҳкум муассаса ички тартиб-қоидаларини бузган тақдирда карцерга қамаб қўйилиши мумкин. Аппаддий тартиббузарлар эса, суд ҳукми асосида маълум бир тартиб (режим)даги муассасага жазони ўташ учун қайтариб юборилади.

18-БОБ. УМУМИЙ ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

116-модда. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби

Умумий тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

ушбу Кодекснинг 129-моддасида назарда тутилган ҳолларда тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар;

суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Умумий тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Тарбия колониясидан ўтказилган маҳкумлар жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

1. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 116 - ва 117-моддаларда ўз аксини тошган.

Шарҳланаётган моддага кўра, умумий тартибли колонияларда жазони:

- мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

- йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий колонияга ўтказилади (Жиноят-ижроия кодекси 129-модда);

- суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар;

- озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар ўтайдилар.

Умумий тартибли колонияларга, одатда, суд ҳукмига кўра биринчи марта ўта оғир ва оғир бўлмаган жиноятларни содир этган эркак маҳкумлар, озодликдан маҳрум этилган аёллар, барча турдаги рецидив жиноятчилар жазони ўташ учун юборилади.

Тарбия колонияларидан умумий тартибли колонияларга ўтказилган маҳкумлар эса, одатда, қасддан ўта оғир ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги билан характерланади.

Суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар олдин жазони умумий тартибли колонияларда ўтганлиги билан характерланади.

2. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, умумий тартибли колониялар вояга етганларга қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан тайинланади. Умумий тартибли колонияда бир неча бор озодликдан маҳрум қилинган аёллар ҳам сақланишлари мумкин, лекин бундай аёллар ҳам одатда, биринчи бор озодликдан маҳрум қилинган аёллардан алоҳида сақланадилар.

Колонияларда асосан, уч хил шароитдаги сақлаш жойлари ташкил этилади: оддий, енгиллаштирилган ва оғирлаштирилган шароитларга бўлиниши мумкин. Бундай шароитларни ташкил этиш маҳкумларни сақлаш ётоқхоналарининг алоҳида ташкил этилиши билан тартибга солинади. Оддий шароитдаги колонияга одатда, маҳкум суднинг ҳукми билан келтирилгандагина киритиб қўйилади.

Кейинчалик бундай шароитдаги колонияга енгиллаштирилган ёки оғирлаштирилган шароитдан ўтказилган маҳкумлар ҳам киритилиши мумкин. Бундай шароитдан енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумларнинг ЖИК 104-моддасида белгиланган қисмни ўташ мобайнидаги хулқ-атвориغا қараб маъмурият томонидан ташкил этилган комиссиянинг хулосасига биноан ўтказилади. Бу комиссиянинг маҳкумга берилган интизомий ёки рағбатлантириш чораларини ўрганиб чиқишга кўра ҳал қилинади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкум учун ижобий тарбиялашнинг асоси бўлиб ҳисобланади ва унинг хулқ-атворининг яхшиланиши натижасида жазони муддатидан аввал бекор қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш ҳақида уқтирилади.

Уларга соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи ҳам берилади. Одатда, маҳкумни жазо муддати тугашига яқин қолганида уларни енгиллаштирилган шароитга ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва бундай шароитда сақланаётган маҳкум озодлик белгиларини

сезиши ва унга кўникиш имкониятига эга бўла олади. Соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш, ишга чиқиш, колония ҳудудида эркин ҳаракатлана олиши маҳкумни эркин ҳаётга анча яқинлаштиради.

3. Маҳкумни интизомий жазолаш тури сифатида ҳуқуқлари чекланган шароитга ўтказиб қўйиш маҳкумларни яна кейинчалик ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабатини ҳисобга олиб, бундай ҳуқуқий чеклаш ёки карцерда сақлаш муддати тугаши билан маҳкумга белгиланган интизомий чора бекор қилиниб, маҳкум яна илгариги ҳуқуқларга эга бўлади. Бундай ҳуқуқий чеклашларни муддатидан олдин ҳам олиб ташлаш мумкин. Бу ҳолида маҳкум жазони ўтаб бўлганига қадар татбиқ этилади.

Маҳкумларга белгиланадиган шароитлар колониянинг режим турига қараб бир-биридан фарқ қилади. Умумий режимли колонияларда оддий шароитда сақланаётган маҳкумлар умумий ётоқхоналарда сақланади.

4. Шарҳланаётган моддада биз умумий тартибли колонияларнинг карцерларида бир кишилик камераларида маҳкумларни сақлаш тартиби ҳақида ҳам сўз юритамиз. Маҳкумларга нисбатан бошқа таъсир ўтказиш чораларини қўллаш ижобий натижа бермаган ҳолларда, улар умумий колонияларнинг карцерларида бир кишилик камераларига ўтказиладилар, бунда жазони ўташ режими талабларини қасддан бузган ҳолларда, сақлаш муддати 6 (олти) ойгача, аёллар сақланадиган колонияларнинг карцерларида эса 3 (уч) ойгача бўлган муддатда белгиланади.

Умумий тартибли колониялар карцерларининг бир кишилик камераларида сақланаётган шахсларга фақат ухлаш вақтида (кечки ётиш пайтидан эрталабки ўриндан туриш вақтигача) ўрин кўрпа берилади.

Умумтаълим мактабларида ва касб-ҳунар таълим тизимида таҳсил олаётган маҳкумлар жазони карцерларда ўтаган вақтида машғулотга олиб чиқилмайди. Ушбу маҳкумларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва амбулатория йўли билан даволаш махсус жиҳозланган хонада амалга оширилади.

Сил касаллиги ва бошқа юқимли касалликларга чалинган беморлар алоҳида камераларда жойлаштиради.

Умумий тартибли колонияларининг маҳкумлари карцерларнинг ҳибсхоналарида маҳкумлар кулфланадиган умумий камераларда сақланадилар. Умумий тартибли колонияларнинг ҳибсхоналарига - карцерларга маҳкумларни киритиб қўйиш муддати 15 суткагача ҳисоблади.

**117-модда. Умумий тартибли
колонияларда жазони ўташ шартлари**

Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Маҳкумлар йил мобайнида:

тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узок муддатли учрашув;

олти марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посылка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

1. Шарҳланаётган моддада умумий тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, умумий тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар. Улар колония маъмурияти томонидан белгиланган ётоқхоналарда жойлаштириладилар ва колония маъмуриятининг ички низомида кўрсатилган кийим-кечакларда юришади. Маҳкумлар ўзи билан олиб келган кийим-кечакларда кийиниб юришларига рухсат берилмайди. Умумий тартибли колонияларда маҳкумлар учун ягона қонда белгилаб қўйилган. Бу қондага кўра, маҳкумлар қатор бўлиб муассаса ҳудудида юришлари, уйғонгандан бошлаб ётгунга қадар муассаса ҳудудида ҳаракатланиши мумкин. Истисно ҳолат, муассаса ҳудудида фақатгина турли хил уюштириладиган спорт мусобақалари, маданий кечаларда киритилиши мумкин.

2. 2003 йил 30 августда Жиноят-ижроия кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга кўра умумий тартибли колонияларда маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. Бу белгиланган сумма маъмурият томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас. Умумий тартибли колонияларнинг ҳибсхоналарига ёки тергов ҳибсхоналари ва турмаларининг карцерларига киритиб қўйилган маҳкумларга эса камайтирилган нормалар бўйича берилади.

Енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкумларга бундай имтиёзларга яна қўшимча имтиёзлар берилади. Жумладан, озиқ-овқат харид килиш учун бир ойда қўшимча пул сарфлашга рухсат берилади. Уларга соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳуқуқи ҳам берилади. Одатда, маҳкумни жазо муддати тугашига яқин қолганида уларни кўпроқ енгилроқ шароитга ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва бундай шароитда сақланаётган маҳкум озодлик белгиларини сезиш ва унга қўниқиш имконитига эга бўла олади.

3. Шарҳланаётган модданинг 3-қисмида умумий тартибли колонияларда маҳкумлар йил мобайнида:

- тўрт марта қисқа ва узоқ муддатли учрашув;
- олти марта телефон орқали сўзлашув;
- олтига посылка ёки йўқлов;

- олтига бандерол олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида сўз юритилган бўлиб, маҳкумларга бу тарзда учрашувлар сонини белгилаш ушбу кодекснинг 76-моддаси ва умумий тартибли муассасанинг ички низоми асосида амалга оширилади. Масалан, ушбу кодекснинг 76-моддасида узоқ муддатли учрашув маҳкумнинг илтимосига кўра қисқа муддатли учрашув ёки телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиши мумкин.

Умумий тартибли колонияларда ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу кодекснинг 104-моддаларида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади. Улар кодекснинг 113-моддасига кўра, белгиланган жазо муддатининг қолган қисмини манзил-колонияларда ўташади. Шунингдек, ўзининг хулқ-атвори билан намуна бўладиган маҳкумлар қўшимча равишда йил давомида тегишли белгиланган ҳуқуқларга яъни: битта учрашув, битта телефон орқали сўзлашув, битта посылка ёки йўқлов олишлари мумкин.

Шунингдек, колониянинг ҳибсхоналарига ёки турмаларнинг карцерларига киритиб қўйилган маҳкумларга чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан, китоб, газета-журнал ва бошқа адабиётлардан, ўрин-кўрпа буюмлардан, телефон орқали сўзлашув ва учрашувлардан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулоти ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, йўқлов, посылка ҳамда бандеролларни олиш ва жўнатиш, хат ва бошқа жўнатмаларни юбориш ман этилади. Уларга ўзлари билан бирга озиқ-овқат маҳсулоти ва шахсий буюмларни олиб кириш тақиқланади.

19-БОБ. ҚАТТИҚ ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

118-модда. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби

Қаттиқ тартибли колонияларда жазони:
мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;
турмалар ва махсус тартибли колониялардан рағбатланти-
риш тарзида ўтказилган маҳкумлар;
суд тайинлаган турма қамоғи муддатини ўтаганидан сўнг
турмалардан ўтказилган маҳкумлар;
суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо
тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу кодекснинг 104-
моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш
шароитига ўтказилади.

Қаттиқ тартибли колониядан иккинчиенга ўтказилган
маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунча қадар белгиланган
сақлаш шароитида ўтайдилар.

1. Шарҳланаётган моддада қаттиқ тартибли колонияларда
жазони ўташ тартиби ўз ифодасини топган бўлиб, ушбу колонияда
суд ҳукмига биноан юборилган маҳкумлар, турма ва махсус тартибли
колониялардан рағбатлантириш тариқасида ўтказилган маҳкумлар,
суд тайинлаган турма қамоғи муддатини ўташдан сўнг ўтказилган
маҳкумлар, суд томонидан интизомий жазо тарзида қайтарилган
маҳкумлар сақланади.

Жиноят кодексининг 50-моддасида ҳам қаттиқ тартибли коло-
нияларда ўта оғир жинояти учун биринчи маротаба озодликдан мах-
рум қилинган ва хавфли рецидивист деб топилган аёллар ҳам сақла-
надилар. Қаттиқ тартибли колонияларда ҳам умумий енгиллаштирил-
ган оғир шароит қоидалари жорий этилади, яъкин қаттиқ тартибли
колониялардаги шароитлар ҳам умумий режим колонияларнинг
шароитларидан қаттиқлаштирилганлиги билан фарқланади.

2. Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва ҳалол меҳнатга ўргатиш
учун уни енгил шароитга ўтказиш ва муассасада ўрнатилган тартиб-
қоидаларни бузувчи ашадий тартибсиз деб топилганида эса, оғир-
лаштирилган шароитга ўтказиш масаласи кўриб чиқилади ва шу
қоидага риоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, қаттиқ тартибли колониянинг карцерларига олти ойгача, аёллар сақланадиган колонияларда эса уч ойгача бўлган муддатга ўтказиб қўйилади.

Одатда, колонияларга келиб тушган маҳкум ЖИКнинг 104-моддасининг 1-қисмида белгиланган муддат ўтгунга қадар шароитини ўзгартириш қондаси татбиқ этилмайди. Бу муддат ўтганидан сўнг енгиллаштирилган шароитга ўтказиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Маҳкум енгиллаштирилган шароитга ўтказилганда, ўтказиш муддати белгиланмайди. Фақат маҳкумнинг хулқи ёмонлиги ва тартиббузарлиги натижасида уни оддий шароитга ёки оғирлаштирилган шароитга ўтказиш муддати белгиланади ва маҳкум кўпи билан олти ойга оғирлаштирилган шароитга ўтказилиши мумкин. Енгиллаштирилган ёки ҳуқуқларни чекланган шароитларда ҳам махсус ички тартиб қондалар маҳкумни мажбурий меҳнатга жалб қилиш тартиби, уларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш қондалари жорий этилади.

Шунингдек, колонияларнинг ҳибсхонасида ва турмаларининг карцерида жазони ўташ тартибини бузувчи шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига назарда тутилган барча жазо чоралари, шу жумладан, ҳибсхона ёки карцерга тақдоран киритиб қўйиш чораси қўлланилади. Бундай ҳолларда жазо муддатининг яни ҳисоби аввалги қарор бўйича белгиланган жазо муддати тутаган заҳотиёқ бошланади.

119-модда. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари

Қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг бир ярим бараваригача бўлган суммага озик - овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин (Иккинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август Қонун таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10 сон, 149-модда).

Маҳкумлар йил мобайнида:

уч марта қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув;

тўрт марта телефон орқали сўзлашув;

тўртта посылка ёки йўқлов;

тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга (Учинчи қисм Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 август Қонуни таҳририда – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10 сон, 149-модда).

1. Шарҳланаётган моддада белгилаб қўйилишича, қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар. Оддий шароитдаги маҳкумлар қаттиқ тартибли колонияларда Жиноят-ижроия кодексининг 119-моддасига кўра, бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг бир ярим бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. Қаттиқ тартибли колонияларда чекиш, столда ўйналадиган ўйинлар ўйнаш, кўрпа-тўшаклардан фойдаланишга рухсат этилмайди. Бериладиган овқат ҳам камайтирилган нормада, уларга бир суткада бир соатгача очиқ ҳавода сайр қилишга рухсат берилади.

Қаттиқ тартибли колонияларнинг карцерларининг бир кишилик камераларида сақланаётган маҳкумлар озиқ - овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг 30 фоизигача пул сарфлаш ҳамда ҳар куни муддати бир ярим соатлик сайр қилиш ҳуқуқига эга.

Қаттиқ тартибли колонияларнинг ҳибсхоналарига ёки тергов ҳибсхоналари ва турмаларининг карцерларига киритиб қўйилган маҳкумларга камайтирилган нормалар бўйича берилади.

Маҳкумлар ҳибсхона ва карцерларда бўлган пайтларида муасса-са маъмурияти уларнинг шахсий буюмлари тўла-тўқис сақланишини таъминлайди. Интизомий бўлимга киритиб қўйилган маҳкумнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий ашёллари омборхонага топширилади ва жазо чораси тугагандан кейин унга қайтариб берилади. Бунда узоқ сақлаш оқибатида озиқ- овқат маҳсулотлари табиий сабабларга кўра бузилиб, истеъмол учун ярамай қолса, комиссия тузилиб, ушбу комиссия далолатнома тузади ва маҳкумнинг розилиги билан улар йўқ қилинади.

2. Шарҳланаётган моддада маҳкумларнинг кўпи билан уч март қисқа муддатли ва уч марта узоқ муддатли учрашув, тўрт марта телефон орқали сўзлашув, тўртта посылка ёки йўқлов, тўртта бандерол олиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида ҳам сўз юритилади . Бу имтиёзлар маҳкумнинг шароитининг ўзгартирилиши билан ўзгариши мум-

кин. Бу ҳол унга берилган барча имтиёзларнинг бекор булиши билан намоён бўлади ва Жиноят-ижроия кодексининг 109-моддасининг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида белгиланган ҳуқуқий чеклаш турлари ва қўшимча ҳуқуқлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Жумладан, енгиллаштирилган шароитдаги қаттиқ тартибли колонияларда маҳкумлар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизигача қийматда пул сарфлаш, қўшимча посилка, бандерол ёки йўқлов олиш ҳуқуқлари, телефон орқали сўзлашув ҳуқуқлари билан таъминланиши мумкин.

3. Қаттиқ тартибли колониядаги интизомий бўлимларида қарцерларда жазони ўтаётган маҳкумлар эса чекиш, столда ўйналадиган ўйинлардан, китоб, газета-журнал ва бошқа адабиётлардан, ўрин-кўрпа буюмлардан, телефон орқали сўзлашув ва учрашувлардан фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулоти ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, йўқлов, посилка ҳамда бандеролларни олиш ва жўнатиш, хат ва бошқа жўнатмаларни юбориш ман этилади. Уларга ўзлари билан бирга озиқ-овқат ва шахсий буюмларни олиб кириш тақиқланади, ювиниш пайтида фойдаланиш учун бериладиган нарсалар бундан мустасно.

20-БОБ. МАХСУС ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

120-модда. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ тартиби

Махсус тартибли колонияларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;
умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар;

суд томонидан қаттиқ тартибли колониялардан интизомий жазо тарзида қайтарилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Махсус тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

1. Шарҳланаётган модда мазмунидан англашилишича, махсус тартибли колония ўзига хос томонлари билан колонияларнинг бошқа турларидан ажралиб туради. Умумий шароитдаги махсус режимли колонияларда ҳам маҳкум шароитининг алоҳида оғирлаштирилганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам махсус режимли колонияларда фақат ўта хавфли рецидивистлар ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш афв этилиб озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумларгина сақланиши мумкин.

Махсус тартибли колонияларга аёллар юборилмайди.

Махсус тартибли колонияларда сақланаётган маҳкумлар ҳам жазонинг учдан бир қисмини ўтаб бўлгандан сўнг енгиллаштирилган шароитга ўтказилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкумларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 104-моддаси талабларига биноан қўшимча имтиёзлар берилади. Маҳкум қандай шартларга кўра енгиллаштириладиган шароитларга ўтказилган бўлса, худди шу тартибда қарцерларга киритиб қўйилишлари мумкин. Қарцерга киритиб қўйишга ўн беш суткагача рухсат берилади. Жумладан, маҳкумлар турмалардан жазони ижро этиш колониясига ва махсус тартибли колониядан қаттиқ тартибли колонияга суд тайинлаган жазо муддатининг камида яримини ўтаганлари-

дан кейин, Жиноят-процессуал кодекснинг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ўтказилади.

Жумладан, ушбу моддада таъкидланишича қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга ва колониядан турмага ўтказиш жазони ижро этиш муассаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан, шунингдек, маҳкум ёки унинг ҳимоячисининг илтимосномасига кўра, судья томонидан амалга оширилади.

Судья жазони ижро этишнинг бир тартибли колониясидан бошқа тартибли колониясига, турмадан колонияга, колониядан турмага ўтказишни рад этса, бу масала юзасидан киритилган тақдимнома ёки илтимоснома рад қилиш ҳақида қарор чиқарилган кундан бошлаб камида олти ой ўтгач, қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ маҳкумни тарбия колониясидан жазони этиш колониясига ва умумий тартибли тарбия колониясидан кучайтирилган тартибли тарбия колониясига ўтказиш тарбия колонияси маъмуриятининг вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия билан келишилган тақдимномасига биноан судья томонидан амалга оширилади.

Ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья ишни ва маҳкум шахсини ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоғи билан йигирма ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар одатда алоҳида камераларда сақланадилар.

Камераларда сақланаётган маҳкумлар меҳнати ҳам камера шароитларига мос равишда ташкил этилади. Махсус тартибли колонияларда сақланаётган маҳкумлар ҳар куни бир ярим соатгача, енгиллаштирилган шароитга ўтказилгач эса икки соатгача сайрга олиб чиқилишлари мумкин.

121-модда. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ шартлари

Махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда ёки умумий яшаш биноларида яшайдилар. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори суммасигача озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

Маҳкумлар йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва икки марта узоқ муддатли учрашув;

уч марта телефон орқали сўзлашув;

учта посилка ёки йўқлов;

учта бандерол олиш ҳуқуқига эга (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг).

Камераларда сақланадиган маҳкумларнинг кинофильмлар ва телекўрсатувлар кўриши тақиқланади.

Жиноят-ижроия кодексининг 121-моддасига кўра, махсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда ёки умумий яшаш биноларида сақланадилар ва улар бир кунда кўпи билан 2 соатгача очик ҳавога олиб чиқилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилганда маҳкум камера типидagi яшаш жойларига сақланади. Махсус тартибли колонияларда сақланаётган маҳкумлар бир ойда энг кам ойлик иш ҳақи миқдори суммасигача озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Маҳкумларга йил мобайнида:

- икки марта қисқа муддатли ва икки марта узоқ муддатли учрашув;

- уч марта телефон орқали сўзлашув;

- учта посилка ёки йўқлов;

- учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ маҳкумларнинг камера типидagi хоналари махсус маиший талабларга биноан жиҳозланганлиги билан фарқланади. Камерада маҳкумга ётишга тахта каравот, овқатланиш ва ўтириш учун тахта стол, стул, ювиниш ва ҳожат жойлари бўлишлиги талаб этилади. Камерада маҳкум учун кун тартиби белгиланади.

Махсус тартибли колонияларда сақланаётган маҳкумлар ҳам жазонинг учдан бир қисмини ўтаб бўлганларидан сўнг енгиллаштирилган шароитга ўтказилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкумларга Жиноят-ижроия кодексининг 104-моддаси талабларига мувофиқ кўшимча имтиёзлар берилади. Маҳкум қандай

шартларга кўра енгиллаштириладиган шароитга ўтказилган бўлса, худди шу тартибда карцерларга ҳам киритиб қўйилиши мумкин. Умуман, турма ва тергов хибсхоналари карцерига киритиб қўйишга фақат 15 суткагача йўл қуйилади. Махсус тартибли колонияларда сақланаётган маҳкумлар ҳар куни бир ярим соатгача, енгиллаштирилган шароитга ўтказилганида эса, икки соатгача сайрга олиб чиқилишлари мумкин.

21-БОБ. ТУРМАЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

122-модда. Турмаларда жазони ўташ тартиби

Турмаларда жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар; суд томонидан жазони ижро этиш колонияларидан ўтказилган жазо ўташ тартибини ашаддий бузувчилар ўтайдилар.

Турмаларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш ушбу Кодекснинг 104-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Турмаларда маҳкумларни енгиллаштирилган сақлаш шароитига муддатидан олдин ўтказишга йўл қўйилмайди, маҳкумни соғлиғига кўра тегишли тиббий хулоса асосида ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

Ҳомиладор аёллар ва ёнида эмизикли боласи бор аёллар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари турмаларда жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

1. Турма жойлари ҳам колониялар сингари маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларни тўғри йўлга ўргатиш вазифаларини амалга оширади. Турма жойлари шунга қарамай колонияларнинг хусусиятларидан жиддий фарқланади. Жумладан, турмада маҳкумлар доимий камераларга қамалган ҳолда сақланадилар ва шунга кўра уларни жамиятдан ажратишнинг энг оғирлашган ҳолатларини белгилайди.

2. Турма ҳудуди режим, маъмурий ва хўжалик зоналарига бўлинади. Режим зонаси ҳудудида маҳкумлар сақланадиган корпуслар, ошхона, кир ювиш хонаси мавжуд ҳаммом, стационари мавжуд тиббиёт бўлими, сайр қилиш майдончалари, ишлаб чиқариш бинолари (камералар) жойлашади.

Сайр қилиш майдончалари, одатдагидек, корпусларнинг юқори қаватларида барпо этилади. Айрим ҳолларда, камералардан кўриб туриш имкониятига йўл қўйилмаган тақдирда, сайр қилиш майдончалари ер узра жиҳозланади. Сайр қилиш майдончаларининг юқори қисмига синч бўйлаб 12x20 см ўлчамли панжара жиҳозланади ва металл сим тўри тортиб қўйилади.

Ишлаб чиқариш корпуслари бошқа бинолардан батамом ажратилган ҳолда жойлаштирилади. Турар жой корпуслари, одатда, ишлаб чиқариш, коммунал-маиший ва бошқа объектлар билан тоннеллар ёки ер устидаги ёпиқ ўтиш жойлари орқали туташган бўлади.

Маъмурий зона ҳудудида хизмат хоналари, соқчилик хонаси мавжуд назорат-ўтказиш пункти, алоҳида ажратилган хоналардан иборат қабул бўлинмаси, навбатчилик хизмати биноси, тергов хоналари, маҳкумларни қариндош-уруғлари ва бошқа шахслар билан учрашувларга мўлжалланган хоналар жойлашади.

Хўжалик зонасида омборхоналар, сабзавот сақлаш омборлари, гараж, хўжалик устахоналари ва бошқа ёрдамчи бинолар жойлашади. Турма ҳудуди баландлиги 4, 5 (тўрт ярим) метрдан кам бўлмаган яхлит сидирға девор билан ўралади, девор периметри бўйлаб инженер-техник кўриқлаш воситалари билан жиҳозланади. Режим зонаси хўжалик зонаси ҳуди шу хилдаги девор билан ажралиб туради.

3. Турмаларда ўта хавфли рецидивистлар оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этилганида суд ҳукмига биноан юборилган маҳкумлар ҳамда ички тартиб қоидаларини ашаддий бузганлиги учун колониялардан ўтказилган маҳкумлар сақланадилар.

Колониялардан турмага маҳкум ички тартиб қоидаларни ашаддий бузувчи, маъмурият талабларига бўйсунмайдиган ҳолатларда суднинг қарори билан ўтказилади. Бундай ҳолда маҳкум турма жойи қоидаларига биноан беш йилгача эмас, балки уч йилгача ўтказилишини мумкин. Бу муддат тугаши билан маҳкум яна суд белгилаган режим тури колониясига ўтказилади.

4. Турма жойларининг ташкил этилиши ва тузилиши жиҳатидан жиддий фарқланади. Турмалар колонияларига ўхшаб режим турларига бўлинмайди. Лекин турма жойларида ҳам маҳкумнинг уч хил шароитларига мос камералар ташкил этилади. Булар оддий шароитдаги камералар ва маҳкумни оғирлаштирилган шароитларга ўтказилганида сақланадиган камералар. Турма жойларида маҳкумларнинг хўжалик хизматларини ҳам маҳкумлар томонидан амалга оширилади. Бундай ишларга махсус шундай ишлар учун колониялардан қолдирилган маҳкумлар амалга оширади.

5. Маҳкумларни турма қамоғига юборилганида суд унинг шароитини белгилаб бермайди. Ҳар бир турма жойига юборилган маҳкум умумий шароитдаги камераларга киритиб қўйилади. Бу жойда жазони ўташ вақтида маҳкумнинг шароити ўзгариши мумкин. Лекин ҳомиладор ёки эмизикли болали аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари турмада енгиллаштирилган шароитда сақланадилар. Уларни оддий ёки оғирлаштирилган шароитларга ўтказишлари мумкин эмас.

6. Маҳкумни енгиллаштирилган шароитга ўтказиш, жазонинг камида олти ойи ўтилганидан кейингина йўл қўйилиши мумкин.

Енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкум ички тартиб қондани ашаддий бузувчи деб топилганида уни умумий ёки оғирлаштирилган шароитга ўтказилишлари ҳам мумкин. Лекин бундай ўзгариш ҳам яна олти ойдан кейин йўл қўйилади.

7. Маҳкумлар фақат ўзлари сақланаётган камерадагина эркин ҳаракатланиши ва ёнидаги бошқа маҳкум билан мулоқот қилиши мумкин. Агар маҳкумни алоҳида сақлаш зарурати тузилса ёки хавфсизлик ҳолатлари вужудга келса бир кишилиқ камераларга ҳам киритиб қўйилиши мумкин. Маҳкумлар бир кишилиқ камерага киритиб қўйиш оғирлаштирилган шароитни англатмайди, фақат унинг хавфсизлигини таъминлаш чораси ҳисобланади.

123-модда. Турмаларда жазони ўташ шартлари

Турмаларда маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар. Алоҳида ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилиқ камерада сақлашга йўл қўйилади.

Турмада маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи микдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Турмаларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ва йил мобайнида:

икки марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув;

икки марта телефон орқали сўзлашув;

иккита посылка ёки йўқлов;

иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Турмаларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилган маҳкумларга рағбатлантириш тарзида ҳар кунлик сайр муддати бир соатга узайтирилиши мумкин.

1. Турмаларда жазони ўтаётган, шунингдек, умумий, қаттик, маҳсус тартибли жазони ижро этиш колонияларнинг, тарбия колонияларнинг ва турмаларнинг қабул ва интизомий бўлинмаларида, манзил колонияларнинг интизомий бўлинмаларида сақланаётган шахслар умумий камераларга жойлаштирилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида белгиланган нормаларга мувофиқ яшаш майдони билан таъминланади.

2. Маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида, муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан уни бир кишилик камерада сақлаб турилишига йўл қўйилади.

3. Турмалардаги камералар деразасининг эни 1, 3-1, 4 м ва баландлиги 1, 15-1, 2 м бўлади, турмаларнинг карцерларидаги дераза ўлчами 0, 5x0, 5 метрни, жазони ижро этиш ва тарбия колониялардаги қабул ва интизомий бўлинмаларининг хоналарида эса дераза ўлчами 0, 5x0, 9м ни ташкил этади.

Деразалар пайвандланган металл панжаралар билан жиҳозланади, зарурат бўлганда эса тулука тўсмалар ўрнатилади. Деразалар камеранинг ички томонидан ойнага қўл етмайдиган қилиб, панжара билан муҳофаза этилган бўлади. Қабул ва интизомий бўлинмалардаги коналарнинг поллари бетонланган асосга ўрнатилиб, унга тахта ёки эластик қоплама ётқизилади. Жазони ижро этиш ва тарбия колонияларнинг қабул ҳамда интизомий бўлинмаларнинг, шунингдек, турмалардаги карцерларнинг деворлари цемент қоришма билан силлик қилиб сувалади ва оқлаб қўйилади.

Камераларнинг эшиклари 6 см қалинликда бўлиб, камеранинг ички томонидан тулука билан қопланган бўлади. Эшикнинг ўртасида 1, 4-1, 5м баландликда кузатиш тўйнуғи ўрнатилади. Эшикнинг ўрта қисмида полдан ҳисоблаганда, 95см баландликда, маҳкумларга озик-овқат, китоб, йўқлов ва ҳоказолар бериш учун 18x22см ўлчамдаги дарча жиҳозланади. Дарчанинг эшикчаси йўлак томонга очиладиган бўлиб, кулф билан таъминланади.

4. Колонияларнинг интизомий бўлинмаси камераларида қўшимча тарзда думалок металл устун ҳамда кўндаланг тахтадан тайёрланган ички эшиклар (тамбурлар) ўрнатилади. Дарча худди шу эшикка ўрнатилади ва эшик сингари йўлак томонга очилади.

Камераларнинг барча эшик ва деразаларига ташвишли сигнализация ўрнатилади. Камераларнинг эшикларига махсус типдаги механик ёки электро-механик кулфлар ўрнатилган бўлиб, улар йўлак томондан очилади.

Қабул ва интизомий бўлинма камераларидаги электр симлари маҳкумлар қўли мутлако етмайдиган қилиб ўрнатилган бўлади. Умумий ёритишга мўлжалланган электр чироқлари шипларнинг ўйиқ жойига, тунги ёритгичлар эса эшикларнинг тепасидаги ўйиқ жойга ўрнатилади. Ўйиқ жойлар панжара билан батамом ажратилади.

5. Турмаларнинг камера ва маҳкумлар кириб чиқиб юрадиган бошқа жой-ларига электр симлари яширинча, кўзга кўринмайдиган қилиб ўрнатилади. Ёритгичлар уларга шикаст етказилиши эҳтимолидан муҳофазаланган бўлади. Чироқ ёкиб-ўчиргичлар ҳар бир камэра олдида йўлак томонга ўрнатилади.

Турмаларнинг камераларида, шунингдек, колонияларнинг интизомий бўлинмалари карцерларида радиорепродукторлар деворларнинг ўйиқ жойларига ўрнатилади. Контролёрларни чақириш учун камералар сигнал бериш тугмачалари билан жиҳозланади.

Турмалардаги камералар ва колонияларнинг карцерлари, интизомий бўлинма ҳибсхоналарининг камералари белгиланган нормалар бўйича инвентар ҳамда бошқа буюмлар билан таъминланади. Камераларда санитария бўлмаси жиҳозланади.

6. Турма жойларида камераларида маҳкумлар учун барча зарурат шароитлари яратилади. Маҳкум камерадан фақат суткада бир соага сайргагина олиб чиқилиши мумкин. Бошқа ҳолатларда камерадан чиқарилмайди. Турма жойларида маҳкумларни очиқ ҳавода сайр қилиш учун олиб чиқишга мўлжалланган махсус жойлар ташкил этилади.

7. Турма жойлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг оғирлаштирилган шароитларини назарда тутати. Лекин шунга қарамай маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ҳам белгиланган бўлиб озиқ-овқат ёки энг зарур буюмлар сотиб олиш, дийдор кўришув, бандерол олиш ҳуқуқлари ҳам берилади. Маҳкумларнинг озиқ-овқат ёки энг зарур нарсалар сотиб олиш маҳкумларнинг меҳнатидан тушган маблағи ҳисобига ёки унинг қариндош ёки яқинлари томонидан пул жўнатмалари ҳисобига бўлишига ҳам қонун йўл қўйилади. Бундай харид масалалари ҳам чегараланган миқдорда рухсат этилиши мумкин.

8. Турма жойида маҳкумга энг зарур нарсалар ёки озиқ-овқат сотиб олиш учун бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизигача сарфлашга рухсат этилади. Агар маҳкум енгиллаштирилган шароитга ўтказилган бўлса энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизигача қийматда сарфлашга рухсат этилади.

9. Турма жойларида сақланаётган маҳкумга бир йилда икки марта қисқа муддатли ва бир марта узоқ муддатли учрашув, икки марта телефон орқали сўзлашув, иккита посылка ёки йўқлов, иккита бандерол олишга рухсат этилади.

10. Маҳкумнинг хулқи, ички тартиб қоидаларига риоя қилиши, меҳнатдаги ютуқларини инобатга олиб, унга нисбатан ЖИКнинг 102-моддасида белгиланган рағбатлантиришларни қўллаш мумкин.

11. Турма жойларида сақланаётган маҳкумларнинг кундалик очиқ ҳавога сайр қилиш учун олиб чиқилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга ва бу ҳам қонун билан тартибга солинади. Жумладан, маҳкумлар бир суткада бир соатга очиқ ҳавога чиқариладилар, енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкумларга рағбатлантириш тарзида ҳар кунлик сайр бир соатга узайтирилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумни ижобий тарбиялашнинг асоси бўлиб ҳисобланади ва яна унинг хулқ атворининг яхшиланиши натижасида унинг хулқ-атворини рағбатлантириш ҳисобланади.

124-модда. Тарбия колонияларида жазони ўташ тартиби

Тарбия колонияларида:

Ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган маҳкумлар каттароқ ёшдаги маҳкумлардан;

биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазони ўтаган маҳкумлардан алоҳида сақланадилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ушбу Кодексининг 104-моддасида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

1. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга бўлган эътиборан нафақат ижтимоий ёки сиёсий ҳолатларда ва ҳатто жиноят содир этиб айбли ҳисобланганларида ҳам алоҳида инсонпарварлик муносабатлари қонунлаштириб берилган. Жумладан, вояга етмаганлар жавобгарлиги, уларнинг ҳуқуқларининг алоҳида ҳимояланганлиги ва ҳатто жазоларни белгилаш ва ўташ жараёнидаги инсонпарварлик хусусиятлари қонунда алоҳида белгиланган.

2. Вояга етмаганлар жавобгарлиги ва улар учун жазо масалалари ҳам ЖК ва ЖИКларида алоҳида бобларда ажратиб берилган ва жиддий янгиликларни назарда тутди.

Ўн саккиз ёшга етган маҳкумлар вояга етмаган маҳкумлардан ажратилган ҳолда сақланади. Вояга етмаганларга нисбатан алоҳида турдаги жазони ижро этиш колонияларининг ташкил этилиши уларга нисбатан тарбиявий чораларни алоҳида турларини жорий этиш имкониятларини яратади. ЖКнинг 85-моддаси ва ЖИКнинг 45-моддасига биноан вояга етмаган озодликдан маҳрум қилиш маҳкумлар тарбия колонияларида сақланадилар. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш жараёнида бу қоидага қатъий амал қилинади ва фақат суд ҳукмига қадар шахс тергов ҳибсхонасида сақланадиган ҳоллардагина бу қоидага риоя қилинмаслиги мумкин. Бу вақтда улар ҳали озодликдан маҳрум қилинган ҳисобланмайдилар.

3. Вояга етмаган маҳкумларда маҳкумларни таснифланиши уларнинг жинсига қараб ҳам фарқланади. Жумладан, илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан маҳкумларнинг эркак

жинсидагилар яна озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларида кучайтирилган тарбия колонияларида сақлансалар, вояга етмаган қизларга эса бу қоида татбиқ этилмайди. Қизлар нечанчи марта озодликдан маҳрум қилинган бўлишларидан қатъи назар умумий тартибли колонияларга юбориладилар.

Вояга етмаганларнинг таснифланиши аксарият ҳолларда ёшига нисбатан татбиқ этилади. Жумладан, ўн олти ёшгача бўлганлар алоҳида ва ўн олти ёшдан ошганлар алоҳида ажратилади.

4. Вояга етмаганларга нисбатан ЖКга биноан озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ҳар бир жиноят учун ўн беш йилгача, бир неча жиноятлар ёки бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинланганида ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Бундан ташқари вояга етмаганларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойлари ҳам алоҳида ташкил этилган улар бундай жазоларни тарбия колонияларида ўтайдилар. Вояга етмаганлар учун белгиланган тарбия колонияларидаги шароитлари ҳам энгиллаштирилганлиги билан ажралиб туради.

5. Қонунга биноан тарбия колонияларининг фақат умумий тартибли тури мавжуд. ЖКнинг 22 бобида тарбия колонияларининг хусусиятлари алоҳида қонулаштириб берилган. Умумий тартибли колонияларнинг ички хусусиятлари ҳам катталар учун белгиланган колониялардан энгиллаштирилганлиги билан фарқланади.

6. Тарбия колонияси ҳудуди баландлиги 3 (уч) метрдан кам бўлмаган девор билан ўралади, унинг ташқи периметри бўйлаб ниқобли девор ўрнатилади. Маҳкумлар учун мўлжалланган касб-ҳунар таълими ва касб тайёрганлиги синф ҳамда ёрдамчи техник хоналари бошқа бинолардан ишончли тарзда батамом ажратиб қўйилган бўлиши лозим. Турар жой зонаси ҳудудида спорт зали ёки бир вақтнинг ўзида барча маҳкумларни сафга тизиш учун майдон, стадион, зарур спорт инвентари комплекси мавжуд майдончалар жиҳозланади. Назорат-ўтказиш пункти мавжуд блокда қурол-аслаҳани сақлаш ва бериш учун мўлжалланган хоналар жойлаштирилади. Тарбия колонияларнинг интизомий бўлинмасида карцерга мўлжалланган камералар жиҳозланмайди.

7. Вояга етмаган эркаклар озодликдан маҳрум қилишга биринчи марта ҳукм қилинганларида ва аёллар нечанчи марта озодликдан маҳрум қилишган бўлишига қарамай умумий тартибли тарбия колонияларида сақланадилар. Эркак жинсидаги маҳкумлар илгари озод-

ликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан бўлсалар кучайтирилган тартибли колонияларида сақланадилар.

8. Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунга қадар сақланадилар. Вояга етганлигидан сўнг уларни жазони ўташ колонияларига ўтказадилар. Қонунга биноан маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигига қараб жазони ижро этиш колониясининг тури белгиланади. Унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятини қасддан содир этганлар унча оғир бўлмаган жиноятни қасддан биринчи марта содир этилганлар умумий тартибли колонияга ўтказадилар. Ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар оғир жинояти учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар сақланадиган умумий тартибли колонияга ўтказдилар. Эҳтиётсизликдан жиноят содир этганлар ўн саккиз ёшга етганларидан сўнг манзил колонияларига ўтказиладилар.

125-модда. Тарбия колонияларида жазони ўташ шартлари

Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки ярим бараваригача бўлган суммага озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қиём)

Тарбия колонияларида маҳкумлар йил мобайнида:

олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув;

ўн икки марта телефон орқали сўзлашув;

олтита посылка ёки йўқлов;

олтита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Ўн саккиз ёшга тўлган ва тарбия колонияларида қолдирилган маҳкумларга вояга етмаган маҳкумлар учун белгиланган нормаларда овқат, уст-бош, моддий-маиший таъминот ва бошқа жазо ўташ шароитлари татбиқ этилади. Бу шахсларнинг меҳнат шароитлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

1. Тарбия колонияларида ҳам маҳкумларни енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароитлари мавжуд. Бундан ташқари маҳкумнинг интизомсизлиги, ички тартиб қоидаларини доимий бузувчиларига нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар ҳам мавжуд ҳибсхоналарга

киритиб қўйилган маҳкумларнинг шароити албатта оғирлаштирилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумнинг ижобий хулки, меҳнатга ҳалол муносабати ҳамда интизомий жазо чорасининг бўлмаслиги ва биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўтаётган эркакга ёки аёлларга камида жазонинг уч ойини утаганидан сўнг, илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан эркакларга эса камида олти ойини ўтаганидан сўнг қўлланилади.

2. Маҳкумни енгиллаштирилган шароитдан яна умумий шароитларга ҳам қайтариллиши мумкин. Маҳкумни ҳибсхонага киритиб қўйиш улар ёмон хулқи, доимий интизомий жазоланганлиги сабаб бўлиши мумкин. Ҳисобхонага киритиб қўйиш ўн суткадан ошмаслиги лозим.

3. Тарбия колонияларида маҳкумларга тарбиячилар тайинланади. Тарбиячилар маҳкумларнинг кундалик фаолиятларини белгилаб беради, назорат қилади ва бошқаради. Тарбия колонияларида маҳкумни енгиллаштирилган шароитга ўтказиш ёки ҳисобхонага киритиб қўйишни тарбиячининг тавсиясига кўра колония бошлиғининг буйруғи билан ҳал қилинади.

4. Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий ётоқхоналарда яшайдилар. Умумий тартибли тарбия колониясида сақланаётганлар бир йилда олти марта қисқа муддатли ва олти марта узоқ муддатли учрашув, ўн икки марта телефон орқали сўзлашув, олти марта посылка ёки йўқлов, олти бандерол олиш ҳуқуқига эга. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилганларида қўшимча яна биттадан учрашув, телефон орқали сўзлашув, посылка ёки йўқлов олиш ҳуқуқи ҳам берилади. Тарбия колонияларида рағбатлантириш чоралари жуда кенг қўлланилади. Вояга етмаганларнинг ахлоқан тузалишида ва уларни қайта тарбияланишларида рағбатлантириш чораларининг аҳамияти жуда сезилади. Рағбатлантириш чоралари маҳкумнинг ҳар бир ютуғи, хулқининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларининг бажарганлиги натижасида қўлланилади. ЖИКнинг 102-моддасига биноан ташаккур эълон қилиш, илгариги интизомий жазони муддатни олдин бекор қилиш, мақтов ёрлиғи бериш, қимматли совға билан тақдирлаш, пул муқофати бериш, қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари қўшимча посылка, йўқлов ёки бандерол олиш ҳуқуқи бериш, қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашувга руҳсат бериш, озиқ-овқат ёки зарурий нарсалар сотиб олиш пул қийматини ошириш каби имтиёзлар берилади. Бундай имтиёзларни муддатлари чегараланмаган.

126-модда. Тарбия колонияларида қўлланиладиган қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари

Тарбия колонияларида маҳкумлар ушбу Кодекснинг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари:

муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини қўришга юбориш;

кисқа муддатли учрашув ўрнига ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш;

ҳибхонада бўлиш муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш тариқасида рағбатлантирилишлари мумкин.

Жазони ўташ тартибини бузганлиги учун тарбия колонияларида маҳкумларга ушбу Кодекснинг 105-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари томошага боришдан бир марта маҳрум этиш тариқасидаги жазо қўлланилиши мумкин.

1. Тарбия колонияларида маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чоралари ҳам жуда кенг қўлланилади, бу вояга етмаганларнинг ахлоқан тузалишида ва уларни қайта тарбияланишида сезиларли аҳамиятга эга. Ўз ўрнида рағбатлантириш чоралари ҳам маҳкум хулқининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларини бажарганлигини инобатта орган ҳолда берилади. Умуман олганда, тарбия колониялардаги маҳкумларни қўшимча рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ҳам Жиноят-ижроия кодексининг 126-моддасида ўз ифодасини топган.

2. Яхши хулқ-атвори, меҳнатга ва таълимга виждонан муносабати, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштироки учун тарбия колонияларида озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга шарҳланаётган моддада Жиноят-ижроия кодексининг 102-моддасида назарда тутилган рағбатлантириш чораларидан ташқари ҳам рағбатлантириш чоралари қўлланилиши назарда тутилади.

3. Тарбия колониясида маҳкумнинг ҳар бир ютуғи, хулқининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларининг бажарганлиги дарҳол рағбатлантирилади. Муассаса ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини қўришга юбориш ана шундай қўшимча рағбатлантириш чораларидан ҳисобланади. Муассаса ҳуду-

дидан ташқарида ўтказиладиган маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юбориш, албатта, мазкур муассаса ходимлари назоратида амалга оширилади.

4. Тарбия колониясида озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумга қўлланиладиган қўшимча рағбатлантирувчи чоралардан бири бўлиб, маҳкумнинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш ҳисобланади. Маҳкумнинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёки яқин қариндошлари кузатувида саккиз соатгача бўлган муддатга эркинликка чиқариш қисқа муддатли учрашув ўрнига қўлланилади.

5. Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо чораси муддатини қисқартириш ва ундан муддатидан илгари озод қилиш ҳам шарҳланаётган моддада қўшимча рағбатлантирувчи чора сифатида назарда тутилади.

6. Шунингдек, ушбу моддада юқорида кўрсатилган қўшимча рағбатлантириш чораларидан ташқари тарбия колонияларида жазони ўташ тартибини бузганлиги учун маҳкумларга қўшимча интизомий жазо чораси ҳам назарда тутилган. Маданий-томоша ва спорт тадбирларини кўришга юборишдан бир мартага маҳрум қилишдан иборат қўшимча интизомий жазо чораси Жиноят-ижроия кодексининг 105-моддасидаги интизомий жазо чораларига кирмайди.

127-модда. Ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо чорасини қўллаш хусусиятлари

Тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тариқасидаги интизомий жазо ўн уч ёшдан ўн олтигача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундап катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади.

Тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланади.

1. Тарбия колонияларида маҳкумларга нисбатан тарбиячилар тайинланиб, тарбиячилар маҳкумларнинг кундалик фаолиятларини белгилаб беради, назорат қилади ва бошқаради. Тарбия колонияларида маҳкумларни енгиллаштирилган шароитга ўтказиш ёки ҳибсхонага киритиб қўйиш тарбиячининг тавсиясига кўра, колония бошқарувининг буйруғи билан амалга оширилади.

2. Маҳкумнинг интизомсизлиги, ички тартиб-қоидаларни доимий бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар мавжуд бўлиб, ҳибсхоналарга куйилган маҳкумларнинг шароити, албатта, оғирлаштирилади. Жиноят-ижроия кодексининг 127-моддасида тарбия колониясида ҳибсхонага киритиб қўйиш тартибидаги интизомий жазо ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган маҳкумларга етти суткагача, ўн олти ва ундан катта ёшдаги маҳкумларга эса ўн суткагача бўлган муддатга қўлланилади. 2003 йил 30 августда Жиноят-ижроия кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар бу моддани ҳам четлаб ўтмади. Унда тарбия колониясининг ҳибсхонасига киритиб қўйилган маҳкумларнинг сайр қилиш муддати суткасига икки соат қилиб белгиланди. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабати ҳамда интизомий жазо чорасининг бўлмаслиги ва жазонинг камида 1/4 қисмини ўтаганидан сўнг қўлланилади.

128-модда. Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумлар, одатда, йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, тарбия колонияларида қолдирилади.

Маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан амалга оширилади.

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия кодексига кўра, вояга етмасдан туриб, жиноят содир қилган шахслар тарбия колонияларида жазони ўтайдилар. Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунларига қадар сақланишлари мумкин. Вояга етганларидан сўнг, улар жазони ўташ колонияларига ўтказишлари мумкин. Масалан, Жиноят-ижроия кодексининг 129-моддасига асосан, маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганида, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан сўнг жазо ўташни давмо эттиришлик мақсадида тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноят учун ҳукм қилинган маҳкумлар ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятлар учун

ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колонияларга ўтказилади.

2. Вояга етмаган маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга бўлган ҳалол муносабати ва бошқаларга ўрناк бўла олишлиғи ҳисобга олиниб, жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасининг 4-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади: «ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясидан жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масаласини ҳал этишда судья унинг тузалиш даражасини ҳисобга олиши лозим. Маҳкум тарбия колониясида жазони ўташ муддатини давом эттириш учун узоғи билан 25 ёшга тўлгунга қадар қолдирилиши мумкин».

3. Шунингдек, маҳкумларни жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш масаласи Жиноят-ижроия кодексининг 128-129-моддалари талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиб, одатда, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар 18 ёшда бўлса, 21 ёшга тўлгунга қадар тарбия колонияларида қолдирилади, маҳкумларни тарбия колонияларида қолдириш муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори билан, жазони ўташни давом эттириш учун жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш масаласи агарда маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевоқиф мурожаат етмаган бўлса, суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

129-модда. Маҳкумларни тарбия колонияларидан жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш

Маҳкумлар йигирма бир ёшга тўлганидан, салбий тавсифга эга маҳкумлар эса ўн саккиз ёшга тўлганидан кейин жазо ўташни давом эттириш учун тарбия колониясидан умумий тартибли колонияга ўтказилади.

Жазо ўташни давом эттириш учун маҳкумларни жазони ижро этиш колониясига ўтказиш масалалари суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда ҳал этилади.

1. Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунга қадар сақланадилар. Вояга етганлигидан сўнг уларни жазони ўташ колонияларига ўтказадилар. Қонунга биноан маҳкумнинг содир этган жиноят

тининг ижтимоий хавфлилигига қараб жазони ижро этиш колония-сининг тури белгиланади. Унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятини қасддан биринчи маротаба содир этган маҳкумлар жазони умумий тартибили колонияларда ўтайдилар. Ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахслар оғир жинояти учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар сақланадиган умумий тартибли колонияга ўтказиладилар. Эҳтиётсизликдан жиноят содир этганлар ун саккиз ёшга етганларидан сунг манзил колонияларига ўтказдилар.

2. Маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабати ва бошқаларга ўрнак бўла олишлигини ҳисобга олиб маъмурият уни яна йигирма беш ёшга етгунига қадар тарбия колониясида қолдириши ҳам мумкин. Маҳкумни жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш масаласини суд томонидан ҳал этилади.

23-БОБ. АЙРИМ ТОИФАДАГИ МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН ЖАЗОНИ ЎТАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

130-модда. Маҳкума ҳомиладор аёллар ва боласи бор аёллар учун қўшимча ҳуқуқлар

Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ушбу Кодексда маҳкумлар учун назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари:

муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш;

болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш;

болаларини жойлаштириб келиш ва улар билан учрашиш учун муассаса доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига ҳам эга.

Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари билан муддати беш суткагача бўлган, шу жумладан муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти билан, узоқ муддатли учрашув берилиши мумкин.

1. Шарҳланаётган модда Жиноят-ижроия кодексига мустақил модда сифатида мазкур тоифа маҳкумларни, шунингдек, уларнинг вояга етмаган болаларини алоҳида ҳимоя қилиш, ғамхўрлик қилишни таъкидлаш мақсадида киритилган. Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ушбу кодекснинг махсус қисмида маҳкумлар учун кўзда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Ушбу ҳуқуқлардан ташқари улар учун шарҳланаётган моддада алоҳида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўшимча ҳуқуқлар ҳам кўзда тутилган.

2. Ижобий хулқ-атворли ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга прокурор санкцияси билан тасдиқланган муассаса маъмурияти раҳбари қарори асосида муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти берилиши мумкин. Ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларнинг муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш тартиби ушбу кодекс (хусусан, Жиноят-ижроия кодексининг 131-моддаси шунга бағишланган) билан белгиланган.

3. Уч ёшга тўлмаган боласи бор маҳкума аёллар болаларини жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйига жойлаштириш ҳуқуқига эга. Болалар уйида, шунингдек, озодликдан маҳрум

Муассаса худудидан ташқарида яшаш ҳукуки Жиноят кодекси 73-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган маҳкумларга берилмайди.

Колония худуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумлар:

хона типигаги турар жойларда жойлашадилар ва муассаса маъмуриятининг назорати остида бўладилар;

эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида белгиланган йўналишлар доирасида эркин юриш ҳукукидан фойдаланадилар;

фуқаролар киядиган кийимда юришлари, ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

чекланмаган миқдорда бандерол, посылка ва йўқловлар олиш ҳамда жўнатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳукукига эга. Қисқа муддатли учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади.

Муассаса худуди доирасидан ташқарида яшаш ҳукуки куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта кўпол тарзда бузилганда;

ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда;

бола уч ёшга тўлганда.

1. Шарҳланаётган модда махсус йўналишга эга бўлиб, мустақил модда сифатида ушбу тоифа маҳкумларни, шунингдек, уларнинг ёш болаларини алоҳида ғамхўрлик қилишни таъкидлаш мақсадида киритилган.

Ижобий тавсифга эга (яхши хулқ-атвор, меҳнат ва таълимга виждонан муносабатда бўлиш, тарбиявий тадбирларни ташкил этишда фаол иштирок этиш, оилаеи билан доимий мулоқотда бўлиши ва ш.к.) маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тўлгунга қадар муассаса бошлиғининг прокурор тасдиқлаган қарори билан колония худудидан ташқарида яшашга рухсат этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қонунчиликда икки вақт омили ажратилган. Биринчиси маҳкума аёлни ҳомиладорлик ва бола туғилгунга қадар ҳамда туғилгандан сўнг бўлган муддатда колония худудидан ташқарида яшаши билан

боғлиқ ҳисобланади. Иккинчиси эса, боланинг туғилганидан сўнг ҳамда унинг уч ёшга етганига қадар бўлган муддатни камраб олади.

Бунда асосий мезон сифатида маҳкума аёлнинг ижобий хулқ-атвори намоён бўлади.

2. Агар маҳкума аёлни жазони ўташ жараёнида ижобий жиҳатдан тавсифлаб бўлмаса, шунингдек: а) ўта хавфли рецидивист; б) жиний уюшма ташкилотчиси ёки иштирокчиси бўлса, унга колония ҳудудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи тақдим этилмайди.

Маҳкума аёлларга колония ҳудудидан ташқарида яшашга жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг прокурор тасдиқлаган қарори билан рухсат берилади.

Маҳкума аёлларнинг колония ҳудудидан ташқарида яшаши тўғрисида қарор қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: маҳкума аризаси ёки муассаса маъмурияти илтимосномаси; маҳкум хулқини тавсифловчи тавсифнома; маҳкуманинг ҳомиладорлик ҳамда туғиш муддатларини тасдиқловчи касаллик тарихидан кўчирма; уч ёшга тўлмаган боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси (нусхаси) ҳамда колония ҳудудидан ташқарида яшашини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

3. Жазони ижро этиш колонияси ҳудудидан ташқарида яшаш ҳуқуқини қўлга киритган маҳкума аёллар колония маъмурияти назоратида бўлган (одатда, колония ҳудуди хўжалик қисмидаги) хона типдаги яшаш биносига жойлаштирилади. Уларга уйқудан туриш ва уйқуга ётишгача бўлган вақт оралиғида муайян йўналишларда эркин ҳаракатланиши мумкин бўлади.

4. Ушбу тоифа маҳкума аёллар колония ҳудудидан ташқарида яшаб ўз ҳисобларидан фуқаролик намунасидаги кийимда юришлари мумкин, бундай имконият мавжуд бўлмаган тақдирда улар белгиланган намунадаги кийимда юрадилар. Бундан ташқари улар ёнларида қимматбаҳо буюмлар ва пул олиб юришлари ҳамда улардан озик-овқат маҳсулотлари ва ички тартиб қоидаларда тақиқланмаган бошқа буюмларни қўлга киритишда чеклашларсиз фойдаланишлари мумкин.

5. Ҳомиладор аёллар ва янги чақалоғи бор аёлларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг соғлиғини ёмонлашмаслигини таъминлаш мақсадида жиноят-ижроия қонунчилигида уларнинг чекланмаган миқдорда бандерол, посилка ва йўқловлар олишлари мумкинлиги кўзда тутилган. Шунингдек, уларнинг чеклашларсиз қисқа муддатли учрашувлар ҳуқуқи таъминланади. Бундай учрашувлар муддати одат-

да тўрт соатгача бўлиб, маҳкума аёлларнинг ишдан бўш вақтларида амалга оширилади.

6. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ушбу тоифа аёлларнинг колония худудидан ташқарида яшаш ҳуқуқини қуйидаги уч ҳолатда бекор қилиши мумкин. Биринчи ҳолатда, жазони ўташ тартиби мунтазам (икки ёки ундан кўп маротаба) равишда ёки бир марта кўпол тарзда бузилганда (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда тақиқланган ҳуқуқбузарликлардан бири содир этилганда, шунингдек, ички тартиб қоидаларда тақиқланган буюмларни сақланган, тарқатилган ёки фойдаланилганда). Иккинчи ҳолат ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаши билан боғлиқ. Учинчи ҳолатда маҳкума аёлнинг колония худудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи бола уч ёшга тўлиши муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

Колония худудидан ташқарида яшаш яна, шунингдек, маҳкума аёл қонунда белгиланган тақдирда болани уч ёшга тўлганига қадар қариндошларига ёки васийлик ва ҳомийлик органлари қарорига кўра бошқа шахсларга ёхуд болалар уйига берган тақдирда ҳам тугатилиши мумкин.

132-модда. Болаларни жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш

Маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилади, унда болалар нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади.

Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болаларини болалар уйига жойлаштиришга ва ишдан бўш вақтда улар билан бирга бўлишга ҳақли.

Болалар уйидаги бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки, ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига кўпи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

1. Жинойт-ижроия қонунчилигига мувофиқ, маҳкума аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилиши мумкин бўлиб, ушбу муассасалар ўз мақомига кўра махсус штатли болалар уйи ҳисобланади. Унда болалар нормал яшаши ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади, жумладан, махсус ошхона ташкил этилиб, унда болалар учун махсус иссиқ овқатлар пиширилади. Болалар уйи колониянинг алоҳида худудидида ташкил этилади, тегишли тартибда болалар учун зарур бўлган буюм ва жиҳозлар билан жиҳозланади, махсус ўйин хоналари ташкил этилади.

2. Болалар болалар уйида уч ёшга тўлгунларига қадар сақланишлари мумкин. Маҳкума аёллар уч ёшга тўлмаган болалари билан муомаласи унинг ишдан бўш вақтларида амалга оширилади, санитария ёки тиббий кўрсаткичлар билан боғлиқ айрим ҳолатлар бундан мустасно.

3. Жинойт-ижроия қонунчилигига мувофиқ, болалар уйидаги бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки, ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

4. Агар маҳкуманинг жазони ўташ муддати тугашига кўпи билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган ҳамда ижобий хулқи билан тавсифланган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин.

133-модда. Маҳкума аёлларнинг муассаса доирасидан четга қисқа муддатли чиқиши

Мақтабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлариникига, васийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун бориш-келиш вақтини (тўрт суткагача) ҳисобга олмаган ҳолда ўн беш суткагача муддатга четга чиқишга рухсат этилиши мумкин.

Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта улар билан учрашиш учун йўлга кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткагача бўлган муддатга четга чиқишга рухсат этилади.

1. Жинойт-ижроия қонунчилигига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумалар муассаса доирасида

қисқа муддатли учрашувлар ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда бошқа тоифа маҳкумлар билан таққослаганда, мактабгача ёшда бўлган болали ҳамда ногирон болали маҳкума аёллар имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар.

2. Ушбу тоифа маҳкумларга жазони ижро этиш колониясидан чиқиш ҳуқуқининг тақдим этилиши жиноят-ижроия қонунчилигини инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш шакли ҳисобланади ҳамда уни маҳкумлар билан муомала қилишга доир халқаро стандартларга янада яқинлаштиради. Ушбу норма муҳим рағбатлантирувчи аҳамиятга эга бўлиб, маҳкумларни ўз оилалари билан муносабатларини қўллаб-қувватлайди.

3. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмида мактабгача ёшдаги болалари бор маҳкума аёлларга болаларини қариндошлариникига, васийлариникига ёки болалар муассасаларига жойлаштириб келиш учун ўн беш суткагача муддатга четга чиқишга руҳсат этилиши мумкин. Бунда маҳкума аёлнинг бориш-келиш вақти (тўрт суткагача) ҳисобга олинмайди. Шу ўринда ушбу нормада бориш-келиш вақти тўрт суткадан ошмаслиги белгиланган ҳамда унда бориш-келиш вақтини тўрт суткадан ошириш тартиби кўзда тутилмаган.

4. Жиноят-ижроия қонунида вояга етмаган ногирон боласи бўлган маҳкума аёлларнинг ҳуқуқлари илк бора сезиларли даражада кенгайтирилди. Вояга етмаган ногирон болалари бор аёлларга бир йилда бир марта етти суткагача бўлган муддатга четга чиқишга руҳсат этилади ҳамда бунда йўлда бориш ва кетиш билан боғлиқ муддат қўшилмайди.

5. Маҳкумларни белгиланган муддатда қайтишини мушкуллаштирувчи ёки белгиланган муддатда қайтишини рад этувчи шароитлар билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия қонунчилигининг бошқа нормалари билан тартибга солинади.

6. Мазкур тоифа маҳкумларнинг ташқарига чиқиш муддатлари жазони ижро этиш муддати га қўшиб ҳисобланади.

7. Муассаса ташқарисига чиқиш билан боғлиқ харажатлар маҳкумнинг шахсий ҳисобварвағидан ёки бошқа шахслар (қариндошлар, нодавлат ташкилотлар ва х.к.) ҳисобидан амалга оширилади.

134- ва 135-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги қонуни билан чиқариб ташланган.

Ҳ БЎЛИМ. УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

24-БОБ. УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

136-модда. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда сақланадилар. Уларга нисбатан ушбу бобда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда махсус тартибли колониялар тартиби татбиқ этилади.

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар камераларга кўпи билан икки кишидан жойлаштирилади. Маҳкумларнинг илтимосига кўра ёки зарурат тақозо этганда улар бир кишилик камераларда сақланишлари ҳам мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар жазони қаттиқ, одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар жазонинг дастлабки ўн йилини қаттиқ сақлаш шароитларида ўтайдилар.

Муддатнинг камида ўн йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар қаттиқ сақлаш шароитларидан одатдаги сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

Муддатнинг камида ўн беш йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар одатдаги сақлаш шароитларидан енгиллаштирилган сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

1. Жиноят-ижроия кодексига ўлим жазосини ижро этиш номли 5-бўлимнинг ўрнига янги умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш номли янги бўлим киритилиб, у умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартиби, уни ўташ шароитлари, умр-

бод озодликдан маҳрум қилишга маҳкум қилинганларнинг меҳнати, уларни рағбатлантириш ва интизомий жазога тортиш тартибини ва афв этишни сўраб илтимоснома киритиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Жиноят-ижроия кодексининг 136-моддада умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартиби белгиланган, унга кўра умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар махсус сақлаш шароитларига эга бўлган махсус тартибли колонияларда сақланадилар.

3. Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар камераларга кўпи билан икки кишидан жойлаштириладилар. Маҳкумларнинг илтимосига кўра ёки зарурат тақозо этганда улар бир кишилик камераларда сақланишлари ҳам мумкин. Қонунга кўра умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар жазонинг дастлабки ўн йилини қаттиқ сақлаш шароитларида ўтайдилар ва муддатнинг камида ўн йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазолар (огоҳлантириш; ҳайфсан; енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш; интизомий бўлинмага киритиб қўйиш ва ҳоказо) олмаган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар қаттиқ сақлаш шароитларидан одатдаги сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

4. Муддатнинг камида ўн беш йилини ўтаган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар одатдаги сақлаш шароитларидан енгиллаштирилган сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

137-модда. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ шароитлари

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бир нафар маҳкумга тўғри келадиган турар жой майдонининг нормаси тўрт квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Қаттиқ сақлаш шароитларида жазони ўтаётган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага ҳар ойда озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, йил мобайнида бир марта қисқа муддатли учрашиш, бир

марта телефон орқали сўзлашиш, битта посилка ёки йўқлов, битта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Одатдаги сақлаш шароитларида жазони ўтаётган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва бир марта қисқа муддатли учрашиш, икки марта телефон орқали сўзлашиш, иккита посилка ёки йўқлов, иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Енгиллаштирилган сақлаш шароитларида жазони ўтаётган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақининг бир ярим бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва икки марта қисқа муддатли учрашиш, уч марта телефон орқали сўзлашиш, учта посилка ёки йўқлов, учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар, сақлаш шароитларидан қатъи назар, ҳар куни бир ярим соатгача сайр қилиш ҳуқуқига эга.

1. Жиноят ижроия кодексининг 137-моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ шартлари кўрсатилган. Ушбу моддага мувофиқ, умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бир нафар маҳкумга тўғри келадиган турар жой майдонининг нормаси тўрт квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

2. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларнинг ҳар ойда озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнидаги учрашувлари сони, телефон орқали сўзлашуви, посилка, йўқлов, бандерол олиш ҳуқуқлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.

3. Қаттиқ сақлаш шароитларида жазони ўтаётган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фоизигача бўлган суммага ҳар ойда озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобай-

нида бир марта қисқа муддатли учрашиш, бир марта телефон орқали сўзлашиш, битта посылка ёки йўқлов, битта бандерол олиш ҳуқуқига эга бўлиб, одатдаги сақлаш шароитларида жазони ўтаётган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг бир бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва бир марта қисқа муддатли учрашиш, икки марта телефон орқали сўзлашиш, иккита посылка ёки йўқлов, иккита бандерол олиш ҳуқуқига эгадир.

4. Енгиллаштирилган сақлаш шароитларида жазони ўтаётган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар ўз шахсий ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлардан белгиланган энг кам иш ҳақининг бир ярим бараваригача миқдордаги суммага ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, йил мобайнида бир марта узоқ муддатли ва икки марта қисқа муддатли учрашиш, уч марта телефон орқали сўзлашиш, учта посылка ёки йўқлов, учта бандерол олиш ҳуқуқига эга.

5. Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумлар, сақлаш шароитларидан қатъи назар, ҳар куни бир ярим соатгача сайр қилиш тўлиқ қонун билан кафолатлаб қўйилган.

138-модда. Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этиш

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг меҳнати одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камераларида ташкил этилади.

1. Жиноят-ижроия кодексининг 138-моддасида умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этиш ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга мувофиқ умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг меҳнати одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган шахслар учун иш камераларида ташкил этилиши кўрсатилган. Ушбу меҳнат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан тартибга солинади.

2. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга маҳкум қилинганларнинг меҳнатини ташкил этиш тартибини белгиланиши, биринчидан, Бирлашган Миллатлар ташкилотининг 1966 йилдаги “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт” Қоидаларининг 71.3-бандидаги “Маҳкумларга нормал иш кунини тўлдириш учун етарли бўлган фойдали ишни юклатиш лозим” деган норма талабларига мос келса, иккинчидан, фуқароларда умрбод озодликдан маҳрум қилишга маҳкум қилинганларни давлат бюджети ҳисобидан таъминланар экан деган фикрни уйғотмасликка олиб келади.

139-модда. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 102-моддаси биринчи қисмининг иккинчи – бешинчи хатбошларида назарда тутилган рағбатлантириш чоралари қўлланилади. Белгиланган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитларига ўтказилган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш тартибда қўшимча учрашиш ёки телефон орқали сўзлашиш имконияти ҳам берилиши мумкин.

Умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан ушбу Кодекс 105-моддаси биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган интизомий жазо чоралари қўлланилади. Одатдаги ва енгиллаштирилган сақлаш шароитларида сақланаётган умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, сақлаш тартибини ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумлар:

енгиллаштирилган сақлаш шароитларидан одатдаги ёки қаттиқ сақлаш шароитларига;

одатдаги сақлаш шароитларидан қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

1. Жинойт-ижроия кодексининг 139-моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби белгиланган бўлиб, маҳкумларга нисбатан куйидаги рағбатлантириш чоралари: илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш; ёрлик, кимматли совға ёки пул мукофоти билан тақдирлаш; қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳукуки бериш қўлланилиб, лекин уларга нисбатан бошқа маҳкумлар фойда-

ланиши мумкин бўлган озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул суммасини кўпайтириш каби рағбатлантириш чоралари қўлланилмайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган рағбатлантириш чораларидан ташқари бошқа рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

2. Жазони ўташ тартибини бузган умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларга ЎЗР ЖИКнинг 105-моддасидаги интизомий жазо чораларидан фақат огоҳлантириш; ҳайфсан; интизомий бўлинмаган киритиб қўйиш каби чоралар қўлланилиши белгиланган. Бу эса ЎЗР Жиноят ижроия кодекси 6-моддасидаги қонунийлик, адолат, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя қилиш каби принципларга мос келади.

3. Агарда маҳкум жазони ижро этувчи муассасасанинг ички тартиб қоидаларини бузса, енгиллаштирилган сақлаш шароитларидан одатдаги ёки қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказиладилар ёки одатдаги сақлаш шароитларидан қаттиқ сақлаш шароитларига ўтказилишлари мумкин.

140-модда. Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш

Афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса, тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган

бўлса, – тайинланган жазо муддатининг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 140-моддасида афв этиш тўғрисида илтимоснома бериш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу модданининг иккинчи қисмида умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс томонидан афв этиш тўғрисидаги илтимоснома тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатан ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум тўғри йўлга қаттиқ турган бўлса, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазога эга бўлмаса, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан ёндошаётган бўлса, тарбиявий тадбирларни ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса, тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлгандан кейин берилиши мумкин.

1. Афв этиш тўғрисида илтимосномани бериш тартибини Жиноят-ижроия кодексига киритилишининг ўзига хос томони Конституциямизнинг моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўлиқ акс эттиради.

2. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактнинг 10-моддаси, 3-банди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасига кўра жазонинг асосий мақсади маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Ўлим жазоси эса бундай мақсадларни кўзламайди, балки шахсни жисмонан йўқ қилишга олиб келади.

3. ЎзР ЖИКнинг 140-моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг афв этишни сўраб илтимоснома бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби белгиланган.

5. Агар умрбод озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкум тайинланган жазо муддатининг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агарки жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса, тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

6. Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкум эса тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этиб келаётган бўлса, – тайинланган жазо муддатининг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин берилиши мумкин.

7. Умрбод ва узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазосини афв этиш бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг мутлоқ ваколатига киради ва тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солади.

VI БЎЛИМ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА НИСБАТАН ХИЗМАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ, ҚАМОҚ ВА ИНТИЗОМИЙ ҚИСМГА ЖЎНАТИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ

25-БОБ. ХИЗМАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ ВА ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ

141-модда. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо ижросини маҳкум ҳарбий хизмат ўтаётган жойдаги, ушбу Кодекс 14-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган командир (бошлик) амалга оширади.

Командир (бошлик) ҳукм нусхасини ва суд фармойишини олганидан кейин уч кун ичида қуйидагиларни кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради:

маҳкум ҳарбий хизматчини лавозим ва ҳарбий унвонда кўтаришга тақдим этмаслик асоси ва муддати;

ҳарбий хизматчига навбатдаги ҳарбий унвон бериш ҳамда пенсия тайинлаш учун унинг хизмат муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган вақт;

маҳкумнинг пул таъминотидан давлат фойдасига ўтказиладиган чегирма миқдори.

Командир (бошлик) буйруғи маҳкум ҳарбий хизматчи эътиборига етказилади ва унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига ҳукм нусхаси билан биргаликда қўшиб қўйилади.

Командир (бошлик) ҳукм ижро этилганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга уч кунлик муддат ичида хабар беради.

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш тартибини кўзда тутувчи Жиноят-ижроия кодексининг ушбу боби ўз мазмунига кўра янги ҳисобланади, зотан мазкур масала олдинги Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексига кўзда тутилмаган эди. Мазкур масала илк бора 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексига ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган асосий жазо чораси сифатида ўз ифодасини топди. Жиноят қонуни 47-моддасига биноан, хизмат бўйича чеклаш – офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапор-

шик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир.

Хизмат бўйича чеклаш жиноий жазо чораси сифатида ахлоқ тузатиш ишлари билан мазмунан ўхшаш (миқдори, моҳияти ва ҳ.к.) бўлиб, уларнинг фаркли жиҳатини уларнинг субъектида кўришимиз мумкин. Хусусан, ахлоқ тузатиш ишлари жиноят содир этиш жараёнида ҳарбий хизматни ўтамаётган бўлган фуқароларга нисбатан қўлланилса, хизмат бўйича чеклаш жиноят содир этиш жараёнида амалда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбийларга нисбатан қўлланилади. Юқоридагилар асосида ҳамда жиноят қонуни 47-моддасини мазмунан таҳлил этиб шундай ҳулосага келишимиз мумкинки, хизмат бўйича чеклаш ҳарбийларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишларини қўллашда ифодаланадиган жиноий жазо чораси саналади.

Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси Жиноят кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки огир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини қўллаши мумкин.

ЖК 47-моддаси мазмунига мувофиқ, хизмат бўйича чеклаш фақатгина шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган, яъни ҳарбий хизматни ўз касби сифатида танлаган ҳарбийларга нисбатан қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунида белгиланишича, контракт бўйича ҳарбий хизмат Куролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган контрактга биноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар. Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Айни пайтда дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби

лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Жиноят-ижроия қонунида белгиланишича, ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматга қарши жиноятлар тоифасига мансуб бўлмаган жиноят содир этган ҳамда ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодекси нормаси санкциясида ахлоқ тузатиш ишлари кўзда тутилган бўлса, жиноят айбдори бўлмай ҳарбий хизматчига нисбатан ахлоқ тузатиш эмас, балки хизмат бўйича чеклаш жазоси қўлланилади. Шу билан бир қаторда хизмат бўйича чеклаш қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда ҳарбий жиноятларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Ушбу жазони ижро этишда аҳамиятли томони шунда намоён бўладики, мазкур жазога ҳукм қилинган айбдор жазони ўташ вақтида мавжуд микромуҳитдан ажратилмаган ҳолда ўз ижтимоий фойдали фаолиятини узлуксиз давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) қўмондонлиги томонидан амалга оширилади.

Шарҳланаётган моддада хизмат бўйича чеклаш жазони ижро этиш билан боғлиқ умумий масалалар тартибга солинган. Унинг биринчи қисмида ушбу жазо чорасини амалга ошириш тартибининг ҳуқуқий асоси кўзда тутилган. Ушбу нормага мувофиқ мазкур жазо чорасини ижро этишда ҳуқуқий асос сифатида нафақат суд ҳукми, балки айбдор ҳарбий хизматни ўтаётган ҳудуд ҳарбий қисми раҳбарининг буйруғи ҳам намоён бўлади.

Ҳарбий хизматчилар ўз мажбуриятини ўтаётган ҳудуддаги тегишли ҳарбий қисмларнинг (муассасаларнинг) раҳбарлари ҳарбий суд ҳукми нусхасини ва фармойишини олганидан кейин уч кун ичида маҳкум ҳарбий хизматчини лавозим ва ҳарбий унвонда кўтаришга тақдим этмаслик асоси ва муддати; ҳарбий хизматчига навбатдаги ҳарбий унвон бериш ҳамда пенсия тайинлаш учун унинг хизмат муддатига қўшиб ҳисобланмайдиган вақт; маҳкумнинг пул таъминотидан давлат фойдасига ўтказиладиган чегирма миқдорини кўрсатган ҳолда буйруқ чиқарадилар. Буйруқда суд ҳукми мазмуни, жазо муддатлари ҳамда улардан келиб чиқувчи ҳуқуқий чекловлар ихзоҳланиб, ҳукмининг алоҳида кўрсатмаларини бажарилиши учун маъсул бўлган кадр, молия ва бошқа масалалар билан шугулланувчи органлар кўрсатилиб ўтилади. Буйруқ мазмуни айбдорга тушунтирилиб, бу ҳақда унинг

имзоси билан тасдиқланган тилхат олинади ва ҳарбий қисм раҳбариятига маълум қилинади.

Ҳукм ижросини таъминлаш мақсадида шарҳаланаётган норманинг 4-қисмида командир (бошлик) ҳукм ижро этилганлиги ҳақида ҳукм чиқарган судга уч кунлик муддат ичида хабар бериши лозимлиги белгилаб берилган.

142-модда. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддатини ҳисоблаш

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати ҳукмни ижро этиш тўғрисида буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан маҳкум ҳарбий хизматчи ҳибсда ушлаб турилган вақт жазони ўташ муддатига қўшилмайди.

Шарҳланаётган моддада кўрсатилишича, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати ҳукмни ижро этиш тўғрисида буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда суд ҳукмида белгиланган муддат давомида қўлланилади.

ЖК 63-моддасида белгиланганидек, интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазо муддатлари ойлар ва йиллар билан ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати ҳукмни ижро этиш тўғрисида буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ой ва йилларда ҳисобланади.

Жиноят кодекси 47-моддасига мувофиқ, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди.

Бошқа жиноят содир этганлиги муносабати билан маҳкум ҳарбий хизматчи ҳибсда ушлаб турилган вақт жазони ўташ муддатига қўшилмайди.

**143-модда. Хизмат бўйича чеклаш
вақтида пул таъминотидан чегириб қолиш**

Суд ҳукми билан хизмат бўйича чекланган ҳарбий хизматчининг пул таъминотидан чегирма лавозим ва ҳарбий унвонга доир маошдан ҳисоблаб чиқарилади.

Хизмат бўйича чеклаш хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатдир. Бироқ жиноят қонунида ҳам, Жиноят-ижроия кодексида ҳам ҳарбий хизматчининг пул таъминоти деганда, нимани тушуниш лозимлиги хусусида аниқ бир фикр берилмаган. Шу сабабдан ҳам, шарҳланаётган модда мазмунидан келиб чиқиб, пул таъминоти деганда ҳарбий хизматчининг нафақат ойлик маошини, балки унинг маошига ҳарбий унвони, даражаси ёки мансабидан келиб чиқиб қўшиладиган бошқа қўшимча маблағларни ҳам тушуниш лозим деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунида ҳам ҳарбий хизматчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда ва миқдорларда пул ҳамда бошқа турдаги таъминот олишлари кўзда тутилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 2002 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида”ги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг 2003 йил 1 июлдан бошлаб оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг: 1) лавозим маошларини - икки баравар; 2) ҳарбий хизматдан бўшатиладиган бериладиган нафақа миқдорини - энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 бараварга ошириш тўғрисидаги таклифи қабул қилиниб, ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотини ошириш билан боғлиқ харажатлар Молия вазирлигининг “Сафарбарлик чақирuvi резерви маблағлари” махсус ҳисоб рақамига тушаётган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.

Шарҳланаётган модда мазмунидан англашилишича, суд ҳукмида белгиланган ушлаб қолиниши лозим бўлган маблағ унинг маошидан ундириладиган бошқа маблағлардан (алимент сифатида ундириладиган маблағ, фуқаровий даъвои таъминлаш учун маблағ ва ҳ.к.) қатъи назар ҳарбий хизматчининг бутун ойлик маошидан ушланиб қолади.

Жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилиги нормалари фақатгина ҳарбийларнинг пул маблағларидан ундиришни кўзда тутлади. Шу сабабдан ҳам ҳарбий хизматчининг хизматлари эвазига бериладиган пул мукофотлари ёки бошқа фаолияти (масалан, ҳарбий мажбуриятга ҳалал бермайдиган илмий-иждодий, маданий ёки тарбиявий фаолият) натижасида кўрган даромади хизмат бўйича чеклаш асосида ушлаб қолиниши мумкин эмас.

Ушлаб қолиш, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг таъминоти-га кирмайдиган қўшимча тўловлардан (жумладан, санатория-курорт даволаш ҳуқуқидан фойдаланмаганлик учун қўшимча тўлов, ҳарбий хизматни ўташ жараёнида кўрган зиёни ёки соғлиғига шикаст етиши ва ҳ.к.) сақлаб қолиниши ҳам мумкин эмас.

144-модда. Тарбиявий иш

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўтаётган ҳарбий хизматчилар билан улар содир этган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини ва маҳкумнинг шахси, шунингдек хулқ-атвори ҳамда ҳарбий хизматга муносабатини инobatга олган ҳолда тарбиявий иш олиб борилади.

Хизмат бўйича чеклаш бевосита маҳкумни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш билан боғлиқ бўлган жиноий жазо чораларидан ҳисобланади. Ушбу жазони ўташ мобайнида маҳкум билан ижтимоий тарбиявий ишлар олиб борилади. Маҳкумлар билан тарбиявий ишларни олиб боришда ҳарбий суд ходимлари ва ҳарбий тузилмаларнинг бошқа аъзолари жалб этилиши мумкин.

Ҳарбий маҳкумлар билан тарбиявий ишларни олиб бориш улар томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, хусусиятлари ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар инobatга олган ҳолда ташкил этилади. Масалан, агар ҳарбий хизматга қарши жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган шахсга нисбатан тарбиявий ишларни олиб боришнинг асосий мақсади маҳкумда ҳарбий хизматга нисбатан ҳалол муносабат шакллантириш, ҳарбий интизо-

мга риюя этиш, ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳурмат ва ҳарбий мулкка нисбатан эҳтиёткорлик билан муомилада бўлиш ҳиссини тарбиялашга йўналтирилган бўлади.

145-модда. Маҳкумнинг хизмат вазифасини ўзгартириш

Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо муддати мобайнида маҳкум ҳарбий хизматчининг лавозими ва ҳарбий унвони оширилиши мумкин эмас.

Командир (бошлик) қарорига биноан маҳкум ҳарбий қисм доирасида ёки бошқа қисмга кўчирилган ҳолда бошқа тенг лавозимга ўтказилиши мумкин.

ЖК 47-моддасида кўзда тутилган хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо мазмунидан англашилишича, ушбу жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг лавозими ва ҳарбий унвони оширилиши мумкин эмас. Ҳарбий хизматчининг ҳарбий лавозими ва ҳарбий унвони оширилишининг тақиқланиши унинг учун муайян салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Хусусан, жазони ўтаб бўлгач, Куролли Кучларда навбатдаги ҳарбий унвон одатда, қонда тариқасида ҳарбий хизматчининг эгаллаб турган лавозимидан келиб чиқиб берилади. Ҳарбий хизматчининг жиноят содир этганини учун ҳукм қилинганлиги фактининг ўзиёқ, унинг ўз бўйсунувидан келиб чиқиб тарбиявий ишларни олиб бориш, хизматга бўлган муносабатда уларга ўрнак ва намуна бўлиш каби қисмлар ҳосил қилиниши ва унинг бу каби фаолият билан шугулланиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмида бошлик қарорига биноан маҳкум ҳарбий қисм доирасида ёки бошқа қисмга кўчирилган ҳолда бошқа тенг лавозимга ўтказилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бироқ бунда ушбу лавозим ҳарбий хизматчи эгаллаб турган лавозим билан тенг бўлиши (масалан, тўланадиган ойлик маоши) лозим, шунингдек, хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи камроқ пул тўланадиган лавозимга ўтказилиши ҳам мумкин. Яъни, судланган ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм доирасида ёки бошқа қисмга кўчирилган ҳолда у эгаллаб турган лавозимдан юқори лавозимга ўтказилиши мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчиларни бир ҳарбий қисмдан бошқа қисмга кўчириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, қонун

очти ҳужжатлари ҳамда бу борадаги ҳарбий устав ёрдамида тартибга солинади. Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларида умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришлари ҳамда битимга биноан хизмат қилишлари борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир. Бошлиқ маҳкумни ҳарбий қисм доирасида ёки бошқа қисмдаги тенг лавозимга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилса, бу ҳақда ҳарбий хизматчини хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилган судни хабардор этиши мақсадга мувофиқ.

Маҳкум бошқа тенг лавозимга ўтказилганда суд ҳукми билан белгиланган давлат даромадига ундириладиган пул суммаси унинг янги ойлик маоши ва ойлигига қўшимча устама ҳақлардан ундирилади.

146-модда. Хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо ижросини тугатиш

Хизмат бўйича чеклаш муддати тугашидан камида уч кун олдин командир (бошлиқ) жазо ижроси тугатиладиган санани кўрсатиб буйруқ чиқаради.

Буйруқ нусхаси ҳукм чиқарган судга юборилади.

Жиноят кодекси 47-моддасига мувофиқ, хизмат бўйича чеклаш жазо чораси Жиноят кодекс Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Бунда ЖК 63-моддасида белгиланганидек, интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазо муддатлари ойлар ва йиллар билан ҳисобланади. Суд ҳукмида белгиланган муддатнинг тугаши билан жазо мазмунидан келиб чиқувчи барча чеклашлар бекор бўлиши лозим. Маҳкумнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида шарҳланаётган моддада хизмат бўйича чеклаш муддати тугашидан камида уч кун олдин командир (бошлиқ) жазо ижроси тугатиладиган санани кўрсатиб буйруқ чиқариши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Жазо ижроси тугатилиши тўғрисидаги ҳарбий қисм командири-нинг (бошлиғи) буйруғида маҳкумни жазодан озод этиш муддати келаётганлиги туфайли ваколатли давлат органининг унинг ойлик маошидан пул ушлаб қолишни тўхтатиши тўғрисидаги кўрсатма ўз ифодасини топади, шунингдек, унда хизмат бўйича чеклаш жазоси-

нинг қўлланганлиги туфайли келиб чиққан бошқа ҳуқуқий оқибатларнинг (ҳарбий хизматчининг юқори лавозимга кўтарила олинмаслиги, у жазони муддатини ўтаган муддат унинг ҳарбий унвонини оширишда ҳисобга олинмаслиги ва б.к.) бекор бўлиши ҳам кўзда тутилади. Шу билан бир вақтда жазо ижроси тугатилиши тўғрисидаги ҳарбий қисм командири (бошлиғи) буйруғининг нусхаси ҳарбий хизматчини жазога ҳукм қилган судга ҳам юборилади.

147-модда. Ҳарбий хизматдан бўшатилганда жазони алмаштириш

Хизмат бўйича чеклашга ҳукм қилинган шахс ҳукмда белгиланган жазо муддати тугагунига қадар қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда ҳарбий хизматдан бўшатилиши мумкин. Бундай ҳолда командир (бошлиқ) жазо муддатининг ўталмай қолган қисмини бошқа жазо билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни судга тақдим этади.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан шартноманинг муддати тугамай бекор қилиниши муносабати билан муддатдан олдин хизматдан бўшатилишлари мумкин. Бундай асослар сирасига шартнома шартларини кўпол равишда бузиш, ҳарбий-врачлар комиссиясининг ҳарбий хизматга яроқсизликка доир қарорига асосан саломатлигининг ёмонлашганлиги туфайли, штатларнинг қисқартирилиши, хизматга номувофиқлиги туфайли ёки маҳкум этилганлиги ва ҳ.к. муносабатлар билан бўшатилиши каби ҳолатларни киритиб ўтишимиз мумкин. Бу каби вазиятлар хизмат бўйича чеклаш жазосини ўташ жараёнида ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳолда Жиноят-ижроия қонуни командир (бошлиқ) зиммасига жазо муддатининг ўталмай қолган қисмини бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни судга тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Суд маҳкум хизмат қилаётган ва жазони ўтаётган ҳарбий қисм командири (бошлиғи) тақдим этилган материаллар билан танишиб чиқиб, жазо муддатининг ўталмай қолган қисмини бошқа енгилроқ жазо тури билан алмаштириш ёки жазодан озод қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар жазони гарнизон гауптвахтасида ўтайдилар.

Офицерлар, контракт асосида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари бири-биридан алоҳида сақланади.

Қамоқ жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчиларга ушбу Кодекснинг 8-бобиди, шунингдек ҳарбий уставларда белгиланган жазони ижро этиш тартиби ва шартлари татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексиди ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ жазоси қўлланилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиб, ушбу жазо чорасига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар жазони гарнизон гауптвахтасида ўтайдилар ҳамда ушбу жазо чорасининг ижро этилиши мазкур гарнизон гауптвахталари томонидан таъминланади. Қамоқ ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган мустақил жазо чораси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия қонунчилигида қамоқ жазосини ижро этиш тартиби ва ҳуқуқий ҳолати каби масалалар унинг алоҳида 3-бўлимида атрофлича тартибга солинган, зотан, мазкур жазо чораси ўзига хос хусусиятлари билан бошқа жазолардан тубдан фарқ қилади.

Қамоқ тариқасидаги жазони қуйидаги тоифалардаги ҳарбий хизматчилар ўтайдилар: аскарлар, матрослар, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапоршчик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар. Қамоқ тариқасидаги жазога ҳукм этилган ҳарбий хизматчиларга нисбатан муддатдан илгари шартли озод қилиш, амнистия ва афв этиш билан боғлиқ умумий қоидалар татбиқ этилади.

Ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ тариқасидаги жазо махсус жиҳозланган муассасалар – гауптвахталарида ижро этилади. Гауптвахта камера типидидаги алоҳида ажратилган муассасалар бўлиб, улар гарнизон ёки ҳарбий гауптвахталар кўринишида бўлиши мумкин.

26-БОБ. ИНТИЗОМИЙ ҚИСМГА ЖЎНАТИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ

149-модда. Жазони ижро этиш тартиби

Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг шунга махсус мўлжалланган ҳарбий қисмлари (интизомий қисм) томонидан ижро этилади.

Маҳкумларни интизомий қисмга жўнатиш ва бу қисмларда қабул қилиб олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жазони интизомий қисмда ўташ даврида барча маҳкумлар, ҳарбий унвонлари, лавозимлари ва аввалги хизматлари хусусиятидан қатъи назар, солдатлар (матрослар) ҳолатида бўладилар ҳамда белгиланган кўринишдаги кийимда юрадилар ва тафовут белгиларини тақадилар.

Интизомий қисмда жазони ўтаётган ҳарбий хизматчилар маҳкумлар учун ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган режим талабларига риоя этишлари шарт.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 49-моддасига мувофиқ, интизомий қисмга жўнатиш – муддатли ҳарбий хизматчиларни суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳуқуқ ва имтиёزلардан маҳрум этиш бўлиб, уч ойдан бир йилгача муддатга қўлланилади. Интизомий қисмга жўнатиш фақат муддатли ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган асосий жазо туридир. Жазонинг ушбу тури жиноятнинг махсус субъектига нисбатан қўлланилади. Унинг бошқа шаклларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Шу билан бир вақтда жазонинг бу турини фақат ҳарбий жиноят содир этишдагина эмас, балки ҳарбий хизматчилар томонидан амалга оширилган ҳуқуққа зид бошқа тажовузларга ҳам қўллаш мумкин. Айбдор шахсни озодликдан маҳрум қилишга таянмай махсус ҳарбий қисм шароитида тузатиш мумкин бўлган ҳолларда давлат мажбурловининг мазкур чорасини тайинлашни ишга солиши керак. Интизомий қисмга жўнатиш асосий жазо тури бўлиб, яъни у фақат мустақил қўлланиши мумкин ва уни бошқа асосий жазолар билан бирга қўллашга йўл қўйилмайди. Мазкур жазо чораси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ушбу жазо чорасини ижро

этиш учун муъжалланган ҳарбий интизомий қисмлари томонидан амалга оширилади.

2. Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар шарҳланаётган моддада таъкидланганидек, ҳарбий унвонлари, лавозимлари ва аввалги хизматлари хусусиятидан қатъи назар, оддий ҳарбий хизматчи (солдат ёки матрос) ҳолатида бўладилар. Улар ушбу жазо чорасини ўташ даврида белгиланган кўринишдаги кийимда юрадилар ҳамда тафовут белгиларини тақадилар.

3. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс муддатли хизматнинг ҳарбий хизматчига мансуб эканлигини белгилашда судлар муддатли ҳарбий хизматда турмайдиган шахсга жазонинг ушбу тури тайинлашига тўғри келмаслигини эътиборга олиб, унинг мазкур хизматда турган муддатининг бошланиши ва тугалланиши вақтини эътиборда тутиши лозим. Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш муддати Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунда белгиланади ва у ҳарбий хизматга жўнатиш учун мудоффаа ишлари органига келган кундан бошланиб ҳарбий қисм командирининг ҳарбий хизматчининг бўшатиши муносабати билан уни шахсий таркиб рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруғи чиққан кунгача ҳисобланади. Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазонинг ижроси мазкур жазо муддатига қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бу муддатнинг охиригича куни тугатилади.

150-модда. Моддий-маиший таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш

Маҳкумларга интизомий қисмда ҳарбий уставлар талабларига мувофиқ маиший-яшаш шароити яратиб берилади.

Маҳкумларни озиқ-овқат, уст-бош ва бошқа нарсалар билан таъминлаш, шунингдек уларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳарбий уставлар талабларига мувофиқ муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун белгиланган норма асосида амалга оширилади.

Касалхона шароитида тиббий ёрдам олишга муҳтож маҳкумлар, даволаниш учун соқчи назорати остида госпиталга жўнатилади ва махсус жиҳозланган палаталарда сақланади.

Маҳкумларнинг шахсий ҳисобварағига ҳар ойда муддатли хизмат солдатлари ва матрослари учун белгиланган таъминот пули ўтказиб борилади.

Маҳкумлар ўз ёнида сақлаши, пул ўтказиш йўли билан сотиб олиши ёки посилка, йўқлов ва бандероллар ичида олиши мумкин бўлган энг зарур нарсалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Интизомий қисмга жўнатиш жазосини ўтаётган ҳарбий хизматчилар солдат мавқеида бўладилар ҳамда ушбу қисм уставида белгиланган талабларга риоя этиб, унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланадилар. Улар яшашлари учун зарур шарт-шароит маҳкум жазони ўтаётган қисм қўмондонлиги томонидан таъминланади.

2. Шарҳланаётган моддага мувофиқ, интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган маҳкумларни озиқ-овқат, уст-бош ва бошқа нарсалар билан таъминлаш, уларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳарбий уставлар талабларига мувофиқ муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун белгиланган норма асосида амалга оширилади. Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларга умумий сафарбарлик асосида ва муддатли ҳарбий хизматга чақирилган оддий аскарлар, сержантлар, шунингдек, офицерлар таркибида хизматни ўтаётганлар киради.

3. Интизомий қисмга жўнатиш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар. Ҳарбий хизматчиларни интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги такдимнома тегишли ҳарбий-тиббий комиссиянинг уларни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиш ҳақидаги хулосаси асосида киритилади. Жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган аёлларни жазодан озод қилиш тўғрисидаги такдимнома бундай таътил ҳуқуқини берувчи тиббий ҳужжат асосида киритилади. Аёл ҳарбий хизматчилар хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам озод қилинадилар.

151-модда. Маҳкумларнинг учрашувлари

Интизомий қисмда маҳкумлар қисқа ва узоқ муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан қисқа муддатли учрашуви ойда бир марта тўрт соатгача бўлган муддатда берилади. Бундай учрашувлар ишдан ва машғулотлардан бўш вақтда, махсус жиҳозланган хонада, интизомий қисм вакили кузатуви остида ўтказилади.

Маҳкумларнинг яқин қариндошлари билан узоқ муддатли учрашувлари йилига уч марта уч суткагача бўлган муддатда берилади. Бундай учрашувлар интизомий қисмнинг махсус жиҳозланган биносидан ёки қисм командирининг рухсати билан интизомий қисм ҳудудидан ташқарида ўтказилади. Узоқ муддатли учрашув вақтида маҳкумлар ишдан ва машғулотлардан озод қилинади.

Маҳкумнинг илтимосига кўра учрашув телефон орқали сўзлашув билан алмаштирилиши мумкин.

Учрашувлар ва телефон орқали сўзлашувлар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Маҳкумларга қариндошлари ёки бошқа шахслар билан муддати тўрт соатгача бўлган қисқа муддатли учрашувга рухсат берилади ва улар муассаса маъмуриятининг вакиллари назорати остида ўтади. Маҳкумларга муассаса ҳудудида яқин қариндошлари (эр, хотин, оналар, болалар, ўғил (қиз) қилиб олган шахслар, ўғил (қиз) қилиб олинган шахслар, ака-укалар, опа-сингиллар, бувалар, бувилар, неваралар) билан узоқ муддатли учрашувларга рухсат берилади. Маҳкумлар учрашувлар муддати жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан белгиланади. Барча ҳолларда қисқа муддатли учрашувлар муддати икки соатдан кам, узоқ муддатли учрашувларнинг муддати эса, бир суткадан кам агар учрашув берилаётган шахснинг ўзи бундан қисқароқ муддат сўраб туриб олмаса, белгиланиши мумкин эмас. Шарҳланаётган моддага кўра узоқ муддатли учрашувлар бир суткадан уч суткагача, агар муассасадан ташқарида бўлса, уч суткадан беш суткагача белгиланади (батафсил маълумот учун ушбу кодекснинг 76-моддаси шарҳига қаранг).

2. Телефон орқали сўзлашувлар маҳкумнинг ҳисоб рақамидаги маблағи ҳисобига рухсат берилиши мумкин. Телефон орқали сўзлашув қоидалари ИИБ томонидан белгиланади. Телефон орқали сўзлашувлар қўмондонлик маъмурияти назорати остида олиб борилади ҳамда унинг ҳақи Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан белгиланадиган тариф асосида маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағ ҳисобидан тўланади. Умумий қоидага кўра, маҳкум телефон орқали сўзлашувга рухсат олганда фақат бир абонент билан боғланиш ҳуқуқига эга. Телефон орқали сўзлашув муддати 10 дақиқадан ошмаслиги лозим. Маҳкумга рағбатлантириш тариқасида ёки алоҳида ҳолларда берилган навбатдан ташқари телефон орқали сўзлашувлар навбатдаги сўзлашув муддатларига таъсир этмайди. Маҳкумлар, агар абонент жавоб бермаган бўлса, башарти бошқа абонент билан уланиб қолинган бўлса ёки сўзлашув техникавий сабабларга кўра узилиб қолган бўлса, телефон орқали сўзлашувни такроран олиш ҳуқуқига эга. Телефон орқали сўзлашувлар чоғида ҳарбий қисм ички тартиб қоидаларига риоя этилиши лозим. Телефон орқали сўзлашувларни муассаса маъмуриятининг рухсатисиз ва маъмурият назоратисиз олиб бориш жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузишдир. Телефон орқали сўзлашувларга одатда ишланмайдиган вақтда рухсат берилади.

152-модда. Маҳкумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши ҳамда юбориши

Интизомий қисмда маҳкумлар ҳар ойда битта посилка ёки йўқлов ва чекланмаган миқдорда бандероллар олиш ҳуқуқига эга.

Ўз номига келган посилка, йўқлов ва бандеролларни маҳкумларнинг ўзи интизомий қисм вакили назорати остида очади. Фойдаланиш тақиқланган нарсалар ва буюмлар белгиланган тартибда олиб қўйилади.

Маҳкумлар номига келган пуллар уларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилиб, бу ҳақда уларга хабар қилинади.

Маҳкумлар посилка, йўқлов, бандероллар ва пул жўнатмаларини чекланмаган миқдорда юборишлари мумкин.

Посилка, йўқлов, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳамда юбориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумлар интизомий қисмга етиб келган кунларидан бошлаб посилка, йўқлов ва бандерол олишлари мумкин. Маҳкумлар заруратга қараб қариндошлари ва бошқа шахсларга посилка ва йўқловлар жўнатиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Посилка ва йўқловларни жўнатиш учун улар ҳарбий қисм бошлиғига ариза билан мурожаат этадилар, аризада посилка ёки йўқловни юбориш сабаблари, жўнатиладиган мол-мулк рўйхати ва юборилаётган посилка ва йўқловни олувчи кўрсатилади. Посилкалар ва йўқловларни юбориш маҳкумнинг шахсий ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Посилка юборилганлиги тўғрисидаги қвитанция маҳкумнинг йиғма жилдига тикиб қўйилади. Қариндошлар ва бошқа шахслардан йўқловлар (посилка) қабул қилиб олиш учун фуқаролар эркин кира оладиган махсус жойлар жиҳозланади. Уларда стуллар ёки ўриндиқлари ҳам бўлган столлар, текшириб кўриш учун тарози, хат, ариза ва шикоятлар учун кутичалар ўрнатилади. Посилка ва йўқловларни қабул қилиб олиш хонасининг иш тартибини, уларнинг сони ва миқдорини белгилаб берувчи, шунингдек, бу тартибни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўчирмалар кўринарли жойга осиб қўйилади. Посилка ва йўқловларни қабул қилиб олувчи назоратчилар оқ халатда бўлишлари лозим. Йўқлов ёки посилка келган шахс белгиланган шаклдаги аризани икки нусхада ёзиб имзолайди. Йўқлов ёки посилка аризининг ҳар икала нусхаси билан бирга назоратчига топширилади. Назоратчи маҳкум йўқлов олиш ҳуқуқига эгаллиги ёки эга эмаслигини текшириб, йўқлов олиб келган шахс ҳозирлигида йўқловнинг тури ва оғирлигини текшириб кўради, сўнгра йўқловни қабул қилиб олиб, аризининг бир нусхасини йўқлов олиб келган шахсга йўқлов қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан бирга қайтариб беради, иккинчи нусхасини эса, унга маҳкум йўқловни олганлиги тўғрисида имзо чекканидан сўнг алоҳида йиғмажилдга қўшиб қўяди. Посилка ва бандеролларнинг ичидан чиққан нарсалар махсус дафтарга қайд этилади.

2. Шарҳланаётган модданинг 3-бандига мувофиқ, маҳкумлар номига қариндошлари ва бошқа шахслардан келган пуллар уларнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилиб, бу ҳақда уларга хабар қилинади. Пул жўнатмалари почта орқали ўтказилади ёки муассаса кассасига келиб тушади. Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумлар посилка, йўқлов, бандероллар ва пул жўнатмаларини чекланмаган миқдорда юборишлари мумкин. Посилка, йўқ-

лов, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳамда юбориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

153-модда. Маҳкумларнинг ёзишмалари

Интизомий қисмда маҳкумлар чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олиши ҳамда жўнатиши мумкин.

Ўз номига келган хатларни маҳкумларнинг ўзи интизомий қисм вакили назорати остида очади. Хат ичидаги тақиқланган нарсалар олиб қўйилади ва улар юзасидан белгиланган тартибда чора кўрилади. Хатлар ва телеграммаларнинг мазмуни текширилмайди.

Маҳкумлар жўнатадиган хатларни очиш тақиқланади.

1. Интизомий қисмда ҳар бир маҳкум ўзининг қариндошлари ва бошқа яқинларига хат ёзиши ёки улардан хатларни қабул қилиши мумкин. Шарҳланаётган моддага асосан маҳкумлар томонидан чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олиши ҳамда жўнатиши мумкин.

2. Маҳкумларнинг хатларни юбориши фақат ҳарбий қисм маъмурияти орқали амалга оширилади. Хатларни маҳкумларга топшириш ҳамда кўрсатилган манзилларга жўнатиш улар келиб тушган ёки жўнатиш учун топширилган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида маъмурият томонидан амалга оширилади. Телеграммалар кўрсатилган манзилга (эгасига) дарҳол жўнатилади (топширилади). Шарҳланаётган модданинг 2-қисмига мувофиқ интизомий қисмда жазони ўтаётган маҳкумга келган хат ва телеграмманинг мазмуни текширилмайди. Бу маҳкумнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан эркин ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқини таъминлайди.

154-модда. Маҳкумларнинг таътиллари

Интизомий қисмда маҳкумларга муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида баъарда тутилган таътиллار берилмайди.

Ҳарбий хизматчиларга алоҳида ҳолатлар (яқин қариндошларнинг вафоти ёки ҳаётига таҳдид солувчи оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг oilасига жиддий моддий зарар етказган воқеа

лар) муносабати билан бориш-келиш учун кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда, интизомий қисм доирасидан четга чиқиш ҳуқуқини берадиган қисқа муддатли - етти суткагача таътил берилиши мумкин. Маҳкумнинг қисқа муддатли таътилда бўлиш вақти жазони ўташ муддатига қўшилади.

1. Шарҳланаётган модданинг 1-қисмига биноан, интизомий қисмда маҳкумларга муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган таътиллер берилмайди. Бинобарин, улар суд томонидан белгиланган муддатда ушбу жазони ўташга ҳукм қилинган эканлар, ушбу муддатда уларнинг айрим имтиёзлардан маҳрум бўлишлари ҳамда баъзи ҳуқуқлари чекланиши табиий ҳолдир.

2. Ушбу модданинг иккинчи қисмида умумий қоидадан истисно ҳолат назарда тутилган. Унга кўра, айрим фавкулотда ҳолатларда, масалан, яқин қариндошининг вафоти ёки ҳаётига таҳдид солувчи оғир касаллиги, маҳкумга ёки унинг оиласига жиддий моддий зарар етказган воқеалар содир бўлганда маҳкумга қисқа муддатли таътил берилиши мумкин. Бунда ушбу таътил бориш-келиш учун кетадиган вақтни ҳисобга олмаганда етти суткадан ошмаслиги лозим. Маҳкумнинг қисқа муддатли таътилда бўлиш вақти жазони ўташ муддатига қўшилади. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия қонунида инсонпарварлик тамойилининг ўзига хос кўриниши сифатида муҳим аҳамиятга эга.

155-модда. Маҳкумларнинг меҳнати

Интизомий қисмда маҳкумлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатга жалб этиладилар.

1. Шарҳланаётган моддага мувофиқ, интизомий қисмга жўнатилган маҳкумларни меҳнатга жалб этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланган. Умумий қоидага кўра интизомий қисмга жўнатилган маҳкумлар солдат мавқеидаги ҳарбийлар бўлганлиги сабабли уларнинг меҳнати ҳарбий уставлар асосида амалга оширилади. Маҳкумлар одатда, ҳафтада олти кун мобайнида меҳнатга жалб этилади, дам олиш ва байрам кунларидаги, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишлар учун уларга икки ҳисса ҳақ тўланади. Маҳкумларнинг хусусий шахслар фойдасига меҳнат қилишига йўл қўйилмайди. Интизомий

қисмга жўнатишга ҳарбийларга нисбатан наряд тайинлаш орқали ҳам меҳнатга жалб этиш мумкин.

156-модда. Маҳкумларнинг тарбияси ва таълими

Интизомий қисмда маҳкумлар тарбияси ва таълими Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

1. Интизомий қисмга жўнатиш фақатгина ҳарбий хизматчиларнинг муайян тоифасига нисбатан тайинланиши мумкин бўлган жазо чораси бўлганлиги туфайли уларнинг тарбияси ва таълими умумий тартибдан фарқ қилади. Зеро, ҳарбий хизматчилар ўз мавқеи, риязати, тартиби ва ҳолатига кўра оддий фуқаролардан ажралиб туради. Шу сабабдан ҳам уларнинг таълим ва тарбияси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастур асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

157-модда. Рағбатлантириш чоралари

Интизомий қисмда маҳкумларга қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

ташаккур эълон қилиш;

илгари қўлланилган интизомий жазо чорасини олиб ташлаш;

қўшимча равишда бир марта учрашув ёки телефон орқали сўзлашув ҳуқуқини бериш.

Яхши хулқ-атвори ҳамда меҳнатга ва ҳарбий хизматга виждонан муносабати учун маҳкумлар, суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаганларидан сўнг, интизомий қисм командирининг буйруғи билан ахлоқан тузалаётганлар қаторига қўшилади.

Ахлоқан тузалаётганлар қаторига қўшилган маҳкумлар жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин қонунда белгиланган тартибда жазодан муддатидан олдин шартли озод қилишга тақдим этилади.

1. Интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинган маҳкумларга ҳам бир қатор рағбатлантириш ва интизомий чоралар қўлланилади. Маҳкумларга рағбатлантириш чоралари қўллашга маҳкумнинг ижо-

бий хулқи асос бўлади. ЖИКнинг 44-моддасида бундай чораларнинг турлари санаб ўтилган, лекин қандай ҳолатларда қўлланишлиги белгиланмаган. Маъмурият бу масалани маҳкумнинг бевосита ижобий ёки салбий хулқини инобатга олган ҳолда хал қилади. Жумладан, маҳкумга ижобий хулқи учун ташуккур эълон қилиш, илгариги интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш, қўшимча учрашув ёки телефонда сўзлашув ҳуқуқини бериш каби рағбатлантириш чораларини қўллаши мумкин. Бу чоралардан фақат ташаккур эълон қилиш ҳам оғзаки ёки ёзма равишда бўлиши мумкин. Қолган чоралар эса фақат ёзма равишда амалга оширилади. Оғзаки равишда ташаккур ҳам бошқа рағбатлантириш чораларидек маҳкумнинг шахсий хулқ атвор дафтарига киритилади.

2. Рағбатлантириш чоралари жазони ижро этиш муассаса ва органлари раҳбариятининг маҳкумга жазони ижро этиш давомида ўз мажбуриятларини ва муассаса вакилининг қонуний талабларини бажарганлиги учун қонунга ҳамда бошқа номартив ҳужжатларга асосан амалга бериладиган баҳосидир. Берилган баҳо ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Бунга қараб маҳкум ё рағбатлантирилади, ё унга нисбатан талаб кучайтирилади. Маҳкумнинг жиноят-ижроия қонунига мувофиқ баҳоланиши лозим бўлган хулқи унинг меҳнатга ва ўқишга бўлган муносабати, муассаса ишларидаги ва тарбиявий ишларидаги иштирокига қараб белгиланади.

3. Жиноят-ижроия кодексида маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш чораларининг белгиланиши жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида қонунийлик ва одиллик принципларини амалга оширилишини таъминлашга ёрдам беради. Ташаккур эълон қилиш, муассаса раҳбариятининг маҳкумга ўзида қўшимча имтиёзларни назарда тумайдиган маънавий қўллаб-қувватлашидир. Ташаккур эълон қилиш ҳам оғзаки ёки ёзма равишда бўлиши мумкин.

4. Илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш рағбатлантириш чораларидан бири саналади. Умумий қоидага кўра интизомий жазо муддати бир йилдан ортиқ бўлишими мумкин эмас. Бироқ маҳкум бу муддатдан олдин ҳарбий қисм бошлиғининг ёки унинг ўрнини босувчи бошқа шахснинг асослантирилган қарорига асосан интизомий жазодан озод қилиниши мумкин.

5. Ахлоқан тузалаётганлар қаторига қўшиш муҳим рағбатлантирувчи чоралардан ҳисобланади. Зотан, шарҳланаётган моддада белгиланганидек, ахлоқан тузалаётганлар қаторига қўшилган маҳкумлар жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин қонунда

белгиланган тартибда жазодан муддатидан олдин шартли озод қилишга тақдим этиладилар. Бу улар учун муҳим енгиллик яратувчи рағбатлантирувчи чора ҳисобланади.

158-модда. Интизомий жазо чоралари

Интизомий қисмда маҳкумларга қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади:

**хайфсан; қаттиқ хайфсан;
навбатдан ташқари бештагача нарядга тайинлаш;
ўн беш суткага қадар гауптвахтага жойлаштириш;
ахлоқан тузалаётганлар қаторидан чиқариш.**

1. Маҳкумларнинг ёмон ҳулқи, ички тарти қоидага бўйсунмаслиги натижасида унга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилади. Маҳкумларга нисбатан хайфсан, қаттиқ хайфсан, навбатдан ташқари бештагача нарядга тайинлаш, ўн беш суткага қадар гауптвахтага жойлаштириш, ахлоқан тузалаётганлар қаторидан чиқариш каби интизомий чоралар қўлланилади. Интизомий чора қўлланилган маҳкумларга уларни муддатидан аввал жазодан озод қилишга рағбатлантирувчи воситаларни қўллашга тўсқинлик қилади ва кейинги интизомий чора қўлланишида ҳам таъсири бўлади. Интизомий чоралар ҳам вақти билан олиб ташланиши мумкин. Интизомий чора олиб ташланган маҳкумлар жазоланмаган деб ҳисобланади.

2. Навбатдан ташқари бештагача нарядга тайинлаш интизомий қисмга жойлаштирилган маҳкумларга нисбатан тайинланадиган интизомий жазо чораларидан бири ҳисобланади. Бунда маҳкум уставда белгиланган тартиб ва навбатдан ташқари яна қўшимча меҳнатга жалб этилади.

3. Гауптвахта камера типидagi алоҳида ажратилган муассасалар бўлиб, улар гарнизон ёки ҳарбий гауптвахталар кўринишида бўлиши мумкин. Гарнизон гауптвахталари Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил қилинади. Ички тартиб қоидаларга бўйсунмаган маҳкум ҳарбий қисм кўмондонлариги маъмурияти томонидан гауптвахтага жойлаштирилиши мумкин. Бироқ ушбу муддат ўн беш суткадан ошмаслиги лозим.

4. Ахлоқан тузалаётганлар қаторидан чиқариш натижасида маҳкумлар жазо муддатининг камида ярмини ўтаганларидан кейин

қонунда белгиланган тартибда жазодан муддатидан олдин шартли озод қилишга тақдим этилиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

159-модда. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби

Интизомий қисмда маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

1. Шарҳланаётган моддада белгиланишича, интизомий қисмда маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатлари ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган устав билан белгилаб қўйилади. Бундай тартиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия қонунига мос бўлиши лозим. Интизомий қисмда маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланган ва қабул қилинган қатор меъёрий ҳужжатларга асосланади.

160-модда. Жазони ўташ вақтини ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисоблаш

Интизомий қисмда маҳкумларнинг жазони ўташ вақти ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди.

Интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддатига қўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 546-моддасига мувофиқ кўриб чиқилади.

1. Шарҳланаётган моддада белгиланишича, маҳкумларнинг интизомий қисмда жазони ўташ вақти ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди. Жазони ўтагандан сўнг маҳкум ҳарбий қисмга жўнатилади. Жазони ўташ вақтида ҳарбий хизмат муддати ўтмаганлиги сабабли, бошқа турдаги жазо билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Агар жазони ўташ давомида маҳкум ҳарбий хизматга лаёқатсиз деб топилса, унга нисбатан бу жазо чорасининг ижро этилиши тўхтатилиши ва суд жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш ёки

жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиши лозим. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмда сақлаш вақтини ҳарбий хизмат муддати ҳисобига киритиш тўғрисидаги масала гарнизон ҳарбий судининг судьяси томонидан ана шундай турдаги жазоларнинг муддати тугагач, қўмондонликнинг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

2. Интизомий қисмда ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала жамоат бирлашмаси ёки жамоа илтимосномаси бўйича, жазони ўтаб чиққан шахс меҳнатга қобилиятсиз бўлган тақдирда эса, унинг илтимосномаси бўйича ҳам мазкур шахс турган жойдаги туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан кўриб чиқилади. Интизомий қисмда ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масала судья томонидан кўриб чиқиладиган пайтда илтимоснома ким ҳақида берилган бўлса, шу шахснинг, шунингдек илтимос қўзғатган жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг вакили қатнашиши шарт. Интизомий қисмда жазо ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мавжуд материалларни ўқиб эшиттириш билан бошланади, сўнг судья чақирилган шахсларни тинглайди, маҳкумнинг ахлоқ тузатиш ишларини ўташ вақтида ҳалол меҳнат қилганлиги ва намунали хулқидан далолат берувчи маълумотларни аниқлаб олади. Интизомий қисмда ўталган вақтни маҳкумнинг умумий меҳнат стажига қўшиш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан судья чиқарган ажрим устидан юқори судга шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

27-БОБ. ҚЎШИМЧА ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

161-модда. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби

Маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарган суд ҳукмининг нусхасини шу унвонни берган органга юборади. Заҳирадаги ҳарбий хизматчига тааллуқли ҳукм нусхаси унинг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўлимига юборилади.

Унвон берган органнинг мансабдор шахси маҳкумни унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ёзувни белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларга киритади, бу унвон билан боғлиқ ҳуқуқ ва имтиёзларни тугатиш чораларини кўради ҳамда ҳукм чиқарган судга ҳукмининг нусхаси олинган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида унинг ижро этилганлиги ҳақида хабар қилади.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 52-моддасига асосан, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси шахс оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан айбдорнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда тайинланиши мумкин. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазосини суд ўзи тайинлаши мумкин, лекин олий ҳарбий ёки махсус унвондан ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотидан маҳрум қилиш суднинг ҳукми асосида киритадиган тақдимномасига биноан амалга оширилиши мумкин.

2. Ҳарбий унвонлар рўйхати Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунида келтирилган. Махсус унвонлар бундай унвонларни бериш мумкинлиги назарда тутилган давлат органларида хизмат қилган шахсларга берилиши мумкин. Махсус унвонлар аналогик ҳарбий унвонларга мос келади.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 52-моддаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексидан фарқли ўларок, олий ҳарбий ёки махсус ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотидан маҳрум қилиш тартибини ҳарбий унвонлардан маҳрум қилиш тартибидан фарқлайди. Унга кўра олий ҳарбий ёки махсус унвондан ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотидан

махрум қилиш суднинг ҳукм асосида киритадиган тақдимномасига биноан амалга оширилиши мумкин бўлади.

4. Давлат мукофотларини бериш ва у билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрдаги "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Ушбу қонунга кўра "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиғи давлат мукофотлари ҳисобланади. Давлат мукофотлари Олий Мажлис томонидан таъсис этилади. Давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти тақдирлайди. Ўзбекистон Республикасининг Президентини давлат мукофотлари билан тақдирлаш Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси орденлари қуйидагилардан иборат:

- "Мустақиллик" ордени;
- "Амир Темура" ордени;
- "Жалолиддин Мангуберди" ордени;
- "Буюк хизматлари учун" ордени;
- "Эл-юрт хурмати" ордени;
- "Фидокорона хизматлари учун" ордени;
- "Меҳнат шухрати" ордени;
- I ва II даражали "Соғлом авлод учун" ордени;
- I ва II даражали "Шон-шараф" ордени;
- "Дўстлик" ордени;

Ўзбекистон Республикасининг медаллари қуйидагилардан иборат:

- "Олтин Юлдуз" медали;
- "Жасорат" медали;
- "Шухрат" медали.

5. Қонуннинг 18-моддасига кўра, давлат мукофотларидан шахс оғир жиноят содир этгани учун ҳукм қилинганида - суднинг қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдаги тақдимномасига биноан; шахс ўз шаънини бадном этувчи хатти-ҳаракатлар содир этган шахсга нисбатан тақдирлаш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг тақдимномасига биноан маҳрум этилади. Давлат мукофотларидан маҳрум бўлганлик, белгиланган имтиёзлардан ҳам маҳрум қилинишига сабаб бўлади. Давлат мукофотларидан маҳрум этилган шахсга қарашли давлат мукофоти ва мукофотга доир ҳужжат қайтарилиши лозим.

6. Ҳарбий унвондан маҳрум қилиш масаласи хизматда бўлган шахсларга нисбатан, шунингдек, заҳирадаги шахсларга нисбатан ҳам амалга оширилади. Суд маҳкумни илмий даража ва илмий унвондан маҳрум қилиши мумкин эмас.

7. Маҳкумни ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тўғрисида суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг унинг тасдиқланган нусхаси шу унвонни берган органга юборилади. Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари ва фахрий унвонларидан маҳрум қилишда суд ҳукмининг нусхаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг девонхонасига юборилади. Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари ва фахрий унвонлари давлат бошқаруви ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан берилганда ҳам шу қоидага амал қилинади.

8. Маҳкумнинг яшаш жойи бўйича ички ишлар органларига суд томонидан ҳукми ижрога қарагиш тўғрисидаги кўрсатма юборилади. Унга кўра мазкур органлар маҳкум ёки унинг оила аъзоларидан орден, медал, ҳарбий ёки махсус унвон, давлат мукофотлари тўғрисидаги гувоҳномаларни олиб қўйишлари шарт бўлади. Барча олиб қўйилган нарса ва ҳужжатлар ҳукм чиқарган судга юборилади.

9. Шарҳланаётган модда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукми ижро этилишини қандай ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши кераклиги тўғрисидаги масалани ҳал этмаган. Жиноят-ижроия кодексининг 161-моддасига кўра, бундай ҳужжатлар сифатида “тегишли” ҳужжатлар деб кўрсатилган. Лекин амалдаги қонунчиликка кўра бундай ҳужжатлар сифатида ҳисоб ҳужжатлари бўлиши мумкин.

10. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш жазоси ижро этилганда маҳкумни бу унвон билан боғлиқ ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиш учун тегишли органлар ва уларнинг мансабдор шахлари бундай ҳуқуқ ва имтиёзларни қўллайдиган ташкилот ва муассасалар (соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, уй-жой коммунал хўжаликлари ва шу каби муассасалар)га юборилиши шарт бўлади. Ҳарбий унвондан маҳрум қилиш суднинг ваколатига тегишли бўлганлиги сабабли ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли ҳужжатлар суд томонидан юборилиши мумкин.

162-модда. Мол-мулкни мусодара қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби

Мол-мулкни мусодара қилиш тўғрисида ҳукм чиқарган суд ижро варақаси, мол-мулк рўйхати ва ҳукм нусхасини ижро этиш учун суд ижрочисига белгиланган тартибда юбориб, бу ҳақда тегишли солиқ органини хабардор этади.

Мусодара қилинган мол-мулкни олиб қўйиш, ўтказиш ва сотиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мазкур модда Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунига асосан мазкур жазо Жиноят кодекси 53-моддасидан чиқариб ташланганлиги сабабли бу жазо қўлланилмайди.

VIII БЎЛИМ ЖАЗОНИ ЎТАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ

28-БОБ. ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ОЗОД ҚИЛИШ

163-модда. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ҳоллари

Суд томонидан тайинланган жазо муддати тугагунга қадар маҳкум қуйидаги ҳолларда жазони ўташдан озод қилиниши мумкин:

**муддатидан илгари шартли озод қилинганда;
жазо енгилроғи билан алмаштирилганда;
касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли;
амнистия ёки афв этилганлиги туфайли.**

1. Жиноят учун суд томонидан тайинланган жазо муддати қатъийдир. Аммо ахлоқан тузалган маҳкумларга нисбатан рағбатлантириш ва айрим маҳкумларнинг ҳол-аҳволини ҳисобга олиб, чунончи касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги туфайли жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш мумкин.

2. Жазодан муддатидан илгари озод қилиш тарзидаги имтиёз Жиноят кодекси 73-моддасида кўрсатилганидек, озодликдан маҳрум этиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёхуд ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади.

3. Жазодан муддатидан илгари озод қилиш учун маҳкум жазони ўташ даврида ўрнатилган тартиб талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабат кўрсатган бўлиши шарт.

Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш учун маҳкум умуман жазони ижро қилиш даврида тегишли тартиб қоидаларни бузмаган ёхуд илгари бундай қилмиши учун берилган интизомий чорани ўтаган ёки ундан озод қилинган, яхши хулқи ва тарбиявий тадбирларни ўташда фаоллиги учун рағбатлантирилган бўлиши талаб қилинади.

4. Жазодан муддатидан илгари озод қилинадиган маҳкум:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазонинг камида учдан бирини ўтаган;
- оғир жинояти учун суд тайинлаган озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазонинг камида ярмини ўтаган;

- ўта оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахс, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида яна қасддан янги жиноят содир этгани учун озодликдан маҳрум этилган бўлса, суд тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаган бўлиши шарт.

5. Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ўта хавфли рецидивистга:

б) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, Ўзбекистон Республикасига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, жиноий уюшма ташкил этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қиргин қуроллари, шундай қуроллари ишлаб чиқариш учун фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни контрабанда қилиш, шунингдек гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

6. Маҳкумга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда янги жазонинг муддати уч йилдан кам бўлиши ва озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган муддатидан ошиб кетмаслиги шарт.

7. Жазони енгилроғи билан алмаштириш Жиноят кодексининг 74-моддасига мувофиқ, озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Маҳкум анашу жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоидаларига риоя қилган ва меҳнатга ҳалол муносабат кўрсатган бўлиши шарт.

8. Жазони енгилроғи билан алмаштириш маҳкум:

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

- оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

- ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш гарикасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш Жиноят кодексининг 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахслар енгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин Жиноят кодексининг 73-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин.

Жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

9. Касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги сабабли жазодан озод қилиш ҳукм чиқарилгандан сўнг, маҳкумга қандай жазо тайинлангани ва жазонинг қанча қисмини ўтаганидан қатъи назар, қўлланилади.

Касаллик оқибатида шахс ўз ҳаракатларининг моҳиятини англай олмайдиган ва ўзини-ўзи бошқариш лаёқатини йўқотган даражада руҳий хаста эканлиги, уни жазо ўташдан бутунлай озод қилиш учун асос бўлади. Бундай шахсларга нисбатан суд Жиноят кодексининг 93-моддасида кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаши мумкин.

Маҳкум жазони ўташга тўсқинлик қиладиган руҳий тусда бўлмаган бошқа оғир касалликка дучор бўлганда ҳам жазони ўташдан озод қилиниши мумкин. Бу ҳолда суд жазонинг оғирлик даражаси, жазонинг тури, маҳкумнинг шахсияти ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олади.

Улар Жиноят кодексининг 64-моддасидаги жазони ижро этиш муҳлатлари ўтмасдан тузалган бўлса, жазони ижро этиш суднинг қарори билан давом эттирилади.

10. Интизомий қисмга жўнатиш ёхуд хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар, уларнинг соғлиғи ҳарбий хизмат учун яроқсиз деб топилган бўлса, жазони ўташдан озод қилинадилар. Хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчи аёллар уларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам жазони ўташдан озод қилинадилар.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахслар жазони ўташ вақтида меҳнатга яроқсиз бўлиб қолсалар ёхуд пенсия ёшига етган бўлсалар, шунингдек аёллар бу турдаги жазони ўтаётган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқсалар, жазони ўташдан озод қилинадилар.

11. Жазони амнистия ёки афв этиш ҳужжати асосида озод қилиш тартиби ушбу Кодекснинг 167-моддасига берилган шарҳларда батафсил баён қилинган.

12. Ушбу моддани қўллашда Кодекснинг навбатдаги 164-165-моддалари шарҳларига қаранг.

164-модда. Маҳкумларни муддатидан илгари шартли озод қилишга, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этиш тартиби

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштириш суд томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддасида белгиланган тартибда қўлланилади.

Маҳкум жазо муддатининг Жиноят кодекси 73, 74, 89 ва 90-моддаларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришга тақдим этиш масаласини агар маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома билан судга бевосита мурожаат этмаган бўлса кўриб чиқиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқариши шарт. (ЎЗР 12.12.2003 й. 568-П-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Маъмурият маҳкуми жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишга ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга тақдим этишни рад этган тақдирда маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақли.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш тарихидаги жазодан озод қилиш жамоат бирлашмаси, жамоа, маҳкумнинг ўзи ёки унинг ҳимоячиси илтимосномасига биноан суд томонидан амалга оширилади.

Суд жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин.

1. Маҳкуми жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш, шунингдек, бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш тартиби Жиноят процессуал кодексининг 536-моддасида атрофлича ёритиб берилган. Жумладан, шахсни интизомий қисмда жазо ўташдан озод қилиш масаласини суд маҳкум ёки унинг ҳимоячисининг илтимосига биноан ҳам, интизомий қисм қўмондонлигининг тақдимномаси бўйича ҳам кўриши мумкин.

2. Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ўн саккиз ёшга тўлмай жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ва вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликдаги тақдимномасига биноан ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг илтимосномасига асосан судья томонидан қўлланилади.

3. Суд маҳкуми жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш масаласини бу ҳақда тегишли тақдимнома ёхуд илтимоснома асосида суд муҳокама қилишга ва тегишли асослан-тирилган ажрим чиқаришга мажбур.

165-модда. Касаллик туфайли ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик оқибатида жазодан озод қилишга тақдим этиш тартиби

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти Жиноят кодексининг 75-моддасида назарда тутилган ҳолларда

маҳқумни жазони ўташни давом эттиришдан озод қилиш тўғрисида судга такдимнома киритади. Аини бир вақтда судга тиббий комиссия хулосаси ва маҳқумнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилди юборилади.

Маҳқумни озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ тариқасидаги жазодан касаллиги туфайли озод қилиш тўғрисидаги такдимнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус тиббий комиссияси хулосаси асосида киритилади. Бундай касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Маҳқумни ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазодан меҳнат қобилятини йўқотганлиги оқибатида озод қилиш тўғрисидаги такдимнома ижтимоий таъминот органларининг тиббий-меҳнат эксперт комиссияси хулосаси асосида киритилади.

Жазони ўташ даврида ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилган аёлларни жазодан озод қилиш тўғрисидаги такдимнома бундай таътил ҳуқуқини берувчи тиббий ҳужжат асосида киритилади.

Ҳарбий хизматчиларни интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги такдимнома тегишли ҳарбий-тиббий комиссиянинг уларни ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиш ҳақидаги хулосаси асосида киритилади. Аёл ҳарбий хизматчилар хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам озод қилинадилар.

1. Жиноят процессуал кодексининг 534-моддасига биноан, маҳқум жазони ўтаётган вақтида жазони ўташга монелик қиладиган сурункали руҳий касалликка ёки бошқа оғир касалликка дучор бўлган тақдирда судья жазонинг ижро қилинишига мутассадди органнинг такдимномасига биноан, махсус тиббий комиссиянинг хулосасига асосан маҳқумни ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Сурункали руҳий касалликка дучор бўлган маҳқумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда судья унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллашга ёки уни соғлиқни сақлаш органлари ёхуд қариндошлари васийлигига беришга ҳақлидир.

Бундай шахслар соғайган тақдирда, башарти бу ҳол жазонинг ижро этиш муддати тугашига қадар содир бўлса, суд тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Руҳий касалликдан бошқа оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлигини, маҳкумнинг шахсини ва бошқа иш ҳолатларини ҳисобга олади. Бундай маҳкумни ўталмай қолган жазодан касаллиги туфайли озод қилганда судья уни фақат асосий жазодан эмас, балки қўшимча жазо чорасидан ҳам озод қилишга ҳақли, бу ҳақда ажримда кўрсатилиши лозим.

2. Маҳкумни биринчи ва иккинчи гуруҳ ногирони деб топилиши унинг меҳнатга лаёқатсизлигини билдиради. Унинг ана шу ҳолатга учрашининг сабаби жазони алмаштириш ёки ўташдан озод қилиш масаласини ҳал этишда аҳамиятга эга эмас. Бу ҳақда тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг ҳулосаси етарли.

166-модда. Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби

Жазодан амнистия ёки афв акти асосида озод қилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён инсонпарварлик руҳида қабул қилинаётган амнистия эълон қилиш тўғрисида йигирмадан зиёд ҳужжатлар ҳуқуқий демократик давлат тизимининг кучли фуқаровий жамият сари мунтазам ривожланиб бораётганидан далолат беради. Ҳар бир амнистия ҳужжати инсонпарварлик тамойилига изчиллик билан амал қилишнинг юксак намунасидир.

Ватанимизда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларнинг туб мазмуни халқпарварлик, инсонни эъзозлаш ва қадрига етишга қаратилган. Инсон манфаатларини чинакам ҳимоя қилиш, уларга қарши қаратилган ҳар қандай хавfli хуружлар билан аёвсиз курашиш, айна вақтда мураккаб турмуш чорраҳаларида ҳалол йўлдан тойган, озми-кўпми худбинликка ружу қилган, жиноят содир этганларга нисбатан меъёрли жазо ва таъсир чораларини кўриш халқимизнинг азалий таомилидир. Ҳатто ашаддий жиноятчига ҳам ўлим жазосини тайинламаслик ва ундан воз кечиш, жазоларни енгиллаштириш, айниқса иқтисодий, хўжалик жиноятлари содир этганларнинг аксариятини

жамиятдан яккалаб қўймай, ҳақ йўлга етаклаш, имкони борича уларга раҳмдиллик кўрсатиш, жаҳолат билан ўч олиш эмас, кечирувчан бўлиш ғоялари қадим-қадимдан халқимизга хос.

2. Конституциямизнинг 93-моддасидаги 23-бандга мувофиқ ЎзР Президентининг такдимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати амнистия тўғрисида қарор қабул қилади. Ҳар бир амнистия акти тўғри ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти фармойиш бериб, унда бир қатор амалий вазифаларни бажариш тартиби, шартлари, воситалари, муҳлатлари кабиларни белгилайди. Анъанага кўра, фармойиш билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокурори, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг бу ҳақда Низоми ҳам тасдиқланади. Низом шу зайдда қонуний кучга киради. Лекин у расмий манбаларда эълон қилинмайди ва Конституциямизнинг 84-моддасига биноан қонун мақомини олмайди. Шу сабабли амнистияни қўллаш асослари ва шартлари амнистия актида кўрсатилган бўлиши шарт. Амнистияни қўллаш асослари унда бевосита баён қилинади. Амнистия ҳужжатининг ижроси идоралараро алоҳида комиссия қарори асосида ҳар бир маҳкумга нисбатан алоҳида-алоҳида, зарур ҳолларда маҳкумнинг фикрини ҳам инобатга олиб амалга оширилади. Маҳкумга нисбатан амнистия акти, у қабул қилинган ёки эълон қилинган кундан эмас, ана шу комиссия қарор чиқарган кундан бошлаб қўлланган ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми “Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2006 йил 22 декабрда қарор қабул қилди ва унга 2007 йил 3 апрелида бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритди. Амнистия актини қўллаш амалиётига оид амалиётнинг турли жабҳалари – қонун ҳужжатлари қўллашнинг умумий масалалари, судланганликка оид, жиноят ишини тугатиш, ҳукм чиқариш чоғида ҳал этилиши лозим бўлган ҳолатлар ва бир қанча бошқа масалалар батафсил акс эттирилган.

4. Ҳар бир амнистия акти мазмунан кенг қамровли, бағрикенглик тамойилларига хос, у маҳкумларга нисбатан кенг равишда хатосиз татбиқ этилиши жиддий аҳамиятга эга. Амнистия имтиёзларидан фойдаланиб маҳкумларнинг талайгина қисми ҳалол турмуш шароитларига қайтарилади, касб-ҳунарига мос ишларга жалб қилинади, муҳтожлари – васий ва ҳомийлар билан таъминланади, касалга дучор

бўлганлари – шифохонага, ногирон ва катта ёшдагилари – тегишли ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилади.

Амнистия акти асосида, шахс жиноят содир этган бўлса, - жиний жавобгарликдан, жинояти учун маҳкум этилган бўлса, - асосий ёки қўшимча жазолардан озод қилиниши, жазо муддати қисқартирилиши ёхуд бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилиши, судланганлиги олиб ташланиши мумкин (ЖК 68-, 76- ва 79-моддалари).

5. Амнистия актида у қандай жиноятлар бўйича ва қандай тоифадаги гумон остидаги шахсга, айбланувчи, судланувчи, маҳкумга нисбатан қўлланиши аниқ кўрсатилади. Амнистия акти қўлланадиган жиноят тури ва айбланаётганлар ёки маҳкум этилганлар тоифасини фақат қонун чиқарувчи ҳокимият белгилайди.

6. Амнистия актини қўллаб жазодан озод қилиш, жазони енгироғи билан алмаштириш ёки муддатини камайтириш чоғида судланувчи (маҳкум)нинг розилиги, айбига иқдор бўлгани-бўлмагани, жабрланувчининг фикри инobatта олинмайди, жиноят оқибатида етказилган моддий зиёни ундириш масаласи фуқаролик судида иш юритиш тартибида кўрилишига монелик қилмайди. Амнистия акти ҳуқуқбузарликда айбланаётган ҳар бир процесс иштирокчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиб амалга оширилиши шарт.

7. Гумон остига олинган, айбланувчи, судланувчи ва маҳкум унга зълон қилинган айбга иқдор бўлмай, уни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилишга норози бўлишга ҳақли. Бу ҳақда шахсни жиноят содир этишда айбли экани ва жавобгарлиги тергов ишини тугатиш ёхуд судда оқлов ҳукми чиқариш тарзида ҳал этилиши лозим.

8. Амнистия (юнонча – “amnestia”) кечириш, хотирдан чиқаришни билдирувчи халқаро атамага айланган. Одатда кўп мамлакатларда умумий ва хусусий амнистия иборалари қўлланади. Умумий амнистия (баъзан “авфи умумий” деб номланади) ҳуқуқбузарлик содир этган муайян тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланади. Хусусий афв бевосита муайян шахсни кечириш, унинг қисматини енгиллаштиришдан иборат. Афв ҳам, гуноҳни кечириш ҳам шахсни реабилитация қилишни англатмайди. Айни вақтда шахс ўз айбига иқдор бўлиши шарт эмас. Уни жиноят процессининг барча босқичларида афв этилиши, ҳатто унга нисбатан жиноят иши қўзғалиши афв акти асосида рад қилинмоғи мумкин.

9. Амнистия эълон қилиш тўғрисида қонун ҳужжатларининг деярли барчасида жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга амнистия қўлланмаслиги ҳақида талаб бор. Амнистия қўлланмаслигига маҳкумнинг жазони ўташ чоғида содир этган тартибузарлиги сабаб бўлиши мумкин.

Кўпинча амнистия ҳужжатларида тартибни бузиш муттасил бўлиши кўзда тутилади. Муттасиллик ёки мунтазамлик ибораси доимий, кетма-кет, узлуксиз сингари маънони билдиради. Айни вақтда, бир марта бўлса-да, жиддий ва қасддан содир этилган қоидабузарлик амнистияни татбиқ этмасликка асос бўлиши мумкин. Амнистияни амалга оширувчи комиссия ушбу асос бўйича масалани муҳокама қилганда ҳар бир маҳкум билан алоҳида, ҳолисона суҳбатлашиш, қоидабузарликнинг қай даражада жиддийлиги ва маҳкумнинг тушунтирилиши, айниқса, ўта қўполлиги ёки пушаймонлигини инobatта олиш лозим. Агар маҳкум унга интизомий чора асосиз берилган деб ҳисобласа, бу масала Жиноят-ижроия кодексининг 107-моддаси тартибида кўрилиб ҳал қилиниши шарт.

Қоидабузарлик содир этилган вақт билан амнистия тўғрисида қонун ҳужжати эълон қилинган ва кучга кирган вақт мобайнидаги давр ҳам инobatта олинishi лозим. Жумладан, маҳкум амнистия тўғрисида қонун ҳужжати эълон қилинганидан бир йил олдин йўл қўйган қоидабузарлиги учун амнистияни татбиқ этилишидан маҳрум этилмаслиги лозим.

10. Амнистия тўғрисида қонун ҳужжати уни қўллаш учун маҳкум жиноят оқибатида етказилган зиённи қоплаши зарурлиги кўрсатилган бўлса, зиён амнистия эълон қилингандан сўнг қоплангани ҳам инobatта олинishi мақсадга мувофиқ.

11. Амнистия тўғрисида қонун ҳужжатида уни қўллаш учун маҳкум 1 ва 2 гуруҳ ногирони эканлиги инobatта олинadиган бўлса, бундай ногиронлик амнистия амалга ошириладиган уч-тўрт ой мобайнида юз берган ҳолда ҳам амнистияни татбиқ этиш масаласи ижобий ҳал қилинмоғи лозим.

12. Амнистия тўғрисида қонун ҳужжатида эълон қилинган кунгача 60 ёшга тўлган маҳкумларга қўлланиши кўрсатилган ҳолда, амнистияни амалга оширишнинг уч-тўрт ойи мобайнида 60 ёшга тўлганларга ҳам қўлланмоғи лозим.

13. Амнистия тўғрисидаги қонун ҳужжати унда кўрсатилган муҳлат мобайнида маҳкумга қўлланмаган ҳолларда маҳкум бу ҳақда судга шикоят қилишга йўл қўйилиши мақсадга мувофиқ.

29-БОБ. ЖАЗО ИЖРОСИНИ ТУГАТИШ

167-модда. Жазо ижросини тугатиш асослари

Қуйидагилар жазо ижросини тугатиш учун асос бўлади: маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлиши; ушбу Кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши; суд ҳукмининг бекор бўлиши ва иш юритишнинг тугатилиши; ҳукмнинг назорат тартибида ўзгартирилиши ва жазонинг шартли ҳукм билан алмаштирилиши; маҳкумнинг вафоти.

1. Моддада жазо чораларини тугатиш учун қонун назарда тутган барча асослари кўрсатилган. Улардан бошқа ҳолатлар туфайли жазо ижросини тугатишга йўл қўйилмайди.

2. Жазо муддатининг охириги кунда озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш жазолари батамом ижро этилган ҳисобланади. Жазо муддати ойлар билан ҳисобланса, у тугайдиган ойнинг тегишли кунда ниҳоясига етади. Мабодо бу ойда шундай кун (29, 30, 31- кунлар) бўлмаса, унинг охириги куни (жумладан, 28, 29 ёки 30-кунда) тугайди.

3. Маҳкум қайси кундан жазони ўтаётганлиги суд ҳукми ёки уни қамоққа олинганлигига оид ҳужжат асосида аниқланади. Агар бу ҳақда ҳужжатлардаги маълумотлар турлича бўлса, жазони ижро қилиш муассасаси ёки органи уларни аниқлаш учун судга мурожаат қилиши лозим.

4. Агар маҳкумга жазо муддатини белгилаган суд ҳукми келгусида юқори суд ажрими (қарори) асосида ўзгартирилган бўлса, бу ҳолат жазо муддатини тугаш вақтини аниқлашда эътиборга олинади.

5. Маҳкум содир этган жиноят учун Жиноят кодексида назарда тутилган жазо янги қабул қилинган қонунга кўра кўпайтирилган бўлса, ҳукми қайта кўриб чиқиш ва маҳкумга суд белгилаган жазони кўпайтириш мумкин эмас.

Аксинча, янги қабул қилинган қонунга кўра, Жиноят кодексидаги жазо либераллаштирилган бўлса, жазони ижро қилувчи муассаса ёки орган маъмурияти шу модда бўйича жазо ўтаётган маҳкум тўғрисидаги масалани қайта кўриб чиқиш ҳақида судга мурожаат этиши лозим. Суд жазонинг миқдорини камайтириши, баъзи ҳолларда тугатилиши тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

6. Жазодан муддатидан илгари озод қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш тўғрисида Жиноят кодексигаги шартлар енгиллаштирилган ҳолларда ҳам маҳкумга нисбатан янги шартларни қўллаш масаласини суд ҳал қилади.

Орқага қайтиш кучига эга бўлган ҳар қандай қонун унинг маҳкумга нисбатан қўлланишини суд томонидан муҳокама этилиши тақазо қилади.

7. Жазо ижросини тугатиш тартиби ҳақида Кодекснинг 168-173 моддаларида батафсил кўрсатилган.

8. Озодликдан маҳрум этиш ёки қамок жазосини ўтаган шахс келгусида суд ҳукми бўйича муайян ҳуқуқдан маҳрум этилиши лозим бўлса, жазони ижро этиш муассасаси бу ҳақда тегишли давлат органи муассасаси, корхона, ташкилотга хабар беради.

9. Жазодан озод этилаётган шахсга бу ҳақда барвақт эълон қилиш, унинг мулкӣ, меҳнат, оилавий, уй-жойга оид ҳуқуқлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари тушинтирилиши лозим.

10. Реабилитация қилинган шахсга давлат номидан узр билдириш жазони ижро қилувчи муассаса маъмурияти ёки орган раҳбари томонидан ошкора, имкон борича кўпчилик ҳузурида амалга оширилади ва унинг барча ҳуқуқлари тикланиши батафсил тушинтирилади.

168-модда. Жазо ижросини тугатиш вақти

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамок, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тартибигаги жазонинг ижроси мазкур жазо муддатига қонун ҳужжатларига мувофиқ киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда бу муддатнинг охириг қуни тугатилади.

Агар жазо муддати дам олиш ёки байрам қуни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам қунидан бир кун олдин озод қилинади. Муддат ойлар билан ҳисобланган тақдирда бу муддат кейинги ойнинг тегишли қуни, агар мазкур ойда шундай қун бўлмаса - шу ойнинг охириг қуни тугайди.

Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумни муддатидан илгари озод қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни иш қуни тугагунига қадар олган бўлса, шу заҳоти, иш қуни тугаганидан кейин олган бўлса, эртаси қуни эрталаб ижро этади.

1. Жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш жазосини тугашидан анча олдин бошлаб, уни озодликка чиқариш учун гайёргарлик кўради, келгусида унинг меҳнат ва яшаш жойи ҳамда шароитларини аниқлайди.

2. Олинган маълумотлар билан маҳкум хабардор қилинади ҳамда унинг жазони ўтаганидан сўнг қаерда яшаши, нима билан машғул бўлиши ҳақидаги истаклари инobatга олинади ва имкон борича қаноатлантирилади.

3. Жазо муддати ўтганидан сўнг маҳкумни озод қилмай, ҳар хил сабаб билан ушлаб туриш қонунга зид қилмиш сифатида жавобгарликка сабаб бўлади. Чунonчи, бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилган шахс 2006 йил май ойининг 25-кунида қамoққа олинган бўлса, 2007 йил 24- май куни эрталаб озод қилиниши шарт.

169-модда. Ҳисоб-китоб тартиби, ҳужжатларни ва шахсий буюмларни бериш

Ахлоқ тузатиш ишлари муддати тугаётган куни жазоларни ижро этиш инспекцияси жазони ўтаган шахсни ва у ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот маъмуриятини иш ҳақидан чегириб қолишни тугатиш ва бошқа чеклашларни олиб ташлаш тўғрисида хабардор қилади.

Жазони ижро этиш муассасаси қамoққа ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар озод этилаётганда улар билан тўла ҳисоб-китоб қилади, уларнинг шахсий ҳужжатлари, буюмлари ва бошқа қимматли нарсаларини, шунингдек шахсий ҳисобварақларида турган пулларини қайтариб беради ҳамда жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисида белгиланган намунада маълумотнома беради.

Сил касаллигига дучор бўлган шахсларнинг озод қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаларга белгиланган намунадаги штамп қўйилади (ЎЗР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни тахриридаги қисм).

1. Жазони ижро этиш муассасаси қамoқ ёки озодликдан маҳрум этиш жазосидан озод қилинган шахсга тегишли барча нарсаларни ва ҳужжатларни қайтариб бериши, айрим ҳолларда унга вақтинча фойдаланиш учун берилган буюмларни қабул қилиб олиши, бу ҳақда зарур ҳужжат тузиб расмийлаштириши шарт.

2. Маҳкумнинг ҳисобварақасида кўрсатилган маблағлари нақд пулда ёхуд тегишли банк ҳужжатлари тарзида қайтарилиши лозим.

3. Сил касалига дучор бўлган шахс жазодан озод қилинишида унга берилган маълумотномадаги штампни ўзи истиқомат қиладиган жойдаги соғлиқни сақлаш идораларига кўрсатиши, зарур дори-дармон ва муолажа олишда имтиёزلардан фойдаланишга имкон беради.

170-модда. Маҳкум вафот этганлиги муносабати билан жазо ижросини тугатиш тартиби

Маҳкум вафот этган тақдирда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу ҳақда зудлик билан марҳумнинг яқин қариндошларидан бирига телеграф орқали хабар қилади.

Марҳумнинг жасади қариндошларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилади.

Маҳкумнинг қариндошларидан жасадни бериш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, муассаса маъмурияти марҳумни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган тартибда дафн этади.

1. Ушбу модда маҳкумнинг вафотига нима сабаб бўлганидан, табиий қарилик ёхуд бетобликдан, бахтсиз ҳодиса, ишлаб чиқаришда шикастланиши, бировнинг айби билан ҳаётдан маҳрум бўлиши, ўзини ўзи жонига қасд қилиши, жазони ўташдан бош тортиб қочиб кетаётганида соқчининг ўқи текканидан вафот этганидан қатъи назар, қўлланади.

2. Жазони ижро қилувчи муассаса маъмурияти вафот этган маҳкумнинг кўмиш жойига олиб бориш учун зарур шароитларни яратиб беришда маҳкумнинг яқин қариндошларига кўмаклашади. Шу мақсадда муассасанинг ёхуд хайрия ташкилотларининг ҳисобидан зарур молиявий ёрдам кўрсатиши мумкин.

3. Маҳкумга тегишли кийим-кечаклар, бошқа буюмлар, ёзишмалар, ҳужжатлар, шу жумладан, вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳнома мурдани олиб кетаётган шахсга ҳолислар ҳузурида тилхат орқали топширилади.

30-БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТАРТИБИ

171-модда. Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш

Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг жазони ўташ муддати тугашига узоғи билан уч ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрнашишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг муассасадан озод бўлгандан кейинги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий иш олиб боради.

Ишда ва турмушда ўрнашишга муҳтож шахслар аниқланган тақдирда муассаса маъмурияти олдиндан маҳкум яшашни мўлжаллаётган жойдаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказини унинг озод қилиниши, турар жойи бор-йўқлиги, меҳнат қобилияти ва ихтисоси тўғрисида хабардор этади.

Муассаса маъмурияти айни бир вақтда устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати ўрнатилиши зарур бўлган шахсларни аниқлайди ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга тегишли тақдимнома киритади.

1. Одатда узоқ вақт озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган шахс оиласи, қавм-қариндошлари, таниш-билишлари, илгари истико-мат қилган ва ишлаган жойидаги жамоа билан муносабатлари муш-куллашади. У қамокдан қайтиб келгач, янги шароитларга кўникиши, мослашуви қийин кечади. Шу сабабли у мурувватга муҳтож бўлади.

2. Ҳар бир маҳкумни озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтагандан сўнг қаерда, кимлар билан яшаши, нима билан шуғулланиши ҳақида ғамхўрлик қилиши у билан олиб бориладиган тарбиявий ишнинг муҳим таркибий қисмидир. Бундай ғамхўрлик маҳкум озод этилишига уч ой қолганда айниқса кучайтирилиши, маҳкумнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва қаноатлантиришга қаратилган муайян шароитларни вужудга келтиришни назарда тутиши лозим.

3. Маҳкумни ҳалол турмуш ва меҳнат шароитларига ўргатиш унинг оиласи, қариндошлари, таниш-билишлари ва жамият олдида, камситилмаслиги учун керакли ахлоқ-одоб қоидаларини, ҳуқуқ ва

мажбуриятларини тушунтиришдан бошланиши, ҳаёт чорраҳаларида ёмон йўлга кириш, худбинликка ружу қилиш қанчалик оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида суҳбатлар ўтказиш воситасида, турли маънавий, тарбиявий таъсир этиш тарзида жонлаштириш лозим.

4. Агар маҳкум муҳтож бўлса, муассаса маъмурияти олдиндан унинг яшайдиган жойидаги маҳалла оқсоқолларини унга мурувват кўрсатиши ҳақида хабардор қилиши, ўша ердаги ҳокимият қошидаги ижтимоий мослашув маркази, махсус комиссиялар ва меҳнат жамоалари билан тадбирларни режалаштириш керак. Бу ҳақда Вазирлар маҳкамасининг 1999 йилдаги 113-сонли рақамли қарорига биноан зарур озод этилаётган шахснинг устидан маъмурий назорат ўрнатилиши лозим бўлса, жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти бу ҳақда судга тақдимнома киритиб, судда бу масала барвақтроқ кўрилишига эришиши лозим.

5. Жазодан озод қилинаётган шахс тиббий кўрикдан ўтказилади. Унга тегишли барча ҳужжатлар, шу жумладан паспорт, меҳнат дафтарчаси, пенсионерлик ёки ногиронлик гувоҳномаси, таълим ва ҳунар ўрганганлиги ҳақида ҳужжатлар, касаллик дафтарчаси, хат-ёзишмалари, китоб-дафтарлари қайтариб берилади. Агар унинг шахсий ҳисоб жилдида фахрий, махсус ва ҳарбий унвонлар тўғрисида гувоҳномалар, кўкракка тақиладиган нишонлар, медал ва орденлар бўлса, улар ҳам қайтариб берилади. Бу ишларга барвақтроқ хозирлик кўрилиши керак.

172-модда. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган шахслар яшашни мўлжаллаётган жойга етиб олиши учун йўл ҳужжатлари, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул компенсацияси билан таъминланадилар.

Озод қилинаётган шахсларда мавсумий кийим ва пойабзал, шунингдек, уларни сотиб олишга пул бўлмаса, улар кийим ва пойабзал билан бепул таъминланадилар. Шу мақсадлар учун озод қилинаётган шахсларга бир йўла тўланадиган пул нафақаси берилиши мумкин.

1. Маҳкум жазони ижро қилиш муассасасидан истиқомат жойига етиб боргунча етарли озиқ-овқат ва бошқа энг зарур маиший таъминот буюмлари билан таъминланмоғи шарт. Агар маҳкум йилнинг

фаслига ва об-ҳавога мувофиқ кийим-боши ва пойабзали бўлмаса ва уларни сотиб олиши учун маблағи етмаса унга бу нарсалар бепул берилмоғи лозим.

2. Жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинаётган шахсга қилинган сарфлар давлат ҳисобидан берилади.

173-модда. Маҳкумларнинг озод қилиниши тўғрисида хабар бериш ва озод бўлган шахсларни кузатиб бориш

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумларнинг озод этилганлиги тўғрисида:

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳомиладор аёллар ва ёш боласи (болалари) бор аёлларга, шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан – уларнинг қариндошлари ёки қариндошларининг ўрнини босувчи бошқа шахсларни;

ишга кириш ва турмушини йўлга қўйишга муҳтож бўлган шахсларга нисбатан – вилоятлар (туманлар, шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларини;

сил ёки таносил касалликларига дучор бўлган, шунингдек, алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликдан мажбурий даволаш курсини тугалламаган шахсларга нисбатан – вилоят, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари (бўлимлари) ёки соғлиқни сақлаш органларининг даволаш муассасаларини;

маъмурий назорат остига олинмиши лозим бўлган шахсларга нисбатан - ички ишлар ҳудудий органларини олдиндан хабардор этади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маҳкумлар касаллиги ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлиги оқибатида, амнистия акти ёки афв асосида озод этилган ҳолларда, шунингдек, маҳкумлар жазодан шартли равишда муддатидан илгари озод этилган тақдирда, билдириш қоғози улар озод этилган куни жўнатилади.

Ҳукм қилинган чет эл фуқароларининг озод этилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилинади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бирор бир давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай дав-

латнинг ваколатли органини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига озод этилганлик тўғрисидаги билдириш қоғози жўнатилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси бўйича яшаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс озод қилинаётганда жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкум қамоққа олингунига қадар рўйхатга олинган жойдаги ички ишлар ҳудудий органининг мамлакатга кириш, ундан чиқиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи тегишли хизматини хабардор қилади.

Соғлиғи ҳолатига кўра доимий парваришга муҳтож шахслар, шунингдек, ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар қариндошлари ёки бошқа шахслар ёхуд муассаса маъмурияти вакилининг кузатувида яшаш жойига жўнатилади.

Ногиронлар ва қариялар, ўз илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жўнатилади.

Вояга етмаган маҳкумлар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига жўнатилади. Ота-онаси йўқ вояга етмаган шахслар, зарур ҳолларда, интернатларга жўнатилади ёки ҳомийлар қарамоғига берилади. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-П-сон Қонуни таҳриридаги модда матни).

1. Маҳкум озод қилинаётгани тўғрисида унинг қариндошларига, ижтимоий мослашув марказларига, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органларига хабар барвақтроқ юборилиши ва уларнинг бу ҳақдаги хабарни олганлиги ёзма тасдиқланган бўлиши лозим.

2. Лекин улар амнистия акти ёки афв қилинганлиги муносабати билан ёхуд суд томонидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган бўлса, тегишли шахсларга ва муассасаларга хабар маҳкум озод қилинган куни юборилади. Чунки маҳкумни амнистия акти, афв қилиниши ҳақида ҳужжатлар имзоланмай туриб ёхуд жазодан шартли равишда, шунингдек, касаллиги сабабли озод қилиш ҳақида суд қарори чиқмасдан олдин хабар беришнинг иложи йўқ.

3. Озод этилаётган маҳкум чет эл фуқароси бўлса, бу ҳақда хабар тегишли чет эл дипломатик ваколатхонасига ёки консуллигига юборилади. Агар маҳкум фуқароси бўлган давлатнинг Ўзбекистон Республикасида дипломатик ваколатхонаси ёки консулиги бўлмаса, хабар Республика Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

4. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшаш гувоҳномаси бўйича яшаган бўлса, у қамалганигача қайси ҳудудда рўйхатга олинган бўлса, ўша ҳудуддаги ички ишлар органига хабар юборилади.

5. Беморлиги, саломатлигига кўра, бировнинг доимий парваришига муҳтож шахс ва ўн олтига етмаган шахс озод қилинганда, уларни ўз манзилларига қариндошлари ёки бошқа шахслар кузатиб боришлари таъминланиши лозим. Акс ҳолда уларни жазони ижро этиш муассасасининг вакили кузатиб қўйиши шарт.

6. Озод қилинган ногиронлари ва қариялар фақат уларнинг илтимосига кўра, ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштирилиши мумкин. Вояга етмаган маҳкумлар озод этилганда, агар ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслари бўлмаса, интернатларга жойлаштирилиши ёки ҳомийларнинг қарамоғига берилиши мумкин.

7. Соғлиғи ва ёши жиҳатдан муҳтож шахсларни яшаш жойларига, албатта, уларнинг қариндошлари ёки васий, ҳомийлари, шунингдек жазони ижро қилувчи муассаса маъмуриятининг вакили кузатувида юборилиши шарт.

IX БЎЛИМ. БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

31-БОБ. БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ АСОСИ

174-модда. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари жумласига: шартли ҳукм қилиш; тиббий йўсидаги мажбурлов чоралари; вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари киради.

1. Амалдаги жиноят ижроия кодексининг 174-моддасига кўра бошқа жиноят ҳуқуқий таъсир чораларига: шартли ҳукм қилиш; тиббий йўсидаги мажбурлов чоралари: ҳамда вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари киради.

Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин. Бундай ҳолда суд, башарти, белгиланган синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, тайинланган жазони ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, синов муддатини ҳисоблаш шу кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинганлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва суд ҳукмида кўзда тутилган чеклаш ва мажбуриятлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонунларда белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш

жойи ўзгариб қолса, бу ҳолда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органларга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб, бу органлардан рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шартли жазо белгилаш тартиби ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларга, шунингдек илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди, ўн саккиз ёшга тулмаган шахслар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, шунингдек олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно. Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидалар бўйича жазо тайинлайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди. Мажбурий даволаниш суд ажрими билан белгиланади ва тугатилади, ammo суд даволаниш муддатини белгиламайди. Шахснинг соғайганлиги ёки руҳий ҳолатида яхшилаши сезилганда ёки у томондан ижтимоий хавф йўқолганда мажбурий даволаниш даволаш муассаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан қисқа муддат ичида бўлса ҳам бекор қилиниши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига қуйидагилар киради:

а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;

б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволаниш.

Мажбурий амбулатория кузатуви ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан, бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланиши мумкин.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган,

умумий асосларда даволаш талаб этиладиган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфлиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиладиган, уларни эса ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган руҳий касалларга нисбатан умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаш тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимда мажбурий даволаш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқига кўра умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишининг имкони бўлмаган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин. Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимда руҳий касаллар батамом ажратилган ҳолда сақланади ва кўриқланади.

Жиноят кодексига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Суд жазолаш билан бир қаторда алкоголизм, гиёвандлик ёки захарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан-даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин. Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавфли деб топилса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинлаши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари муддатини узайтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш масаласини руҳий касалликлар шифокорлари комиссиясининг хулосасига асосланган ҳолда суд ҳал қиладди.

Агар руҳий касалга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурий даволаш чоралари қўллаш зарурати бўлмаса, шунингдек бу чоралар бекор қилинган бўлса, суд уни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасаларига юбориш масаласини ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

Алкоголизм, гиёвандлик ёки захарвандликка йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилгани тақдирда, агар тиббий хулоса

мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга тиббий йўсиндаги чораларни ҳам тайинлаши мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган бўлса, тиббий муассасаларда мажбурий даволаниши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган бўлса, уларни даволаш жазони ўтаётган жойда амалга оширилади, жазони ўтаб бўлганидан кейин агарда даволашни давом эттиришга зарурат бўлса, умумий асосда тиббий муассасаларда даволанади.

ЎзР ЖКнинг 88-моддасида белгиланишича вояга етмаган шахсларга нисбатан қуйидаги мажбурулов чоралари қўлланади:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш. Суд узр сўрашнинг шаклини вояга етмаганни жазодан озод қилиш билан бирга кўрсатади. Узр сўраш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ижроия кодексининг 195-моддасида белгиланганига кўра, оғзаки ёки ёзма равишда кўпчиликнинг олдида ёки яқка тартибда бўлиши мумкин.

Узр сўраш жой ва вақтини ва тартибини суд белгилайди. Узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурулов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора агар етказилган зарар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса, қўлланилади. Агар етказилган зарар ушбу миқдордан ошиб кетса, етказилган зарар фуқаровий ҳуқуқий тартибда ундирилади. Етказилган зарарни қоплаш ёки бартараф этиш тартиби ва муддати суд томонидан белгиланади;

в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш. Бундай махсус ўқув-тарбия муассасалари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигига қарашли бўлиб, вояга етмаган шахслар халқ таълим органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиш тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирига оид ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

Жиноят қонунида назарда тутилган бу мажбурлов чоралари (88-модда) жиноий жазо чораси ҳисобланмайди. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишнинг бир туридир. Бу мажбурлов чоралари вояга етмаганни жиноий жазо қўллагандан ҳам тарбиялаш мақсадида қўлланади.

175-модда. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш асоси

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки ажрими асос бўлади.

Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари Жиноят кодексининг 72, 87, 94-96-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда суд томонидан тайинланади.

Жиноят ҳуқуқий таъсир ва ўтказилиши ҳар бир чораси кассация шикоят ва ҳукм устидан протест билдириш муддати тугагандан сўнг қонуний кучга киради ва ижро этилади. Кассация шикояти берилган ёки протест билдирилган тақдирда, ҳукм қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан кун қонуний кўчга киради. Маҳкумлар икки ва ундан кўп бўлган тақдирда, башарти улардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юқори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳам-масига нисбатан ҳукм ижро кечиктирилади ва қонуний кучга кирмай туради.

Ҳукм қонуний кучга кирган ёки иш кассация инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро этирилади. Иш фақат биринчи инстанция судига юборилиши лозим бўлиб, прокурорга ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас. Шундай экан суд ҳукми ва ажримни ижро этириш тегишли суд ижро департаменти зиммасига юклатилади.

IX БЎЛИМ. БОШҚА ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

32-БОБ. ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ

**176-модда. Шартли ҳукм қилинган шахслар
хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш тартиби**

Жазоларни ижро этиш инспекцияси шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгиллаган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради.

Шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга чақирилган тақдирда жазоларни ижро этиш инспекцияси суд ҳукми (ажрими) нусхасини ҳамда ҳарбий хизмат ўташ жойида унинг хулқ-атвори устидан назорат қилиш учун керакли бошқа ҳужжатларни мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимга юборади. Ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги ўн кунлик муддат ичида маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида, хизматни тугатганидан кейин эса, жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қилиши шарт.

1. Жиноят кодексининг 72-моддасига кўра шартли ҳукм қилинган шахсларнинг хулқи устидан ички ишлар органлари, ҳарбий хизматчилар хулқи устидан эса, ҳарбий қием ёки муассасанинг қўмондонлиги назорат олиб боради.

Шарҳланаётган моддада жазони ижро этиш инспекцияларининг шартли ҳукм қилинган шахслар устидан ўрнатилган назоратни амалга ошириш бўйича фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган.

Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳисобини олиб бориш, уларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб боришни ички ишлар идоралари жазони ижро этиш инспекциялари ташкил этади.

Шартли ҳукм қилинган шахсларни турар жойлари бўйича хулқ-атвори устидан назоратни профилактика ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширадилар.

Жазони ижро этиш инспекцияси:

а) маҳкумларнинг ҳисобини олиб боради;

б) зарур ҳолларда уларга ишга жойлашишда ёрдам беради;

в) маҳкумларнинг хулқ-атвори устидан назорат олиб боришни ташкил этади;

г) синов муддати давомида маҳкумлар томонидан суд ҳукми бўйича юклатилган мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш чораларини кўради;

д) синов муддати давомида маҳкумлар ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажармасалар ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун уларга маъмурий ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилган бўлса, жазонинг шартлилигини бекор қилиш тўғрисида судга такдимнома киритади;

е) синов муддати давомида жазонинг шартлилигини бекор қилиш асослари келиб чиқмаса, синов муддати тугаши билан унинг хулқи устидан назоратни тўхтатиш тўғрисида ИИБ бошлиғига билдирги орқали маълум қилади;

ж) маҳкумларнинг ҳисобини олиб бориш, хулқ-атвори устидан назорат қилиш, уларга юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил қилади.

Шартли ҳукм қилинганлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва суд ҳукмида кўзда тутилган чеклаш ва мажбуриятлардан ташқари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қонунларда белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш, ишга ёки ўқишга кириш, яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳолда шартли ҳукм қилини ан шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органларга хабар бериб туриш, вақти-вақти билан келиб, бу органлардан рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиши, алкоғолизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан давола-ниш каби мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шарҳланаётган моддага кўра, жазони ижро этиш инспекциялари маҳкумни суҳбатга чақириш, ундан хулқ-атвори тўғрисида ҳисобот талаб қилиш, узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаган тақдирда уни мажбуран келтириш ҳуқуқига эгалар.

3. Агар шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга чақирилса, у жазоларни ижро этиш инспекциясининг рўйхатидан ўчирилади, маҳкумнинг хизматни ўташ жойи бўйича ҳарбий қисм қўмондонли-гига эса суд ҳукми ва инспекцияда рўйхатда бўлган вақтда маҳкум-нинг хулқ-атвори тўғрисидаги маълумотлар юборилади. Ҳарбий қисм

қўмондонлиги томонидан маҳкумни рўйхатга олиш учун 10 кунлик муддат белгиланган. Бу ҳақда қўмондонликдан хабар келмаса, инспекция ҳарбий қисмга тегишли сўровнома юбориши шарт.

Мазкур шахс томонидан ҳарбий хизмат ўтаб бўлинганидан сўнг ҳарбий қисм қўмондонлиги шу вақтнинг ўзидаёқ шартли ҳукм қилинган шахснинг яшаш жойи бўйича инспекцияга маҳкумнинг ҳарбий қисмдан жўнаб кетганлиги тўғрисида хабар бериши лозим. Агар синов муддати тугамаган бўлса, жазоларни ижро этиш инспекцияси маҳкумни рўйхатга олади ва назоратни амалга ошириш бўйича бошқа тадбирларни ўтказиши.

4. Жазони ижро этиш инспекцияси томонидан маҳкумлар ахлоқи устидан назорат қилиш мақсадида:

а) маҳкумлар билан суҳбат ўтказилиб, жазо ўташ шарт-шароитлари тушунтирилади;

б) ишлаш ва ўқиш жойлари маъмуриятларидан маҳкумларга нисбатан тавсияномалар сўралади, керак бўлган пайтда маъмурият аъзолари билан учрашув ўтказилади;

в) маҳкумлар томонидан жамоат тартибини бузиш ҳоллари содир этилганлигини аниқлаш мақсадида ҳар ойда ички ишлар бўлимининг маълумот картотекаси билан танишилади;

г) суд томонидан белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши (ҳар чоракда камида бир маротаба) текширилади, уларни бажармай юрган шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади. Натижаси ҳақида маълумотнома тузилиб, назорат йиғма жилдига қўшиб борилади;

д) суд томонидан рўйхатдан ўтиб туриш мажбурияти юклатилган маҳкумларни рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади.

177-модда. Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг мажбуриятлари

Шартли ҳукм қилинган шахслар суд томонидан зиммаларига юкланган мажбуриятларни бажариши, шунингдек чақирувга биноан жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳозир бўлиши шарт. Узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган маҳкум белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

Шартли ҳукм қилинганда, башарти, бунга асослар мавжуд бўлса, суд маҳкумга қуйидаги мажбуриятларни юклаши мумкин:

- муайян вақт мобайнида етказилган зарарни бартараф қилиш,
- ишга ёки ўқишга кириш,
- яшаш жойи, иш ёки ўқиш жойи ўзгариб қолса, бу ҳолда шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органларга хабар бериб туриш,
- вақти-вақти билан келиб, бу органлардан рўйхатдан ўтиб туриш,
- муайян жойларда бўлмаслик,
- муайян вақтда яшаш жойида бўлиши,
- алкоғолизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик ёки таносил касаллигидан даволаниш.

Ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида ҳукмда унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин

178-модда. Судга тақдимнома киритиш

Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган синов муддати мобайнида белгиланган чеклашларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритишга ҳақлидир.

Маҳкум зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарликка тортилган ҳолларда маҳкум хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширувчи орган жиноят-ҳуқуқий таъсир чорасини бекор қилиш ҳамда ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритади.

1. Агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки

интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

2. Жазони ижро этиш инспекцияси маҳкум томонидан қуйидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, судга тақдимнома киритади:

а) синов муддати давомида жамоат тартибини ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун маъмурий ёки интизомий жазо қўлланган бўлса;

б) шартли ҳукм қилинган муайян муддат мобайнида ишга ёки ўқишга кирмаган, етказилган зарарни бартараф этмаган, ички ишлар органининг руҳсатисиз турар жойини ўзгартирган, рўйхатдан ўтиш учун келмаётган ҳамда ҳукмда кўрсатилган бошқа мажбуриятларни бажармаётган бўлса;

в) шартли ҳукм қилинган шахснинг назоратдан бўйин товлаш мақсадида яширинганига етарли асос бўлса.

3. Шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномани етказилган зарарни бартараф қилиш учун суд томонидан белгиланган муддат тамом бўлиши билан 10 кун ичида юборилади.

4. Шартли ҳукмни бекор қилиш тўғрисидаги тақдимнома суд томонидан қаноатлантирилмай қайтарилганда маҳкум томонидан белгиланган қоидалар бузилиш ҳоллари қайта содир этилган тақдирда тақдимнома янгидан юборилади.

5. Маҳкумлар яшаш жойини ташлаб кетса жазони ижро этиш инспекцияси ходимлари томонидан унинг қаердалигини аниқлаш чоралари кўрилади ва бу мақсадда:

а) маҳкумнинг қариндош ва танишлари унинг қаерда бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида суриштирилади;

б) манзиллар маълумотхонасидан ва бошқа тегишли давлат органларидан ҳамда уй дафтарида маҳкумнинг турар жойидаги рўйхатдан чиқмагани аниқланади;

в) ўқиш ёки иш жойидаги кадрлар бўлимида маҳкумнинг қаерда бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган шахслар орқали аниқлаш чоралари кўрилади;

г) яширинган шахсни аниқлаш мақсадида унинг қариндошлари турар жойларида жойлашган ҳудуддаги ички ишлар бўлимига сўровлар юборилади;

д) тиббий муассасаларда маҳкумлар тўғрисида бирор маълумот бор-йўқлиги текширилади;

е) ички ишлар бўлимларида ушланган, ҳибсга олинганлар, судланганлар ҳамда қидирувда бўлганлар рўйхати кўриб чиқилади;

м) маҳкумларни аниқлаш мақсадида кўзда тутилган бошқа чоралар ҳам қўлланилади;

з) тўпланган ҳужжатлар алоҳида йиғма жилдда тахлиниб, назорат йиғма жилдига қўшилади;

и) агарда бир ой муддатда қидирилаётган шахсни аниқлашни иложи бўлмаса, жазони ижро этиш инспекциясида тўпланган ҳужжатлар билан хулосани ва суд ҳукмининг нусхасини унга нисбатан қидирув эълон қилишни сўраб маҳкумнинг турар жойи бўйича ички ишлар бўлими бошлиғига топширади. Маҳкумнинг назоратдан бўйин товлаш мақсадида яширингани учун етарли асос бўлса, шартли ҳукми бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритилади.

179-модда. Синов муддати ҳисоблаш

Синов муддати суднинг ҳукми қонуний кучга кирган пайдан бошлаб ҳисобланади.

1. Шартли ҳукм қилишда синов муддати ҳисоблаш тартиби жиноят-процессуал ҳуқуқ нормалари билан белгиланади. Шахс шартли ҳукм қилинганда, суд синов муддати ўрнатади ва бу синов муддати давомида маҳкум ўз хулқ-атвори орқали ўзининг ўзгарганлигини кўрсатиши зарур бўлади.

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади, маҳкум томонидан унинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш эса - жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан суд ҳукмининг нусхаси олинган кундан бошлаб ҳисобланади, шу куннинг ўзидаёқ маҳкум жазоларни ижро этиш инспекциясида рўйхатга олинади.

Ҳукм чиқарган суд ва маҳкумнинг иш жойи бўйича маъмурият маҳкум рўйхатга олинганлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилинади. Агар маҳкум ҳарбий чакирув ёшига етган бўлса, ҳарбий қўмита ҳам бу ҳақда хабардор қилинади.

Маҳкум рўйхатга олингандан сўнг, у жазоларни ижро этиш инспекцияси бошлиғининг ҳузурига суҳбатга чақирилади. Суҳбат давомида маҳкумга унинг синов муддати давомидаги ҳуқуқий мақоми, унинг инспекцияга нисбатан мажбуриятлари, суд ҳукмидаги чекловларнинг рўйхати ҳақида тушунтирилади. Вояга етмаган шахс

рўйхатга олинганда, суҳбатда унинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар иштирок этишлари мумкин.

2. Рўйхатда чиқарилгач, суд томонидан маҳкум зиммасига юклатилган барча мажбурият ва чекловлар, шунингдек, унинг жазоларни ижро этиш инспекцияси олдидаги мажбуриятлари бекор бўлади. Шарҳланаётган моддада маҳкумни рўйхатдан чиқаришнинг биргина асоси кўрсатилган синов муддатининг тугашидир. Лекин рўйхатдан чиқаришнинг бошқа асослари ҳам мавжуд: янги содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганда; шартли ҳукм муддатидан аввал-шартли бекор қилинганда; шартли ҳукм шахснинг озодликдан маҳрум қилиш жойларига жўнатилиши муносабати билан бекор қилинганда; маҳкум яшаш жойини ўзгартирганда; маҳкум вафот этганда ёки у суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда. Маҳкум яшаш жойини ўзгартирганда унинг устидан ўрнатилган назорат тугатилмайди. Маҳкумнинг ҳужжатлари унинг яшаш жойи бўйича жазоларни ижро этиш инспекциясига юборилади.

180-модда. Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назоратни тугатиш

Шартли ҳукм қилинган шахс хулқ-атвори устидан назорат синов муддати тамом бўлиши билан тугатилади ва маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки ҳарбий қисм (муассаса) қўмондонлиги рўйхатидан чиқарилади.

1. Аввал бундай назорат ИИБнинг қонуности норматив-ҳуқуқий актлари асосида тартибга солинган эди.

Шарҳланаётган моддага кўра, барча шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назоратни фақатгина ягона орган - жазоларни ижро этиш инспекцияси амалга оширади. Лекин шартли ҳукм қилинган вояга етмаганлар устидан назоратни амалга оширишда нафақат жазони ижро этиш инспекциялари, балки вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳам иштирок этишлари зарур (бундай комиссиялар тўғрисидаги Низомга қаранг).

Шартли ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар устидан назоратни, шарҳланаётган модданинг қондаларига асосан, уларнинг ҳарбий қисм қўмондонлиги амалга оширади. Шу билан бирга, бу қўмондонлик

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг қонуности норматив-ҳуқуқий актларига асосан ҳаракат қилади.

2. Назорат жараёнида жазони ижро этиш инспекциялари ечишга қодир бўлмаган муаммолар юзга келиши мумкин. Бундай ҳолатда ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ёрдамидан фойдаланилади. Шунинг учун қонун шартли ҳукм қилинганлар устидан назоратни амалга оширишга милиция участка нозирларини жалб қилишга рухсат беради. Лекин уларнинг иштироки эпизодик характерга эга бўлади ва жинойт-ижроия инспексларини шартли ҳукм қилинганларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга ошириш жавобгарлигидан озод қилмайди.

3. Қўйидаги ҳолларда маҳкум устидан назорат тўхтатилиб, ҳисобдан чиқарилади:

а) шартли ҳукм қилинганларнинг синов муддати тугаганидан сўнг, синов муддати тугаган куни ходим бу ҳақда ички ишлар бўлими бошлиғи номига билдирги орқали маълум қилиб, унинг ёзма кўрсатмасига асосан;

б) шартли ҳукм бекор қилиниб, ҳукм бўйича жазо ўташ учун юборилганда;

в) амнистия тўғрисидаги актни қўлланилиши билан;

г) афв этилиш муносабати билан;

д) янги жинойт содир қилгани учун ҳукм қилинганда;

е) маҳкум вафот этганда.

4. Юқоридаги асослардан ташқари турар жойини ўзгартирган маҳкумлар ҳам ҳисобдан чиқарилади. Бу ҳолда маҳкумларни янги турар жойи бўйича ички ишлар бўлимига сўров юборилади. Назорат йиғма жилди ҳамда маҳкум ҳисобга олинганлиги тўғрисида назорат йиғма жилдини юборган ички ишлар бўлимига дарҳол ёзма равишда хабар қилиниши лозим. Маҳкумни ҳисобдан чиқариш вақти ҳамда асоси тўғрисида маҳкумларни ҳисобга олиш журналида ва назорат йиғма жилдида тегишли белги қўйилади.

5. Маҳкум ҳисобдан чиқарилгандан сўнг 3 кун ичида тегишли мудофаа ишлари бўлимига бу тўғрида хабар қилинади. Маҳкумларни ҳисобга олиш журнали ҳамда назорат йиғма жилди ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларга белгиланган муддатлар бўйича сақланади.

33-БОБ. ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

181-модда. Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби

Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органлари томонидан суд-психиатрия экспертизаси хулосасига мувофиқ қўйидаги тартибда қўлланилади:

мажбурий амбулатория кузатуви ва психиатрда даволаш - беморнинг яшаш жойидаги психоневрология муассасалари томонидан амалга оширилади;

беморни жамиятдан батамом ажратиб мажбурий даволаш - унинг руҳий ҳолатига қараб, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарида ёки умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарининг соғлиқни тиклаш бўлинималарида ёхуд кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналари ёки бўлинималарида ўтказилади.

1. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган руҳий бузилишларга эга шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг 31.08.2000 й. № 123-П “Психиатрия Ёрдами Тўғрисида”ги Қонуни ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг йўриқномалари билан тартибга солинади.

2. Беморни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги суд ажрими соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари томонидан, зарур бўлган ҳолларда ички ишлар органлари ёрдамида ижро этилади. Тиббий ходимларга ёрдам кўрсатишлари ва ётқизиладиган шахс билан мулоқотда бўлиш ва уни кўздан кечириш учун хавфсиз шароитни яратади. Ётқизиладиган шахснинг атрофидагилар ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи ҳаракатларини бартараф этиш зарур бўлган ҳолларда, шунингдек ётқизилиши керак бўлган шахсни қидириш ва ушлаш зарурати бўлганда ички ишлар органларининг ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳаракат қиладилар. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органларининг психиатрия муассасаларида амалга оширилади. Мажбурий даволаш беморнинг яшаш жойига яқин жойлашган психиатрия муассасасида амалга оширилади. Бу қариндошларнинг доимий равишда у билан

алоқа қилиб туриш имкониятини беради. Барча руҳий касаллар, жумладан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар ҳам, уларнинг руҳий ҳолати талаб қиладиган даволаш муолажаларни оладилар. Улар психиатрия шифохоналарининг ихтисослиги беморнинг аҳволига мос келадиган бўлимларига жойлаштирилади. Ижтимоий хавфлилиги руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлган умумий асосларда даволаш талаб этиладиган руҳий касалларга нисбатан умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаш амалга оширилади. Руҳий ҳолати бузилган шахсга амбулатория психиатрия ёрдами тиббий кўрсатувларга қараб маслаҳат бериш-даволаш муолажаси ёки диспансер кузатуви тарзида кўрсатилади.

3. Ижтимоий хавфлилиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиладиган, уларни эса ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган руҳий касалларга нисбатан мажбурий даволаш умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида амалга оширилади. Ижтимоий хавфлилиги юқори бўлган ёки ўз хулқига кўра умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишнинг имкони бўлмаган руҳий касалларга нисбатан беморни жамиятдан батамом ажратиб, кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонаси ёки бўлимида мажбурий даволаш амалга оширилади.

182-модда. Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби

Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари куйидаги тартибда қўлланилади:

жамиятдан батамом ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларга - соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда;

қамоқ ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга - жазони ўташ жойида, озод этилганларидан сўнг даволашни давом эттириш зарурати бўлганда эса - соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда.

1. Жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган маҳкумларни даволаш Ўзбекистон Республикаси “Сурункали алкоғолизм ва гиёҳвандлик билан касалланган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг даволаш профилактика муассасалари тўғрисидаги Низоми тасдиқланган 1993 йил 1 май 195-сонли Қарори билан сурункали алкоғолизм ва гиёҳвандлик (САГ) билан касалланган беморларни даволаш учун ихтисослашган даволаш-профилактика муассасалари тўғрисидаги қоида тасдиқланган.

2. Зикр этилган Низоимнинг 1-бандига мувофиқ, сурункали алкоғолизм ёки гиёҳвандликни мажбурий даволашга ихтисослашган даволаш-профилактика муассасаларига соғлиқни сақлаш муассасаларининг накоология муассасаларида даволанишдан бўйин товлайдиган, жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқни бузадиган ёхуд аҳоли саломатлиги ва ахлоқ-одобнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган сурункали алкоғолизм ёки гиёҳвандлик билан касалланган беморлар юбориладилар.

3. Зикр этилган тоифадаги шахсларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги ҳужжатлар, тиббий ҳулоса мавжуд бўлган ҳолда ИИО томонидан, уларнинг шахсий ташаббуси билан ёки беморнинг оила аъзолари ёки қариндошлари, жамоалар, соғлиқни сақлаш муассасалари, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик билан курашиш комиссиялари илтимосномаларига асосан тайёрланади ва расмийлаштирилади. Мажбурий даволашга юбориш тўғрисида масала беморнинг яшаш жойи бўйича судда, унинг ишгиرويкида, 20 кунлик муддатда ҳал қилинади. Беморлар узрли сабабларсиз келмаган ҳолларда у ИИО томонидан мажбурий келтириши лозим бўлади. Мажбурий даволаш тўғрисидаги суд ажрим устидан бемор, унинг ҳимоячиси ёки прокурор томонидан юқори турувчи судга кассация тартибида етти кунлик муддатда шикоят келтирилиши мумкин.

4. Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан маҳкумларни мажбурий даволаш сўз ҳукмига асосан тартибот турига кўра, ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колонияларида ёки Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ республика касалхонасида амалга оширилади. Махсус тартибли колония ёки турмада сақланаётган маҳкумларни даволаш, сақланаётган жойда амалга оширилади. Жазони ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониялари маъмурияти шароит яратади.

5. Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатан тиббий йўсундаги мажбурлов чоралари қўллаш тартиби жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларни гиёҳвандликка қарши мажбурий даволашни ташкил қилиш бўйича йўриқнома;

ички ишлар ва соғлиқни сақлаш идораларининг спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик васиталарини сунистеъмол қиладиган шахслар билан профилактика ишларини ташкил қилиш ва сурункали алкоголизм ёки гиёҳвандлик билан касалланган беморларни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги йўриқномалари билан тартибга солинади.

6. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий ҳужжатлари соғлиқни сақлаш ва ички ишлар органлари сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандликка йўлиққан беморларга мажбурий даволашни ўтказишга ихтисослаштирилган даволаш-профилактика, наркологик муассасаларининг даволашни ўтказишда ўзаро узлуксизлиги таъминланишини белгилайди. Улар ихтисослашган даволаш-профилактика муассасаларини Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича тақсимланган. Ички ишлар органлари ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ихтисослашган даволаш-профилактика муассасалари ва оғир касалликлар билан беморларни мажбурий даволаш учун махсус мўлжалланган наркологик бўлимлар шароитида мажбурий даволанишга муҳтож бўлган сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, захарвандликка йўлиққан беморлар ҳисоботи юритилишини, шунингдек, махсус даволаш-профилактика муассасаларига юбориш учун ҳужжатлар тайёрланишини ҳамда махсус даволаш-профилактика муассасаларидан озод қилинган шахслар ҳаёт тарзини назорат қилишни ташкиллаштирилишини таъминлайди.

183-модда. Суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш асослари

Ҳибсда ушлаб турилган шахсларнинг суд-психиатрия экспертизаси суриштирув, тергов, прокуратура органининг қарори ёки суднинг ажрими, қамоқ жазосига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса – қамоқ уйи ёки жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг қарори асосида тайинланади.

1. Суриштирув органи, терговчи, прокурор, қамоқ уйи, жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг қарори ёки суднинг суд-тиббиёт экспертизасни ўтказиш тўғрисидаги ажрими текширилаётган шахсларни суд-психиатрия экспертизаси бўлимига қабул қилиш учун асос бўлади. Текширилаётган шахс билан биргаликда, агар мавжуд бўлса шифокорнинг дастлабки хулосасининг маълумотлари бўлимига тақдим қилиниши керак.

2. Суд-психиатрия экспертизаси бўлимида текширувда бўлган шахслар учун, уларни жамиятдан ажратиш ва қочишни олдини олишнинг зарурий чоралари таъминловчи, жойлаштириш ва сақлаш, сайр қилиш, учрашувлар, меҳнат жарасида иштирок этиш, хат езишмаларининг тегишли режим ва қоидалари ўрнатилади. Суд-психиатрия экспертизаси бўлимига қабул қилинган текширувдан ўтказилаётганлар руҳий ҳолати инобатга олинган ҳолда палаталарга жойлаштириладилар.

3. Эксперт комиссияси томонидан руҳий касалликка чалинмаган, ақли расо ва суд-психиатрия экспертизаси бўлимида сақланишга муҳтож эмас деб топилган текширилаётган шахслар дарҳол бўлимдан чиқарилиши ва экспертизага юборган идораларининг куч ва восидалари ердамида жўнатилиши шарт.

4. Жиноят содир этгандан кейин, аммо ҳукм чиққунга қадар руҳий касал бўлиб қолган шахслар мажбурий даволашга юбориш тўғрисида суд ажрими чиқарилгандан сўнг тузалгунга қадар ихтисослаштирилган реабилитация бўлимида сақлаган ҳолда умумий типдаги руҳий касалликлар шифохонасига ёки ЎзР соғлиқни сақлаш вазирлигининг кучайтирилган кузатув ўрнатилган Республика руҳий касалликлар шифохонасига ўтказиладилар.

5. Эксперт комиссияси томонидан руҳий касал ва ақли норасо деб топилган ва жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган шахслар суд экспертизаси бўлимидан суднинг ажрмига мувофиқ: а) қариндошлари ёки васийларининг қарамоғига ва бемор ёки унинг яқин қариндошлари яшайдиган жойдаги психоневрология муассасасининг назорати остига; б) умумий асосларга кўра даволаниш учун умумий типдаги руҳий касалликлар шифохонасига ёки ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика умумий типдаги руҳий касалликлар шифохонасининг реабилитация бўлимида сақлаган ҳолда психиатрда мажбурий даволанишга суд психиатрия экспертизаси бўлимидан чиқариладилар.

184-модда Руҳий касалларни кўчириш.

Касалларни руҳий касалликлар шифохонасига кўчириш, шунингдек уларни бир касалхонадан иккинчисига ўтказиш қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

1. Беморлар кўчирилиши учун тегишли қарор ёки ажрим чиқарган органлар хабардор қилинадилар. Мазкур органлар беморларни кўчириш учун транспорт ва кўриқчиларни ажратадилар.

2. Мажбурий даволанишда бўлган руҳий касалларни бир шифохонадан (бўлимдан) шу типдаги бошқасига ўтказиш тўхтатилган жиноят иши юритувда бўлган тергов органи ёки судни хабардор қилгандан сўнг

- шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси доирасида – соғлиқни сақлашни тегишли органининг бош руҳуноси томонидан;

- мамлакатимиз доирасида бир вилоятдан бошқасига – ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош руҳуноси томонидан рухсат берилиши мумкин.

185-модда Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволанаётган беморлар:

ҳар куни сайр қилиш;

хатлар, посылка, йўқлов ва бандероллар, шунингдек пул жўнатмалари олиш ва юбориш;

қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш;

диний расм-русумларни адо этиш;

озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш ҳамда уларни ўз ёнида сақлаш;

касалхона кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Беморлар адвокат хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Даволаш самарадорлигини ва касаллар ёки бошқа шахслар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда беморларнинг ҳуқуқлари чекланиши мумкин.

Беморлар тайинланган муолажани қабул қилиши ва ички тартиб қондаларига риоя этиши шарт.

1. Мажбурий даволанишда бўлган беморлар ҳар куни сайир қилиш, хат-ёзишмаси, посилкалар, жўнатмалар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиш, қариндош ва яқинлари билан учрашувлар, бошқа маҳкумларга ҳалал бермаган ҳолда ибодат қилиши ва ҳ.к. ҳуқуқларга эгалар. Хат-ёзишмаси, посилкалар, жўнатмалар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиш, қариндош ва яқинлари билан учрашиш вақти ва тартиби шифохонанинг Ички тартиб қоидалари билан тартибга солинади.

2. Беморларнинг учрашувларини вақтинча тақиқлаш (карантин билан ўрнатиладиганданлари бундан мустасно), беморнинг аҳволи ва уни даволаш манфаатларидан келиб чиқиб, бўлим мудирини хабардор қилган ҳолда даволовчи врач томонидан йўл қўйилади.

3. Беморларнинг қариндош ва яқинлари билан учрашувлари шу мақсадда махсус ажратилган, қочиш имкониятини истисно қилувчи хонада медперсонал ва шифохонани қўриқлаш бўйича ички ишлар органлари бўлинмасининг назоратчиси ҳузурида амалга оширилади.

Шифохона маъмуриятининг беморнинг руҳий ҳолати ва ижтимоий маиший масалалар тўғрисида муассасалар, унинг қариндошлари билан хат ёзишмалари беморнинг касаллик тарихида сақланади.

Беморларнинг руҳий касалликлар шифохонаси ходимлари томонидан уларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлгалиги тўғрисидаги шикоятлари бош шифокор томонидан тайинланган шахслар томонидан зудлик билан текширилади. Беморлар, уларни қариндошлари ва қонуний вакиларининг оғзаки ва ёзма аризалари ўрнатиш тартиб бўйича рўйхатга олинади ва кўриб чиқилади.

5. Беморларнинг меҳнат жарасени, спорт тадбирларида иштирок этиши, маданий терапияга (кинофильмлар, телевизион кўрсатувлар, ҳаваскорлик кечалари ва ҳ.к.) жалб қилиниши тиббиёт ходимлари томонидан ташкил қилинади. Меҳнат терапияси, маданият терапияси, сайир қилиш урашувлар вақтида руҳий касаллар ҳулқ-атворини кузатиш ва назорат қилиш тиббиёт ходимлари ва шифохонани қўриқлаш бўйича ички ишлар органлари бўлинмасининг назоратчисига юклатилади.

6. Беморларнинг шифохона ҳудудидан четга чиқиши тақиқланади. Беморлар даволанишдан бош тортган ҳолларда, у мажбурий равишда амалга оширилади.

186-модда. Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларни сақлаш шароитлари

Руҳий касалликлар шифохоналарида беморлар касаллик тури, хулқ-атворининг хусусияти, руҳий ва жисмоний ҳолатини инобатга олиб, уларни батамом ажратиб қўйишни таъминловчи ҳамда улар томонидан янги ижтимоий-хавfli қилмиш содир этиш, қочиш, сақлаш режимини бузиш эҳтимолининг олдини олишни таъминлайдиган шароити бор палаталарга жойлаштирилади.

Эркаклар ва аёллар, катталар ва вояга етмаган шахслар алоҳида-алоҳида сақланади.

Бир беморга тўғри келадиган фойдали майдон нормаси беш квадрат метрдан кам бўлиши мумкин эмас.

Беморларга овқат ва касалхона кийими бепул бериледи.

Беморларни овқат ва уст-бош билан таъминлаш нормалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Посилка, йўқлов, бандерол ва пул жўнатмалари олиш ҳамда юбориш, учрашувлар ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш, сақлаш, шунингдек беморларга ҳар куни бериладиган сайр тартиби ички тартиб қоидалари билан белгиланади.

Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларга узоқ муддатли учрашув берилмайди.

Бемор номига келиб тушган пуллар унинг шахсий ҳисоб-варағига ўтказилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни беморлар пул ўтказиш йўли билан сотиб оладилар.

1. Руҳий касалликлар шифохонасига қабул қилинган беморлар бўлим ва палаталарга, уларнинг руҳий ҳолати инобатга олинган ҳолда, аёллар ва эркаклар, катталар ва вояга етмаганлар алоҳида жойлаштириладилар.

2. Интенсив назоратли руҳий касалликлар шифохонасида беморларни сақлаш, режим ва уларни устидан назорат қилиш уларнинг даволаниши ва ижтимоий меҳнат жиҳатидан реабилитация қилиниши қулай шароитни таъминлаши, беморларнинг кадр-қимматини камситмаслиги ва уларнинг мустақиллиги ҳамда фойдали ташаббусига тўсқинлик қилмаслиги керак.

3. Кун тартиби, овқатланиш ва дам олиш вақти бош шифокор томонидан тасдиқланадиган шифохонанинг Ички тартиб-қоидалари билан ўрнатилади.

4. Беморлар ҳар ҳафта, кейинчалик чойшаб ва ичкийим алмаштирилиши билан, гигиеник ванна оладилар (ёки душда чўмиладилар). Сурункали холсиз бўлган кир ва пала-партиш беморларнинг чойшаб ва ичкийимлари заруратга қараб алмаштирилади.

5. Шифохонанинг даволаш бўлимлари ҳудудига кириш гувоҳнома ва рухсатномалар бўлган ҳолда йўл қўйилади. Рухсатномаси бўлган бегона шахсларни назоратчи мажбурий равишда кузатиб қўйиши шарт. Шифохона ҳудудига кирувчи ва ундан чиқаётган шахсларнинг нарсалари ва кийимлари кўздан кечирилади.

6. Бемор шифохонадан қочган тақдирда қўриқлов бўлими зудлик билан қидирув ишларини ташкил қилади ва қочиш тафсилотларини аниқлайди. Ўзбошимчалик билан шифохонани ташлаб кетган беморни чиқаришни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Шифохонани қўриқлаш бўлими ҳар бир қочиш ҳолатлари тўғрисида шифохона жойлашган ҳудуд ва беморнинг яшаш жойидаги ички ишлар органлари ва психоневрологик диспансерни, шунингдек мажбурулов чорасини тайинлаган судни хабардор қилади.

7. Интенсив кузатувли руҳий касалликлар шифохонасининг маъмурияти прокуратура, тергов органлари ва суднинг талаби, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасаларининг суровига кўра бемор тўғрисида маълумотнома ва касаллик тарихидан кўчирма беради. Беморлар, уларнинг қариндошлари ва васийларига, шифохонада бўлганлиги тўғрисидаги маълумотномадан бошқа ҳужжатлар берилмайди.

8. Интенсив кузатувли руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти, шифохонанинг айрим ходимларини, шифохонада мажбурий даволанишда бўлган руҳий касалларнинг вакили сифатида судда қатнашишга ваколат беришга ҳақли.

187-модда. Руҳий касалликлар шифохоналарида беморларни даволашни ташкил этиш

Руҳий касалларни мажбурий даволаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган ташхис қўйиш, даволаш ва соғлиқни тиклаш усуллари қўлланган ҳолда ўтказилади.

1. Шифохонада ҳар бир беморни тўлиқ руҳий, неврологик ва соматик кўриги таъминланади. Касалликнинг хусусиятига қараб унга барча замонавий даволаш ва ижтимоий-меҳнат жиҳатидан реабилитация қилиш усулари қўланади.

2. Тиббий текшириш натижалари, беморнинг руҳий, неврологик ва соматик ҳолатининг ўзгариши, анамнестик маълумотлар, дастлабки ташҳис, янги диагностик ва даволаш усуллариининг белгиланиши ҳамда текширишлар, кузатув маълумотлари куни қўйилиб, касаллик тарихига ёзилади. Даволовчи врач томонидан анамнез маълумотларини олиш учун барча зарурий текширишлар ўтказилган ҳолда касаллик тарихидаги клиник ташҳис ёзилади. Ташҳиснинг таърифи касалликлар, шикастланиш ва ўлим сабабларининг амалдаги статистик классификациясига мувофиқ келтирилади. Клиник ташҳисни аниқлаш муддати бемор психиатрик стационарга келтирилган пайдан 10 кундан ошмаслиги керак.

3. Интенсив кузатувли руҳий касалликлар шифохонасида бўлган руҳий касалларга фақат ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган диагностика, даволаш, профилактика услари ва ижтимоий реабилитациянинг барча зарурий чоралари қўланади.

188-модда. Бемор қочиб кетган ёки вафот этган тақдирда шифохона маъмуриятининг ҳаракати

Мажбурий даволанишда бўлган бемор қочиб кетган тақдирда руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти зудлик билан уни қидириб топиш чораларини кўриши ҳамда бу ҳақда шифохона жойлашган ердаги ва бемор, унинг қариндошлари ёки васийлари яшайдиган жойдаги прокурорни, ички ишлар органларини, психоневрология диспансерини, шунингдек мажбурий даволаш чорасини тайинлаган судни хабардор қилиши шарт.

Мажбурий даволанишда бўлган бемор вафот этганлиги тўғрисида руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти унинг қариндошлари ёки васийларини, прокурор ва судни, шунингдек бемор яшаган жойдаги психоневрология диспансерини хабардор қилади.

Вафот этган бемор жасадини бериш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади

1. Мажбурий даволашда бўлган бемор қочиб кетган ҳолларда даволаш муассасасининг маъмурияти уни қидириш чораларини зудлик билан кўриши ва даволаш муассасаси жойлашган ҳадуддаги прокурор, ички ишлар органлари ҳамда беморнинг яшаш жойидаги психоневрологик диспансерга, унинг қариндошлари ёки васийлари, шунингдек мажбурий даволашни тайинлаган судга хабар бериши лозим.

2. Бемор ушланиб, мазкур даволаш муассасасига қайтирилганда, унинг такроран қочишини истисно қилувчи барча хавфсизлик чоралари кўрилади.

3. Даволаш муассасасининг маъмурияти мажбурий даволанишда бўлган беморнинг ўлими тўғрисида унинг қариндошлари ёки қонуний вакиллари, прокурор, мажбурий даволанишни тайинлаган суд, жиноят иш юритувибўйича тергов тугамаган ёки тўхтатилган беморнинг яшаш жойидаги психоневрологик диспансерга (диспансер бўлимига, кабинетга) хабар беради.

4. Бемор қичиб кетганда ёки унинг ўлими келиб чиқан ҳолларда даволаш муассасасининг маъмурияти тўхтатилган жиноят иши юритувда бўлган тергов органи ёки судга ҳам хабар бериши лозим.

5. Тергов органи, прокурор ёки суднинг талаби билан мажбурий даволанишда бўлган бемор вафот этган даволаш муассасасининг маъмурияти унинг вафоти тўғрисидаги барча зарурий ҳужжатлар ва тушунтиришларни тақдим қилади.

6. Вафот этганларнинг мурдалари мажбурий равишда паталогоанотомик текширилади. Текшириш Ыўғрисида батафсил баённома тузилади.

7. Башарти вафот этган беморнинг қариндошлари ёки қонуний вакиллари мурдани кўмиш учун олиш истагини билдирган бўлсалар, улар бу тўғрида шифохона маъмуриятига ўлим тўғрисидаги хабарнома олганларидан сўнг 24 соат ичида маълум қилишлари шарт. Агарда кўрсатилган шахслар мурдани олиб кетиш тўғрисида шифохонага хабар бермаган бўлсалар, шифохона ўлим тўғрисида хабарнома берганидан сўнг 48 соат ўтгач вафот этгани кўмишга ҳаққидир.

8. Ўлим ўта хавфли юқумли касалликлар оқибатида келиб чиққан бўлса вафот этганининг мурдаси қариндош ёки қонуний вакилларига берилмайди.

9. Беморнинг ўлими зўрлик натижасида келиб чиққан ҳолларда руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти зудлик билан бу тўғрида шифохона жойлашган жойдаги прокуратура ва Соғлиқни сақлаш

вазирлигининг бош руҳшуносига тегишли чоралар кўриш учун, шунингдек бошқа манфаатдор шахсларга хабар беради. Бундай ҳолларда мурдани бериш тўғрисидаги масалани ҳудудий прокуратура ҳал этади.

189-модда. Беморни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тўғрисида хабар

Беморни шифохонадан чиқаришдан ўн кун олдин руҳий касалликлар шифохонаси маъмурияти бу ҳақда унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига, шунингдек унинг қариндошлари ёки васийларига хабар қилади.

Мажбурий даволаниш суд томонидан бекор қилинганидан кейин ўн сутка ичида даволаш муассасаси маъмурияти беморнинг яшаш жойидаги психоневрология диспансерига амбулатория картасидан кўчирма юборади ҳамда унинг қариндошлари ёки васийларини, шунингдек беморнинг яшаш жойидаги ички ишлар органларини воқеадан хабардор қилади.

1. Мажбурий даволанишда бўлган барча беморлар 3-6 ойда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда уларнинг руҳий ҳолатини аниқлаш ва суд олдида мажбурий даволашни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги масаласини қўйиш имкониятини яратиш учун, шифохонанинг бош врачлари тақдимномасига кўра тузилиб, шифохона бўйсўнадиган орган томонидан тасдикланадиган шифокорлар комиссияси томонидан текширишдан ўтказилади. Агарда беморнинг ҳолати ўзгарса, текшириш олти ой ўтгунга қадар ҳар қандай вақтда ўтказилиши мумкин.

2. Беморнинг соғайиб кетиши ёки уни жамият учун хавфсиз бўлишига олиб келган ҳамда шифохонада сақлаш ва мажбурий даволаш заруратини истисно қилувчи руҳий ҳолатининг ўзгариши ҳолларида, даволаш муассасасига бўйсунувчи соғлиқни сақлаш органи бош психиатрининг, шифокорлар комиссияси ҳулосасига асосланган тақдимномасига биноан суд томонидан мажбурий даволаш бекор қилинади. Шифокорлар комиссияси томонидан тегишли ҳулоса чиқарилгандан сўнг ун кунлик муддатдан кечиктирмаган ҳолда бош психиатр тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини бекор қилиш ёки унинг турини ўзгартириш ҳақида судга тақдимнома билан мурожаат қилиши зарур.

3. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини ўзгартириш, беморни умумий типдаги руҳий касалликлар шифохонасидан (бўлимидан) ёки ихтисослаштирилган реабилитацион бўлимдан кучайтирилган кузатувли руҳий касалликлар шифохонасига ўтказиш тўғрисидаги суд ажримини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

4. Суд томонидан мажбурий даволаш бекор қилинганидан сўнг, бемор шифохонадан чиқарилгунга қадар ўн кунлик муддатдан кечиктирмасдан руҳий касалликлар шифохонаси беморнинг яшаш жойидаги психоневрологик диспансерга (диспансер бўлими, кабинети) стационарда даволанган беморнинг амбулатор картасидан кўчирма юборади. Бир вақтнинг ўзида, руҳий касалликлар шифохонасининг маъмурияти мажбурий даволаш бекор қилинганлиги ва бемор шифохонадан чиқарилганлиги ҳақида беморнинг қариндошлари ёки қонуний вакилларига, шунингдек бемор яшаш жойидаги милиция бўлимига хабар беради.

190-модда. Беморларни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тартиби

Беморларни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Руҳий касалликлар шифохонасидан чиқарилган шахсларга даволанишда бўлган вақти тўғрисида маълумотнома берилади.

1. Беморларни руҳий касалликлар шифохонасидан чиқариш тартиби мазкур шифохонанинг типига боғлиқ бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига оид ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2. Руҳий касалликлар шифохонасидан чиқарилган шахсларга шифохонада бўлган муддат тўғрисида маълумотнома берилади. Одатда, бундай маълумотнома беморни кузатувчи шахсларга берилади.

3. Бемор чиқарилганидан сўнг касаллик тарихи шифохонада қолади, девонхонада рўйхатга олинади ва архивга топширилади. Зарурат туғилганда у кейинчалик талаб қилиб олиниши мумкин, бундай ҳоларда ундан тегишли нусха олинади.

191-модда. Беморларни яшаш жойига юбориш

Беморлар яшаш жойига қариндошлари ёки васийлари ёхуд тиббий ходимлар кузатувида юборилади.

Беморнинг яшаш жойигача етиб бориш, кузатувчи шахснинг эса, бориш-келиш харажатлари давлат ҳисобидан тўланади.

1. Шифохонадан чиқарилган беморлар аҳволига боғлиқ ҳолда мустақил ёки қариндошлари, қонуний вакиллари ёки тиббий ходимларнинг кузатувида яшаш жойига юборилади.

2. Руҳий касалликлар шифохонасидан чиқарилган шахсларга яшаш жойига етиб бориш учун йўл кираси (башарти у бошқа аҳоли пунктида жойлашган бўлса) шифохона ҳисобидан тўланади. Мазкур тўлов сафар харажатларига мўлжалланган маблағдан тўланади.

3. Шифохонадан чиқарилган беморнинг йўл ҳужжатлари, агарда у яшаш жойига мустақил бораётган бўлса унинг қўлига, акс ҳолда уни кузатувчиларига берилади.

192-модда. Беморлар ва руҳий касалликлар шифохонаси ходимлари хавфсизлигини таъминлаш

Беморлар ва ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, беморларнинг руҳий касалликлар шифохонаси (бўлинмаси) доирасидан ташқарига ўзбошимчалик билан чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида назорат-рухсатнома тизими жорий этилади.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохоналарини қўриқлаш тиббий ходимлар томонидан, суд-психиатрия экспертизаси бўлинмалари ва кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохоналарида - ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Бемор жазавага тушган, шунингдек тиббий ходимларга итот этмаган ва уларга жисмоний қаршилик кўрсатган тақдирда унга нисбатан қўлкишан, боғлаш воситалари ва бошқа махсус воситалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қўлланилиши мумкин.

1. Мажбурий даволашда бўлган беморларга бериладиган ҳар қунлик сайир қилиш фақат шифохона ҳудудида рухсат берилади. Мажбурий даволанишда бўлган беморларни шифохона ҳудудидан чиқариш қатъиян ман қилинади.

2. Беморларни шифохона ҳудудидан четга чиқиши, шифохона ҳудудига бегоналарнинг киришини олдини олиш учун назорат-пропуск тизими ва кўриқлов ўрнатилди. Кучайтирилган назоратли руҳий касалликлар шифохонасидаги пропуск режими Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли низоми билан тартибга солинади.

3. Кўрсатилган шифохонанинг ҳудуди ва даволаш корпусларига кириш фақат кўриқлаш бўлими ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва шифохона жойлашган жойдаги соғлиқни сақлаш органининг бош психиатрлари, назорат қилувчи прокуроргага назоратчиларнинг ҳамроҳлигида йўл қўйилади. Беморлар палата ва корпусларда қамалади.

4. Қариндошлар билан учрашувлар қочиб кетишни истисно қилувчи махсус жихозланган хоналарда, тиббий персонал ҳузурида амалга оширилади.

5. Жанжал-тўполон қилинган, шунингдек бўйсунмаслик ва тиббий персоналга жисмоний қаршилик кўрсатилган ҳолларда беморга қишан, тийдириш куйлаги ва жазавани бостиришнинг бошқа воситалари шифокор назорати остида қисқа муддатга қўлланади. Беморнинг соғлиғига зарар етказишга йўл қўйилмайди.

193-модда. Руҳий касалликлар шифохоналарида мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат

Руҳий касалликлар шифохоналарида (бўлимларида) мажбурий даволаш ўтказилиши устидан назорат соғлиқни сақлаш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади

1. Суд томонидан тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда қонунларга риоя қилиш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга буйсўнувчи прокурорлар томонидан “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга мувофиқ амалга оширилади.

2. Руҳий касалликлар шифохоналарида (бўлимларида) мажбурий даволашни ўз вақтида ва тўғри амалга оширилишини назорат қилиш соғлиқни сақлаш органлари томонидан Ўзбекистон республикасининг “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг руҳсати билан халқаро тиббиёт ташкилотлари психиатрик муассасаларга йўл қўйилиши мумкин. Уларнинг муассасада бўлишида зикр этилган вазирликнинг масъул ходимлари ҳамроҳлик қилади.

194-модда. Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби

Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

1. Қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахсларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби қўйидагиларда намоён бўлади: қамоқ уйлари ёки жазони ижро этишнинг муайян колониясига келтирилгандан сўнг маҳкумлар тиббиёт бўлим карантин-диагностика стационар палаталарига юбориладилар. У ерда 10 кунлик муддат ичида уларнинг соматик ва руҳий ҳолати тиббий текширувдан ўтказилиб, касалликнинг диагнози ва босқичи аниқланиши лозим. Беморлар карантин-диагностика палаталаридан стационар даволаш курсини ўтказиш учун палаталарга ўтказиладилар. Беморларни стационар текшириш ва даволаш муддати тиббиёт комиссияси томонидан белгиланади.

2. Стационар текшириш курси ўтказилганидан сўнг маҳкумлар отрядларга ўтказиладилар ва уларни амбулатор даволаш давом этади. Даволашнинг муайян усуллари шифокорлар томонидан, беморларнинг индивидуал хусусиятларини, касалликнинг тури ва босқичи, шунингдек йўлдош касалликларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликларининг низом ва услубий ҳужжатлари асосида танланади.

3. Мажбурий даволаниш ўтказилаётган беморларда унинг ёқмаслигини кўрсатувчи белгилар номоён бўлса, тиббий комиссия томонидан даволашни тугатиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарор, беморлар стационар шароитида синчковлик билан текширувдан ўтказилганидан кейин қабул қилинади. Ҳужжатлар

қамоқ уйи ёки жазони ижро этиш колонияси маъмуриятига судга юбориш учун берилади.

4. Бемор даволанишдан бўйин товласа, қамоқ уйи ёки жазони ижро этиш колонияси маъмурияти тиббий хулосага таянган ҳолда, маҳкумга, у озод қилинганидан сўнг, мажбурий даволаш муддатини махсус даволаш-меҳнат режимли муассаса шароитида узайтириш ҳақида судга илтимоснома киритиши мумкин.

5. Маҳкумларни жазони ижро этишнинг ихтисослаштирилган муассасаларидан умумийларига ўтказиш тўғрисидаги масала суд томонидан мажбурий даволаш бекор қилинганидан сўнг ҳал қилиниши мумкин.

34 БОБ. ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

195-модда. Жабрланувчидан узр сўраш

Вояга етмаган шахс жабрланувчидан оғзаки ёки ёзма равишда, кўпчиликнинг олдида ёки якка тартибда узр сўрайди.

Узр сўраш жойи, вақти ва тартибини суд белгилайди.

Узр сўраш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

1. Узр сўраш шакли, унинг вақти ва жойи суд ажримида кўрсатилади. Мажбурлов чорасининг тарбиявий хусусиятини ошириш мақсадида суд узр сўраш, қилмишидан пушаймон бўлаши юзаки эмас, балки чин кўнгилдан бўлишига эришишга ҳаракат қилиши керак.

2. Агарда узр кўпчиликнинг олдида сўралса, бунда маҳалла комитетининг раиси, профилактика бўйича участка инспектори қатнашиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда узр қаерда, қанчон ва қандай шаклда сўралганлиги, кимлар иштирок этганлиги, жабрланувчи қоникқан-қоникмаганлиги кўрсатилган ҳолда баённома тузилади. Узр алоҳида сўралган ҳолларда жабрланувчининг ўзи узр сўралганлиги ҳақида судга хабар бериши лозим. Мазкур хабар оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин.

196-модда. Етказилган зарарни тўлаш ёки бартараф этиш

Вояга етмаган шахснинг етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаши ёхуд бартараф этиши суд томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Етказилган зарарни ўз маблағлари ҳисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаш ёхуд бартараф этиш мажбуриятини юклаш тариқасидаги мажбурлов чораси ижро этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжат тузилади.

1. Етказилган зарарни қоплаш ёки бартараф қилиш мажбурияти вояга етмаганнинг бундай зарарни қоплаш имкониятини берувчи мустақил даромади билан боғлиқдир. Агарда вояга етмаганнинг даромади етказилган зарарни қоплашга етмаса, вояга етмаган уни ўз меҳнати

билан (меҳнат тўғрисидаги қонунчилик доирасида) бартараф қилиши лозим бўлади. Агарда бунинг ҳам имконияти бўлмаса мазкур чора қўлланилмаслиги керак.

2. Биргаликда жиноят содир этиб зарар етказган вояга етмаганлар, етказган зарарларини ҳам биргаликда қоплайдилар, зарур бўлган ҳолларда эса уларнинг ота-оналари ёки васийларига улушли моддий жавобгарлик юклатилади. Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ота-оналари ёки васийларининг мол-мулки ёхуд даромадидан қисман ундириш суд қарори билан юклатилган ҳоллардагина бу амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун вояга етмаганнинг ота-онаси ёки васийлари суд томонидан мазкур жиноят иши бўйича фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиниши зарур. Бу ҳақда суд ажрим чиқариши лозим.

3. Агарда вояга етмаган шахсга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича фуқаровий даъво қондирилиб, етказилган зарарни қоплаш эса фақат айбланувчига юклатилган бўлса, унинг ота-оналари, васийлари ёки бошқа қонуний вакилари даъвогар, суд ёки прокурорнинг ташаббуси билан фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилинмаган бўлсалар, мустақил даъво билан қўшимча моддий жавобгарликка жалб қилинишлари мумкин. Жиноят ишидаги фуқаровий даъвони фуқаровий судда кўриб чиқиш учун юбориб, вояга етмаганларнинг қонуний вакиллари биргаликда жавобгар шахс сифатида жалб қилган ҳолда мулкий талабларни қондириш ҳам истисно қилинмайди. Бироқ, ҳар қандай ҳолда етказилган зарарни ўз маблағлари ёки меҳнати билан қопланганлиги ҳақида судга хабар берилиши лозим.

197-модда. Махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш

Вояга етмаган шахслар халқ таълими органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Вояга етмаган шахсларнинг махсус ўқув-тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

1. Вояга етмаган шахслар халқ таълими органларининг махсус ўқув-тарбия муассасаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади. Одатда бу ўқув муассасалари ва ички ишлар

органининг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциясида рўйхатда турган вояга етмаганларнинг кўпчилигини 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этади. Бу ёшдаги ўсмирлар ҳамма нарсага ўта таъсирчан ва қизиқувчан бўладилар. Бу ёшдагилар оилада тарбияси бўш бўлса катталар таъсирига тез тушиб қолади ва албатта ўз навбатида оддий шўхлик уни кониктирмасдан ўсмир жиддийроқ ишларга, масалан жинойтга ҳам қўл уриши мумкин. Шуларни ҳисобга олган ҳолда юқорида кўрсатилган муассасаларга юбориш учун ҳужжатларни расмийлаштириш вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекциясига юклатилсин.

2. Махсус ўқув тарбия муассасига жойлаштирилган вояга етмаганларга аксарият ҳолларда илгари уларга тарбиявий ва бошқа турдаги чоралар қўлланилган бўлади. Шунинг учун вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция вояга етмаган билан чуқурроқ ва каттиқроқ йўналишда тарбиявий чоралар қўллаши лозим.

ИЛОВАЛАР

1. Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш тўғрисидаги буйруқ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
27.01.2001 й.
N 1002

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
18.12.2000 й.
N 260

БУЙРУҚ

Маҳкумларни касаллиги туфайли
жазони ўташдан озод қилишга
тақдим этиш тўғрисида

2001 йил 6 февралдан кучга киради

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 75-моддаси, Жиноят-ижроия кодексининг 165-моддаси ва Жиноят-процессуал кодексининг 534-моддалари талабларига асосан,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган "Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун асос бўладиган Касалликлар Рўйхати" тасдиқлансин ва амалиётда қўллаш учун эълон қилинсин (1-илова).

2. Тасдиқлансин:

2.1. Республика Прокуратураси ва Олий суди билан келишилган "Оғир касалликка чалинган маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш Тартиби" (2-илова).

2.2. "Маҳкумларни тиббий кўриқдан ўтказувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Марказий махсус тиббий комиссияси тўғрисида"ги Низоми (3-илова).

2.3. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Марказий махсус тиббий комиссия таркиби (4-илова).

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖИЭББ, Тиббиёт бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ва вилоятлар ИИБлари бошлиқлари ушбу буйруқ талаблари тегишли хизматлар ва мутасадди ходимлар томонидан ўрганиб чиқилиши ва бажарилишини таъминласинлар.

4. Комиссия фаолиятини таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ИИВ 1997 йил 31 декабрдаги 257-сонли буйруғига қўшимчалар киритилсин (5-илова).

5. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1993 йил 20 декабрдаги 431-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири**

**Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони
ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун
асос бўладиган касалликлар
РЎЙХАТИ**

1. Сил касаллиги

1.1. Тез ривожланувчи фиброз – кавернали ўпка сили ёки бронх окма яраси билан туташган плевраларнинг туташган сурункали ялли эмпиемаси ўпка фаолияти етишмовчилигининг II-III даражаси белгилари билан. Бу жараён касалликнинг марказий ўчоғи жойлашган ўпкада асосий фиброзли каверна ёки бронх окма яраси билан туташган плевраларнинг ялли эмпиемаси билан ажралиб туради. Бу ҳолда бактерияларга қарши қаратилган адекват даволаш муолажалари ўтказилишига қарамай ўпка бронхлар диссеминацияси ўчоқлари бор бўлган кўп ёки кам ривожланган фиброз (цирроз), плевраларнинг ёпишиб, битиб қолиб дағалланиши, иккиламчи эмфизема, бронхоэктаз, пневмосклероз ва ўпканинг сурункали бошқа ўзгаришларининг ҳосил бўлиши, бронхлар орқали янги ўчоқ ҳосил бўлиши қайд этилади. Бу жараён ҳар хил шаклдаги ўпка сили касалликларининг охири босқичи бўлиб, уларнинг нохуш кечаётганлигидан далолат беради, II-III даражали ўпка фаолияти етишмовчилиги билан асоратланган, ўқтин-ўқтин қон туфуриши (ўпкадан қон келиши)ни, сил микробактериясининг доимо балғам билан ажралиб чиқиши ҳолатларини ўз ичига олади. Тез ривожланувчи фиброз-кавернали ўпка силини ёки сурункали эмпиемани аниқлашда бемор ҳаёти давомида касалликнинг узоқ вақтдан бери кечаётганлигини, ўқтин-ўқтин кўзғалишларини, меҳнат қобилиятининг тамоман йўқолиши билан кечини ҳисобга олмоқ керак. Ўтказилиши шарт бўлган рентген, томография текширувларида, шунингдек, клиник лабораторияларда ўпка тўқималарининг сезиларли бузилишлари ва фиброз ўзгаришлари ҳамда шу касалликнинг асоратлари аниқланиб, тасдиқланиши керак.

1.2. Ривожланувчи цирротик ўпка сили, ўпка юраги мавжуд бўлган ва ўпка ёки ўпка-юрак етишмовчилигининг II-III даражаси ёки бронхоэктазлар ва ўқтин-ўқтин қон туфуриш (ўпкадан қон кетиш) белгилари билан.

Касалликнинг бу кўриниши сил жараёни иккала ўпкада ривожланган бўлиши ёки бир ўпкани бутунлай қамраб олган ва бошқа ўпкада эмфизема ривожланиши билан намоён бўлади. Биринчи ўринда беморда хансираш ривожланган бўлиб, ўпканинг ҳаёт ҳажми ва унинг компонентлари кескин камайган бўлади. Ўпка юрагининг субкомпенсация ва декомпенсация синдроми ривожланади. Беморда хансирашдан ташқари цианоз, тахикардия, юрак тонларининг бўғиқлиги кузатилади.

Шакланган бронхоэктазларнинг клиник кўринишида қайталанувчи қон туфуриш (ўпкадан қон кетиш)лар ўрин олган бўлади. Асоратнинг бу кўриниши бемор ҳаёти учун ўта хавфли ҳисобланади.

Беморнинг ректенологик суратида актив ўпка сили каверналари турлича, яъни деформацияланган, тирқишсимон, катта бўлиши мумкин. Ўчоғли ўзгаришлар битта-яримта ёки кўплаб бўлиши, диссеминация ўчоқлари битта ёки иккала ўпкада бўлиши кузатилади. Ушбу ташҳисни тасдиқлаш учун ўпканинг рентген, томография, қон ва балғамнинг клиник-лаборатория текширувлари ўтказилиши шарт.

1.3. Ўткир диссеминацияли ўпка сили менингиал формаси ёки ўпканинг казеоз яллиғланиши мавжудлиги билан.

Касалликнинг бу кўринишида бемор аҳволининг оғирлиги, кескин умумий ҳолсизлик, адинамия кузатилиши мумкин ҳамда ривожланган сил захарланиш белгилари билан кечади. Умумий сил захарланиш белгиларидан ташқари менингит ва менингоэнцефалит белгилари яққол аниқланади. Люмбал пункция орқали орқа мия суюқлиги текширилиб турилиши шарт.

Ўткир диссеминацияли ўпка силининг махсус формаларидан бири бу рентгенологик суратда диссеминация ўчоқлари йирик бўлиб, лобуляр казеоз яллиғланиш кўринишида бўлади. Бундай рентгенологик суратни "Қорли тўфон" деб ҳам юритилади.

Ушбу ташҳисни тасдиқлаш учун ўпканинг рентгенография ҳамда қон ва балғамнинг клиник-лаборатория текширувлари (сил микробактерияларининг бор-йўқлигини текшириш) ўтказилиши шарт.

1.4. Тез ривожланувчи инфилтратив ўпка сили (ўпканинг казеоз яллиғланиши) ўпка фаолияти етишмовчилигининг II-III даражаси кўринишлари билан. Бактерияларга қарши етарли даволаш ўтказили-

шига қарамай, бир ўпканинг субтотал жароҳатланиши, ниҳоятда катта ва бир нечта каверналарнинг ҳосил бўлиши, беморнинг аҳволи оғирлиги, заҳарланишнинг яққол белгилари билан ва ўпка фаолияти етишмовчилигининг II-III даражаси билан ажралиб туради. Бунда доимо балғамдаги сил микробактерияларини таркатаётган иккала ўпка бронхлари диссеминация ўчоқлари, ўпкадан қон кетиш (қон туфуриш) ҳолатлари мавжуд бўлади. Ушбу ташҳисни тасдиқлаш учун ўпканинг рентген, томография ҳамда қон ва балғамнинг клиник лаборатория текширувлари ўтказилиши шарт.

1.5. Ички аъзолар амилоидози билан асоратланган тез ривожланувчи деструктив шаклдаги умуртқа, йирик суяклар ва бўғимлар сили, сийдик чиқариш йўллари ўзига хос жараёни билан асоратланган икки томонлама буйрақлар кавернали силини, буйрақлар етишмовчилигининг терминал босқичига ўтиши бемор иш қобилиятининг бутунлай ва тамоман йўқолиши билан кечади.

Ҳамма тўқима ва аъзоларда дистрофик ўзгаришлар ҳамда шикастланган жойларнинг кенг қамровли емирилишлари билан ажралиб туради.

Контрактурага олиб келувчи бўғим халтачаларнинг чандиклашиб кетиши ва чандикли пайлар ҳосил бўлиши кузатилади. Сил спондилитида абцесслар, орқа мия фаолиятининг бузилишлари ва фалажлик кузатилади. Суяк - бўғин силини аниқлашда уларни икки (олд ва ён) томондан кўринишдаги суратларига, қоннинг клиник ва биохимик лаборатория текширувларига, Кох ва туберкулин синовларига, абсцесс қопчасидан олинган йиринг текширувига, шикастланган бўғимлардан ажралиб чиқаётган суюқликни лаборатория шароитида экиб ўстириш йўли билан текширилгандаги натижага, шу суюқликни ва регионар лимфа тугунларининг хужайра текширувларига асосланилади.

Сийдик ажратиш аъзоларининг тез ривожланадиган силини аниқлашда сийдикнинг клиник текширувига (сийдик таркибидаги йиринг, оқсил, цилиндрлар борлиги ва солиштирама оғирлигининг бирдек бўлиб қолиши), ўтказилиши шарт бўлган буйрак ва сийдик пуфаги атрофини қамраган рентген, экскретор урография, индигокарминли цистоскопия синови ва ретроград пиелографияга асосланилади.

2. Ўсмалар

2.1. TNM халқаро таснифланиши (классификация) бўйича ҳамма хавфли ўсмаларнинг IV босқичи. Клиник тапхис одатда гистологик текширув асосида қўйилади.

2.2. Лимфа ва қон яратиш тўқималарнинг хавфли ўсмалари. Миелопрролифератив ўсмалар.

2.2.1. Ўткир кечадиган лейкоз (ҳамма кўринишлари).

2.2.2. Сурункали миелолейкоз (кахексия, камқонлик, сплено-мегалия, геморрагия белгиларининг кучайиб бориши билан).

2.2.3. Терминал босқичдаги сурункали эритромиелоз.

2.2.4. Бош миёда қон қўйилиши ёки бош миё қон томирлари тромбози билан асоратланган эритремия.

2.2.5. Камқонлик, тромбоцитопения ва узлуксиз қайталайдиган инфекциялар билан асоратланган сурункали лимфолейкоз.

2.2.6. Камқонлик ва геморрагия аломатлари билан кечадиган терминал босқичдаги сурункали моноцитар лейкоз.

2.2.7. Остеодеструктив жараёни, кўп сонли миелома (умуртқа ва оёқ суяқларининг патологик синиши).

2.2.8. Бир ёки ундан кўпроқ экстралимфа аъзоларининг диффузли жароҳатланиши лимфа тугунларининг жароҳатланиши билан кечаётган IV босқичдаги лимфагранулематоз.

2.2.9. Периферик лимфа тугунларига ва ички аъзоларига метастаз билан кечаётган қайталанган хавфли ўсмалар IV босқичи.

3. Ички секреция безлари касалликлари

3.1. Қандли диабет касаллигининг I-II турлари, инсулинга тобе бўлиб (инсулин микдори бир кеча-кундузда 60 ўлчов бирлиги ва ундан кўп) оғир кечаётган ва яққол ифодаланган микроангиопатия; ретинопатия, полинейропатия белгилари мавжуд бўлган тури.

3.2. Иценко-Кушинг касаллиги ва синдроми, яққол ифодаланган асоратлари билан: умуртқа ёки найсимон суякларининг патологик синишлари, мушаклар атрофияси; кардиомиопатиянинг Ш-даражали қон айланиши етишмовчилиги билан; мия қон айланиш бузилиши натижасида икки ёки ундан ортиқ оёқ, қўллар ҳаракатларининг чуқур, турғун ва тиклаб бўлмайдиган бузилишлари.

3.3. Кахексия босқичидаги гипофизар етишмовчилиги (Симмондс касаллиги).

3.4. Диффуз токсик буқоқ. Тиреотоксикоз оғир шакли, асоратлари билан (эндокрин офтальмопатия, тиреотоксик юрак, мерцал аритмия ва юрак-қон томир етишмовчилигининг Ш-босқичи билан, жарроҳлик йўли билан даволаб бўлмайдиган турлари).

3.5. Буйрак усти безининг сурункали етишмовчилиги оғир шакли (асоратлари ва доимий ўрин босувчи гармонлар терапиясига муҳтож бўлган).

3.6. Вазопрессин гармонининг тўлиқ етишмовчилиги билан (нейроэндокрин етишмовчилигининг оғир босқичи) ифодаланган қандсиз диабет касаллиги. Бунда беморда полиурия (организмда сийдикнинг бир кеча-кундуздаги миқдори 15-18 литрга етади), полидипсия, физик ва психологик астенизация, ошқозоннинг кенгайиши, тери ва шиллиқ қаватларининг қуриши, иситма, қон қуйилиши, эритроцитлардаги натрий миқдорини, гемоглобин ва қолдиқ азотнинг кўпайиши кузатилади.

4. Рухий касалликлар

4.1. Шизофреник психозлар: узлуксиз давом этувчи (оддий, гебефреник, кататоник, параноид) ва нохуш кечаётган хуружсимон-прогредиент шакллари.

4.2. Аралаш психотик ҳолатли, тез-тез алмашиб кечадиган маниакал ва депрессив фазага узлуксиз кечаётган маниакал-депрессив психознинг циркуляр хили.

4.3. Бош миянинг органик шикастланиши оқибатидаги психотик ўзгаришлари.

4.3.1. Синил деменциянинг барча шакллари (оддий, галлюцинатор-параноид бузилишлари билан, шу касалликнинг эрта бошланадиган тури, Альцгеймер ва Пик касалликларида бош миянинг ўчоқли атрофияси оқибатидаги деменция).

4.3.2. Атеросклеротик ақл заифлиги (психозсиз, депрессияли, галлюцинатор-параноид бузилишлари, ўтқир фикр чалғиши сингари кўринишлари билан).

4.3.3. Корсаков психози (ичкиликбозлик, мия захми ёки жароҳатланиш оқибатида).

4.3.4. Органик деменция (энцефалит, менингоэнцефалит, мия захми, мия жароҳатланиши оқибатларида).

4.4. Сурункали руҳий касалликлар хусусиятига эга бўлаётган, соматик қисми жалб қилиб прогредиент тарзида кечаётган, узоқ давом этаётган реактив психозлар.

4.5. Келиб чиқиши турлича бўлган сурункали психозлар.

4.5.1. Системали инфекция сабаб бўлган прогредиент ёки қайталаниб кечаётган симптоматик психозлар.

4.5.2. Заҳарланиш оқибатида келиб чиққан узоқ давом этадиган ёки қайталаниб кечаётган психозлар (тиклаб бўлмайдиган, руҳият ўзгаришларининг кўпайиб бориши билан).

4.6. Шахснинг патологик ривожланишидаги, тез-тез қайталаниб, узоқ муддатда давом этадиган декомпенсация босқичдаги бузилишлари (психопатиялар).

4.7. Эпилепсия.

4.7.1. Даволанишнинг таъсири бўлмагач, сурункали жараён тусини олаётган узоқ кечадиган эпилептик психоз.

4.7.2. Руҳий ўзгаришлари яққоллашиб ва кучайиб бориши, пароксизмал бузилишлари мураккаблашган ва ўта яққол ҳолатлар.

4.7.3. Эпилептик ақл заифлиги.

4.8. Бош мия жароҳатланиши оқибатида келиб чиққан, руҳий ўзгаришларнинг турғун белгилари билан кечадиган сурункали психозлар.

5. Асаб тизими ва сезги аъзоларининг касалликлари

5.1. Бош ва орқа миянинг қон томирларидаги ўзгаришлар сабаб бўлган касалликлари: мия қон айланишининг эмболик, геморрагик, ишемик ёки аралаш ўткир бузилишлари; III босқичдаги сурункали энцефалопатия ва миелопатия, жабрланиш (травма сабаб бўлмаган бирламчи субарахноидал қон қўйилиши туфайли, мияда ўчоқли шикастланишнинг яққол ифодаланган, турғун белгилари, гемипаралегиялар, чуқур геми- ва парепарезлар, бемор ўзининг қаердалигини ва қаймаҳал эканлигини англай олмаслиги, акинетико-ригидлик аломатлари) бўлган ва ташҳис аниқ қўйилган ҳоллар.

5.2. Бош ва орқа миянинг органик шикастланишига олиб келган, марказий нерв системасининг юқумли, демиелинловчи касалликлари, мия фаолиятининг чуқур, турғун бузилишлари (оғир даражадаги фалажлар, нерв сезгирлиги фаолиятининг бузилишлари, трофик бузилишлар, яққол ифодаланган акинетико-ригидлик аломатлари) ва касаллик жараёнининг кучайиб бориши.

5.2.1. Иккиламчи йирингли менингитлар.

5.2.2. Бирламчи вирусли энцефалитлар.

5.2.3. Бош мия абсцесси.

5.2.4. Орқа мия қаттиқ пардаси абсцесси ва сил касаллиги сабаб бўлмаган гранулёмалар.

5.2.5. Нейрозахм.

5.2.6. Нерв системасининг сил касаллигидан шикастланиши.

5.2.7. Тарқалган склероз.

5.2.8. Бош мия функцияларининг турғун, чуқур бузилиши билан кечадиган тарқалган энцефаломиелит.

5.2.9. Шилдер энцефаломиелити.

5.2.10. Ўткир ва сурункали яллиғланган демиелинловчи полиради-кулоневропатиялар.

5.3. Марказий асаб тизимининг жароҳатланиши оқибатидаги касалликлари, мияда ўчоқли шикастланишнинг яққол, турғун белгилари (геми ва параплегиялар; чуқур гемипарезлар) бўлган ҳоллар.

5.4. Тез кечиб, кучайиб бораётган касалликлар, ҳаракат, сезги ва вегетатив трофик фаолиятларнинг турғун, яққол ифодаланган бузилиши ва ўтказилаётган даво таъсир қилмаётган ҳоллари:

5.4.1. Бош мия ўсмалари.

5.4.2. Бош-орқа мия ўсмалари.

5.4.3. Орқа мия ўсмалари.

5.4.4. Сирингобулбия.

5.4.5. Гепатоцеребрал дистрофия (гепатовентрикуляр дегенерация, Вильсон-Коновалов касаллиги).

5.4.6. Орқа ва бош мия атаксиялари.

5.4.7. Ёнланма амиотрофик склероз.

5.4.8. Миастения.

5.5. Бутунлай кўрлик, шунингдек яхши кўрадиган кўздаги кўриш равшанлиги, касалликлар туфайли бўлган ўзгаришлардан сўнг 0, 03 дан ошмай қолган ва уни тузатиб бўлмайдиган ёки иккала кўздаги кўриш бурчаги бир ҳилда 10 даражага торайиб қолган ҳоллар.

6. Қон айланиш аъзоларининг касалликлари

6.1. II-III даражадаги қон айланиши етишмовчилиги бўлган, тез ривожланувчи ва даволаш таъсир этмайдиган юрак касалликлари.

6.1.1. Жарроҳлик йўли билан ҳам даволаб бўлмайдиган констриктив перикардит.

6.1.2. Юракнинг орттирилган ва туғма нуқсонлари.

6.1.3. Бактериал эндокардит, унинг узоқ давом этувчи шакли.

6.1.4. Кардиомиопатия (унинг қон ҳаракати сусайиб қолган, гипертрофик обструктив ва диллятацион шакллари).

6.1.5. Эндомиокардиал фиброз.

6.1.6. Миокардит оқибатидаги кардиосклероз.

6.1.7. Юракнинг ишемик касаллиги.

6.1.8. Юрак ритмининг бузилиши.

6.1.9. Юқумли-аллергик миокардит.

6.2. Гипертония касаллигининг III босқичи.

6.2.1. Юрак ритмининг турғун бузилиши ва қон айланишининг кучайиб борувчи етишмовчилиги бўлган трансмурал ёки катта ўчоқли қайталанган миокард инфаркти.

6.2.2. Қон айланиш етишмовчилигининг III даврида.

6.2.3. Сурункали буйрак етишмовчилигининг III даврида.

6.3. Гангреноз-некротик босқичдаги, камида иккита қўл оёқ энг йирик қон томирларининг шикастланиши билан кечадиган артерия касалликлари.

6.3.1. Облитерацияловчи эндоартерит.

6.3.2. Облитерацияловчи атеросклероз.

7. Нафас олиш аъзоларининг касалликлари

Ўпканинг тарқалган пневмосклерози, эмфиземаси, сурункали "ўпка юраги"нинг декомпенсация босқичи, III даражали нафас етишмовчилиги, терминал босқичдаги буйрак етишмовчилиги мавжуд бўлган, ўпканинг носпецифик касалликлари.

7.1. Сурункали обструктив бронхит.

7.2. Бронхиал астма.

7.3. Бронхоэктаз касаллиги.

7.4. Ўпка абсцесси.

7.5. Плевра эмпиемаси.

7.6. Турли сабаблар туфайли келиб чиққан пневмоконйозлар.

7.7. Идиопатик фиброзловчи альвеолит.

7.8. Саркоидоз.

7.9. Бирламчи эмфизема.

7.10. Иккала ўпканинг тарқалган эхинококкоз касаллиги.

7.11. Иккала ўпканинг ялпи поликистоз (альвеокистоз) касаллиги.

7.12. Замбуруғ-стафилококклар таъсирида келиб чиққан иккала ўпканинг зотилжам касаллиги.

8. Овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари

8.1. Кахексия босқичидаги, сўрилиш жараёнининг ўта бузилганлиги билан кечувчи ичак ва бошқа овқат ҳазм қилиш аъзоларининг касалликлари.

8.2. Декомпенсация босқичидаги, гиперспленизм, портал гипертензия ҳамда жигар хужайраси етишмовчилиги бўлган ҳар хил сабаблар келтириб чиқарган жигар циррозлари.

8.3. Қорин бўшлиғи аъзоларининг тарқалган эхинококкоз ва альвеококкоз касаллиги, жигар ёки буйрак етишмовчилиги билан.

9. Сурункали буйрак етишмовчилигининг III босқичи билан кечадиган буйрак касалликлари

9.1. Сурункали гломерулонефрит.

9.2. Сурункали пиелонефрит.

9.3. Гидронефроз.

9.4. Буйракнинг киста касаллиги.

10. Суяк-мускул тизими ва бириктирувчи тўқима касалликлари: касаллик жараёнининг тўхтовсиз ўта кучайиб бориши ва буйрак фаолиятининг терминал босқичидаги сурункали етишмовчилиги ёки III даражали қон айланиши етишмовчилиги ёхуд марказий нерв системасида турғун бўлган ўчоқли шикастланиши (геми, параплегиялар, гемипарапарезлар) ёки қўндаланг тарғил мускулларнинг ёйилган шикастланиши дисфагия, дизартрия аломатлари билан.

10.1. Ревматизм артрити.

10.2. Геморрагик васкулит.

10.3. Анкизловчи спондилоартрит (Бехтерев касаллиги).

10.4. Системали қизил волчанка.

10.5. Дерматомиозит.

10.6. Тугунчали периартрит.

10.7. Системали склеродермия.

11. Моддалар алмашинуви касалликлари: подагра (подагрик нефропатия ва буйрак фаолиятининг терминал босқичдаги сурункали етишмовчилиги билан).

12. Анатомик нуқсонлар: жазони ўташ даврида касалланиш ёки жароҳатланиш оқибатида иккала қўл ёки оёқнинг юқори қисмидан ампутация қилиниши, шунингдек бир оёқ ва бир қўлнинг юқори қисмидан ампутация қилиниши.

13. Нурланиш касаллиги

13.1. Ўткир кечадиган нурланиш касаллиги.

13.1.1. Ўткир кечадиган нурланиш касаллигининг авжига чиққан давридаги барча оғирлик даражалари (I-IV).

13.1.2. Нурланиш оқибатида тери куйган жойларидаги ўзгаришлар авжига чиққан даврининг I-IV оғирлик даражалари.

13.1.3. Ўткир нурланиш касаллигининг асоратлари.

13.1.3.1. Тез чарчаш билан кечадиган астеник аломатлар ва бошқарув системасининг энг биринчи галда нерв, қон томирлари тизимларининг функционал етишмовчиликлари билан.

13.1.3.2. Асаб ва қон томирлари тизимининг органик шикастланиш аломатлари мия ва периферик қон айланишнинг бузилишлари билан.

13.1.3.3. Таҳлилдаги қон кўрсаткичларининг турғун эмаслиги яққол ифодаланган цитопеник аломатлари, иликнинг гиперпластик кўринишлари билан (лейкоцитлар сони 3, 0×10 дан кам, тромбоцитлар сони 1, 5×10 дан кам).

13.1.3.4. Одам танасида чуқур трофик, дегенератив ва склеротик ўзгаришлар, кейинчалик пайдо бўлган радиацион яралар, оғрик аломатлари билан.

13.1.3.5. Контрактуралар ва ампутацион нуқсонлар.

13.1.3.6. III-даражали нур катарактаси (якши кўраётган кўзда кўриш равшанлиги 0, 1-0, 5 бўлганда).

13.2. Сурункали нурланиш касаллиги шаклланиш даврининг II-IV даражали оғирлашган ва унинг узоқ муддат ўтган даври (касалликнинг кучайиб борувчи босқичида).

13.3. Кейинчалик намоён бўлган нурланиш таъсирлари (қон ишлаб чиқарувчи тўқималарда, суяк тўқималарида, ўпкада, жигарда пайдо бўлган хавфли ўсмалар).

Нурланиш касаллиги ва нурнинг таъсирлари ҳақидаги ташҳис комиссия томонидан тиббиёт радиологияси мутахассислари иштирокида биргаликда кўйилади.

14. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)нинг турғун клиник белгилари пайдо бўлган даврининг куйидаги ҳоллари: Капоши саркомаси, нафас олиш, ошқозон-ичак, асаб тизимлари ёки бошқа аъзолар ва тизимлар касалланиши.

15. Мохов касаллигининг ҳамма кўринишлари

16. Қандли диабет касаллиги билан йўлдош бўлган ҳамда гормонга тобе бўлиб, остеопороз ва гипертония касалликлари билан асоратланган пўрсилдоқ чин яра.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Тиббиёт бошқармаси**

**Оғир касалликка чалинган маҳкумларни
тиббий текширувдан ўтказиш ва уларни
касаллиги туфайли жазони ўташдан озод
қилишга тақдим этиш
ТАРТИБИ**

1. Маҳкумлар, озодликдан маҳрум этиш ёки қамоқ тарикасидаги жазони ижро этиш жойларида жазо муддатини ўташ даврида оғир касалликка чалинсалар ва шунингдек уларда ҳукм қилинишдан олдин бор бўлган касалликлар жазо муддатини ўташ даврида кучайиб кетиб, жазони ўташдан озод қилишга тавсия этиш учун асос бўладиган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган Касалликлар Рўйхатида (бундан кейин матнда Касалликлар Рўйхати деб юритилади) кўрсатилган касалликлар тусини олса, бундай маҳкумлар тиббий текширувдан ўтказилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Марказий махсус комиссияси (бундан кейинги матнда Марказий комиссия деб юритилади) жойлардаги ИИБ, ИИБ комиссиялари (бундан кейин матнда Жойлардаги комиссиялар деб юритилади) таркибида камида уч киши ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари, жойлардаги ИИБ, ИИБ Тиббиёт бўлимлари бошлиғи (раис) ва иккита аъзоси бўлганда маҳкумларни тиббий текширувдан ўтказиб, уларда Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар борлигини эътироф этади.

3. Комиссиялар таркиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ИИБ бошлиқлари томонидан тасдиқланади. Жойлардаги комиссиялар фақат кўзгатиб бўлмайдиган оғир бемор маҳкумларни Марказий комиссия аъзоларидан бири иштирокидагина тиббий текширувдан ўтказиш ва қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Комиссия фаолиятига аралashiш қатъиян тақиқланади. Комиссия қарорига норозилик билдириш конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Комиссия, маҳкумларда Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар борлиги тўғрисидаги қарорни, беморлар даволаш муассасаларида стационар шароитида синчиклаб текширилгандан кейингина, ўтказилган даволаш натижалари ва якунловчи ташҳисга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББ УЯ 64/18 муассасаси Дастлабки тиббий комиссияси, Махсус дастлабки тиббий комиссияси ва вилоятлар ИИБ Дастлабки тиббий комиссиялари хулосаларига асосланиб қабул қилади.

Руҳий касал маҳкумларни улар жазони ижро этиш муассасаларининг руҳий касалхона, бўлинмаларида стационар шароитида синчиклаб тиббий текширувдан ўтказилганларидан сўнг камида иккита врач психиатр иштирокида тузилган психиатрик экспертиза далолатномаси бор бўлгандагина тиббий текширувдан ўтказилади ва қарор қабул қилади.

5. Тиббий текширувдан ўтган бемор маҳкумларда Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар аниқланмаган ҳолларда қабул қилинган қарор, уларга Комиссия раиси томонидан даволовчи шифокор иштирокида эълон қилинади ва бу ҳақда беморнинг касаллик тарихига ёзиб қўйилади.

6. Маҳкумни тиббий текширувдан ўтказиш натижаларига асосланиб, Комиссия тиббий хулоса чиқаради (1-илова) ва тасдиқлайди. Комиссия кўригидан ўтган маҳкумлар махсус дафтарда ҳисобга олинади (2-илова).

7. Жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларда Касалликлар Рўйхатида кўрсатилган касалликлар борлиги тасдиқланганда, судга Комиссиянинг хулосасидан ташқари, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари ва бошқа зарур ҳужжатларни тиббий хулоса тасдиқланган кундан кейин уч кун муддат ичида судга тақдим этадилар.

8. Маҳкумлардаги касаллик, жазо муддатини ўташ даврида ўзига ўзи атайлаб шикаст етказганлиги сабабли ҳосил бўлганлиги хизмат текширувида аниқланганда, бундай маҳкумлар касаллиги туфайли жазо муддатини ўташдан озод қилишга тавсия этилмайдилар, маҳкумнинг ўткир руҳий ҳолатда ўзига ўзи шикаст етказганлиги мутахассис шифокорлар томонидан тасдиқланган ҳолатлари бундан мустасно.

9. Маҳкумларни касаллиги туфайли жазо муддатини ўташдан озод қилиш масаласи судлар томонидан қонунда белгиланган муддатлардан кечиктирилмай кўриб чиқилиши, судда прокурор, тиббий

хулоса чиқарган комиссиянинг аъзоси ёки жазони ижро этиш муассасаси касалхонаси (тиббиёт бўлими)нинг даволовчи шифокори қатнашиши шарт.

10. Суд ўз ваколатлари доирасида маҳкумларни касаллиги туфайли жазо муддатини ўташдан озод қилишни рад этган ҳолларда, суд шундай қарор чиқарганидан кейин қанча вақт ўтишидан қатъи назар, агар касалликларнинг кечишида ўзгаришлар тўхтамай, уларнинг саломатлиги ёмонлашиши давом этса, бундай маҳкумларнинг аввал тасдиқланган тиббий хулосалари ва бошқа ҳужжатлари, қайтадан судга тақдим этилади.

11. Комиссия ва суд мажлисларини ўтказиш учун хоналар ажратиш, комиссия аъзоларини доимий махсус рухсатномалар билан таъминлаш, тақдим этилаётган бемор маҳкумнинг шахсини тасдиқлаш ишлари муассаса бошлиғига юклатилади.

Тартибга 1-илова
035-1-У-И шаклдаги
тиббий ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Муассаса номи _____

**Маҳкумларнинг тиббий текширувдан
ўтганлиги ҳақида Махсус тиббий комиссия
ХУЛОСАСИ**

Исми, шарифи _____

Туғилган йили ва жойи _____

Ким томонидан ва қачон ҳукм _____

қилинган _____

ЎзР ЖК _____

_____ моддаси

Жазо муддати _____

Муддат бошланган вақт _____

Муддатнинг тугаш вақти _____

Шахсий ҳужжатларнинг йиғма _____

жилди _____

Судлангунча ким бўлиб ишлаган _____

(ишламаган бўлса сабаби кўрсатилсин)

Жазо муддатини ўташ даврида касал бўлгунча ким бўлиб ишлаган _____

(ишламаган бўлса сабаби кўрсатилсин)

Соғлиғига
шикоятлар _____

Анамнез

Ҳаёти давомида қандай касалликларга чалинган ва қаерда даволанган _____

Қандай жароҳатлар олган ва операция бўлган _____

Асосий касалликларнинг бошланиши ва кечиши, асосий касалликлари бўйича қаерда ва қанча вақт даволанган, ўтказилган даволаш муолажалари _____

Объектив текшириш маълумотлари

1. Бўйи _____ см. Вазни _____ кг.

2. Тана териси ва шиллик пардаси ҳолати _____

3. Мускул ва суяк тизими, бўғинлар
ҳолати _____

4. Нафас олиш
аъзолари _____

5. Юрак, қон-томир
аъзолари _____

6. Овқат ҳазм қилиш
аъзолари _____

7. Сийдик йўллари ва жинсий аъзолар
tizими _____

8. Асаб тизими ва рухий
ҳолати _____

9. Кўриш
ҳолати _____

10. Кулок, томоқ ва бурун аъзолари
ҳолати _____

11. Рентген текшируви
натижалари _____

12. Лаборатория текширувлари
натижалари _____

Якуний тапҳис _____

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар
вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг 2000 йил 18 декабрдаги 260-сонли
буйруғи билан эълон қилинган, маҳкумларни касаллиги туфайли жазо
муддати ўташдан озод қилиш учун асос бўладиган Касалликлар
Рўйхатининг _____-бандига асосан маҳкум _____

(фамилияси, исми, шарифи)

жазо муддатини ўташдан озод қилишга тавсия этилиши мумкин.

Комиссия раиси _____ (Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари _____ (Ф.И.Ш.)

_____ (Ф.И.Ш.)

_____ (Ф.И.Ш.)

Мухр ўрни 200_ йил "___" _____

Даволовчи шифокор _____ (Ф.И.Ш.)

200_ йил "___" _____

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 035-2-У-И рақамли шаклдаги
тиббий ҳужжат

Муассаса номи

1	2	3	4	5	6	7	8	9
Тр сони	Фамилияси, исми-шарифи, турилган йили	Касални жўнатган муассаса	Касалхонага келган куни	Бемор касалхонага қандай ташхис билан келган	Бемор ИИВ Махсус тиббий комиссияси қўриғига қандай ташхис билан тавсия этилди	Махсус Тиббий Комиссияси қарори	ЎЗР ЖК моддаси жазо муддати ва бошланган куни	Суд мажлиси бўлган куни, чиқарилган қарор

**Маҳкумларни тиббий кўриқдан ўтказувчи
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг Марказий Махсус
тиббий комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

1. Умумий қоидалар
2. Комиссиянинг вазифалари
3. Комиссиянинг ҳуқуқлари
4. Комиссия ишини ташкиллаштириш

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР -

1.1. Маҳкумларни тиббий кўриқдан ўтказувчи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Марказий махсус тиббий комиссияси (бундан кейин матнда Марказий комиссия деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 75-моддаси, Жиноят ижроия кодекси 165-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 534-моддаси талабларига асосан, озодликдан маҳрум этилган ёки қамок тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларни, касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тавсия этиш мумкинлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказиш учун тузилади.

1.2. Марказий комиссия ўз фаолиятини юқорида қайд этилган қонунлар, бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳамда ушбу буйруқ билан эълон қилинган Касалликлар рўйхати, Тартиб ва ушбу Низомга асосланиб юритади.

2. КОМИССИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Марказий комиссия, озодликдан маҳрум этилган ёки қамок тариқасидаги жазони ўтаётган оғир касалликлар билан оғриган маҳкумларни кўриқдан ўтказиш ва уларни касаллиги туфайли жазони

ўташдан озод қилиш ҳақида тиббий хулоса тайёрлайди ва судга тақдим этиш учун муассаса маъмуриятига топширади.

2.2. Зарурат туғилганда бемор маҳкумларни соғлиқни сақлаш идораларининг етакчи мутахассисларига маслаҳат ёрдамани олиш учун кўрсатиш ишларида, жазони ижро этиш муассасалари касалхоналари ёки тиббиёт бўлимлари шифокорларига амалий ёрдам кўрсатадилар.

3. КОМИССИЯНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари томонидан тасдиқланган "Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун асос бўладиган Касалликлар Рўйхати" асосида оғир касал маҳкумларни тиббий кўриқдан ўтказиш. Тиббий кўриқ натижаларига кўра оғир касалликка чалинган маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш учун судга тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилиш ва бу ҳақдаги тиббий хулосани тасдиқлаш.

3.2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқори малакали мутахассисларини консультант сифатида жалб этиш.

3.3. УЯ 64/18 муассасаси Республика касалхонаси ва жазони ижро этиш муассасалари раҳбарларидан тиббий хужжатлар, ёзма хулосалар ва маълумотларни тақдим этилишини талаб қилиш.

3.4. Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод этиш масаласи кўрилаётганда суд мажлисига ўз вакилини юбориш.

3.5. Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишни суд рад этган ҳолларда, суд шундай қарор чиқаргандан кейин қанча вақт ўтганидан қатъи назар, агар касалликларнинг кечишида ўзгаришлар давом этиб, бундай маҳкумлар соғлиғи оғирлашиб борса, уларнинг аввал тасдиқланган тиббий хулосалари ва бошқа хужжатларини қайтадан судга тақдим этилганини назорат қилиш.

4. КОМИССИЯ ИШИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

4.1. Комиссия Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган жадвал асосида ишлайди.

4.2. Комиссия кўригидан қуйидагилар ўтадилар: жазони ўташ даврида касалланганлар, жазо ҳукмини олишдан олдин касалланиб, ammo лекин жазони ўташ вақтида касаллик зўрайиб, маҳкумларни

касаллиги туфайли муддатидан олдин жазони ўташдан озод этишга асос бўлувчи, Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар тусини олган ҳолларда.

4.3. Маҳкумларда Касалликлар Рўйхатида қайд этилган касалликлар борлиги ҳақидаги қарор, комиссия томонидан беморни стационар шароитида ўтказилган адекват даволаш ва якуний ташҳис асосида кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

4.4. Руҳий касалликларга чалинган маҳкумлар ҳужжатлари фақатгина маҳкумни жазони ижро этиш муассасаси психиатрик бўлимларида, стационар шароитида ўтказилган ва камида иккита врач психиатр иштирокида тузилган психиатрик экспертиза далолатномаси бор бўлган ҳолатлардагина комиссия томонидан кўриб чиқилади.

4.5. Тиббий кўрик натижалари ҳақида икки нусхада тиббий хулоса тайёрланади, хулосанинг бири судга тақдим этилади, иккинчиси маҳкумнинг шахсий йиғма жилдига тикиб қўйилади. Руҳий бемор маҳкумларга тиббий хулоса уч нусхада тайёрланади, улардан бир нусхаси бемор маҳкум даволаниш учун юборилаётган руҳий касалхонага юборилади.

4.6. Комиссия ўрнатилган тартибда ўз фаолияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ташкилий-инспекторлик бошқармасига ахборот беради.

4.7. Комиссия ишини юритишни комиссия котиби олиб боради.

5. Жойлардаги ИИБ, ИИБ махсус тиббий комиссиялари ушбу Низомга таяниб иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлигининг Марказий махсус
тиббий комиссияси
ТАРКИБИ

Комиссия раиси - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бошлигининг ўринбосари.

Комиссия раисининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари, унинг ўзи Бирикти-
рилган контингентга даволаш-профилактика ёрдамини ташкил қилиш
бўлими бошлиғи.

Комиссия аъзолари:

1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош
психиатри.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош
терапевти.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош
жарроҳи.
4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош
фтизиатри.
5. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси штатдан
ташқари бош невропатологи.
6. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси катта
мутахассис фтизиатри.
7. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармаси Бирик-
тирилган контингентга даволаш-профилактика ёрдамини ташкил
қилиш бўлими бошлигининг ўринбосари (котиб).

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлигининг
2000 йил 18 декабрдаги
260-сонли буйруғига
5-ИЛОВА

Маҳкумларни тиббий кўриқдан ўтказувчи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Марказий махсус тиббий комиссияси фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1997 йил 31 декабрдаги 257-сонли буйруғининг 4.2 банди "ИИВ МТК ҳисоботи" (1-илова) ва "035-3-У-И-рақамли шаклдаги тиббий ҳужжат" (2-илова) бланкалари намуналари билан тўлдирилсин.

Муассаса турининг коди _____
ИИВ, ИИББ, ИИБ, ЖИЭББ

муассаса Тиббиёт бўлими
(махфийлик белгиси)
хизмати коди _____

(ҳисоботни қабул қилувчи идора номи)
Ким _____ томонидан _____ тақдим
этилди _____

(ИИВ, ЖИЭББ, ИИББ, ИИБ
номи)

(ҳисоботни юборувчи муассаса номи)

СТАТИСТИК
ҲИСОБОТ
ИИВ МТК
ҳисоботи

Почта орқали - ярим йилда бир марта

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ИИБ Махсус тиббий комиссиялари ярим йиллик ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармасига ҳисобот юборадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида».

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН**

24.10.2002 й.

№ 1182

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ**

03.09.2002 й.

№ 231

БУЙРУҒИ

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ТЕРГОВ
ҲИБСХОНАЛАРИ ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ
МУАССАСАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ШАХСЛАР
ТИББИЙ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ҚОИДАЛАРНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»**

2002 йил 3 ноябрдан кучга киради

1. «Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар тиббий таъминоти бўйича Қоидалар» тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБлари бошлиқларига.

а) Қоидаларни тегишли хизматлар ва мутасадди ходимлар билан ўрганиб чиқиши ва бажарилишини таъминласинлар.

б) Тергов ҳибсхонаси ва жазони ижро этиш муассасалари тиббиёт ходимларига беморларни қабул қилиш ва даволаш учун хоналар ажратилиши, уларни тиббий-асбоб ускуналар билан жиҳозланиши ўрнатилган тартибда амалга оширилсин.

в) Тергов ҳибсхонаси ва жазони ижро этиш муассасаларида рўй берган ҳар бир ўлим, юқумли касалликлар, овқатдан заҳарланиш ва

бошқа ҳолатлар ҳақида белгиланган тартиб бўйича ахборот берилиши назоратга олинсин.

г) Махсус контингентга ўз вақтида ва тўлақонли тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш мақсадида тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари тиббиёт ходимларини даволаш – профилактика ишларидан бошқа ишларга жалб қилиш қатъиян тақиқлансин.

3. ИИВ Тиббиёт бошқармасига (С.Толипов) тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларидаги тиббий таъминотга умумий раҳбарлик қилиш, амалий ёрдам бериш ва назорат ишларини олиб бориш, тиббиёт ходимларини шаходатдан ўтказиш, кўрсаткичларни таҳлил қилиш, юқумли касалликларни олдини олиш ва ўлимни камайтиришга қаратилган тадбирларни олиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Собиқ Иттифоқ Ички ишлар вазирлигининг 1989 йил 17 ноябрдаги 285-сонли ва Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2000 йил 6 апрелдаги 81-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири

**Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирининг
2002 йил 3 сентябрдаги
231-сонли буйруғи билан
тасдиқланган**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари
ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган
шахслар тиббий таъминоти бўйича
ҚОИДАЛАР**

Муқаддима

I-БЎЛИМ. Умумий қоидалар

**II-БЎЛИМ. Махсус контингентни санитария ва эпидемияга
қарши таъминотини ташкил қилиш**

**III-БЎЛИМ. Тергов қилинаётганларни ва маҳкумларни даволаш-
профилактика таъминоти**

Илова-1

Илова-2

Илова-3

Илова-4

Илова-5

Илова-6

Илова-7

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-иж-
роия кодекси 87-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбеки-
стон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналари ва
жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларнинг тиббий
таъминотини белгилайди.

Ї-БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ї-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИ ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИДА ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ШАХСЛАРГА ДАВОЛАШ- ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИНИ ЎТҚАЗИШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (бундан кейин ИИВ деб юритилади) тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари (бундан кейин ЖИЭМ деб юритилади) тиббий хизматларининг асосий вазифаси, бу тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар (бундан кейин махсус контингент деб юритилади) соғлиғини сақлаш ва саломатлигини тиклашдан иборатдир.

2. Тиббий хизматларнинг асосий вазифалари:

Махсус контингентга зарур бўлган тиббий ёрдамни кўрсатиш ва уни ташкиллаштириш.

Махсус контингентни вақти-вақти билан профилактик тиббий кўрикдан ва текширувдан ўтказиш йўли билан улар саломатлигини назорат қилиш, даволашга ва доимий тиббий кузатувга муҳтож бўлган шахсларни аниқлаш, улар меҳнат қобилиятини мустаҳкамлашга ҳамда улар томонидан касаллиги туфайли сақлаш тартибини бузиш ва қайта жиноят содир этиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган даволаш-соғломлаштириш тадбирларини олиб бориш.

ЖИЭМ ва тергов ҳибсхоналари махсус контингентига нисбатан санитария тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш.

Махсус контингент орасида тиббий ва гигиена билимларини тарғиб қилиш ҳамда уларга соғлом турмуш тарзини сингдириш.

Махсус контингент орасида касалланиш ва меҳнат қобилиятини йўқотиш ҳолларини таҳлил қилиш натижасида, уларга нисбатан даволаш-профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

3. Тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларни 10% ва ундан ортигида юқумли касалликлар

тарқалиши ҳамда улар орасида бир гуруҳ овқатдан захарланиш ёки касб касалликлари (улар қандай оғирликда кечишидан қатъи назар) қайд этилган ҳолларда, шунингдек бир ёки бир неча киши жароҳатланиш ёки захарланиш оқибатида оғир касалланса ёки вафот этса, муассаса бошлиғи бу ҳақда ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси (бундан кейин ЖИЭББ деб юритилади), Тиббиёт бошқармаси ва назорат этувчи прокурорга хабар беради.

II-БЎЛИМ. МАХСУС КОНТИНГЕНТНИ САНИТАРИЯ ВА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ТАЪМИНОТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

II-БОБ. Тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида санитария назоратини ташкил этиш бўйича умумий қоидалар

III-БОБ. Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари объектлари устидан санитария-гигиена назорати

IV-БОБ. Эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этишнинг умумий қоидалари

V-БОБ. Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш

II-БОБ. ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИДА ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА САНИТАРИЯ НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида санитария назоратини олиб бориш, санитария меъёрлари ва қоидалари талабларига риоя қилинишини кузатиб бориш ва махсус контингентнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш, улар орасида касалликларнинг келиб чиқишини олдини олиш ва камайтириш, ташқи муҳитнинг (сув ҳавзалари, ер, ҳаво атмосфераси) соғлиққа зарарли бўлган оқавалар ва хўжалик маиший чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш ва бартараф этишнинг доимий равишда назорат қилиш тизимидан иборат.

5. Тергов ҳибсхоналари ва ЖИЭМ тиббий бўлимлари (бундан кейин тиббий бўлимлар деб юритилади) санитария қонунчилиги талабларини бажарилиши устидан куйидаги санитария назоратини амалга оширадилар:

а) янаш жойлари, хизмат ва ишлаб чиқариш хоналари, коммунал-манший, озиқ-овқат объектлари, сув билан таъминлаш манбалари ва муассаса ҳудудини сақлаш ва санитария ҳолати бўйича;

б) муассасанинг барча объектлари санитария-гигиеник ҳолатини ҳамда санитария-техник ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирларни ўтказиш бўйича;

в) муассасаларда махсус контингентни жойлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, ҳаммом, кир ювиш ва меҳнат шароитларининг санитария-гигиена қоидалари ва меъёрларига риоя қилиниши бўйича.

III-БОБ. ТЕРГОВ ҲИБСҲОНАЛАРИ ВА ҲАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИ УСТИДАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА НАЗОРАТИ

Ҳудудни тозалаш устидан санитария-гигиена назорати

Сув таъминоти устидан санитария-гигиена назорати

Овқатланишни ташкил этиш устидан санитария-гигиена назорати

Меҳнат шароитлари устидан санитария-гигиена назорати

Ҳаммом ва кир ювиш таъминоти устидан санитария-гигиеник назорати

ҲУДУДНИ ТОЗАЛАШ УСТИДАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА НАЗОРАТИ

6. Муассасалар ҳудудини тозалаш-бу чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, олиб кетиш ва зарарсизлантириш бўйича режали равишда ўтказиладиган санитария-техник ва хўжалик тадбирларидан иборатдир. Тозалашнинг икки асосий тизими мавжуд: олиб кетиш тизими-барча чиқиндилар уларни зарарсизлантириш ҳамда утилизация қилиш жойларига махсус транспорт билан олиб кетилади ва оқизиладиган ёки канализация тизими.

7. Муассасалардаги канализация иншоотларини ҳисобга олиш, ўз вақтида таъмирлаш ва ундан фойдаланиш масъулияти интендант ва хўжалик таъминоти бўлими (гурухи) бошлиғи зиммасига юкланади.

8. Муассасалар объектлари ва ҳудудини тозалаш ҳамда канализация тармоқлари тузилиши ва улардан фойдаланиш устидан санита-

рия назорати муассасанинг тиббий бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларнинг меъёрий ҳужжатлари асосида огоҳлантириш ҳамда жорий санитария назорати шаклида амалга оширилади.

9. Огоҳлантирувчи санитария назорати масалаларини ҳал қилишда муассаса тиббий бўлими ИИБ, Ички ишлар Бош бошқармаси (бундан кейин ИИББ деб юритилади), Ички ишлар бошқармасининг (бундан кейин ИИБ деб юритилади) санитария-эпидемиология хизмати (СЭХ)нинг методик кўрсатмаларига амал қилади, улардан ва жойлардаги соғлиқни сақлаш идоралари санитария-эпидемиология хизматларидан канализация тармоқлари ва иншоотлари қуриладиган, чиқиндиларни зарарсизлантирадиган ва улардан қайта фойдаланиладиган ерларни танлашда; шунингдек уларни фойдаланиш учун қабул қилиб олишда, ер ости ва ер устки сувлари ва тупроқларининг зарарли саноат чиқиндилари ва бошқа оқавалар, хўжалик-маиший чиқиндилар билан ифлосланишини олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини ўтказиш масалаларида маслаҳат ва амалий ёрдам оладилар.

10. Муассаса ҳудуди тозалити устидан жорий санитария назоратини ўрнатиш қуйидагиларни ўз ичига олади: чиқиндиларни мунтазам равишда четга олиб чиқиб кетиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, канализация тармоқлари ва иншоотларидан фойдаланишда, қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантиришда санитария меъёрлари ва қондаларига риоя этилиши устидан доимий кузатув ишларини олиб бориш. Муассаса бошқа вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотларга тааллуқли бўлган канализация тизими ва қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантириш бўйича қурилмалар билан таъминланганда, тиббий бўлим фақат муассаса ҳудудида жойлашган канализация тармоқлари ва иншоотларидан фойдаланиш устидан жорий санитария назоратини амалга оширади. Агар канализация тармоқларга хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш муассасанинг ўз кучи ва маблағи билан амалга ошириладиган бўлса, тиббий бўлим канализациянинг барча тармоқлари ва иншоотлари устидан, шу жумладан оқова сувларни тозалаш бўйича иншоотлар устидан ҳам жорий санитария назоратини ташкил этади ва амалга оширади ҳамда муассасада СЭХ тавсияларини бажарилишини назорат қилади.

11. Муассаса тиббий бўлим бошлиғи канализация тармоқлари ва иншоотларининг аҳволи, оқова сувларни тозалашнинг самараси, қаттиқ чиқиндиларни тўплаш, йўқотиш ва утилизация тизими тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши, камчиликларни аниқлаши ва масъул

лавозимдаги шахслар билан биргаликда уларни бартараф этиш муддатларини белгилаши лозим.

12. Муассаса тиббий бўлим бошлиғи мунтазам равишда муассаса бошлиғига ҳудуднинг санитария ҳолати ва уни янада яхшилаш чоралари туғрисида маълумот бериб туриши, сув таъминоти манбаининг ифлосланиши хавфи туғилганда ёки ҳудудда санитария қоидалари бузилганда эса зудлик билан муассаса раҳбариятига ва ИИБ, ИИББ, ИИБ СЭХга хабар қилиши лозим.

13. Ётоқхоналар, ошхоналар ва бошқа жамоат бинолари жойлашган жойдан коммунал, санитария-техник ва бошқа объектларгача бўлган оралиқ жой санитария-ҳимоя минтақаси Санитария қоидалари ва меъёрлари (СанҚваМ) ҳужжатларида келтирилган ўлчовлардан кам бўлмаслиги лозим.

СУВ ТАЪМИНОТИ УСТИДАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА НАЗОРАТИ

14. Муассасалар бошқа вазирликлар ва идораларга қарашли корхона ва ташкилотларнинг сув қувурларидан, шунингдек ички ишлар идораларига қарашли сув қувурларидан сув билан таъминланади.

15. Муассасаларни хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш интендант ва хўжалик таъминоти бўлими (гуруҳи)нинг кучи ва воситалари ёрдамида амалга оширилади. Бу бўлим: -сув манбаини топиш ва уни қайта ишлашни амалга оширади; - сув қувурлари қурилмаларининг санитария гигиеник ҳолатига ва санитария-ҳимоя минтақасида талаблардаги меъёрларга риоя қилинишига жавоб беради; -марказий сув таъминоти тизими сувининг сифати устидан ишлаб чиқариш назоратини олиб боради.

16. Сув таъминоти қурилмалари ва улардан фойдаланиш устидан санитария назорати муассасаларнинг тиббий бўлими томонидан амалдаги Давлат стандарти ва ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқа меъёрий-методик ҳужжатлари талабларига мос ҳолда ташкил этилади ва амалга оширилади.

17. Ички ишлар идоралари бўлинмаларининг сув қувурларидаги барча қурилма ва сув тармоқларининг санитария назорати тиббий бўлими томонидан амалга оширилади. Бошқа вазирликлар ва идораларга тегишли сув қувурларини фақат муассаса ҳудудида жойлашган сув қувурлари ва сув қувури тармоқларигина назорат қилинади.

18. Муассасаларнинг тиббий бўлими ИИВ, ИИББ, ИИБнинг санитария-эпидемиология хизмати (СЭХ) раҳбарлиги остида сув таъминоти бўйича огоҳлантирув ва жорий санитария назоратини амалга оширади. Зарурат туғилганда улар соғлиқни сақлаш идоралари ҳудудий санитария-эпидемиология марказларидан маслаҳат ва амалий ёрдам оладилар.

19. Муассасаларнинг тиббий бўлими вазифасига қуйидагилар қиради:

а) сув таъминоти манбаини танлаш ва санитария-химия минтақасини ўрнатиш;

б) сувнинг сифати ва сув таъминоти объектининг санитария ҳолатини назорат қилиш;

в) сув таъминоти объектларида ишловчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтишини назорат қилиш;

г) муассаса тиббий бўлимининг бошлиғи сув таъминоти объектларида ишловчи шахсларни дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўз вақтида ва тўлиқ ўтказишни таъминлашга мажбурдир.

20. Марказлаштирилган хўжалик-ичимлик сув таъминоти учун ажратилган манбанинг истеъмолга яроқлилиқ масаласини ҳал этишда, амалдаги Давлат стандарти қўлланилиб, унинг асосида қайта ишлагача бўлган сувнинг сифат кўрсаткичлари аниқланганидан кейингина сув манбаи хўжалик-ичимлик сув таъминоти учун фойдаланилиши мумкин. Истеъмолчиларга етказиб берилаётган сувнинг сифати «Ичимлик суви» 950-2000 Давлат стандартига мос келиши керак.

21. Сув олиш жойларидаги лаборатория назорати «Ичимлик суви» 950-2000 Давлат стандарти талаблари доирасида ўтказилади. Тармоққа берилишидан олдинги сувнинг сифатини лаборатория назорати микробиологик, кимёвий ва органолептик кўрсаткичлар бўйича ўтказилади. Тақсимловчи тармоқларнинг лаборатория назорати қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўтказилади: коли-индекс (1 см. куб. сувдаги микроорганизмларнинг умумий сони); сувнинг лойқалиги, ранги, хиди, таъми ва бегона мазаси.

Микроблар билан ифлосланиш йўл қўйиладиган меъордан юқорилиги аниқланганида ифлосланиш сабабини аниқлаш мақсадида қайта намуна олинади ва бактерияларнинг мавжудлиги, янги гўнг ва нажас, азот сақловчи минерал моддалар ва хлоридлар билан сувнинг ифлосланиши қўшимча текширилади.

22. Ер ости сув манбаидан таъминладиган сувнинг санитария назорати сув манбаини топиш, сувнинг миқдори ва сифатини баҳо-

лаш, уни қайта ишлаш жадвали, санитария ҳимоя минтақасини (СХМ) белгилашдан бошланади. Мазкур ишлар барча сув қувурларида ташкил этилади. Санитария ҳимоя минтақасининг асосий мақсади сув манбаларини, шунингдек сув қувурлари қурилмаларини ва атроф ҳудудни ифлосланишидан сақлаш ҳисобланади.

23. Санитария ҳимоя минтақаси учта доира (пояс) таркибида тузилади:

а) қаттиқ тартибдаги биринчи минтақа (пояс) сув олиш жойлари ҳудудида барча сув қувурлари қурилмаларининг майдонини ўз ичига олади. Сув қувурлари санитария-ҳимоя минтақаси билан таъминланади.

б) санитария ҳимоя минтақаси амалдаги қўриқлаш ва санитария меъёрлари ва қоидаларига мос ҳолда ташкил этилади.

в) СХМларни ташкил этиш имконияти ҳўжалик-ичимлик сув таъминоти манбаини танлаш босқичида «Ҳўжалик-ичимлик сув таъминоти» Давлат стандарти асосида ҳал қилинади.

24. СХМнинг биринчи минтақа чегараси ер ости манбаларининг ҳимояланган ер ости сувларидан фойдаланилганда сув олиш жойидан камида 30 метр бўлган масофада, етарлича ҳимояланмаган ер ости сувларидан фойдаланилганда эса камида 50 метр масофада белгиланади. Тупроқнинг ифлосланишига йўл қўйилмайдиган объектлар ҳудудидаги якка ҳолдаги ер ости сув олиш жойларидан ўраб олинган жойгача бўлган масофани мос ҳолда 15 ва 25 метрга камайтириш мумкин. Ер ости манбалари суви билан таъминлашда жорий санитария назоратини амалга оширишда сув олиш қурилмалари, сув қувурларини ва сув ўтказувчи горизонтни ифлосланишдан ҳимоялаш тадбирлари назорат қилинади. Шу мақсадда СХМнинг биринчи минтақа ҳудудида қуйидагилар режалаштирилиши керак: ер устида тўпланиб қоладиган сувларни зона чегарасидан четлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ўраб олиш ва доимий қўриқлашни таъминлаш. У ерда сув қувурлари қурилмаларини эксплуатация қилишга бевосита алоқаси бўлмаган барча турдаги қурилишлар ман этилади. Қудуқларнинг (очиқ жойлари, сув қуйилиш жойи, трубалар фазоси ва бошқалар) жиҳозларида санитария-гигиеник талабларини бажарилишига алоҳида эътибор берилиши керак.

25. Ер ости сув манбаларини қўриқдан ўтказиш вақтида нафақат биринчи, балки иккинчи ва учинчи СХМдаги сувни қўриқлаш тадбирлари инобатга олинади. Бунинг учун сув сақловчи горизонтни ифлослантириш хавфига эга бўлган эскирган, ишга яроқсиз, нуқсонли

ёки нотўғри фойдаланилаётган сув қудуқларини аниқлаш ва оғзини беркитиб ташлаш (тампонлаш) ёки қайта тиклаш талаб қилиниши керак.

26. СХМ ҳудудида санитария-эпидемиологик хизмати билан келишилмаган ҳолда янги скважиналар қазилари ва янги қурилишлар олиб борилишига йўл қўйилмайди. Ер ости сувларини кимёвий жиҳатдан ифлослантирувчи ёқилғи-мойлаш материаллари, заҳарли химикатлар ва минерал ўғитлар омборларини, саноатнинг чиқинди оқава сувлари йиғиладиган ва бошқа объектларни жойлаштириш тақиқланади.

27. Дарё ёки сув келтириладиган каналлардаги СХМни биринчи доираси маҳаллий санитария-топографик ва гидрологик шароитларга қараб белгиланади, лекин барча ҳолатларда қуйидагича бўлиши керак:

а) оқим бўйича юқорига қараб сув олиш жойидан камида 200 метр;

б) оқим бўйича пастга қараб сув олиш жойидан камида 100 метр;

в) сув олиш жойига туташ қирғоқдан сувнинг энг юқори сатҳига нисбатан сув бетининг икки қарама-қарши қирғоғи орасидаги кенгликдан камида 100 метр;

г) сув олиш жойига қирғоқ йўналишидан сув хавзасига томон дарё ёки каналнинг эни 100 метрдан кам бўлганда барча акватория ва қарама қарши қирғоқ суви кенглигидан, сувнинг энг юқори сатҳидан 50 метр кенгликда олинади, дарё ёки каналнинг эни 100 метрдан ортиқ бўлса, акватория минтақаси камида 100 метр бўлиши керак.

28. Сув манбаи сифатида фойдаланиладиган сув омбори ёки қўлни СХМ биринчи минтақа чегаралари санитария-топографик, гидрологик шароитлар инобатга олинган ҳолда қуйидагича ўрнатилади:

а) акватория бўйича барча йўналишларда сув олиш жойидан камида 100 метр масофада;

б) сув олиш жойига туташган қирғоқдан сувнинг энг юқори сатҳидан икки қирғоқ орасидаги кенгликдан камида 100 метр масофада;

Қўлтиқ типидagi сув олиш жойларидаги биринчи минтақа чегарасига қўлтиқнинг барча акваторияси киритилади.

29. Кафолатланган сув таъминоти манбаи бўлмаган жойларга сув олиб бориш зарурати туғилганда, махсус машиналар ва доимий шахслар ажратилади. Сув ташиш идиш(сиғим)лари яроқли, ювилган

ва дезинфекцияланган бўлиши керак. Дезинфекциялашдан аввал идишлар синчиклаб ювилади, сув билан тўлдирилади ва унга 1м³ сувга 300 гр. ҳисобда хлорли оҳак эритмасидан қўшилади ва 1 соатдан сўнг идиш бўшатилади ҳамда тоза сув билан хлорнинг ўткир хиди йўқолгунча чайиб ташланади.

30. Хлорлаш-сувни зарарсизлантиришнинг кенг тарқалган усулидир. Сув нормал дозаларда дастлабки аммонийлаштириш (преаммонизация) ва юқори дозаларда эса қайта хлорлаш орқали хлорланади.

Сувни хлорнинг нормал дозасида хлорлаш учун дастлаб мазкур сувнинг хлорга бўлган эҳтиёжи тажрибада аниқланади. Сувнинг хлорга бўлган эҳтиёжи аниқланганидан кейин сувнинг барча миқдори учун керакли хлорнинг дозаси ҳисоблаб чиқилади.

Ўтказилган хлорлашнинг тўғрилигини хлор қолдиғи асосида аниқланади, унинг миқдори сувнинг хлор билан 2 соатли контактидан кейин 0, 3-0, 5 мг/л. дан кам бўлмаслиги керак.

31. Кафолатланган манбалар сувидан фойдаланиш имконияти бўлмаган шароитларда қайта хлорлаш усули афзал ҳисобланади, чунки унинг меъёрдаги дозаларда хлорлашга қараганда зарарсизлантириши жуда ишончлидир, зарарлантириш вақти ҳам (20-30 дақиқага) камаяди, лойқа ва одатдан ташқари рангли сувларни бегона хлорфенол мазасини бермайдиган қилиб зарарсизлантиради.

ОВҚАТЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ УСТИДАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА НАЗОРАТИ

32. Муассасада сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғи билан эълон қилинган меъёрлар бўйича озик-овқат билан таъминландилар.

33. Овқатлантиришни ташкил этиш интендантлик таъминоти бўлими (гуруҳи) томонидан амалга оширилади. Ушбу бўлим зиммасига қуйидаги вазифалар қиради:

а) таъминотга киритилган турли тоифадаги шахсларнинг иш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда овқатланиш тартибини ишлаб чиқиш;

б) кунлик таъминот учун белгиланган меъёрлар бўйича овқат тайёрлашни ташкил этиш ва таъминотдагилар ушбу меъёрларга мувофиқ овқатланаётганини назорат қилиш:

в) озиқ-овқат тайёрланадиган жойларни зарур жиҳозлар ва тегишли курилмалар билан таъминлаш, уларни намунали ҳолатда сақлаш, технологик, совитиш жиҳозлари ва ошхона анжомларини санитария талаблари асосида сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

г) омборхоналарда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашда, уларни ошхонага юборишда, ташишда, уларни ошхонада сақлаш ва кулинария жиҳатидан қайта тайёрлашда, овқат тайёрлаш ва тайёр овқатларни тарқатишда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш;

д) овқат тайёрлаш, уларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини жунатиш, ташишда банд бўлган ходимларнинг шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишлари учун шарт-шароитларни таъминлаш;

е) технологик ва совитиш жиҳозларининг ўз вақтида таъмирланишини таъминлаш;

ж) овқатланиш жойларини ва бошқа овқатланиш объектларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат этилган идиш-товоқлар ва инвентарларни ювиш ҳамда дезинфекциялаш воситалари билан таъминлаш;

з) технологик жиҳозлар, идиш-товоқлар, инвентарлар, санитария кийим-кечакларни сотиб олиш

34. Тиббий бўлим бошлиғи:

а) овқатланиш тартибини ва овқат тайёрлаш учун лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини рўйхатини ишлаб чиқишда қатнашади, тайёрланадиган овқат калориясини ойда бир марта назарий ҳисоблаб чиқади;

б) муассаса бошлиғига махсус меъёрлар бўйича овқатланишга ўтказилаётган шахслар рўйхатини топширади;

в) муассаса озиқ-овқат маҳсулотлари омборхонаси ва магазинида, шунингдек маҳкумларни шахсий ихтиёрида мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотларни сақлашни талабга жавоб беришини, уларни ишлатилиш қоидаларига ва муддатларига риоя қилинишини ҳар куни текширади;

г) тайёрланган овқат сифатини барча таъминот меъёрлари бўйича текширишни ташкил этади. Текширув натижалари ва тайёр овқатларни тарқатишга рухсат берилгани ҳақида овқат тайёрлаш сифатини назорат қилиш махсус дафтарига ёзиб қўяди;

д) сифатсиз хом ашёни, ярим (чала тайёр) фабрикаларни тарқатишни, сифатсиз озиқ-овқатлар ва тайёр овқатларни истеъмол қилишни ман этади;

е) озиқ-овқат таъминоти билан шуғулланувчи ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш ишларини ташкил этади;

з) озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш, жўнатишда банд бўлган ходимлар учун гигиенага доир ўқув машғулотларнинг ўтказилишини ташкил этади.

35. Агар муассасага келтирилган озиқ-овқат маҳсулоти қўйилган талабларга жавоб бермаса ёки унинг сифати шубҳа туғдирса, уни истеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

Муассасага келтириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тайёрланган вақти кўрсатилган ҳолда сифати тўғрисидаги сертификати бўлиши лозим. Сифат тўғрисидаги сертификати бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари қабул қилинмайди.

Интендантлик таъминоти бўлими (гуруҳи) ишлатиш муддати ўтиб кетган озиқ-овқат маҳсулотларини мол-мулк экспертизасидан ўтказишни ташкил этади, истеъмол қилишга яроқсизлиги яққол кўриниб турган тез бузилувчи маҳсулотлар бундан мустасно. Шунингдек, бу бўлим махсус гигиеник текширишларни талаб қилмайдиган озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик масалаларини ҳам ҳал қилади.

Муассаса тиббий бўлими томонидан озиқ-овқат (шу жумладан тез бузулувчан) маҳсулотларининг органолептик хусусиятлари ўзгаришини, бу ўзгаришларнинг характери ва даражасини, маҳсулотларнинг кимёвий таркибидаги ўзгаришларни, маҳсулотларнинг-бактериал жиҳатидан ифлосланиш даражаси ва микрофлорасининг характерини, маҳсулотларда пестицидларни ва зарарли моддаларни йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдордан ёки табиий равишда бўлиши мумкин бўлган миқдордан кўплигини, микроблар билан ифлосланган маҳсулотлардан инфекция юқиши (аниқ эпидемиологик маълумотларга асосланган ҳолда) мумкинлигини аниқлаш мақсадида гигиеник экспертиза ўтказиш ташкиллаштирилади.

36. Маҳсулотларнинг кунлик энергетик қиймати бўйича уч маҳалги оқатланиш куйидагича тақсимланади: нонуштага-30-35%, тушликга-40-45%, кечки овқатга-20-30%. Кўрсатиб ўтилган маҳсулотларнинг тақсимоти ишнинг оғир-енгиллигига қараб фоизларда ўзгартирилиши мумкин: биринчи сменада ишловчилар учун - нонуштада 35%, тушликда - 40%, кечки овқатда-25%; иккинчи ва учинчи (тунги) сменада ишловчилар учун - нонушта ва кечки овқат 30 фоиздан, тушлик - 40 фоиздан иборат.

37. Агар овқатланиш вақти бир соатдан ортиқ давом этадиган бир неча сменада амалга оширилса, у ҳолда ҳар бир смена учун алоҳида овқат тайёрланади. Овқат уни тарқатишидан 20-30 минут олдин тайёр бўлиши ва у тайёр бўлган вақтдан бошлаб 2 соат ичида тарқатилиши лозим.

38. Овқатларни тарқатишда биринчи овқатлар ва иссиқ ичимликлар температураси 750 С дан, иккинчилари 650 С дан паст бўлмаслиги, совуқ овқатлар ва ичимликлар 70 дан 140 С гача бўлиши лозим. Биринчи ва иккинчи овқатлар тарқатилгунга қадар иссиқ плитада 3 соатгача туриши мумкин. Тайёр овқатни белгиланган муддатдан ортиқ ушлаб туришга истисно тариқасида рухсат этилади. Қолган овқатларни сақлашга мажбур бўлинган ҳолларда у тўлиқ совитилиши ва 60 Сдан юқори бўлмаган температурада 12 соатгача сақланиши мумкин. Совитилган овқат тарқатилиши олдидан тиббий бўлим шифокори томонидан кўриб чиқилади ва текширилади, кейин иккинчи марта иситилади (қайнатилади, қиздирилади). Иккинчи марта иситилган овқатни тарқатиш муддати бир соатдан ошмаслиги лозим. Овқатни аввалги кунда тайёрланган овқатлар билан аралаштириш қатъиян ман этилади.

39. Овқатларни бевосита иш жойига етказиб бериш зарурати туғилганда овқатлар пломбаланган ва печатланган термосларда олиб борилади. Нон ва идиш-товоклар тоза қутиларда ёки улар учун алоҳида ажратилган секцияларда етказиб берилади. Етказиш муддати 2 соатдан ошмаслиги лозим. Иш жойида овқат иситиладиган плиталар, овқатланиш учун столлар ажратилади. Совиб қолган овқатни иситмасдан, суяқ овқатни қайнатмасдан тарқатишга рухсат этилмайди.

40. Ошхонага ёрдамчи ишларни бажаришга тайинланадиган шахслар тери ва шиллиқ пардалари йирингли касалликлари бор-йўқлигини аниқлаш бўйича тиббий кўрикдан ўтмасдан ошхонада ишлашга қўйилмайди.

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ УСТИДАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА НАЗОРАТИ

41. Муассасанинг sanoat корхоналарида меҳнат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси муассаса раҳбари ёки ушбу вазифани бажарувчи шахс зиммасига юкланади ва улар қуйидагилар устидан назорат қилишади:

а) ишлаб чиқариш, майший, омборхона ва бошқа жойларда ҳаво муҳити, ёритиш, шовқин ва тебранишлар, ҳароратнинг санитария-гигиена меъёрларига мувофиқ бўлиши;

б) махсус контингентнинг махсус кийим-кечак, пойафзал ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, шунингдек белги-ланган нормаларга мувофиқ профилактик озиқ-овқатлар берилиши;

в) муассасанинг ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаётганларга иш шароитининг зарарлилиги муносабати билан имтиёзлар берилиши.

42. Тиббий бўлим бошлиғи қуйидагиларни бажаришга мажбур:

а) ҳудудий соғлиқни сақлаш идоралари билан биргаликда контрагент (муассаса ҳудудидан ташқарида шартнома асосида иш олиб борилаётган) объектлар устидан назоратни таъминлаш буйича ўзаро алоқаларини амалга ошириш;

б) ишлаб-чиқариш ва майший хоналарнинг, корхона ҳудуди ва умумий фойдаланиладиган жойларидаги санитария ҳолати устидан назоратни амалга оширилиши;

в) корхонада меҳнат шароитини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

г) ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, ишлаётганларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш юзасидан ўз тақлифларини бериш;

д) зарарли меҳнат шароитларида ишлаётган шахслар ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишларини ташкил қилиш;

е) ичимлик сувининг сифати ва цехлар ҳамда участкалардаги аптекчаларнинг дори-дармонлар билан ўз вақтида тўлдирилиб туриши устидан назоратни амалга ошириш;

ж) ишчилар ўртасида санитария-оқартув ишларини олиб бориш.

43. Корхона раҳбарияти ишлаб-чиқаришдаги ишчи ўринлар паспортизациясини ўтказди.

ИИБ, ИИББ, ИИБ ва ҳудудий соғлиқни сақлаш идоралари санитария-эпидемиология хизматлари саноат корхоналардаги ишлаб чиқариш омилларни лабораториявий ва бошқа турдаги текширишлардан ўтказилишини ташкиллаштиришда маслаҳат бериб амалий ёрдам кўрсатади.

44. Тиббий бўлим бошлиғи лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган ва реконструкция қилинаётган саноат объектлари тўғрисида ва киритилаётган янги технологик жараёнлар, жиҳозлар, машина ва:

механизмлар, янги кимёвий моддалар ва уларнинг токсик-кимёвий хусусиятлари ҳақида хабардор бўлиши лозим.

45. Тиббий бўлим бошлиғи лойиҳадан четга чиқиш ва санитария меъёрлари ва қондаларига риоя қилинмаётганлик ҳолатлари аниқланганда, қурилиш ва асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ишларининг айрим турларини амалга оширишни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлган ИИВ, ИИББ, ИИБнинг санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига бу ҳақда хабар беради.

46. Одам организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ноқулай ишлаб-чиқариш омиллари қуйидагилардан иборат:

а) жисмоний характердаги омиллар (радиочастотанинг электромагнит майдони, ноқулай микроқлим, ионловчи радиация, шовқин, ультратовуш, инфратовуш, тебраниш, вибрация;

б) кимёвий характердагилар (саноат захарлари);

в) биологик характердагилар (инфекция, инвазиялар);

г) саноат аэрозоллари;

д) меҳнатнинг ўта оғирлиги ва катта куч талаб қилиши;

47. Бир қатор ноқулай омиллар таъсирида соғлиғи ёмонлашиши мумкин бўлган ишчиларни меҳнат шароити оғир ва зарарли бўлган ишларга қўймаслик мақсадида жазони ўтаётганларни дастлабки ва доимий тиббий кўриқдан ўтказиб туриш, уларнинг зарарли бўлган шароитларда ишлашлари мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаш имконини беради;

48. Меҳнат шароити ва иш қобилиятига қуйидагилар таъсир кўрсатади:

а) технологик жараён ва ишлаб чиқариш хусусиятлари;

б) иш жойини қандай ташкил қилинганлиги ва жиҳозланганлиги;

в) иш хоналарининг майдони ва кубатураси;

г) иш жойи ва ишлаш хоналаридаги микроқлим (температура, ҳавонинг ҳаракат тезлиги ва намлиги, нур таъсиридаги иссиқликнинг жадаллиги), шунингдек, тўсиқларнинг температураси;

д) ишлаш хоналари ва иш жойларининг табиий ва сунъий ёритилишини аҳволи;

е) зарарли жисмоний омиллар;

ж) ҳавонинг кимёвий таркиби ва аралашмалар;

49. Иш хоналаридаги микроқлим организм билан ташқи муҳит ўртасидаги иссиқлик мувозанатини таъминлаши лозим.

Иш бажариш майдонидаги ҳавога бўлган умумий санитария-гигиеник талаблар тегишли Давлат стандарти билан белгиланади.

50. Барча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналар Санитария меъёрлари ва қоидалари (СМваҚ) талабларига мувофиқ иситиш ва вентиляция тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Вентиляция ва иситиш тизимлари доимий иш жойларида ва иш бажариш майдонида асосий ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вақтда метеорологик шароитларни (температура, нисбий намлик, ҳаво ҳаракатини тезлиги), шунингдек ҳаводаги зарарли моддалар миқдорини Саноат корхоналарни лойиҳалаштириш санитария меъёрлари талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши лозим.

Технологик чиқиндилар умумий алмашиш вентилияцияси орқали атмосферага чиқариб ташланади ва уларнинг тарқалиши ҳисобга олинганда аҳоли яшайдиган пунктларда рухсат этилган концентрациялардан баланд бўлишлари мумкин эмас.

Ишлаб чиқариш хонасининг ҳажми битта ишловчига 20 м³ дан кам бўлса, ҳар бир ишловчи учун камида соатига 30 м³ ташқи ҳаво бериб турилади, хонанинг ҳажми ҳар бир ишловчига 20 м³ дан кўп бўлса, бир ишловчига камида соатига 20 м³ ташқи ҳаво берилади.

Агар хона ҳажми битта ишловчига 40 м³ тўғри келса, дераза ва лампалар бўлганда ва зарарли моддалар ажралмаса, унда вақти-вақти билан табиий ташкил қилинган вентиляцияни ишлатиш кўзда тутилади.

Бир сменада беш мартадан ортиқ ёки камида 40 минут давомида очиладиган дарвозалар олдида ҳавони тўсувчи ёки ҳавони иситувчи парда тўсиқлар ўрнатиш кўзда тутилади.

Чангни ва осон суюқликка айланадиган буғларни, шунингдек аралаштирилганда хавфли аралашмага айланадиган моддаларни ёки кимёвий бирикмаларни ютадиган қурилмаларни умумий тортувчи қурилмаларга бирлаштириш ман этилади.

Зарарли манбаларга (пайвандлаш, қалайлаш ва бошқалар) яқин жойлашган иш жойлари учун умумалашувчи вентиляцияга қўшимча равишда маҳаллий сўриб олувчи қурилма ўрнатиш талаб қилинади.

Ҳаво муҳитига тўсатдан кўп миқдорда заҳарли моддалар (чангдан ташқари) тушиши мумкин бўлган ишлаб чиқаришларда авария вентиляциясини ўрнатиш лозим бўлади.

Деразалар олдидаги доимий иш жойлари тинимсиз келиб турадиган совуқ ҳаво оқимидан ҳимоя қилинади.

Корхона бинолари ва иншоотларини иситиш учун қўшимча ишлаб чиқаришга зарари тегмайдиган система ва иссиқлик ўтказувчилар кўзда тутилади.

51. Шовкин манбаи бўлган ишлаб чиқариш ускуналарини танлаш ва жойлаштиришда тегишли СМваҚга амал қилиш лозим.

Иш жойларидаги шовкин даражаси корхона реконструкция қилингандан сўнг, ишга тушганда ва ишлаб турган корхоналарда йилига бир марта текширилади.

52. Барча ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарда табиий ёруғликдан кенг фойдаланиш лозим.

Табиий ёритиш меъёрлари ёруғлик ўтказувчи ойналарни мунтазам тартибда тозалаб туришни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муддатларда белгиланади:

а) кам миқдорда чанг, курум чиқадиган хоналар йилига камида 2 марта тозаланади;

б) кўп миқдорда чанг, курум чиқадиган хоналар йилига камида 4 марта тозаланади.

Сунъий ёруғликни меъёрлари люминистент ва қизитувчи чироқли ёритувчи қурилмаларга мос бўлиши керак.

Ёритиш тизими умумий ҳамда бирлаштирилган (умумий ва маҳаллий ёритишдан тузилиб) бўлиши мумкин.

Фақат битта маҳаллий ёритишни қўллаш ман этилади.

Камида 50 киши ишлайдиган хоналарда авария ёритгичи бўлиши лозим.

Сунъий ёритиш ёриткичларини тозалаш унинг қанчалик ифлослаганлигига қараб ўтказилади, аммо қуйидаги муддатлардан оширилиши мумкин эмас:

а) тутун, курум ва чанг кўп чиқадиган жойларда-бир йилда 4 марта;

б) ўртача чиқадиган жойларда-бир йилда 3 марта;

в) кам чиқадиган жойларда-бир йилда 2 марта.

53. Саноат корхоналари сифатли ичимлик сув билан таъминланадилар.

Хўжалик-ичимлик сув қувурлари тармоқларини техник мақсадларга мўлжалланган сув тармоқларига улашга йўл қўйилмайди.

Ичимлик сувидан фойдаланиш учун кичик фонтанчалар, сув ичадиган автоматлар, фонтан бўлиб отилиб чиқиши учун кийдирилган ёпиқ баклар ва бошқа қурилмалар ўрнатилади.

Иссиқ цехларда ишлаётганлар, бир сменада 0.5% тузи бўлган тузланган газли сув билан, бир кишига ўн литргача сувни ҳисобга олиб таъминланишади.

Иш жойи билан ичимлик суви билан таъминлаш қурилмаси орасидаги масофа 75 метрдан ошмаслиги лозим.

54. Тозалаш иншоотлари, сувни насос билан тортиб олувчи станциялар ва бошқа қурилмалар ҳар доим ишга яроқли, тоза ҳолда бўлиши ва улар сув, тупроқ ва ҳавони ифлослаштириш манбаи бўлиб қолмаслиги лозим. Ҳар бир корхонада СМваҚга кўра ишлаб чиқариш жараёнининг гуруҳларига қараб санитария-маиший хоналар жиҳозланади (1-илова).

Ишлаб чиқариш мақсадларида маиший хоналардан фойдаланиш ман этилади.

55. Маҳкумларни ишлаб чиқариш зонасида овқатлантиришни ташкил этиш зарурати туғилганда маиший хоналарда овқатлантириш учун хоналар кўзда тутилган бўлиши зарур.

Ишлаб чиқариш ҳудудида овқатланиш шохобчалари жамоат овқатлантириш корхоналари учун белгиланган санитария талабларига жавоб бериши лозим.

56. Сут ва сут ўрнига ўтувчи бошқа овқатлар зарарли ишлаб чиқариш жойларида ишловчилар учун овқатланиш шохобчаларида ёки ўтирадиган жойлар, совутиш шкафи, қўл ювадиган мосламалар ва идиш товоқларни ювиш учун иссиқ сув бўлган алоҳида ажратилган жойларда тарқатилади. Сут ичиладиган идишларни корхона беради.

Флягадаги сутни фақат пиширилгандан кейингина истеъмолчига бериш мумкин.

57. Ишлаётганларга махсус ва ҳимоя кийимлари, тегишли махсус кийим, оёқ кийим ва ҳимоя мосламалари белгиланган меъёрлар бўйича ва ўрнатилган муддатларда тарқатилади.

Белгиланган меъёрлар бўйича махсус кийим ва ҳимоя мосламаларисиз ишлаш ман этилади.

Махсус кийимларни ўз вақтида ювиш ва таъмирлаш ҳамда захарли моддаларни таъсири бор ишлаб чиқариш жойларида эса дегазация қилиш мажбурий равишда амалга оширилади.

Захарли буғлар, газлар, саноат аэрозолларни чиқиши ва буюм парчалари, қириндиларни учиб тегиши хавфи мавжуд бўлган ишларда ишловчиларга шахсий ҳимоя воситалари: противогазлар, респираторлар, ҳимоя кўз ойнаклари, маскалар ва бошқалар амалдаги меъёрларга биноан берилди.

58. Ҳар бир ўткир касб касаллиги (заҳарланиш) содир бўлганда ушбу касалликни аниқлаган ёки гумон қилган шифокор томонидан шошилинч хабарнома тўлдирилади. Хабарнома 24 соат ичида касалланган одам ишлаётган объект санитария назоратини амалга оширувчи санитария-эпидемиология хизматига юборилади. Ўткир касб касаллиги бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ кишиларда содир бўлган ҳолларда (заҳарланганда) шошилинч хабарнома ҳар бир киши учун алоҳида тўлдирилади. Шошилинч хабарномада ўткир касб касаллигининг дастлабки (якуний) ташҳиси, фараз қилинган ишлаб чиқариш омилларининг номи ва касалликнинг келиб чиқиш сабаблари кўрсатилади.

Диагноз қўйган ёки уни ўзгартирган тиббий бўлим янги шошилинч хабарномани тузади ва 24 соат ичида уни санитария-эпидемиология хизматига юборади, бунда ўзгартирилган (аниқ белгиланган) диагноз, унинг белгиланган санаси, дастлабки ташҳис кўрсатилади.

59. Тиббий бўлим шошилинч хабарномани жўнатишдан ташқари қуйидаги ҳар бир ҳолат тўғрисида телефон ёки телеграф орқали СЭХни хабардор қилади:

а) 2 ва ундан ортиқ киши ўткир касб касаллиги билан оғриб (заҳарланиб) меҳнатга яроқсиз бўлганлиги ҳақида;

б) куйдирги, бруцеллез, қоқшол, қутириш касалликлари ҳақида (беморни касб фаолияти билан боғлиқ бўлса).

60. Ўткир касб касаллигини (заҳарланишни) ҳар бир ҳолати текширилади.

Ўткир касб касаллиги (заҳарланиш) ҳолатларини текшириш меҳнат гигиенаси бўйича санитария шифокори ёки СЭХни бошқа мутахассиси билан шошилинч хабар олинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида ўтказилади, ушбу қўлланмани 2.56 бандида кўрсатилган ҳолатларда хабарнома олинган захоти.

Текшириш жараёнида:

а) ўткир касб касаллиги (заҳарланиш)нинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади;

б) касаллик пайдо бўлган иш жойи (ишчи зонаси, ишлаб чиқариш участкаси, цех) текширилади;

в) зарур бўлганда зарарли ишлаб чиқариш омилларининг лаборатория ва инструментал текшируви ташкил этилади;

г) касаллик (заҳарланиш) пайдо бўлган ишловчини меҳнат шароитининг санитария-гигиеник аҳволи баҳоланади;

д) текшириш натижалари асосида санитария-профилактика, касаллик (заҳарланиш)нинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ташкилий ва техник чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

ҲАММОМ ВА КИР ЮВИШ ТАЪМИНОТИ УСТИДАН САНИТАРИЯ-ГИГИЕНИК НАЗОРАТИ

61. Махсус контингент ҳамомда ювинишини ва кир ювишини таъминлаш муассасанинг интендантлик таъминоти бўлими (гуруҳи)нинг кучи ва воситалари билан амалга оширилади.

62. Муассаса тиббий бўлими қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) ҳаммом ва кир ювиш биноларининг қурилиши ва қайта қурилишининг боришни жорий санитария назорати;

б) санитария қондаларига мос ҳолда кир ювиш ва ҳаммомни жойлашиши, жиҳозланиши ва аҳволи, сифат назорати, ўз вақтида дезинфекция ўтказилиши, санитария ишлови бериш, ички кийимлар ва чойшаб, ёстиқ жилди ва шу кабиларни алмаштириш ва ювиш, совуқ ва иссиқ сув билан таъминлашнинг жорий санитария назорати;

в) ҳаммом ва кир ювиш билан бевосита банд бўлганларни, махсус касб эгалари гуруҳига мансуб шахслар сифатида, барча зарур чора-тадбирлар асосида тиббий кўрикдан ўтказиш;

г) ҳаммом ва кир ювиш таъминоти қисми бўйича СЭХни тақлиф ва ёзма кўрсатмаларини бажарилишини назорат қилиш ва натижалари ҳақида мутасадди шахсларга маълумот бериш.

62. Ҳаммомда махсус контингентни санитария ишловини ҳам амалга ошириш имконияти бўлса, улар гигиеник вазифадан ташқари, эпидемияга қарши вазифани ҳам бажаради.

Қуйидаги ҳолатларда санитария ишлови ўтказилиши зарур:

а) режали тадбир сифатида-ойда 1 марта;

б) эпидемик кўрсатмаларга кўра;

в) муассасага янги келганларни қабул қилишда.

63. Санитария ишлови қуйидагилардан иборат: одамларни ҳаммомда совун билан ювиниши, ўрин-кўрпа жилдлари билан ички кийимни алмаштириш, (педикулезда терини тук билан қопланган қисмларини тозалаш), шахсий кийимни ва ўрин-кўрпани (ёстиқ, тўшак, кўрпа) дезинфекция камерасида дезинфекция, дезинсекция қилиш.

64. Ҳаммомда санитария ишлови ўтказиш вақтида, ҳаммомга кираётганлар ва чиқаётганлар алоҳида эшиклардан кириб-чиқишлари лозим.

Санитария ишловга мўлжалланган ҳаммомларда алоҳида кириш ва чиқиш эшиги, чўмиладиганлар устки ва ички кийимларини дезинфекциялаш камерасига узатадиган, ечиниш хонаси ва кийиниш хонаси бўлиб, унга чўмиладиган кейин чиқилади, унда дарча орқали тоза бўлимдан ўзларининг дезинфекция ёки дезинсекциядан ўтган нарсаларини оладилар; доимий дезинфекциялаш камераси бўлади.

Дезинфекциялаш камерасининг қабул қилиш имконияти ҳаммомнинг қабул қилиш имкониятига мос бўлиши керак.

65. Камерада дезинфекциялаш тадбири ЎзР. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЎзР. ИИВнинг Тиббиёт бошқармасининг буйруқ ва йўриқномалари талаблари асосида ўтказилади.

66. Дезинфекциялаш камераси биносини кўриқдан ўтказишда куйидагиларга эътибор берилади:

а) дезинфекциялаш камераларининг санитария-техник ҳолати;
б) зарарсизлантириш (тартибига) режимига риоя этиш;
в) кўрпа, ёстиқ жилди ва буюмларни камерада тўлиқ зарарсизлантириш;

г) максимал термометрлардан фойдаланиб температура тартибини (режимини) текшириш;

д) ходимларнинг ишлов бериш тартиби (режими) ва санитария қоидаларига риоя этиш бўйича билимларини текшириш;

е) аввал берилган таклифларнинг бажарилишини текшириш;
ж) дезинфекциялаш сифатини текширишнинг физикавий ва кимёвий усулларини ишлатиш;

67. Камерада дезинфекциялаш ҳолатини дезинфекция ва дезинсекцияни қайд қилиш журналида баҳолаб борилади.

68. Муассасадаги шахслар ҳафтасига бир марта чўмиладилар ва кўрпа-ёстиқ жилди ҳамда ички кийимларини бир вақтнинг ўзида алмаштирадилар. Ошпазлар, териси кучли ифлосладиган ишни бажарувчи ходимлар, бундан ташқари ҳар куни душ қабул қиладилар. Чўмилувчиларнинг ҳар галги алмашиниши билан навбатчилар ҳаммом хоналарини яхшилаб тозалайдилар ва хлорли оҳакнинг 0, 2-0, 5 % ли тиндирилган эритмаси, хлораминнинг 1% ли эритмаси ёки лизолнинг 3% ли эритмаси билан дезинфекция қиладилар (шунингдек ўтиргич ва ювиниш тоғораларини ҳам).

69. Сартарошхона анжомлари 30 минут давомида хлораминнинг 1% ли эритмасига солиб қўйилади, сўнгра водопровод сувида ювилади ва қуритилади.

70. Терининг йирингли ва замбуруғ касалликлари билан касалланган шахслар, ҳаммадан кейин алоҳида чўмиладилар, сўнгра ҳаммомда 30 минутли экспозиция билан 2%-ли ишқорли эритма (тозаланмаган сода) ёки хлорли оҳакнинг 3%-ли тиндирилган эритмаси ёрдамида дезинфекция ўтказилади. Муассасанинг изоляция қилинган жойида сақланувчи сил касаллиги гумон қилинаётган маҳкумлар, улар учун ажратилган алоҳида кунда чўмиладилар, кейин ҳаммом ҳам якуний дезинфекция қилинади.

71. Ҳаммомдан чиққан кирланган ички кийимлар, шунингдек кўрпа ва ёстиқ жилдлари бевосита ётоқхонадан кир ювиш хонасига узатилади.

72. Кир ювиш бинолари ва махсус жиҳозларнинг жойлаштирилиши технологик жараённинг узлуксизлиги ва кетма-кетлигини таъминлаши зарур, ювилган ва ювилмаган, шунингдек қуруқ ва ҳўл буюмлар бир-бирига тегиб туришига йўл қўйилмайди.

Кир ювиш биносининг ювилмаган буюмлар сақланадиган қисмида кирланган буюмларни қабул қилиш ва саралаш цехи жойлашади. Ҳаммом биносининг ювилган буюмлар сақланадиган ярмида: ювиш, қуритиш-дазмоллаш, таъмирлаш ва ички кийимларни тарқатиш цехлари жойлашади.

Бинонинг тоза буюмлар ва кир буюмлар сақланадиган қисмлари оралиғида иккала томондан кириш мумкин бўлган санитария хонаси жиҳозланади ва бу хонада душ, гардероб ва туалет бўлади. Бинонинг иккала ярми капитал девор ва тўсиқ билан ажратилади. Барча цехларда ҳавонинг ҳарорати 150С дан 200С гача, ювиш цехидаги нисбий намлик 70%дан ошмаслиги, қуритиш-дазмоллаш цехида эса 60%дан ошмаслиги керак. Кир ювиш биносига қабул қилинадиган ички кийимлар турлари ва кирларни даражасига қараб сараланади. Ифлосланган кийимлар 4-12 соат давомида 0, 5 %ли кальцийли сода эритмаси ёки бошқа ювиш ашёлари (тринатрифасфат, сульфонал, ОП-7 совуни ва б.) қўшилган илиқ сувда ивотилади.

73. Муассасанинг сил касаллар яшайдиган худудидан, тиббий бўлим стационаридан келтирилган кийимлар ювилишдан аввал албатта ишқорий эритмада бир соат давомида қайнатилади ёки дезинфекцияловчи эритмада ивотилади ва махсус ажратилган машинада ювилади.

74. Кир ювиш биносининг ифлосланган ярми иш тугаганидан кейин яхшилаб тозалаб ювилади ва дезинфекция қилинади.

75. Тўшак жилдлари ва одеял йилнинг ҳар чорагида бир марга ювилади.

76. Ҳаммом ва кир ювиш биноси водопровод суви, канализация, биноми иситиш ускуналари, вентиляция ва иссиқ сув билан таъминланиши лозим.

77. Сувнинг сифати «Ичимлик суви» 950-2000 Давлат стандартига қўйиладиган талабларига жавоб бериши керак.

78. Ҳаммом ва кир ювиш биносидан чиқаётган оқава сувлари, улар таркибида кўп миқдорда ювувчи моддалар, тез ириб қоладиган органик моддалар, микроблар бўлганлиги сабабли эпидемиологик жихатдан хавфлидир.

Тозалаш қурилмаларига эга бўлган канализацион шохобчаларда оқава сувлар бевосита канализация тармоғига қўйилади, агар тозалаш қурилмаларига оқизилаётган барча оқава сувларни 25%-ни ҳаммом-кир ювиш биносидан чиқаётган оқава сув ташкил этса, у ҳолда оқава сувлар сўндирилган оҳак эритмаси билан когуллаш усулида дастлабки тозалашдан ўтказилади. Когуллаш учун СаО нинг активлигига ҳисоблаб, оҳак сувига 400 гр/м.куб. миқдорда оҳак қўшилади. Оҳак оғирлигининг 50%ига актив кальций оксиди тўғри келади, ҳисоблаш миқдори шу асосида топилади. Канализация ўтказилмаган пунктларда оқава сувларни тозалаш учун маҳаллий канализацион тозалаш қурилмаси ўрнатилади.

79. Оқава сувларини тозалаш усули ва ташлаш жойи ҳудудий соғлиқни сақлаш идораларининг санитария эпидемиологик марказлари билан келишилиши керак.

80. Ҳаммом-кир ювиш биносидан чиқаётган оқава сувларни сув хавзаларига, жарликларга ва шунга ўхшаш жойларга дастлабки когуллаш ва тиндириш (6-12 соат), хлорлаш (5-10 мг/л актив хлор дозасида) йўли билан тозаламасдан тўкиш ман этилади.

IV-БОБ. ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

81. Эпидемияга қарши курашиш-муассасада сақланаётган шахслар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидан иборат.

82. Муассасада эпидемияга қарши чора-тадбирлар мажмуасини ташкиллаштириш тиббий бўлими бошлиғи зиммасига юклатилади.

Бунга режим-тартибот, сиёсий-тарбиявий, интендант, хўжалик ва бошқа хизматлар жалб этилади.

83. Эпидемияга қарши тадбирлар қуйидаги ҳолатларни олдини олишга қаратилади:

а) муассасага юқумли касалликлар олиб келинишини;

б) махсус таркиб орасида юқумли касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишини;

в) муассаса ташқарисида юқумли касалликлар тарқалишини.

84. Эпидемияга қарши курашиш ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) муассасада ва у жойлашган ҳудудда санитария-эпидемиологик ҳолатни назорат қилиш;

б) махсус контингент муассасага қабул қилинганда ўтказилади-ган тадбирлар;

в) махсус таркиб саломатлигини доимий равишда кузатиб бориш;

г) ичимлик-хўжалик суви, озиқ-овқат ва бошқа таъминот билан боғлиқ бўлган шахсларнинг доимий тиббий назорат ва лаборатория текширувларидан ўтказиш;

д) атроф муҳит, ётоқхоналар, озиқ-овқат, сув таъминоти, ҳаммом, кирхоналар билан таъминланиш, шахсий гигиенага риоя қилиниши устидан доимий тиббий назорат олиб боришни;

е) режали ва шошилишч эмлашларни ўтказилишини назорат қилишни;

ж) дезинфекция, дезинсекция, дератизация чора-тадбирларини ўтказилишини;

з) махсус контингентни санитария маданиятини ошириб боришни;

и) эпидемияни олдини олиш масалалари бўйича тиббий ходимларни тайёрлаш ва малакасини доимий равишда ошириб боришни;

й) юқумли касалликлар тарқалганда эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказиш учун куч ва воситаларни тайёрлашни (тиббий бўлимда қўшимча ўринлар ташкил қилиш, керакли жиҳозлар билан таъминлаш ва ҳоказо);

к) эпидемиологик ҳолатни олдиндан башорат қилиш ва тезкор эпидемиологик таҳлиллар ўтказиш.

85. Махсус котингентни эпидемиядан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ташкил қилиш ва режалаштиришнинг асосини санитария-эпидемиология назорати ташкил қилади. Санитария-эпидемиология

назоратининг мақсади муассасага юқумли касалликлар олиб кирилишини олдини олишдир.

86. Эпидемиологик назоратнинг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

а) муассаса жойлашган ҳудуднинг санитария-эпидемиологик ҳолатини доимий ўрганиш;

б) муассаса жойлашган ҳудуддаги сув манбалари ва аҳоли пунктининг санитария ҳолати устидан узлуксиз тиббий назорат олиб бориш;

в) муассаса жойлашган ҳудудда ташқи муҳит объектларининг бактериялардан ифлосланиши, эпизотиялар ва юқумли касалликлар келиб чиққанлиги ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида аниқлаш ва тўплаш.

87. Муассаса жойлашган ҳудудда санитария- эпидемиология ҳолатини чуқур ўрганиш ва маълумотларни ойдинлаштириш қуйидагилар орқали таъминланади;

а) аҳолининг юқумли касалликлар билан касалланиш динамикаси ва тузилиши билан танишиш;

б) эпидемик касалликларни мумкин бўлган манбалари ва тарқалиш йўллари ва уларга махсус контингентнинг берилувчанлигини ўрганиш;

в) тиббий ҳамда ветеринария даволаш-профилактика муассасалари томонидан ўтказилаётган эпизоотия, эпидемияга қарши ҳамда бошқа чора-тадбирларнинг ҳажми ва сифати билан танишиш.

88. Муассаса жойлашган ҳудуддаги эпидемиологик вазият ҳақидаги узлуксиз маълумотлар қуйидагилар орқали олинади:

а) маҳаллий соғлиқни сақлаш муассасаларидан одамлар ва ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар билан касалланиш ҳақидаги маълумотларни олиш;

б) юқори тиббий бошлиқлардан республикадаги ва вилоятдаги санитария-эпидемиологик ҳолат ҳақидаги маълумотларни олиш;

в) соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан ташкил қилинаётган мажлислар, конференциялар, йиғилишлар ва семинарларда иштирок этиш йўли билан.

89. Муассаса тиббий бўлим бошлиқлари санитария- эпидемиология назоратини олиб боришда, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий соғлиқни сақлаш ва ветеринария ташкилотлари билан узвий алоқада бўлиши шарт;

а) муассаса жойлашган ҳудуддаги аҳоли ва ҳайвонлар ўртасида юқумли касаллик ва эпидемия ҳамда эпизоотияга қарши ўтказилаётган тадбирлар ҳақида маълумотларни узлуксиз равишда олиш учун;

б) ўтказилаётган профилактик ва эпидемияга қарши тадбирларни мувофиқлаштириш учун;

в) махсус контингентни эпидемиядан қимоя қилиш масалаларида маслаҳат ва бошқа турдаги ёрдамни олиш учун.

90. Муассасага юқумли касалликлар кириб келмаслиги учун янги келганлар бир кун давомида тўлиқ санитария ишловидан ва тиббий кўрикдан ўтказилади. Шу вақт мобайнида ўпка сили, тиританосил ва бошқа юқумли касалликлар билан касалланганларни ҳамда улар билан мулоқатда бўлган шахслар аниқланиб, тиббиёт бўлими бошлиғи ҳулосасига кўра улар ушбу касалликларни яширин даври мобайнида тиббий кузатувда бўладилар. Жазони ижро этиш муассасасига янги келганлар алоҳида қабул бўлими биносига жойлаштирилади. Улар 14 кун мобайнида тиббий кузатувда бўладилар ва сўнгра яшаш ҳудудига ўтказилади. Маҳкумлар карантин биносидан бўлган пайтларида, уларни карантин биносидан ташқаридаги ишларга жалб этиш тақиқланади. Тиббий кузатув пайтида махсус контингент орасида юқумли касалликлар аниқланганда, эпидемияга қарши комплекс тадбирлар ўтказилади. Бундай ҳолларда тиббий кузатув давомийлиги охириги бемор бошқалардан ажратилган кундан бошлаб ҳисобланади.

91. Муассасаларда профилактик ва эпидемияга қарши ишларни ўз вақтида амалга ошириш учун тиббий бўлимлари режа асосида йилнинг маълум бир даври (ҳар ой, чорак, ярим йил, тўлиқ йил) учун эпидемиологик таҳлил ўтказишлари шарт. Бундан ташқари эпидемиологик ўчоқда эпидемиологик текширув ўтказилади. Муассасадаги эпидемиологик вазият таҳлили муассасалар тиббий бўлими бошлиқлари томонидан олиб борилади.

92. Маълум ўтган давр учун эпидемиологик таҳлил ўтказилганда тиббий хизматга бириктирилган шахслар орасида касалликлар даражаси, динамикаси ва туркуми ўрганилади. Касаллик кўзгатувчиси, уни юқиш йўли ҳар бир касаллик тури бўйича алоҳида ўрганилади. Бундан ташқари юқумли касалликлар тарқалиш хавфини билиш учун касаллик эпидемия ўчоғини келиб чиқиш сабаби таҳлил қилинади.

93. Эпидемиологик кузатув натижалари, йилнинг маълум ўтган даври учун эпидемиологик таҳлил ва айрим юқумли касалликлар эпидемиологик хусусиятлари инобатга оlinиб, маълум шароитда

эпидемиологик жараёни кечиш даражаси олдиндан аниқланади. Эпидемиологик вазиятни башорат қилиш асосида тиббий бўлими бошлиқлари махсус контингент орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар.

V-БОБ. ТЕРГОВ ҲИБСХОНАЛАРИ ВА ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Юқумли касаллик билан оғриган беморлар аниқланганда ўтказиладиган эпидемияга қарши тадбирлар мажмуи

Айрим юқумли касалликларда эпидемияга қарши тадбирлар

Касалликни олдини олиш мақсадида эмлашлар

Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРАЛ АНИҚЛАНГАНДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР МАЖМУИ

94. Муассасада юқумли касалликлар аниқланганда тиббий бўлим бошлиғи қуйидагиларни ўз ичига олган эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини ташкиллаштиради:

а) беморларни аниқлаш, бошқалардан ажратиш, стационарга жойлаштириш, юқумли касалликлар шифокори кўригини ташкил қилиш ва даволашни;

б) жорий ва яқунловчи дезинфекциялар ўтказишни;

в) эпидемиологик текширув ўтказилишини;

г) тиббий назорат олиб борилиши, обсервация ёки карантин эълон қилиниши;

д) санитария-гигиена тадбирлари ўтказилиши устидан назорат қилишни;

е) эмлаш ишлари ўтказилиши.

95. Тиббий ходимлар томонидан амбулатория қабули ўтказилиши, бириктирилган контингентни тиббий кўриқдан ўтказишилиши, шунингдек муассаса маъмурияти билан бирга ётоқхоналар ва камераларни айланиш давомида юқумли касалликларга чалинганлар ўз вақтида аниқланади.

96. Аниқланган беморлар ва юқумли касалликларга шубҳа қилинганлар, зудлик билан тиббий бўлими қошида олдиндан жиҳозланган изоляторга жойлаштирилади. Эпидемиологик ҳолат ўзгарганда (юқумли касалликка чалинган беморлар сони кўпайиб кетса) изолятор кенгайтирилади ва қайта жиҳозланади (камера, ётоқхона, муассаса мактаби биноси изолятор сифатида жиҳозланиши мумкин). Тиббий изоляторда шифокор бемордан эпидемиологик анамнез йиғади, уни текширади, ташҳис қўйиб унга тиббий ёрдам кўрсатади. Юқумли касалликка чалинган беморлар ва унга шубҳа қилинганлар, улар касалхонага жўнатилгунига қадар ёки тиббий кузатув олиб бориш учун, юқумли касаллик тарқалишини олдини олиш мақсадида тиббий изоляторга вақтинча жойлаштирилади. Улар тиббий изоляторда бўлган вақтда эпидемияга қарши режим сақланади.

97. Эпидемияга қарши режим деганда тиббий изолятор ишининг шундай тартиби тушуниладики, бу тартиб тиббий ходимларни тўлиқ хавфсизлигини таъминлайди, изолятор ичида касаллик юқиши ҳамда беморлар ва уларга хизмат қилувчи ходимлар томонидан касалликни атрофга ёйилиши имкониятини бартараф қилади. Эпидемияга қарши режим ҳар бир инфекциянинг алоҳида эпидемиологик хусусиятларига кўра (унинг юқиш йўллари инобатга олинган ҳолда) аниқланади.

Эпидемияга қарши режимни умумий талаблари қуйидагилар ҳисобланади:

а) ҳар хил юқиш йўлига эга бўлган юқумли касалликларга чалинган беморларни алоҳида жойлаштириш;

б) тиббий изоляторни овқатланиш ва сув таъминоти объектларидан узоқда жойлаштириш;

в) тиббий изоляторда чойшаблар, кўрпа-тўшаклар, идишлар, беморларга қараш учун лозим бўлган нарсалар, беморлар ич кийимлари ва идишларини дезинфекциялаш учун сигимлар, бемор ажратмаларини зарарсизлантириш учун қопқоқли идишлар ҳамда дезинфекция ва дезинсекция воситалари билан таъминланиши лозим;

г) тиббий изоляторга жойлаштирилаётган беморларни чўмилиши ва эпидемиологик кўрсатмага кўра уларга санитария ишлови ўтказилиши;

д) дезинфекция тартибига риоя қилиш.

98. Юқумли касалликлар билан касалланган беморлар жазони ижро этиш муассасаси касалхонасининг юқумли касалликлар бўлимига ёки алоҳида ҳолларда соғлиқни сақлаш идораларининг юқумли касалликлар касалхонасига (бўлимига) ётқизилади. Бундай беморлар-

ни соғлом шахслар ва юқумли бўлмаган касаллар билан бирга (транспорт туридан қатъи назар) ташилишига йўл қўйилмайди. Озиқ-овқат ташиш транспортларида касалларни олиб юриш қатъий тақиқланади. Юқумли касалликка чалинган беморларни охирги жойигача кузатиб бориш учун тиббий ходим ажратилади ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун керакли дори-дармонлар, идишлар (бемор ажратмаларини зарарсизлантириш учун челақ ва бошқалар) ва дезвоситалар берилади. Юқумли касалликка чалинган беморларни ташилган автоулов, беморни қабул қилган касалхона томонидан эвакуациядан кейинги 2 соат ичида якуний дезинфекция қилинади.

99. Юқумли касаллик пайдо бўлган вақтда эпидемияга қарши тадбирлар эпидемик ўчоғ доирасида ўтказилади. Ушбу касаллик юқиши мумкин бўлган ҳудуд (камера, отряд, бригада, муассаса) эпидемик ўчоқ чегараси деб белгиланади. Эпидемик ўчоқнинг таъсир этиш вақти, касаллик манбаи тугатилган ва якунловчи дезинфекция ўтказилган вақтдан сўнг касалликни яширин даврининг максимал муддати билан аниқланади.

100. Эпидемияга қарши ўтказиладиган тадбирларни аниқлаш учун тиббий бўлим бошлиғи эпидемиологик текшириш ўтказида. Текшириш давомида тахмин қилинган касаллик манбаи, касаллик кўзғатувчисини маълум шароитларда мумкин бўлган тарқалиш йўли ва омиллари, касалланиши мумкин бўлган шахслар доираси аниқланади. Юқумли касаллик айрим ҳолатларда (шахсларда) учраганда, эпидемиологик текширув давомида тиббий бўлим бошлиғи қуйидагиларни амалга оширади:

а) бемордан касалланиш сабабини суриштириб, уни тиббий текширувдан ўтказида;

б) эпидемиологик ўчоқда бемор билан мулоқатда бўлганларни соғлиғини аҳволи билан қизиқиб, уларни тиббий текширувдан ўтказида;

в) ташқи муҳитни текширади, бунда лаборатория усулидан ҳам фойдаланилади.

Касаллик манбаи ва уни юқиш йўллари аниқлаш мақсадида, маълум бир инфекцияни эпидемиологик хусусиятларини инобатга олиб ҳамда лаборатория усуллари билан фойдаланиш орқали сўраб-суриштириш ва тиббий текшириш ишлари олиб борилади. Эпидемиология текшируви натижалари касаллик ўчоғида ўтказиладиган тадбирларни мувофиқлаштиришда фойдаланилади.

Касаллик бир гуруҳ шахсларда қайд этилган (эпидемик авж олган) ҳолларда тиббий бўлим бошлиғи юқоридаги гадбирлардан ташқари отряд, бригада, ва камералар бўйлаб касаллик тарқалишини, касалликни тарқалиш вақтини, касалланганларни яшаш шароитларини таҳлил қилади. Бундан мақсад ҳар бир бемор учун касаллик манбаи ва юқиш йўлини ҳамда инфекцияни тарқалиш сабабини аниқлашдан иборат.

101. Ҳар бир юқумли касаллик билан касалланиш ҳақида тиббий бўлим бошлиғи, муассаса бошлиғига ва шу билан биргаликда юқори турувчи тиббий хизмат бошлиқларига хабар қилади. Ташхис аниқ бўлган вақтдан бошлаб 24 соат ичида ИИБ, ИИББ, ИИБ санитария - эпидемиология хизмати (СЭХ) қайд этилган юқумли касаллик, овқатдан заҳарланиш, организмни эмлашга қарши одатдан ташқари реакцияси ҳақида тезкор хабарнома юборилади. Тезкор хабарномани ўз вақтида юборилишига муассаса тиббий бўлими бошлиғи жавобгардир. Эпидемиологик текширув вақтида юқумли касаллик ўчоғини эпидемиологик текширишни белгиланган шаклдаги картаси тузилади ва кейинчалик уни ИИБ, ИИББ, ИИБ СЭХларига юборилади.

102. Эпидемик ўчоқда, инфекцияни ўзига хослиги ва махсус контингентни жойлашиш хусусиятига боғлиқ бўлган эпидемияга қарши чеклаш-тартибот тадбирлари ўтказилади. Эпидемияга қарши чеклаш-тартибот тадбирлари 3 тоифага бўлинади:

- а) кучайтирилган тиббий назорат;
- б) обсервация;
- в) карантин.

103. Кучайтирилган тиббий назорат юқумли касаллик билан оғриганларни фаол равишда аниқлаш ва уларни бошқалардан ажратиш ҳамда касалхонага юборишдан иборат. Юқумли касаллик билан оғриган беморларни фаол аниқлаш махсус контингент соғлиғи аҳолини суриштириш, уларни тиббий текшириш, тана ҳароратини ўлчаш ва лаборатория усули билан текшириш орқали амалга оширилади. Кучайтирилган тиббий назорат муассаса тиббиёт бўлими бошлиғи кўрсатмаси билан амалга оширилади.

104. Обсервация-юқумли касалликларни тарқалишини олдини олишга қаратилган тадбирлар тизимидир. Обсервацияни тиббий бўлим бошлиғи тақдими асосида, муассаса бошлигининг буйруғи билан кучга киритилади.

Обсервацияда қуйидагилар кўзда тутилади:

- а) кучайтирилган тиббий назорат;

б) муассасага махсус контингентнинг келишини чеклаш;

в) обсервация эълон қилинган муассасага махсус контингент келган ҳолларда (уларни бу муассасага келиши обсервация эълон қилинмасдан олдин ҳал қилинган бўлса) улар бошқалардан алоҳида жойлаштирилади. Махсус контингентни муассасадан кетиш масаласи ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида ҳал этилади;

г) қариндошлар билан учрашув чекланади ёки тўхтатилади;

д) махсус даволаш-профилактик ва эпидемияга қарши кураш тадбирлари ўтказилади.

105. Карантин - бу эпидемия ўчоғини тўлиқ ўраб олиш ва у ердаги юқумли касалликни бартараф этишга қаратилган чеклаш ва эпидемияга қарши тадбирлар тизимидан иборат. Карантин вақтида қуйидаги тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилади:

а) махсус контингент тўлиқ ажратилади, муассасага келиш ва ундан кетиш, муассаса ичида махсус контингентни кўчиб юриши тақиқланади;

б) кучайтирилган тиббий назорат ўрнатилади;

в) махсус даволаш-профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар амалга оширилади.

Бу ҳолатда муассасанинг моддий-техник таъминоти муассасадан ташқарида алоҳида ташкил қилинган юкларни қабул қилиш ва ўтказиш майдони орқали амалга оширилади. Муассаса ичида махсус контингент отрядлар бўйича максимал равишда бир-биридан алоҳида жойлаштирилади, ва уларга овқатлар овқатларни олиш шохобчалари орқали берилади. Карантин талаблари бажарилиши учун муассасада кучайтирилган хизмат тартиби ташкиллаштирилади. Эпидемиологик вазият бўйича маҳкумларга учрашувлар бериш вақтинчалик тўхтатилади ва бу ҳақда муассаса маъмурияти жазони ижро этиш жойларида қонунлар ижроси устидан назорат қилувчи прокурорга хабар беради. Муассасада карантин Тиббиёт бошқармаси, бўлими, хизмати томонидан киритилган тақдимномага кўра ИИВ, ЖИИББ, ИИБ раҳбарияти қарори асосида ўрнатилади.

АЙРИМ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА ЭПИДЕМИЯГА ҚАРШИ ТАДБИРЛАР

106. Ичак инфекциялари келиб чиқишини олдини олиш бўйича тадбирлар мукамал, ҳар томонлама ва доимий равишда олиб борилганда самарали ҳисобланади.

Асосий санитария профилактик чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

а) махсус контингентнинг яшаш шароити, сув ва овқат таъминотини лаборатория усулидан фойдаланилган ҳолда тиббий назорат қилишни таъминлаш;

б) меҳнат фаолияти туфайли махсус рўйхатда бўлган (ошхона, ҳаммом, кир ювиш, озиқ-овқат таъминоти билан боғлиқ бўлган ва бошқа кўпчиликка хизмат қиладиган ишларда ишлайдиган) шахсларни лаборатор тиббий текширувдан ўтказиш;

в) профилактик дезинфекция ва дезинсекцияни амалга ошириш (бинолар, канализацияланган ва канализацияланмаган хожатхоналар, оқава сувлар, ахлат ва чиқинди тўплайдиган жойлар, ичимлик ҳамда хўжалик фаолияти учун ишлатиладиган сувлар, сув сақланадиган ва ташийдиган сифимлар, ошхона жиҳозлари ва идиш товоқлар ҳамда пашшаларга қарши кураш).

г) махсус контингентни шахсий гигиенанинг асосий қоидаларига риоя қилиш ҳамда бажарилиш устидан тиббий назорат олиб бориш;

д) дизентерия (ичбурур) ва ўткир юқумли ичак касаллиги (ЎЮИК) билан охириги 6 ой мобайнида оғриганларни ҳамда қачон касалланганидан қатъи назар ичтерлама ва паратиф билан оғриган шахсларни аниқлаш.ҳисобга олиш, тиббий кўриқдан ўтказиш ва диспансер кузатувига олиш;

е) ичбурур ва ЎЮИК билан орриганларни барвақт аниқлаш, бошқалардан ажратиш ва касалхонага ётқизиш;

ж) бемор билан мулоқатда бўлганларни бактериологик текшириш усулини қўллаган ҳолда тиббий назорат қилиш ва уларга фаго-профилактика ўтказиш;

з) профилактик эмлаш ишларини ташкиллаштириш ва ўтказиш;

и) махсус контингент орасида санитария-оқартув ишларини ўтказилишини ташкиллаштириш.

107. Овқатланиш ва сув таъминоти объектларида доимий ишловчи махсус контингентлар ошпазлар, нон тақсимловчилар, омбор ишчилари, ошхонанинг доимий ишчилари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув ташувчи автоулов хайдовчилари, чилангарлар ва сув таъминоти билан боғлиқ бўлган бошқа ходимлар (бундан кейин махсус рўйхатдагилар деб юритилади) доимий тиббий назоратда бўладилар, Уларни тиббий текширувдан ўтказиш тартиби ИИВ Республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан муассасалар жойлашган ҳудуддаги эпидемиологик вазиятни инобатга олган ҳолда белгиланади.

Махсус рўйхатдагиларни тиббий текширишдан ўз муддатида ўтишига тегишли хизматларнинг бошлиқлари жавобгардир.

108. Ошхонада ишлаш учун тайинланган махсус контингент ишга тушишдан олдин, тиббий ходимлар томонидан кўриқдан ўтади. Унинг натижалари ошхона ишчиларини тери ва тери ости йирингли касалликларига тиббий текшириш ўтказишни ҳисобга олиш дафтарига ёзиб қўйилади (047-3-У-И шакл). ЎЮИК билан касалланиб диспансер кузатувида бўлган ёки ичбуругаинг сурункали шакли билан оғриб юрган шахслар ошхонада ишлаш учун тайинланмайдилар.

109. Овқатланиш ва сув таъминоти иншоотларида доимий ишловчи шахслар ўткир ичбурут, қорин тифи, А ёки Б турдаги паратиф, вирусли гепатитнинг А тури ҳамда ичбуруғ ва ичтерламанинг сурункали шакллари билан оғриганлар, бактерия ташувчилик бўйича санация, қилинганлар аввалги иш жойларига қайтиб ишга қўйилмайдилар. Улар муассаса маъмурияти томонидан, овқатланиш ва сув билан таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ишларга ўтказилади.

110. Тана ҳарорати юқори ва ташҳиси ноаниқ бўлган, қорин тифи (грипп, пневмония, ўткир бронхит) ташҳиси истисно қилинмаган, тана ҳарорати 5 кундан ортиқ юқори бўлиб турган беморлар бактериологик текширувдан ўтказиладилар. Бунинг учун қон гемокултурага, нажас капрокултурага текширилади ва серологик ташҳис усуллари (видал, гемагглютинация ва цистиенли гемагглютинация реакциялари)бажарилади.

111. ЎЮИК билан оғриганлар ҳисобга олиниб диспансер кузатувида бўлади. Ушбу касаллик билан оғриб ўтганлар диспансер кузатувида бўлган даврида уларнинг соғлиғи тўғрисидаги ҳамда клиник ва лаборатор текшириш натижалари тиббий амбулатор дафтарига ёзилади. Диспансер кузатуви даврида лаборатор текширишлар учун ашё олиш ва уни лабораторияга етказган муассасанинг тиббий ходимлари томонидан амалга оширилади.

112. Тергов ҳибсхоналаридан жазо муддатини ўташ учун бошқа республика, вилоятлардаги муассасага юбориш олдидан, махсус контингент бир марталик бактериологик текширувдан ўтказилиши лозим, Бошқа ҳолатларда бактериологик текширув эпидемиологик вазиятга кўра ИИВ, ИИББ, ИИБ санитария эпидемиология хизмати қарорига кўра ўтказилади. Бактериологик текширувлар натижаси бўйича бактерия ташувчилиги тасдиқланган шахслар жўнатишдан Олиб қолинади, уларга нисбатан мукамал даволаш - профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади.

113. Эпидемияга қарши тадбирлар эпидемиологик ўчоқни йўқотишга йўналтирилган ва айрим ёки бир гуруҳ шахсларда қайд этилган ЎЮИКни эпидемиологик текшириш натижалари асосида ўтказилади.

114. Якка тартибда ўткир юқумли ичак касаллиги (ЎЮИК) содир бўлганда эпидемиологик текширув муассаса тиббий бўлими шифокори (бошлиғи) томонидан ўтказилади ва қуйидаги мақсадни кўзлайди:

а) бемор касалланган жойни аниқлашни;

б) касаллик қўзғатувчиси қайси йўл билан юққанлигини аниқлаш (овқат - қандай, қаерда ва қачон истеъмол қилинган, ичимлик суви- қаердан, қайси манбадан ва қачон истеъмол қилинган);

в) касалланиш эҳтимоли юқори бўлган гуруҳни аниқлаш. Ушбу вазифани бажариш учун қуйидагилар амалга оширилади:

а) бемор билан суҳбатлашиш ва уни текшириш;

б) касаллик ўчоғида бемор билан мулоқатда бўлганлар билан суҳбатлашиш ва уларни текшириш;

в) муассаса доирасидаги ташқи муҳит объектларини кўриб чиқиш ва текшириш.

Бемор билан суҳбатлашиш давомида эпидемиологик анамнез йиғилади ва қуйидагилар аниқланади:

а) касаллик бошланган вақт;

б) бемор илгари ичак касаллиги билан оғриган ёки оғриманганлиги (қачон, қаерда даволанган);

в) қандай овқатланиши ва қандай сувни истеъмол қилиши;

г) касал бўлгунга қадар бемор, касалликнинг яширин даврида қаерда бўлганлиги (касаллик қаерда юққан бўлиши мумкинлигини топиш учун);

д) ушбу касалликнинг муҳим клиник томонлари.

Ушбу бемор билан бирга касалланган ёки касаллик ундан юққан бўлиши мумкин бўлган шахслар аниқланади. Касалланиш муассаса ичида юз берган бўлса озик-овқат таъминоти билан машғул бўлган ва касал бўлиб ўтган шахслар бактериологик текширувдан ўтказилади.

Бемор ва бошқа шахслардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, бемор касалланишига сабаб бўлган шароитни аниқлаш мақсадида, атроф муҳит элементлари (овқатланиш, сув объектлари, хожатхоналар, бемор бўлган жойлар, атрофдаги ҳудуд ва бошқа жойлар) текширилади.

115. Касаллик бир гуруҳ шахсларда қайд этилганида (эпидемик авж олиш даврида) эпидемиологик текширишни қоидага кўра шифо-

таъсирида ноқулай реакция бўлганлиги ҳақида СЭХга шошилиш хабарнома юбориш;

в) касаллик ўчоғида якуний дезинфекцияни ўтказишни ташкиллаштириш;

г) эпидемик ўчоқда бемор билан мулоқатда бўлганларни ичбуруғ касаллиги бўйича 7 кун, ич терлама касаллигига 21 кун, А турдаги вирусли гепатит бўйича 35 кун давомида лаборатория текширувидан фойдаланиб тиббий назоратни йўлга қўйиш ва бу вақт мобайнида уларни ошхонага ишга қўйишни тақиқлаш;

д) ёлғондан касал қилиб кўрсатиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича иш олиб бориш;

е) овқатланиш ва сув билан таъминлаш ҳамда ҳудудни тозалаш бўйича назоратни кучайтириш.

118. Ўткир юкумли ичак касаллиги эпидемик авж олганда юқорида қайд этилганлардан ташқари қуйидаги қўшимча тадбирлар ўтказилади.

Эпидемик авжга озиқ-овқат сабаб бўлганда:

б) гумон қилинган масаллиқлар, тайёр овқат ёки унинг қолдиғидан фойдаланиш бекор қилинади ва улар намунаси санитария - эпидемиология муассасаларига экспертизага юборилади;

в) озиқ-овқатларда касаллик қўзғатувчилари кўпайиши сабаблари аниқланади ва бартараф қилинади;

г) озиқ-овқат объектлари ва ошхона, тозаловчи ва дезинфекцион воситалар қўлланган ҳолда тўлиқ тозаланади, идиш-товоклар ва ошхона жиҳозлари сувда қайнатилиб ювилади;

д) озиқ-овқат билан ишловчи ходимлар ва ошхонага вақтинчалик ишга юборилганларни шахсий гигиенага риоя қилишлари устидан назорат кучайтирилади.

Эпидемик авжга сув сабаб бўлганда:

а) сув тизими ёки унинг айрим тармоқлари ифлосланиши сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

б) сув тармоғи.сув сақланадиган сифимлар ва сув манбаини дезинфекциялаш;

в) зудлик билан махсус контингентни сифатли сув билан таъминлаш.

Ичбуруғ касаллиги билан оғриган сўнгги бемор касалхонага ётқизилганидан ва касаллик ўчоғида якуний дезинфекция ўтказилганидан 7 кундан (А турдаги вирусли гепатит - 35 кун, қорин тифи - 21 кун) кейин бирор бемор ёки касаллик қўзғатувчисини ташиб

юрувчилар аниқланмаса, касалликнинг ўчоғи бартараф этилган ҳисобланади.

119. Эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилганда, инфекциянинг қуйидаги эпидемиологик хусусиятлари ҳисобга олинади.

Ичбуруғда - ўткир бактериял ичбурут касаллиги яширин равишда ўтиши сабабли муассасадаги махсус контингент орасида қайд этилган ҳар бир колит, энтероколит, энтерит касалликларида ичбуруғ касаллигидаги каби тўлиқ эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади.

Қорин тифи ва паратифларда - тиф ва паратиф касаллиги қайд этилганда, эпидемиологик таҳлилни енгиллаштириш учун, ушбу касаллик бактерияларини ташувчи шахс касаллик ўчоғи манбаи деб гумон қилиниб, ҳар бир сурункали тиф - паратиф касаллиги ташувчилари чиқараётган бактериялар фаготиплари аниқланади ва бу ҳақда улар амбулатор тиббий дафтарига ёзиб қўйилади.

Бактерия ташувчи бошқа муассасага кетганда ёки озод этилганда бу ҳақда ИИВ, ИИББ, ИИБ СЭХларига хабар берилади.

Вабо касаллиги қайд этилганда қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

а) ЎЮИК касалланишни доимий эпидемиологик таҳлили;

б) ошқозон - ичак трактида дисфункция бўлган, турар жойи аниқ бўлмаган (шундайлар муассасага келган бўлса), ЎЮИК Билан оғриган ва махсус рўйхатдаги шахслар вабога бактериологик усул билан текширилади;

в) муассасада ЎЮИКдан ўлган барча беморлар мурдаси ёрилиб вабога бактериологик текширилади, шунингдек секцияда вабо учун хусусиятли ўзгаришлар аниқланган барча ҳолларда ёки ўлими сабаблари аниқланмаганлар ҳам мурдалари ёрилиб бактериологик текширилади.

Ўта хавfli юқумли касалликлардан ўлганларни кўмиш ёки ташиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигини махсус қондалари билан белигиланади.

А турдаги вирусли гепатит касаллигида, касалликнинг продромал даврида бўлган беморлар эпидемиологик жиҳатдан хавfli ҳисобланади. Кўпчилик беморларда касаллик қўзғатувчисини ажралиб чиқиши сариқлик пайдо бўлгандан кейин тўхтайди. Беморлар сариқлик бошлангандан бошлаб 3 хавфта ёки касаллик бошлангандан бошлаб 28 кунга алоҳидаланади, вирусли гепатит А касаллиги билан рғриган беморлар билан мулоқатда бўлган ҳамда озиқ-овқат объектларида ва уларга тенглаштирилган объектларда ишловчи ходимлар 35

кун давомида тиббий назоратга олинади ва ҳафтада камида бир марта шифокор кўригида бўлади (ҳарорати ўлчанади, пешоби. ва терининг ранги назорат қилинади, жигар ва талоқлар ҳафтада бир марта текшириб турилади).

Бемор билан мулоқатда бўлган шахсларни лабораторияда текшириш шифокор-терапевт томонидан, қуйидаги кўрсатмалар бўлганда белгиланади (ўткир респиратор касалликларнинг сони ортганда, жигарнинг катталашувида, сабабсиз ҳарорат кўтарилиши ва бошқаларда). Муассасада охириги бемор алоҳидаланган кундан бошлаб 2 ой мобайнида режали профилактик эмлаш, ташҳисий синамалар, стоматологик текширишлар ўтказилмайди.

120. Ҳаво - томчи йўли орқали юкувчи касалликларни олдини олишнинг асосий чора-тадбирлари:

а) ётоқхона, камера, овқатланиш шохобчаси, клуб ва бошқа хоналарни гигиеник ҳолатини сақлаш (хонани ҳарорат тартибига риоя қилиш, шамоллатиш, тозалаш ва бошқалар);

б) ҳар қандай респиратор касалликлари билан оғриган беморларни ўз вақтида фаол аниқлаб алоҳидалаш;

в) профилактик эмлаш.

Касалланишлар кўпайганда чеклаш тартибот тадбирларини ўтказилади.

121. Гриппдан ҳимояланиш қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади:

а) режали профилактик эмлаш махсус контингентнинг шаклланиш ва жойлаштирилишини, фойдаланиладиган эмлаш вакцинасини турига ҳамда ушбу жойдаги аҳоли орасида ўтказиладиган гриппга қарши чора-тадбирларни хусусиятига боғлиқ равишда олиб борилади;

б) иммун ҳимоя инфекция манбаига (касалликни фаол аниқлаш, беморни алоҳидалаш ва барвақт этиотроп даволаш), касалликни юқиш йўлини узиб қўйишга (умумий санитария - гигиена ва тартибот - чеклаш тадбирлари), организмни номахсус қаршилик даражасини кўтаришга (витаминотеропия, ултрабинафша нурлар, чиниқтириш, бадан тарбия ва бошқалар) қаратилган чора - тадбирлар бошқа тадбирлар мажмуи билан бирга ўтказилади;

в) гриппга қарши ўтказиладиган тадбирлар самара-дорлигининг бир шarti, бу муассасадаги 80% махсус контингентни қамраб олган ҳолда ўтказиладиган эпидемияга қарши профилактик тадбирларни ўтказиш ҳисобланади;

г) гриппга қарши эмлашни етарли даражада таъминланишини ташкиллаштириш учун эмлаш ишлари назорат - текширув хоналарида ўтказилади;

д) махсус контингент даволанадиган касалхона жойлашган худуддаги аҳоли орасида грипп эпидемияси вақтида, тана ҳарорати кўтарилган беморлар учун (гриппнинг клиник белгилари бўлмаса ҳам) касалхонада алоҳида хоналар ажратилиб, холсизланган касаллар (айниқса грипп билан оғриган беморлар билан мулоқатда бўлганлар)га ва грипп эпидемияси вақтида касалхонага қабул қилинган беморларга(оғир касалларга) гриппга қарши воситалар ёрдамида шошилишч профилактика ўтказилади, қолган барча беморларга оксалин малҳами ва ремантадин(жадвал бўйича)кент қўлланилади;

е) грипп касаллиги сил касаллигини авж олишига олиб келиши мумкин, пгунинг учун сил касаллари билан касалланганлар ҳам режали ҳам шошилишч гриппдан ҳимояланади;

ж) сил касаллиги билан касалланганларни гриппга қарши режали эмлашда фақатгина фаоллиги сусайтирилган вакциналардан фойдаланилади, бунда уларни йўриқномаларида қайд этилган организмга зарарли таъсирлари ҳисобга олинади.

з) вояга етмаганлардан сил касаллиги билан касалланганлар гриппга қарши эмлашга жалб этилмайди. Уларни тезкор ҳимоя қилишда оксалинли малҳам, лейкоцитар интерферон ҳамда махсус гриппга қарши гамма глобулинлардан фойдаланилади.

122. Дифтерия Касаллигида шу касалликка чалинган бемор ёки бактерия ташувчи соғлом шахслар инфекция манбаи бўлиб ҳисобланади, дифтерия таёқчасини токсиген штаммини ажратувчи касаллар хавфли саналади. Шунинг учун дифтерия ўчоғида касал билан мулоқатда бўлганлар 7 кун давомида тиббий назоратда бўладилар ва улар бир марта бактериологик текширишдан ўтказилади ҳамда эмланади (агарда улар эмланмаган бўлсалар). Агарда уларда касаллик кўзгатувчиси аниқланса улар бошқалардан ажратилади ва касалхонага ётқизилади ҳамда мулоқатда бўлганларда каренобактерия токсини ажралиши тўхтагунга қадар тиббий назорат давом эттирилади.

Дифтерияни эрта аниқлаш мақсадида ангина ҳамда бодомсимон безларқда патологик юза ҳосил бўлган(паратонзилляр абцесс билан оғриганлар ҳам) беморлар, уларда касаллик бошланганидан 3 кун ичида фаол тиббий назоратга олиндилар. Тиббий хизматга илк бор мурожаат қилганда дифтерияга бир марталик бактериологик текширилади.

Хонада кундалик намли тозалаш ва тез - тез шамоллатиш, ултрабинафша ва бактериоцид лампалар билан нурлаш ишлари олиб борилади.

124. Тошмали терламани Провачек - риккетсиялари чакиради, битлар орқали юқади. Тошмали терламанинг 2 хили мавжуд - эпидемик ҳамда рецидив (Брилл касаллиги).

Тиббий ёрдамга мурожаат қилган ва тошмали терлама ўчоғида фаол аниқланган, тана ҳарорати юқори бўлганларнинг доимо ҳарорати ўлчаниб тиббий кузатувда бўлади. Барча ҳарорати юқори бўлган, тошмали терлама белгилари намоён бўлган беморлар касалхонага ётқизилади, 5 кун ичида ташҳиси аниқ қўйилмаган беморлар провизор(кузатув учун) касалхонага ётқизилади.

Иситмаловчи беморларда тошмали терлама касаллиги инкор қилинмаса (грипп, пневмония, энцефалит ва бошқалар), иситма 5 кундан ортиқ давом этса 6-чи кундан бошлаб 3 - 5 кун оралиқ билан 2 марта серологик текширилади.

Тошмали терлама касаллиги билан оғриган беморлар билан мулоқатда бўлганлар тиббий кузатувда бўлади ва текширилади:

а) фақат касалликнинг яширин давридаги бемор билан мулоқатда бўлган (яширин даврининг охирги куни қўшилмайди) шахслар суриштирилади, кўрсатмалар асосида комплементни боғлаш ва гемагглютинация реакциялари ёрдамида улар охирги уч ойда тошмали тиф билан орриган ёки оғримаганлиги аниқланади.

б) яширин даврни охирги кунлари ва касалхонага жойлаштирилгунга қадар, бемор билан мулоқатда бўлган шахслар 25 кун давомида кузатилади, иситмаси ўлчанади, кузатув санитария ишлови ўтказилган кундан ҳисобланади;

в) яширин даврда ҳамда касаллик даврида бемор билан мулоқатда бўлган шахсларга нисбатан юқоридаги қайд этилган комплекс чора-тадбирларни барчаси ўтказилади.

Бемор билан мулоқатда бўлганлардан иситмаловчилар бўлса, зудлик билан аниқ ташҳис қўйиш учун тиббий бўлими стационарига ётқизилади. Инфекция манбаини аниқлаш мақсадида мулоқатда бўлганларни лаборатория (комплементни боғлаш ва гемагглютинация реакциялари ёрдамида) текширувидан ўтказилади. Педикулез аниқланмаганда ушбу текширувни ўтказишга қуйидагилар асос ҳисобланади: касаллик ўчоғи аниқланмагунча охирги 3 ой давомида иситмаловчи касаллар (уларнинг ташҳисидан ва иситманинг давомийлигидан қатъи назар), педикулез аниқланганда тошмали терлама касаллари билан мулоқатда бўлган барча шахслар текширилади.

Бемор билан мулоқатда бўлган барча шахслар санитария ишлови ўтказилгунга қадар педикулезга текширилади.

Бемор касалхонага ётказилганидан сўнг тиббий ходим раҳбарлигида касаллик ўчоғи тошмали терлама ва педикулез касаллиги қўзғатувчиларни тўлиқ бартараф этиш мақсадида якуний дезинфекция қилинади.

Мулоқатда бўлганлар покизаланиш жойларида ёки мослаштирилган ҳаммомда оқимликка риюя қилиб санитария ишловидан ўтказилади.

Тошмали терламада профилактик чора-тадбирлар махсус контингент орасида битлашни тўлиқ аниқлаб йўқотишга қаратилган.

125. Педикулез - одамда битларни паразитлик қилишидир. Одамда 3 хил бит фарқланади: кийим бити, бош бити ва қов бити.

Бош ва кийим битлари тошмали ва қайталама тифни ташувчилари ҳисобланади. Кийим битлар кўпроқ эпидемиологик хавф туғдиради.

Педикулезга қарши чора-тадбирлар жамоада эпидемиологик ва санитария - гигиеник тартибни сақланишига ҳамда педикулез аниқланган шахсларни санация қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар таркибига киради.

Муассасада санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши кураш учун шароитни (покизаланиш, ҳаммом, кир ювиш, чўмилиш хоналари, иссиқ сув, чойшаблар алмаштирилиши ва бошқалар) таъминлаш вазифаси муассаса бошлиғи зиммасига юклатилади.

Тиббий бўлим бошлиғи махсус контингент орасида режали тиббий кўрик ўтказилишини ташкиллаштиришга жавоб беради.

Текширув давомида аниқланган педикулезнинг ҳар қандай босқичи ҳисобга олинади (тухум, личинка ва етук хашорат), ҳар қандай педикулез ҳолати ҳақида ИИБ, ИИББ, ИИБ СЭХларига хабар бериллади. Педикулез ўчоғини кузатиш ҳар 10 кунда 1 марта 1 ой мобайнида текширилади. Ҳар 10 кунлик оралиқ билан 3 марта текширилганда манфий натижа олинса педикулез ўчоғи тугатилган ҳисобланади. Санация назоратини тиббиёт бўлими тиббий ходимлари олиб боради. Танлаб ўтказиладиган назоратни СЭХ ходимлари олиб боради.

Тиббий бўлим педикулезга қарши зарарсизлантириш учун махсус тўпламга эга бўлиши керак. Керакли асбоблар ва воситалар рўйхати 2-иловада келтирилган. Махсус контингент 1 йилда 4 марта педикулезга текширилади ва шу билан биргаликда муассасага қабул қилинаётганда. Кузатувни тиббий ходимлар отряд бошликлари, тар-

биячилар ва тезкор ходимлар иштирокида олиб борадилар. Кузатув махсус контингент тиббий ёрдам сўраб мурожат қилганда, диспансеризация вақтида ва стационар даволаш вақтида ҳам ўтказилади. Даволаш бўлимига қабул қилинаётганда ҳамшира томонидан кўриқдан ўтказилади ва узоқ даволанаётган вақтда 10 кунда 1 марта ҳамшира томонидан педикулезга текширилади. Педикулез аниқланганда асосий касаллик бўйича касалхонага қабул қилишдан бош тортиш таъқиқланади.

Педикулезни аниқлаш ва кузатув ўтказиш учун тананинг барча қисмларини, кийимларини кўриш имконини берувчи кенг ёритилган хона, лупа бўлиши лозим. Педикулезга қарши тадбирлар ўрнатилган тартибда олиб борилади.

126. Безгак касаллигига чалинган бемор ва бу касалликни чақирувчи паразитларни ва ташувчиларини эрта аниқлаш мақсадида, тиббий бўлим бошлиғи иситмаловчи беморлардан безгакка текшириш учун қон олинишини ташкил қилиши шарт:

а) биринчи 5 кун давомида, ташҳиси аниқ бўлмаган ҳар қандай касалликда;

б) қон қуйишдан сўнг 3 ой ичида иситмалаш кузатилганда;

в) жигар, талок ўзгаришида, сабаби аниқ бўлмаган кам қонликда;

г) иситма билан давом этадиган ҳар қандай касалликда, агар анамнезида охириги 2 йил ичида безгак билан касалланган бўлса.

127. Туляремия-касаллигининг тарқатувчиси ҳар хил кемирувчилар ҳисобланади (сув каламуши, ондатра, қуёнлар, уй сичқонлари ва ҳақозалар). Зарарланиш кемирувчилар томонидан ифлосланган озиқ-овқатлар истеъмол қилганда келиб чиқади. Шунинг билан биргаликда ифлосланган чанг орқали ҳам юқиши мумкин. Туляремиyani олдини олиш учун табиий ўчоқларда махсус котингент эмланади. Кемирувчилар орасида эпизотия кузатилганда ва шуни натижасида касаллик пайдо бўлса дератизация тадбирлари фаол олиб борилади.

128. Бруцеллез - уй ҳайвонлари орасида учрайдиган юқумли касаллик (қорамол, эчки ва чўчқалар). Касаллик қўзғатувчиси уларнинг ахлати, сийдиги ва сути билан ажралади. Одамлар етарли ишлов берилмаган гўштни, сут ва сут маҳсулотларини истеъмол қилганда, қўзғатувчи оғизга ифлосланган қўл орқали тушади.

Жазони ижро этиш муассасаларида бруцеллезни олдини олиш учун уй ҳайвонларидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини махсус контингент истеъмолидан олдин тиббий текширувдан ўтказилади.

Агар ёрдамчи хўжалик мавжуд бўлса тиббий бўлим бошлиғи ветеринария хизмати билан ҳамкорликда профилактика тадбирларини ташкил қилиши шарт.

Касал ва бруцеллезга шубҳали ҳайвонлар бор бўлган фермада ишловчилар эмланади. Бруцеллез тарқалиш хавфи бўлганда бутун махсус контингентлар эмланади.

129. Куйдирги касаллиги табиий ҳолларда асосан уй ҳайвонларида (қорамол, от, эчки, чўчқа), айрим ҳолларда одамларда учрайди. Оммавий равишда ҳаво, кийимлар ва атроф муҳит предметлари куйдирги микроблари билан ифлосланса ёки озиқ-овқат маҳсулотлари зарарланса касаллик одамларни катта гуруҳларини қамраб олиши мумкин.

Касалликни олдини олиш тадбирлари тиббиёт бўлими бошлиғи томонидан ветеринария хизмати ва Соғлиқни сақлаш идораларининг жойлардаги маҳаллий ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил қилинади.

Муассасага куйдирги касаллиги кириб келиши хавфи бўлганда санитария-гигиеник ва ветеринария-санитария тадбирлари кучайтирилади (ҳайвонларни сўйиш, келтирилаётган гўшт маҳсулотларини ва уларга ишлов бериш устидан назорат). Ҳайвонлар парвариши билан боғлиқ шахслар эмланади. Куйдиргидан ўлган одам ёки ҳайвон жасадини ёриш тақиқланади.

130. Махсус контингент кана энцефалитини келтириб чиқарувчи ўчоқда бўлган пайтда, касалланишни олдини олиш учун каналар ҳужумидан индивидуал ҳимоя тадбирларини қўллаш лозим:

а) кийиладиган кийим каналарни киришига йўл қўймайдиган бўлиши лозим;

б) кийимга кўрқитувчи воситалар-репелентлар билан ишлов берилади;

в) маълум вақт оралиғида (2-4 соатда) каналар билан зарарланмаслик учун ўзи ёки атрофдагилар ёрдамида тери қопламлари кузатиб турилади;.

г) махсус контингент кўп бўладиган жойларга инсектицидлар билан ишлов берилади.

Эндемик ўчоқларда махсус контингентлар эмланади.

Япон энцефалити касаллигининг манбаи бўлиб қушлар, баъзи иссиққонли (чўчқалар, отлар кўршапалаклар) ва совуқ қонли (илонлар) ҳайвонлар ҳисобланадилар. Касаллик қўзғатувчиларни бемордан соғлом одамга ўтиши пашшалар орқали амалга ошади. Август – сен-

тябрь ойлари улар учун мавсумий ҳисобланади. Япон энцефалитини олдини олиш ва унга қарши курашиш папшшаларга қарши курашдан иборат.

131. Геморрагик лихорадка - буйрак синдроми билан кечувчи табиий ўчоқли касаллик ҳисобланади. Касалликни манбаи бўлиб кемирувчилар (сарик, қизил шарқий дала сичқонлари) ҳисобланади, касаллик кўзғатувчилар уларни ахлати ва сийдиги билан ажралади. Одамлар нафас йўллари орқали ва алиментар йўллар билан зарарланади. Шунингдек, зарарланган атроф муҳит буюмлари ёки кемирувчилар жасади билан дуч келганда ҳам зарарланиши мумкин.

Буйрак синдроми бўлган геморрагик иситма - якка кўринишида кўп учрайди. Кам ҳолларда кичикроқ кўтарилишлар холида (10 - 20 кишилик) учрайди. Касаланишга мавсумийлик хос бўлиб январдан майгача касалланиш ҳоллари кам учрайди. Бу кемирувчиларни сонини қиш ойида кескин камайиши билан боғлиқ. Май охирларидан касалланиш кўпайиб бориб, июнь-октябрь ойларида юқори даражага етади. Буйрак синдроми бўлган геморрагик иситма олдини олишда дератизация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, кемирувчиларни озик-овқат омборларига, ётоқхоналарга киришини ва маҳсулотларни ифлосланишига йўл қўймасликдан иборат.

132. Ку-иситма касаллиги ўчоқларида профилактик тадбирлар: сут ва сут маҳсулотларига термик ишлов беришдан, ҳайвонлар устидан ветеринария-санитария назоратини олиб боришдан ва қорамоллар сақланадиган биноларни вақти-вақти билан дезинфекция қилишдан иборат.

Вакцинация касб фаолияти туфайли касаллик юқиш хавфи юқори бўлган шахслар учун тавсия этилади.

133. Лептоспироз - кўпроқ спорадик кўринишда учрайдиган касаллик. Баъзи вақтларда эпидемик авж олишлар кузатилиши мумкин. Сарик ва сариксиз лептоспирозлар кўпроқ аҳамиятга эга. Шунинг тўқидлаб ўтиш лозимки, сарик кўп ҳолларда кузатилмаслиги мумкин.

Одам учун касаллик манбаи бўлиб пешобидан лептоспироз кўзғатувчиларини узоқ вақт ажратиб чиқарувчи ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳисобланади.

Одамлар зарарланган сувда чўмилганда, ундан истеъмол қилганда ёки зарарланган маҳсулотларни овқатга ишлатганда зарарланиш кузатилади. Чўмилаётганда сув ютиб юбориши ёки кўз, бурун, оғиз

шиллик қаватлари орқали лептоспиралар кириши натижасида зарарланиши мумкин.

Лептоспираларни олдини олиш-дератизацион, ветеринария-санитария тадбирлари, шунингдек сув олиш ва чўмилиш жойларини уй ҳайвонлари чиқиндилари билан ифлосланишидан ҳимоя қилишдан иборат. Бундан ташқари хўжалик учун ишлатиладиган сувлар зарарсизлантирилади. Агарда оммавий касалланиш хавфи бўлган вақтда махсус контингент тўлиқ эмланади.

134. Қоқшол (столбняк)-ярали юкумли касаллик ҳисобланади. Қоқшолнинг самарали олдини олиш тадбири - қоқшол анатоксини билан фаол эмлашдир. Шикастланиш ҳолларида қоқшол билан оғриб қолишни олдини олишда тезкор профилактик тадбирлар олиб борилади (хирургик тозалаш ва иммун ҳимоялаш).

135. Ботулизм кўплаб ўлим ҳолларини келтириб чиқарувчи, оғир кечадиган ўткир юкумли касаллик. Ботулизм табиатда кенг тарқалган бўлиб унинг споралари тупроқ, ҳайвонлар ахлати, сабзавот ва мевалар таркибида учрайди.

Ботулизмдан заҳарланиш – ботулизм қўзғатувчиларини кўпайиши ва токсин ҳосил қилиши учун қулай бўлган турли усуллар билан консервация қилинган балиқ ва қорамол гўшти ҳамда ўсимлик маҳсулотларини истеъмол қилганда келиб чиқади. Ботулизмга шубҳа қилинганда чуқур эпидемиологик текширув ўтказилади.

Ботулизм токсикоинфекциялари билан заҳарланган маҳсулотларни бемор билан бирга истеъмол қилган ҳамда ботулизмга шубҳа қилинган шахсларга ботулизмга қарши зардоб юборилади.

136. «В» турдаги вирусли гепатит касаллигини манбаи бўлиб сурункали HBsAg антигенини ташувчилар ҳамда шу касаллик билан сурункали оғриганлар ва ўткир босқичдаги касаллар ҳисобланади. Сурункали HBsAg антигенини ташувчилар эпидемиологик жиҳатдан хавfli ҳисобланади.

Вирус ўзининг юкумлилигини қонда ва қон препаратлари (плазма, эритроцитар масса, фибриноген ва протромбинда) йиллаб сақлайди. Вирусли гепатитнинг ўткир шаклларидаги барча касаллар, шунингдек сурункали шаклдаги касалликнинг қайталаниш босқичидагилар зудлик билан касалхонага жойлаштирилиши шарт.

Вирусли гепатит билан оғриган беморларни даволашга мўлжалланган стационарларда тегишли эпидемияга қарши тартиб таъминланиши зарур. Беморларни кийими, идишлар, тиббий жиҳозлар, бемор учун ишлатилган нарсалар зарарсизлантирилади.

тябрь ойлари улар учун мавсумий ҳисобланади. Япон энцефалитини олдини олиш ва унга қарши курашиш пашшаларга қарши курашдан иборат.

131. Геморрагик лихорадка - буйрак синдроми билан кечувчи табиий ўчоқли касаллик ҳисобланади. Касалликни манбаи бўлиб кемирувчилар (сарик, қизил шарқий дала сичқонлари) ҳисобланади, касаллик кўзгатувчилар уларни ахлати ва сийдиги билан ажралади. Одамлар нафас йўллари орқали ва алиментар йўллар билан зарарланади. Шунингдек, зарарланган атроф муҳит буюмлари ёки кемирувчилар жасади билан дуч келганда ҳам зарарланиши мумкин.

Буйрак синдроми бўлган геморрагик иситма - якка кўринишида кўп учрайди. Кам ҳолларда кичикроқ кўтарилишлар холида (10 - 20 кишилик) учрайди. Касаланишга мавсумийлик хос бўлиб январдан майгача касалланиш ҳоллари кам учрайди. Бу кемирувчиларни сонини қиш ойида кескин камайиши билан боғлиқ. Май охириларида касалланиш кўпайиб бориб, июнь-октябрь ойларида юқори даражага етади. Буйрак синдроми бўлган геморрагик иситма олдини олишда дератизация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, кемирувчиларни озиқ-овқат омборларига, ётоқхоналарга киришини ва маҳсулотларни ифлосланишига йўл қўймасликдан иборат.

132. Ку-иситма касаллиги ўчоқларида профилактик тадбирлар: сут ва сут маҳсулотларига термик ишлов беришдан, ҳайвонлар устидан ветеринария-санитария назоратини олиб боришдан ва қорамоллар сақланадиган биноларни вақти-вақти билан дезинфекция қилишдан иборат.

Вакцинация касб фаолияти туфайли касаллик юқиш хавфи юқори бўлган шахслар учун тавсия этилади.

133. Лептоспироз - кўпроқ спорадик кўринишда учрайдиган касаллик. Баъзи вақтларда эпидемик авж олишлар кузатилиши мумкин. Сарик ва сариксиз лептоспирозлар кўпроқ аҳамиятга эга. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, сарик кўп ҳолларда кузатилмаслиги мумкин.

Одам учун касаллик манбаи бўлиб пешобидан лептоспироз кўзгатувчиларини узоқ вақт ажратиб чиқарувчи ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳисобланади.

Одамлар зарарланган сувда чўмилганда, ундан истеъмол қилганда ёки зарарланган маҳсулотларни овқатга ишлатганда зарарланиш кузатилади. Чўмилаётганда сув ютиб юбориши ёки кўз, бурун, оғиз

шиллик қаватлари орқали лептоспиралар кириши натижасида зарарланиши мумкин.

Лептоспираларни олдини олиш-дератизацион, ветеринария-санитария тадбирлари, шунингдек сув олиш ва чўмилиш жойларини уй ҳайвонлари чиқиндилари билан ифлосланишидан ҳимоя қилишдан иборат. Бундан ташқари ҳўжалик учун ишлатиладиган сувлар зарарсизлантирилади. Агарда оммавий касалланиш хавфи бўлган вақтда махсус контингент тўлиқ эмланади.

134. Қоқшол (столбняк)-яралли юкумли касаллик ҳисобланади. Қоқшолнинг самарали олдини олиш тадбири - қоқшол анатоксини билан фаол эмлашдир. Шикастланиш ҳолларида қоқшол билан оғриб қолишни олдини олишда тезкор профилактик тадбирлар олиб борилади (хирургик тозалаш ва иммун ҳимоялаш).

135. Ботулизм кўплаб ўлим ҳолларини келтириб чиқарувчи, оғир кечадиган ўткир юкумли касаллик. Ботулизм табиатда кенг тарқалган бўлиб унинг споралари тупроқ, ҳайвонлар ахлати, сабзавот ва мевалар таркибида учрайди.

Ботулизмдан заҳарланиш – ботулизм кўзгатувчиларини кўпайиши ва токсин ҳосил қилиши учун қулай бўлган турли усуллар билан консервация қилинган балиқ ва қорамол гўшти ҳамда ўсимлик маҳсулотларини истеъмол қилганда келиб чиқади. Ботулизмга шубҳа қилинганда чуқур эпидемиологик текширув ўтказилади.

Ботулизм токсикоинфекциялари билан заҳарланган маҳсулотларни бемор билан бирга истеъмол қилган ҳамда ботулизмга шубҳа қилинган шахсларга ботулизмга қарши зардоб юборилади.

136. «В» турдаги вирусли гепатит касаллигини манбаи бўлиб сурункали HBsAg антигенини ташувчилар ҳамда шу касаллик билан сурункали оғриганлар ва ўткир босқичдаги касаллар ҳисобланади. Сурункали HBsAg антигенини ташувчилар эпидемиологик жиҳатдан хавфли ҳисобланади.

Вирус ўзининг юкумлилигини қонда ва қон препаратлари (плазма, эритроцитар масса, фибриноген ва протромбинда) йиллаб сақлайди. Вирусли гепатитнинг ўткир шаклларидаги барча касаллар, шунингдек сурункали шаклдаги касалликнинг қайталаниш босқичидагилар зудлик билан касалхонага жойлаштирилиши шарт.

Вирусли гепатит билан оғриган беморларни даволашга мўлжалланган стационарларда тегишли эпидемияга қарши тартиб таъминланиши зарур. Беморларни кийими, идишлар, тиббий жиҳозлар, бемор учун ишлатилган нарсалар зарарсизлантирилади.

Вирусли гепатит билан оғриган бемор умумий боғлов муолажа ва махсус кабинетларга (стоматологик, гинекологик, урологик, рентгенологик) бошқа беморлар билан бирга қўйилмайди, бундай касаллар учун алоҳида қабул вақти белигиланади. Ушбу кабинетларда тегишли тартиб ўрнатилади.

137. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)-одам иммунитетни тизимини (қўпроқ иммунитетни Т-тизими) зарарланишини симптомокомплекси бўлиб, клиникада юқумли касалликларни ва хавфли ўсма касалликларини тез ривожланишида намоён бўлади.

138. Касалликни юқишига вирус билан зарарланган одам сабаб бўлади. Бу касалликнинг турли клиник кечишидаги ёки яширин давридаги вирус ташувчи бўлиши мумкин. Вируснинг асосий ўрнашган жойи лимфоцит ҳисобланади. Вирус кўп миқдорда касалнинг қон ва сп ермаси таркибида учрайди. ОИТСнинг юқиш йўллари: жинсий, парентерал, транспланцентар. Касаллик юққандан 1 ой ўтиб, вирусга антитела ҳосил бўлади.

139. Инфекция манбаини ёки бемор билан мулоқатда бўлганларни ҳамда уларни зарарланган бўлиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида, ҳар бир аниқланган ОИТС билан оғриганлар ва одам иммунитетни танқислиги вируси (ОИТВ) билан зарарланган шахслар бўйича, тиббий бўлим бошлиғи ва санитария - эпидемиология хизматини мутахасиси томонидан эпидемиологик текшириш ўтказилади. Асосий эътиборни улар билан жинсий алоқада бўлганларга, наркоманларга, касаллик манбаини донорликка алоқадорлигига ва уларга ўтказилган жарроҳлик муолажаларига қаратилади. Бунинг учун асосий эпидемиологик баҳолаш мезони бўлиб, аниқ бир шахс қонининг серологик ва махсус клиник кузатуви натижалари ҳисобланади.

140. ОИТСга текшириш мақсадида олинган наъмуналарни лабараторияга олиб бориш учун муассаса раҳбарияти автоулов билан таъминлайди.

141. ОИТВга антитела борлиги бўйича мусбат натижа олингандан сўнг (ИФА га) серопозитив шахс тиббий бўлимда диспансер чазоратига олинади.

142. ИФА (иммунофермент таҳлили)га мусбат реакция бўлганда иммунблотин усули билан ОИТВ алоҳида оқсилларга антилелаларни аниқлаш учун текширувлар ўтказилади ва иммун статус чуқур текширилади.

143. Клиник ўзгаришлар намоён бўлган ва иммуноблотин натижалари мусбат бўлган шахслар текширишни давом эттириш учун жазони ижро этиш муассасалари қошидаги касалхоналарга ётказилади. Иммуноблотин натижалари мусбат бўлган, лекин клиник ўзгаришлар намоён бўлмаган шахслар диспансер назоратига олинади, уларга кенгайтирилган иммунологик текширувлар ўтказилади. Иммунологик текширувларда мусбат натижа олинса, бундай шахслар кенгайтирилган клиник текширувлар ўтказилиши ва ташхисни аниқлаш учун касалхонага жойлаштирилади.

144. Лаборатория-клиник таҳлилларни ўтказиш ишлари III патоген гуруҳга мансуб юқумли касаллик кўзгатувчиларига белгиланган эпидемияга қарши тартибларга риоя қилинган ҳолда ўтказилади.

145. ОИТС билан оғриган беморлар ёки унга шубҳа қилинганлар ётказилишига мўлжалланган бўлимлар ходимлари ҳамда ОИТС билан оғриган беморлардан олинган намуналарни текширувчи лаборатория ходимлари, ОИТС вирусига антитела бор ёки йўқлигини аниқлаш учун йилига бир марта текширилиб турадилар.

КАСАЛЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ЭМЛАШЛАР

146. Муассаса тиббий бўлим бошлиғи вирус ва бактериал препаратларнинг ташилиши ва сақланиши талабга жавоб берадиган даражада бўлишига жавоб беради. Қуйидаги ҳолатларда улардан фойданишга рухсат берилмайди:

а) эмлаш воситасининг физик хусусияти яққол ўзгарган бўлса (хатто ишлатиш муддати ўтмаган бўлса ҳам).

б) сақлаш муддати ўтганда (физик хусусияти ўзгармаган бўлса ҳам).

в) сақлаш шароити бузилганда.

Муассаса тиббий бўлимида бактерия ва вирус препаратларини сақлаш муддати ҳамда сақлаш қоидалари бузилган маҳалда ушбу воситалар ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

147. Муассасада бактерия ва вирус препаратларига бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалий қўлланмаси асосида муассаса жойлашган ҳудуддаги эпидемиологик шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Специфик иммунизация қилиш учун зарур бўладиган препаратларнинг ҳисоб-китоби махсус контингент ва режалаштиралаётган йилда

эмланиши лозим бўлганлар сони эътиборга олинган ҳолда ҳисобланади. Препаратларни ҳисоблашда уларни 10 қуйиш пайтида тўкилиши мумкинлиги инобатга олинади. Турли препаратлар бўйича талаб қилинаётган миқдорни аниқлаш учун буюртма-талабномани тузиш вақтида қуйидагиларга эътибор қилинади:

а) ўтган даврда сарфланган препаратлар сони;

б) ўтган йилдан қолган препаратлар сони;

в) ўтаётган йил охирига келиб қанча препаратлар қолиши мумкинлиги;

г) препаратларни ўзгармас захирасини ўз вақтида янгилаб туриш зарурати.

Буюртма-талабнома бириктирилган дорихоналарга белгиланган муддатларда берилиши лозим.

148. Юқумли касалликлар пайдо бўлганда ёки уларнинг келиб чиқиш хавфи туғилганда профилактик эмлашлар мунтазам ва эпидемик кўрсатма (эпизодик) асосида ўтказилиши мумкин. Дифтерия, қорин тифи, вабо, ўлат, туляремия, бруцеллез, куйдирги, лептоспироз, кана энцефалити, Ку-лихорадка ва бошқа юқумли касалликларга қарши мунтазам профилактик эмлаш, муассаса шу касалликлар бўйича эпидемиологик нохуш ҳудудда жойлашган бўлса ўтказилиши мумкин. Эпизодик профилактик эмлаш эпидемиологик кўрсатма бўйича, инфекциянинг муассасага олиб кирилиши хавфи туғилганда ёки касаллик пайдо бўлганда ўтказилади. Бундан ташқари эмлаш ишлари юқумли касаллик қайд этилганда қуйидаги ҳолларда ўтказилади: муассасада агар илгари режа бўйича ёки юқумли касаллик тарқалиш хавфи бўлганда вакцинация ўтказилмаган бўлса.

149. Муассасаларда режали профилактик эмлаш рўйхати ИИВ, ИИББ, ИИБ Тиббиёт бошқармаси, бўлими(хизмати) томонидан белгиланади ва режали эмлаш муддати Тиббиёт бошқармаси, бўлими (хизмати) бошлиғининг тақдимномаси асосан ИИВ, ЖИЭББ, ЖИЭБ раҳбарининг буйруғи билан эълон қилинади.

150. Муассасада режали ва эпидемик кўрсатма бўйича профилактик эмлашларни ўтказиш тартиби ва муддати муассаса тиббий бўлим бошлиғининг тақдимига, айрим ҳолларда маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари қарорига асосан муассаса бошлиғининг буйруғи билан эълон қилинади.

151. Муассасаларда эмлаш ишларини ўтказилишига ИИВ, ИИББ, ИИБ Тиббиёт бошқармаси, бўлими(хизмати) бошлиқлари умумий раҳбарлик қилади. Эмлашни бевосита ташкиллаштириш ва

уни бажарилишини таъминлаш муассаса тиббий бўлим бошлиғи зиммасига юклатилади.

152. Эмлашни ўтказишдан олдин қуйидагиларни бажариш лозим:

а) тиббий ходимлар билан ушбу препаратни ишлатиш тартибини ўрганиб чиқиш ва уни ишлатиш бўйича тавсияларга аниқ риоя қилиш;

б) саломатлиги туфайли вақтинчалик ёки умуман эмлаш мумкин бўлмаган шахсларни аниқлаш учун, эмланиши лозим бўлган махсус контингент тана ҳароратини ўлчаш билан бирга тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилади, аниқланган бундай шахсларни эмлаш учун бошқа муддатлар белгиланади (эмлаш учун қўлланилаётган препаратга илова қилинган, уни ишлатиш бўйича йўриқномада эмлашга вақтинчалик ёки умуман монелик-қаршилик қилувчи касалликлар кўрсатилади).

в) эмланиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати ва отрядлар бўйича эмлаш жадвали тузилади (эмлаш ўтказилган кунда эмланган шахслар оғир жисмоний меҳнатдан озод қилиниши тавсия қилинади);

г) эмлашни ўтказиш учун алоҳида хона ажратилади, хона олдиндан йиғиштирилади, дезинфекцияланади, столлар дезинфекцияланиб зарарсизлантирилган салфетка ёки жамошир билан ёпиб қўйилади:

д) старли миқдорда бир маротаба ишлатиладиган шприц ва игналар, спирт, пинцет тайёрлаб қўйилади. Пинцет ва бошқа тиббий жиҳозлар эмлашдан олдин стерилланади. Ишлатилган шприц ҳамда игналардан қайтадан фойдаланиш тақиқланади;

е) махсус контингент орасида эмлашни аҳамияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилади;

ж) эмлаш учун ишлатиладиган препаратларни яроқлилиги текширилади; ҳар бир ампула (флакон) диққат билан кўриб чиқилади, бунда ампуланинг ишлатиш муддатига, этикеткадаги барча белгиларнинг борлигига, ампуланинг бутунлигига ва препаратнинг физик хусусиятларига эътибор берилади.

153. Эмлашни фақат шифокор, айрим ҳоллардагина тажрибали фельдшер амалга оширади.

154. Эмлашда иштирок этувчи тиббий ходимни тирноқлари калта қилиб олиниб, қўли совунлаб ювилади, спирт билан артилиб, бармоқ учларига йод суртилади. Қўлни ювиш ва зарарсизлантириш ҳар 10-15 маротаба вакцина юборилгандан кейин қайтарилади.

ДЕЗИНФЕКЦИЯ, ДЕЗИНСЕКЦИЯ ВА ДЕРАТИЗАЦИЯ

161. Дезинфекция – атроф-муҳитдаги зарарли микроорганизмларни йўқотиш усулидир. Дезинфекция ўз ичига хусусан дезинфекцияни, дезинсекция ва дератизацияни олади. Санитария ва эпидемиологик аҳамиятига кўра дезинфекция профилактика мақсадида ёки касаллик ўчоғи ўтказиладиган турга бўлинади, ўз вақтида касаллик ўчоғида ўтказиладиган дезинфекция жорий ва якуний дезинфекцияга бўлинади.

162. Профилактик дезинфекция мунтазам равишда юкумли касалликларни олдини олиш мақсадида, патогенли микроорганизмларни, бўғим оёқлиларни ва кемирувчиларни йўқотиш учун улар йиғиладиган жойларда: ошхона, ётоқхона, клублар, сартарошхона, кир ювиш хонаси, ҳаммом, ювиниш хоналари, хожатхоналар ичида ва бошқа жойларда ўтказилади.

163. Жорий дезинфекция жазони ижро этиш муассасаси касалхоналарида, тиббий бўлим стационарида, сил касалларни амбулатор даволаш учун учун мўлжалланган ЖИЭМларда, ЖИЭМларини диспансер назоратида олинган сил билан оғриган маҳкумлар сақланадиган ҳудудларида, шунингдек касаллар вақтинча ёки доимий сақланадиган барча хоналарда олиб борилади. Бу юкумли касалликлар кўзгатувчиларини касаллик ўчоғидан ташқарига тарқалишини олдини олишда зарур.

164. Якуний дезинфекция бир маротаба, юкумли касаллар бўлган хонада (касалхонага жойлаштиргандан кейин, бошқа жойга кўчирилганда, озод қилинганда ёки ўлгандан кейин) касаллик ўчоғини тўлиқ касаллик кўзгатувчисидан тозалаш мақсадида ўтказилади. Зарарсизлантиришга муассаса хоналари, мебеллар, жамоширлар, касалнинг шахсий кийимлари ва бошқалар қабул қилинади. Якуний дезинфекция касални юкумли касаллар шифохонасига жойлаштиргандан кейинги бир соат давомида ўтказилиши шарт.

165. Тергов хибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида дезенфекция тадбирлари дезинфектор томонидан тиббиёт бўлими шифокори ёки фельдшери раҳбарлиги ва назорати остида ўтказилади.

166. Дезинфекцияловчи воситаларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблашда, дезинфекцияни тури, ҳажми, қайси даврда ўтказилиши ва эпидемияга қарши ёки профилактик мақсадда ўтказилиши инобатга олинади.

Дезинфекцион воситаларга талабнома тузишда талабдаги меъёр асосида амалдаги сарфни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек кутилаётган эпидемиологик вазиятни ҳамда янги дезинфекцион воситалар билан таъминлаш имконияти инobatта олинади.

Муассасанинг дезинфекцион воситаларга бўлган эҳтиёжини тиббий бўлим бошлиғи, дезинфекцион воситаларни сарф қилиниши бўйича меъёрлар асосида белгилайди.

167. Турли хил юқумли касалликларда дезинфекция тадбирлари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг методик қўлланмалари асосида олиб борилади. Сил ва юқумли ичак касалликларида алоҳида объектларни дезинфекция қилиш ушбу касалликларни хусусиятига кўра олиб борилади.

III-БЎЛИМ. ТЕРГОВ ҚИЛИНАЁТГАНЛАРНИ ВА МАҲКУМЛАРНИ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ТАЪМИНОТИ

VI-БОБ. Тиббий бўлим ишини ташкиллаштириш, унинг жиҳозланиши ва асбоб ускуналар билан таъминланиши

VII-БОБ. Тиббий бўлимда даволаш ва профилактика ишларини таъминлаш. Махсус контингентни соғлиғини тиббий назорат қилиш

VIII-БОБ. Касалхона шароитида стационар ёрдамни ташкил қилиш

IX-БОБ. Айрим касалликларда даволаш-профилактика тадбирлари

X-БОБ. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган беморларни диспансеризация кўригидан ўтказиш

XI-БОБ. Аёллар ва вояга етмаганларни тиббий таъминоти

XII-БОБ. Вақтинчалик ва узоқ муддатга меҳнат қобилияти йўқотилганлиги экспертизаси

XIII-БОБ. Ортопедик-протез маҳсулотлар таъминоти

XIV-БОБ. Махсус контингентни бошқа жойга кўчиришда ва озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилишда тиббий ёрдамни ташкил қилиш

XV-БОБ. Тиббий таъминот

XVI-БОБ. Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш

XVII-БОБ. Тиббий ҳисобни юргизиш ва тиббий ҳисоботни тузиш. Бириктирилган контингентни соғлиғини ва тиббиёт хизмати фаолиятини статистик таҳлили

XVIII-БОБ. Тиббий бўлим ишини режалаштириш

VI-БОБ. ТИББИЙ БЎЛИМ ИШИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ, УНИНГ ЖИҲОЗЛАНИШИ ВА АСБОБ УСКУНАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИ

Тиббий бўлимнинг жиҳозланиши

168. Тиббий бўлим, муассасанинг таркибий бўлими бўлиб, махсус контингентга тиббий ёрдамни ташкиллаштирилади ва амалга оширади ҳамда муассасада санитария-гигиена қоида ва талаблари бажарилишини, эпидемияга қарши тадбирлар ва махсус контингентга гигиеник тарбия ўтказилишини тиббий назорат қилади.

169. Тиббий бўлим иши Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш ҳақидаги қонунлари, ИИВ ва ССВ меъёрий ҳужжатлари, буйруқлари, кўрсатмалари; ИИВ Тиббиёт бошқармаси, ЖИЭББ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ тиббиёт бўлимлари ва хизматлари кўрсатмалари ва ушбу қўлланма асосида олиб борилади.

170. Тиббий бўлимда ҳар бир тиббиёт ходимининг хизмат вазифалари ишлаб чиқилган бўлиши шарт ҳамда иш режаси, тиббиёт ходимларини иш жадваллари, тиббий бўлим иш тартиби, стационарда ёки тиббий изоляторда ётган касалларни ички тартиб қоидалари тузилган бўлиши керак. Тиббий бўлим бошлиғи хизмат вазифалари иловадаги (3-илова) намунавий хизмат вазифалари асосида тузилади. Тиббий бўлим иши, йилнинг ҳар чорагига тузилган иш режаси асосида муассасанинг бошқа хизматлари билан ҳамкорликда олиб борилади.

171. Касалларни касалхонага даволаш учун юбориш ва ихтисослашган жазони ижро этиш муассасаларига амбулатория шароитида даволаниш учун ўтказиш, ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган малакали тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳолларда, касалларни маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарига ётқизишга рухсат этилади.

ТИББИЙ БЎЛИМНИНГ ЖИҲОЗЛАНИШИ

172. Тиббий бўлим таркибида унинг штатлари, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажмига қараб амбулатория, стационар (тиббий изолятор) ва дорихона ташкил этилади.

Амбулатория таркибида куйидагилар бўлади: кутиш жойи, шифокорлар (терапевт, фтизиатр, дерматовенеролог, психиатр ва бошқалар) қабул хоналари, фельдшер (тиббий ҳамшира), тишни даволаш, наркология, физиотерапевтик, рентген, флюорография, функционал-ташҳис, муолажалар, боғлов хоналари ва лаборатория. Булардан ташқари аёллар жазони ижро этиш муассасалари тиббий бўлимда гинекология креслоси бўлган кўрув хонаси, стационарда эса аёллар гигиена хонаси бўлиши керак.

Қамоқхона ва тергов ҳибсхонаси тартибот биноларида, махсус контингентни амбулатор қабули учун хоналар жиҳозланади.

Жазони ижро этиш муассасалари тиббий бўлим стационарлари таркибида куйидагилар жиҳозланади: ювиниш хонаси (ечиниш хонаси, ванна), палаталар, шу жумладан ювиниш жойи ва ҳожатхонаси бўлган 1-2 ўрин-жойга мўлжалланган изолятор, овқатланиш хонаси.

Тергов ҳибсхонаси тиббий бўлим стационари таркибида: ювиниш хонаси, 1-2 ўрин-жойга мўлжалланган камера-изолятор жиҳозланади. Стационар тергов ҳибсхонаси тиббий бўлим амбулаторияси билан бир бино ва бир қаватда жойлашиши лозим.

Жазони ижро этиш муассасаси ва тергов ҳибсхонаси тиббий бўлимлари стационарлари палаталарида ҳар бир ўрин-жой учун белгиланган меъёр 4 квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак.

173. Тиббий бўлимнинг барча бўлинмалари кенг, ёруғ, иссиқ ва озода жойлашиши лозим, хоналар деворлари ва мебеллари ёрқин бўёқларда бўялиши лозим. Имкон борича совуқ ва иссиқ сув таъминоти, хоналарни иситиш марказлашган ҳолда бўлиши лозим.

Тиббий бўлим барча хоналарида авария чироқлари ва ташвиш сигналлари бўлиши лозим. Тиббий бўлим зарур тиббий анжомлар, ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланади.

VII-БОБ. ТИББИЙ БЎЛИМДА ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ. МАХСУС КОНТИНГЕНТНИ СОҒЛИҒИНИ ТИББИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Амбулатор қабул қилишни ташкиллаштириш
Шошилинич тиббий ёрдамни ташкиллаштириш
Тиббий бўлимда тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми
Стационар тиббий ёрдамни ташкиллаштириш

Ўткир юқумли касалликка чалинганлар ёки шундай касалликларга гумон қилинган шахслар кўриқдан сўнг дарҳол соғлом кишилардан ажратилади. Бу шахсларни биринчи санитария ишлови охириги навбатда бажарилади, уларни кийимлари ва шахсий буюмлари албатта дезинфекция қилинади, сўнгра бу шахслар махсус ажратилган камера изоляторларга жўнатилади ва у ерда улар зарур бўлган тиббий текширувдан ўтадилар ва даволанадилар.

176. Тергов ҳибсхонасига келтирилганларнинг ҳаммаси (транзитдагилардан ташқари) келганидан сўнг уч кун ичида шифокор кўригидан (фелдшерлик соғломлаштириш пунктларида-фельдшер кўригидан) ҳамда рентген-флюорография текширувидан ўтадилар. Ҳар бир терговдаги кишига белгиланган шаклдаги тиббий амбулатория дафтари тўлғазилади.

Тиббий бўлим штат бирлигида мутахассис-врачлар бўлган тақдирда, улар ҳам барча келтирилганларни кўриқдан ўтказишга жалб этиладилар. Биринчи тиббий текширувни қандай ҳажмда ўтказиш шу қўлланманинг тегишли бўлимларида кўрсатилган. Кейинчалик тиббий кўриқлар фақат зарурият бўлганда ўтказилади.

177. Тергов ҳибсхонасидан кетаётган (транзит билан кетаётганлар ҳам) барча шахслар сўнги (шифокор ёки фелдшер) тиббий кўригидан ўтказиладилар. Касаллиги ўткир кечаётган, юқумли касаллик ва таносил касаллиги билан касалланганлар, қичима, педикулёз билан оғриганлар ва белгиланган даволаш курсларини олмаган касаллар ҳамда транспортда олиб бориш ҳаёти учун хавfli бўлган касалларни кўчиришга рухсат этилмайди.

Тиббий кўрик тугаганидан сўнг ҳар бир жўнатилаётган шахсни тиббий амбулатория дафтарига унинг саломатлиги аҳволи ҳақида хулоса ёзилади.

Тиббий кўрикни ўтказган тиббий ходим хулоса остига ва судланган шахсининг шахсий иш дафтаридаги очиқ маълумотномага имзо қўяди.

178. Жазони ижро этиш муассасасига келган барча маҳкумлар, юқумли ва паразитар кассалликлар билан касалланганлигини аниқлаш мақсадида тиббий кўриқдан ўтадилар.

179. Маҳкумлар жазо ижро этиш муассасасига келганидан сўнг, икки ҳафта ичида уларда бор касалликларини аниқлаш, жисмоний ҳолатига баҳо бериш, меҳнат қобилиятини олдиндан тахминий аниқлаш мақсадида шифокор кўригидан ўтадилар. Кўрик давомида шифокор маҳкумни бошидан кечирган касалликлар, жароҳатлар, операция-

лар ҳақидаги маълумотларни йиғади, уларни тиббий амбулатория дафтарида қайд этади ва зарурат бўлса қўшимча текширишлар ўтказилади. Агар жорий йилда рентген-флюорографик текшируви ўтказилмаган бўлса, у қисқа вақт ичида ўтказилиши керак. Кейинчалик маҳкумлар саломатлигини тиббий текшириш профилактик тиббий кўрик ўтказилганда ҳамда улар тиббий ёрдамга мурожаат қилган пайтда амалга оширилади.

180. Профилактик тиббий кўрик йилда бир марта ўтказилади. Махсус тартибдаги (камераларда сақланадиган) жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумлар ва тарбия колонияларида сақланаётган вояга етмаганлар йилда икки марта профилактик тиббий кўриқдан ўтадилар. Бу кўриқларни ўтказиш жадвалини ЖИЭМни бошлиғи тасдиқлайди. Тиббий бўлим бошлиғи жадвалга асосан тиббий бўлим шифокорлари кучи билан ва ЖИЭББ, ЖИЭБ касалхонасидан керакли мутахассис врачларни жалб этган ҳолда махсус контингентни кўриқдан ўтишини ташкил этади. Кўриқда терапевт, психиатр, стоматолог иштирок этадилар. Зарурат туғилганда ИИБ, ИИБ поликлиникалари ёки маҳаллий соғлиқни сақлаш идораларидан шифокорлар жалб этилади.

Маҳкумларни тиббий кўриқка келишини туркум бошлиқлари таъминлайди. Кўриқ давомида қилинадиган ишлар:

- а) антропометрик текширув ўтказиш (бўйи, оғирлиги);
- б) аёлларни гинекологик кўриқдан ўтказиш ва цитологик текшириш учун суртма олиш, қизларни эса йўғон ичак орқали бармоқ билан текшириш (бунга тиббий кўрсатма бўлса);
- в) эшитув ва кўриш ҳолатини текшириш;
- г) қон таҳлилини ўтказиш (эритроцитларни чўкиш тезлигини текшириш, гемоглобин, лейкоцитлар, лозим топилганда қон таркибидаги қанд моддасани аниқлаш);
- д) умумий сийдик таҳлилини ўтказиш;
- е) ЭКГ текширувидан ўтказиш (15 ёшдан бошлаб - 3 йилда бир марта, 30 ёшдан бошлаб- ҳар йили);
- ж) кўкрак қафасини флюорография (рентгенография) текшируви 1 йилда- икки марта;
- з) аёлларда кўкрак безларини пайпаслаб текшириш;
- и) тўғри ичакни бармоқ билан текшириш;
- к) пневмотахометрия текширувини ўтказиш;
- л) врач-терапевт, психиатр, стоматолог кўригидан ўтказиш;
- м) лозим топилганда қолган шифокорлар кўригидан ўтказиш.

Профилактик кўрик натижаси тиббий амбулатория дафтарига ёзиб қўйилади.

181. Маҳкумлар интизом бўлимларига, камера типигаги хоналарга, карцерга ёки бир кишили камераларга жойлаштириш дан олдин тиббий кўриқдан ўтказилиб, шифокор (фельдшер)нинг кўрсатиб ўтилган жойларда маҳкумларни сақланиши мумкинлиги ҳақида ёзма хулосаси олинади. Бундай тиббий кўриқни ўтказиш имкони бўлмаганда ва маҳкумларда хавфли касалликлар белгиси бўлмаган ҳолда (заҳарланиш, жароҳат), уларни қайд этилган интизомий бўлимларга жойлаштирилиб, кейинчалик улар албатта тиббий кўриқдан ўтказиладилар.

182. Маҳкумлар жазони ижро этиш муассасаларидан олиб кетилаётганда (кўчириб ўтказиш, озод бўлиши ва ҳоказо) охириги тиббий кўриқдан ўтказилади.

АМБУЛАТОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

183. Махсус контингентга амбулатор тиббий ёрдам кўрсатиш тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари тиббий бўлимлари томонидан олиб борилади.

184. Махсус контингентнинг тиббий бўлимда амбулатор қабул қилиниши муассасаларда қабул қилинган тартиб асосида ўтказилади. Жазони ижро этиш муассасаларида ҳар бир туркум учун амбулатор қабул қилиш вақти белгиланади. Тергов ҳибсхонасида ва турмада амбулатор қабул қилиш врач (фельдшер) томонидан тартибот биносининг махсус жиҳозланган хоналарида олиб борилади. Беморлар амбулатор қабулга фельдшер томонидан (алоҳида ҳолларда туркум катта навбатчиси томонидан) олдиндан ёзиб қўйилган бўлиши керак. Тез тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно.

185. Ҳар бир жазони ижро этиш муассасаларида амбулатор қабул қилиш учун дастлабки журналга ёзилиш лозим, бу ишни туркум бошлиғи олиб боради, тергов ҳибсхоналарида эса фельдшер олиб боради. Журнал амбулатор қабулдан олдин тиббий бўлимга берилади. Қабул тугагандан сўнг журнал жавобгар шахсларга қайтарилади. Журналга ёзилмаганлар тиббий кўрсатмага асосан шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлса қабул қилинади.

186. Тергов ҳибсхоналарида, турмаларда фельдшер корпус бошлиқлари билан тергов қилинаётганларни сайр жойларига ёки чўмилиш учун чиқарилгандан сўнг камераларни санитария аҳволини тек-

шириб чиқади. Махсус контингентга шошилинч тиббий ёрдам лозим топилганда корпус амбулаториясига олиб борилади. Зарур бўлганда фельдшер керакли ёрдам беради ёки врач қабулига ёзиб кўяди.

Шошилинч ёрдам керак бўлган беморлар ҳақида тиббий бўлимга навбатчи назоратчи хабар қилади.

187. Интизом бўлимларида, камера типигаги хоналарда, тергов ҳибсхонаси ва турма қарцерларида тиббий ёрдам кўрсатиш жойларда тиббиёт ходимлари томонидан ҳар кунги хоналарнинг санитария аҳволини текшириш пайтида олиб борилади.

Агарда қайд этилган жойларда сақланаётганларни ҳаётига хатар соладиган касаллиги бўлса, тиббиёт ходими уларни шошилинч равишда тиббий бўлимга ўтказиш чорасини кўради.

188. Шифокорлар, фельдшерлар, тиббиёт ҳамшираларнинг ёлғиз ўзи тергов ҳибсхонаси, турма, махсус режимдаги жазони ижро этиш муассасаси камераларига, интизом бўлимларига, камера типигаги хоналарга навбатчи назоратчиларсиз кириши тақиқланади.

189. Тергов ҳибсхоналарида, махсус режимдаги ЖИЭМларда ва турмаларда врач (фельдшер) қабулига ёки муолажа олишга беморлар камералар бўйича алоҳида-алоҳида ёки 3-5 кишидан иборат гуруҳ бўлиб, ҳибсхона қондасига риоя қилган ҳолда ва қоровуллар назоратида олиб борилади. ЖИЭМларда маҳкумлар амбулатор қабулга отряд бошлиқлари кузатувида борадилар.

190. Тиббий бўлимда врачлар амбулатор қабул қилишни белгиланган вақтда замонавий текшириш усуллари ва даволаш билан олиб борилади. Муассасаларда штат бўйича врач ажратилмаган бўлса амбулатор қабул қилишни фельдшер олиб боради. Фельдшер врач маслаҳатига муҳтож бўлган беморларни ажратади. Амбулатор қабул вақтида, лозим бўлса врач (фельдшер) хонасида навбатчи назоратчи бўлиши шарт.

191. Фельдшер (ҳамшира) амбулатор қабул қилишдан олдин қабул қилинадиганлар журналида дастлабки ёзилганларни тиббий амбулатор дафтарларини олиб, беморлардан қисқача шикоятларини эшитади, ҳароратларини ўлчаб, уларни врачга навбат билан юборади.

192. Врач беморни текширувдан ўтказилгандан сўнг унинг тиббий амбулатор варақасига қисқа ва тушунарли қилиб мурожаат қилган кунини, шикоятини, ташҳисини, муолажасини ёзиб, касаллик туфайли вақтинчалик ишдан озод қилиш тўғрисидаги хулосани ёзиб қўл кўяди.

193. Амбулатор қабулда врач ёки фельдшер дастлабки ёзув журнаliga аниқ қилиб ташҳис, ишдан озод қилиш хулосаси, врач қабулига қайта келиш кунини ёзиб қўяди.

Ҳар бир ишдан озод қилиниш ҳолати бўйича вақтинчалик ишга лаёқатсизлиги тўғрисида талон тўлдирилади.

194. Ишдан ва наряддан вақтинчалик ёки тўлиқ озод қилиниши тўғрисидаги хулоса врач томонидан берилади, врач бўлмаган пайтда фельдшер томонидан бир йўла 3 кунгача берилади. Беморни аҳволига қараб ишдан озод қилиш куни чўзилади.

195. Амбулатор даволаниш туфайли ишдан озод қилинганлар рўйхати тиббий бўлим томонидан муассаса бошлиғининг навбатчи ёрдамчисига тақдим қилинади.

196. Ишдан озод қилинганлиги ҳақидаги маълумотнома, рецептлар маҳкумлар қўлига берилмайди.

197. Амбулатор дафтарга қасрда (интизом бўлимларида, камера типигадаги хоналарда, қарцер, камера ва бошқалар) ва ким томонидан (врач, фельдшер, ҳамшира) қилинишидан қатъи назар ҳамма муолажалар ёзиб қўйилади.

198. Тиббий амбулатор дафтар қатъий турдаги ҳисобот ҳужжати бўлиб, махсус контингентни қўлига берилмайди. Улар алфавит бўйича ёки туркумлар бўйича тиббий бўлимнинг қулфланадиган хонасида шкафларда сақланади. Уларнинг ҳисоби ва сақланишига тиббий бўлим бошлиғи томонидан тайинланган ходим жавоб беради. Тиббий амбулатор дафтар билан биргаликда амбулатор беморларни қайд этиш журнали сақланади.

199. Дори-дармонлар махсус контингент қўлига берилмайди, дори-дармонларни қабул қилиш тиббиёт ходимлари назоратида олиб борилади (юррак ишемия касаллиги билан касалланган беморларга нитроглицерин таблеткасидан ташқари). Амбулатор даволанишга ёзилган беморлар дори-дармон қабул қилишга ва бошқа даволаш муолажаларини қабул қилиш учун белгиланган вақтда тиббий бўлимга келадилар. Шифокор томонидан тайинланган муолажаларни фельдшер (ҳамшира) бажаради ва муолажалар ҳисоб-китоб журнаliga ёзиб қўяди.

200. Беморни рентгенологик текширув, лаборатория ва бошқа текширувларга, мутахассис қабулига, шунингдек тиббий бўлимда қилиб бўлмайдиган муолажаларга юборишда амбулатор тиббий дафтар беморни кузатиб борадиган шахс қўлига берилади.

Тиббий дафтарда беморга тиббий бўлимда ўтказилган текширувлар, бирламчи ташҳис ва беморни текширишга жўнатиш сабаби кўрсатилиши лозим. Беморга тиббий бўлимда ташҳис қўйиш қийин бўлганда ёки тушинарсиз ҳолларда, тиббий бўлимда ёки бошқа даволаш муассасаларида тегишли мутахассислар маслаҳати ташкил қилинади. Шунингдек беморга аниқ ташҳис қўйиш учун ЖИЭББ касалхонаси, ИИБ, ИИББ, ИИБ, даволаш-профилактика муассасалари ва соғлиқни сақлаш идоралари даволаш муассасалари мутахассислари жалб қилинади. Соғлиқни сақлаш идоралари мутахассислари жалб қилинган ҳолда уларга ўрнатилган тартибда ҳақ тўланади.

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

201. Тиббий бўлимнинг асосий вазифаларидан бири, бу ўткир кечувчи касалликларда, заҳарланиш ва жароҳатланишда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва уни ташкил қилиш. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тиббий бўлимнинг бошлиғи томонидан, муассаса ва тиббий бўлим иш тартиби; тиббий бўлимда бор бўлган штатлар, куч ва воситаларни; муассаса жойлашган ҳудудда қандай даволаш муассасалари борлигини; ҳудуддаги бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади ва муассаса бошлиғи томонидан тасдиқланади ҳамда барча маъсул шахсларга таништирилади.

Муассаса иш тартиби бўйича муассаса тиббий ходимлари муассасада бўлмайдиган вақтларда, тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббий ходимларни ва тиббий тез ёрдам машинасини чақириш ҳамда беморни зудлик билан эвакуация қилиш учун транспорт ва конвой билан таъминлашга муассаса бошлиғининг навбатчи ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

202. Муассаса тиббий бўлим амбулатория шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга куннинг хоҳлаган вақтида тайёр бўлиши лозим. Шу мақсадда муолажа ва боғлов (операция) хоналарида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун синдромлар бўйича тўплам ва қуйидагилар тайёр бўлиши шарт: стерил жарроҳлик инструментлари, шприцлар, инъекция игналари, қўшимча кислород баллончалари, стерил боғлов материаллари, турли касалликларни асосий симптомлари ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тадбирлари, керакли воситалар рўйхати ва беморни назорат қилиш тактикаси ҳайд этилган жадвал. Ҳар бир касаллик ҳолати тартиб рақами билан белгиланиши

керак, тегишлича керакли дори-дармонлар жамламаси сақланадиган махсус шкаф кутиси ҳам шу тартиб рақами билан белгиланади.

Тиббий бўлимдан ташқарида шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш учун керакли дори-дармонлар тўплами солинган сумка, чемодан доимий равишда тайёр бўлиши керак.

203. Кундалик ишлатишга зарур бўлган дори-дармонлар махсус шкафларда қулфланган ҳолда сақланади. Амбулаторияларда сақланадиган дори-дармонлар 5 кунга мўлжалланган бўлиб, беморларга берилаётган вақтда дориларни яроқлик муддатига қаралиши керак. Наркотик моддалар махсус жиҳозланган, ташвиш сигналли, муассасанинг маъмурий биносида темирли шкафларда қулфланган ҳолда сақланади. Наркотик моддалар қатъий тиббий кўрсатма асосида бериледи ва беморни тиббий амбулатор дафтарига ва заҳарли, наркотик, ўта камёб бўлган дориларни ҳамда дорихонадаги этил спиртини қайд этиш дафтарига ёзув борилади.

ТИББИЙ БЎЛИМДА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАЖМИ

204. Беморларга ташҳис қўйишда врач касаллик туғрисидаги барча маълумотлардан, тиббий ҳужжатларидан, кўрик натижасидан, лаборатория текшируви кўрсаткичларидан, рентген ва функционал текшируви натижаларидан фойдаланади.

205. Тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми муассасанинг қаерда жойлашганлигига, тиббий бўлими қуввати ва бошқа шароитларга боғлиқ.

Лекин барча муассасаларда тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми ушбу Қўлланмада кўрсатилганидан кам бўлмаслиги керак.

206. Тиббий бўлим врачлари хирургия борасида қўйидагиларни билиши шарт:

а) қон гуруҳини аниқлаш;

б) вена қон томирига томчи ва тўғридан-тўғри юбориш йўли билан шокка қарши суюқликлар ва қон ивишини оширувчи бошқа моддаларни юбориш, керак бўлган тақдирда консервация қилинган ёки янги олинган қон қўйишни билиш, новокаин билан маҳаллий анестезия, блокада, юмшоқ тўқиманинг яраларини бирламчи хирургик ишловини ўтказиш, транспортда иммобилизация қилишни, ташқи қон оқишни томпонада қилиш, қон томирни боғлаш ёки қон оқаётган томирларга қискич қўйиш йўли билан тўхтатиш; катетеризация қилиш ва сийдик пуфагини тешиш; трахеостомия қилишни; плевра

бўшлигини тешишни ёки пневмоторакс ҳолатида дренаж қилишни; юракни кўкрак қафаси устидан массаж қилишни ва сунъий нафас олдириш усуллари билиши шарт;

в) куйган, совуқ олганда ва электр жароҳатларида ёрдам кўрсатишни, чекланган миқдорда куйишларда ва 1-2 даражали совуқ олганда даволашни билиши керак.

207. Хирургия соҳасида фельдшер куйидагиларни билиши керак:

а) врачгача бўлган тиббий ёрдамни ўз вақтида тўғри ўтказишни ва врач ёрдамига муҳтож беморларни тезликда врачга юборишни;

б) қон гуруҳини аниқлашни;

в) қон оқишни вақтинчалик тўхтатишни.

г) транспортда иммобилизация қилишни, турлича куйиш, жароҳатланиш, совуқ уриши ва электр жароҳатларда қоқполга қарши эмлашни билиши, юракни кўкрак қафаси устидан массаж қилишни ва ҳар хил сунъий нафас бериш усуллари, кислород аппаратида нафас беришни;

д) тери остига, мушакларга ва вена қон томирларига дори юбориш усуллари, шокка қарши суяқликларни вена қон томирларига томчилаб ва жадал юбориш усуллари билиш;

е) кўп учраб турадиган ва ўткир хирургик касалликлар белгиларини билиш контингент ичидан ёлғондан ўзини касал қилиб кўрсатётганларни аниқлай олиш;

ж) тиббий асбобларни, идишларни ва бошқа анжомларни стерилизация қилишни билиши керак.

208. Беморни тезда касалхонага юбориш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) қон оқиш ёки қон оқмасдан кечадиган қон томирлар жароҳатланиши, ичдан қон кетиши, тешиб ўтувчи жароҳатлар, суяқлар, бўғимлар ва нерв толаларини шикастланиши билан кечадиган жароҳатланишлар, суяқлар синиши, бош мия чайқалиши ва лат ейиши;

б) шок билан кечадиган катта жароҳатланишлар; гемоторакс ва пневмотораксга гумон қилинган кўкрак қафасини шикастланиши, ички аъзолар шикастланган деб гумон қилинган қориндаги ва чанокдаги жароҳатланишлар, «ўткир қорин» белгилари билан кечадиган қорин бўшлиғи аъзолари касалликлари; тананинг қаерида жойлашганлигидан қатъи назар суяк ва тоғайни панариций касаллиги, йиринглаш чуқур жойлашган абсцесслар, флегмоналар, карбункуллар,

юзда жойлашган фурункуллар, ўткир кечаётган остеомиелитлар ва артритлар, 2 ва 3 даражали куйиш ва совуқ уруши;

в) биринчи бор аниқланган хавфли ўсмалар ёки хавфли ўсма деб гумон қилинган ўсма касалликлари.

209. Беморни транспортда олиб юриш аҳволига қараб касаллиги бўйича тегишли ихтисосдаги якинроқ касалхонага ётқизилади. Касалхонага кетиш йўлида тиббий тадбирларни ўтказиш зарурияти туғилган тақдирда уни ўтказиш учун беморни тиббий ходим кузатиб бориши, ўзи билан дори-дармон ва тиббий асбоблар қутигачаси бўлиши керак. Зудлик билан касалхонага ётқизиш кераклиги тўғрисидаги йўлланмада беморни аҳволи ва кўрсатилган ёрдам ҳақида қисқача ахборот бўлиш керак. Беморни транспортда олиб юришда куйидаги тадбирларни кўриш керак:

а) бош-мия жароҳатларида жабрланувчини нафас олишини кийинлаштирмайдиган ва қусиш массалари билан нафас йўллари бекилиб қолмайдиган ҳолатида ушлаш керак;

б) умуртқа ёки орқа мияни жароҳатланишида, бўйин соҳаси жароҳатида бошни қимирламайдиган қилиб боғлаб, шокка қарши чоралар ўтказилади, тахтага ётқизиб олиб борилади.

в) кўкрак ва бел соҳаси жароҳатида-жабрланувчини даволаш муассасаларига тахтага ётқизилган ҳолатда жўнатилади, шокка қарши тадбирлар ўтказилади ва керак бўлса сийдик пуфагига катетр қўйилади, иситгич воситаларини ишлатиш тақиқланади.

210. Мурракаб текшириш ва даволаш усуллари керак бўлмаган ва касаллиги (жароҳати) 14-15 кун давомида даволаниши мумкин бўлган беморлар (жароҳат, лат ейиш, бош ва юз соҳасидан ташқарида юзаки жойлашган абссцеслар ва ҳоказолар) амбулатор шароитда даволанадилар. Хирургик касалликлар бўйича ташҳис қўйиш ва даволаш чораларини ўтказиш тиббий бўлим лабораторияси, рентген-хонаси ва бошқа мутахассисликлар текширувларини ўтказиш имкониятларига қараб белгиланади.

211. Тиббий бўлим врачлари қуйидагиларни қила билиши керак:

а) ўткир заҳарланишларда, ҳушдан кетиш ҳолатларида, иссиқ урганда, чўкишда, электр токидан зарарланганда, ўпка, ошқозон ва ичакдан қон кетганда, бронхиал астма хуружида, тўсатдан бўлган пневмотораксда, ўткир юрак ва қон томирлар етишмовчилигида, жигар ва юрак санчганда, ўпка инфаркти ва бошқа ўткир, оғир ҳолатларда кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсата олиши керак;

б) юқори нафас йўлларини ўткир ва вирусли яллиғланиши, ўткир ва сурункали бронхит, ангина, юрак-қон томир тизимини функционал бузилишлари, безгак, гельминтозлар, ошқозонни сурункали яллиғланиши, ошқозон ва 12 бармоқли ичак ярасини асоратсиз кўри-нишлари, ўт пуфагини яллиғланиши ва витаминлар етишмовчилиги-ни даволай олиши керак;

в) касалхонадан келган реконволисцентларга динамик кузатув ўтказиш;

г) ўткир жароҳатланиш (шу ҳисобда нурланиш, захарли моддалар ва бактериологик воситалар билан) белгиларини билиши ва шу жароҳатланишларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсата олиш;

д) ЭКГ қилишни ва стенокардия, ўткир миокард инфаркти, юрак уришининг хавfli ўзгаришларини ЭКГда аниқлай билиши керак.

212. Ички аъзолар касалликларида фельдшер қуйидагиларни билиши керак:

а) тез учраб турадиган касалликларни аниқлаш ва уларни даволаш, тезлик билан кечадиган касалликларда ва захарланиш-ларда кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатишни;

б) беморларга қаровни ташкиллаштиришни ва ўтказишни;

в) ошқозонни ювишни билиши, даволовчи ва тозаловчи ҳуқна (клизма) қилишни билиши;

г) ЭКГ текширувини ўтказишни;

д) оддий лаборатория текширувлари натижаларини таҳлил қила билиши (қондаги лейкоцитлар сони, гемоглобин, эритроцитлар чўкиш тезлиги, сийдикни умумий текшириш натижалари, сийдикдаги қандни ва оксилларни аниқлаш ва ҳоказолар);

213. Кечиктириб бўлмайдиган малакали ва стационар шароитда даволанишга муҳтож бўлган қуйидаги беморлар зудлик билан касал-хонага ётқизиладилар:

а) юрак ва қон томирларда ўткир бузилиш бўлган беморлар (миокард инфаркти, стенокардия хуружининг чўзилиб кетган ҳол-лари), тўсатдан қон босимини ошиб кетиши, ўткир ревматизм;

б) ўткир захарланиш, ўпканинг крупоз зотильжами, ўткир нефрит, пиолонефрит;

в) юқумли касалликлар;

г) мия қон айланишини ўткир бузилиши, юрак ритмининг ва ўтказувчанлигини ўткир бузилиши қон айланиши етишмовчилиги белгилари билан, кома ҳолатлари, гемолитик кризлар;

д) электролит ўзгаришлари ва сувсизланиш асоратлари бўлган ўткир диаррея, келиб чиқиши номаълум бўлган истималар;

е) ОИТС билан оғриганлар;

ж) қандли диабетда инсулин билан даволанишга ўзгартиш киритиш ҳолларида, бронхиал астма хуружида ва шунингдек бошқа ўткир ва оғир кечадиган касалликларда.

214. Кўз ва кўз атрофи касалликларида ҳамда жароҳатланишларида тиббиёт бўлими врачлари куйидагиларни билиши керак:

а) Сивцев жадвали ёрдамида кўриш ўткирлигини ва Рабкин жадвали ёрдамида ранг билиш қобилиятини аниқлаш;

б) кўзнинг механик жароҳатланишларини, термик ва химиявий куйишини аниқлай олиши ва бу ҳолатда бирламчи врачлик ёрдами бера олиши керак.

в) кўз қовоғи говмучасини ва мейбомитларни, кўз қовоғи четларини шамоллаши ва конъюнктивитларни, кечки шапқўрликни аниқлай билиши, бу беморларни даволашни билиши, бошқа кўз касалликларида керакли тиббий маслаҳатларни уюштириш ва беморни кўз касалхонасига (бўлимига) ётказиш масалаларини ҳал қилиш.

215. Кўз касалликларида фельдшер (тиббий ҳамшира) куйидагиларни билиши лозим:

а) врач буюрган муолажаларни (кўзга томчи дориларни томишиш, кўз қовоғига малҳам дори қўйиш, кўз юқори қовоғини ичини ағдариш, конъюктива бўшлиқларини ювиш, бир ёки иккала кўзга боғлов қўйиш) бажаришни;

б) кўз ва унинг бўшлиқларини жароҳатларини аниқлаш ва врачгача бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш;

в) конъюктива ва шохпарда қаватларига тушган ёт жисмларни олиб ташлаши;

г) конъюктива ва қовоқни шамоллаш касалликларини билиши ва врачгача бўлган ёрдамни кўрсата билиши керак.

216. Касалхонанинг кўз касалликлари бўлимига куйидаги беморлар юборилиши мумкин:

а) жойлашиши конъюктива ва шохпардани юқори қаватларида бўлган ҳолатлардан ташқари кўзга бегона заррачалар тушиш ҳоллари;

б) кўзнинг механик, кимёвий, нур таъсирида жароҳатланиши ҳоллари;

в) кўз бўшлиқларини ўткир ва даволаниши қийин бўлаётган сурункали касалликлари, кўз олмаси касалликлари билан оғриган ҳамма беморлар, глаукомага шубҳа қилинаётган шахслар;

г) кўриш қобилиятини аста-секин пасайиб бораётган ёки бирдан кўр бўлиб қолган шахслар.

217. Кулоқ, бурун ва томоқ касалликларида тиббий бўлим врач куйидагиларни билиши лозим:

а) асоратлар билан кечадиган, ҳаёт учун хавfli бўлган (хиқилдоқ стенози оқибатида бўғилиш, ЛОР-аъзолардан қон оқиши ва ҳоказолар) ЛОР аъзолари жароҳатланиши ва касалликларида шошилиш тиббий ёрдам беришни билиш;

б) кулоқни ташқи касалликлари, дерматитлар, фурункулезларни даволашни, ташқи эшитиш йўлига ёт жисмлар тушиши, ташқи эшитиш йўли кириш қисмида кўриниб турган ва енгил ювиш билан тез чиқиб кетиши мумкин бўлган бегона нарсаларни олиб ташлашни, бурундан қон оқишни, ташқи бурун касалликларини, ўткир ринитларни аниқлай олиши ва тиббиёт бўлим шароитида даволашни;

в) жарроҳлик даволаниш усулига муҳтож бўлмаган сурун-кали фарингит, ларингит ва тонзилитларни, сурункали йирингли ва ўткир яллиғланган ўрта кулоқ шамоллашларини (мутахассис отоларинголог маслаҳатига кўра), кулоқ ва бурунинг I-II даражали куйиши ва совук олишларни даволашни, бурун бўшлиғидан қон оқишни тўхтатишни билиши керак.

218. Кулоқ, бурун ва томоқ касалликларида фельдшер (тиббий ҳамшира) тезликда врач ёрдамига муҳтож бўлган кулоқ, бурун, томоқни ўткир касалликларини аниқлай олиши, кулоқ, бурун, томоқ касалликларида ва жарроҳатланишларида врачгача бўлган ёрдамни кўрсата олиши, кулоқ касалликларида эшитув йўллари тозалани, ювишни билиши ва мутахассис-врач кўрсатмаларини бажариши керак.

219. Бурундан тез-тез ва қайталаниб қон кетадиган беморларни, кулоқ олди флегмоналарида, бурун жароҳатланганда (мутахассис врач хулосасига кўра), ўрта кулоқни ўткир йирингли ва сурункали шамоллашларида кулоқ тоғайини шамоллашларида, ташқи кулоқ экземасида, бурун бўшлиқларини ўткир, йирингли, сурункали шамоллашларида, томоқ флегманоз шамоллашларида, бўйин лимфа тугунчалари шамоллашларида, овоз бўғилиши ёки ютишни қийинлашуви билан кечадиган ларингитларда, сил, қизилча, склерома ва юқумли касалликларга ўхшаш ҳолатларида беморларни касалхонага юбориш керак бўлади.

220. Сийдик ажратиш ва жинсий аъзолар касалликларида тиббиёт бўлими врач куйидагиларни билиши керак:

а) сийдик ажратиш ва жинсий аъзолар жароҳатланганда, буйрак санчикларида, сийдик тўхтаб қолганда, парафимозда тез қолдириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсата билиши керак;

б) шу аъзоларда бўладиган касалликларни (моякга сув йиғилиб шишиши, мояк уруғ йўллари кистаси, уруғ йўллари вена қон томири кенгайиб кетиши, фимоз ва бошқалар) аниқлай олиши.

221. Фельдшер (тиббий ҳамшира) сийдик ажратиш ва жинсий аъзолар жароҳатланганда врачгача бўлган шошилинич ёрдамни кўрсатишни билиши лозим.

Сийдигида қон ва йиринг бўлган беморлар (сийдик йўлларида тоши бор беморлар, буйрак ва сийдик йўллари ўсмалари ва сили, ўткир ва сурункали уретритлар, сийдик пуфаги шамоллаши, пиелонефрит, орхит, эпидидемит, простатит ва бошқалар) касалхонага даволанишга юборилдилар.

Сийдик ажратиш ва жинсий аъзоларни очиқ ёки ёпиқ жароҳатларида беморлар тезда касалхонага ётқизилади.

222. Врач-стоматолог йўқ бўлганда стоматология касалликларини қолдириб бўлмайдиган ҳолатларида тиббий ёрдамни тиббий бўлим врачлари кўрсатади. Бу ҳолатларда врач қуйидагиларни билиши шарт:

а) ўткир пульпитни, тиш касалланишидан келиб чиққан суяк остеомиелити ва флегмонаси ҳамда оғиз бўшлиғи шилиқ қаватини афтоз ва яралли шамоллашини аниқлай олиши ва керакли ёрдам кўрсата билиши керак;

б) пастки (юқори) жағ синишини (чиқишни) аниқлай олиши ва юз соҳаси ва жағ жароҳатланганда унга биринчи ёрдамни кўрсатиши.

223. Стоматология касалликларида фельдшер (тиббий ёрдамчи) ўткир пульпитни, периодонтитни, пастки жағни синиши ва чиққанлигини аниқлай билиши ва шу ҳолатларда юз-жағ соҳаси жароҳатларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билиши керак.

224. Рухий ва асаб касалликларида врач қуйидагиларни билиши лозим:

а) асаб касалликларининг асосий кўринишларини аниқлаш ва мия қон айланишини ўткир бузилишлари, менингитлар, энцефалитлар, бош ва орқа мия жароҳатлари, эпилептик ва истерик тутқаноқларида шошилинич тиббий ёрдам кўрсатишни;

б) рухий касалликларни асосий кўринишларини аниқлай билиши, ўткир психологик реактив ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсата билиши, уларни бошқалардан ажратиши ва рухий касаллар касалхо-

наси (бўлими)га жўнатиш, безовта бўлаётган беморларни боғлаб кўйиш усулларини билиши керак;

в) переферик нерв тизими касалликларини (бел-думғаза ўткир радикулитлари, люмбаго, айрим нервлар невралгияси, неврологик ва астеник ҳолатларини аниқлай билиши ва тиббий бўлим шароитида даволаши керак. Асаб-руҳий касалликларида даволаш профилактика тадбирларини ўтказишни тиббиёт бўлими штатидаги ёки штатсиз мутахассислар билан яқин ҳамкорликда олиб бориши керак.

225. Руҳий ва асаб касалликларида фельдшер кўйидагиларни билиши лозим:

а) мия қон айланиши ўткир бузилишларини, марказий нерв тизими жароҳатларини, менингит ва энцефалитларни аниқлай олиши ва керакли тиббий ёрдам кўрсата билиши керак;

б) руҳий касалликларнинг асосий симптомларини билиши, шундай белгилар аниқланганда тезда врачга билдириши, шу беморларни бошқалардан ажратиш, ўткир руҳий хаяжонланишларини тўхтатиш, беморларни руҳий касалхоналарга жўнатишни ташкиллаштириш, безовта беморларни боғлаш усулларини билиши керак.

226. Тери ва таносил касалликларида тиббиёт бўлими врачлари кўйидагиларни билиши лозим:

а) асосий тери ва таносил касалликларини билиши, шу касалликларда даволаш тадбирларини ўтказиши ва керакли профилактик чораларини олиб бориши керак;

б) уретрани ювиш услубини, аутогемотерапия, қон олиш ва уни серологик текширувга жўнатишни, уретрадан, сийдик йўлидан ва простата безидан ажратилаётган суюқликда гоноккоклар борлигини текширишга суртма олишни билиши керак.

227. Тери ва таносил касалликларида фельдшер (тиббий ҳамшира) кўйидагиларни билиши лозим:

а) тез учраб турадиган тери ва таносил касалликларини ўзи аниқлай олиши;

б) асосий дори-дармонларни ишлата билиши. Тери юзасига суркалган ва ёпиштирилган дориларни тери юзасидан олиб ташлашни;

в) аутогемотерапия услубини қўллашни.

г) уретрага юмшоқ катетр юборишини, Вассерман синовиға қон олишни билиши, замбуруғ ва гоноккокларни лаборатория шароитида аниқлаш учун материалларни олиш ва жўнатишни билиши, уретрани ювишни ўтказиши керак.

228. Юқориди санаб ўтилган тадбирларни ўтказиш оладиган тиббиёт ходимларини тайёрлашга муассаса тиббиёт бўлими бошлиғи шахсан жавоб беради.

СТАЦИОНАР ТИББИЙ ЁРДАМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

229. Тиббий бўлим стационарига қуйидагилар ётқизилади:

а) стационар шароитда 14-15 кундан ортиқ даволаниши шарт бўлмаган беморлар;

б) касалхонадан қайтган беморлар даволанишини охирига етказиш учун;

в) юқумли касалликларга чалинган ёки унга гумон қилинган шахсларни касалхонага жўнатилгунга қадар бошқалардан ажратиб сақлаб туриш учун;

г) аҳволи оғирлиги учун транспортда жўнатиб бўлмайдиган беморларни аҳволи енгилашгунга қадар даволаш учун;

д) диспансер назорати режасига кўра диспансер назорат гуруҳи-дагиларни ёки соғломлаштириш гуруҳига киритилган беморлар;

е) оғир касаллиги туфайли муддатидан илгари жазони ижро этишдан озод қилиниши лозим бўлган мажмурларни ётоқхоналарда сақлаш мумкин бўлмаса ва уларни ЖИЭББ касалхонасига юбориш учун зарурат бўлмаса, уларни стационар шароитда сақлаш учун.

230. Тиббий бўлим бошлиғи ушбу муассасадаги касалларни даволаш учун, штат бўйича белгиланган миқдорда ўрин- жойларни жойлаштириш ва уларни унумли ишлатишни таъминлайди.

231. Беморлар, стационарга тиббий бўлим врачлари томонидан тиббий амбулатор дафтarga ёзилган шундай тиббий текширув ва даволаш ўтказиш ҳақидаги хулоса асосида қабул қилинади. Стационарга ётқизилган беморлар ҳақидаги маълумотлар «Қабул қилинган, даволаниб чиққан ва касалхонага қабул қилиш рад этилган беморларни қайд этиш дафтари»га ёзиб қўйилади.

Стационарга ётқизилган беморларга ўрнатилган тартибдаги тиббий ҳужжатлар расмийлаштирилади. Стационарга бемор режа асосида ёки шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун ётқизилганда, бу ҳақда туркум бошлиғи хабардор қилинади.

232. Стационарда бир неча хона бор бўлганда, юқумли ва тери касалликлари, руҳий беморлар бошқалардан алоҳида сақланадилар.

233. Стационарга тушган барча беморлар, улар аҳволига қараб тўлиқ ёки қисман санитария тозаланишидан ўтиши шарт. Зарур ҳолларда беморнинг ички кийимлари дезинфекция қилинади. Беморнинг пойафзали ва кийимлари стационар биносида сақланади. Кийимлари ювишга топширилади ва стационардан кетаётганда қайтариб берилади.

Бемор стационарда бўлган вақт ичида тиббий бўлимда қўлланилаётган керакли ҳамма текширув услубларидан ўтиши керак, зарур ҳолларда маслаҳат ёрдами бериш учун ички ишлар тиббиёт масканлари ёки соғлиқни сақлаш идоралари мутахассислари жалб этилади. Режалаштирилган тиббий маслаҳат кўриги жадвал асосида, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш зарурати бўлганда куннинг исталган вақтида ўтказилади. Тиббий бўлим врачлари беморларни ҳар куни кўрадилар. Беморни аҳволи энгилроқ ҳолларда тиббиёт дафтарига кўрув натижалари 3 кунда бир марта, агар беморнинг аҳволи ўрта оғирликда ва оғир бўлса ҳар куни ёзилади. Стационардаги беморларни тиббий бўлим бошлиғи мажбурий равишда ҳафтада бир марта стационарга келган куни ва кетиши олдидан кўриши керак. Врачнинг белгиланган даволаш тадбирларини, тана ҳароратини ўлчаш, антропометрик ўлчамларни ўтказишлар фелдшер (ҳамшира) зиммасига юклатилади, унга яна беморлар томонидан ички тартиб қоидаларига риоя қилишни кузатиш топширилади. Ўрнатилган кунг тартиби кўринарли жойга илиб қўйилади.

234. Тиббий бўлим стационарида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми ундаги бор бўлган мутахассислар билан аниқланади.

235. Тиббий бўлим стационарида 1-2 юқумли касалга мўлжалланган алоҳида хона (изолятор) ажратилади. У ердаги ўринлар сони стационарнинг имкониятига қараб белгиланади. Юқумли касалликлар учун алоҳида хона шу касалликка чалинган беморлар (шу ҳисобда сил касалликлари) ва юқумли касалликка чалинган бўлиши мумкинлиги хавфи тутилганда, уларни бошқалардан ажратган ҳолда сақлаш учун мўлжалланади, шу ерда уларга бирламчи врачлик ёрдами, уни кузатуви ва парвариш ўтказилади, касалини аниқлаш учун таҳлиллар ўтказилади. Изоляторда ҳар кунги ва умумлаштирувчи дезинфекция ўз вақтида ўтказилиши керак. Изоляторда тиббий ходимлар шахсий гигиена қоидаларига катъий амал қилган ҳолда, алоҳида махсус иш кийимларда ишлашлари шарт. Тиббий бўлим стационарида кечаю-кундуз санитар навбатчилик қилиши керак. Стационарда навбатчи ходимлар сонини тиббий бўлим бошлиғи белгилайди.

236. Стационарда ётган беморларни, уларга жўнатилган нарсаларни олиши ёки қариндошлари билан учрашувга чиқиши жазони ижро этиш муассасаларида ички тартибот қоидалари ёки тергов ҳибсхоналарида тергов қилинаётганларни сақлаш қоидалари асосида беморнинг касаллигини ва соғлиғи аҳволини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

237. ЖИЭМ, ТХда ўлган махсус контингент ўлими сабаби ИИВ Тиббиёт бошқармаси мутахассислари томонидан таҳлил қилиниши ва тегишли тавсиялар берилиши учун, ўлган шахснинг тиббий ҳужжатлари (касаллик тарихи ўтказилган барча тиббий текширувлар натижалари билан, амбулатор тиббий дафтар, врач-паталогоанатом ёки суд-тиббий эксперт текшируви хулосаси) ўлим ҳолати бўйича хизмат текшируви ўтказилгандан ва ҳужжатлар прокуратурадан қайтиб келганидан сўнг 10 кун муддат ичида ИИВ Тиббиёт бошқармасига юборилади. Тиббий ҳужжатларни ўз вақтида юборилишига муассаса бошлиғи жавоб беради.

238. Барча тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб таҳлил қилинганидан сўнг ИИВ Тиббиёт бошқармаси мутахассислари хулосаси билан бирга бир ой муддат ичида, ўлган маҳкумни шахсий йиғма жилдига тикиб қўйиш учун муассасага қайтариб юборилади.

VIII-БОБ. КАСАЛХОНА ШАРОИТИДА СТАЦИОНАР ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Беморларни қабул қилиш тартиби

Беморларни даволаш ва сақлаш

Беморларни касалхонадан чиқариш

Касалхона таркибий бўлимлари иш хусусияти

Касалхонада тиббий-статистик ишларни ташкил қилиш

Касалхонанинг ЖИЭМ, турма ва ТХ тиббий бўлимлари билан алоқаси

Касалхонада тез тиббий ёрдамни ташкиллаштириш

Тиббий-назорат комиссияси

Касалхонадаги навбатчи шифокорни вазибалари

Касалхонадаги даволаш-диагностика бўлими бошлиғининг вазибалари

239. Маҳкумларни даволашга мўлжалланган касалхоналар (бундан кейин касалхоналар деб юритилади) махсус контингентни

сақлаш ва даволашга хизмат қиладиган даволаш-профилактик муассасалари ҳисобланади. Бу мақсадлар учун касалхона малакали ва ихтисослашган тиббий стационар, амбулатор-маслаҳат ҳамда ЖИЭМ ва ТХ тиббий бўлимларига ташкилий методик ёрдамларини кўрсатади. Тергов қилинаётган шахслар касалхонага юборилганда бу ҳақда жиноят ишини олиб бораётган шахс ёки органга хабар берилади. Алоҳида ҳолларда, истисно тариқасида ИИБ ЖИЭББ билан келишилган ҳолда тарбия колонияларида жазо муддатини ўтаётган вояга етмаганлар катта ёшдаги маҳкумлар касалхонасига ётқизилади.

240. Манзил-колонияларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, муассаса жойлашган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш идораларига қарашли даволаш-профилактика муассасаларида даволанадилар.

241. Касалхона ўз ишини Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-ижроия кодекси ҳамда жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб Қоидалари талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилади. Даволаш-профилактик ва эпидемияга қарши тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролар соғлиғини сақлаш, эпидемияга қарши ва санитария таъминоти тўғрисидаги қонунлари асосида ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг буйруқлари, кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси, ЖИЭББ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ тиббиёт бўлим (хизмат)лари кўрсатмалари ҳамда ушбу Қоидалар талабларига мос ҳолда ташкил этилади.

242. Касалхоналар қуввати, алоҳида жойлашиш ва фаолият кўрсатиш имкониятига қараб жазони ўташ жойларининг мустақил даволаш муассасаси ҳолида ёки жазони ижро этиш муассасаси таркибида ташкил этилиши мумкин. Жазони ижро этиш муассасаси қошида фаолият кўрсатувчи касалхоналар муассасанинг алоҳида ҳудудида жойлашади. Касалхона тегишли тиббий ускуна ва жиҳозлар, хўжалик буюмлари, транспорт ва бошқа жиҳозлар билан муассаса ҳисобидан таъминланади. Жазони ижро этиш муассасаси қошидаги касалхонада тартибни сақлаш, махсус ҳисоб юргизиш, тарбиявий ишларни ва моддий таъминот тадбирларини муассаса маъмурияти таъминлайди. Мустақил равишда фаолият кўрсатувчи касалхоналарда тегишли хизматлар жазони ижро этиш муассасалари учун белги-ланган меъёрлар асосида ташкил этилади.

Маъмурий-хўжалик, тезкор-тартибот, тарбиявий фаолиятлар ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли меъёрий хужжатлари асосида олиб борилади.

243. Белгиланаётган вазифаси, хизмат кўрсатиш ҳудуди, маҳкумлар сонига қараб, марказий, вилоят, вилоятлараро, республика, махсус турдаги ёки кўп тармоқли 50 ва ундан ортиқ ўрин-жойли касалхоналар ташкил этилади ва фаолият кўрсатади. Вилоятларда ташкил этилган касалхоналар Ички ишлар вазирлигининг буйруғи билан бошқа вилоятларда жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларга махсус турдаги тиббий ёрдамни кўрсатадилар.

244. Сил, руҳий, таносил ва юқумли касалликлар билан касалланган маҳкумларни даволаш ва сақлаш учун махсус турдаги касалхоналар ёки умумсоматик касалхоналарда махсус бўлинмалар (палаталар) ташкил этилади.

245. Маҳкумлар касалхоналари қувватига кўра қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

а) қабул бўлими (ташҳисот учун ўрин-жой ёки изолятор билан, ювиниш хонаси билан);

б) ўрин-жойлар асосий ихтисосига кўра даволаш бўлимлари, реанимация ва жадал интенсив терапия хоналари;

в) даволаш-ташҳисот хоналари;

г) ташкилий методик хона;

д) клиник, биохимик, бактериологик лабораториялар;

е) прозектор хонаси;

ж) тиббий архив;

з) маъмурий хўжалик қисми (опхона, кир ювиш-ювиниш бўлими, омборхоналар ва бошқалар);

и) дорихона.

Касалхонада ходимларнинг хизмат вазифалари, касаллар учун ички тартиб қоидалари, ходимлар учун меҳнат тартиби қоидалари ҳамда иш режалари ишлаб чиқилиши керак.

246. Касалхонада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият кўрсатувчи касалхона кенгаши, даволаш-текшириш комиссияси, тиббий ҳамширалар кенгаши ҳамда дастлабки тиббий комиссия ташкил этилади.

247. Касалхона фаолиятига касалхона бошлиғи раҳбарлик қилади. У белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан

бушатилади. Мустақил муассаса бўлиб ҳисобланувчи касалхоналарда касалхона бошлиғи жазони ижро этиш муассасалари ички тартиб Қоидаларини қўлланиши буйича жазони ижро этиш муассасалари бошлиқларига белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади, маъмурий ва тартибот талаблари буйича ИИВ ЖИЭББ раҳбариятига, тиббий таъминот масалалари буйича ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғига бўйсунди. Жазони ижро этиш муассаси қошида фаолият кўрсатувчи касалхона бошлиғи маъмурий масалалар буйича ушбу муассаса бошлиғига ва ЖИЭББ раҳбариятига, тиббий-санитария таъминоти масалалари буйича ЎзР ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғига бўйсунди.

248. Мустақил муассаса бўлиб ҳисобланган касалхоналар Ўзбекистон Республикаси герби туширилган ва ўз номи ёзилган думалок муҳрга, шунингдек хўжалик ва пул ҳужжатлари учун муҳрга эга бўлади. Касалхона ИИВ буйруқлари билан белгиланган шаклларда тиббий ҳисоботларни юргизади ва белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этади.

249. Касалхона қуйидагиларни амалга оширади:

а) Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлардаги ва бириктирилган маъмурий ҳудудлардаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларга керакли ҳажмда юқори малакали, ихтисослашган стационар тиббий ёрдамни кўрсатиш. Бунда, беморларни даволашда жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналаридаги тиббий бўлимлар билан узвийлик бўлиши лозим.

б) касалхонада даволаш-ташҳисот ишларини такомиллаштириш, ўрин-жой фондидан унумли фойдаланиш ва ўлимни камайтиришга қаратилган тadbирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Комплекс даволашда пархез таомларидан, даволашнинг физиотерапевтик, даволаш бадан тарбияси, меҳнат терапияси ва соғлиқни қайта тиклашни бошқа усуллари билан кенг фойдаланиш, даволаш тартибини унумли қўллаш.

в) тиббиёт фани ва амалиётида эришилган ютуқлар асосида касалликларни олдини олиш, ташҳиси ва даволаш буйича замонавий усул ва манбаларни ўзлаштириш, уларни касалхона ва муассасалар тиббий бўлимлари ишига жорий этиш ҳамда ИИВ, ИИББ, ИИБ ва соғлиқни сақлаш идоралари даволаш-профилактика муассасаларини илғор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва амалиётга кенг ёйиш.

г) маҳкумларнинг меҳнат қобилиятини вақтинчалик ёки доимий йўқотганлигини аниқлаш ва ногиронлик гуруҳларини белгилаш учун ўрнатилган тартибда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигига қарашли Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (бундан кейин ТМЭК деб юритилади) кўригидан ўтказиш. Кассалиги туфайли жазони ўташ жойларидан муддатидан илгари озод этиш мумкин бўлган маҳкумларни керакли тиббий текширувлардан ўтказиш ва уларни тиббий ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда ИИВ Махсус тиббий комиссиясига тақдим этиш.

д) жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари тиббий бўлимларига ташкилий-методик ва маслаҳат ёрдами бериш.

е) касалликларни бошланиш даврида аниқлаш, касалларни режали даволашга ажратиш мақсадида, маҳкумларни режа асосида профилактик тиббий кўриқдан ўтказиш ишларида қатнашиш.

ж) жазони ижро этиш муассасаларида, лозим бўлганда тиббиёт олий ўқув юртли ва илмий-текшириш институтлари ҳамда соғлиқни сақлаш идораларининг малакали мутахассисларини тақлиф этиб, шифокорларни клиник ва паталого-анатомик конференцияларини, мажлисларини ўтказиш йўли билан касалхона, жазони ижро этиш муассасалари, тергов ҳибсхоналари шифокорлари ва ўрта тиббий ходимлари касб маҳоратини ошириш.

з) касалхона ҳудудида санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш. Касалхонада даволанаётган ва ҳўжалик хизматларида банд бўлган маҳкумлар билан санитария-гигиена тарбия ишларини олиб бориш.

и) касалхонада маҳкумларни сақлаш қоидаларига амал қилиш, улар орасида тартиб ва интизомни сақлаш, ўрнатилган тартиб талаблари бузилишини олдини олиш.

БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

250. Ўткир касалликлар билан оғриган ёки сурункали кечувчи касаллиги хуруж қилган, муассаса тиббий бўлими шаронтида даволаш имконияти бўлмаган ва даволаш самарасиз ёки бу ерда даволаш ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган, тиббий бўлим стационарида даволаш даврида аҳволи оғирлашган, чуқур диагностик текширув ва клиник кузатувни талаб қиладиган ҳолларда бемор маҳкумлар муассаса маъмурияти томонидан йўлланган врач (фельдшер) хулосаси асосида касалхонага ётқизиладилар.

251. Стационар шароитида режали даволаши касалхона томонидан ўрнатилган муддатларда тавсия этилган, ариза (шикоят, кўрсатма) бўйича тиббий текширувдан ўтказилиши белгиланган, ногиронлик гуруҳини олиш, тасдиқлаш зарурати бўлган маҳкумларни касалхонага юбориш учун наряд сўралади. Наряд вазирлик томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида ўрнатилган тартибда берилади.

252. Қолган барча ҳолатларда, шунингдек шошилиш ҳолатларда беморларни касалхонага юбориш ва қабул қилиш, нарядсиз, ушбу Қоидаларни 250-банди талаблари асосида амалга оширилади.

253. Касалхона тез тиббий ёрдамга муҳтож бўлган беморларни қабул қилишга доимий равишда тайёр бўлиши шарт. Бунинг учун касалхонада ушбу Қоидаларни 2-иловасида қайд этилган шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишда зарур бўладиган дори- дармонлар, боғлов воситалари ва тиббиёт жиҳозлари захираси мавжуд бўлиши керак.

Касалхона яна мавжуд қоидалар асосида юқумли касалликлар билан оғриган беморларни қабул қилиш, сақлаш ва даволашни таъминлайди. Ўта хавfli юқумли касалликлар билан оғриган беморлар, улар назорати таъминланган ҳолда, соғлиқни сақлаш идораларининг юқумли касалликлар шифохонасига ўтказилади.

254. Беморларни касалхонага қабул қилиш пайтида навбатчи шифокор улар тўғрисидаги керакли маълумотларни «Қабул қилинган, даволаниб чиққан ва касалхонага ўтказиш рад этилганини қайд қилиш дафтари»га ёзиб қўяди, стационардаги касаллар тиббий варақасига эса беморнинг анамнези, ташқи кўрик, объектив текширув, эпидемиологик маълумотлари, касалликни дастлабки ташҳисини ёзиб, керакли тиббий муолажалар қилади ва тегишли бўлимга юборади.

Касалхонага қабул қилиш вақтида беморни синчиклаб тинтув қилинади (уни соғлиғини ҳолатига қараб), унга қарашли кийими ва оёқ кийимини дезинфекция қилинади, тартибга солинади ва навбатчи шифокор, тиббий ҳамшира, кузатувчи шахс тасдиқлаган рўйхат асосида бемор касалхонадан кетгунга қадар сақлашга берилади.

Касалхонага келган ҳамма беморлар албатта ювинишлари ва кийимлари алмаштирилиши шарт.

Бўлим шифокорлари иш соати вақтида келган беморлар, касалхонанинг қабул қилиш бўлими шифокори ёки навбатчи шифокордан ташқари тегишли бўлим шифокорлари томонидан ҳам кўрилади.

Касалхонага келган ҳар бир бемор ҳақида, шу кунги тегишли бўлим бошлиғига ва касалхона бошлиғига маълум қилинади.

255. Беморларни қабул қилиш рад қилинганда навбатчи шифокор унга лозим бўлган тиббий ёрдамни кўрсатади ва амбулатор тиббий варақасига ҳамда «Қабул қилинган, даволаниб чиққан ва касалхонага ётқизиш рад этилганини қайд қилиш дафтари»га бу ҳақда ёзиб қўяди.

Беморни касалхонага қабул қилиш рад қилинганлиги сабаби ва ўтказилган тадбирлар ҳақида навбатчи шифокор касалхона бошлиғига ёки унинг ўринбосарига маълум қилади.

256. Беморларга кечки ва тунги вақтдаги шифокорлар ёрдамини, одатдагидек касалхона штатидаги шифокорлар уларнинг бир ойма белгиланган иш вақти ҳажмига биноан олиб борадилар.

Шифокорларнинг кечки ва тунги вақтдаги навбатчилик тартиблари касалхонанинг ички меҳнат тартиби қоидалари бўйича белгиланади.

Шифокорларни даволаш-профилактика ишларига алоқаси бўлмаган бошқа ишларга жалб қилиш қатъиян тақиқланади.

БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА САҚЛАШ

257. Касалхонага келган бемор керакли клиник лаборатория, функционал, рентгенологик, бактериологик текширувлардан ўтади ҳамда қўйилган ташҳисига қараб унга тегишли даволаш тадбирлари белгиланади ва олиб борилади.

Касалхонада беморларни даволаш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ, қўлланма ва кўрсатмалари ҳамда ИИБ Тиббиёт бошқармаси кўрсатмалари билан белгиланган замонавий тиббиёт фани талаблари асосида олиб борилади. Бунда даволаш жараёнига самарали ёрдам берадиган пархез таомлар, физиотерапевтик даво усули, даволаш бадан тарбияси, меҳнат терапияси ва бошқа соғлиқни қайта тиклаш даво усуллари ҳам қўлланилади.

258. Касалхонада янги дориларни клиник синаб кўриш мақсадида қўллаш қатъиян тақиқланади.

259. Даволашда, касалликни ташҳисини ва қандай кечишини аниқлаш давомида учраган қийин саволларни ва бошқа ечилмаётган саволларни ҳал этиш мақсадида касалхона шифокор-мутахассислари билан ИИБ Тиббиёт бошқармаси мутахассислари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий клиник институтлари ва ҳудудий соғлиқни сақлаш идоралари мутахассислари иштирокидаги маслаҳат ёрдамлари ҳамда консилиумлар уюштирилади.

260. Махсушлаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш учун бемор бир бўлимдан иккинчи бўлимга мутахассис-шифокорни хулосаси ва тегишли бўлим раҳбарларининг келишуви ҳамда касалхона бошлиғини (ёки унинг тиббий масалалар бўйича ўринбосари) ёзма равишдаги рухсати асосида ўтказилади. Шошилинч пайтларда беморларни бошқа бўлимига кўчириш навбатчи шифокор кўрсатмасига асосан амалга оширилади ва бу ҳақда стационар беморнинг тиббий варақасига унинг бир бўлимдан бошқасига ўтказилиши сабаби кўрсатилиб тегишли ёзув қилинади ҳамда бу ҳақда касалхона бошлиғи ёки унинг тиббий масалалар бўйича муовинига хабар қилинади.

261. Айрим ҳолларда, касалхонада ихтисослаштирилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаганда беморлар соғлиқни сақлаш идоралари даволаш муассасаларига уларнинг қўриқланиши таъминланиб юборилади.

262. Касалхона даволаш бўлимларида ҳар хил турдаги ЖИЭМларидан келган маҳкумларни бирга сақлашга рухсат этилади. Қуйидагилар бошқалардан ажратилган ҳолда ҳамда бошқа маҳкумлар киришига йўл қўйилмайдиган махсус ажратилган ва жиҳозланган палаталарда сақланадилар: ўта хавfli рецидивистлар, ўлим жазоси афв этиш тартибда озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳкумлар, суд ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларнинг собиқ ходимларига мансуб маҳкумлар, турма режимида жазо ўтаётган маҳкумлар.

263. Касалхоналардаги палаталар майдони соматик беморлар учун бир ўрин-жой учун 4 метр квадратдан кам бўлмаслиги керак.

264. Ўзининг тизимида психиатрик ва юқумли касалликлар бўлимлари (палаталари) бўлган касалхоналарда, шу туркум беморларни алоҳида тегишли ҳолда сақланиши ва уларни хатти-харакатини доимий назорат қилишни таъминлайдиган режим бўлиши лозим.

265. Касалхона тартибини ашаддий бузувчи маҳкумлар фақат ўзи ва атрофидагилар ҳаёти ҳамда соғлиғига хавф солмаган тақдирдагина касалхонадан чиқарилади ва ўзи сақланаётган жойга юборилади. Беморни касалхонадан чиқариш касалхона бошлиғи ёки унинг ўринбосари рухсати ва мутахассис-шифокорнинг хулосаси асосида амалга оширилади ҳамда бу ҳақда касаллик тарихига ва беморнинг «Амбулатор тиббий дафтари»га ёзиб қўйилади.

266. Беморларни овқатланишини тегишли овқатланиш меъёрига ва диетология талабларига биноан ташкил қилинади. Озиқ-овқат маҳ-

сулотлари шифокор-диетолог (диетхамшира) ёки касалхона бошлиғи томонидан бириктирилган жавобгар шахс иштирокида ажратилади.

Навбатчи шифокор тайёр таомларни синаб кўрганидан сўнг овқатни тарқатишга рухсат беради, синаб кўрилгандан сўнги натижалари дафтарга ёзилади. Ҳар бир таом ошхонада муассаса бошлиғи томонидан тасдиқланган таомнома бўйича тайёрланади.

267. Касалхонада сақланаётган беморларга касалхонанинг ўзида озик-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёж моллари сотиш учун мўлжалланган дўконлар ташкил этилади.

268. Беморларни ҳаммомда ювиниши ва кийимлари ҳамда ўрин-кўрпа жилдларини, чойшабларини алмаштириш ҳафтада бир марта амалга оширилади. Заиф беморларни кийимлари заруриятга кўра тез-тез алмаштирилади.

Беморларни тунги уйқу давомийлиги 8 соатдан кам бўлмаслиги, тушлиқдан сўнги дам олиш 1 соатдан кам бўлмаслиги зарур.

Беморларни ҳар кунги очик ҳавода сайр қилиши, об-ҳавони ҳисобга олган ҳолда ўтказилади ва уни ўтказиш шартлиги шифокор томонидан белгиланади.

269. Беморнинг тиббий текширув натижалари бўйича барча маълумотлар касаллик тарихига ёзилади. Улар албатта тўлиқ, тартиб билан ва аниқ баён қилиниши керак. «Стационардаги касаллар тиббий варақаси» касалхонада беморга тузилган асосий ҳужжат ҳисобланади.

270. Даволаш-ташҳисот ва шифокорлар коналарида ҳамда навбатчи ҳамширалар иш жойида ташвишли хабар бериш мосламалари ва ҳалокатли (авария) ҳолатларда қўлланиладиган ёритгичлар ўрнатилади.

БЕМОРЛАРНИ КАСАЛХОНАДАН ЧИҚАРИШ

271. Бемор стационарда даволаниб бўлгандан сўнг, қоида бўйича уни даволашга юборган ЖИЭМга қайтариб юборилади.

Сил билан касалланган ва I, II, Ya, Yб диспансер ҳисоб гуруҳи (ДХГ) билан назоратда бўлган маҳкумлар амбулатор даволаниш учун даволаш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослашган ЖИЭМларга жўнатилади. Таносил касаллигига чалинган ҳамда сурункали алкоголизм ва наркомания касаллигига чалинган маҳкумлар, бундай беморларни сақлаш ва даволашга мўлжалланган муассасаларга юбориладилар (7-илова).

272. Стационардаги касаллар тиббий варақаси архивга топширишдан олдин тўлик расмийлаштирилади. Чиқарув эпикризида анамнези, касалликни ривожланиши, ташҳисни асослаш, олиб борилган даво ва унинг самараси, касаллик натижаси ва тавсиялари ҳақида қисқача маълумотлар бериледи. Чиқарув эпикризида даволовчи шифокор, бўлим бошлиғи ва касалхона бошлиғи (у бўлмаганда унинг ўринбосарларидан бири) имзолари ва тўлдирилган вақти қўйилади. Эпикриз нусхаси тиббий амбулатор дафтарга тикилади. Тиббий амбулатор дафтар муассаса махсус бўлимига бериш учун ўша кунёқ тиббий статистик хонасига топширилади.

273. Бемор касалхонада бўлган даврда жазо муддати тугаган бўлса ва яна даволанишга муқтож бўлса, стационардаги касаллар тиббий варақасидан кўчирма берилиб, у яшаш жойида танлаган ёки келишилган ҳолда яқин орадаги соғлиқни сақлаш идоралари даволаш муассасасига давони давом эттиришга юборилади.

274. Беморни касалхонадаги ўлим ҳолати даволовчи шифокор томонидан, у йўқлигида навбатчи шифокор томонидан тасдиқланади.

Касалхонада ўлганлар мурдасини паталогоанатом томонидан ёриб кўриш ўрнатилган тартибда олиб борилади. Касалхонада врач-паталогоанатом йўқлигида мурдани ёриб кўриш соғлиқни сақлаш муассасалари кучи билан амалга оширилади.

Агар шахс куч ишлатиб ўлдирилган бўлса, жароҳат туфайли, захарланиш ёки унинг асоратидан ўлган бўлса ва яна тириклик вақтида касаллик белгилари бўлмаган бўлса мурдани суд-тиббий эксперти ёриб кўради.

Касалхонада ўлган маҳкумнинг барча тиббий ҳужжатлари (касаллик тарихи ўтказилган барча тиббий текширувлар натижалари билан қўшиб, амбулатор тиббий дафтар, врач-паталогоанатом ёки суд-тиббий эксперт текшируви хулосаси) ИИВ Тиббиёт бошқармасига ўлим сабабини таҳлил қилиш учун юборилиши шарт. Тиббий ҳужжатларни ўз вақтида юборилишига касалхона жойлашган жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи (мустақил касалхоналарда касалхона бошлиғи) жавоб беради.

275. Касалхона ўрнатилган тартибда касалхонада содир бўлган фавқулодда ҳолатлар, бахтсиз ҳодисалар, касалхонада қайд этилган юқумли касалликлар ва ҳар бир ўлим ҳолларини ИИВ ЖИЭББ, ИИВ Тиббиёт бошқармасига хабар беради.

276. Касалхона бўлимларида эпидемик касалликлар авж олганда, касалхона бўлимларида чегараланган тартиб чора-тадбирлари

ҳамда эпидемия ўчоғини чегаралаш ва йўқ қилиш комплекс тадбирлари ўтказилади.

КАСАЛХОНА ТАРКИБИЙ БЎЛИМЛАРИ ИШ ХУСУСИЯТИ

277. Жарроҳлик бўлимида қуйидагилар бўлиши лозим: операция ва операцияга тайёрлаш хоналаридан тузилган операцион блок (алоҳида режали ва шошилинч операциялар учун) стерилизация, материаллар ва анестезиологик хоналар, тоза ва йирингли боғламлар учун хоналар, гипс, эндоскопия хоналари, имконият бўлганда физиотерапевтик хоналар ва боғлов хонаси ёнида рентген хонаси.

278. Оғир беморлар ва операциядан кейинги беморлар учун интенсив терапия палаталарида бемор аҳволини узлуксиз назорат қилиш, қувват берувчи терапия, реанимация ва диққат билан парвариш қилиш учун шароит таъминланиши керак. Ҳар бир операция блокида анестезиологик хоналар жиҳозланиши лозим ва бу ерда анестезия учун наркоз, нафас олиш, назорат-ўлчов ва бошқа анестезияга тегишли аппаратлар бўлиши, бундан ташқари материал ва тиббий-ускуналар шкафлари, стерил столи, бикслар учун стол, стерилизатор жиҳозланади. Шу хонанинг ўзида анестезиология ҳамшираси интубацион найчаларни, бронхо-скопларни, ларингоскоплар, нафас қоплари ва бошқаларни ишга тайёрлайди.

279. Операция хонасида операция столлари сонига мос равишда наркоз аппаратлари, респираторлар, дефибриллятор, электрсўргич, анестезия учун зарур бўлган фармакологик моддалар ва тиббий анжомлар билан жиҳозланган кўчма наркоз столи бўлиши лозим.

280. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида сиқилган газ баллонларини операция хонасида эмас, балки махсус жиҳозланган хонада сақлаш лозим.

281. Терапия бўлимида шошилинч ҳолатларда (коллапс, ўткир юрак етишмовчилиги ва реанимация тадбирлари учун) тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун палата бўлиши керак.

Терапия бўлимида стерил ва одатдаги тиббий муолажалар учун камида иккита муолажа хонаси жиҳозланади. Эндоскопия текширувлари (гастроскопия, бронхоскопия) ҳамда ошқозон-ичакни зонд билан текшириш учун алоҳида хоналар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Палаталар мумкин қадар ихтисослиги бўйича (кардиология, гастроэнтерология, пульмонология) жиҳозланиши тавсия этилади.

282. Сил касаллар бўлимида: ювиниш жойи бўлган беморларни қабул қилиш хонаси, беморлар жарроҳлик муолажаларидан кейин ётадиган палаталар, боғлов хонаси ҳамда меҳнат терапияси учун махсус ажратилган хоналар бўлиши лозим.

Сил касаллар бўлимининг махсус хоналари ҳисобига қуйидагилар кириди:

- а) рентген хонаси фотолабораторияси билан;
- б) нафас олиш функциясини текшириш хонаси;
- в) ингалятор бор бўлган ларингологик ва бронхологик хоналар;
- г) стоматология (тиш врач) хонаси;
- д) физиотерапевтик хона;
- е) сил касаллигига қарши ишлатиладиган дорилар ва қонни ўрнини босувчи эритмаларни венага томчи усулда қуйиш учун хона;
- ж) «йирингли» яраларни боғлов хонаси;
- з) балғам йиғиш идишларини дезинфекция қилиш ва балғамни зарарсизлантириш хонаси.

283. Тери-таносил касалликлари бўлимида қуйидагилар бўлиши лозим:

а) тери касалликлари билан оғриган беморлар учун боғлов хонаси ва таносил касалликлари билан оғриган беморлар учун алоҳида муолажа хонаси;

б) урология хонаси (агар сўзак касаллиги билан оғриган беморлар сони кўп бўлса);

в) тери касаллиги, захм, сўзак касалликлари билан оғриган беморлар учун палаталар ва касаллик ташҳиси аниқ бўлмаган беморлар учун алоҳида палаталар;

г) ёрдамчи хоналар: захм касаллиги билан оғриган беморлар учун алоҳида ажратилган идиш-товоқлар бўлган ошхона, овқатни тарқатиш хонаси, идиш ювиш хонаси (захм касаллиги билан оғриган беморлар учун ажратилган идишлар бошқа идишлардан алоҳида ювилади);

д) таносил касалликлари билан оғриган беморлар учун алоҳида хожатхона.

284. Қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари бўлимида имконият даражасида қуйидаги хоналар бўлиши лозим: кўрув, муолажа, боғлов, операция, операциядан кейин ётиш хоналари, эндоскопия, аудио-метрия ва вестибулометрия хоналари, 30 ва ундан ортиқ ўрин-жойли бўлимларда булардан ташқари ингалятор ва физиотерапевтик хоналар жиҳозланади.

285. Кўз касалликлари бўлимида қуйидагилар бўлиши лозим: дераза ойналари қора парда билан тўсилган кўрув хонаси, тиббий ускуналар ва офтальмоскопия учун хона, алоҳида операция хонаси, боғлов хонаси, деразалари қорайтирилган операциядан кейин ётиш мўлжалланган палата. Вирусли эпидемик кератоконъюктивит касаллиги билан оғриган беморларни даволаш юқумли касалликлар бўлимида амалга оширилади.

286. Руҳий касалликлар бўлими алоҳида бинода жойлашади, алоҳида бинода жойлаштириш имконияти бўлмаганда умумий даволаш биносининг пастки қаватида жойлаштирилади. Бўлимда маҳкумларни алоҳида сақлаш, барча турдаги руҳий касалларни хатти харакатларини назорат қилиш ҳамда тиббий ходимларни хавфсиз иш шароитини таъминловчи тегишли режим ўрнатилади. Бўлим таркибида ўткир руҳий касал ва руҳий ҳолати хуруж олган беморларни текшириш ва даволаш учун палаталар ҳамда 2та ўрин-жойга мўлжалланган алоҳида палата кўзда тутилади.

287. Асаб касалликлари бўлимини имкони борича бинонинг 1-қаватида ва физиотерапия хонаси билан ёнма-ён жойлаштирилади. Касалхонада руҳий касалликлар бўлими бўлмаса, асаб касалликлари бўлимида руҳий касал беморларни вақтинчалик сақлаш учун махсус алоҳида палата жиҳозланади.

288. Юқумли касалликлар бўлимида қуйидагилар бўлиши лозим: ювиниш жойи бўлган беморларни кўриб, қабул қилиш хонаси, ташҳиси аниқ бўлмаган беморлар учун алоҳида палата ва турли юқумли касалликлар учун палаталар, энг камида иккита хожатхона. Юқумли касалликларга чалинганларни лаборатория текширувлари касалхонанинг бактериологик ва бошқа лабораторияларида амалга оширилади. Бўлимда, касалхонада юқумли касалликлар тарқалишини, тиббий ходимларни юқумли касаллик билан зарарланишини ва юқумли касалликларни касалхонадан ташқарига тарқалишини олдини олиш бўйича доимий равишда керакли тадбирлар олиб борилади.

289. Гинекология бўлимида, боғлов хоналари, махсус кўрик хонаси ва аёллар учун хожатхонани (иссиқ сув билан) кўзда тутиш лозим бўлади.

290. Туғишдан кейинги сектор таркибида: боғлов хонаси, янги туғилган чақалоклар учун хона, туккан аёллар учун палаталар, изолятор ва санитария ювиниш (ванна) хонаси жиҳозланиши лозим.

291. Беморлар касалхонадан чиқмасдан даволанишлари учун, физиотерапия хонаси шу касалхонани биносида жойлашган бўлиши

керак. Ўзи юраолмайдиган касалларни физиотерапия ёрдами билан таъминлаш учун олиб юрадиган аппаратлар булиши лозим.

292. Функционал диагностика хонаси электрокучли курилмалари бор бинолардан узоқ бўлиши шарт. Хона электрокардиограф, фонокардиограф, реограф, асосий алмашиш, ташқи нафас функциясини аниқлайдиган ва аудиометрия аппаратлари билан жиҳозланади. Фотолаборатория ва хўжалик хонаси бўлиши керак.

293. Рентгенхонасини бошқа бўлимлар билан, айниқса жарроҳлик, терапевтик ва сил касали бўлимлари билан яхши алоқа бўлишини мўлжаллаб жойлаштириш зарур.

Йирик касалхоналарда фотолабораторияли стационар рентгенхоналар филиаллари бўлиши лозим, айниқса жарроҳлик ва сил касали бўлимларида, имконият бўлса қабул бўлимида ҳам. Ҳамма пайт нурга, электрик ва ёнғинга қарши ҳафсизлик тартиби қўлланиши керак. Хонани минимал жиҳозлари-иккита иш жойлик (рентгеноскопия ва рентгенография) рентгендиагностика стационар ускунаси, томограф қўшимчаси, химоя асбоблари (пардалар, қўлқоп, этаклар) шахсий дозиметрлар, негатоскоп ва фотолаборатория буюмлари. Йирик касалхоналарни рентгенлогик бўлимларида (кабинетларда) нурли терапия аппаратини ўрнатиш мумкин, радиациядан химоя қилиш чораларини қабул қилиб.

294. Касалхона лабораториясида қуйидаги кабинетлар бўлиши керак: умумий клиник, биохимик, бактериологик текширишларни ўтказиш учун (стерилизация, бокс ва тўйимли муҳидларни пишириш учун хоналар), керак бўлса серологик текширишларни ўтказиш учун ҳам; проба ва материалларни қабул қилиш, анализларни олиш ва текширув натижаларини бериш (регистратура) хоналари; реактив, идишларни ва жиҳозларни сақлаш учун хоналар. Биохимик текшириш ва нажас, сийдик, балғам анализларини ўтказиш хоналаридаги текширув материаллари турадиган шкафлар ичидаги ҳаво алмашиб туриши учун, улар махсус мосламалар билан ташқари ҳавога чиқарилган бўлиши керак.

295. Прозектор бўлими даволаш бўлимларидан, яшаш секциялардан, озика блокларидан узоқ ва алоҳидаги бинода жойлашган бўлиши керак. Бинода шифокорга алоҳида хона ажратилади ва гистологик лаборатория керакли ускуналар билан таъминланади.

296. Беморни ўлганини даволовчи ёки навбатчи шифокор хулоса берганидан кейин, жасадни прозектор бўлимига олиб борилади. Жасадга кузатувчи биркалар, ўлган вақтини, касалхона бўлимини,

фамилиясини, исмини, отасининг исмини ва ёштини кўрсатиб, бириктириб қўйилади. Боғлов, дренажлар ва ҳоказо жасадни ёришдан олдин олиб ташланмайди. Жасад билан бирга прозектор бўлимига унинг касаллик тарихи қўшиб олиб борилади. Ёрганда даволовчи шифокор ва даволаш бўлимини бошлиғи бўлиши керак. Патологоанатомик ташҳис ва эпикризи, ва шу қаторда ташҳисларни тўғри келиши керакли ҳисобот дафтарларига киритилади.

297. Барча ўлим ҳодисалари касалхонанинг даволовчи-назорат комиссияси, паталогоанатом иштирокида ўрганиб чиқилади. Комиссия касалликни кечишини, диагностик ва даволаш чораларини тўғри ва ўз вақтида ўтказилганлигини, аниқланган камчиликларни ва уларнинг сабабларини синчиклаб текшириб хулоса чиқаради. Хулосани комиссиянинг раиси касалхона бошлиғига ўлган бемор мурдаси ёрилгандан кейинги 15 кундан кечикмай етказилади.

298. Касалхонада шифокорларнинг малакасини ошириш ва касалларни диагностика ва даволаш сифатини яхшилаш учун клиник-анатомик мажлислар вақти-вақти билан ўтказилиб турилади. Клиник-анатомик мажлисларда ўлим ҳодисаларини ҳар томонлама кўриб чиқилади. Зарур бўлганда, бу мажлисларда иштирок этиш учун ЖИЭМлар тиббиёт бўлимлари шифокорлари жалб қилинади. Мажлисларда даволовчи шифокор касалликни ривожланиш ва кечиш хусусиятини, диагностик ва даволаш чораларини асослаб, батафсил айтиб ўтади. ИИВ Тиббиёт бошқармаси бош мутахассислари ўлган маҳкумни тиббий ҳужжатларини ўрганиш натижасида тайёрлаган тиббий хулосалари асосида, ўтказилган даволаш-профилактик чоратадбирлар, уларни ўз вақтида ўтказилганлигини ва самарадорлиги ҳақида маълумот берадилар. Мажлисда паталогоанатом-шифокор қуйидагилар бўйича ахборот бериши керак:

а) жасадни ёрилганда топилган ва аъзоларни гистологик текширувида аниқланган асосий ўзгаришлар;

б) топилган ўзгаришлар патогенезини ва ўлимга олиб келган сабаблар бўйича хулосани чиқариш;

в) клиник ва паталогоанатомик таққослаш;

г) даволаш-профилактика тадбирларидаги хатоликларни аниқлаш ва уларнинг сабабларини айтиб ўтиш.

Мажлис протоколини касалхонадан ажратилган ходим олиб боради.

КАСАЛХОНАДА ТИББИЙ-СТАТИСТИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

299. Касалхонада тиббий-статистик ишларни амалга ошириш учун тиббий-статистик хонаси ташкил этилади. Касалхонада тиббий-статистик ишларни ташкил қилишга касалхона тиббий-статистик хонаси бошлиғи раҳбарлик қилади.

300. Тиббий-статистик хонаси қуйидаги ишларни амалга оширади:

а) касалхонада юргизилиши лозим бўлган тиббий статистик ҳисобот журналларини юргизиш ишларини ташкил қилиш;

б) касалхонага келган, касалхонадан даволаниб кетган беморларни ҳисобини олиб бориш;

в) касалхонани ўрин-жой фондидан фойдаланиш, ўрин-жой режасини бажарилишини таҳлил қилиш;

г) касалхонада содир бўлган ўлим ҳолатларини, ҳар бир бўлим ва касалликлар тури бўйича статистик таҳлил қилиш:

д) касалхона бўлимлари тақдим этаётган статистик маълумотларни туғрилигини назорат қилиш;

е) касалхона бўлимлари ва бўлинмалари тақдим этган статистик ҳисобот маълумотларини умумлаштириш, касалхона фаолиятини асосий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш асосида касалхона бошлиғига маълумотномалар тайёрлаш;

ж) ИИВ буйруғи билан тасдиқланган тиббий ҳисобот шакллари бўйича касалхона фаолияти ҳақидаги ҳисоботларни тайёрлайди ва белгиланган муддатларда юқори турувчи тиббий органларга тақдим этилишини таъминлайди;

з) касалхона ёрдамчи хизматлари фаолияти натижаларини ҳисоблаб чиқиш.

КАСАЛХОНАНИНГ ЖИЭМ, ТУРМА ВА ТХ ТИББИЙ БЎЛИМЛАРИ БИЛАН АЛОҚАСИ

301. Касалхона мутахассис-шифокорларининг муассасалар тиббий бўлимлари билан доимий алоқаси, махсус контингентни даволаш-профилактика чоралари билан таъминлашни такомиллаштиради, шунингдек ўрин жой фондидан фойдаланиш самарасини оширади.

302. Мутахассисларни муассасаларга чиқиши юқори турган тиббий бошлиқни кўрсатмасига биноан амалга оширилади.

Мутахассисларни қайси тиббий бўлимга бориши касалланиш, тиббий бўлимларнинг иш юритиш тўғрисидаги маълумотлари ва тиббий ёрдам кўрсатишдаги хатолари ҳисобга олинган ҳолда ИИБ ЖИЭББ билан келишилади.

ЖИЭМ ва ТХлар тиббий бўлимларига чиқилганда касалхона-нинг шифокорлари қуйидагиларни бажарадилар:

а) тиббий бўлимларни тез ёрдам, бошқа ёрдам турларини ва ишларини (касалхонани ўрин-жой фондидан ва жиҳозлардан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар) ташкиллаштиришда ёрдам кўрсатади;

б) беморларни касалхонага режали ва шунингдек тиббий экспертиза мақсадида текширишга ётқизиш учун саралашга амалга ошириш;

в) тиббий бўлимлари ва касалхоналарда даволаш-профилактика чораларини ўтказиш бирлигини белгилайди, кўрсатма ва маслаҳат қабулларини ўтказиш, тиббий бўлимдаги беморларни кўриш, маҳкумларни тиббий текширувларда қатнашиш, тиббий ёрдам кўрсатишдаги хатоларни шифокорлар билан кўриб чиқиш;

г) касалхонада даволаниб қайтганларни аҳволини текшириб, уларга тавсия қилинган даволанишни ўтказилишини текшириш;

д) тиббий бўлимлари шифокорларига янги диагностик ва даволаш усулларини ўргатиш;

е) тиббий бўлимда қилинган ишлар ва махсус контингентни даволаш-профилактика таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар ҳақида юқори турган тиббий бошликқа маълум қилиш.

КАСАЛХОНАДА ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

303. Касалхонага келган беморларга тиббий ёрдам, улар соғлигини аҳволига қараб, қабул бўлими ёки даволаш бўлимларида кўрсатилади. Касалхона тез тиббий ёрдам кўрсатишга тайёр бўлиши учун, мутахассис-шифокорлар ва ўрта тиббий ходимларнинг касалхонадаги навбатчиликлари ташкил қилинади.

Касалхона бўлимларида қуйидагилар бўлиши шарт:

а) тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун жадваллар, йўриқномалар ва маълумотномалар;

б) тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳамма керакли нарса билан жиҳозланган шкаф;

в) зарур дори-дармонлар, эритмалар, зардоблар, шокка қарши ва қон ўрнини босувчи суюқликлар. Жарроҳлик асбоблари, боғлов материаллари, кислород ва бошқалар (жонлантириш ва тез тиббий ёрдам йўриқнома ва кўрсатмаларига мувофиқ).

304. Шифокорлар касалхонадан ташқарига тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун чақирилганда, қабул бўлимида (ҳамшира постида) махсус тиббий тўплам сақланади. Тўпламни тузиш, унинг таркибини назорат қилиш олдиндан ўтказилади. Таъминотга янги дори воситалари киритилиши билан тўплам таркиби шунга муносиб равишда ўзгартирилади ва тўлдирилади.

305. Ўткир касалликлар билан касалланган ва жароҳатланган беморларга ёрдам кўрсатиш учун, жарроҳлик бўлимида барча зарур нарсалар бўлиши керак. Операция хонасида камида иккита қорин бўшлиғи ёки кўкрак қафаси операциясига етадиган барча асбоб-ускуналар, боғлов материаллари ва чойшаблар бўлиши керак, шунингдек заҳирага консервланган қон, қон ўрнини босувчи суюқликлар, стерилланган эритмалар наркоз ва операция учун мос бўлган тиббий воситалар.

306. Терапия бўлимида тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча ўткир касалликлар ва ҳар хил патологик ҳолатларда: ўткир юрак ва томир етишмовчилиги (ўпка шиши, шок, коллапс) миокард инфаркти ва стенокардия, гипертоник криз, пароксизмал тахикардия, тўлиқ атриовентрикуляр блокада, ўпка ва ошқозондан қон кетиш, спонтан пневмоторакс, бронхиал астма, ҳар хил сабабли коматоз ҳолатлар, ўткир панкреатит, буйрак устидаги безни ўткир етишмовчилиги, анафилактик шок, ўткир инфекция ва захарланишлар, ҳар хил сабабли терминал ҳолатларда зарур бўлган асбоб-ускуналар ва дори-дармон воситалари шай ҳолатда бўлиши керак.

307. Беморга малакали тез тиббий ёрдам кўрсатаётган шахснинг ишини енгиллаштириш учун, барча дори воситаларни аниқ тартибда жойлаштириш керак. Махсуслаштирилган бўлимларда тез тиббий ёрдам бўлимнинг турига қараб амалга оширилади.

ТИББИЙ-НАЗОРАТ КОМИССИЯСИ

308. Тиббий-назорат комиссиясига касалхона бошлиғи раислик қилади (ёки унинг тиббий масалалар бўйича ўринбосари), комиссия таркибига бўлим бошлиқлари киради. Улар ҳар ойда беморларни текшириш ва даволаш сифатига баҳо беришади. Бунда қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) беморларни касалхонага ўз вақтида ва асосли ётқизиш;
б) тиббий бўлимда ўтказилган текширишлар ҳажми;
в) бемордан анамнез йиғишни, унинг кўригини ва касалхонада кузатишни сифати;

г) ташҳисни ўз вақтида қўйишга ва даवони тўғри тавсия қилишга ёрдам берадиган усулларни тўлиқ ишлатиш;

д) беморни бўлим бошлиғи (шифокорлар) ва маслаҳатчи шифокорлар томонидан ўз вақтида қўрилганлиги, бошқа мутахассисларни беморлар кўригида иштироки ва уларни тавсияларини бажариш;

е) ташҳисни ўз вақтида қўйиш ва унинг мантиқий асослаш;

ж) консилиумларни ўз вақтида ўтказиш ва уларнинг тавсияларини бажариш;

з) даволаш ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилганлиги;

и) даволаш чораларини (муолажаларини, операцияларни ва ҳоказо) ўтказаетганда жиддий ўзгаришларга олиб келган ҳатолар;

к) клиник-диагностик ҳатоларга олиб келиши мумкин бўлган сабаблар;

л) ташҳис қўйишдаги ҳатоларни аҳамияти;

м) зарур даволаш чоралари ўтказилмаганлиги ёки унинг ўз вақтида ўтказилмаганлигининг сабаблари;

н) тиббий ҳужжатларни юритилиш сифати;

о) касалхонада даволаниш муддати ва унинг давомийлиги (жуда қисқа ва жуда узоқ муддат касалхонада сақланиш сабабларини таҳлил қилиш).

309. Касалхона бошлиғининг вазифалари иловадаги касалхона бошлиғини намунавий хизмат вазифаларига мувофиқ белгиланади (4-илова).

КАСАЛХОНАДАГИ НАВБАТЧИ ШИФОКОРНИ ВАЗИФАЛАРИ

310. Навбатчи шифокор касалхона бўйича навбатчилик рўйхатига мувофиқ тайинланади. У касалхона бошлиғига бўйсунди ва унинг рухсатсиз навбатчиликни қолдиришга ёки бошқага топширишга ҳаққи йўқ.

Навбатчиликка қўйилган барча тиббий ходимлар навбатчи шифокорга бўйсунди. У навбатчиликка қўйилган шахслар сонини ва уларга юклатилган вазифаларни бажаришларини текширади.

Навбатчи шифокор қабул бўлимида (агар бор бўлса) ёки бошқа даволаш-диагностика бўлимида бўлиши лозим. Навбатчи шифокор тўсатдан касал бўлиб қолса шу тўғрисида касалхона бошлиғига ёки унинг вазифасини бажарувчи шахсга хабар беради.

Агар касалхона бошлиғи ёки унинг ўринбосари бўлмаса, навбатчи шифокор жуда зарур саволларни мустаққил равишда ҳал қилади.

311. Навбатчи шифокорнинг мажбуриятлари:

а) касалхонага (қабул бўлимига) келаётган барча беморларни кўриш, уларга керакли тиббий ёрдам кўрсатиш ва касалхонага ётқи-зишга кўрсатмалар бўлса, уларни касалхонани тегишли бўлимларига юбориш;

б) касалхонага ётқизиладиган ҳар бир беморга тиббий варақа тўлдириш;

в) беморни шахсий буюмларини санитария тозалаш ва дезин-фекциядан ўтказилишини назорат қилиш;

г) касалхонага шошилиш равишда ётқизиладиган беморларга жойлар етишмаса, қўшимча ётоқ жойларини ташкил қилиш ва жиҳозлаш;

д) касалхона бошлиғига оғир шикастланган, зўравонлик белги-лари бор бўлган, заҳарланган, касалхонага кеч ётқизилганлар ҳақида ҳамда оммавий касалланишлар, руҳий ва ўткир юқумли касалликлар, беморларни касалхонада тиббий ва маиший таъминлаш, текшириш ва даволашдаги аниқланган камчиликлар, касалхонада даволашга кўр-сатмаси бўлмаган беморлар ҳақида хабар бериш;

е) агар зарур бўлса белгиланган тартибда касалхонанинг мута-хассис-шифокорларини чақириш, тез тиббий ёрдам кўрсатишга мўл-жалланган тиббий анжомларнинг борлигини ва уларни иш ҳолатини текшириш;

ж) алоҳида назорат қилинишга муҳтож бўлган беморлар ва уларнинг ҳар бирига қандай тадбирлар ўтказиш зарурлиги ҳақида бўлимлар бошлиқларидан маълумотлар олиш;

з) бўлимларда оғир беморларни текшириш, уларга керакли ёрдам кўрсатиш;

и) тиббий ходимлардан беморлар аҳволи оғирлашгани ҳақида маълумотлар олинса, дарҳол тегишли тадбирларни ўтказиш;

к) ошхонада бериладиган маҳсулотнинг сифатини аниқлаш ва тайёр овқатлардан синама олиш, унинг сифати ва ошхона санитария ҳолати ҳақида хулосани журналда қайд этиш, яроқсиз озиқ-овқат

маҳсулотларини алмаштириш, тайёр овқатларни ўз вақтида берилишини назорат қилиш;

л) умумий бўлимда бўлган беморда инфекциян ёки рухий касаллик аниқланса, уни зарур тиббий тадбирлар билан таъминлаб ажратиш ёки бошқа бўлимга (даволаш муассасага) ўтказиш;

м) беморни ўлганини аниқлаш ва жасадни моргга ёки ўликлар учун ажратилган жойга ўтказишга буйруқ бериш, унинг тиббий варақасига ўлган вақтини, тахминий сабабини белгилаш, ўлган шахсни шахсий буюмлари бўлса далолатнома тузиш;

н) ёнғин, табиий офатлар ва ҳодисаларда, беморлар тартибни (5-илова) бузганда зарур буйруқларни бериш ва уларни бажарилишини текшириш, бўлган ҳодиса ва ўтказилган чоралар ҳақида касалхона бошлиғига, бошқа керакли шахсларга дарҳол хабар бериш.

Алмашувчи ва ишни бошловчи навбатчи шифокорлар белгиланган вақтда касалхона бошлиғига навбатчиликни топшириш ва қабул қилиб олиш ҳақида маълумот беради.

Юқорида айтилиб ўтилган навбатчи шифокорни мажбуриятлари касалхона бўйича навбатчилик қилаётган шифокор учун йўриқнома ўрнини боса олмайди, чунки йўриқнома шу қондалар асосида ЖИЭМ хусусияти, касалхонани жойлашиш ва ишлаш шароитларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Навбатчи шифокор беморларни ташвиш учун ажратилган санитар транспортнинг иш тартибини бошқаради.

КАСАЛХОНАДАГИ ДАВОЛАШ-ДИАГНОСТИКА БЎЛИМИ БОШЛИҒИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

312. Даволаш-диагностика бўлими бошлиғи касалхона бошлиғига ёки унинг тиббий қисм бўйича ўринбосарига бўйсунди. У беморларга ташҳисни тўғри ва ўз вақтида қўйилишига, текшириш ва даволаш усулини танлашга, беморларни касалхонадан чиқаришга ҳамда бўлимнинг санитария ва хўжалик ҳолатига жавобгардир.

313. Даволаш-диагностика бўлими бошлиғининг вазифалари:

а) ҳар ойлик эксперт баҳоси ўтказиш йўли билан, ўрин-жой фондидан самарали фойдаланиш бўйича бўлимнинг фаолият натижаларини таҳлил қилиш;

б) беморларга ва шикастланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун бўлимнинг шопилинч тиббий ёрдам кўрсатишга доимий тайёр бўлишини таъминлаш;

в) бўлим тиббий ходимларига уларнинг хизмат вазифаларини тақсимлаш ва бажарилишини текшириш;

г) бўлимдаги беморларни ўз вақтида ва тўлиқ текшириш ва даволаш, уларни тегишлича овқатланишини таъминлаш;

д) янги келган беморларни биринчи уч кун мобайнида шахсан ўзи кўриқдан ўтказиш, оғир беморларни келган куни ва кейинчалик ҳар куни кўриқдан ўтказиш;

е) беморларни консилиум, маслаҳат, ТМЭК ва махсус тиббий комиссия кўригига тақдим этиш масаласини ҳал қилади;

ж) беморларни касалхонадан чиқаришни ва бошқа бўлимларга ўтказиш масаласини ҳал этади;

з) касалхона умумий иш режасига ва касалхона бошлиғининг ёки унинг тиббий қисм бўйича ўринбосарининг кўрсатмасига асосланиб бўлимнинг ишларини режалаштириш;

и) беморларга ўз вақтида керакли текширишлар ўтказилаётганини назорат қилиб бориш;

к) бошқа даволаш-диагностика бўлимларида мутахассислиги бўйича маслаҳат ёрдамини бериш;

л) жарроҳлик бўлимидаги операцион бўлимнинг иш режасини тасдиқлаш, операция ўтказиш учун шифокор-жарроҳни, унинг ёрдамчиларини ва шифокор-анестезиологни тайинлаш;

м) беморларга бошқа бўлимларнинг шифокорлари томонидан бериладиган маслаҳат ёрдамини ташкиллаштириш, шунингдек ЖИЭМларга чиққан ТМЭК ва махсус тиббий комиссиялар иш фаолиятида қатнашиш учун ўзининг бўлиmidан шифокорларни ажратиш, зарур тиббий ҳужжатлар тақдим этилишини таъминлаш;

н) ординаторлар билан мунтазам равишда беморларни кўриш ва ҳафтасига бир марта бўлимнинг барча беморларини кўриб чиқиш, ординаторлар ишини беморлар ётган тўшаги олдида текшириш;

о) барча тиббий ҳужжатларнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини назорат қилиш;

п) даволовчи шифокор билан бўлимда ўлган беморларнинг жасадини ёриб кўришда қатнашиш;

р) ординаторлар касбий билимларини оширишда доим ёрдам бериш, улар малакасини ошириш устида ишлашини назорат қилиш;

с) дори-дармонларни тўғри ва ўз вақтида ёзиб берилишини назорат қилиш, шунингдек бўлимни зарур буюмлар билан таъминлаш;

т) ҳар ойда камида бир марта гиёҳвандлик ва қаттиқ таъсирчан воситаларни сақлаш, ҳисобга олиш ва тарқатиш тартибини текшириш;

у) бўлимдаги беморларга қасалхона ошхонасидан келаётган тайёр овқат маҳсулотларини сифати ва миқдорини доимий текшириб туриш;

ф) ЖИЭМларга даволаш-профилактика ишлари бўйича ёрдам кўрсатиш учун бориш;

х) бўлимнинг маълумотлари асосида муассасаларда касалликни келиб чиқиш сабабини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш учун аниқ тавсияномаларни ишлаб чиқиш;

ц) тиббий ходимлар ишини, шифокор тавсияларини тўғри бажарилишини ва беморларни тўғри парвариш қилинаётганини текшириш;

ч) касалхона бошлиғи ёки унинг ўринбосарига қуйидаги ҳодисалар ҳақида дарҳол изох беради: беморларда руҳий ўзгаришлар, захарланишлар, қаттиқ шикастлар, умумий бўлимларда аниқланган инфекция беморлар, бўлимларда қутилмаган ҳодисалар ва шу сабабдан ўтказилган чоралар, суд-тиббиёт экспертиза таъкилотлари кўригига мувофиқ ҳодисалар ва ўлган беморлар аниқланса;

ш) бўлимнинг иши ҳақида белгиланган муддатларда ҳисоботларни тайёрлаш.

IX-БОБ. АЙРИМ КАСАЛЛИКЛАРДА ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРЛАРИ

Руҳий бузилишлар

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик

Тери ва таносил касалликлари

Сил касаллиги

Жароҳатланиш ва захарланиш

РУҲИЙ БУЗИЛИШЛАР

314. Махсус контингент орасида руҳий ўзгаришлари бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш, уларни даволаш ва ўзгаришларни қайталанмаслиги тадбирларини кўриш (психопрофилактика) бу шахсларнинг руҳий саломатлигини асрашга, уларни тарбиявий ва меҳнат тадбирлари жараёнига самарали киришишлари учун ҳамда руҳий

етишмовчиликлари бўлган шахслар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга имконият яратади.

315. Тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида руҳий етишмовчиликлари бўлган шахсларни аниқлаш бўйича қуйидаги тадбирлар олиб борилади:

а) шифокор махсус контингентни тиббий кўриқдан ўтказишидан олдин, бу шахс қамалишига қадар психоневрологик диспансер (ПНД) ҳисобида турган-турмаганлигини, суд-психиатрик экспертизага юборилаётганларни ёки шундай текширув ўтган шахсларни аниқлаш учун йиғма жилдлари материаллари ва тиббий ҳужжатларни ўрнатилган тартибда ўрганиб чиқади;

б) зарур ҳолларда ПНДлардан диспансер ҳисобида турган беморлар амбулатория дафтарчасидан кўчирма ва суд-психиатрия экспертизасини ўтказган муассасадан экспертиза хулосалари нусхаси сўралади;

в) маълум руҳий ўзгаришлар борлигига гумон қилинганда муассаса шифокорлари ўзларининг диагностик хулосаларини тахминий мўлжаллаб чиқаради. Текширилаётган шахсда руҳий ўзгаришлар бор ёки йўқлигини тўлиқ аниқлаш фақат психиатр шифокорнинг ҳуқуқ доирасига киради. Муассаса штатлари таркибида психиатр шифокори лавозими бўлмаса, бу мақсадлар учун ИИБ, ИИББ, ИИБнинг ёки маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари даволаш-профилактика муассасаларининг психиатр-шифокорлари жалб этилади;

г) руҳий аҳволи бирдек бўлмаган шахслар, невротик мазмундаги шикоятлар билан тез-тез мурожаат қилувчилар ёки юриш-туришида ўзгаришлари бўлган шахслар (тез қизишиб кетувчилар, тез-тез маънисиз ҳаракатлар қилувчилар, муассасада маҳкумларни сақлаш тартибини тез-тез бузувчилар, жанжалкашлар ва бошқалар) ҳамда ПНД ҳисобида бўлганлар, суд-психиатрия экспертизаси хулосасига кўра ўз ҳаракатларига жавоб бера олган, лекин руҳий етишмовчиликлари бўлган шахслар психиатр-шифокорининг чуқур тиббий текширувидан ўтишлари керак.

316. Руҳий аномалияси бор бўлган шахслар аниқланганда, уларга нисбатан диспансер кузатуви амалга оширилади.

317. Тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган руҳий касалларни даволаш амбулатор шароитида ёки тиббий бўлим стационарида ўтказилиши мумкин. Суд-психиатрия экспертизаси белгиланган шахсларни руҳий касаллиги бўйича даволаш, фақатгина ўтқир психотик ҳолатларда, тутқаноқ бўлганда ва

оғир руҳий декомпенсация ҳолларида ўтказилади. Шуурсиз (ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва бошқара олмайдиган) деб топилган шахсларни (суд ҳукми билан уларнинг тақдири белгилангунча) тиббий бўлимнинг стационарида даволаш ва сақлаш албатта бошқалардан ажратилган ҳолда амалга оширлади. Муассаса тиббиёт бўлими стационарида бўлган руҳий касаллар психиатр шифокори томонидан ҳар куни кўрилади. Муассасада психиатр шифокори лавозими бўлмаса руҳий касалликларни даволаш тадбирлари тиббиёт бўлими бошлиғи ёки ИИВ, ИИББ, ИИБ поликлиникалари психиатр-шифокорлари маслаҳатлари асосида терапевт шифокор томонидан олиб борилади. Тиббий кўрик натижалари стационар беморни тиббий ҳужжатларига ёзиб борилади. Бемор стационардан чиқаётган вақтда батафсил эпикриз тузилиб, беморнинг амбулатор дафтарчасига кўчирилади.

318. Ўткир психотик ҳолатлардаги ва тез-тез декомпенсация бўлиб, тиббий бўлим стационари шароитида узоқ вақт даволанишига қарамай касаллик кўринишлари ўтиб кетмаётган ҳолларда стационар ёрдам ЖИЭББ РК психиатрия бўлимларида ўтказилади. Ўткир психотик ҳолатдаги беморлар шифокор томонидан ҳар куни кўрилади ва унинг аҳволи ҳақида тиббий дафтарчасига ҳар куни ёзилади, ўткир ҳолатдан чиққач бемор уч кунда бир марта кўрилади ва бу ҳақда тиббий дафтарчасига ёзилади. Бемор стационарда узоқ ётиб қолганда ҳар 3 ойда, шу ўтган вақтга эпикриз ёзилади. Бемор касалхонадан (бўлимдан) чиқарилаётганда тўлиқ умумлаштирилган эпикриз, ўтказилдиган амбулатор кузатуви, даволаниши ва касаллигига қараб ишга жойлаштириш саволларини ичига олган тиббий маслаҳатлари кўрсатилиб тузилади.

319. Сурункали руҳий касаллиги туфайли жазо ўташдан муддатидан олдин озод қилиниши мумкин бўлган беморни стационар шароитда чуқур ва ҳар томонлама текширилиши мажбурий ҳисобланади. Стационар шароитда чуқур тиббий текширувдан ўтганидан сўнг, беморга камида иккита врач-психиатр иштирокида психиатрик кўрик далолатномаси тузилади ва у ИИВнинг Махсус тиббий комиссияси кўригига тақдим қилинади. Кўрик натижалари бўйича ИИВ Махсус тиббий комиссияси маҳкумни касаллиги туфайли муддатидан илгари жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш мумкинлиги ҳақида тиббий хулоса чиқарса, бу касаллар аввал сақланаётган жойларига қайтарилмайди, муассаса тақдимномасига асосан суд идоралари томонидан узил кесил ечими бўлмагунча касалхонада (бўлимда) сақланади.

Агар маҳкумга тиббий йўсиндаги чора кўрилиб мажбурий даволаниш қўлланиладиган бўлса, умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасига ёки кузатуви кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасига юборилади.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЁҲВАНДЛИК

320. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш белгиланган маҳкумлар фақатгина шундай даволаниш учун ихтисослаштирилган махсус жазони ижро этиш муассасасига юборилади. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш суд қарори (ҳукми) асосида махсус муассаса тиббий бўлими стационарида психиатр-нарколог шифокори томонидан ўтказилади. Психиатр-нарколог йўқ бўлган ҳолатларда шундай даволанишни тиббий бўлим бошлиғи ёки терапевт шифокори ташкил этади.

321. Суд қарори (ҳукми) билан ичкиликбозлик ва гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш белгиланган маҳкум ЖИЭМга келганидан сўнг 3 кун муддат ичида психиатр-нарколог шифокори кўригидан ўтказилиши шарт. Психиатр - нарколог шифокори биринчи суҳбат чоғидаёқ бемор маҳкумни муассасада мажбурий даволанишни ташкиллаштирилганлиги ва уни ўтказишни асосий қондалари билан таъиништиради. Бу маҳкумлар диспансер ҳисобига қўйилади, бу тоифадаги ҳар бир маҳкумга руҳий касалларга расмийлаштириладиган диспансер кузатуви назорат варақаси ва наркологик беморнинг тиббий амбулатор варақаси тузилади. Даволаш, ичкиликбозликка (гиёҳвандликка) қарши ўтказиладиган даволаш жараёнининг охиригача узлуксиз бўлиши керак. Алкоголга қарши ўтказилган фаол даволаниш даври тугагач шу эришилган натижани ушлаб турадиган амбулатор даволаш услублари қўлланилади. Интизом бўлинмалари, камера типидagi хоналарда сақланаётган маҳкумларга алкогольга қарши режалаштирилган махсус даволаш тадбирларини ўтказиш тавсия этилмайди.

322. Беморнинг даволанишдан бош тортиши муассасада сақланиш тартибини жиддий бузилиши бўлиб, маҳкумга ўрнатилган тартибда жазо чоралари қўлланади. Шунда барча психотерапевтик таъсир чоралари қўлланиб бўлингач ҳам маҳкум даволанишдан бош тортса, уни тиббий бўлим бошлиғи тавсиясига кўра муассаса бошлиғи ҳуқуқлари билан жазоланади.

323. Даволаниш даврида бемор «даволанишни бузса» яъни «алкогол ичимлигидан ичиб қўйса» уларга қайтадан рецидивга қарши даволаш ўтказилади. Даволанишни бузилиши деганда, бу мажбурий даволанишда бўлган маҳкумни спиртли ва ўзлари қўлда тайёрлаган турли хил ичимликлар, наркотиклар, бошқа маст қилувчи ичимликларни қабул қилиши тушинилади.

324. Мажбурий даволаниш курсларини тугатмаган маҳкумларни махсус жазони ижро этиш муассасаларидан бошқасига ўтказиш ис-тисно тариқасида айрим ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолларда беморни аҳволи тўғрисида ва ўтказилган алкогольга (гиёҳвандликка) қарши даволаниш ҳақида батафсил эпикриз тузилади.

325. Суд қарори (ҳукми) билан мажбурий даволаниш белгилан-маган маҳкумларда сурункали ичкиликбозлик (гиёҳвандлик) касал-ликлари аниқланганда, уларга ўз хоҳишлари билан алкогольга (гиёҳ-вандликка) қарши даволаниш ўтишлари таклиф қилинади. Ўз хоҳиши билан ичкиликбозлик (гиёҳвандлик)дан даволаниш маҳкум жазони ўтаётган муассасада ўтказилади. Маҳкум ўз хоҳиши билан давола-нишдан бош тортганда муассаса тиббий бўлим бошлиғи, психиатр-нарколог шифокори ва терапевт шифокоридан ташкил топган комис-сия тиббий кўрик ўтказиши ва хулоса чиқаради. Шу хулоса асосида муассаса маъмурияти ҳудудий суд идораларидан тиббий характер-даги мажбурий даволаш чораларини қўллаш ҳақида таклиф киритади.

326. Мажбурий даволанишни тўхтатиш муассаса тиббий комис-сиясининг мажбурий даволанишни тутаганлиги ҳақидаги хулосага асосан, муассаса бошлиғи киритган тавсиясига кўра судлар томони-дан чиқарилган қарор билан амалга оширилади. Мажбурий давола-нишни тўхтатиш масаласини ҳал қилишга тиббий комиссиянинг хулосаси асос бўлади.

327. Ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликдан мажбурий даволаниш ўтган маҳкум жазо ўташдан озод бўлаётган барча ҳолларда тиббий бўлим, маҳкум озод бўлишидан 1 ой олдин у бориб яшайдиган ҳу-дуддаги соғлиқни сақлаш идораларига ичкиликбозликка (гиёҳванд-ликка) қарши ўтказилган даволаниш ва унинг самаралари ҳақида наркологик беморни амбулатор дафтарида кўчирма юборади.

328. Мажбурий даволаш қўлланилган маҳкум, шартли озод қилиш туфайли, афв этиш ёки амнистия ҳамда касаллиги туфайли жазодан муддатидан илгари озод бўлганда, шунингдек унга жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилганда, тиббий бўлим маҳкум

озод бўлгандан кейинги 3 кун ичида унинг тиббий амбулатор дафтаридан кўчирмани мажҳум борадиган манзилга юборади.

ТЕРИ ВА ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ

329. Тергов ҳибсхонасига келтирилган ҳар бир шахс таносил ва бошқа юкумли тери касалликларининг белгилари бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида синчиклаб тиббий кўриқдан ўтказилиши керак. Бошнинг сочли қисми, оғиз бўшлиғининг шиллиқ қавати, жинсий аъзолар, анус атрофи ва бўйин соҳалари, жағ ости, ўмров усти ва ости, қўлтик ости, чов соҳаси лимфа тугунлари пайпаслаб кўрилади. Захм, сўзак ва бошқа таносил касалликлари бор, деб гумон қилинган шахсларни касаллигини тасдиқлаш ёки истисно этиш учун, албатта дерматовенеролог шифокори кўриши шарт.

330. Тергов ҳибсхоналарига келтирилган барча контингент захмга мажбурий серологик текширувдан ўтказилиши шарт. Сўзакка доир клиник-лаборатория текширувларидан, Жиноят кодекси 113-моддаси қўлланилган шахслар ва аёллар ўтказилиши керак.

331. Туғма захмни олдини олиш мақсадида тергов ҳибсхоналарида ва ЖИЭМларда барча ҳомиладор аёлларни хоми-ладорликнинг биринчи ва иккинчи ярмида мажбурий серологик текширувдан ўтказилади (ҳомиладор аёлнинг ҳисобга туриш учун биринчи бор акушер-гинекологга мурожаат қилганда) ва ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида (ҳомиладорликнинг 6-7 ойларида). Агарда ҳомиладор аёлда захмга гумон бўлган тошмалар аниқланса ёки қонда серореакциялар мусбатлиги аниқланса акушер-гинеколог ташҳисни аниқлаш мақсадида дарҳол дерматовенеролог шифокор билан маслаҳатлашиши шарт.

332. Захм серодиагностикаси, 3 реакцияни ўз ичига олган ҳолда, комплекс равишда олиб борилиши керак: Вассерман ва 2та чўкинди (Кан ва микрореакциялар). Серодиагностика комплекси захм билан зарарланганликнинг максимал аниқлашга имкон беради, чунки захмни ҳар хил турида серологик реакцияларнинг сезгирлиги ҳар хил бўлади.

Серодиагностика комплекси ўтказишга имконият бўлмаса экспресс-метод билан диагностика, яъни қон плазмаси зардоби ва кардиолипин антигени билан микрореакция қилинади.

Яширин захмни ташҳислаш учун ОТИР (РИТ) ва ИФР (РИФ) усулларидан фойдаланилади. ОТИР (РИТ) ва ИФР (РИФ) ...

ларини «мусбат» натижалари захм ташҳисини тасдиқлайди. Буни айниқса, беморларда стандарт серологик реакциялар кучсиз мусбат ёки тургун бўлмаганда назарга олмоқ муҳим аҳамиятга эга.

Қонни ОТИР (РИТ) ва ИФР (РИФ)га текширишни имкони бўлмаса, аммо классик серологик реакциялар 2 мартаба текширилганда ҳам мусбат бўлган бўлса (10-14 кун оралик текширувда ва мусбат реакциялар кузатиладиган касалликлар бўлмаган ҳолларда) яширин захм ташҳиси қўйилади ва захмга оид даво тайинланади.

333. Текширувдан ўтказилаётган шахснинг йиғилган анамнезида, у жинойи жавобгарликка тортилишига қадар таносил касаллиги бўйича даволаш ўтганлиги ёки тери-таносил касалликлари диспансерида ҳисобда турганлиги ҳақида ахборот бўлса, тергов ҳибсхонасининг тиббиёт бўлими 3 кун ичида кўрсатилган муассасага касаллик ташҳиси, ўтказилган даволаш ва серологик назорат муддатлари ҳақида сўров хати юборади. Бундай касалларни даволаш ёки серологик назорати, тергов ҳибсхонасининг тиббий бўлимда, олинган жавобларга мувофиқлаштириб ўтказилади. Бундан ташқари, илгари таносил касаллиги билан оғриганлигини даъво қилаётган, аммо таносил касалликларининг ташқи белгилари бўлмаган шахс, серологик реакциялар комплексига, имкони бўлса ОТИР (РИТ) ва ИФР (РИФ)га текширилади. «Мусбат» натижалар олинса беморга яширин захм ташҳиси қўйилиб, уларни даволаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

334. Таносил касаллиги якуний ташҳиси қўйилгандан кейин ва қарши кўрсатмалар бўлмаса беморга тезкор равишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда даволаш тайинланади. Таносил касалликлари ташҳиси қўйилган шахс, ташҳис қўйилган вақтда, даво олаётган вақтда, то серологик назоратдан чиқарилгунча касал, деб ҳисобланади.

335. Агар таносил касаллиги ташҳиси тергов ҳибсхонасида биринчи бор аниқланган бўлса, тиббий бўлим уч кун муддат ичида бемор ҳибсга олингунга қадар яшаган жойидаги тери-таносил касалликлари диспансерига у билан жинсий ва маиший алоқада бўлганларни таносил касаллигига текшириш зарурлиги ҳақида хабарнома юборади. Агар захм билан касалланган бемор ҳибсгача яшаш жойидаги тери-таносил диспансерида специфик даволаш олаётганида у бузилган бўлса ҳамда навбатдаги даволаниш курсидан кейинги узилиш 3 ойдан ошган бўлса, даволаниш тергов ҳибсхонасида қайтадан янгидан ўтказилади.

336. Беморни таносил касаллигидан кейинги назоратдан чиқариш ЖИЭББ Республика касалхонаси Тери-таносил касалликлари бўлимида амалга оширилади.

337. Аёлларда сўзакни аниқлаш учун, текширувга материал зарарланиш ўчоғини уч нуқтасидан олинади (цервикал канал, уретра, кин). Сўзакка текширилаётган аёлда асосий эътибор жинсий аъзоларда сурункали ялиғланишни бор ёки йўқлигига қаратилади. Бунда, албатта аралаш провакация усуларидан фойдаланилади. Аралаш провакацияни асосий турларига: биологик (гоновакцина, пирогенал юбориш); термик (диатермия); эркакларда-механик (бужлаш, бужда уқалаш) алиментар ва химик (проторгол, кумуш нитрат зритмалари). Аёлларда физиологик провакациядан ҳам фойдаланилади (хайз).

Беморда ажралмадан гонококк топилмаса, аммо анамнези ва клиникаси шубҳа тугдирса, бундай бемор сўзакка «шубҳали» деб ҳисобланади. Ушбу беморлар сурункали сўзак касаллигини даволаш схемаси бўйича профилактик даволанадилар.

50-60% ҳолатда сўзак билан оғриётган аёлларда гонококк, кин трихомонадаси билан симбиозда (эндоцитоз ҳодисаси) бўлишини ҳисобга олиб, сўзак билан бирга трихомониазга қарши даволаш ҳам қўлланилади.

Бесоқолбозлик (гомосексуализм) аниқланган шахсларда одатий текширувлардан (юқоридагилардан) ташқари тўғри ичагидан ҳам материал олиб текширилади. Йирингли ажралмалар бўлса, суртма оддий ҳолатда олинади, бўлмаса ювилган сувларни экиш усули билан текширилади (озиқ муҳитга экиш). Экиш, антибактериал препаратлар ва маҳаллий антисептик воситалар ишлатилгандан кейин, камида 7-10 кун ўтгандан кейин ўтказилади.

338. «Таносил касаллиги» ташҳиси қўйилгандан сўнг бемор билан касаллик хусусиятлари, даволанишнинг зарурлиги, ўзини тутиш қоидалари, даволаниш муддатлари, кузатув назорати ва таносил касалликлари билан касалланган шахс жавобгарликлари, уларни гигиенаси ҳақида суҳбат ўтказилади. Бир вақтни ўзида таносил касаллиги билан касалланган шахсга, огоҳлантириш варақаси тўлдирилади, унга бемор ва шифокор имзо қўядилар. Огоҳлантириш варақаси беморни тиббий амбулатор дафтарчасига ёки беморнинг стационардаги тиббий дафтарчасига тикиб қўйилади. Захм билан касалланган беморлардан бошқаларга қуйиш учун қон олиш, даволаниш вақтида ҳам руйхатдан чиқарилгандан кейин ҳам тақиқланади. Шифокор

беморни огоҳлантирувчи варакага имзо қўйишга имконият яратиб бериши керак.

339. Таносил касаллиги ташҳиси аниқланса, ТХ, ЖИЭМ тиббий бўлимлари 24 соат ичида ИИВ, ИИББ, ИИБ, санитария-эпидемиологик хизматига тезкор хабар бериши шарт.

340. Таносил касаллигига чалинган бемор тергов ҳибсхонасидан ихтисослаштирилган ЖИЭМга ўтказилишидан олдин, шифокор-дерматовенеролог ёки шифокор-терапевт беморнинг тиббий амбулатор дафтарчасига кейинги ўтказиладиган даволаниш ва назорат кузатуви ҳақида тавсиялар берилган босқич эпикризи шаклида ёзув ёзилади.

341. Таносил касалликларига чалинган беморлар ЖИЭМга келиши билан кейинги даволаниш ва серологик назоратни ўтказиш учун диспансер ҳисобига қўйилади. Агарда тиббий бўлимда шифокор-дерматовенеролог бўлмаса таносил касалликларига чалинган беморларни даволаш ва серологик назоратини олиб бориш терапевт ёки гинекологга (аёллар ЖИЭМида) юклатилади.

342. Захм, сўзак ва бошқа таносил касалликларига чалинган ва тўла-тўқис махсус даволаниш курсини олган ҳамда превентив даволанган шахслар клиник-серологик назоратга қўйилади.

Захмининг эрта босқичлари билан касалланган бемор билан жинсий ёки маиший алоқада бўлган шахсларга, превентив даволаш ўтказилади ва бундай шахслар 3 ой мобайнида клиник-серологик назоратда бўлишади ва бир маротаба клиник-серологик назоратдан ўтказилади.

Бирламчи серонегатив захм билан оғриган беморлар 6 ой мобайнида серологик назоратда бўлади.

Бирламчи серопозитив ва иккиламчи янги захм билан оғриган беморлар клиник-серологик назоратга 1 йил муддатга қўйилади, агарда даволаш вақтида ёки ундан кейин қонни негативацияси 3 ой мобайнида ижобий томонга ўзгарган бўлса. Агарда негативация суст бўлса (яъни 3 ойдан 1 йилгача) унда сероназорат яна 2 йилга узайтирилиши мумкин.

Иккиламчи рецидив, учламчи, яширин (эртанги, кечки, аниқланмаган) висцерал ва нейрозахм билан оғриган беморлар 3 йил муддатга серологик назоратга олинади. СРК 2 йил мобайнида ҳар чоракда, 3 йили эса 6 ойда 1 марта ўтказилади. Агарда қонда СРК, ОТИР (РИТ), ИФР (РИФ) негативацияси 3 йилдан олдин ижобий бўлса (6 ой

мобайнида манфий бўлса), беморни муддатидан олдин ҳам сероназоратдан чиқариш мумкин.

Диспансер ҳисобида турган гомосексуллардан захм касаллигига ҳар 6 ойда СРКга қон олиб турилиши керак.

343. Жазони ижро этиш муассасаларида хавф гуруҳига (бесоқол-бозлар) олинган ва шу сабабли серологик назоратда бўлган маҳкумлар ҳамда қайта серологик текширувдан ўтмаган шахслар захм касаллигига серологик текширувдан ўтказилади.

344. ЖИЭМда захми юқумли формалари ва бошқа жинсий алоқа орқали юқувчи касалликлар аниқланса бемор тезкор ҳолда изоляция қилинади. Захми юқумли формалари (бирламчи захм, иккиламчи янги рецидив захм) эрта яширин захм (биринчи маротаба аниқланган) булардан ташқари, асоратланган ва сурункали сўзак ташҳиси қўйилса бемор қисқа вақт ичида маҳкумлар учун касалхонага юборилиши шарт.

Таносил касаллиги аниқланган беморларни ЖИЭМ касалхонаси тери-таносил бўлимига ёки бошқа бўлимларга (терапия, юқумли касалликлар бўлими) алоҳида хона ва жой ажратиб жойлаштирилади. Таносил касалликлари бор беморларни касалхонага юборишни имкони бўлмаса ЖИЭМ тиббий бўлим стационарига алоҳида хона ажратиб ётқизилади. Бундан ташқари тиббий кўрсатма бўйича қайта даволаниш курсини олиши керак бўлган ва захм касали бор одам билан жинсий алоқа қилган беморлар ҳам госпитализация қилинади. Захм касалиги оқибатида ички аъзолари ва асаб тизими зарарлаган беморлар шифокор-дерматовенеролог маслаҳатидан кейин маҳкумлар учун махсус касалхоналарда специфик даво оладилар, ички аъзолар захмида- терапия бўлимида, асаб тизими захмида-неврология бўлимида. Кўрсатиб ўтилган беморларга специфик даво Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиблар асосида ўтказилади. Бемор стационар шароитда даволаниб бўлганидан сўнг, таносил касаллигига чалинган маҳкумларни сақлаш ва даволаш учун ихтисослашган ЖИЭМга юборилади(7-илова). Сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик туфайли мажбурий даволаш белгиланган маҳкумда захм касаллиги аниқланса, у стационар шароитда даволанганидан сўнг, сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик касаллигига чалинган маҳкумларни сақлаш ва даволашга ихтисослаштирилган ЖИЭМга (7-илова) юборилади.

345. Юқумли тери ва таносил касалликлари туфайли даволанаётган ва касаллиги хали юқумли ҳисобланган маҳқумлар манзил колониясига юборилмайди.

346. Юқумли тери ва таносил касалликлари билан оғриган маҳқумларга учрашувлар шифокор руҳсати билан берилади.

347. Маҳқум узокроқ давом этадиган учрашув вақтида таносил касаллиги юқтирган хол аниқланганда, ЖИЭМ тиббий бўлим эхтимол этилаётган касаллик юқиш манбаини таносил касаллигига текшириш зарурлиги ҳақида тери-таносил касалликлари диспансерига хабарнома юборади.

348. Жазо ўташ муддати тугаётган, диспансер ҳисобидан чиқарилмаган бемор ҳақида ЖИЭМ тиббий бўлим улар озод бўлишидан 1 ой олдин, озод бўлаётган маҳқум танлаган турар жой тери-таносил диспансерига касални ташҳиси, олган давоси ва қанча муддат сероназоратда бўлгани ҳақида ахборотнома юборади.

349. Агарда таносил касаллиги билан зарарланиш оммавий тус олса, муассасада эпидемияга қарши комплекс чоралар кўрилатган вақтда, маҳқумлар устидан кучайтирилган тиббий кузатув олиб борилади. Бир вақтда касалланганлар ва улар билан жинсий алоқада бўлганлар изоляция қилинади. Бемор билан яқин мулоқотда бўлган маҳқумлар мутахассис-шифокорлар ёрдамида серологик реакцияларни қўллаган ҳолда профилактик текширувдан ўтказилади. Шифокор-дерматовенеролог хулосаси бўйича мақсадли кўрик 3 ойда қайтарилади, бадан текширувлари 2 ой мобайнида ҳар ҳафтада ўтказилади. Таносил касали ўчоғида эпидемияга қарши чоралар (изоляция, госпитализация, касаллик манбаини аниқлаш, алоқада бўлганларни топиш) ИИБ, ИИББ, ИИБ СЭХ назорати остида ЖИЭМ тиббий бўлимлари зиммасига юклатилади.

350. Терининг йирингли касалликлари билан курашишда комплекс профилактик ишларни бажариш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун гигиеник режимни сақлаш, ишлаб чиқариш ва маиший шароитларни яхшилаш ва пиококк инфекциясига олиб келадиган сабабларни истисно қилиш керак. Терининг гигиеник парвариш қилиш ва унинг нормал ҳолати йирингли касалликларни олдини олишда катта аҳамиятга эга. Ишдан кейин терини парвариш қилиш керак. Санитар тозалаш жойларида шахсий мочалкалардан фойдаланиш керак. Кирни ювгандан кейин, албатта, дазмоллаш зарур. Ишлаб чиқариш корхоналарида жароҳатлар олинганда ўз-ўзига ва бошқаларга ёрдам кўрсатиш қоидаларини ўргатиш керак. Корхона усталарида тез ёрдам

аптечкалари сақланиши керак. Терининг йирингли касалликларини олдини олиш учун ишчилар шахсий ҳимоя воситаларини (ҳимоя суртмалари, пасталар, кремлар) ишлатиш керак. Ишдан олдин пасталарни ювилган қўлни терисига бир текисда суртилади. Ишдан кейин пасталар илиқ сув ва совун билан ювилади. Организмнинг инфекцияга ҳимоя кучларини кўтариш учун, ЖИЭМда йилнинг қишки-баҳорги пайтларида таомларни С-витамини билан тўйинтириш керак. Бу тадбирни бажарилишини доимо назорат қилиш тиббий ходимларга юклатилади.

351. Оёқ-панжа микози билан курашишда касаллик эпидемиологик занжирининг барча халқаларига таъсир қиладиган комплекс тадбирлар кўзда тутилган бўлиши керак. Оёқ-панжа микозлари билан курашишни ташкил қилишдаги асосий формалар: аниқлаш, руйхатга олиш, даволаш, диспансер кузатуви, санитария-гигиеник шароитларни яхшилаш ва санитария оқартув ишларини олиб бориш. Муайян гуруҳларни (ҳаммомчилар, иссиқ цех ишчилари, ҳар куни душга кирадиган шахслар) текширувдан ўтишлари катта аҳамиятга эга. Ҳамма аниқланган беморлар дерматовенеролог маслаҳатидан кейин, улар сақланиши белгиланган муассасаларда даволанишга жалб қилинадилар. ЖИЭМ тиббий бўлимларида оёқ-панжа микози билан оғриган беморларга диспансер варақалари очилади. Оёқ-панжа микозларини олдини олишда санитария тозалаш жойларидан ўтаётганда, ёғочли тагликларни резинали ёки пластмасса гиламчалар билан алмаштирилиши керак, чунки улар гигиеник бўлиб осон зарарсизлантирилади, дезинфекция қилинган ва ҳаммом пойафзалидан фойдаланилганидан сўнг уни дезинфекциядан ўтказиш катта аҳамиятга эга. Ҳаммомда оёқни ювиш учун белгиланган тослар бўлиши керак. Оёғи терлайдиган шахслар ҳар куни оёғини совуқ сув ва совун билан ювишлари, тирноқларни олишлари, пайпоқларини ва пайтаваларини тез-тез ювиб туришлари керак. Оёғи терлайдиган шахслар резинали этикларини ва синтетик пайпоқларини киймасликлари керак.

352. Қўтирни олдини олишни асосий чоралари-бу амбулатор қабулларда (ЖИЭМ ва ТХ тиббий бўлимларида) беморларни эрта аниқлаш. Агар тиббиёт ходими қўтир билан оғриган беморни топса, уни тезда алоҳида қилиб даволашни бошлаш керак. Бир вақтда беморни кийими, ўрин кўрпаларини (камерали) дезинфекция қилиш керак. Камера бўлмаса устки кийимларни очик ҳавода шамоллатиш, ички кийимларни эса дазмоллаш керак. Қўтир аниқлангандан сўнг алоқадор шахсларни пухта текшириш керак.

СИЛ КАСАЛЛИГИ

353. Силга қарши курашишни ташкиллаштиришда муассаса тиббий хизматининг асосий мақсадига силни эрта аниқлаш, олдини олиш ва даволаш чораларини кўриш киради. Бунинг учун куйидаги тадбирларни ўтказиш зарур бўлади:

а) рентгенофлюорография орқали сил касаллигига чалинган беморларни ўз вақтида аниқлаш;

б) қисқа вақтда фаол сил касаллигига чалинган беморларни ажратиш;

в) сил билан оғриётган беморларни стационар ва амбулатор шароитларда замонавий воситалар ва методлар билан даволаш;

г) сил касали билан рўйхатда турган беморларни диспансер кузатувини олиб бориш;

д) махсус контингент орасида сил касали пайдо бўлиши ва тарқалишини олдини олиш учун профилактик чора-тадбирлар (химіо-профилактика) ўтказиш;

е) санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар;

ж) махсус контингентни саломатлигини мустаҳкамлаш ва организмни сил инфекциясига қаршилик кўрсатиш кучларини оширишга қаратилган умумий соғломлаштириш чора-тадбирлари;

з) санитария - оқартирув ишлари;

354. Сил касали бор беморларни ва бошқа ўпка патологиясини ўз вақтида аниқлаш учун кўкрак қафаси аъзоларини флюорографик текширувдан ўтказилади. ТХга тушгандан сўнг, бирламчи флюорографик текшируви 10 суткадан кечиктирилмасдан ўтказилади. Агарда ЖИЭМга келган шахслар флюорографик текширувидан ўтмаган бўлишса, жойларда улар қисқа вақт ичида ушбу текширувдан ўтказилади. Бунинг учун ИИБ, ИИББ, ИИБ, ЖИЭББ, ИҚББ, ҚҚББ бўлинмаларининг флюорографик курилмаларидан ҳамда маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари куч воситаларидан фойдаланиш мумкин. Агарда флюорографик текширувни ўтказишни имконияти бўлмаса, тўғридан-тўғри рентгеноскопия текшируви ўтказилади (шу вақт ичида).

Вояга етмаганлар фақат флюорографик текширувдан ўтказилади, агар бундан иложи бўлса, кўкрак қафаси рентгенографик текширувидан ўтказилади. Флюорографик ва рентгенологик текширув натижалари тиббий варақага қайд қилинади ва флюорограммалар унга ёпиштириб қўйилади.

355. Упкасида фаол сил касаллигига гумон қилинган шахслар соғлом контингентдан зудлик билан ажратилади (ТХда-махсус ажратилган хужра, ЖИЭМ тиббиёт қисм стационарига). Қўшимча текширувдан сўнг фтизиатр-шифокор жалб этилиши билан дастлабки ёки якуний сил ташҳиси қўйилади. Ҳар бир фаол ва нофаол сил касаллиги билан аниқланган беморлар ҳақида ИИБ, ИИББ, ИИБ, санитария-эпидемиология хизматида ўрнатилган тартибда хабар берилади. Соғлом контингент орасида фаол сил касаллиги бор беморларни сақлаш қатъиян ман этилади.

ТХ, ўта муҳим тартибни ЖИЭМ ва қамоқхоналарда фаол сил билан касалланган беморлар алоҳида сақланади, буида сил муассасаларидаги каби эпидемияга қарши чора-тадбирлар ўтказилиши керак. Стационар давога муҳтож бўлган беморлар, қисқа вақт ичида сил касалхоналарига ёки соматик касалхоналар сил касалликлари бўлимларига юборилдилар, амбулатор давога муҳтож бўлган беморлар фаол сил касаллари сақланиладиган даволаш хужрасига эга бўлган махсуус ЖИЭМларга юборилади. ТХ ва ЖИЭМда сил касалига чалинган беморларни даволаш ва диспансер кузатиш силга қарши курашиш хизматини босқичма-босқич ёрдам кўрсатиш тизимига қаттиқ риоя қилган ҳолда ўтказилади.

356. Даволашнинг биринчи босқичида, сил касалхонаси шароитида, асосий антибактериал терапия курслари ўтказилади. I диспансер назорат гуруҳига алоқадор бўлган касаллар ТХ ва ЖИЭМда аниқланса уларни стационар шароитида даволаш лозим, шу билан бир қаторда амбулатор даволаниш ва диспансер кўрик даврида қайталанган ҳолатлар ҳам қиради. ТХда даволашни асосий курси махсуслаштирилган камераларда ёки тиббий бўлим алоҳида хоналарида ИИБ, ИИБ тиббий муассасаси ва соғлиқни сақлаш мутахассислари иштирокида ҳибсхона шифокорлари томонидан олиб борилади. Жазо кучга киргандан кейин, бу беморлар сил касалликлари касалхоналарига юборилади. Аммо касалликнинг кечилиш жараёни маҳбуснинг ҳаётига хавф солиб ривожланса, суд ҳукми чиққунга қадар ҳам бемор сил стационарига юборилиши зарур. Стационарда даволаниш муддати сил жараёнининг кечилиши, касалликнинг давомийлиги, шакли ва даражасига боғлиқ. Ташҳиси биринчи марта қўйилган ва касаллиги зўрайган беморларни комплексли антибактериал терапияси 12 ойгача ўтказилади. Даволаш жараёнида сил касаллигини кечилиши турғунлашса ва касаллигида салбий динамика бўлмаган беморлар кўрсатилган муддатлардан олдин ҳам амбулатор даволанишга юборилиши мумкин.

Сил касаллигини сурункали кечиш жараёни шаклланган беморларни касаллик зўрайишини сўниши кузатилгунга қадар қисқа муддатли (4 ойгача) химиотерапия ўтказилади. Даволаш жараёнида динамика ижобий бўлса, касаллик жараёни турғунлашгунча даволаш муддати узайтирилади. Касаллик жараёнини кечиши, даволашни самарасини аниқлаш ва тегишли тавсиялар бериш учун бемор йилнинг ҳар чорагида касалхона сил касаллиги бўлими даволаш-назорат комиссияси томонидан кўрилади. Стационар даволанишдан кейин I-диспансер ҳисоби гуруҳидаги(ДХГ) беморлар сил касалига ихтисослашган ЖИЭМларга амбулатор даволанишга юборилади.

357. Иккинчи босқичда даволашнинг асосий курси бемор II-ДХГга ўтказилгунга қадар ёки сил касалига ихтисослашган колония шароитида қайта амбулатор қисқа муддатли (3-4 ой) профилактик химиотерапия курслари ўтказилади. Амбулатор даволанишга I-II ДХГ кузатувидаги сил касалига чалинган беморлар юборилади:

а) Ia ДХГдаги беморлар - стационар давони олгандан сўнг;
б) Ib ДХГдаги беморлар-қисқа муддатли стационар даволанишдан сўнг, сил жараёни турғунлашганда ва касаллик зўрайиши қайтганда;

в) II ДХГдаги беморлар.

Сил касалига ихтисослашган ЖИЭМларда сақланаётган маҳкумлар орасида сил жараёни зўрайса, антибактериал терапия курси шу ЖИЭМнинг тиббий бўлимидаги стационарда ёки сил касалхонаси (бўлими)да зўрайиш сўнгунча олиб борилади. Бу ҳолда бемор махсус даволаш-назорат комиссияси томонидан йилда икки марта кўрилади. Кейинчалик улар касалхонадан (бўлимдан) яна амбулатор даволанишни давом эттириш учун сил касалига ихтисослашган ЖИЭМларга юбориладилар(7-илова).

Сил касалига ихтисослашган ЖИЭМларда беморларни ушлаб туриш муддати сил жараёнини кечиш динамикасига боғлиқ бўлади.

358. Учинчи босқичда сил касалини ўтказган (III ва VII ДХГдаги) шахсларнинг диспансер назорати умумий асосдаги ЖИЭМлар шароитида олиб борилади. Даволаш-профилактик чоратadbирларини ўтказиш ушбу Қоидаларни X-бобида қайд этилган.

359. Сил касалига ихтисослашган ЖИЭМ ётоқхоналарида ҳар бир маҳкум учун яшаш жойининг меъёри 2 квадрат метрдан кам бўлмаслиги лозим. Сил муассасаларида сақланаётган шахслар учун ички тартиб қоидалари тўлиқ ҳажмда бўлади. Интизомий бўлинмалар ва карцерларда I, II, III, V, VII- ДХГдаги шахсларни ва соғ шахсларни

бирга сақлаш тақикланади. Беморлар сақланган интизомий хоналарнинг жорий дезинфекцияси ўрнатилган тартибга кўра, якуний эса камералар беморлардан бўшатиладиган кейин ўтказилади.

360. Беморларни стационар ва амбулатор даволанишга юбориш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

361. Беморни ДХГсини ўзгартириш ва даволашни кейинги босқичига ўтказиш касалхона бошлиғи (ёки унинг ўринбосарлари) ёки тиббий бўлим бошлиғи, бўлинма бошлиғи, даволовчи шифокор-фтизиатр, ёки зарурати бўлса шифокор-фтизиохирург иштирокидаги комиссияда ҳал қилинади. Қабул қилинган хулоса тузилгандан сўнг, беморнинг тиббий амбулатор варақасига тикиб қўйилади.

362. ТХда фаол сил касали бор бўлган ва шу қаторда умрида биринчи марта сил ташҳиси қўйилган шахслар аниқланса ҳибсга олинишдан олдинги яшаш жойидаги силга қарши курашиш диспансерига хабарнома юборилади. Фаол сил касали бор бўлган беморлар (I, II, Va, Vб ДХГ) жазони ижро этиш жойларидан озод этилаётганда, улар яшашни танлаган жойдаги силга қарши курашиш диспансерларига якуний ташҳис ва диспансер ҳисоби гуруҳи ҳақидаги хабарнома юборилади. Жазони ижро этиш муассасаларида силдан ўлган маҳжум (махбус)лар ҳақида ҳам яшаш жойидаги силга қарши курашиш диспансерларига хабарнома юборилади.

363. Меҳнат терапияси ўтказиш учун, меҳнат фаолиятининг ҳар хил турлари қўлланилиши мумкин, бироқ бунда беморнинг умумий аҳволи, сил жараёнининг фаоллиги ва ногиронлик гуруҳи ҳисобга олинади.

364. Махсус контингентни сил касаллигига мойиллигини аниқлаш ва махсус профилактика учун ТХда 18 ёшгача бўлган ўсмирларга 2 ТБда Манту синамаси қўйилади (6- илова).

Манту синамаси салбий натижа берган шахсларга албатта БЦЖ вакцинаси билан ревакцинация қилиниши шарт. Туберкулинга гиперэргик реакция берган шахсларда сил касалининг маҳаллий турларини инкор қилиш учун улар чуқур тиббий текширувдан ўтказилиши шарт. Ўпкасида специфик ўзгаришлар аниқланмаган шахсларга ЖИЭМнинг тиббий бўлимида 2-3 ойлик химиофилактика даволаш курси ўтказилади, ТХларда ҳисобга олинган шахсларга эса ЖИЭМга келиши билан.

365. ТХ ёки ЖИЭМда фаол сил касали бор бўлган беморлар аниқланса, улар билан битта камерада бўлган шахсларни IV ДХГга

олиб, керакли чора-тадбирлар ўтказилади. Уларга бир марта 2-3 ойлик химиотерапия курси ўтказилади (6- илова).

366. Туберкулинодиагностика натижалари, профилактик чора-тадбирлар ўтказилганлиги ва сил бемори билан алоқада бўлганлиги сабабли руйхатга олинганлиги тиббий амбулатор варақага қайд этилиши лозим.

367. Силга қарши курашиш хизмати ва унинг охириги натижаларини асосий кўрсаткичлари қуйидагилар:

а) соғ контингент орасида I, II, Va, V6 ДХГ кузатувидаги беморларнинг йўқлиги;

б) ТХ ларига тушаётган сил касали бор бўлган беморлар сонига нисбатан ЖИЭМларда биринчи бор сил касали билан оғриган беморлар сонининг камроқ аниқланиши ва шу билан биргаликда маҳкумлар орасида сил билан касалланишни турғун камайиб боришлиги;

в) ЖИЭМлардан озод бўлаётган фаол сил касаллиги билан касалланган шахсларнинг сонини ТХга тушган фаол сил касаллиги бор бўлган шахслар сонига нисбатан кам бўлишлиги;

г) ЖИЭМлардан озод бўлаётган сил касалининг оғир бўлмаган формалари билан касалланган шахслар сонини ТХга тушаётган шундай шахслар сонига нисбатан кўпроқ бўлишлиги.

ЖАРОҲАТЛАНИШ ВА ЗАҲАРЛАНИШ

368. Махсус контингент ўртасида жароҳатланиш ва заҳарланиш-ни олдини олиш чора-тадбирлари ТХ ва ЖИЭМларни ҳамма бўлимларида ташкил этилади. Тадбирлар аниқ, мақсадли ва хавфсизликни таъминлаш шартларига ва муассасанинг хўжалик-ишлаб чиқариш фаолиятига жавоб бериши керак.

369. Қуйидагилар заҳарланиш ва жароҳатланишга сабаб бўлади:

а) махсус контингентни сақлаш қондаларини бузилиши, оператив-тартиб талабларига риоя қилмаслик; махсус контингентни жиноий ҳаракатлари, наркотик эффект олиш учун ҳар хил (техник, таркибида спирт бўлган ва бошқа) моддалардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги қондасини бузилиши; муассаса маъмурияти, ишлаб чиқариш хизмати ходимлари томонидан ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш объектлари, техника ва воситалари устидан назорат етарли эмаслиги;

б) турли хилдаги транспорт воситаларида махсус контингентни ташиш қондаларини бузилиши.

367. Заҳарланиш ва жароҳатланишни олдини олишни асосий чора-тадбирлари:

а) муассаса бошлиқлари, тиббиёт ходимлари ИИБ буйруқлари ва йўриқномаларига асосланиб, махсус контингентни тўғри сақланишини, иш билан таъминланишини, заҳарланишлар ва турли бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилинишини доимий назорат қилишлари керак;

б) хизмат бошлиқлари доимий равишда қўл остидагилар билан буйруқ ва йўриқномаларни бажариш ҳақида машғулотлар ўтказишлари керак;

в) маҳкумлар соғлиғи ва малакасига қараб иш билан таъминланиши керак;

г) маҳкумлар билан доимий равишда техника хавфсизлиги, жароҳат олганда ва заҳарланишда шахсий профилактика, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақида машғулотлар ўтказиш;

д) техник йўриқнома ва маълум бир ишга ўтказишга рухсат бериш;

е) маълум турли ишларга техник йўриқнома ва рухсат беришни расмийлаштириш;

ж) санитария-оқартув ишларини ўтказиш;

з) жисмонан кам ривожланган, сурункали касаллиги бор шахсларни доимий назорат қилиш, уларга меҳнат тавсияларини аниқлаш ва уларни ишга жойлашишини назорат қилиш;

и) жароҳат ва заҳарланишларнинг асосий сабабларини доимий равишда ўрганиб бориш ва уларни олдини олиш учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

368. Муассаса тиббий бўлим иш режаси бўйича қуйидагилар амалга оширилади: маҳкумлар меҳнатини санитария-гигиеник шароитларини тиббий назорати, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини амалга ошириш, аптечкаларни ва санитария халтачаларни борлиги ва уларнинг тўлиқлиги, ишлаб чиқариш жойларида ичимлик суви билан таъминланганлик ҳолати, махсус кийимни борлиги, ҳовли ҳудудини, иш жойларини санитария ҳолати. Текширув натижалари далолатномалари цехларни маъмуриятларига буйруқ усулида (камчиликларни аниқ йўқотиш вақти кўрсатилиб) расмийлаштирилади. Агар ишлаб чиқариш жойларида санитария-гигиеник қоидаларнинг қўпол бузилиши аниқланса, уларни тезкор бартараф қилиш учун, бевосита муассаса раҳбариятига ахборот берилади. Камчиликларни бартараф қилиш чоралари қабул қилин-

маса тиббий бўлим бошлиғи ўзидан юқори турган тиббий бошлиққа хабар беради.

369. Ишлаб чиқариш муассасалари тиббий ёрдам билан қуйидаги тартибда таъминланади:

а) баъзи муассасаларда саломатлик пунктлари ташкил этилади, уларни тиббий буюмлар ва дори-дармон билан таъминлаш, муассасани хўжалик бўлими ёки ишлаб чиқариш ҳисобидан амалга оширилади;

б) ҳамма цехлар, мустақил участкалар, устаконалар ва ҳоказолар биринчи тиббий ёрдам аптечкалари билан таъминланади. Аптечкаларни сақланиши ва вақтида тўлдирилишига цехларни, участкаларни бошлиқлари, усталар жавоб беришади. Аптечкаларни тўлдирилиши тиббиёт ходими муассасани маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

в) узоқ участкада ишлаётган ҳар бир ишлаб чиқариш бригадасида ёки бригада гуруҳида, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун тайёрланган, маҳкумлардан бири ажратилади. Шу маҳкумни муассасани тиббиёт бўлими, дори-дармон ва боғлов воситалари бор бўлган санитария халтача билан таъминлайди.

г) агар иш вақтида жароҳатланган маҳкум тезкор тиббий ёрдамига муҳтож бўлса, уни тиббиёт бўлимига ёки яқин атрофдаги даволаш муассасаларига олиб бориш ташкил қилинади.

370. Муассасани тиббий ходимлари, шикастланган шахсга ёрдам кўрсатиб, бўлган воқеани, жароҳатни (заҳарланишни) кечиши, оғирлиги ва ҳоказо ҳақида, муассаса раҳбариятига хабар беришади. Тиббиёт ходимлари бахтсиз воқеани текшириш комиссиясида қатнашишлари шарт.

371. Ишлаб чиқаришдаги шикастланиш натижасида меҳнат қобилияти бир кундан кўпроқ йўқолган ёки асосий ишдан бошқа ишга ўтишга олиб келса, бу ҳақда белгиланган усулдаги далолатнома тузилади. Ишлаб чиқариш жароҳати, касаллик ёки заҳарланиш ҳақидаги далолатнома билан текширув материаллари белгиланган тартибда шахсий ҳужжатга бириктириб қўйилади. Касбга оид заҳарланиш ва касалликлар ҳодисалари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгиланган тартиб бўйича текширилади.

Агар ўтказилган текширув пайтида маҳкумни ўлиши ёки меҳнат қобилиятини йўқотиши муштлашиш, ўзи томонидан тана аъзоларга зарар етказиш, қотиллик ва ҳоказо ёки атайлаб ҳар хил техник суюқликларни ичиб заҳарланиши натижасида бўлса, бунда бахтсиз

ходиса учун тузиладиган белгиланган шаклдаги далолатнома тузилмайди.

372. Муассасаларнинг тиббий бўлимлари (саломатлик пунктлари) шикастланганларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун ҳамма зарур жиҳозлар билан таъминланган ва тезкор равишда даволаш муассасасига, ихтисослик бўйича тиббий ёрдам кўрсатишга олиб боришга тайёр бўлишлари керак.

Х-БОБ. ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН БЕМОРЛАРНИ ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ

Сил беморларини диспансеризацияси

Бацяялларлик критерийлари ва ўтказилган терапия унумлиги

Ташҳисни шакллантириш

Диспансер назорати гуруҳлари (ДНГ)

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик билан касалланган беморларни диспансер кўрувидан ўтказиш

Ичкиликбозлик билан касал маҳкумларни диспансер кўрувидан ўтказиш

Гиёҳвандлик билан касал маҳкумларни диспансер кўригидан ўтказиш

373. Диспансеризация кўригидан ўтказиш ишлари жазони ижро этиш муассасалари тиббиёт бўлимлари фаолиятининг асосий бўлакларидан бўлиб, маҳкумларни соғлиғи аҳволини фаол кузатишни ва улар меҳнат-маиший шароитларини яхшилашни ҳамда касалланишни олдини олиш учун даволаш-профилактика ва санитария-гигиена тадбирларини ўтказишни ўз ичига олади.

374. Диспансеризация ишларини ўтказишга тиббий бўлим врачлари, маҳкумлар касалхонаси мутахассислари, санитария-эпидемияга қарши хизмат врачлари, муассаса маъмурияти жалб қилинади. Маҳкумларни диспансеризация кўригидан ўтказиш ишларини ташкиллаштиришни ва ўтказилишини назорат қилишни муассаса тиббий бўлим бошлиғи бажаради. Муассаса тиббий бўлимнинг штатлар таркибида керакли мутахассислар бўлмаса шу соҳадаги диспансеризация ишларини бажариш учун маҳкумлар касалхонаси мутахассислари жалб этилиши мумкин.

375. Диспансеризацияни унумли ва сифатли ўтказиш учун куйидагилар керак:

а) ҳар йили режалаштирилган профилактик кўриқларни ўтказиш;

б) динамик кузатув учун контингент йиғиш;

в) маълум гуруҳни соғлиғи аҳволини ва ҳар хил касалликлари бор беморларни доимий кузатуви;

г) ўз вақтида соғломлаштириш тадбирлари ва касалликни қайта кўзғалиши ва профилактикаси учун рецедивга қарши даволашни ўтказиш;

д) кузатув жараёнининг ҳамма даврларида ва беморни даволашда хизмат ҳамкорлигига ҳамиша риоя қилиш (тиббиёт бўлими, касалхона - тиббиёт бўлими);

е) врачларни асосий мутахассислиги ва меҳнат гигиенаси масалалари, касб касалликлари, вақтинча меҳнатга лаёқатсизликни экспертиза қилиш саволлари бўйича малакасини ошириш;

ж) санитария маърифатини ва тиббиёт тарғиботни кенг авж олдириш, зарарли одатлар билан курашиш, соғлом ҳаёт тарзи кўникмаларини сингдириш;

з) маҳкумларни турмуш ва меҳнат шароитларини ўрганиш ва муассаса маъмурияти ва маҳкумлар жамоа тузилмалари фаол иштирокида уларни яхшилаш тадбирларини ўтказиш;

и) белгиланган тиббиёт ҳужжатларни расмийлаштириш ва олиб бориш;

к) диспансеризация натижалари ва уни самарадорлигини таҳлил қилиш;

376. Диспансеризация иши босқичма-босқич ўтказилади, яъни динамик кузатув учун контингент танлаб олинади, динамик кузатув ўтказиш ва даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади, сифат кўрсаткичлари ва диспансеризация натижаларини баҳолаш таҳлил қилинади.

377. Динамик кузатувга олиниши керак бўлган шахсларни танлаш профилактик кўриқлар ва маҳкумлар касаллиги туфайли амбулатор мурожаат этганда ўтказилади.

Динамик кузатув ва шахсларни танлаш шундай тарзда тапшил бўлган бўлиши керакки, касалликларни илк бошланиш даврда аниқлашни ва бемор соғлиғини аҳволидаги ўзгаришлар ўз холига қайтадиган хусусиятли бўлиб, даволаш-соғломлаштириш тадбирлари касални

соғлиғини ва меҳнат қобилиятини тиклашни таъминлаши мумкин бўлиши керак.

Сурункали кечадиган касалликлари бор беморларни танлашда касалликлари кенг тарқалган, касалланиш кўрсаткичи юқори бўлган (шу ҳисобда вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотиш билан кечадиган) ногиронликка, ўлимга олиб келувчи касалликларга алоҳида ўрин берилади. Уларга юрак-қон томир, онкологик, нерв-руҳият касалликлари, нафас аъзолари ва ошқозон ичак тракти касалликлари киради. Динамик кузатув учун беморларни танлаш жараёнида «хавф» гуруҳига, организмда ўзгаришлар бўлиб айрим аъзоларида ва система-ларда хали функционал ва органик ўзгаришлар бўлмаган, лекин бўлиши мумкин бўлган вакилларга эътибор берилади.

378. Турли хил касалликлари бўлган беморларни динамик кузатув қуйидагиларга бўлинади:

а) сурункали касалликлари бўлган беморларни динамик кузатув;
б) ўткир кечадиган касалликларни ўтказган шахсларни диспансер кузатуви;

в) туғма касалликлари ва ўсишдаги етишмовчиликлари (нуқсон-лари) бўлган беморларни диспансер кузатуви;

379. Сурункали кечадиган касалликлари бўлган беморларни диспансер кузатуви касалликнинг кечиши босқичларига ва компенса-ция, субкомпенсация ёки декомпенсация босқичларига боғлиқ бўлиб, шу касалликларнинг асоратларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Кузатувдан мақсад-бор бўлган сурункали касалликнинг ёмонлашиб кетмаслигини, ногиронликка чиқишни ва янги сурункали касалликни пайдо бўлишини олдини олиш, ишлаб чиқаришдаги организмга зарарли таъсирларни йўқотиш ва меҳнат шароитини яхшилаш йўллари билан меҳнат қобилиятини узоқ муддатга сақлашдир. Меҳнатга лаёқати чекланган беморларни улар имкониятига яраша у ёки бу хизмат-ни бажара олишига қараб ишга жойлаш керак бўлади.

380. Ўткир кечадиган касалликлар билан оғриган шахсларга динамик кузатув ўтказилишдан мақсад шу касалликни сурункали кечишга ўтказмаслик ва унинг асоратларини олдини олишдир. Уларга динамик кузатувни қанча вақтда қайтадан ўтказиш ва давомийлиги касалликнинг хили, кўриниши, шу ўткир жараённинг кечиши хусу-сиятлари ва қолиши мумкин бўлган асоратларига қараб ҳар хил бў-лади. Динамик кузатув бемор бошидан кечирган касаллигини асорат-лари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Беморни бош-дан кечирган ўткир касаллиги бўйича динамик кузатув нисбатан қис-

қа (2 ҳафтадан - 3 ойгача, 3 - 6 ой, 6 ойдан - 1 йилгача) бўлиши мумкин ва касалликнинг асоратлари ўтиб кетиши билан бундай шахслар соғломлар гуруҳига ўтказилиши мумкин. Агар беморни ўткир касаллиги сурункали кўринишга ўтса, бемор сурункали касалликка учраган ҳисобда динамик кузатувга олинади.

381. Туғма касалликлари ва ўсишдаги етишмовчиликлари бўлган беморларни динамик кузатуви улар асоратини оғирлиги, меҳнатта лаёқатликнинг йўқолишига таъсирига қараб ўтказилади.

382. Динамик кузатув учун ҳисобга олинган шахсларга тиббий текширув, мутахассислар консултациясини ўтказилиши муддатлари, лаборатория ва асбоблар билан текширув ҳажми белгиланади ҳамда даволаш-соғломлаштириш ва реабилитация тадбирларни аниқ кўрсатилади. Ҳар бир динамик кузатувига олинган шахсга нисбатан даволаш профилактика ва соғломлаштириш тадбирларининг алоҳида режалари тузиб чиқилади.

383. Даволаш-соғломлаштириш тадбирлари кўрсатмасини бажариш амбулатор, тиббиёт бўлими стационарида ва режалаштирилган ҳолда беморни касалхонага жўнатиш билан ўтказилади. Беморларни касаллик туфайли касалхонада бўлиши уларни ҳар томонлама текширилиши учун юқори даражада фойдаланиши керак. Бемор касалхонадан чиқаётганда кейинги динамик кузатув ва даволаш бўйича тавсиялар беради.

384. Терапевтик ихтисослик касалликлари, сил, сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, тери-таносил ва руҳий касалликларга чалинган беморларни диспансер ҳисоби ва динамик кузатуви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Кўрсатмалари, ИИВ Тиббиёт бошқармаси кўрсатмалари, йўриқномалари ва тавсиялари асосида ИИВнинг Тиббиёт бошқармаси бош мутахассислари назорати остида ўтказилади.

385. Диспансер кузатуви ишларини муваффақияти белгиланган тиббий ҳужжатларни аниқ расмийлаштириш ва олиб боришга, касалларни тиббий текширувларга ўз муддатида келишига боғлиқ. Амбулатор тиббий дафтарча (025/у-и ҳисобот дафтарчаси) ва диспансер кузатуви назорат варақачалари (030/у-и ҳисоб варақачаси) асосий тиббий ҳужжатлардан ҳисобланади. Амбулатор тиббий дафтарчага бирламчи ва кейинги тиббий кўрувлар натижалари, диспансер кузатувидаги шахсни соғлиғида бўлган ўзгаришлар киритилади. Эпикриз йилнинг тўлиқ даври учун кузатув натижалари асосида тузилади. Эпикризда тўлиқ тапҳис, даволаш-соғломлаштириш тад-

бирлари режаси, ишга жойлашиш бўйича маслаҳатлар, йил давомида қайтадан ўтказилиши лозим бўлган текширишлар сони ва муддатлари ёритилган бўлиши керак.

Ҳар бир динамик кузатувга олинган беморларни назорат қилиш учун назорат варақчаси тузилади, у шифокор кўрсатмалари бажарилишини назорат қилиш учун тезкор ҳужжат ҳисобланади. Беморларни диспансер кузатуви варақчасини, касалликлар турига қараб белгилаш тавсия этилади ва шифокор белгилаган қатнаш муддатига қараб алоҳида, ҳар ойга бўлинган ҳолда сақланади. Шифокор, ҳафтада бир марта шу варақчаларни кўриб чиқади ва текшириш ёки белгиланган муолажаларни бажариш учун касални тиббиёт бўлимига ўз вақтига чақирилиши чора-тадбирларини кўради.

386. Диспансер ишлари натижаларини ва уни самарадорлигини таҳлил қилиш диспансер ишларига баҳо бериш учун ўтказилади. У йўл қўйган хатоларни ва ўзини оклаган услубларни аниқлаш, умумлаштириш ва такомиллаштириш учун чора-тадбирлар кўриш имкониятини беради.

Таҳлил икки йўналишда ўтказилади:

- а) ташкилий чора-тадбирлар натижаси ва сифатига баҳо бериш;
- б) динамик кузатув гуруҳидаги шахсларга даволаш-профилактика ва соғломлаштиришни тўлиқ тадбирларини самарадорлигига баҳо бериш.

Диспансеризациянинг ташкилий чора-тадбирлари натижаларини ва сифатини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади ва таҳлил қилинади:

- а) контингентни профилактик кўригининг тўла қамровини;
- б) касалликни ўз вақтида аниқлаш ва касалликни охириги даврларида аниқланиши сабабларини билиш;
- в) муҳтож бўлганларни ўз вақтида динамик кузатувга олинишини;
- г) кузатувга олинган шахсларни кўриги муддатларига амал қилишини;
- д) даволаш-профилактика ва соғломлаштириш тадбирларни тўла, ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши.

387. Диспансер кузатувидаги беморларни алоҳида гуруҳлар бўйича динамик кузатувининг унумлигини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил қилинади (кўрсаткичларнинг ками 2 йилдаги олинади) қилинади:

- а) касалликнинг қайталанishi сони;

б) вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик билан асосий касаллик бўйича касалланиш;

в) диспансер назоратидаги шахсларнинг соғлиғи ҳолатининг ўзгариши (соғайиш, соғлиғининг яшиланиши);

г) бирламчи ногиронлик (динамик назоратига олиш учун сабаб бўлган касаллик бўйича);

д) ўлим ҳолатлари.

ЖИЭМлардан озодликка чиққан шахслар бўйича ахборотлар ўтказилаётган таҳлилдан олиб ташланади.

388. Тиббий бўлим бошлиғи муассасада диспансер ишларини ўтказишга жавобгар шифокорлардан диспансеризация унумлиги ва натижалари бўйича, касалланиш кўрсаткичлари бўйича, меҳнатга лаёқатсизлик ва унинг динамикаси бўйича вақти-вақти билан ахборотлар қабул қилади. Тиббий бўлим бошлиғи ҳар йили ўтказилган диспансер ишлари бўйича ўзидан юқори турган тиббий бошлиғига ҳисобот беради.

389. Махсус контингентга диспансер усули билан тиббий ёрдам кўрсатиш учун қуйидагилар талаб қилинади: жиддий таҳлил; аниқ ташкилий ишлар; даволаш, соғломлаштириш ва профилактик чоратадбирларнинг яхшилаб ўйлаб чиқилган режаси ва шу режанинг ҳамма элементларини рўёбга чиқариш бўйича услубий талабчанлик. Қуйида берилган беморларни динамик кузатувининг тахминий схема-сида фақат касалликнинг кўп учрайдиган нозологик формаларигина берилган. Маҳкумларни ишлаб чиқариш фаолиятига ва климатик шароитга боғлиқ ҳар бир конкрет ҳолат бўйича соғломлар ва беморларнинг белгиланган гуруҳларини ҳисобга олиниши ва динамик кузатувини шифокор ҳал қилади. Бироқ махсус контингентни динамик кузатувга олиш кўрсатмаларини кенгайтиришга ҳаракат қилиш зарур.

СИЛ БЕМОРЛАРИНИ ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯСИ

390. Ҳамма сил беморлари касалликнинг активлигига, жараён фазасига, даволаш ва кузатув давомийлигига қараб диспансер назоратининг (ДНГ) 8 та гуруҳларидан бирига ҳисобга олинади. Актив сил (IАДБ, И, УА, УБ ДНГ) билан касалланган маҳкумларни даволаниши ва назорати махсуслашган ЖИЭМ ва сил шифохонаси (бўлимлари)нинг шифокор - фтизиатрлари томонидан амалга оширилади. III, УВ ва VII ДНГ кузатувидаги маҳкумлар режимнинг турига қараб умумий асосдаги ЖИЭМларда сақланади, ва ўша ерда

уларга диспансер назорати ва рецидивга қарши даволаш ўтказилади. Ҳамма сил билан касалланган вояга етмаган маҳдумлар касалликнинг активлигига, жараён фазасига, даволаш ва кузатув давомийлигига қараб диспансер назоратининг 7 та гуруҳларидан бирига ҳисобга олинади. VI ДНГ да ўпкасида локал ўзгаришлар бўлмаган сил билан инфицирланган ўсмирлар кузатувда бўлади. Бу контингентни даволаш ва диспансер кузатуви муассаса тиббиёт бўлими шифокор - терапевти томонидан касалхона шифокор - фтизиатри тавсияси асосида амалга оширилади.

391. Бирламчи сил комплекси регионал лимфа тугунлари ва ўпка тўқимасида махсус ўзгаришлар билан характерланади. Бу касаллик асосан болаларда, кам ҳолларда эса 18 - 25 ёшдаги шахсларда кузатилади.

392. Кўкрак қафаси ичи лимфа безлари сили касаллигида ўпкада ўзгаришлар бўлмаган ҳолда кокс оралиги ва ўпка илдизи лимфа тугунлари шикастланади. Силнинг сурункали бу шакли асосан ўсмирларда кузатилади. Касалликнинг бошланиши бола ёшида иларга тўғри келади. ИИВ махсус контингентлари орасида эса жуда кам ҳолларда учрайди.

393. Диссеминацияли ўпка силида инфекция гематоген, лимфоген ва бронхоген йўллар билан тарқалади. Диссеминация жараёни ўткир, ўткир ости ва сурункали шаклдаги кўп қиррали клиник ўзгаришлар билан кечади. Ўткир ва ўткир ости шакллари учун ривожланган захарланиш белгилари, жараённинг иккала ўпкада жойлашганлиги, ўпка тўқимасининг симметрик ва бир хилда зарарланганлиги характерлидир. Бундай беморлар туберкулинга юқори сезгир бўлади. Сил микобактериялари асосан ўпка тўқимасида емирилиш кузатилганда топилади. Диссеминацияли ўпка сили кеч аниқланиб даволанмаса ёки даволаниш ноадекват бўлса касаллик ривожланиб фиброз - кавернали ўпка силига айланади. Емирилган инфильтратив ўпка сили, кавернали ёки фиброз - кавернали ўпка силида, ўпкадан қон кетишдаги аспирацион пневмонияда ва лимфа тутунининг бронхга ёриб киришидаги бронхоген ёйилган ўчоқларни диссеминацияли ўпка сили ўчоқларига киритилмайди. Чунки бу бронхоген диссеминация жараёнининг фазаси ҳисобланади.

394. Ўчоқли ўпка силида бир ёки бир нечта полиморф ўчоқлар асосан ўпканинг 1-2 сегментларида жойлашган бўлиб уларнинг ўлчами 10 ммгача бўлади. Янги пайдо бўлган ўрта интенсивликдаги юмшоқ ўчоқлардан ташқари эски фиброз - ўчоқли ўзгаришлар ҳам куза-

тилади. Янги юмшоқ ўчоқлар даволаниш натижасида бутунлай сўрилиб кетиши ёки ўрнида кичик фиброз қолиши мумкин. Фиброз – ўчоқли ўзгаришлар ёки бошқача қилиб айтганда қаттиқ ўчоқларда жараён қайталанса даволаниш фақат перифокал яллиғланишни сўрилишига олиб келиши мумкин. Фиброз -ўчоқли ўзгаришларнинг фаоллигини аниқлаш учун чуқур текширувлар ўтказилиши лозим. Фаоллиги аниқланмаган шахслар силдан соғайганлар гуруҳига киритилади.

395. Инфилтратив ўпка силида бир нечта полиморф ўчоқларнинг бир -бирига қўшилиши натижасида ҳосил бўлган ёки гомоген ва гомоген бўлмаган 1 смдан катта бўлган инфилтратив - пневмоник жараён кузатилади. Клиник - рентгенологик белгилари бўйича лобуляр, юмалок, булутсимон инфилтратлар, лобитлар, перисциссуритлар, казеоз яллиғланитларга фарқланади. Аксарият беморларда силнинг бу шакли ўткир ости ёки ўткир бошланиб, белгиларидан бири бўлиб ўпкадан қон кетиш ҳисобланади. Ўз вақтида аниқланмаган ва даволанмаган инфилтратив жараёнлар емиришларга дучор бўлади. Жараённинг янада кучайиши фиброз - кавернали ўпка силини келиб чиқишини таъминлайди. Сил таёқчалари инфилтратив ўпка силининг емирилиш даврида кўпроқ топилади.

396. Ўпка туберкуломалари ҳар хил генезга мансуб бўлиб ўлчами 1 - 1, 5 смли капсулага ўралган ўчоқлардир. Капсулага эга бўлган гомоген, қаватли ва конгломератли туберкуломалар фарқланади. Кўплаб ва йирик (диаметри 4 смдан юқори) туберкуломаларда жараён ривожланиши емирилиш, сочилиш ва ўпкадан қон кетиш кўринишида бўлади. Туберкуломаларни доимо ўсма касалликлари билан дифференциация қилиш лозим. 1, 5-2 смли майда туберкуломалар 3 йил мобайнида назорат қилинади, жараён қайталаниши кузатилмаса клиник соғайган деб ҳисобланади. Кавернали ўпка сили бу сил жараёнининг емирилиш шакли билан фиброзли - каверна ўртасидаги оралиқ шаклдир.

397. Кавернали ўпка силида каверна шаклланган бўлиб, одатда ривожланмаган перифокал яллиғланиш мавжуд бўлади. Каверна атрофида эса фиброз кузатилмайди. Кавернали ўпка сили ташҳиси асосан инфилтратив, диссеминацияли ўпка сили ва туберкуломаларнинг емирилиш шакларини даволаш жараёнида перифокал яллиғланишнинг сўрилиши ҳамда шаклланган кавернанинг аниқланиши билан қўйилади. Янги аниқланган сил беморлари ўпкасида шаклланган ка-

вернанинг аниқланиши ва перифокал яллиғланишнинг бўлмаслиги ташхисни бирламчи қўйишга асос бўлади.

398. Фиброз-кавернали ўпка сили фиброзли каверна атрофидаги ўпка тўқимасида ривожланган фиброз мавжудлиги билан характерланади. Ўпка тўқимасидаги деструкция майдони 10-12 ой ичида фиброзли кавернага айланиши мумкин, шунинг учун фиброз – кавернали ўпка сили ташхиси деструкция аниқланишидан 10-12 ойдан сўнг қўйилади. Бу давр ичида каверна атрофидаги ўпка тўқимасида фиброз ривожланади, ўпка ҳажм жиҳатдан кичрайиб, қовурғалараро масофа камаяди. Бу белгилар рентгенограммада яққол кўринади. Кавернаси мавжуд бўлган цирротик ўзгаришларни ҳам фиброз – кавернали ўпка сили шаклига киритилади. Силнинг бу шаклида сил микобактериялари доимо ёки вақти-вақти билан ажралиб туради. Касаллик даволанмаса ёки ноадекват даволанса жараён қайталаниб тўлқинсимон кечишга эга бўлади.

399. Цирротик ўпка сили фаол сил жараёнининг клинико - рентгенологик кўринишларини сақланиши билан ўпкада фиброзли ўзгаришларнинг ифодаланиши, эмфизема ва бронхоэктазларнинг борлиги, кокс оралит аъзолари ва трахеянинг силжиши билан характерланади. Цирротик ўпка сили фиброз - кавернали, диссеминацияли жараёнларнинг узоқ кечишидан келиб чиқади. Ундан ташқари цирротик ўпка сили лобит типидagi инфильтратив ўзгаришларнинг сўрилиши ва бириктирувчи тўқиманинг ўсишидан ҳамда сил ўзгаришлари мавжуд бўлган ўпка тўқимасининг ателектаз майдонларида ривожланади. Ва ниҳоят цирротик ўпка сили узоқ кечувчи плеврит, пневмоплеврит ва пневмоторакс оқибатида ҳам келиб чиқади. Бу ҳолатлардаги цирротик сил жараёни плевроген ривожланишига эга бўлгани учун «плевропневмоцирроз» деб ҳам юритилади. Цирротик ўпка сили клиникасида силнинг заҳарланиш белгилари, жараённинг қайталаниб туриши, қон тупуриш ва сил таёқчаларининг ажралиб турилиши сақланган бўлади.

400. Сил плеврити камдан кам ҳолларда мустақил касаллик бўлиб ривожланади. Асосан ўпка ва ўпкадан ташқари аъзолар сили билан бирга кечиб, сил жараёнлари шакллариининг асорати ҳисобланади. Шунинг учун бу ташхис пухта ўтказилган клинико – рентгенологик текширувлардан сўнг қўйилиши керак. Каверна ёки плевраости жойлашган ўчоқларнинг перфорациясидан келиб чиққан плевра эмпиемалари бронх ёки кўкрак оқмаларини келтириб чиқариши мумкин.

401. Юқори нафас йўллари сили одатда асосий сил жараёнининг асорати бўлиб ривожланади, шунинг учун мустақил жараён қилиб кўрсатклиши ўзини оқламаган.

402. Бошқа аъзолар ва тизимлар сили махсус жараёнларнинг кенг қўламдаги гуруҳларини ўз ичига олади, қайсики мия қобиғи ва марказий асаб тизими, ичак, суяк ва бўғимлар, таносил-жинсий аъзолар силидан тортиб, жигар, талоқ, миокард силигача бўлган ҳар хил аъзолар ва тўқималарни зарарлайди.

Сил характеристикасининг асосий элементлари бўлиб жараён жойлашуви ва кенглиги, унинг фазаси, сил таёқчаларини ажралиши ҳисобланади.

Жараён жойлашуви ва кенглиги ўпка бўлаклари ва сегментлар бўйича аниқланиб, ташҳисда кўрсатилади.

Сил жараёни фазаси янги аниқланган беморларда сил фаоллигини ва жараён қайталанишини яллиғланиш, емирилиш, сочилиш каби кўринишлар билан характерлайди. Касалликнинг клинико – рентгенологик белгилари билан кечадиган сил жараёнини фаол деб ҳисобланади (белгилари - захарланиш, перифокал яллиғланиши мавжуд бўлган фиброзли ва ўчоғли ўзгаришлар, емирилиши бор ёки йўқ бўлган инфильтратлар, эритроцитлар чўкиш тезлиги (ЭЧТ)кучайиши, лейкоцитар формулада силжиш ва бошқалар). Сил жараёни фаоллигида албатта даволаш чоралари кўрилиши керак. Силга қарши препаратлар билан синовчи даво ўтказилганда рентгенологик ижобий динамика кузатилиши жараён фаоллигидан далолат беради. Жараён фазаларига сўрилиш, қаттиқланиш, чандиқланиш ва оҳакланиш каби жараёнлар киради. Бу фазалар сил жараёнининг сўнишидан далолат беради.

БАЦИЛЛАРЛИК КРИТЕРИЙЛАРИ ВА ЎТКАЗИЛГАН ТЕРАПИЯ УНУМЛИГИ

403. Сил таёқчаларини ажратилиши касаллик фаоллигини кўрсатади. Клинико - рентгенологик белгилари мавжуд бўлган ҳар бир беморда исталган усул билан хаттоки бир маротаба сил таёқчалари аниқланса ёки клинико - рентгенологик белгилари бўлмаган ҳолда сил таёқчалари икки маротаба аниқланса бацилла ажратувчилар (ВК+) деб ҳисобланади. Сил таёқчаларини аниқлаш учун ҳар бир бемор балғами (бронх, трахея ва ошқозон ювинди сувлари) 2 маротаба оддий бактериоскопия усули билан текширилади, сил таёқча-

лари аниқланмаган ҳолда флотация усули билан текширилади. Бу текширишларни ўтказилишида қатъи назар биринчи бор аниқланган беморларда ёки жараён қайталанган ва кучайган ҳолларда даволанишни бошлашдан олдин 3 мартаба экич усули билан текширилади. Кейинги текширишлар даволаниш жараёнида бўлиб, 1 ойда 1 мартаба токи камида 3 мартаба бактериоскопик ва культурал усуллар билан тасдиқланган сил таёқчаларининг аниқланмаслиги ва томография билан тасдиқланган емирилган майдоннинг чандикланишигача амалга оширилади.

Кейинги текширувлар асосий химиотерапия курсини тамомлагунча 6 ойда 1 мартаба ўтказилиши керак. Асосий химиотерапия курси деб сил жараёнини соғайишига қаратилган стационар ёки амбулатор шароитда антибактериал препаратлар билан узоқ ва узлуксиз комбинацияли даволанишга айтилади. Даволаниш давомийлиги суриш ва чандикланиш фазаларига қараб белгиланади. Яллиғланган майдонларнинг бутунлай сўрилиб кетиши ва қолдиқ ўзгаришларнинг пайдо бўлиши ёки усиз, емирилган майдонларнинг йўқолиши ва сил таёқчаларининг аниқланмаслигидан бошлаб 10-12 ойдан сўнг ҳамда камида 2 та рентгенограммалар билан тасдиқланган жараён стабилизациясини кузатилиши билан асосий химиотерапия курсини тўхтатиш мумкин. Жараён стабилизациясини тасдиқловчи рентгенограммалар орасидаги вақт 3 ой бўлиши керак.

Тергов ҳибсхонасида ўтказилган химиотерапия асосий даволаниш курсига қўшилади.

ТАШҲИСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

404. Клиник ташҳис қуйидаги тартибда шакллантирилади - клиник шакл характеристикаси, жараёнининг жойланиши (сегмент ва бўлақлар бўйича), жараён фазаси, диспансер гуруҳи, сил таёқчаларини ажратиш (ВК+, ВК -), асорати. Асорат асосий ташҳисга тўлдирувчи ҳисобланади. Унга қуйидагилар киради: ўпкадан қон кетиш, спонтан пневмоторакс, ўпка -юррак етишмовчилиги, ателектаз, амилоидоз, буйрак ва жигар етишмовчилиги, бронхиал ва торакал оқмалар ва ҳакозо. Асосий ташҳисдан сўнг йўлдош бўлган бошқа аъзолар ва тизимлар касалликлари кўрсатилади.

Инфилтратив ўпка сили ташҳисини шакллантирганда жараён фазаси кўрсатилмайди, чунки ташҳиснинг ўзи жараён фазасини англатади. Казеоз яллиғланиш инфилтратив ўпка силининг оғир

шакли ҳисобланиб, сил жараёнининг асоратига киритилмайди ва ташҳисни шакллантирганда қуйидагича ёзилади:

Ташҳис: Ўнг ўпка юқори ва ўрта бўлаклари инфилтратив сили емирилиш ва сочилиш даври, казеоз яллиғланиш типиди. 1А ВК+. Асорати - Ўпкадан қон кетиш. Ўпка -юррак етишмовчилиги II даражаси. Ташҳис. унумли даволаниш оқибатида рентгено - томографик текширув билан тасдиқланган емирилиш ўчоғининг чандиқланиши ва ВК ажралишининг тўхтатилишидан 10 - 12 ойдан сўнггина ўзгартириш мумкин. Ундан ташқари сил беморлари контингенти сил жараёнининг формаси, фазаси ва активлигига биноан диспансер гуруҳларига ажратилади, қайсики гуруҳлар клиник ташҳисда ҳам кўрсатилади.

ДИСПАНСЕР НАЗОРАТИ ГУРУҲЛАРИ (ДНГ)

405. I ДНГ - бу гуруҳга актцв сил беморлари киритилиб, улар клиник согайиш ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун тиббий ҳамда ижтимоий профилактик тадбирларга муҳтож ҳисобланади. Сил инфекцияси ўчоғини соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади.

I ДНГ қуйидаги «А» ва «Б» гуруҳларга бўлинади.

«А» гуруҳ - сил жараёни биринчи бор аниқланган, илгари унумли даволанган сил жараёнининг ривожланган ёки қайталанган беморлар. Улар асосий комплекс химиотерапия курсига муҳтождирлар, кўрсатмалар мавжуд бўлса, стационар шароитида хирургик муолажалар қўлланиши билан жараён тугагунлигига қадар даволанишлари мумкин.

«Б» гуруҳ - тўлиқ бўлмаган ёки унумсиз антибактериал даволаниш ўтказилганда ҳамда уларни ўтказишга қарши кўрсатмалар оқибатида сурункали сил жараёни шаклланган беморлар. ВК ажратилиши ва каверна 2 йилдан ортиқ сақланиши, ёки ВК ажратмайдиган қобик ҳосил қилиб халталанган эмпиема, емирилган туберкулома мавжуд бўлган беморлар бу гуруҳда кузатилади. Булар орасидан узоқ химиотерапия ёки хирургик даволанишга муҳтож беморлар танланади. Уни ўтказишга имконият бўлмаса, уларга стационар шароитида жараён зўрайишини сўндириш учун ёки амбулатор шароитларда уни олдини олиш учун қисқа муддатли даволаниш курслари ўтказилади. II ДНГда I ДНГдан ўтказилган сунувчи актив сил беморлари назоратда бўлади. Уларда жараён барқарорлиги юзага келган бўлиб, бацилла ажратилиши тўхтаган бўлади ва ўпкасида емирилиш

майдонлари бўлмайди. Бу беморлар йилига 2 мартаба 2 - 3 ойдан химиотерапия курсларини амбулатория шароитида қабул қилиши лозим бўлади.

III ДНГ да - I - II ДНГ дан ўтказилган сил касаллигидан соғайган шахслар кузатувда бўлади. Улар йилига 2 мартаба мавсумий 2 ойлик касаллик қайталанишига қарши бўлган химиотерапия курсларини амбулатория шароитида қабул қилишлари лозим (6 - илова).

IV ДНГ да бацилла ажратувчи сил беморлари билан яқин мулоқотда бўлган шахслар кузатувда бўлади. Уларга сил препаратлари билан бир марта 2 ойлик химиопротифлактика даволаш курси ўтказилиши лозим.

V ДНГ - ўпкадан ташқари аъзолар сили беморлари кузатувда бўлади. Унинг Эта гуруҳчаси мавжуд бўлиб, «А» гуруҳи - I ДНГга, «Б» гуруҳи - IDНГга, «В» гуруҳи - III ДНГга мрс келади ва уларга керакли даволаш - протифлактика чора - тадбирлари ўтказилади.

VI ДНГ - ўпкасида катта қолдиқ ўзгаришлар мавжуд шахслар ҳаёт давомида назоратда туради ва уларга организмнинг резистентлигини оширишга қаратилган чора - тадбирлар ўтказилиб, организмни курашиш кучини сусайтирувчи омиллар юзага келган вақтда химиопротифлактика курслари ўтказилади.

«О»(нолинчи) гуруҳда ўпкасида маълум ўзгариш мавжуд бўлиб, фаоллигини аниқлаш зарур бўлган шахслар назоратда туради. Уларда 3 ой мобайнида ўпкасида сил фаоллиги бор йўклигини аниқлаш лозим. Фаоллиги аниқлангандан сўнг ДНГнинг қайси бирига мансуб бўлса шу гуруҳга мос равишда керакли даволаш - протифлактика чора-тадбирлари олиб борилади. Беморни бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтказиш ёки диспансер ҳисобидан ўчириш тиббиёт бўлими (сил шифохонаси ёки бўлими) бошлиғи ва даволовчи шифокор - фтизиатр иштирокида ҳар бир ҳолат учун алоҳида, комиссияда, асосланган, керакли текширишлар билан тасдиқланган ва тиббий карта (касаллик тарихи)га ўрнатилган тартибда қайд қилиш билан кўриб чиқилади. I-гуруҳдаги беморлар II гуруҳга асосий химиотерапия курси ёки хирургик муолажалар унутиб ўтказилиб, клинико-рентгенологик ва лаборатор кўрсаткичлар билан тасдиқланган ВК ажратилиши ва деструкция майдонининг йўқолган ҳолатларда ўтказилади. Ўпкасида кичик формадаги деструкциясиз сил жараёни мавжуд, ВК ажратмайдиган беморларда тўлиқ сўрилиш ёки кичик қолдиқ ўзгаришлар қолган бўлса I гуруҳдан тўғридан тўғри III гуруҳга ўтказилиши мумкин. Кичик қолдиқ ўзгаришли беморлар II ДНГ да камида 1 йил

мобайнида кузатилади. Сил жараёни тўлик даволанмаслиги ва сурункали деструкцияли сил жараёнидан кейинги катта қолдиқ ўзгаришларда бу гуруҳда назорат қилиш муддати 2-3 йилга чўзилади.

Туберкуломасининг диаметри 4 смдан катта бўлган беморлар кўп йиллар мобайнида кузатувда бўлади. III ДНГ да кузатув муддати аниқланган сил жараёнининг шаклига қараб белгиланади. Аниқланган сил жараёнида деструкциясиз ва ВК ажратмаслик ҳолларида кузатув муддати - 3 йил, сурункали деструкцияли катта сил жараёнида эса - 5 йил.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОЛЛАРНИ ДИСПАНСЕР КЎРУВИДАН ЎТКАЗИШ

406. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик билан касал маҳкумлар махсус ЖИЭМларида сақланади ва даволанади, бу маҳкумларни шу муассаса психиатр ва нарколог шифокорлари диспансер кўригидан ўтказадилар. Агарда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши мажбурий даволанишга муҳтож маҳкумлар мутахасис-шифокорлар бўлмаган ЖИЭМга юбориш ҳолларида, даволаш ва диспансер назоратини шу муассаса тиббиёт бўлими бошлиғи ёки шифокор-терапевти психиатр-нарколог тавсияси асосида олиб боради. Бу ҳолларда диспансер назоратини олиб бориш асослари ўзгармайди.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК БИЛАН КАСАЛ МАҲКУМЛАРНИ ДИСПАНСЕР КЎРУВИДАН ЎТКАЗИШ

407. Ичкиликбозликка қарши мажбурий даволанишга лозим бўлган ҳамда шундай даволанишни қабул қилган ҳамма маҳкумлар озодликдан маҳрум этилган жойларда жазони ўташни давом эттирган ҳолда диспансер ҳисобига олинади. Уларга ўрнатилган намунадаги назорат картаси юргизилади ва 2 та бўлимдан иборат -актив ва пасив ҳисобга эга бўлган картотекага жойлаштирилади.

Ичкиликбозлик билан касал маҳкумлар ЖИЭМга жазони ва мажбурий даволанишни ўташ учун келганларида камида 3 кун ичида психиатр-нарколог шифокори томонидан кўрилади ва 1-гуруҳ диспансер ҳисобига қўйилади. Бу маҳкумларга актив ва мадад берувчи амбулатор, зарур бўлган ҳолда стационар ичкиликбозликка қарши даво, халқ суди томонидан тиббий характерга эга бўлган мажбурий чоралар бекор қилинганча ёки ЖИЭМдан озод бўлгунга қадар олиб борилади.

1-гурух диспансер ҳисобига шундай маҳкумлар олинishi мумкинки, ичкиликбозликка қарши мажбурий даво олишга мажбур бўлмаган, ўзлари мустақил равишда наркология ёрдамига мурожаат этиб, ичкиликбозликка қарши давога ижобий натижа берадиган маҳкумлар киради.

Бу маҳкумлар мурожаат этган вақтдан бошлаб ҳисобга олинади.

Агарда озодликдан маҳрум этилган жойда маҳкум ичкиликбозлик билан касалланганлиги аниқланса ва даволанишдан бош тортса, суд томонидан мажбурий даволаниш тавсия этилса, шу вақтдан бошлаб диспансер назоратига қўйилади.

Биринчи гуруҳ диспансер назоратида турувчи маҳкумлар учун 6 ой муддатгача бўлган ичкиликбозликка қарши самарали даволаниш тавсия этилади. Ҳар бир ҳолатда даволаниш муддати давомийлиги тиббиёт бўлими бошлиғи, психиатр-нарколог шифокор ва терапевт-шифокор таркибдаги комиссия томонидан ҳар бир касал маҳкумни ўзига хослиги ва касаллик кечишига қараб белгиланади. Беморлар бир ойда бир мартаба шифокор кўригига чақирилади.

Тўлиқ актив ичкиликбозликка қарши даволаш муолажаларини олган маҳкумлар, суд томонидан мажбурий характердаги тиббий чора-тадбирларни бекор қилинган шароитларда маҳкумлар пассив ҳисоб гуруҳига ўтказилади. Мадад берувчи даволаш, фақатгина касаллик қайталанганда (ичкиликни қайта бошлаб юборганда) ёки шифокорга алкогольга ўткир мойиллик сезган ҳолларида мустақил равишда мурожаат этганларида олиб борилади. Агарда маҳкум ичкиликни қайта бошлаб юборган ҳолларида, касаллик қайта-ланишига қарши мадад берувчи даводан бош тортса, у ҳолда судга мурожаат этиб маҳкумга озодликдан маҳрум этилган жойда мажбурий даволанишни тайинланишига маъмурият ҳукуқи борлиги ҳақида огоҳлантирилади.

Пассив гуруҳ ҳисобида кузатилаётган касаллар профилактика кўруви ёки касаллик қайталанишига қарши мадад берувчи даво ўтказилиш даврида психиатр-нарколог шифокори томонидан кўриб борилади.

ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН КАСАЛ МАҲКУМЛАРНИ ДИСПАНСЕР КўРИГИДАН ўТКАЗИШ

408. Гиёҳвандликдан мажбурий даволанишиши лозим бўлган маҳкумларни ҳаммаси диспансер назоратига қўйилади. Уларга ўрна-

тилган намунадаги назорат варақаси юрғазилади, 2та назорат гуруҳи кузда тутилган: фаол (1-ДХГ), қайта назорат (2-ДХГ).

Ўзбекистон Республикаси ЖКни 96 моддасига мувофиқ гиёҳвандликдан даволаниши мажбур бўлган маҳкумларнинг ҳаммаси актив гуруҳ диспансер ҳисобига қуйилади. Бу шахсларга мажбурий тартибда, давомийлиги 60 кундан кам бўлмаган гиёҳвандликка қарши бирламчи стационар даволаниш курси ва мадад берувчи амбулатор даволаниш курси меҳнат терапияси билан биргаликда олиб борилади. Амалиёт шуни кўрсатаптики, ЖИЭМ тизимида гиёҳвандликка қарши мажбурий даволаниш оптимал муддати 2 йилга боради.

Кузатувдаги гиёҳвандлик билан касал маҳкумларни 1-йил даволанишида бир ойда бир маротаба психиатр-нарколог томонидан кўриқдан ўтказиб боради. 2-йили эса 2 ойда бир маротаба кўриқдан ўтказилади. Ҳар 3 ойда 3-4 ҳафталик мадад берувчи амбулатор даво курси олиб борилади. Гиёҳвандликка қарши даволаш услубини ҳар бир ҳолат учун даволовчи шифокорни ўзи белгилайди.

Гиёҳвандлик билан касал маҳкумлар 2 йил давомида тартиб билан даволансалар, тиббиёт бўлими бошлиги, психиатр-нарколог шифокор ва терапевт-шифокор таркибдаги комиссия томонидан мажбурий даволанишни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин. Тўлиқ даволаниш курсини олмаган (бир йилдан кам) шахсларга мажбурий даволаниш курсини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилиш тавсия этилмайди.

Гиёҳвандлик билан касал маҳкумлар ўрнатиш тартибдаги мажбурий даволаниш курсини тугатганларидан сўнг, комиссия кўригидан сўнг 2-гуруҳ диспансер назорат ҳисобига ўтказиладилар. Бу гуруҳда улар муддатлари тугагунларига қадар (5 йилдан кўп бўлмаган муддатда турғун ремиссия бўлса) ва нарколог шифокори томонидан бир йилда 2 маротаба кўриб борилади.

XI БОБ. АЁЛЛАР ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ТИББИЙ ТАЪМИНОТИ

Вояга етмаганларни сақлаш муассасаларида даволаш профилактика ишларини ўзига хос томонлари

Аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишни ўзига хос томонлари

Болалар уйи хизматини ташкиллаштириш

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИДА ДАВОЛАШ ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИНИ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

409. Барча вояга етмаганлар тергов хибсхоналарида бўлган вақтларида, уларни бўғма (дифтерия) касаллигини чақирувчиси ва гижжалари бор-йўқлигига текширилади. Бу текширувлар мусбат натижалар берса, тўлиқ даволаш-профилактика ва эпидемияга қарши чоралар ўтказилгандан сўнг уларни тарбия колонияларига юборилишига рухсат этилади. Ўсмирларда гижжа аниқланганда, гижжаларни тушириш чоралари кўрилади, шу тadbирлар тугалланмай қолган ҳолларда, улар муассасага боргач тугатилади. Кўрсатмага асосланиб бўғма ва бошқа юқумли касалликларга қарши эмлаш ўтказилади. Кўкрак қафаси аъзоларини профилактик текширувларидан фақат флюорография текшируви ўтказилади.

410. Вояга етмаганларни қабул қилиб олиш гуруҳи таркибига кирувчи тиббий бўлим бошлиғи, муассасага янги келган маҳкумларни улар саломатлиги ҳолатини эътиборга олган ҳолда тегишлича ишга жойлаштириш, мутахассислик ва умумий таълим ўқиши бўйича, халқ хўжалиги ва унга боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланиши мумкин бўлган касб мутахассислигига ўқитиш ҳақида гуруҳ раҳбарига ўз тавсияларини беради. Бир вақтнинг ўзида врач-психиатрда руҳий профилактика ва даволанишга мухтожлар ёки психолог ва тарбиячи томонидан тарбиявий-психологик таъсирга мухтожлар аниқланади.

411. Йилда икки марта барча тарбияланувчилар чуқур тиббий профилактик кўрикдан ўтказилади (антропометрик ўлчовлар, вазнини тортиб кўриш ва лаборатория таҳлиллари ҳамда флюорографик текширувлар). Кўрик натижаларига кўра соғлиғини ҳолати ва жисмоний қувватига қараб тарбияланувчилар жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш учун қуйидаги гуруҳларга бўлинади: асосий, тайёрлов, махсус ва ногиронлар. Соғлиғи аҳволи яхшиланиб боришига қараб бир гуруҳдан бошқасига ўтказилади. Асосий гуруҳга соғлиғида ўзгариш бўлмаган ҳамда соғлиғида морфологик ва функционал ўзгаришлари кўп бўлмаган, жисмонан бақувват бўлган ўсмирлар киради. Улар ўқув дастури бўйича мажбурий бўлган жисмоний тарбия машғулотларида қатнашиб белгиланган нормативларни топширадилар ва жисмоний соғломлаштириш тadbирларида қатнашадилар, қўшимча спорт тўғарақларига қатнашишлари мумкин. Тайёрлов гуруҳига

саломатлик ҳолатида биров ўзгаришлар бўлган ва жисмонан бақувват бўлмаган ўспиринлар киради. Жисмонан бақувват бўлмаган ўспиринлар билан жисмоний тарбия дарси харакатланиш қобилиятларини ва кўникмаларини аста-секинлик билан ошириб боришга қаратилган ҳамда организмга ортиқча эътибор талаб қиладиган (пульс, қон босими ва бошқа кўрсаткичларни назорат қилиш) машқлар киритилмаган ўқув дастури асосида олиб борилади. Улар белгиланган нормативларни танлаб топширадидлар, жисмоний соғломлаштириш тадбирларида қатнашадидлар. Умумий жисмоний тарбия тўғарақларига боришлари мумкин. Махсус гуруҳга соғлиғида сезиларли, доимий ёки вақтинчалик хусусиятга эга бўлган ўзгаришлари бор бўлган, ўқиш ва меҳнат фаолиятига рухсат этилган ўспиринлар киради. Улар билан жисмоний тарбия дарслари махсус дастур асосида касаллигини хусусияти ва оғирлиги инobatга олинган ҳолда олиб борилади ва даволаш тадбири сифатида ўтказилади. Бу туркум билан қўшимча машғулотлар, спорт ўйинлари ташкиллаштирилади, соғлиғини аҳволи назорат қилинади. Айрим ўспиринлар билан машғулотлар врач маслаҳати асосида ўтказилади.

412. Муассасанинг тиббий ходимлари ўспиринлар ичидан соғлиғи бўйича соғломлаштиришга, тиббий кузатувга ва кучайтирилган овқатлантиришга муҳтожларини ажратиб олиб тиббий бўлим стационарида соғломлаштириш гуруҳларини тузади. Соғломлаштириш гуруҳларига қуйидаги ўспиринлар киритилади:

а) жисмонан камқувват ва вазни белгиланган кўрсаткичлардан паст бўлганлар;

б) ҳар хил оғир касалликларни, жароҳатларни ва жарроҳлик операцияларни бошдан кечирганлар;

в) соғлиғида сезиларли, доимий тарздаги ўзгаришлари бўлиб махсус гуруҳга киритилган ва доимий диспансер кузатув гуруҳи ҳисобида турувчи вояга етмаганлар.

Тиббий бўлим бошлиғи соғломлаштириш гуруҳидагилар рўйхатини тузиб, уни муассаса бошлиғи имзоси билан тасдиқлайди. Соғломлаштириш гуруҳига киритилганларни соғломлаштириш муддатини врач аниқлайди ва у 30 кундан ошмаслиги керак. Тиббий кўрсаткичлар асосида бу муддат ўзгартирилиши ҳам мумкин. Бу давр ичида ўспиринлар стационарда бўладидлар. Уларга кун тартибини тиббиёт бўлими бошлиғи аниқлайди. Улар муассаса мактабига, касб-техника ўқув юртига қатнаши мумкин, ишга борса у меҳнат-даволаниш кўринишида бўлади. Тиббиёт ходими назорати асосида даволаш ва

жисмоний тарбия машғулоти ўтказилади. Бу гуруҳ аъзоларини тиббиёт ҳужжатларида уларни вазни оғирлиги, кун тартиби, доридармон ва витамин билан даволаш, жисмоний машғулотлар ва ишлаш натижалари ёзиб борилади.

413. Вояга етмаганлар сақланадиган муассасаларда тиббий-санитария таъминотини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирлар қўрилади:

а) тарбия колониялари юқори малакали консултатив ва стационар ёрдам олиш учун шу ҳудуддаги туман, вилоят касалхоналарига бириктирилади;

б) Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ Республика касалхонаси ҳар йили 2 марта профилактик кўрик ўтказишга ёрдам бериши учун мутахассислар: отоларинголог, невропатолог, окулист, жаррох, стоматолог, психиатр ва бошқа мутахассисларни ажратади. Рентген-флюорография ўтказиш гуруҳи шу кўрик режаланган вақтдан олдинроқ барча тарбияланувчи-ўспиринларни флюорография кўригидан ўтказди.

в) Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ Республика касалхонаси мутахассислари вояга етмаганлар сақланадиган муассасаларга консултатив ва методик ёрдам кўрсатилар. Улар муассасага келиб диспансер назорат гуруҳида ҳисобда турганларга диспансер кузатуви-ни ташкиллаштиришда, уларга даволаш-профилактика тадбирларини тўлалигича ўтказилишига, алкоголизм ва гиёҳвандликка чалинган беморларга мажбурий даволашни ўтказишда ёрдам кўрсатадилар. Бу ишларни амалга ошириш учун дерматовенеролог, фтизиатр ҳамда бошқа мутахассис-шифокорлар муассасага бориб амалий ёрдам кўрсатадилар.

414. Тиббий бўлим врач-терапевти стационарда 2 ҳафта ичида даволаниши мумкин бўлган беморларни даволайди. Бу муддатдан узоқроқ вақт ичида даволаниши керак бўлган ҳолларда врач бемор ўспиринни ЖИЭББ Республика касалхонасига ёки яқин атрофдаги соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарига ўрнатилган тартибда юборади.

415. Муассасага келган барча ўспирин маҳкумлар врач-психиатр кўригидан ўтиши керак. Тиббий кўрсатмалари бўйича мажбурий даволаш чораларини қўллаш белгиланган вояга етмаган маҳкумлар ихтисослаштирилган муассасаларда даволанадилар. Амбулатор даволаш (ихтисослаштирилган муассаса бўлмаган ҳолатларда ҳам мутахассис тавсияси ва назорати остида) тиббий бўлимда врач-психиатр

(психиатр-нарколог) ёки тиббий бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади. Гиёҳванд беморларни тарбия колонияси шароитида даволаш, мажбурий тартибда меҳнат ва ўқиш жараёни билан узлуксиз равишда, муассаса техника мутахассислик билим юрти ёки умумий таълим мактабининг гиёҳванд беморлар билан ишлаш жараёнини ташкил қилиш тайёргарлигини ўтган ходимларини жалб қилган ҳолда олиб борилади. Юқорида кўрсатилган барча тадбирлар врач-психиатр томонидан тарбиячи ва психолог билан ҳамкорликда олиб борилади. Улар томонидан ўспиринлар орасида соғлом турмуш тарзи, гиёҳванд моддаларни зарари ҳақида комплекс тадбирлар тарғиботи олиб борилади.

АЁЛЛАРГА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШНИ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

416. Аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ТХ ва ЖИЭМлар тиббиёт бўлимлари вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) ҳомиладорликнинг кечишида, туғиш ва туғишдан кейинги даврда рўй бериши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш тадбирларини кўриш;

б) гинекологик касалликларни олдини олиш ва даволаш.

417. Тиббий бўлим қуйидагиларни амалга оширади:

а) ҳомиладор аёлларни диспансер кўригидан ўтказиш;

б) туғишга тайёргарлик учун психопрофилактика ишларини олиб бориш;

в) «оналар мактаби» ишини олиб бориш.

Тиббий бўлим қуйидагиларни назорат қилади:

а) аёлларни меҳнатга тўғри жалб қилиб ишлатилишини (ҳомиладорлар ва кўкрак ёшидаги болали аёлларни тунги хизматларга, иш вақтидан ортиқча ишларга, зарарли ишлаб чиқаришга ва дам олиш кунларида ишга жалб этилмаслигини);

б) гигиена хоналари борлигини ва уларни санитария ҳолатини, жиҳозланишини;

в) ҳомиладор ва кўкрак ёшидаги болалари бор аёлларни овқатланишини назорат қилади.

418. Тергов хибсхоналари ва ЖИЭМларида сақланаётган ҳомиладор аёллар туғиш учун муассаса жойлашган ҳудуддаги соғлиқни сақлаш тизимидаги туғруқхоналарга ётқизилади.

419. Барча ҳомиладор аёллар диспансер кузатувида бўлади. Акушерлик патологияси ва экстрагенитал касалликлари бор бўлган аёллар алоҳида «хавфли» гуруҳга ажратилади. Ҳомиладор аёл бирламчи кўрикдан ўтаётган пайтда:

а) ҳаёти ва касаллик тарихи маълумотлари тўпланади, ички безлар фаолиятига, хайз кўришга, унинг кечиши ва аввалги ҳомиладорлиги, туғиш ва уларни кечиши ҳақида маълумотлар йиғилади;

б) умумий, махсус ва ультратовуш текширишлари ўтказилади, вазни ва қон босими ўлчанади;

в) лаборатория текширувлари (қон, сийдикни умумий таҳлили, Вассерман текшируви ҳомиладорликнинг биринчи ва иккинчи даврида ўтказилади, қон гуруҳи, резусни қайси гуруҳга мансублиги, қин ажратмаларини, ОИТС текширувлари) ўтказилади;

г) врач терапевт ва стоматолог кўриги ўтказилади.

Акушерлик анамнези оғир кечган бўлса, ҳомиладор аёллар токсоплазмозга текширилади, керакли мутахассисларга аҳволига қараб кўрсатилади.

Акушер-гинеколог кўригига келиш муддатлари қуйидагича белгиланади:

а) ҳомиладорликнинг 1 даврида-1 ойда 1 марта;

б) ҳомиладорликнинг 2 даврида-1 ойда 2 марта;

в) ҳомиладорликнинг 32 ҳафтасида - ҳар ҳафтада;

г) акушерлик анамнези оғир кечган ҳолларда, ҳомиладор аёл касал ҳолларда ёки шу ҳомиладорлик патологик кечаётган (стационар даволаниш зарур бўлмаган) ҳолларда неча кунда кўрик ўтказиш алоҳида ҳал қилинади, зарур бўлса керакли ҳажмда лаборатория текширувлари ўтказилади.

Ҳомиладорлик аниқланган вақтдан бошлаб аёл енгил ишга кўчирилади ва қуйидагилар ўтказилади:

а) шахсий гигиена қоидаларига, иш ва дам олиш тартибини сақлаш ҳақида санитария-тарғибот ишлари ўтказилади;

б) носоғлом бўлган ҳомиладор аёллар (юрак касалликлари, ҳомиладорлик токсикози ва бошқалар) билан жисмоний тарбия машғулотлари алоҳида тартибда махсус машқлар билан ўтказилади;

в) ҳар ҳафтада бир марта туғиш учун аёлни руҳий жиҳатдан тайёрлаш машқлари ўтказилади (6 дарс);

г) ҳомиладорликнинг 14-16 ҳафтасидан бошлаб «оналар мактаби» дарси ўтказилади.

Стационар текширишга ва даволанишга қўйидаги аёллар юборилади:

а) ҳомиладорлик патологик кечган (токсикозни оғир кўринишлари, бола ташлаш хавфи бўлганда, нефропатия, презклампсия, жинсий аъзолар йўлидан қон оққанда, ҳомила ота-онасининг қон резуси қарама-қарши-бўлган ҳомиладорликда, муддатидан олдин туғиб қўйиш хавфи бўлган ва бошқа ҳолларда;

б) экстрагенитал касалликлар (юрак нуқсони, қон босим касаллиги, гипертериоз, диабет, анемия, лейкоз, цистит ва бошқа) қайд этилган ҳолларда;

в) ўзи соғлом бўлган аёлларда туғиш жараёни қийинчиликлар (бачадондаги чандиқ, ҳомила кўндаланг ёки ёнлама жойлашганда, бачадонда бир неча ҳомила бўлганда, ҳомила она қорнида нобуд бўлганда, бачадон миомаси ва бошқалар) бўлиши мумкин бўлган ҳолларда;

г) амбулатория шароитида ташхис қўйишни, касаллик асоратини аниқлаш имкони бўлмаган ҳолларда.

420. Акушерлик стационаридан чиққандан сўнг кўрик қўйидаги муддатларда бўлади:

а) 7-10 кундан кейин - 1 кўрик;

б) 1 ойдан кейин - 2 кўрик;

в) 2 ойдан кейин - 3 кўрик.

Биринчи кўрик пайтида акушерлик стационари маълумотлари ўрганилади, шикоятлар аниқланади, керак бўлса қинни текширувлари ўтказилади. Шахсий гигиена талабларини бажариш ҳақида суҳбатлар ўтказилади. Зарурат бўлган ҳолларда мутахассис врачларнинг маслаҳат кўриклари ўтказилади.

Иккинчи кўрик пайтида аёлнинг шикоятлари ўрганилади, зарурлигига қараб лаборатория текширувлари ўтказилади.

Туғишдан кейинги даврни кечиши физиологик ҳолатда бўлса учинчи кўриқдан сўнг аёл диспансер ҳисобидан ўчирилади. Тўққан аёлнинг соғлиғи аҳволини врач акушер-гинеколог, туғилган чақалоқни аҳволи ва ўсишини врач-педиатр кузатади.

421. Гинекологик ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш вазифалари:

а) гинекологик касалликларни олдини олиш;

б) уларни илк бошланиш даврида аниқлаш;

в) гинекологик беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш.

Аёллардаги гинекологик касалликлар акушер-гинеколог қабулига аёллар мурожаат этганда ва ҳар йилги профилактик кўрик вақтида аниқланади. ЖИЭМ ва ТХ сақланаётган барча аёллар кўрувдан ўтиши керак, улар акушер-гинеколог врачлари томонидан ҳар йили камида бир марта кўрилади. Касаллик аниқланганда (ёки уни борлигига шубҳа бўлганда) врач кўйидагиларни ўтказилади:

- а) касаллик тарихи йиғилади;
- б) касалларни умумий ва гинекологик кўриқдан ўтказилади;
- в) бактериологик ва цитологик текширувлар ойнага суркаш йўли билан олинади.

Режали асосда стационарга ўтқизиладиган беморлар олдин тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилади, улар учун стационарда бўш жой қолдирилади.

Аёллардаги бор бўлган касалликни тиббий бўлим шароитида даволашни имкони бўлмаса уларни соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарга юборилади. Керак бўлган ҳолларда ҳомилани олдириб ташлаш учун кўйидагилар ўтказилади:

- а) қонни Вассерман усули билан текшириш;
 - б) қинни сурков олиб текшириш;
 - в) биринчи бор ҳомиладор бўлганлар қонини резусга текшириш.
- Бошқа текширувлар заруриятга қараб ўтказилади.

Сунъий йўл билан ҳомилани ривожини тўхтатишга бўлган қаршилиқлар:

- а) кечиши ўткир ва оралик сўзак (гонорея);
- б) қаерда жойлашганидан қаътий назар кечиши ўткир ва оралик барча яллиғланиш ҳоллари;
- в) ўткир юқумли касалликлар.

Гинекологик беморлар икки гуруҳга бўлинади:

- а) даволаниши талаб этилаётганлар;
- б) мунтазам кузатувга ва кўрувга муҳтожлар.

Биринчи гуруҳга жарроҳлик усули билан даволаниш талаб қилинадиган ташқи жинсий аъзоларининг ўта хавфли ўсмалари, хавфли бўлмаган ўсмалари, бачадон миомаси, кистомаси ва тухумдон кистаси, қин шиллиқ қавати осилиб тушиши ва осилиб қолиши ҳоллари; менструал бузилиши бўлган беморлар, патологик климакси ва бошқа ҳолатлар бўлган беморлар қиради.

Иккинчи гуруҳга белгилари яққол билинмайдиган, даволанишга муҳтож бўлмаган миомалари бор бўлган аёллар, оператив-жарроҳлик даволаниши керак бўлмаган тухумдон ва қин кистаси бор бўлган

беморлар, бачадон ва қин шиллиқ қаватлари чиқиб турадиган ва жарроҳлик йўли билан даволанишга қаршиликлари бўлган ҳамда оператив ёки консерватив даволанишдан сўнг биринчи гуруҳдан ўтказилган беморлар киради. Қанча муддатга, неча марталаб кўриқдан ўтказиш, кузатув муддатлари ҳар бир аёл учун врач томонидан касалликнинг кечиши, касаллик даври ва унинг ўзига хос кечиши ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

БОЛАЛАР УЙИ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

422. Болалар уйи маҳкума аёлларнинг болаларини сақлаш ва тарбиялашга мўлжалланган болалар муассасасидир. Болалар уйи ўрнатилган тартибда аёллар жазони ижро этиш муассасаларида ташкиллагштирилади. Болалар уйи муассаса ҳудудидан ташқарида жойлашади ёки маҳкумалар умум яшаш жойидан ажратилган бўлади. Болалар уйи жойлашган ер майдони тўсиқ билан ўралган бўлиб, у ерда ҳар бир гуруҳ, болалар йил давомида сайр қилиши ва тоза ҳавода ухлашларини мўлжаллаб алоҳида жиҳозланади.

Болалар уйида болалар туғилганидан то уч ёшга тўлгунигача қадар тарбияланади. Болалар уйидаги бола уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки хомийлик ва васийлик органи қарорига кўра бошқа шахсларга берилиши мумкин, ёки бошқа шароитларда болалар соқлиқни сақлаш идораларига қарашли болалар муассасаларига ўтказиладилар.

Барча чақалоқлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) идораларидан ўз вақтида рўйхатдан ўтказилиб, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномани расмийлаштирилиши шарт. Бола ўлик туғилса ёки чақалоқ туғилганидан кейинги етти кун ичида вафот этса, бундай ҳолатлар уч кун муддат ичида ФХДЁ идораларида қайд этиш рўйхатидан ўтказилиши керак. Туғилишдан олдин нобуд бўлган ҳар бир бола (ҳомила) ҳақида тегишли маълумотнома тўлдирилади.

Болалар уйида ҳар бир болага турар жойи майдони 5 квадрат метрдан (шу ҳисобда ётоқ хонаси, ўйнайдиган жойи, овқатлантириш хоналари) кам бўлмаслиги керак. Ётоқхонада ҳар бир болага тўғри келадиган майдон 2 кв.м. кам бўлмаслиги керак.

Болалар уйи фаолиятини уни бошлиғи врач-педиатр бошқаради, у болалар уйининг тиббий, тарбиявий ва бошқарув-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, амалдаги соғлиқни сақлаш қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ буйруқ ва йўриқномалари асосида

иш юритади. Болалар уйи жойлашган муассаса бошлиғи ва шу муассаса тиббий бўлим бошлиғи болалар уйи фаолиятини ташкиллаштиришга шахсан жавобгардирлар.

423. Болалар уйида соғломлаштириш ва тарбиявий ишларни тўғри ташкиллаштириш учун болалар ёшига қараб бўлинган гуруҳлар ташкил этилади. Ёшига қараб тақсимланган болалар гуруҳлари ва гуруҳлар сони ҳақиқатда бор бўлган болалар сонига, ёшига ва психологик ўсишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Болаларни ёшга қараб гуруҳларга бўлиниши:

а) биринчи гуруҳ-10 ойгача бўлган болалар (бунда 4 ойгача бўлган болалар учун гуруҳчалар тузилади);

б) иккинчи гуруҳ - 10 ойдан 1, 5 ёшгача;

в) учинчи гуруҳ - 1, 5 ёшдан 2 ёшгача;

г) тўртинчи гуруҳ-2 ёшдан 3 ёшгача.

Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги болалар сони ўртача 10тадан, учинчи ва тўртинчи гуруҳдагилар - 13тадан ошмаслиги керак. Агар бирор гуруҳдаги болалар сони белгиланган меъёрдан ошиб кетса, яна битта шунақа гуруҳ тузилади.

424. Болаларни тиббий таъминоти қуйидаги йўналишларда бўлади:

а) соғлом болани жисмонан ва маънан тўғри ўсишини ташкиллаштириш;

б) юқумли ва соматик касалликларни олдини олиш ва даволаш.

425. Болалар уйида тиббиёт ходимлари қуйидагиларни таъминлайдилар;

а) 1 ёшгача бўлган болаларни тўғри овқатлантириш ва 1 ёшдан ошган болаларни тўлақонли овқатлантириш;

б) болаларга белгиланган ёшларида профилактик эмлашларни ўтказиш;

в) чиниқтириш муолажаларни ва бадан тарбия машқларини ўтказиш;

г) болалар уйидаги касалланган болаларни бошқалардан ажратиш ва карантин чоралари билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш;

д) оналар ва болалар уйи ходимлари билан санитария-тарғибот ишларини ўтказиш;

е) ҳисобот ишларини олиб бориш.

426. Бир ёшгача бўлган болаларни овқатлантириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган меъёрлар асосида ташкиллаштирилади. Бу ишда тиббиёт ходимлари қуйидагиларни бажаради:

а) болаларни тўлиқ кўкрак сути билан боқилиши учун ҳаракат қилиш;

б) кўкрак сути етмаган тақдирда ва донорлик сутини олиш имконияти бўлмаса, болани ўз вақтида аралаш ва сунъий овқатлантиришга ўтказиш;

в) боланинг ёши ва ўзига ҳос айрим хусусиятларига қараб, таомномага шарбатлар, витаминлар, бошқа ҳар хил қўшимча овқатлар қўшилига эришиш;

г) боланинг овқатларида асосий овқат моддаларини унинг физиологик талаби даражасида бўлишини қаттиқ назорат қилиш;

д) боланинг соғлиғи ва индивидуал хусусиятлари, тарбияланиш шароитлари, атроф муҳит эътиборда бўлиши керак.

Бола овқатланишини тўғри ташкил этилганлигини бола бўйи ва вазни бир текисда ўсиши билан белгиланади. Хавф гуруҳига кирувчи - чала туғилганлар, кўп ҳомилалилар, катта оғирликда туғилганлар ва гипотрофияга чалинган болалар алоҳида гуруҳга ажратилади. Бундай болаларни овқатлантириш масаласи фақат индивидуал ҳал қилинади.

427. Болаларни профилактик эмлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиблар асосида ўтказилади.

Бунинг учун қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

а) эмлаш тадбирлари йил, квартал, ойни мўлжаллаб режалаштирилади;

б) эмлаш ўтказилган куни врач кўриги ўтказилиб, тана ҳарорати ўлчанади;

в) санитария-гигиена қоидаларига, асептика қоидаларига (эмлаш ўтказадиган алоҳида хона, тиббий жиҳозларни стерилизация қилиш) амал қилиш;

г) ўтказилган профилактик эмлашни ва унинг натижасида бўлган ўзгаришларни аниқ қайд этиш;

д) эмлашни бошқа муддатга қолдирилиш сабабини асослаб, уни қачон ўтказиш мумкинлигини белгилаш.

428. Болаларни чиниқтириш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услублар ва ИИБ Тиббиёт бошқармаси тавсиялари асосида қуйидаги шарт-шароитларга амал қилган ҳолда ўтказилади;

а) чиниқтириш услубини ўтказишда ҳар бир боланинг ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олиш;

б) чиниқтириш муолажалари ва табиий омилларни қўллашни биргаликда олиб бориш;

в) табиий омиллар таъсир кучини аста-секинлик билан ошириб бориш;

г) чиниқтириш йил бўйи ўтказилади, уни услублари йил фасли ва об-ҳавога қараб ўзгартириб борилади;

д) чиниқтириш муолажаси вақтида боланинг қувноқ хуш-ҳолда бўлиши.

Бир ёшгача бўлган болаларнинг жисмоний тарбия машқлари ҳар бир болага алоҳида бўлиб, уқалаш ва гимнастикани ўз ичига олади. Бир ёшдан катта болаларга жисмоний тарбия ҳаракатли ўйинлар ҳамда турли гимнастик машқлардан иборат бўлади.

Болаларни соғлиғи аҳволи комплекс услубда мутахассис-врачлар жалб этилиб баҳоланади. Бу ишнинг пироварди натижаси барча болаларни соғлиғи бўйича бир гуруҳга бирлаштириш бўлиб, бу соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни енгиллаштиради.

429. Болалар уйига келган барча болалар врач томонидан зудлик билан ва чуқур текширувдан ўтказилади. Болаларни врач томонидан кўриги қуйидаги муддатларда ўтказилади:

а) 1 ойлик бўлгунича - ҳар кунда;

б) 1 ойдан 6 ойлик бўлгунича - беш кунда бир марта;

в) 6 ойдан 9 ойлик бўлгунича - ўн кунда бир марта;

г) 9 ойдан 1 ёшга тўлгунча - икки ҳафтада бир марта

д) 1 ёшдан 3 ёшга тўлгунича - бир ойда бир марта;

Болаларни кўрик натижалари ва руҳий жисмоний ўсиши ҳақидаги маълумотлар боланинг ривожланиш тарихи дафтарига (112-У-И шакл) қайд этилади. Нимжон ва саломатлик ҳолатида ўзгаришлар бўлган болалар ИИБ ва маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари мутахассис врачларини жалб этилиб кўрилади. Болалар уйига барча янги келган болаларда антропометрик ўлчовлар ўтказилади ва бу ўлчовлар бола 1 ёшга тўлгунча ҳар олти ойда қайтадан ўтказилади. Соғлом болаларни 4 ойлик бўлгунига қадар кунора, 4 ойдан 1 ёшга тўлгунига қадар 5 кунда 1 марта, 1 ёшдан 1 ёшу 6 ойлик бўлгунига қадар 10 кунда 1 марта, 1 ёшу 6 ойлигидан 3 ёшга тўлгунига қадар ҳар ойда 1 марта вазни ўлчанади. Нимжон болалар овқатланишдан олдин ва ундан кейин 3-4 ойлик бўлгунига қадар кунда бир марта вазни ўлчаниб турилади.

430. Юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш мақсадида болалар уйига янги келган ёши икки ойдан ошган болалар 21 кун

давомида карантинда бўладилар. Ёши икки ойгача бўлган болалар 3-5 кунга карантин биносида алоҳида хонага ётқизиладилар. Тез ривожланувчи оғир касалликка ва юқумли касалликларга чалинган болалар, карантин биносига ётқизилмай соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарига жўнатилдилар ва улар касалхонага жўнатилгунга қадар тиббий изоляторда бўладилар. Болалар карантин ўтиши учун болалар уйи биносидан бошқа жойда алоҳида хона ташкиллаштирилади, ундаги ўринлар сони болалар уйининг штат бўйича умумий ўринлар сонини 10 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Карантин биноси 2-3 хонали қабул бўлинмаси, болаларни оналари билан биргаликда сақлаш учун хоналар (майдони ҳар бир бола учун 5, 1 кв.м. ва оналар учун 3 кв.м. кам бўлмаган), ювиш хонаси хожатхона, айвонча ва сайр қилиш учун майдончалардан ташкил топади. Карантин хоналарида ҳар хил ёшли болалар бўлиб, уларнинг кун тартиби ҳар бирига алоҳида, тарбия ишлари уларнинг ёшига хос бўлади. Карантин вақтида болалар ва оналар бўғма, ичак инфекциялари гуруҳи (ёки шу микроб ташувчилари) бор-йўқлигига (шу жумладан қорин тифи, паратиф, ичбуруғ), гижжалар борлиги, сил ва захм касалликларига, қонни Вассерман услубида текширишга, қизчалар ва оналарни гонорея касаллигига текширилади. Бошқа қўшимча текширувлар клиник ва эпидемиологик асослар бўлсагина ўтказилади.

Захм касаллиги билан оғриган ёки касалланиб даволанган оналардан туғилган болаларга тегишли тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартиблар асосида ўтказилади.

431. Изолятор болалар уйи умумий ўринлар сонини 10% миқдориди ўринлар билан жиҳозланади, у соғлом гуруҳлардан ажратилган бўлиб, кириб-чиқиши алоҳида бўлиши керак. У қабул хонаси, касаллар учун 1-2 хона (майдони ҳар бир беморга 3 кв.м. кам бўлмаслиги керак), хожатхона, ювиниш хонаси ва бемор бола учун алоҳида хонадан иборат бўлади. Бу изоляторда айвонча ва сайр қилиш учун майдонча бўлиши керак. Карантин бўлинмаси ва изолятор керакли асбоб-анжомлар ва беморларни парвариш қилиш буюмлари билан жиҳозланади.

432. Гуруҳ ва кичик гуруҳларда кун тартиби болаларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб тузилади. Ҳар бир гуруҳда болаларнинг ёшига мувофиқ, уларнинг нормал ўсишини таъминловчи соғломлаштириш ва тарбия тадбирларни ўтказилади.

433. Тиббиёт ходимлари болаларни максимал равишда кўкрак сути билан боқишни сақлаб қолишга интилишларн керак. Онанинг кўкрак сути бўлмаган ҳолларда, болага бошқа боқувчи аёллар кўкрак сутини, донор сутини ёки она сутига яқинлаштирилган қуритилган сут аралашмасини олиш мумкин. Болалар уйи қошида сут ошхонаси ташкил этилади.

434. Нимжон болалар учун болалар уйида уларни керакли даражада соғломлаштириш учун ўзига хос шарт шароити ва тартиби бўлган санатория гуруҳлари ташкил этилиши мумкин.

435. Болалар уйи бошлиғи ҳар бир юқумли касаллик ҳолларида зудлик билан муассаса тиббий бўлим бошлиғига хабар беради. Юқумли касал болалар билан мулоқатда бўлган болаларга эпидемияга қарши барча зарур тадбирлар ўтказилади. Улар алоҳида гуруҳга ажратилиб, бошқа хоналарга жойлаштирилади. Юқумли касал чиққан гуруҳда жорий дезинфекция, якуний ташҳис қўйилгандан сўнг якуний дезинфекция ўтказилади. Ўткир ичак инфекцияси аниқланганда, шу гуруҳдаги болалар ва шу гуруҳга хизмат кўрсатаётган ходимлар ва ошхона ишчилари ичак гуруҳи микробларига текширилади.

436. Сурункали кечадиган касаллиги бўлган болалар динамик кузатув гуруҳига олинади. Касаллиги кечиши ва хусусиятларига қараб қайталанишига қарши, махсус ва умумий қувватловчи даволаш ўтказилади. Соғлиқни сақлаш вазирлигини болаларга диспансеризация ўтказиш бўйича кўрсатмаларига асосланиб болалар вақти-вақти билан мутахассис врачлар жалб этилган ҳолда чуқур тиббий кўриқдан ўтказилади.

437. Санитария-тарғибот ишларини болалар уйи бошлиғи ташкиллаштиради. Бунда оналар ва хизматчи ходимларга норасида болаларни тарбиялаш ва парвариш қилишда санитария-гигиена билим ва амалиётлари ўргатилади. Санитария-тарғибот ишлари санитария ва гигиена, мавсумий касалликларни олдини олиш, «оналар мактаби» деворий газеталари, тиббиётга оид ўтказиладиган маъруза ва суҳбатлар барча оналар ва ходимларга тушунарли бўлиши керак, мазмуни бўйича сермазмун, шакли бўйича аниқ равшан бўлиши керак.

438. Муассаса маъмурияти эмизикли боласи бор бўлган оналарга кунига ҳар уч соат оралиғида 30 минутли муддатга боласини бориб кўриши учун шароитни яратади, икки ёки ундан ортик чақалоғи бўлса бир соатдан кам бўлмаган муддатга. Оналар болалари олдига қатнаб туриш вақти врач-педиатр томонидан аниқланади ва муассаса маъмурияти билан келишилади. Муассаса маъмурияти боласини

кўкрак сути билан боқмайдиганларга улар ҳар куни 1 соат мобайнида келиб боласини кўриши учун шароит яратади.

439. Болалар уйи бошлиғи маҳкума аёллардан сўров йўли билан, керак ҳолларда уларнинг яқин қариндошларига хат ёзишиб уларнинг болани ўз тарбияларига олиш хоҳишларини аниқлайди. Маҳкума аёлга, болаларини жойлаштириб келиш учун, қариндошлариникига бориб келиш имконияти яратилади. Йўл харажатлари маҳкума маблағи ҳисобидан бўлади. Агар маҳкума аёл бирор сабаб билан қариндошлариникига боласини жойлаштириб келишга бора олмаса, қариндошлари болани ўз тарбияларига олишга хоҳишлари бўлсаю, лекин йўл харажатларига маблағлари бўлмаса, муассаса йўл ҳақини уларга тўлаб, шу харажатларни «Озод этилиш харажатлари» моддаси ҳисобига киритади. Агар қариндош уруғлари бошқа сабабларга асосан келолмасалар, бола уларнинг турар жойига тиббий ходим кузатувида юборилади. Болани ўз тарбиясига қабул қилган қариндошига болани тарбияга топширилганлиги ҳақидаги далолатнома нусхаси, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси, болани ўсиши тарихи дафтаридан кўчирма, унда боланинг соғлиғи тўғрисидаги маълумотномалар, олинган профилактик эмлаш ва ўтказган касалликлари ёзилган бўлади.

Агар болани қариндошлари тарбиясига олиш иложи бўлмаган ҳолларда, болалар уйи бошлиғи 2-3 ой олдиндан соғлиқни сақлаш идораларига, болани улар муассасаларига ўтказиш кераклиги ҳақида хабар беради. Болалар соғлиқни сақлаш идораларининг болалар муассасаларига юборилаётган вақтда юқумли касалликлари бўлган болалар билан мулоқатда бўлмаган бўлиши керак. Онанинг розилиги билан васийлик ва ғамхўрлик идоралари қарори асосида болани бошқа шахсларга ҳам берилиши мумкин. Марказий нерв тизими органик жароҳатлари, туғма майиблик ва бошқа оғир касалликлари бор болалар умумий турдаги болалар уйига юборилмасдан махсус турдаги болалар уйига ёки соғлиқни сақлаш идоралари даволаш муассасаларига юборилади.

Қариндошларига ёки болалар уйларига ўтказилаётган болалар муассаса томонидан текинга берилаётган кийим, ички кийимлар, ва пойафзаллар билан таъминланади. Йўлда болаларга алоҳида жой (ўрин) олинади, ётиш жиҳозлари ва тўла сифатли овқатланиш муассаса томонидан таъминланади. Кузатиб борувчи тиббиёт ходими ўзи билан бирга болани парвариши учун керакли жиҳозлар, овқатланиши учун идишлар ва дори-дармонлар олган бўлиши шарт.

440. Жазо ўташдан озод бўлаётган аёлнинг боласи муассасада бўлса, унга боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва боланинг соғлиги ҳақида, ўтказилган эмлашларни ва бола ўтказган касалликлар маълумоти ёзилган боланинг ўсиши тарихи дафтаридан кўчирмани онага олганлиги ҳақида қўл қўйдириб топширилади. Агар аёл жазо ўташдан озод бўлаётган вақтида боласи бетоб бўлиб, касалхонада даволанишга муҳтож бўлса, онанинг розилиги билан шу ҳудуддаги соғлиқни сақлаш идоралари стационарига ўтказилади.

ХП БОБ. ВАҚТИНЧАЛИК ВА УЗОҚ МУДДАТГА МЕХНАТ ҚОБИЛИЯТИ ЙЎҚОТИЛГАНЛИГИ ЭКСПЕРТИЗАСИ

441. Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик деб вақтинчалик меҳнат қобилиятини (уни тиклангунча ёки ногиронлик белгиланишига қадар) касаллик туфайли ёки бирор бахтсиз ҳодиса, ёки бошқа сабабларга (туғишгача ва туғишдан кейинги даврлар, протез қўйдириш, донорлик, бола олдириш, мажбурий даволаш ўтказиш учун ишдан озод қилишга) кўра йўқотиш натижасида ўз ишини бажара олмаслик тушинилади.

442. Муассасаларда меҳнатга лаёқатсизликни экспертиза қилишнинг асосий вазифаси маҳкумлар меҳнат қобилиятини узоқ муддатга ёки доимий йўқотганлик белгиларини аниқлаш, тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) кўригини ташкил қилиш, ногирон бўлмасада соғлиги туфайли енгил шароитларда ишлашга муҳтож бўлганларга уларга мос меҳнат шароитига ўтишни тавсия қилиш кабилардан иборат. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тиббиёт бошқармаси шу вазифа бўйича умумий назоратни олиб боради.

443. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик аниқланган ҳолларда ва амбулатория шароитида даволаниш учун ишдан озод этилганда беморнинг тиббий амбулатория дафтарыда, амбулатория шароитида даволанаётган беморларни қайд этиш дафтарыда, қабул қилиш дафтарыда касаллик ҳақида барча маълумотлар тўлиқ ёзиб чиқилади, меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик варақаси (талони) тўлдирилади.

Врач томонидан беморни касаллиги туфайли ишдан озод қилиш бир йўла муддати 5 кунгача бўлиши мумкин. Ҳаммаси бўлиб шу касаллик бўйича врач 10 кунгача ишдан озод қилишга ҳақли. Беморни кўрмай туриб сиртдан ишдан озод қилиш тақиқланади ҳамда ишдан озод қилиш муддати узайтирилаётганда ва ишга чиқишга рухсат этилиши олдидан врач беморни кўриқдан ўтказиши шарт.

Вақти-вақти билан врач беморларни кўриқдан ўтказиб турса кассалик кечишини кузатишга имкон бўлади ва даволаниш-соғломлаштириш тадбирларини тўғри олиб борилишини ўз вақтида йўлга солади.

Грипп эпидемияси кечаётган вақтда врач беморда меҳнатга лаёқатсизликни аниқласа бирданига 5 кунга ишдан озод этиши мумкин. Ишдан озод этиш муддатини 5 кундан кўпга узайтириш, фақат тиббий бўлими бошлиғи ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан беморни кўриб, ўз қарорини тиббий амбулатор дафтarga ёзиш ва имзо қўйиш орқали амалга оширилади. Узоқ кечадиган касалликларда бундай кўриқлар 10 кундан кўп бўлмаган вақтга касалликнинг клиник асосланиши билан узайтирилади. Бир врач ишлайдиган муассасаларда касалланишнинг бошидан охиригача меҳнатдан вақтинча озод қилиш муддатини узайтиришни унинг бир ўзи хал қилади.

Тиббий бўлим стационарида ёки касалхонада даволаниш ёки текширувдан ўтиш ишдан озод этишга асос бўла олади.

444. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик касалликнинг кечиши хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ўткир кечадиган касалликларда беморнинг меҳнат қобилияти тиклангунига қадар ишдан озод қилинади. Ўткир кечаётган касалликлар сурункали кўринишга ўтишига мойил ҳолларда ишдан озод қилиш беморнинг меҳнат қобилияти сақланганлиги аломатлари яққол билиниб турган вақтига берилади.

Касаллик кечиши ёмон ёки шубҳали бўлса, беморни врачлар ТМЭКга ногиронликни аниқлаш учун юборади. Беморда ногиронлик белгилари аниқланмаса, лекин соғлиғи бўйича меҳнат қобилиятида чекланишлар бўлса унда бемор врач хулосаси асосида бошқа ишга ўтказилади. Сурункали касалликларда одатда ишдан озод қилинмайди. Баъзи ҳолларда касаллик қайталанганда, хуружлар бўлганда, тутқаноқларда, касалликнинг шу белгилари йўқолгунига қадар ишдан озод этилади.

445. Алоҳида эътиборни узоқ ва тез-тез касалланадиганларга қаратиб, улар билан даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади. Ўз вақтида ва тўғри ташкил этилган диспансер кузатуви бу гуруҳ беморлар орасида меҳнат қобилиятини йўқотишга келтирувчи касалликларни камайишига олиб келади, касалликнинг олдини олиш имконини беради.

446. Доимий ёки узоқ вақтга меҳнат қобилияти йўқотилса ҳамда меҳнат қобилияти сезиларли чекланиб қолган беморларга ногиронлик белгиланади. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга ногиронликни

белгилаш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигини тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари(ТМЭК) томонидан амалга оширилади.

XIII БОБ. ОРТОПЕДИК-ПРОТЕЗ МАҲСУЛОТЛАР ТАЪМИНОТИ

Тиш протезлаш ёрдамини ташкил қилиш

Ортопедик оёқ кийим ва протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш

ТИШ ПРОТЕЗЛАШ ЁРДАМИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

447. Махсус контингентга протезлаш ёрдами ТХ, ЖИЭМ, маҳкумлар касалхоналарида ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги тиш протезлаш лабораторияларида амалга оширилади. Бундан ташқари тиш протезлаш ёрдами, шартнома асосида, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан ҳам амалга оширилади.

448. Тиш протезлашга қуйидагилар мутлоқ кўрсатма ҳисобланади:

- а) тепа ва пастки жағлардаги тишларни йўқлиги;
- б) тепа ва пастки жағлардаги ён тишларни йўқлиги;
- в) ён тишларни борлигидан қатъи назар, тепа ва пастки жағлардаги бир нечта олдинги тишларни йўқлиги;
- г) медиал ва дистал таянчли сақлангани ҳолда, тепа ва пастки жағдаги иккитадан кам бўлмаган, ёнма-ён тишларни йўқлиги;
- д) пародонтоз, чайнов аппаратини ҳолатига қараб;

449. Тиш протезлашга навбатни шифокор-протезист белгилайди. Биринчи навбатда мутлоқ ва нисбий кўрсатмалар инобатга олинади. Тиш протезлашга навбатни ТХ, ЖИЭМ тиббий бўлим бошлиғи ёки касалхона бошлиғи назорат қилади.

ОРТОПЕДИК ОЁҚ КИЙИМ ВА ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИК МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

450. Маҳкумлар протез-ортопедик маҳсулотлар, ортопедик оёқ кийим ва ортопедик аппаратлар учун оёқ кийим, протезлар учун оёқ кийим, бандаж маҳсулотлари, эшитув ва овоз ҳосил қилувчи аппа-

ратлар, кўзойнаклар билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Маҳкумларга косметик протезлаш ва шу мақсадда жарроҳлик муолажаси ўтказилмайди.

451. Протезларни ясаш ва таъмирлаш ишлари бу ҳақда шифокор-мутахассис ва ТМЭК хулосаси бўлганда, маҳкумни ўз ҳисобидан ёки ЖИЭМ ҳисобидан амалга оширилади.

452. Маҳкумларга ЖИЭМ ҳисобидан протез ясаш ва таъмирлаш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) жазони ўташ вақтида, маъмуриятни айби билан, ишлаб чиқаришда жароҳат олса;

б) протезлашга кўрсатма бўлса, 1-2 гуруҳ ногиронлари, болаликдан ногиронлар, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар;

в) тепа ва пастки жағларда ўсмалар ва бошқа касалликлар натижасида жарроҳлик муолажаси ўтказилган бўлса, шуни натижасида чайнов функциясини бузилиши, кўп қисм суякни йўқолишига олиб келган бўлса;

Бунда протезлашга кетадиган харажатлар ЖИЭМни «Тиббий хизмат кўрсатиш» сметаси асосида тўланади. Бундан бошқа ҳолларда протезлаш, маҳкум протезни белгиланган тўлиқ нарҳини тўлаганидан кейин амалга оширилади.

Протезлаш, ЖИЭМ бошлиғи руҳсати билан, агар бу ҳодиса маҳкумни бошқа муассаса (бўлинма)га кўчириш билан боғлиқ бўлса, ЖИЭББ, ИИББ, ИИБ раҳбарияти руҳсати билан амалга оширилади.

Муассаса ҳисобидан протезлаш, қуйидаги ҳужжатлар бўлганда амалга оширилади: маҳкумни аризаси, ишлаб чиқаришда олган жароҳати ҳақидаги далолатнома, ТМЭКнинг маҳкум ногиронлиги ва протезлашга муҳтожлиги ҳақидаги хулосаси.

Маҳкум 2-жаҳон уруши иштирокчиси бўлса, тегишлича тасдиқловчи ҳужжати бўлиши керак.

453. Маҳкумни ўз ҳисобидан протезлаш, шифокор-мутахассис хулосасидан кейин ва ТМЭК қарори бўйича маҳкумни аризаси асосида амалга оширилади.

454. Протез-ортопедик маҳсулотлар, ортопедик оёқ кийимлар, ортопедик аппаратлар учун оёқ кийимлар, протезлар учун оёқ кийимлар, бандажларни ясаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг протез-ортопедик корхоналарида олдиндан келишилган шартномалар асосида амалга оширилади.

455. Агар маҳқумга шифокор-окулист томонидан кўришни кор-
рекция қилиш учун кўзойнак буюрилган бўлса, тиббий бўлим бош-
лиғи, жазони ижро этиш муассасалари дорихоналари, дорихона
омборлари орқали маҳқумни кўзойнак билан таъминлайди.

Кўзойнакни, 1-2 гуруҳ ногиронларидан ташқари, маҳқум ўз
ҳисобидан олади. Баъзи ҳолатларда кўзойнак ЖИЭМ ва ТХлар ҳисо-
бидан олинади. Харажатлар «Тиббий хизмат кўрсатиш» моддасига
киритилади.

XIV БОБ. МАХСУС КОНТИНГЕНТНИ БОШҚА ЖОЙГА КЎЧИРИШДА ВА ОЗОДЛИКДАН МАХРУМ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИШДА ТИББИЙ ЁРДАМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

456. Махсус контингент бир жазони ижро этиш муассасасидан
ёки тергов ҳибсхонасидан бошқа жазони ижро этиш муассасаси ёки
тергов ҳибсхонасига жўнатилишидан олдин шифокорлар тиббий
кўригидан ва санитария тозаланишдан ўтказилади, тиббий кўрик
натижалари улар амбулатор тиббий дафтарига қайд этилади.

Юқумли касалликларга чалинган беморлар, шу жумладан фаол
захм касали билан оғриётган беморлар, токи касалликнинг юқумли
босқичи бартараф этилмагунча, ўткир сўзак касали билан оғриётган-
лар тўлиқ тuzалмагунча, бошқа ТХ ва ЖИЭМларга ўтказилмайди,
даволаш муассасалари бундан мустасно. Захм касали билан оғриётган
беморларни кўчириш, даволовчи шифокор рухсати билан, даво
курслари орасидаги танаффус вақтида амалга оширилади. Оғир
касаллиги туфайли жойидан кўзгатиб бўлмайдиган беморлар бир
муассасадан бошқа муассасага кўчирилмайди.

457. Маҳқумларни эшелонда ташилганда, улар орасида
малакали тиббий ёрдамга муҳтожлар бўлса, уларни кузатиб боришга
тиббийёт ходими ҳам ажратилади.

458. Маҳқумларни эшелонда кузатиб бориш учун ажратилган
тиббий ходимларни мажбуриятлари:

а) қоровул томонидан маҳқумларни қабул қилишда иштирок
этиш ва уларни жўнатишдан олдинги комплекс санитария тозалашни
назорат қилиш;

б) маҳқумларни эшелонга чиқаришдан бир неча соат олдин,
эшелон бошлиғи ва темир йўл тиббийёт хизмати вакили билан бир-
галикда, вагонларни жиҳозланиши (сув сақлаш учун сиғим, овқат

ейиш учун идишлар, печка, фонар, ётиш жойлари) озиқ-овқатларни сифати ва сақланишини текшириш;

в) йўлда кетаётганда касалланиб қолган маҳкумларга, хизматчи ходимларга ва қоровул қўшинлари шахсий таркибига тиббий ёрдам кўрсатиш;

г) йўлда эшелонни санитария ҳолатини, озиқ-овқат махсулотларини сақланишини, сув билан таъминланишини назорат қилиш;

д) тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганларни рўйхатга олиш;

е) белгиланган жойга етиб боргандан кейин, маҳкумларни топширишда иштирок этиш ва хужжатларни расмийлаштириш ишларини амалга ошириш.

459. Кузатиб боришга тиббиёт ходимлари қўшиб берилмаган ҳолатларда, йўл давомида қоровул қўшинлари хизматчиларига ҳамда улар қўриқлаб олиб кетаётган махсус контингентга зарур тиббий ёрдам, якинроқда жойлашган тиббиёт муассасаси томонидан ҳарбий қоровул раҳбари телеграммаси асосида ўтказилади.

460. Овқат ейишдан бош тортаётган махсус контингентни судга, тергов органларига ва жазони ижро этиш муассасаларига бошқалардан алоҳида ажратилган ҳолда (махсус вагон ёки махсус машинани алоҳида камерасида), тиббиёт ходими кузатувида юборилади.

461. Агар йўлга кузатишдан олдин тиббий кўрикдан тўлиқ ўтмаган бўлса ёки бемор ЖИЭББ тиббий муассасаларида сабабсиз қабул қилинмаган бўлса, текширув ўтказилади ва айбдорлар жавобгарликка тортилади.

462. Юқумли касаллар, шу жумладан фаол турдаги сил касаллиги бор беморлар, ҳомиладорлиги 6 ойдан ошиқ бўлган аёллар, икки ёшгача бўлган болалари бор аёллар, руҳий касаллар ва оғир касаллар махсус вагонларда бошқалардан ажратилган ҳолда, юбораётган муассаса ажратган тиббиёт ходими кузатуви остида олиб кетилади.

Махсус вагонда кузатиб кетаётган тиббиёт ходимига, дам олиши учун хона ва кўрпа-тўшак ажратиб берилади. Мохов касали билан оғриган беморларни, алоҳида жиҳозланган юк вагонларида ташилади.

463. ЖИЭМ ва ТХлардан озод қилинган ва стационар даволашни зарурияти борлар, соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарига ўтказилади.

464. I, II - гуруҳ ногиронлари, алкоголизм ва наркоманиядан мажбурий даволаниши тугамаган шахслар ҳамда юқумли касалликка чалинган шахслар, юқорида кўрсатилган касалликлари даволаниб бўлмасдан ёки ногиронлик гуруҳлари олиб ташланмасдан олдин манзил колонияларига юборилмайдилар.

465. Агар озодликка чиқарилган маҳкум касаллиги натижасида, руҳий ҳолати сабабли, танлаган яшаш жойига ўзи бора олмаса, тиббий бўлим бошлиғи шу ҳақда ЖИЭМ бошлиғига маълум қилади ва ЖИЭМ бошлиғи ўрнатилган тартибда олиб бориб қўйиш учун одам ажратади.

466. Йўлда (темир йўлда) кетаётганда вафот этган маҳкум мурдаси ва унинг нарсалари яқин транспорт ички ишлар идорасига топширилади.

XV БОБ. ТИББИЙ ТАЪМИНОТ

467. Тергов ҳибсхоналарини ва жазони ижро этиш муассасаларини тиббий таъминоти давлат бюджетидан, харажатлар сметасини тегишли моддалари билан шу мақсадлар учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳамда хўжалик ҳисобидаги фаолият орқали тушган маблағлардан ва муассасани ривожлантириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади. Дори-дармонлар, тиббий ускуналар ва тиббий анжомларни марказлашган ҳолда сотиб олинishi ва муассасалар ўзи ҳам сотиб олиши мумкин. Сотиб олиш сотувнинг тендер шартларига амал қилган ҳолда, амалдаги эҳтиёжни ва сотиб олинаётган дори-дармонлар ва тиббий ускуналар сифатига эътибор қилган ҳолда амалга оширилади.

468. ТХ ёки ЖИЭМлари штатларида провизор (фармацевт) лавозимлари бўлмаса, тиббиёт бўлими бошлиғи бу вазифани бирон бир махсус фармацевтик тайёргарликни ўтган тиббий ходимга юклайди.

469. Дорихоналар муассасаларнинг кўриқланадиган объектларидан ташқарида жойлашади. Бу ерга махсус контингентни кириши тақиқланади.

470. Дори-дармонларни ҳисоби, сақланиши, тарқатилиши Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари меъёрий ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

471. Дорихоналарга қабул қилинувчи дори-дармонлар ва тиббий воситалар моддий бойликлар ҳисоби китобига ёзиб қўйилади.

Моддий бойликлар ҳисоби китоблари варақлари рақамланган, тикилган, муассаса мухри билан мухрланган ва раҳбар имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Дафтардаги ёзувлар аниқ ва тушунарли бўлиши керак, ўзгартишлар қизил сиёҳ билан ёзилади ва имзо билан тасдиқланади. Дафтар дорихоналарда талабномалар билан бирга сақланади.

Заҳарли, гиёҳванд, кучли таъсир қилувчи дориларнинг ҳисоби алоҳида китобга ёзилади.

472. Дори-дармонларнинг ёки бошқа тиббий воситаларнинг харажати суммаси ҳақида ҳисобот, дорихона ходими томонидан муассаса бухгалтериясига берилади.

473. Дори-дармонлар тиббиёт бўлими ёки касалхонага (касалхона бўлими)га фақат талабнома бўйича ва қабул қилиш учун тайёр ҳолда берилади.

Касалхоналарда талабномалар, касалхона бўлими катта ҳамшираси томонидан ёзилиб, бўлим бошлиғи томонидан қўл қўйилади. Тиббий бўлимларида улар фельдшер томонидан ёзилиб, тиббиёт бўлими бошлиғи томонидан қўл қўйилади.

Заҳарли, гиёҳванд ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари бундан ташқари касалхона бошлиғи томонидан тасдиқланади.

474. ТХ, ЖИЭМ дорихоналаридаги дорилар ҳисоби, сақланиши ва ишлатилиши устидан назорат қуйидаги йўл билан амалга оширилади :

а) муассаса бошлиғи, тиббий бўлим бошлиқлари ёки улар топшириғига кўра тузилган комиссиялар томонидан режали ва тўсатдан текширишлар;

б) тиббий бўлим ва касалхоналар бўлимларида дориларнинг сони ва сақланиш қоидаларига риоя қилинишини дорихона мудир текширади ва текшириш натижалари тўғрисида тиббий бўлим бошлиғига ва касалхона бошлиғига хабар берилади;

в) ИИБ, ИИБ Тиббиёт бошқармаси, ИИБ ЖИЭББ, ҚР ИИБ, вилоятлар ИИБ тиббий хизматлари томонидан ўтказиладиган текширувлар давомида.

ТХ, ЖИЭМ, касалхоналарда тиббий воситаларнинг режали текшириш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

а) барча тиббий анжом ва дори-дармонларни ҳар йиллик инвентаризацияси даврида;

б) ҳар ярим йилда бир марта танлаб текшириш ўтказилади. Бунда камида харажатнинг 25 тури, жиҳозларнинг 15 тури текширилади;

в) йилнинг ҳар чорагида- гиёҳванд, психотроп, прекурсор дори воситалари текширилади;

г) ҳар ойда-кучли таъсир қилувчи ва гиёҳванд моддалар текширилади.

Режали ва тўсатдан текшириш вақтида комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар вазирликлари буйруқлари, йўриқномалари ва кўрсатмаларидан фойдаланадилар.

Текширув натижалари бўйича маълумотнома тузилади ва муассаса бошлиғига ахборот берилади.

Дори-дармонларнинг ишлатилиш муддати тугаганлиги ёки улар фойдаланишга яроқсизлиги аниқланганда, уларни ҳисобдан чиқариш ҳақида маълумотнома тузилади. Маълумотнома муассаса бошлиғи тайинлаган, таркибида бош ҳисобчи ва дорихона мудирини бўлган комиссия томонидан тузилади, бунда дори-дармонларни яроқсиз ҳолга келганлиги сабаби ўрганилади ва айбдор шахслар аниқланади. Дориларнинг яроқсиз ҳолга келишига сабабчи бўлган айбдор шахсдан уларнинг қиймати ўрнатилган тартибда ундириб олинади. Узоқ муддат ишлатиладиган тиббий жиҳозларни яроқсиз ҳолга келганлиги ҳақида тақдим этилган ҳужжатлар асосида уларни ҳисобдан чиқариш ҳақида маълумотнома 2 нусхада тузилади, уларнинг бири бухгалтерияга, яна бири сақлаб қўйиш учун дорихонага берилади.

Муассаса бошлиғи ва тиббий бўлим бошлиғи дорихоналарни текшириш давомида аниқланган барча камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳамма чораларни кўради.

475. Дори-дармонлар дорихоналардан уларни 5 кун давомида ишлатишга мўлжаллаб берилади, айрим ҳолларда заруратга қараб берилади. Дори-дармонлар, бегона кишилар олиши мумкин бўлмаган қулфланадиган, товушли ва чироқли воситалар билан таъминланган хоналарда, металлдан ясалган сейфларда сақланади. Дорихоналардаги дори воситалари захираси ўртача олти ойга етадиган бўлиши керак, дезинфекцияловчи моддалар захираси эпидемия мавсумига етарли бўлиши керак.

XVI БОБ. СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБОТ ҚИЛИШ

476. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ЖИЭМ ва тергов ҳибсхоналари тиббий бўлимларнинг муассасада ўтказиладиган тарбиявий ва оммавий-маданий ишлар билан яқин ҳамкорликда олиб борадиган фаолиятининг асосий ва ажратиб бўлмайдиган қисмидир. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг асосий вазифаси махсус контингент ичида тиббиёт ва гигиена билимларини тарғиб қилиш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

ИИВ Тиббиёт бошқармаси, ИИВ ЖИЭББ, ҚР ИИВ ва вилоятлар ИИБлари тиббиёт бўлим (хизмат)лари соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш устидан ташкилий-услубий раҳбарлик қилиб, бу ишни муассасаларда ўтказилишини доимо ўрганади ва назорат қилади. Муассасаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни ташкиллаштириш, режалаштириш ва ўтказишга жавобгарликни тиббий бўлим бошлиғи, касалхоналарда эса унинг бошлиғи ёки бошлиқнинг даволаш ишлари бўйича муовинларига юклатилади.

477. Махсус контингент билан ўтказилаётган соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларининг асосий вазифалари қуйдагилардан иборат:

а) Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан соғлиқни сақлашга оид ўтказилаётган тадбирларни тарғибот қилиш;

б) жароҳат ва захарланишларда ўзига-ўзи ва ўзгага тиббий ёрдам бериш билимлари ва амалий кўникмаларини ошириш;

в) тиббиёт ва гигиена билимларини, тиббиёт илми ютуқларини тарқатиш, алкоголь ва гиёҳванд моддалар зарари ҳамда соғлом турмуш тарзи ҳақида тарғибот ишларини ўтказиш;

г) санитария маданиятини ошириш, юқумли касалликлардан шахсий ва ҳамжиҳатликда ҳимояланиш қоидаларига ўргатиш;

д) муассасада санитария-эпидемиологик ҳолатни барқарорлаштиришга ва саломатликни сақлашга йўналтирилган ички тартиб талабларини онгли равишда бажаришига барча махсус контингентни жалб қилиш.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишни аниқ мақсад билан, режа асосида ва доимий ўтказиш унинг самарадорлигини асосий шартидир.

Соғлом турмуш тарзини режалаштиришда муассаса тартиб тури, меҳнат қилиш хусусияти, махсус контингент орасида касалланиш, жароҳатланиш ва меҳнат қобилиятини йўқотишни таҳлили, муассасанинг санитария ҳолати, юқумли касалликларни тарқалишига таъсир этиши мумкин бўлган эпидемиологик хусусиятлар, ЖИЭББ касалхонаси тури ва беморларнинг таркиби ҳамда даволаниш-сақланиш тартиби талабларига эътибор қилинади.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мавзулари муассасадаги ишлаб чиқаришни вазифаларига, йилнинг маълум вақтига ва махсус контингент ўзгаришига мос равишда ўзгариши мумкин.

Тиббий бўлимлар бошлиқлари муассаса жойлашган ҳудуддаги саломатлик марказлари билан алоқада бўлиб, уларни моддий-услубий

қўлланмаларидан (кинофильмлар, адабиётлар, кўрғазмали ўқув қуролларидан) кенг қўламда фойдаланадилар.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишларини олиб боришда турли хил услуб ва шакллардан: маъруза, суҳбат, адабиётлар ва радиодан чиқиш, санитария бюллетенларини чиқариш, плакатлардан фойдаланиш, диапозитив диафильм, фотокўрғазмалар, кинофильмларни намоиш қилишлардан ва бошқалардан фойдаланилади.

Тиббиёт ва гигиена илмларини тарғиб қилишда қатнашиш муассаса барча тиббиёт ходимларини хизмат вазифасидир. Барча тиббиёт ходимлари учун соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун мажбурий минимал соатлар белгиланади.

XVII БОБ. ТИББИЙ ҲИСОБНИ ЮРГИЗИШ ВА ТИББИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ. БИРИКТИРИЛГАН КОНТИНГЕНТНИ СОҒЛИҒИНИ ВА ТИББИЁТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

478. Тиббий ҳисобни юргизиш ва уни тузиш махсус контингентни саломатлик ҳолати, тиббиёт хизмати фаолиятини хусусияти, ҳажми ва натижалари ҳақидаги аниқ маълумотлар манбадир. Муассасада тиббий таъминотни ташкиллаштириш ва тиббиёт бўлими жиҳозларидан тўла фойдалана билиш учун; ўтказилаётган даволаш-профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирларини самардорлиги ва ўз вақтида ўтказилаётганлигини назорат қилиш учун; муассаса бошлигини ва юқори турувчи тиббий бошлиқларга ўз вақтида тиббий таъминот аҳволи ҳақида ахборот бериш учун; муассаса тиббиёт хизмати иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш учун статистик маълумотларини олиш мақсадида тиббий ҳисобни юргизиш ва ҳисобот тузиш ишлари олиб борилади.

479. Тиббий ҳисоб юргизиш ва ҳисобот тузиш Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2002 йилги 27-сонли буйруғи билан эълон қилинган тиббий статистик ҳисобот ва тиббий ҳужжатларни ҳисобот шакллари асосида олиб борилади. Тиббий ҳисоб юргизиш ва ҳисобот тузиш қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳибсдагилар ва маҳкумларни соғлиғи аҳволи ҳисобини юргизиш, касалланишни, ўлим ҳолатларини, касаллик туфайли меҳнатдан озод қилиш ҳолатлари ҳисобини юргизиш, амбулатор ва стационар тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича тиббий бўлимнинг иши ҳисоботи ҳамда бошқа даволаш-профилактика, эпидемияга қарши ва санитария-гигиена тадбирлари ҳисоботи.

Тиббий ҳисобни юргозиш ва ҳисобот тузиш асосида махсус контингентни соғлиғи аҳволидаги ва тиббиёт хизмати фаолиятидаги ўзгаришлар таҳлил қилинади.

480. Тиббиёт ҳисобини юргозиш ва ҳисобот тузиш тўғри, тўла, бир-бирига таққосласа бўладиган ва ўз вақтида бўлиши керак. Унинг таҳлили тиббиёт статистикаси талаблари асосида ўтказилиши керак ва муассасада сақланаётганларни яшаш ва меҳнат шароитини чуқур ва ҳар тамонлама ўрганишга асосланиши керак.

481. Муассасада тиббий ҳисобни юргозиш ва ҳисобот тузишни ташкиллаштириш учун тиббиёт бўлими бошлиғи (касалхонада – касалхона бошлиғи) жавобгардир. У ўз қўл остидаги ходимларни тиббий ҳисоб юргозиш ва ҳисобот тузиш бўйича ишларини ташкиллаштиради ва назорат қилади, тиббий ҳисоботни юқори тиббий бошлиқларга ўз вақтида етказилади, махсус контингент саломатлик ҳолати ҳақидаги маълумотларни ва тиббий хизмат фаолиятини доимий равишда таҳлил қилиб боради, олинган маълумот ва хулосалар бўйича муассаса раҳбари ва юқори турувчи тиббий бошлиққа ахборот беради, олинган хулосалардан муассасани тиббий таъминлашни режалаштиришда фойдаланади.

482. Тергов ҳисобхонаси ва жазони ижро этиш муассасаси тиббий бўлимда бир фельдшер (хамшира)га бланкларни сақлаш ва тўғри ишлатиш, ҳисоб-китоб ва ҳисобга олиш журнал ва китобларини, тиббий амбулатор дафтарларни ҳисобини юритиш, шифокор кўрсатмасига кўра тиббий ҳисобга олиш ҳужжатларини ёзиб бориш ва шифокорга ҳисоб китобда ёрдам бериш юклатилади. Шифохонада бу ишларни тиббий статист олиб боради.

483. Тиббий ҳужжатларни ҳисоб-китоб ишларига махсус контингентни жалб этиш қатъиян ман этилади.

484. Махсус контингент саломатлигини ва муассаса тиббий хизмати фаолиятини бир йилда бир маротаба тиббий бўлим (касалхона) бошлиғи чуқур статистик таҳлил қилиб чиқади. Бундан ташқари у йил давомида вақти-вақти билан (ҳар чоракда, ҳар ойда) касалланиш динамикасини, беморларни стационарга (касалхонага) асосли ва ўз вақтида ётқизилишини, беморларни стационарда (касалхонада) даволанишини давомийлигини (шу жумладан энг кам ёки жуда кўп кун даволаниш ҳолатларини), ўлим (касалхонадаги ўлим) сабабларини, тиббиёт бўлими (касалхона) фаолиятидаги камчиликларни-нохуш оқибатларга олиб келган ташхис қўйишдаги ва даволашдаги хатоларни таҳлил қилади.

ХУШ БОБ. ТИББИЙ БЎЛИМ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

485. Тиббий хизмат ишини режалаштириш ўз олдига қўйилган топшириқларни бажаришда куч ва маблағларни тўғри тақсимлашга ёрдам беради.

Режа-бу олдиндан белгиланган чора-тадбирлар, тартибларни назарда тутиш, кетма-кетлик ва иш бажарилишини муддатини белгилайдиган тизимдир.

486. Тергов ҳибсхонаси ва ЖИЭМ тиббиёт бўлимлари, касалхона таркибий бўлимлари йил чораги учун иш режасини, касалхоналар эса йиллик асосий ташкилий чора-тадбирлар иш режасини ишлаб чиқади. Бу иш режасига иш фаолиятини ҳамма бўлимлари кириши зарур. Махсус режалар- ички ишлар идоралари иш фаолиятини режалаштириш ҳақида ИИБ буйруғига мувофиқ бутун муассаса бўйича тузилади.

487. Режалаштиришнинг асосий талаблари:

а) ҳар бир режалаштирилаётган чора-тадбирларни аниқлиги, унинг таркиби, чора-тадбирларни мақсади, услуби, кетма-кетлиги, бажарилиш муддати, масъул шахс тайинланиши;

б) кенг қамровли бўлиши лозим.

Режага тиббий таъминотга оид асосий тадбирлар: ташкилий, даволаш-профилактик, санитария-гигиеник, эпидемияга қарши, аниқланган камчиликларни бартараф этиш каби тадбирлар киритилади. Кун тартибидаги тадбирлар режага киритилмайди.

Бириктирилган контингентни саломатлиги ҳақидаги маълумотлар, тиббиёт хизмати фаолиятини асосий кўрсаткичлари, моддий-техник ҳолати, даволаш-профилактика иши сифатини ошириш масалалари, буйруқлар, юқори турувчи бошликларни кўрсатмалари режани асоси бўлиб ҳисобланади.

488. Режалаштириш қуйидаги кетма-кетликда ишлаб чиқилади:

а) тиббиёт хизмати эришган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;

б) бириктирилган контингентни касалланишини, саломатлик ҳолатини таҳлил қилиш;

в) бошликлар кўрсатмалари ва буйруқларини ўрганиш;

г) ишлаб чиқарилаётган режани мақсад ва масалаларини белгилаш;

д) қўйилган масалаларни бажарилишига сарфланадиган куч, воситалар ва вақтни ҳисоблаш;

е) тадбирларни аниқ белгилаш, бажарувчиларни ва муддатни аниқлаш;

ж) режани бошлиқ томонидан тасдиқлатиш;

Иш режасида қуйидагилар ўз аксини топиши зарур:

а) ташкилий-аналитик иш;

б) даволаш-профилактика иши;

в) санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши иш;

г) кадрлар билан ишлаш, тиббий ходимларни махсус тайёрлаш;

д) соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ишлари;

е) моддий-техник негизни, тиббий таъминотни ривожлантириш масалалари.

Ташкилий-аналитик бўлимда тиббиёт бўлими иш фаолияти, бириктирилган контингентни саломатлик ҳолати, ҳисобот тузишни таҳлил этиш ўз аксини топиши керак.

Даволаш-профилактика бўлимида қуйидаги тадбирлар режага киритилади; даволаш-диагностика жараёнини ривожлантириш, диспансер ва тиббий кўрик масалалари, даволаш-диагностика жараёнига ва бириктирилган контингент саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар, маслаҳат ёрдамни ташкил этиш.

Санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш бўлими қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади; жорий ва огоҳлантирувчи санитария назорати, овқатланиш устидан назорат, сув билан таъминланиш, жойлаштириш, маиший хизмат кўрсатиш, иш шароитлари ва бошқа масалалар; эпидемияга қарши тадбирлар, профилактик эмлаш, лаборатория текширувлари, дезинфекция тадбирлари, керак бўлган ҳолларда айрим юқумли касалликлар профилактикаси бўйича бўлим ажратилади.

Кадрлар билан ишлаш ва махсус тайёргарлик бўлими ўз ичига ходимлар малакасини ошириш, ўқитиш, конференциялар ва семинарлар ўтказиш, бошқа шифокорлик мутахассислигини ўрганиш, шифокорлар ва ўрта тиббий ходимларга малака тоифаси бериш каби тадбирларни амалга ошириш масалаларини олади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўлимида маърузаларни асосий мавзуси, суҳбатлар, радиода чиқишлар, деворий газеталар, бюллетенлар чиқариш, жамоатчи санитария фаоллари билан ишлашни режалаштирилади.

Тиббий таъминот ва моддий-техник негизни ривожлантириш бўлимида зарурият бўлса тиббий ва бошқа объектлар моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, жиҳозларга бўлган эҳтиёж, дори-дармонлар,

уларни сақланиши устидан назорат, дори воситаларини, боғлов воситаларини ва тиббий анжомларни ҳисоб-китоб ва ишлатилиши, масалаларини ўз ичига олиши зарур.

489. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

«КЕЛИШИЛДИ»

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазири**

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов
ҳибхоналари ва жазони ижро этиш
муассасаларида сақланаётган шахслар
тиббий таъминоти бўйича
Қондаларга 1-илова**

Ишлаб чиқариш корхонасини жиҳозлаш бўйича жадвал

Ишлаб чиқариш гуруҳи	Ишлаб чиқариш жараёнларининг санитария таърифи	Ҳисобдаги одамлар сони		Гардероб тури, Битта одамга шкафдаги бўлимларнинг сони	Махсус маиший Хоналар ва қурилмалар
		Битта душ тармоғига	Битта сув тармоғи га		
1	3- ва 4- турдаги хавфли инфлословчи моддаларни чиқарувчи жараёнлар: Фақат қўл	25	7	Умумий, битта бўлим	
1a				Умумий, икки бўл.	
16	Тана ва махсус кийим	15	10	Алоҳида, бир бўлим учун бир донадан	Махсус кийимларни химчистка қилиш ёки ювиш
1в	Тана ва махсус кийим, махсус ювувчи воситалар қўлланганда ажраладиган	5	20		
2	Нохуш метеорологик шароит ва иссиқлик таъсирини ошиб кейтиши натижаси кечадиган жараён:				
2a	Яққол конвекцион иссиқлик	7	20	Умумий, иккита бўлим	Советиш учун хона
26	Яққол нузли иссиқлик таъсирини ошиб кетиши	3	20	Умумий, иккита бўлим	Советиш учун хона
2в	Махсус кийимларни намлик таъсирда намланишига олиб келувчи боғлиқлик	5	20	Алоҳида, бир бўлим учун бир донадан	Махсус кийимларни қуритиш хонаси
2г	Ҳаво ҳарорати 10оС бўлганда, очик ҳавода ишлашни ҳам ҳисобга олган ҳолда	5	20	Алоҳида, бир бўлим учун бир донадан	Махсус кийимларни иситиш

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов
хбсхоналари ва жазони ижро этиш
муассасаларида сақланаётган шахслар
тиббий таъминоти бўйича
Қондаларга 2-Илова.**

**Шошилинич тиббий ёрдам кўрсатишда зарур бўладиган
дори воситалари ва тиббиёт жиҳозларини
ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ**

1. Гипертоник криз:

Нитропруссид натрий 50 мл 250 мл 5% глюкоза эритмасида вена ичига.

Нитроглицерин вена ичига 5-10 мкг/мин.

Лабеталол 20 мг вена ичига, 20-80 мг дан ҳар 10 минутда.

Пентамин 5%	1мл.	10амп.
Дибазол 1%	5мл.	10амп.
Дибазол 0, 5%	5мл.	20амп.
Клофелин 0, 01%	1мл.	10амп.
Обзидан	1мл.	10амп.
Обзидан	5мл.	2амп.
Лазикс	2мл.	4амп.
Аминазин 2, 5%	1мл.	3амп.
Магний сульфат 25%	10мл.	10амп.

2. Ўпка шиши.

Морфин 2-5 мг дан ҳар 10-25 минутда.

Нитроглицерин 0, 4 мг дан тил остига.

Лазикс	2мл.	10амп.
Строфантин 0, 05%	1мл.	5амп.
Коргликон 0, 06%	1мл.	5амп.
Преднизолон	1мл.	5амп.
Пентамин 5%	1мл.	3амп.
Дроперидол 0, 25%	10мл.	2амп.

Фентанил 0, 005%	2мл.	3амп.
Глюкоза 5%, 20%.		4фл.
Галлоперидол 0, 5%	1мл.	3амп.
Гидрокортизон		2фл.
Резина жгут.		2та.

3.Оғрик синдроми (шу жумладан кардиоген оғриклар):

Морфин миокард инфарктида 1-4 мг дан вена ичига ҳар 5-10 минутда.

Нитроглицерин	0, 5мг.	1упак.
Фентанил 0, 005%	2мл.	5амп.
Дроперидол 0, 25%	10мл.	2амп.
Промедол 2%	1мл.	1амп.
Анальгин 50%	2мл.	5амп.
Новокаин 0, 5%	5мл.	4амп.

4.Артериаль гипотензия:

Норадреналин 0, 2%	1мл.	3амп.
Преднизалон 30 мг амп.да		5амп.
Реополиглюкин 250 мл.		1фл.
Гемодез 250 мл.		1фл.
Кордиамин 25%	2мл.	5амп.
Мезатон 1%	1мл.	3амп.
Допамин 50 мг амп.да.		2амп.
Глюкоза 5%	250мл.	2фл.

5.Анафилактик шок:

Адреналин 0, 1%	1мл.	3амп.
Мезатон 1%	1мл.	5амп.
Преднизолон 30мг амп.да.		4амп

Гидрокортизон		2фл.
Эуфиллин 2, 4%	10мл.	2амп.
Глюкоза 5%	250мл.	
Димедрол 1%	1мл.	3амп
Супрастин 2, 5	1мл.	3амп
Пенициллиназа 500000ЕД		2фл
1000000ЕД фақат пенциллинга аллергия бўлганда.		1фл
Гемодез	250мл.	1фл
Резина жгут.		1шт
Кальций хлор 10%	10мл.	3амп
Лазикс	2мл.	5амп

6. Астматик статус:

Баротек ёки В2 селектив адреномиметиклари албутерал, тербутанил ёки бошқалар.

Ингаляцион кортикостероидлар бекламетазол, флунизолид.

Эуфиллин 2, 4%	10мл.	5амп
Эуфиллин 24%	10мл.	2амп.
Гидрокортизон	125мг.	5фл.
Атропин сульфат 0, 1%	1мл.	3амп.
Адреналин 0, 1%	1мл.	3амп.
Гепарин	5мл.	2фл.

7. Юрак ритмини ўткир бузилиши:

Аденозин 6-12 мг дан вена ичига.

Верапамил 5-10 мг дан вена ичига.

Новокаинамид 10%	10мл.	2амп.
Обзидан	1 мл.	5 амп.
Изоптин	1 мл.	10 амп.
Лидокаин	2 мл.	10 амп.
Строфантин 0, 05%	1 мл.	5 амп.
Дигоксин 0, 025%	1 мл.	5 амп.
Коргликон 0, 06%	1 мл.	5 амп.

Этмозин 2, 5%	4 мл.	10 амп.
Мезатон 1%	1 мл.	3 амп.
Панангин	5 мл.	5 амп.
Унитиол 5%	5 мл.	5 амп.
Изупрел	5мг.	20табл.
«««	1мл.	5амп
Атропин сульфат 0, 1%	1 мл.	3 амп.
Инъекция учун сув 10мл.дан ампулада.		5 амп.

8. Заҳарланишда ишлатиладиган антидот ва физиологик антагонистлар.

Этил спирти 96%.		200г.
Унитиол 5%.	5мл.	20амп.
Антарсин 1%.	1мл.	5амп.
Тиосульфат натрий 30%.	5мл.	3амп.
Амилнитрит.	0, 5мл.	5амп.
Цистамин гидрохлорид.	0, 4г.	10таб.
Карболен 0, 25.		50таб.
Налофин 0, 5%.	2мл.	5амп.
Кук метилен 1%.	50, 0мл.	4амп.
Атропин сульфат 0, 1%.	1мл.	20амп.
Прозерин 0, 05%.	1мл.	20амп.
Галантамин 1%.	1мл.	10амп.
Холин хлорид 20%(500-1000мл 0, 85% NaCl ёки 5%ли глюкоза эритмасида).	10мл.	5амп.
Апоморфин 1%.	5мл.	5амп.
Ботулинга қарши зардоб (А, В, С, Д).		1доза.
Қоқшолга қарши зардоб 3000МЕ.		10амп.
Энтеродез.		50г.

9. Шошилинч ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган бошқа дори воситалари, боғлов материаллари, тиббий анжомлар.

Нашатир спирти.	10мл фл.да.	1
Перекись водород 3%		30, 0
Инсулин 40 ЕД фл.да.		1
Йод 5% фл.да.		1
Куйишга қарши малҳам.		1
Седуксен 0, 5%	20мл амп.	2
Бинт 5м?10см. 5м?7см.		1уп. 1уп.
Стерил докали салфеткалар.		1уп.
Пахта.		25
Бактерицид лейкопластир.		1
Пипетка.		2
Бир маротаба ишлатиладиган шприцлар.		5
Ҳаво чиқарадиган трубка.		1
Танометр.		1
Тиббий термометр.		1
Қўлда ишлатиладиган нафас олдириш аппарати.		1
Шиналар йиғмаси.		1

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов
ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш
муассасаларида сақланаётган шахслар
тиббий таъминоти бўйича
Қоидаларга 3-Илова.**

**Тергов ҳибсхонаси ва жазони ижро этиш
муассасаси тиббий бўлим бошлиқлари
хизмат вазифалари намунаси**

1. Тиббий бўлим бошлиғи муассаса бошлиғига ёки унинг муовинларидан бирига бўйсинади, даволаш профилактика, санитария ва эпидемияга қарши масалалар бўйича юқори турган тиббий бошлиқларга бўйсинади. Тиббий бўлим бошлиғи бўлмаган вақтида ординатор-врач ёки фельдшер унинг вазифасини бажаради.

2. Тиббий бўлим бошлиғи муассасадаги тиббий хизматни бошқаради, муассасадаги барча даволаш профилактика ва санитария-эпидемияга қарши ишларга жавоб беради, тиббий бўлим олдига қўйилган вазифаларни бажарилишига шахсан жавоб беради.

3. Тиббий бўлим бошлиғи махсус контингентга малакали тиббий ёрдам (амбулатор ёки стационар) кўрсатилишни таъминлайди ҳамда муассасада ўрнатилиш керак бўлган санитария эпидемияга қарши тартибни назорат қилади. У туну-кун давомида, шунингдек дам олиш ва байрам кунларида ҳам шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни тиббий бўлим қошидаги тиш-протезлаш лабораторияси (бор бўлган тақдирда) ишини, ташкиллаштиради.

4. Тиббиёт бўлими бошлиғи қуйидагиларни бажариши шарт.

Тиббиёт хизмати фаолиятини таҳлил қилади ва муассасанинг бошқа хизматлари билан биргаликда тиббий таъминотни, махсус контингент жисмоний ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда касалланишни, жароҳатланишни, меҳнатга лаёқатсизликни ва бирламчи ногиронликни олдини олиш ва уни камайтиришга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш.

Врачлар, ўрга ва кичик тиббий ходимлар ишини бошқариш, улар орасида доимий равишда тарбиявий ишлар олиб бориш.

Тиббий бўлим ишларини режалаштириш. Муассаса бошлиғидан тиббий бўлим иш режаси, иш тартибини ва стационарда ёки тиббий изоляторда ётган касалларни ички тартиб қоидаларини ҳамда тиббиёт ходимларини хизмат вазифаларини тасдиқлатиш.

Барча тиббий ходимларга буйруқлар, юқорида турган хизматларни кўрсатмаларини доимо етказиб туриш.

Вақт-вақти билан ўз қўл остидаги ходимларни фаолиятини, улар хизмат вазифаларини ва режалаштирилган тадбирларни бажарилиш-ни назорат тариқасида текшириб туриш.

Тиббий бўлимдаги касалларни тиббий текширувни ва даволанишни доимо назорат қилиш.

Махсус контингентни турли тиббий кўрик ва текширувлардан ўтказилишини ташкиллаштириш.

Ҳар куни тиббий ходимларни муассаса интизомий бўлимларига, камера типигадаги хоналарга, карцерга, бир кишилик камераларга (агар у ерда махсус контингент бўлганда) боришини таъминлаш. Юқорида кўрсатилган хоналарни санитария ҳолатини ҳамда у ердагиларга тиббий ёрдам кўрсатилиш сифатини шахсан назорат қилади.

Тиббий бўлимдаги ҳамма фавқулотда ҳодисаларни ҳамда бир гуруҳ ва ёппасига бўлган юқумли касаллик билан касалланишни, стационарга кеч ётқизилиш ҳолларини, махсус контингент орасидаги тўсатдан содир бўлган ўлим ҳолларини, ўз вақтида ўтказилмаган ва тўлиқ бўлмаган тиббий ёрдам ҳолларини ўз вақтида ва синчиковлик билан пухта текшириш, натижалари бўйича ва кўрилган чоратадбирлар ҳақида юқори турувчи тиббий бошлиққа ахборот бериш.

Тиббий бўлим ички тартиб қондасини бузганлиги ва бошқа сабабларга кўра касалларни стационардан вақтли чиқариб юбориш масалаларини ҳал этиш.

Муассасанинг тезкор-тартиб хизмати билан биргаликда руҳий касалларни, наркотик истеъмол қилаётганларни ва гомосексуализмга мойил шахсларни аниқлашни ташкиллаштириш ҳамда махсус контингент орасида санитария тарғиботи ишларини олиб бориш.

Пархез таомни, таомномалар тузилишини ҳамда таомларни сифатли тайёрлашни таъминлашни назорат қилишда қатнашиш. Тайёр таомларни таътиб кўриш, уларни бактериологик, лаборатор текшируви, гигиеник экспертизага олинишини ўтказиш.

Муассаса фуқаро мудофаси тиббий таъминоти режасини ишлаб чиқиш, муассасанинг фуқаро мудофасида ҳамма вақтдаги ва тиббий офат ҳолларидаги тиббиёт хизмати ишини таъминлаш.

Тиббий бўлим моддий-техник негизини талаб даражасида таъминланганлигини таҳлил қилиш ва уни мустаҳкамлаш чораларини кўриш.

Статистик ҳисоботларни сифатини ва ўз вақтида тузилишини ташкиллаштириш ва уларни юқори идораларга ўз вақтида бериш. Тиббий бўлимда барча ҳисобот ҳужжатларини олиб борилишини назорат қилиш.

Касалларга ёрдам кўрсатишда Республика касалхонаси билан хизмат ҳамкорлигини таъминлаш.

Махсус контингент орасида рўй берган ишлаб чиқариш ва маиший жароҳат ва заҳарланиш ҳолатлари ҳақида ўрнатилган тартибда муассаса маъмурияти, СЭХ ва юқори турган тиббий бошлиқларга тезда ахборотлар бериш.

Муассаса раҳбарияти топшириғига кўра махсус контингент ва улар қариндошларидан тушган тиббий-санитария таъминоти бўйича ариза ва шикоятларни эътибор билан холис кўриб чиқиш, доимо уларни келтириб чиқарган сабабларни ўрганиб, таҳлил қилиш ва улар бўйича керакли чоралар кўриш; хат, шикоят ва аризаларда муассаса тиббиёт бўлими ишини такомиллаштириш бўйича келтирилган таклифларни амалда қўллаш.

ИИВ Тиббиёт бошқармаси, ИИВ ЖИЭББ, ҚР ИИВ, вилоятлар ИИБ тиббиёт бўлими (хизмати) билан, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва мутахассисликни эгаллашни режалаштириш, уларга малака тоифалари белгилаш ишларини ташкил қилиш. Тиббиётдаги диагностик ва даволаш янгиликларини, янги тиббиёт асбоб-ускуналарини ишлатишни ва дори-дармонларни ўрганиш ва тиббий бўлим амалиётига татбиқ этиш.

Даволаш, санитария тарбиғоти ишларида ва тиббий ходимлари билан ишлашда маҳаллий соғлиқни сақлаш идоралари билан доимий ҳамкорлик қилиш.

5. Ўз вазифаларини бажаришда тиббиёт бўлими бошлиғи куйидаги ҳуқуқларга эга.

Ўзининг хизмат вазифаси доирасида тергов ҳибсхонаси, ЖИЭМ бошлиғига муассасанинг хизмат бўлинмалари фаолияти бўйича таклифлар киритиш.

Муассаса раҳбариятига тиббий бўлим ходимларини рағбатлантириш ёки уларни интизомий жазолаш, ўзи қўли остидаги врачлар ва ўрта тиббий ходимларни лавозимларини ўзгартириш таклифларини киритиш.

Тиббий бўлим фаолиятига тегишли масалалар кўрилаётган мажлисларда қатнашиш.

Ўрнатилган тартибда, муассасанинг ҳамма объектларига санитария-гигиена ва эпидемияга қарши назоратни ўтказиш учун бориш, муассасанинг санитария ҳолатни назорати бўйича мутассади ходимларидан ахборот ва ҳужжатларни сўраш, санитария-гигиена қоида ва талаблари бузилишини бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш.

Тиббий ходимлар томонидан озик-овқатларни яроқсиз деб топилганда уларни овқатланишда ишлатишни тақиқлаш.

Атрофга инфекция тарқалишни олдини олиш мақсадида бактерия ташувчи деб топилган шахсларни хизмати фаолияти хусусиятига қараб ишдан четлатиш.

Юқумли касаллар билан мулоқатда бўлган шахсларни алоҳидалаш.

6. Тиббиёт бўлими бошлиғи ўзининг иш фаолиятида қуйидаги саволлар бўйича бошқа хизматлар билан ўзаро муносабатда бўлади.

Беморларни тиббий бўлим стационарида сақланиши, махсус контингентни жарима ва интизомий изоляторларда, камера типигаги хоналарда, карцерларда, алоҳидаланган камераларда сақлаш, махсус контингент орасида тарбиявий ишлар олиб бориш, тиббий бўлимни маблағ билан таъминлаш, муассаса бўлимлари билан тиббий бўлимни таъмирлаш ишларини олиб бориш тартиби каби саволлар бўйича.

ИИВ Тиббиёт бошқармаси, ИИВ ЖИЭББ, ҚР ИИВ, вилоятлар ИИВ тиббиёт бўлимлари, хизматлари билан биргаликда махсус контингентни тиббий таъминотини ташкиллаштириш.

ИИВ, ИИББ, ИИБ санитария-эпидемиологик хизмати билан биргаликда муассасада санитария тартибини ва эпидемиологик ҳолатни сақлаш.

Тиббий таъминотни дорихона муассасалари, «Ўзтибтехника» бўлимлари, дорихона базалари орқали амалга ошириш.

Янги қилинган тажрибаларни ўрганиш, мутахасислар томонидан консултация тариқасида ёрдам олиш, тиббий кадрларни тайёрлаш, соғлиқни сақлаш муассасалари бош шифокорлари билан келишган ҳолда шифохоналарга зарурат бўйича касал маҳкумларни ётқизиш учун жой ажратиш.

Маҳаллий санитария-эпидемиология хизмати билан биргаликда аҳоли ўртасида эпидемиологик ҳолатни оператив кузатиб бориш.

Тиббий бўлимни соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи кўргазмалар билан таъминлаш.

7. Тиббий бўлим бошлиғи фаолияти қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан баҳоланади:

а) махсус контингентни соғлиғи аҳволи ва тиббий бўлим кўрсаткичлари;

б) тиббий бўлимда фавқулудда ҳолатларни бўлмаганлиги, қонунчиликни бузилмаганлиги, диагностика ва даволаш бўйича асосли шикоятлар тушмаганлиги, касалларга эътиборсиз ва бепарволик ҳолатлари қайд этилмаганлиги;

в) тиббиёт ходимлари орасида хизмат вазифаларини тўғри тақсимланганлиги, улар томонидан режаланган тадбирларни ва бошқа топшириқлар бажарилишини назорати таъминланганлиги;

г) тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш муассасалари ва тиббиёт хизмати меъёрий ҳужжатларини билиш, бошқарув саволларини ҳуқуқ доирасида аниқ ҳал қила билиши;

д) ўз ишида статистик таҳлил усулларини ва раҳбарлик маданиятини ишлата билиши;

е) тиббий бўлим ходимларини малакасини, тиббиётдаги илмини ва касб маҳоратини ошириши;

ж) муассасанинг санитария аҳволини ва эпидемиологик барқарорликни ушлаб туриш, тиббиёт бўлимини дид билан жиҳозланганлиги;

з) тиббий бўлим жамоаси ичида муайян психологик аҳволни ушлаб туриши, жанжалли вазиятларни йўқлиги, ходимлардан тиббий бўлим бошлиғи фаолиятига ўринли шикоятлар тушмаганлиги.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов
хизматлари ва жазони ижро этиш
муассасаларида сақланаётган шахслар
тиббий таъминоти бўйича
Қоидаларга 4-Илова.**

Касалхона бошлиғининг наъмунавий хизмат вазифалари

1. Маҳкумлар учун мўлжалланган касалхона бошлиғи касалхона фаолияти устидан раҳбарлик қилади ва унинг олдидан турган вазифаларни бажарилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

Касалхона бошлиғи бўлмаган тақдирда унинг вазифаларини касалхона бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари ёки малакали бўлим бошлиқларидан бири бажаради.

2. Касалхона бошлиғи куйидагиларни бажариши шарт.

Касалхона таркибий бўлимлари ишини мувофиқлаштириш бўйича ўзининг муовинлари, бўлим бошлиқлари вазифаларини белгилаши.

Маҳкумларга касалхона шароитида комплекс терапия, пархез таомлар, физиотерапевтик даво усуллари ва қайта тикловчи даволаш усулларини қўллаш билан, юқори малакали стационар ёрдамни ташкил қилишни таъминлаши.

Касалхонада даволаш-таҳлил ишларини мукамаллаштириш, ўринлар омилкорлигини ошириш, ўлим ҳолатини камайтириш чора-тадбирларини қўллаш, касалхона бўлинмаларини бошқариш услуб ва шакллариини такомиллаштириш, бошқа даволаш муассасаларини илғор тажрибаларини касалхона фаолиятига татбиқ қилиш.

Касалхона ишини режалаштиришни амалга ошириш ва уни бажарилишини ташкил қилиш. Касалхона таркибий бўлимлари ишини, шифокор-ординаторлар иш жадвалини, касалхона ички тартибини, шу билан бирга ходимлар хизмат вазифаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Қўл остидаги ходимларнинг хизмат вазифаларини ва режадаги чора-тадбирларни қай даражада бажарилаётганини назорат қилиб туриш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ТМЭК ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ Махсус тиббий комиссиясига тайёрланадиган ҳужжатлар ва маълумотномаларни ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши устидан назоратни таъминлаш.

Юқори турган ташкилотлар буйруқ, кўрсатма, йўриқнома ва услубий қўлланмаларини, касалликни олдини олиш, ташҳис қўйиш, даволашнинг янги услуб ва воситалари тўғрисидаги ахборотларни мунтазам равишда касалхона ходимлари эътиборига ҳавола қилиш, уларни ўз вақтида ишлатиш ва татбиқ қилиш.

Ўз вақтида ва синчковлик билан касалхонадаги барча фавкулотдаги ҳодисаларни, шу билан бирга касалхонага беморларни кеч юбориш ҳолатларини, тўсатдан содир бўлган ўлим, тиббий ёрдамнинг кечиктириб бошланганлиги ҳолатларини, касалхона ичида тарқалган инфекция каби ҳодисаларни текшириш натижалари ва қўрилган чора-тадбирлар ҳақида ЖИЭББ ва юқори турувчи тиббий бошлиқларга ахборот бериш.

Касалхонада маслаҳат кўриқлари, консилиумлар, эрталабки шифокорлар йиғилишлари, режали ва навбатдан ташқари бўлимлардаги, хоналардаги ва бошқа касалхона бўлинмаларидаги кўриқларни ташкил қилиш ва ўз вақтида ўтказиш.

Тиббий хизматчилар ва касалхона бошқа ходимларини танлаш, жойлаштириш, тарбиялаш ва малакасини ошириш каби ишларни амалга ошириш.

Касалхонанинг мавжуд моддий-техник негизини амалий талабга мослиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, уни янгилаш, мустаҳкамлаш ва сақлашга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш.

Касалхонада санитария-гигиеник тартиб ва эпидемияга қарши режимни қўлланилишини таъминлаш, шу билан бирга касалхона худудини кўкаламзорлаштиришга эътибор бериш.

ЖИЭМ Ички тартиб қоидаларига риоя қилиш, касалхона ходимлари интизоми, беморларни сақлаш тартибини таъминлаш. Беморлар томонидан касалхона ички тартиб қоидалари ва сақлаш тартиби бузилганда уларни муддатидан олдин касалхонадан чиқариб, тегишли ЖИЭМга юбориш масалаларини ҳал қилиш.

Касалхона фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни сифатли тузилишини ва уни юқори ташкилотларга ўз вақтида топширилишини таъминлаш.

Маҳкумларнинг ва улар қариндошларининг таклифлари, шикоятлари, аризаларини сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, уларнинг ҳар бири тўғрисида аниқ хулоса чиқарилишини ташкил қилиш.

Беморларга хизмат кўрсатишда касалхона ва тиббий бўлимлар ўртасидаги алоқани ва узвийликни таъминлаш.

Касалхонага юборилган касалларни текшириш натижаларини таҳлил қилиш асосида (ташҳисдаги тафовутлар, беморни касалхонага юборишдан олдин муассасалар тиббий ходимлари томонидан ўтказилган тиббий текширув ва даволашдаги жиддий хатолар ҳақида) услубий ва ахборот хатлари тайёрлаш ва муассасаларга юбориш.

Маҳкумларнинг умумий касалланиши ва вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик билан кечадиган касалланишларини ўрганишда, касалланишни камайтиришга қаратилган соғломлаш-тириш ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқишда касалхона мутахассисларининг иштирокини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ билан келишилган ҳолда ЖИЭМлардаги тиббий бўлимлар ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш, профилактика, ташҳис қўйиш, даволаш ишларини ташкил қилиш ва ўзлаштириш, профилактик кўрикни ташкил қилиш учун касалхона шифокор - мутахассисларини юбориш.

Фавқулудда ходисалар, ёнғин ва бошқа табиий офатларда беморларни қутқариш ишларига касалхонани тайёрлигини таъминлаш, ёнғинга қарши чора-тадбирларни бажарилишини назорат қилиш.

Касалхона таркибий бўлинмаларида тиббий ҳужжатларни, гиёҳванд, кучли таъсир қилувчи ва бошқа тиббий воситаларни мавжуд қонун-қоидалар асосида сақланишини ташкил қилиш.

3. Касалхона бошлиғи ўз вазифаларини бажариш вақтида, қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Мустақил даволаш муассасаси бўлган касалхонада:

а) шаходатланган тиббий ходимлар лавозимига шифокорларни қабул қилиш масаласини ўрнатилган тартибда юқори турувчи бошқармалар билан келишиш;

б) ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилиш ва озод қилиш;

в) ўрнатилган тартибда шифохона ходимлари ва касалхонада даволанаётган маҳкумларни рағбатлантириш ва интизомий жазолаш;

г) касалхона ташкилий ишлари билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича буйруқлар чиқариш.

д) қарз олиш, шартномалар тузишга буйруқ бериш.

Шунингдек мустақил даволаш муассасаси бўлган касалхона бошлиғи юқорида қайд этилган ҳуқуқлардан ташқари, ЖИЭМлари бошлиқларига бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади.

ЖИЭББга, шунингдек касалхона фаолияти ва ходимлар масаласи бўйича муассаса маъмуриятига таклифлар киритади.

Касалхона фаолияти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқаётган кенгаш ишида иштирок этади.

ИИВ ЖИЭББ, Тиббиёт бошқармаси, ИИВ, ИИБ тиббиёт бўлимлари, хизматлари раҳбарияти эътиборига тиббий таъминотни яхшилаш ва махсус контингентни соғлиғини муҳофаза қилишни такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритади.

4. Касалхона бошлиғи ўз фаолияти давомида қуйидагилар билан ўзаро муносабатларни таъминлаб туради.

Касалхонани бошқаришда-маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари билан.

Тиббий таъминот борасида-дорихоналар бошқармаси ва «Ўзтиб-техника» бўлимлари билан.

Илғор иш тажрибаларни ўрганиш, маслаҳат кўриklarини ўтказишда етук мутахасис-шифокорлар ёрдамидан фойдаланиш, конференциялар, иш жойларида тиббий ходимларни тайёрлаш, кўрсатмалар бўлганда маҳкумларни соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарига ётқизиш учун жойларни ажратишни-соғлиқни сақлаш идоралари касалхоналарининг бош шифокорлари билан.

Касалхонани қон ва қон ўрнини босувчи препаратлар билан таъминлашда-қон қуйиш станцияси бош шифокори билан.

Ташхис қўйиш ва даволашни янги усул ва воситаларини амалиётда қўллаш учун-илмий текшириш институтлари ва тиббиёт институтлари билан.

Касалхона жойлашган ҳудуддаги эпидемиологик вазиятни тезкор назорат қилишда-маҳаллий санитария-эпидемиологик станциялари билан.

Санитария - гигиеник ва тиббий тарбия воситалари билан касалхонани таъминлаш - саломатлик марказлари билан.

Касалхонада санитария тартиби ва эпидемиологик вазиятни барқарорликни таъминлашда - ИИВ, ИИББ, ИИБ санитария – эпидемиологик хизматлари билан.

Махсус контингентни сақлаш ва улар орасида тарбия ишларини олиб бориш, касалхона фаолиятини маблағ билан таъминлаш, ётоқ фонддини ривожлантириш, таъмирлаш ишларини олиб бориш-ЖИЭМ маъмурияти билан (ЖИЭМ қошидаги касалхоналар учун).

5. Касалхона бошлиғининг иш натижалари қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади.

Касалхона фаолиятининг кўрсаткичлари (ётоқ фонддини самарали ишлатиш, бўлимлар ишларини ташкил қилишдаги камчиликлар

билан боғлиқ бўлган даволаш - таҳлил ишларидаги кўпол хатолар, ўлим ҳолатлари, касалхонага ётқизишда асосланмаган рад қилинишлар йўқлиги).

Касалхонадаги фавқулудда ҳодисаларнинг, даволаш - таҳлил ишларига асосланган шикоятларнинг, касалларга нисбатан бепарволик ҳолатларини бўлмаганлиги.

Қўл остидаги хизматчилар орасида лавозимларни тўғри тақсимланиши, ходимлари режали ва бошқа ишлари устидан назоратни таъминланганлиги.

Бошқариш масаласида билимдонлик, касалхона муассасалари фаолиятини белгилайдиган меъёрий ҳужжатларни билиши.

Иш жараёнида статистик текшириш усуллари ҳамда бошқарув маданиятини қўллай билиши.

Касалхона ходимларининг билимини мукамаллаштириш ва касбий маҳоратини ошириш борасида амалга оширган ишлари.

Касалхонада санитария тартиби ва эпидемиологик вазият барқарорлигини таъминланганлиги.

Ходимларнинг иш ва маънавий сифатларини билиш, уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, соғлиғини муҳофаза қилиш ишларини йўлга қўйилганлиги.

Жамоада қулай руҳий муҳит таъминланганлиги ва можароли ҳолатлар бўлмаганлиги.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ тергов
хбсхоналари ва жазони ижро этиш
муассасаларида сақланаётган шахслар
тиббий таъминоти бўйича
Қоидаларга 5-Илова.**

**Касалхонада даволанётган махсус контингент учун
намунали ички тартиб қоидалари**

1. Касалхонага келаётган ҳамма беморлар врач кўруви ва санитария ишловидан сўнг навбатчи врач кўрсатмасига кўра тегишли бўлимга юборилади.

2. Бемор касалхонага келганида устки, ички кийимларини ҳамда оёқ кийимларини ва бошқа шахсий нарсаларини касалхона хўжалик бўлими бошлиғига ёки уни ўрнига қолдирилган шахсга хат хужжат қилиб топширилади.

3. Беморлар касалхонада бўлган вақтда қуйидагиларга амал қилишга мажбурдирлар:

а) ЖИЭМ томонидан ўрнатилган ички тартиб қоидаларига ҳамда касалхона маъмурияти томонидан ўрнатилган тартибга риоя этишлари керак;

б) назоратчилар таркиби ҳамда врач кўруви вақтида, тана ҳароратини ўлчаш вақтида, ухлашга ажратилган вақтда, кечқурунги ухлаш вақтида беморлар ўз палаталарида бўлишлари керак;

в) сайр қилиш вақтида фақатгина касалхонада сайр қилиш учун белгиланган жойлардагина сайр қилиш, чекиш учун махсус ажратилган жойлардагина чекиш зарур;

г) касалхона тиббий ходимларини кўрсатмаларини ва буюрган ишларни аниқ бажариш;

д) палатада, касалхона ичида ҳамда касалхона ҳудудида тозалик ва тартибга риоя этиш;

е) агарда беморни умумий аҳволи яхши бўлса, бемор ўз ўрнини ва тумбочкасини тозалаш ва тартибга келтириши зарур;

ж) палатадан чиқиш вақтида бемор албатта халат (пижама) ва оёқ кийим кийиб чиқиши зарур;

з) касалхонанинг барча хоналарида тинчлик сақлаш зарур;

и) касалхона жиҳозлари авайлаб ишлатиш зарур. Беморни айби билан касалхона жиҳозлари бузилса етказилган зарар бемор ҳисобидан тўланади;

4. Касалхонадаги беморларга қуйидагилар ман этилади:

а) палаталар ва коридорларда чекиш, кимор ўйнаш, ман этилган буюмларни сақлаш, бошқа маҳкумлар билан дераза орқали суҳбатлашиш;

б) касалхонанинг бошқа бўлимларига берухсат кириш;

в) ўринларда уст кийимлар билан ётиш ёки ўтириш;

г) бўлинма бошлиқлари рухсатсиз палаталарнинг бўш ўринларидаги чойшаб ва ёстиклардан фойдаланиш, бўш ўринларга ёки палаталарга ўзича кўчиб ўтиш;

д) палаталарда нонни сақлаш ва қуритиш, шунингдек палаталардаги қутиларда тез бузулувчи маҳсулотларни сақлаш;

е) ўрин-жойлар тагида турли нарсаларни сақлаш.

5. Бемор маҳкумларга қариндошлари билан учрашувлар врач рухсати билан, улар жазони ижро этаётган муассаса тартиб турига кўра белгиланган тартибда, муассаса бошлиғи томонидан рухсат этилади. Агар махсус контингентни касаллиги унинг ҳаётига хавф соладиган равишда оғир бўлса, муассаса бошлиғи унинг яқин қариндошларига навбатдан ташқари учрашувга рухсат бериши мумкин. Карантин пайтида бемор маҳкумларни қариндошлар билан ҳар қандай учрашуви бекор қилинади.

6. Касалхонада ўрнатилган тартибни ва интизомни сақлаш мақсадида даволаш бўлимлари бошлиқлари томонидан тиббий ходимларга ёрдам бериш учун бемор маҳкумлар орасидан бўлим ва хоналар бўйича жавобгар шахслар ажратилади.

7. Ёнгин содир бўлган ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда касалларни эвакуация қилиш қатъий режа асосида касалхона тиббий ходимлари томонидан амалга оширилади.

8. Бемор юзага келган ҳар қандай низолар бўйича хизмат қилувчи ходимлар ва маҳкумлар билан ўзаро бахслашмай ёки жанжаллашмай, балки бўлим катта ҳамширасига, навбатчи ёки даволовчи шифокорга мурожаат қилади.

9. Касалхона ички тартибини қўпол равишда ёки доимий бузганлиги учун беморлар касалхонадан тегишли муассасага жўнатиб юборилади ёки ЖИЭМлари Ички тартиб қондаларига кўра жазоланади (агар бу иш маҳкумни соғлиғи ёки ҳаётига хавф солмаса).

10. Беморларни шахсий масалалари бўйича қабул қилиш касалхона маъмурияти томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ тергов
ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш
муассасаларида сақланаётган шахслар
тиббий таъминоти бўйича
Қоидаларга 6-илова.**

**Махсус контингент орасида силга қарши махсус
профилактика ва химиопрофилактика ўтказиш.**

Махсус профилактика.

1. Манту синамасини тергов ҳибсхоналарида 18 ёшгача бўлган ўсмирларга флюорография текширувидан кейин ўтказилади. Буни махсус тайёрланган ва синамани ўтказишга рухсат этилган ҳамширалар амалга оширади. Манту синамасини ўтказиш учун М.А.Линников туберкулини - ППД-Л (тозаланган оксил деривати) қўлланилади. Унинг таркибида стерилликни таъминловчи 0, 01%ли хинозол бўлиб, қўлланишга тайёр суяқ ҳолда ишлаб чиқарилади. 5мл (50 доза)лик флакон 25 кишига, 3 мл (30 доза)лик флакон эса 15 кишига мўлжалланган. Линников туберкулини 0, 1мл эритмасининг биологик активлиги 2 халқаро бирлик (2 ТБ)га мос келади ва 1 доза ҳисобланади. Препарат ҳарорат 0 Сдан 4 Сгача бўлган қоронгу хонада сақланганда 12 ой ўзини хусусиятларини сақлайди. Ҳар бир туберкулин қутисида препаратни қўллаш йўриқномаси бўлади. Синамани ўтказишдан олдин шифокор ва ҳамшира бу йўриқномани албатта ўқиб чиқиши шарт. Манту синамасини ўтказиш учун қуйидаги махсус асбоблар тўпламидан фойдаланилади:

- а) бикс (18 га 14 смли) пахта учун - 1 дона;
- б) 1 мл ҳажмли туберкулин шприцлари - 50 дона;
- в) тери орасига инъекция учун 0415 рақамли калта игналар - 100 дона;
- г) стерилизаторлар - 3-4 дона;
- д) туберкулинни флакондан олиш учун;
- е) 0840 рақамли инъекцион игналар - 10 дона;
- ж) 15 смли анатомик пинцетлар - 2 дона;
- з) 100 ммли ойнасимон чизгич - 6 дона;
- и) дезинфекцияловчи эритмалар учун 0, 25 - 0, 5 литрли идишлар - 2 дона.

2. Туберкулин шприцлари ва игналарини автоклавда стерилизация қилинади. Туберкулин эритмаси билакнинг ўрта 3 дан 1 қисмига тери орасига юборилади. Тери 70%ли этил спирти билан артилиб, шприцга 0, 2мл 2 доза туберкулин эритмаси олиниб 0, 1 мл юборилади. Ҳар бир инъекциядан олдин шприцдан туберкулин эритмасининг 1 томчиси чиқариб юборилади. Манту синамаси тўғри бажарилганда терида оқиш инфильтрат пайдо бўлади. Бу инфильтратни қачиниш, сувга теккизиш ва дезинфекцияловчи эритмалар билан артиш мумкин эмас. Манту синамаси 72 соатдан сўнг ўқилади. Бунинг учун ойнасимон чизгич билан инфильтратнинг горизонтал диаметри ммда ўлчанади, гиперемиянинг ўлчами ҳисобланмайди. Бу ҳолатда гиперемия билан инфильтратни ажрата билиш зарур.

3. Манту синамаси ва унинг натижалари 063/У рақамли тиббий ҳужжатга қайд қилинади.

Манту синамаси натижалари:

а) гумонли реакция-инфильтрат (папула)нинг ўлчами 2-4 мм ёки инфильтратсиз гиперемиянинг ҳар қандай ўлчами;

б) мусбат реакция - инфильтратнинг ўлчами 5 мм ва ундан ортик;

в) гиперэргик реакцияда инфильтратнинг ўлчами:

г) болаларда 17 ммдан ортик;

д) катталарда 21 ммдан ортик ёки иккала ҳолда ҳам ҳар қандай ўлчамли везикулонекротик ўзгаришлар;

е) манфий реакция - инъекциянинг нуқтасимон ўрни.

Манту синамаси натижалари - гумонли, мусбат ва гиперэргик реакцияли шахсларга БЦЖ вакцинаси қайта эмланмайди. Гиперэргик реакцияли шахслар фтизиатр-шифокор орқали чуқур тиббий кўриқдан ўтказилади. Актив сил аниқланганда бемор стационар даволашнишга юборилади, патология аниқланмаганда изониазид препарати билан 2 ой давомида химиопрофилактика ўтказилади.

4. Манту синамасини ўтказишга қарши кўрсатмалар:

а) тери касалликлари;

б) ўткир ва сурункали юқумли касалликларнинг қайталаниш даври ҳамда соғайишдан кейин 2 ой муддат давомида;

в) аллергия ҳолат ва анамнезида аллергия реакция кузатилганлик;

г) ревматизмнинг ўткир ва ўткир ости даври;

д) бронхиал астма;

е) эпилепсия.

5. Силга қарши эмлаш учун куруқ БЦЖ вакцинаси қўлланилади. Эмлаш дозаси - 0, 1 мл эритмадаги 0, 05 мг препаратга тенг. Вакцина 1 мг БЦЖ сақланган ампулаларда ишлаб чиқарилади. 1 ампулада 0, 05 мг препаратдан 20 доза мавжуд. Вакцинани сақлаш муддати - 2 йил, сақлаш шароити - 8 С.дан юқори бўлмаган музлатгичда. 0, 1 мл эритмада 0, 05 мг БЦЖ дозасини олиш учун куруқ БЦЖ вакцинасини 2 мл физиологик эритмада эритилади. Бир мартали эмлаш учун 0, 2 мл (2 доза) эритилган вакцинани стерилланган шприцга олинади, сўнг игнадан 0, 1 миллилитри чиқариб юборилади, 0, 1 миллилитри эса чап елканинг юқори ва ўрта қисмлар чегарасига тери орасига юборилади. Вакцинани 0, 1 млдан ортиқ юбориш тақиқланади.

Эмлаш техникаси тўғри бажарилганда, инъекциянинг ўрнида диаметри 6-8 мм бўлган оқиш папула пайдо бўлади. 15-20 минутдан сўнг папула йўқолади ва тери ўз ҳолатига қайтади. Эмланган жойни йод ва бошқа дезинфекцияловчи эритмалар билан ишлов бериш ҳамда боғлам қўйиш тақиқланади.

Вакцинани қатъий равишда тери орасига юборилади, чунки вакцинани тери остига юборилиши маҳаллий совуқ абсцессни келтириб чиқаради. 1-2 ойдан сўнг маҳаллий эмлаш реакциясини тиббий ҳужжатга қайд қилиш билан унинг ўлчами ва характериға қараб баҳоланади. Тиббий ҳужжатга қуйидагилар қайд қилинади: туберкулин (БЦЖ вакцинаси)ни ишлаб чиқарган муассаса; уларнинг серияси; назорат рақами ва препаратнинг яроқлилиқ муддати; туберкулин синамаси (БЦЖ ревакцинацияси) ўтказилган кун. Реакция натижаси мм ларда ўлчанади. БЦЖ билан фақат силга мойил бўлмаган клиник соғ шахслар Манту синамасидан кейин 3-14 кун ичида эмланади.

Қайта эмлаш қуйидаги ҳолатларда амалга оширилмайди:

- гумонли ва мусбат Манту синамаси;
- силдан даволанган шахслар;
- Манту синамасини ўтказишга бўлган қарши кўрсатмалар шу ҳолатга ҳам тааллуқли.

Силнинг махсус профилактикасини ўтказиш унумлик мезони - силга мойил бўлмаган контингентда иммунитетни пайдо қилиш билан сил билан касалланишни камайтириш, Манту синамаси орқали гиперэргик реакцияли шахсларни ўз вақтида текшириш, актив сил жараёнини аниқлаш ва махсус даволашни бошлашдир.

Химиофилактика

6. Химиофилактика сил таёқчаларини ажратувчи беморлар билан мулоқатда бўлган ва туберкулинга гиперэргик реакцияли ҳамма шахсларга ўтказилади.

Химиофилактикани бошлашдан олдин контингентни албатта рентгенофлюорографик ва умумий қон таҳлили текширувларидан ўтказилади. Флюорограммалар тиббий картага тикиб қўйилиши шарт. Химиофилактикадан бош тортган маҳқумларга муассаса тиббий бўлими шифокорлари томонидан тушунтириш ишлари олиб борилади. Ҳар бир химиофилактика ўтказиладиган маҳқумга муолажа варақаси тутилади. Бу тиббий ҳужжатда маҳқумнинг Ф.И.Ш. туғилган йили, тана вазни, отряди, изониазиднинг дозаси, препаратни қабул қилиш муддатлари ва химиофилактиканинг умумий давомийлиги кўрсатилиши шарт. Химиофилактика тугагандан сўнг муолажа варақаси тиббий картага ёпиштирилади.

7. Химиофилактика изониазид (тубазид) препарати билан амалга оширилади. Препарат овқатлангандан сўнг тана вазнига 10 мг/кг ҳисобида 1 маҳал берилади (60 кг вазнли беморга - 0, 6 тубазид, 90 кг ва ундан ортик вазнда - 0, 9 тубазид). Препарат 1 ҳафтада 3 кун берилади - интермиттик усулда, йилда бир марта 3 ой давомида тиббий ходим иштирокида. Бу усул химиофилактика қабул қилаётган шахслар учун қулайлигидан ташқари илмий томондан унумлиги тасдиқланган ҳамда ҳамширанинг ишини 2 мартаба энгиллаштирилади.

Препаратни қабул қилиш фельдшер ёки ҳамширанинг қатъий назорати остида амалга оширилади, бу билан химиофилактикани тўғри бажарилаётганини ва препаратни ноҳўя таъсирини ўз вақтида аниқлаш имконияти яратилади. Агар маҳқум ўзини ёмон ҳис қилиб препаратни қабул қилишни тўхтатган бўлса, ҳамшира бу ҳақда шифокорга дарҳол айтиши лозим. Шифокор эса беморни кўриқдан ўтказгандан сўнг препарат дозасини камайтириши ёки химиофилактикани тўхтатишни ҳал қилади.

8. Химиофилактикани уюшган ҳолда ўтказиш учун ҳамма шахслар 2 гуруҳга бўлинади. 1 гуруҳ ҳафтанинг тоқ кунлари - душанба, чоршанба, жума; 2 гуруҳ - жуфт кунлар - сешанба, пайшанба, шанба кунлари препаратни қабул қилади.

Актив ўпка сили билан доимо мулоқатда бўлган шахсларга химиофилактика 3-5 йилда қайтарилади.

Изониазидни қабул қилганда – бош оғриги, бош айланиши, юрак уриши тезлашиши, баданга тошмалар тошиши каби ножўя таъсирлар кузатилиши мумкин. Агарда бу ҳолатлар препаратни ярим дозасини қабул қилганда ҳам кузатилса, препаратни қабул қилиш тўхтатилади. Ўтказилаётган химиопрфилактикани самарадорлик мезони – мулоқотда бўлган шахслар орасида сил билан касалланишнинг йўқлиги.

Изониазид қабул қилинишини сифатли назорати

9. Изониазидни сийдикда аниқлаш

Бир хил диаметрли 2 та пробиркага 2 мл дан сийдик солинади.

1-пробиркага дарҳол ванадий аммоний тузининг ишчи эритмаси қўшилади. 10 дақиқадан сўнг эса 2-пробиркага қўшилади. Изониазид реактив билан реакцияга киришиб қўнғир-қизил рангни беради, вақт ўтган сайин қўнғир-қизил рангнинг интенсивлиги камайиб боради, 10 дақиқадан сўнг иккала пробиркадаги суюқликлар рангининг интенсивлиги солиштириб кўрилади. Агарда сийдикда изониазид мавжуд бўлса 2-пробиркадаги суюқликнинг ранги биринчисига қаранганда тўқроқ бўлади. Изониазид сийдик таркибида бўлмаса иккала пробиркадаги суюқликларнинг ранги бир хил интенсивликда бўлади.

10. Ванадий аммоний тузининг ишчи эритмасини тайёрлаш.

Асосий эритма: 1 литр сувга 2, 5г ванадий аммоний тузи қўшилади ва тўлиқ эригунга қадар 48 соатга қолдирилади. Эритма филтрланади ва 5-6 кунга тиндирилади, сўнг ундан ишчи эритма тайёрланади: 200 мл филтратга бир нормали H_2SO_4 дан 50 мл. қўшилади.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ тергов
ҳибхоналари ва жазони ижро этиш
муассасаларида сақланаётган шахслар
тиббий таъминоти бўйича
Қоидаларга 7-Илова.**

**Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, сил, таносил касалликлари
билан оғриган беморларга махсус даво муолажаларини ўтказиш
ва сақлаш учун мўлжалланган жазони ижро этиш тизимидаги
муассасаларнинг
РЎЙХАТИ**

№ к/к	Касалликлар Турлари	Тартиб тури	Муассасалар	Жойлашиш Ҳудуди	Махсус ўринлар Сони
1	Сурункали Алкоголизм ва Гиёҳвандлик	Ҳамма тури Ҳамма тури Қаттиқ Қаттиқ Умумий Қаттиқ Қаттиқ Умумий Қаттиқ Қаттиқ Умумий Қаттиқ Қаттиқ Умумий Кучайтир илган Махсус Қамоқ	УЯ-64/7 УЯ-64/21 УЯ-64/1 УЯ-64/6 УЯ-64/45 УЯ-64/46 УЯ-64/47 УЯ-64/49 УЯ-64/51 УЯ-64/61 УЯ-64/ТТМ УЯ-64/ЗТМ УЯ-64/25 УЯ-64/Т-1	Тошкент ш. Бекобод ш. Садовий п. Чирчиқ ш. Олмалиқ ш. Навобий ш. Қизил-тепа ш. Қарши ш. Косон ш. Қарши ш. Тошкент ш. Садовий п. Қоравулбозор ш. Андижон ш.	20 ўрин 5 ўрин 40 ўрин 30 ўрин 40 ўрин 40 ўрин 30 ўрин 40 ўрин 30 ўрин 10 ўрин 2 ўрин 2 ўрин 5 ўрин 5 ўрин
2	Сил	Ҳамма тури Ҳамма тури Ҳамма тури Махсус Қамоқ	УЯ-64/7 УЯ-64/36 УЯ-64/62 УЯ-64/25 УЯ-64/Т-1	Тошкент ш. Навобий ш. Когон ш. Қоравулбозор ш. Андижон ш.	25 ўрин 70 ўрин 50 ўрин 75 ўрин 25 ўрин
3	Таносил Касалликлари	Ҳамма тури Умумий	УЯ-64/7 УЯ-64/3 УЯ-64/33	Тошкент ш. Товоқсой п. Қарши ш.	

		Қаттик Умумий Қаттик Кучайтир илган Умумий Махсус Камоқ	УЯ-64/61 УЯ-64/48 УЯ-64/ЗТМ УЯ-64/ТТМ УЯ-64/25 УЯ-64/Т-1	Қарши ш. Зарафшон ш. Садовий п. Тошкент ш. Қоровулбозор ш. Андижон ш.	
--	--	--	---	---	--

Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Тиббиёт бошқармаси

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Умумий қоидалар	5
1-модда. Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари	5
2-боб. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати.....	17
3-боб. Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар	29
4-боб. Жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини текшириш ҳамда назорат қилиш	36
5-боб. Жарима тариқасидаги жазони ижро этиш	44
6-боб. Муайян ҳуқукдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш	49
7-боб. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш	60
III бўлим. Қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш	77
8-боб. Қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари.....	77
IV бўлим. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш.....	91
I кичик бўлим. Умумий қоидалар	91
9-боб. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасалари	91
10-боб. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш	103
11-боб. Жазони ижро этиш муассасаларидаги режим	116
12-боб. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш	162
13-боб. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар меҳнати	170
14-боб. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш.....	188
15-боб. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар таълими ва касб тайёргарлиги	197
16-боб. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари.....	201
II-кичик бўлим. Колония ва турмаларда жазони ўташ	218
17-боб. Манзил – колонияларда жазони ўташ	218
18-боб. Умумий тартибли колонияларда жазони ўташ.....	236

19-боб. Қаттиқ тартибли колонияларда жазони ўташ.....	241
20-боб. Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ.....	245
21-боб. Турмаларда жазони ўташ.....	249
22-боб. Тарбия колонияларида жазони ўташ.....	255
23-боб. Айрим тоифадаги маҳкумлар томонидан жазони ўташ хусусиятлари.....	264
V бўлим. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш.....	271
24-боб. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ва шартлари.....	271
VI бўлим. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш, қамок ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш.....	279
25-боб. Хизмат бўйича чеклаш ва қамок тариқасидаги жазоларни ижро этиш.....	279
26-боб. Интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ижро этиш.....	289
27-боб. Қўшимча жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.....	302
VIII бўлим. Жазони ўташдан озод қилиш.....	306
28-боб. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш.....	306
29-боб. Жазо ижросини тугатиш.....	316
30-боб. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш тартиби.....	320
IX бўлим. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш.....	325
31-боб. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари ва уларни ижро этиш асоси.....	325
IX бўлим. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш	
32-боб. Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат.....	330
33-боб. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш.....	338
34 боб. Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш.....	355
Иловалар.....	358
I-бўлим. Умумий қоидалар.....	389
I боб. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари тиббий хизматларининг тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахсларга даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш бўйича асосий вазибалари.....	389
II-боб. Тергов ҳибсхоналарида ва жазони ижро этиш муассасаларида санитария назоратини ташкил этиш бўйича умумий қоидалар.....	390
III боб. Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари объектлари устидан санитария-гигиена назорати.....	391

IV боб. Эпидемияга қарши чора-тадбирларни ташкил этишнинг умумий қондалари	410
V боб. Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларида эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш.....	414
III бўлим. Тергов қилинаётганларни ва маҳкумларни даволаш-профилактика таъминоти	440
VI боб. Тиббий бўлим ишини ташкиллаштириш, унинг жиҳозланиши ва асбоб ускуналар билан таъминланиши	441
VII боб. Тиббий бўлимда даволаш ва профилактика ишларини таъминлаш. Махсус контингентни соғлиғини тиббий назорат қилиш	442
VIII боб. Қасалхона шароитида стационар ёрдамни ташкил қилиш	460
IX боб. Айрим қасалликларда даволаш-профилактика тадбирлари	482
X боб. Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган беморларни диспансеризация қўригидан ўтказиш	501
XI боб. Аёллар ва вояга етмаганларни тиббий таъминоти	516
XII боб. Вақтинчалик ва узок муддатга меҳнат Қобилияти йўқотилганлиги экспертизаси	531
XIII боб. Ортопедик-протез маҳсулотлар таъминоти	533
XIV боб. Махсус контингентни бошқа жойга кўчиришда ва озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилишда тиббий ёрдамни ташкил қилиш	535
XV боб. Тиббий таъминот	537
XVI боб. Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш	539
XVII боб. Тиббий ҳисобни юргизиш ва тиббий ҳисоботни тузиш. Бириктирилган контингентни соғлиғини ва тиббиёт хизмати фаолиятини статистик таҳлили	541
XVIII боб. Тиббий бўлим ишини режалоштириш	543
Иловалар	546

ЖИНОЯТ ИЖРОИЯ КОДЕКСИГА ШАРҲЛАР

**Мухаррир: С.Салимова.
Техник муҳаррир: А.Боймаматов.
Компьютерда саҳифаловчи: А.Худайбергенова.**

**Босишга рухсат этилди: 9.11.2007. Ҳажми: 35,9 б.т.
Адади: 1000. Буюртма: № 1138.
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ 35.**

